

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

М.М. МИРТОЖИЕВ

ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНЕТИКАСИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент – 2013

УЎК : 811.512.134
КБК: 81.2 Ўзб-1
М 53

Ўзбек тили фонетикасига бағишланган мазкур монографияда ўзбек тилидаги нутқ товушлари ва уларнинг ўзгаришлари, бўғинлар, урғулар ҳамда интонация атрофлича тадқиқ этилган. Тадқиқот тўлалигича экспериментал таҳлилларга суянганлиги билан аҳамият касб этади.

Монография олий ўқув юрталарининг ўзбек филологияси факультетларида таълим олаётган талаба ёшлар ва тилшунос мутахассисларга мўлжалланган.

Тақризчилар :

филология фанлари докторлари, профессорлар
Ё. Тожиев, С. Муҳамедова

ISBN 978-9943-19-239-3

© Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти, 2013 й.

С Ў З Б О Ш И

“Ўзбек тили фонетикаси” деб номланган ушбу китоб фақат ўзбек адабий тилини эмас, унинг шевалари ва ўзлашган лексикасини ҳам назарда тутди. Унинг тадқиқий хулосалари эксперимент таҳлилларига қаттиқ суянади. Эксперимент асосан осциллографик текширишлар натижасини ҳисобда тутди. Бунинг учун махсус дикторлар товушидан фойдаланишга тўғри келди. Дикторлар асосан баритон овозли эркаклардан танланди. Шу билан бирга кимограмма, рентгенограмма, кинограммаларга ҳам ўрни билан мурожаат қилинди.

Фонетиканинг физик акустика ва биология билан, шубҳасиз, алоқаси бор. Унинг айрим ҳодисалари тавсифида шу фанлар билан мослигини таъминлашга ҳаракат қилинди. Ваҳоланки, шу хусусда ўзбек тили фонетикасига бағишланган энг сўнги ишларда ҳам анча чалкашликлар бор.

Шу вақтгача яратилган ўзбек тили фонетикасига оид тадқиқотларда асосан эшитиш методига суяниш, бунинг устига, рус тили фактлари асосида аниқланган айрим фонетик қонуниятларга ўзбек тили фактларини зўрма-зўраки мослаштириш йўлидан борилган. Эксперимент шу ҳолатлардан холи қилади, деб ишонилди.

Бу ишда нутқнинг беш босқичли фонетик бўлинишидаги бирликлар тўлалиги билан тадқиқ этилади. У гап, такт, сўз, бўгин ва нутқ товушидан иборат. Нутқнинг энг кичик бўлаги нутқ товушидир. Лекин кўп фонетистлар нутқ товуши қолиб, фонема ҳақида фикр юритадилар. Ҳатто, айримлар нутқ товуши типлари миқдори чексиз, унга уринишнинг ҳожати йўқ, деган қарашни илгари сурадилар. Аммо у нутқ органи ижросидан иборат. Нутқ органлари товуш ҳосил қилиш учун маълум артикуляция ўрнини шакллантириб, унда ижро этади. Артикуляция ўрни биологик жиҳатдан санокли бўлади. Шундай экан, фонетика нутқнинг энг кичик фонетик бўлаги ҳақида баҳс юритади. Товуш ўзгариши ҳам нутқ товушида кечади, фонемада эмас. Китобда бу ҳақида ҳам алоҳида боб ажратилган. Ундан сўнг бўгинга эътибор қаратилган. Сўз, такт ва гаплар суперсегмент, яъни урғу ва интонация томонидан ўрганилади.

Ишнинг “Нутқ товуши” ва “Нутқ товушларининг ўзгариши” деб номланган 1- ва 4-бобларида асосан товушлар ҳақида гап борганлиги учун, унда келтирилган барча мисоллар транскрипция билан қайд этилди. Чунки уларни ўз ҳолича реал кўриш керак, деб ҳисобланди. Бошқа бобларда бу йўл тutilмади. Шунинг учун ҳам транскрипция 1-боб сўнгида илова тарзида берилди.

Экспериментлар олиш учун ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фонетика лабораториясидан етарлича фойдаланилди. Бунинг учун, ўша даврдаги лаборатория илмий ходимларига ва осциллографик таҳлилларни чиқаришимда ҳолис ёрдам берган филология фанлари номзоди, илмий ходим Ж. Маматовга катта раҳматлар айтаман. Шунингдек, иш давомида ўз тақризлари ва мулоҳазалари билан фикрлашиб турган филология фанлари доктори, профессор А. Нурмонов, ишнинг нашрга тайёрланишида ўз вақти ва ёрдами аямаган филология фанлари номзоди Х. Б. Қодироваларга чексиз миннатдорчилик билдираман. Фонетикага бўлган интилишимнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган марҳум филология фанлари доктори, профессор Ф. А. Абдуллаевнинг ёрқин хотирасини доимо ёд этаман.

Мазкур “Ўзбек тили фонетикаси” фақат экспериментга суяниб қилинган дастлабки иш бўлганлиги учун, унда айрим мулоҳазали ўринлар бўлиши мумкин ва табиийдир. Ишдаги бу каби ўринларга ўзининг ҳолис мулоҳазаси билан ёндашган ҳар бир мутахассисга муаллиф олдиндан мамнуният ва миннатдорчилик изҳор этади.

Муаллиф

К И Р И Ш

Тилшуносликнинг таниқли намояндаси бўлган Ж. Вандриес: “Тилшунослар тилдаги уч таркибий қисмни: товушлар, грамматика ва луғатини бир-биридан ажратадилар”¹, – деган фикрини сал кам юз йиллар илгари айтган эди. Маълумки, тил кишилар ўртасида алоқа қуролидир. Сўзловчи шу қурол воситасида тингловчига маълум бир маъно ва мақсадини етказади. Шу маъно ва мақсад товуш ёки товушлар комплексида ифода топган бўлади. Маълум товуш ёки товушлар комплексида маъно ёки мақсаднинг ифода топиши луғавий бирлик, луғат, лексика ҳисобланади. Шу лексиканинг маълум грамматик қонуниятлар асосида коммуникацияга киришуви нутқ – тилдир. Бу ўринда тилнинг уч босқичдаги таркибий қисми ҳақида гап борди: тилнинг материал манбаи – товушлар; шу материал манбаи ўз воситасида ташиши – лексика, луғат; ўша лексиканинг кишилар мулоқатга киришуви учун ўзаро коммуникатив алоқада бўлиш қонунияти – грамматикани ажратиб беришга ҳаракат қилинди.

Товуш тилни намоён этувчи материалдир. Яъни тил усиз намоён бўлмайди. Л. Р. Зиндер қайд этганидай, тилнинг зарурий қисмини товуш томони ташкил қилади². Морфема, сўз ва гапларнинг материал қобиги товуш бирликлари билан барпо этилади³. Аммо, шунга қарамай, товуш тил учун шартли белгилардир. Мантик нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, шартли белгини танлаш қатъий бир тўхтамага эга эмас⁴. Оғзаки нутқда тенгсиз ўз қимматига эга бўлган товуш ўрнида ёзма нутқда ёзув, гунгларда имо-ишора, техникада морзе унинг вазифасини ўтайди. Аммо бу ўринда ҳам бир “аммо”ни айтишга тўғри келади. Уларда тил учун зарур бўлган, ҳақиқий нутқ шаклланмайди, бўгин, такт, ургу, интонациялар амалга ошмай қолади. Шу ёзувнинг ўзи тил эмас. У оғзаки нутқнинг ўзида акс эт-

¹ Қрнғ.: Вандриес Ж. Язык. –М., 1937. –С.16.

² Қрнғ.: Зиндер Л. Р. Общая фонетика. 2-изд. –М.: ВШ., 1979. –С. 4.

³ Қрнғ.: Буланин Л. Л. Фонетика современного русского языка. –М.: ВШ., 1970. –С. 7.

⁴ Қрнғ.: Сосюр Ф. Курс общей лингвистики. –М., 1933. –С.35.

тирувчи, унинг базасида юзага келган воситалардир. Имо-ишора, бошқача айтганда, паралингвистика ҳам оғзаки нутқ билан йўлдош юрувчи, оғзаки нутқда берилмоқчи бўлган мазмунни тасдиқлаб турувчи, уни қувватловчи, эслатувчи кечимлар ҳисобланади. Ҳар қандай тил асосида нутқ товушлари ётади. Нутқ товушлари нутқ органида шаклланади. Инсон организмида тилни юзага келтира оладиган бошқа орган йўқ ва у бўлганда ҳам, товушга хос мураккаб элементларни юзага келтира олмас эди¹.

Нутқ товушлари фақат қуруқ физик акустикадан иборат эмас. Унинг ўз фазалари бор. Бу фазалар воситасида ўзаро бирлашиши, мазмун семантикасини ифода этиш учун ўз комплексини шакллантириш, бўғинларни таркиб топтириш имкониятига эга. У ўз тембри билан юзага чиқади, турли урғуларни, такт ва гап интонациясини барпо этади². Нутқ товушига хос бу хил элементлар ҳар бир хусусий тилда ўзига хос ҳолатда шаклланади. Бирор тил фонетикаси тадқиқ этилар экан, шу тилга хос нутқ товушларининг айтиб ўтилган бор элементлари эътиборда тутилиб ўрганилади. Ўзбек тили фонетикаси тадқиқ этилганда шулар назарда тутилиб, уни беш қисмга бўлиб, таҳлил этишга тўғри келади: 1) нутқ товушлари, уларнинг аспектлари, таснифи ва тавсифи; 2) силлабика, бўғин ва унга хос томонлар; 3) акцентуация, яъни сўз урғуси, типлари, таснифи; 4) нутқ товуши ўзгаришлари; 5) интонация: такт интонацияси ва гап интонацияси.

Фонетикага мурожаат жуда қадимдан бошланиб, у асосан нутқ товушларини ўрганишга қаратилган. Бу ўзбек тилига ҳам мансуб. Унда дастлабки хатларни яратиш, ёзувлардаги айрим ҳарфларда берилган товушларни тавсифлаш баҳонасида берилган фикрлар бор. Тилшунос Т. Содиқов ёзма ёдгорликларнинг саҳифаларида, ҳошияларида айрим нутқ товушига берилган тавсифлар рўйхатини ўз асарига киритган³. Шунга ўхшаш айрим товушлар тавсифи М. Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” луғатида ҳам учрайди⁴. Бошқа тилларда ҳам ёзувнинг келиб чиқиши жараёнида айрим нутқ товушларининг тавсифига тўхтаб ўтилганлиги кузатилади. Буларнинг ҳаммасида ҳам бир-бирига ўхшаш ҳолда товушнинг

¹ Крнг.: Зиндер А. Р. Общая фонетика. –С. 5.

² Крнг.: Буланов А. Л. Фонетика современного русского языка. –С. 9.

³ Крнг.: Содиқов Т. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилининг юзага келиши ва тикланиши. –Тошкент: Фан, 2006. 102–106-бб.

⁴ Крнг.: Кошғарий М. Девону луғотит турк. Т.1. –Тошкент: Фан, 1960. 47–50-бб.

артикуляция ўрни, усули, огизнинг очилиши, лаб иштироки ҳақида гап боради. У бир товушга қаратилади¹.

Умуман тилшуносликда нутқ товушлари ва уларнинг типлари. таснифи, акустикаси ва артикуляцияси юзасидан бир неча мақола ва монографиялар яратилган. Жумладан немис тилшунослиги бўйича Ф.Тренделенбург², Г.Унгеҳевер³, Э.Сиверс⁴лар монографияларини кўрсатиш мумкин. Уларнинг монографиялари асосан нутқ товуши акустикаси ва акустик назариясига бағишланган. Бу масалага улар нутқ товушлари таснифидан келиб чиқиб ёндашганлар. Рус тилшунослигида Л.В.Шчербанинг ва Л.В.Бандарконинг асарларини қайд этишга тўғри келади. Бунда Л.В.Шчерба рус тилидаги унлиларнинг миқдори ва сифати ҳақида фикр юритгани ҳолда⁵, Л.В.Бондарко рус тилидаги нутқ товушлари шаклланишига эътиборни қаратган⁶.

Туркий тиллар тилшунослигида ҳам нутқ товушларининг айрим томонларини ёритиб берувчи асарлар яратилган. Уларнинг бири А.Жунусбековнинг номзодлик диссертацияси эканлиги ҳолда⁷, иккинчиси Ж.А.Аралбаевнинг монографиясидир⁸. Уларнинг ҳар иккиси ҳам қозоқ тили унлиларига бағишланган. Бунда улар кўпроқ унли фонемааларини назарда тутганлигига қарамай, сингармонизмга кўра ҳар бирида пайдо бўлган вариантлари, яъни унли нутқ товушлари, улар таснифи, артикуляцияси, акустикаси ҳақида анча муфассал маълумотлар берилган. Худди шундай иш татар тилида ҳам бор. У У. Ш. Байчуранинг қаламига мансубдир. Айтилганидай, у татар тилидаги нутқ товушлари шаклланиши ҳақида фикр юритган⁹. Бундай асарлар қирғиз тилида ҳам, туркман тилида ҳам мавжуд. Қирғиз тилидаги нутқ товушлари шаклланишига бағишланган диссертация Т. К. Аҳматов қаламига мансуб экани ҳолда, кўпроқ қирғиз тилидаги фонемаларни характерлашга

¹ Қрнг.: Зиндер А. Р. Ўша асар. Ўша бет.

² Қрнг.: Trendelenburg F. Einführung in die Akustik. –Berlin, 1950.

³ Қрнг.: Ungeheuer G. Elemente einer akustischen Theorie der Vokalartikulation. –Berlin, 1962.

⁴ Қрнг.: Sievers E. Grundzüge der Lautphysiologie. –Leipzig, 1893.

⁵ Қрнг.: Щерба Л. В. Русские гласные в качественном и количественном отношении. –С.Петербург, 1912.

⁶ Қрнг.: Бондарко Л. В. Звуковой строй русского языка. –Л., 1977. –С. 16–58.

⁷ Қрнг.: Джунусбеков А. Гласные казахского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Алма-Ата, 1969.

⁸ Қрнг.: Аралбаев Ж. А. Вокализм казахского языка. –Алма-Ата: Наука, 1970.

⁹ Қрнг.: Байчура У. Ш. Звуковой строй татарского языка. –М. –Л.: АҚД., 1958.

ҳаракат қилган¹. Туркман тилидаги унли товушларга бағишланган диссертациянинг муаллифи эса А. Моллаевдир. Бунда асосан туркман тилидаги унлилар тизими тадқиқ этилган².

Ўзбек тилида ҳам нутқ товушларининг маълум бир томонига бағишланган асарлар кўпгина миқдорни ташкил қилади. Улар турлича мавзуда ёзилган. Қуйидаги икки мақола биттадан нутқ товушига бағишланган. Улардан биттаси Ш. Ш. Шоабдурахмонов ва Д. Абдурахмоновлар томонидан ёзилган бўлиб, 9 унлисининг лабланган ё лабланмаганлигини ҳал этиб беришга қаратилган. Бу товуш ўзбек тилининг деярли шеваларида лабланмаганлиги ҳолда, фақат ўтмиши суғдларга бориб тақалган³ Бухоро-Самарқанд ўзбеклари шевасида лабланганлиги исботлаб берилган⁴. Иккинчи мақолада аффрикатлар ҳақида тўхтаб, уларни портловчи-сирғалувчи товуш, демоқчи бўлинган⁵. Аммо унда мантиқий бир қараш илгари сура олинган эмас. Муаллифининг ҳам шу доирада бир неча мақолалари бор. Ундаги қарашлар шу иш ичида бериб борилади. Шу доирада яна А.Маҳмудовнинг ҳам бир мақоласи бор. Бунда у тилда товуш тизими, сингармонизм ва ургуниинг ўзаро муносабати ҳақида фикр юритади⁶. Ҳақиқатан ҳам, унлилар варианты ортишида сингармонизм ўз аҳамиятига эга бўлган. Шу соҳада яна иккита йирик асар бўлиб, бири А.Маҳмудовга тегишли, у ўзбек тилидаги унлилар ҳақида боради⁷. Иккинчиси, ўзбек тилининг Наманган шевасидаги нутқ товуши составига бағишланган⁸.

Фонетика мана шу нутқ товушларини ўрганишдан бошланади. Лекин бу нутқ товушини фонемадан ажратиб, алоҳида тил ҳодисалари сифатида талқин этиш эмас. Улар бир нарса бўлиб, нутқ товушида фонема шаклланади. Аммо фонема фонетикада эмас, фонологияда тадқиқ этилади. Нутқ товушлари фонетиканинг текшириш объектидир.

¹ Крнг.: Ахатов Т. К. Звуковой строй современного киргизского литературного языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Фрунзе, 1969.

² Крнг.: Моллаев А. Безударные гласные в туркменских многогласных словах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ашхабад, 1980.

³ Суғдлар суғд тилида гаплашган. Бу тил Ҳинд-Европа оиласининг эроний тиллар гуруҳига мансуб. У ҳозир ўлик тил ҳисобланади.

⁴ Крнг.: Шоабдурахмонов Ш. Ш., Абдурахмонов Д. Ўзбек адабий тилида (9) о унлиси лабланмаган // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –1962. 1-сон.

⁵ Крнг.: Маҳмудов А. Аффрикатлар. –Тошкент: Кибернетика, 1983.

⁶ Крнг.: Маҳмудов А. Тилда сингармонизм, ургу ва товуш системасининг ўзаро муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. –1980. 1-сон, 48-б.

⁷ Крнг.: Маҳмудов А. Гласные узбекского языка. –Тошкент: Фан, 1960.

⁸ Крнг.: Атамирзаева С. Звуковой состав наманганского говора узбекского языка. –А.: АКД, 1962.

Фонетиканинг текшириш объектларидан яна бири силлабика-дир. Силлабикада бўғинлар ва унинг турли томонлари тадқиқ этилади. Бу соҳа юзасидан бир неча тилшуносликларда кўп йиллардан бери тадқиқий ишлар олиб борилмоқда. Кўпроқ унинг таркибига диққат қаратилган¹. Уларда келинган хулосага кўра, ўзбек тилининг ўз лексикасига мансуб сўзлар бўғини марказида бир унли бўлгани ҳолда, у бир ундош ёки кнаклаут билан бошланади ва охири очик ёки бир ё икки ундош билан тугаган бўлади. Ўзлашган сўзларнинг рус тилидан ёки у орқали бошқа тиллардан олинганларидаги бўғинларнинг таркиби бундай бўлмаслиги мумкин. Уларда ҳам унли бўғин маркази эканлиги ҳолда, бўғин боши ва охирида учтагача ундош бўлиши ёки мутлақо бўлмаслиги ҳам кузатилади. Яна сўз бўғинлари юзасидан ўз тадқиқотларини эълон қилган бир неча тилшунослар ҳам бўлиб, улар, асосан, сўзларнинг бўғинга ажралиш қонуниятларини очиб берганлар². Улардаги умумий фикрга кўра, ўз лексикага мансуб бўғинлар фақат бир ундош билан бошланади, аммо рус тилидан ёки рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўз бўғинлари бу қонуниятдан ҳолидир. Яна икки диссертация бўғин масаласига бағишланган бўлиб, улар турли тиллардаги сўз бўғинларини бир-бирига қиёслайдилар. Улардан маълумки, Ҳинд-Европа тиллари билан туркий тиллардаги сўз бўғинлари тузилиши туб жиҳатдан ўзаро фарқ қилди. Уларда бир-бирига ўхшаш томонлар жуда кам³.

¹ *Криг.*: Essen G. Die Silbe – ein phonologischer Begriff. Z р. Phonetik. Вn.5. –1951. Н ¾.; Ишаев А. Мангит шевасида бўғин тузилишининг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –1961. 4-сон, 50–55-66. Ўша муал. О развитие структуры слогов узбекском языке // Опыт экспериментального изучения языка. –Ташкент: Фан, 1982; Seiler H. Laut und Sinn. Zur Struktur der deutscher Einsilber // Lingua. –1962. №11. –S. 414–428; Ибрагимов Т. И. Изучение образование слогов и структура их сочетаний в татарском литературном языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Казан, 1970; Ризаев С. Бўғин структурасини ўрганиш тажрибасидан. –Тошкент: Фан, 1975; Потапова Р. К. Слоговая фонетика германских языков. –М.: ВШ, 1986; Шодиев Ф. Т. Ҳозирги ўзбек тилида бир бўғинли сўзларнинг структур-семантик талқини ва деривацион хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2008; Имяминова Ш. С. Ҳозирги ўзбек тилида бўғин ҳосил бўлишининг нигилистик ва статистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009.

² *Криг.*: Трахтеров А. А. Основные вопросы теории слога и его определение // ВЯ. –1956. №6; Успенский М. П. Законы слогаodelения в русском языке // Филологические науки. –1956. №1; Hirz-Weirzbicke Z. Funktionale Belastung und Phonemkombinationen am Beispiel ein Silbiger Wörter der deutschen Gegenwartssprache // Forschgsberichte. Bd. 138. –1971. –S. 249.

³ *Криг.*: Шаменова А. К. Сопоставительное исследование структуры слогов в английском и киргизском языках и дистрибуции в них фонем. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Фрунзе, 1974; Тайметов К. С. Силлабическая структура слова в языках различных типов. Дисс. ... докт. филол. наук. –М., 1988.

Сўз урғуси тилшуносликнинг тадқиқот марказида турган масала ҳисобланади. Айниқса, рус тилшунослигида унга алоҳида аҳамият берилган. У ҳақда XX асрнинг II ярмида учта йирик асар яратилган¹. Улар 1) Е. Курилович, 2) А.К.Текорюс, 3) Н.А.Федяниналар қаламига мансубдир. Е.Куриловичнинг иши асосан сўз урғусининг тизимига оид бўлиб, А.К.Текорюснинг иши унлиларнинг акустик интенсивлиги билан урғуларнинг муносабатига бағишланган. Н.А.Федянинанинг ўқув қўлланмаси сўз урғусининг барча хусусиятларини таҳлил этиб бериш билан бирга унинг барча туркумга оид сўзларда тутган ўрнини характерлаб берган. Чунки сўз урғуси ҳар бир туркум семантикаси ва у сўз бўғини моҳиятига қараб намоён бўлади. Ишнинг қиммати ҳам шунда.

Ўзбек тилидаги сўз урғусини ўзбек ёки туркий тилларнинг тилшунослари ўрганар экан, рус тилидаги бор қарашларни унга тадбиқ этиб юбораверишган. Рус тилидаги сўз урғуси бўғиндаги унлининг акустик интенсивлигига боғли эканлиги учун, у динамик урғу деб қаралган. Ўзбек тили фонетикаси билан дастлаб руслар шуғулланишган. Шунинг учун, улар шунга қиёсан ўзбек тилидаги сўз урғусини ҳам динамик урғу деб юборган². Ундан кейин сўз урғуси ҳақида фикр юритган ўзбек тилшунослари ҳам уларга эргашган. Масалан, А. Ғ. Ғуломовнинг урғуга бағишланган асарида ҳам³, В.Решетов ва Ш.Шоабдурахмоновларнинг “Фонетика”сида ҳам⁴, ҳатто, А.Маҳмудовнинг номзодлик диссертациясида ҳам⁵ ўзбек тилидаги сўз урғусини динамик урғу деб кўрсатилган. Бундай ҳолат бошқа туркий тилшунослигида ҳам кузатилади⁶. Фақат И.А.Киссен ўзбек тилидаги сўз урғуси динамик эканлиги қатъий эмаслигини, ҳатто, рус тилидан ўзлашган сўзлар урғуси ҳам руслардаги даражасида талаффуз этилмасли-

¹ Қрғ.: Курилович Е. Система русского ударения // Очерки по лингвистике. –М., 1962; Текорюс А. К. Акустическая интенсивность гласных как, аспект исследования словесного и фразового ударения. –Л., 1971; Федянина Н. А. Ударение в современном русском языке. –М.: РЯ., 1976.

² Қрғ.: Боровков А. К., Ғуломов А. Ғ., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм. Фонетика ва морфология. –Тошкент: Ўздавнашр, 1940. 23-б.

³ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ. Ўзбек тилида урғу. –Тошкент, 1947.

⁴ Қрғ.: Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Фонетика. –Тошкент: Фан, 1953. 25-б.

⁵ Қрғ.: Маҳмудов А. Словесные ударение в узбекском языке. –Ташкент: Фан, 1960.

⁶ Қрғ.: Абдуллаев М. М. Место и природа словесного ударения в современном азербайджанском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Л., 1964. –С.12.

гини кўрсатади. Буни у ўзбек тилида сўз урғуси ҳали шаклланиб етмаганлигига йўяди¹.

Нутқ товушининг ўзгаришига бағишланган алоҳида ишлар жуда кам. Ҳинд-Европа оиласига мансуб тиллар доирасида А.В.Десницкаяга ўхшаш айрим тилшуносларнинг ишлари бўлса ҳам², улар ўзбек тилшунослиги учун аҳамиятсиз. Бунинг устига туркий тиллар тилшунослигида ҳам бу соҳада йирик иш санокли даражада. Бунга ўзбек тилшуноси Ф.А.Абдуллаевнинг ҳ қоришиги урчиши ва Ҳ сонантининг урчиши ҳақидаги³, Ж.Маматовнинг редуция ҳақидаги диссертацияни⁴ кўрсатиш мумкин. Қозоқ тилидаги бир ишда ҳам шу тақрорланган⁵.

Маълумки, интонацияга эътибор, тилшунослик фани анча ривожланган нуқтага етгач, берила бошлади. Шунда ҳам у ўтган асрнинг 30-йилларидан рус ва Европа халқлари тилшунослигида кўзга ташланади. У А.М. Пешковскийнинг грамматика ва интонация муносабатига бағишланган мақоласида қайд этилди⁶. Яна маълум йил оралаб Е.Крузинга ва И.Я.Блиновларнинг ишлари дунёга келиб, улар нутқда юзага келган айрим интонацион белгилар ҳақида фикр юритдилар⁷.

Интонацияга анча чуқур кириб, унинг ҳар бир компонентини атрофлича тадбиқ этишга 1960 йиллардан киришилди. 1961 йил П.С.Поповнинг мантиқ урғусига бағишланган иши эълон қилинди⁸. Кейин Л.В.Бондарконинг нутқни осциллографик таҳлил

¹ Қрғг.: Киссен И. А. Краткий очерк фонетики русского языка в сопоставлении с фонетикой узбекского языка. –Ташкент: Учпедгиз, 1952. –С. 47.

² Қрғг.: Десницкая А. В. Чередования гласных в германских языках (аблаут). –М. –Л.: Изд. АН СССР, 1937.

³ Қрғг.: Абдуллаев Ф. А. Турк тилларида Ҳ товушининг урчиши масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –1961. 2-сон, 66-6.; Ўша муал. О генезисе джеканы в тюркских языках // Общественные науки в Узбекистане. –1961. №2. –С. 52.

⁴ Қрғг.: Маматов Дж. Т. Ўзбек тилида редуция. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Ташкент, 2009.

⁵ Қрғг.: Қиличев Б. К. Редуция узких гласных звуков в казахском и каракалпакском языках // Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Алма-Ата, 1967.

⁶ Қрғг.: Пешковский А. М. Интонация и грамматика // Вопросы методики родного языка, лингвистики и стилистики. –Л., 1930.

⁷ Қрғг.: Krusinga E. The Phonetic Structurale of English Words. –Bern, 1943; Блинов И. Я. О русской речевой интонации // Уч. записки МГПИ, 1956. Т. 89, вып. 6.

⁸ Қрғг.: Попов П. С. О лингвистическом ударении // ВЯ. –1961. №3.

этиш билан ўрганишни кўрсатувчи йирик иши яратилди¹. Бу билан у интонациянинг турли компонентлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни бериб ўтди. Шу 1965 йилдан бошлаб гап интонациясига бағишланган қатор ишлар дунё юзини кўрди. Дастлаб Ҳ. Исмагуллаевнинг риторик сўроқ гапларга бағишланган мақоласи эълон қилинган бўлиб, у эшитиш методига асосланган эди². Шундан кейин туркий тилларнинг бир нечасида гап интонациясига бағишланган йирик ишлар, кўпроқ номзодлик диссертациялари яратилди. Улардан кўпи сўроқ гап интонациясига бағишланган эди³. Бу ишларнинг катта ютуғи эксперимент асосида олиб борилганлиги бўлди. Унда гап оҳанги, темпи, паузаси, товуш кучи ва мантиқ урғуси кабиларнинг ҳаммаси изчил эътиборда тутилди. Шу йилларда яна нутқ просодияси, мураккаб гап интонациясига бағишланган ишлар ҳам юзага келди. Яъни интонациянинг махсус томонлари ишлаб чиқилди⁴. 1970–1980 йиллар оралиғида эса интонациянинг умумий муҳим хусусиятлари тадқиқ этилди⁵. Ўзбек тилшунослигида, ҳатто, дарак гап интонацияси мантиқ

¹ Қрғз.: Бондарко Л. В. Осциллографический анализ речи. –А., 1965.

² Қрғз.: Исмагуллаев Ҳ. Риторик сўроқ гаплар // Труды ТашГУ, вып. 268. –Ташкент, 1965. –С. 206–212.

³ Қрғз.: Бекимбетов А. В. Интонация собственно-вопросительного предложения в современном каракалпакском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1965; Аҳмедов А. Махсус интонацияли сўроқ гаплар // Ўзбек тили ва адабиёти. –1965. 3-сон, 41–45-бб.; Туркбенбаев Н. У. Интонация простых вопросительных предложений в казахском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Алма-Ата. 1966; Ахундов Дж. М. Вопросительные предложения в современном азербайджанском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Баку, 1969; Куренов С., Нурмухамедов А., Сапаев А. Туркмен дилинде йонекей хабар ва сораг созлемлеринин интонацияси. –Ашгабад, 1977; Йўлдошева Ҳ. Сўроқ гапларда пауза // Ўзбек тили ва адабиёти. –1978. 3-сон, 29-б.; Ўша муал. Интонация вопросительных фраз современного узбекского литературного языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, 1988; Чанаков И. Интонация вопросительного предложения киргизского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Фрунзе, 1980; Алексеев И. Д. Вопросительные предложения в якутском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Алма-Ата, 1983.

⁴ Қрғз.: Fry D. B. Prosodie phenomena // Manual of phonetics. –Amsterdam, 1968; Николаева Т. М. Интонация сложного предложения в славянских языках. –М., 1969. –С.43.

⁵ Қрғз.: Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлиқнинг ифодаланishi. –Тошкент: Фан, 1970. 7-б.; Нурмаханова Н. Об интонационной об особенностях типов предложения в тюркских языках // Уч. запис. МПНИИЯ, т. 60, Исследования языка и речи. –М., 1977. –С. 351–355; Мухитдинова А. Н. Интонация общего вопроса в английском и узбекском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –М., 1971; Балтаева Р. М. Интонация общего вопроса в татарском языке. Автореф. дисс. ...

урғуси ва пузанинг аҳамияти ҳам муфассал ҳар томонлама ўрганиб чиқилди¹. Лекин гапнинг коммуникатив типларидан буйруқ гапга тегилмади.

Юқорида қайд этилган илмий ишлардан олинган хулосаларга кўра, интонациянинг таянч компоненти гап, ҳатто, нутқ доирасида ҳам, товуш баландлиги тизими, яъни оҳанг ҳисобланади. У гапнинг мантиқ урғусига марказлашади. Интонациянинг шаклланишида пауза ҳам, товуш темпи ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Интонацияда товуш кучи, тембри, экспрессивлигининг аҳамияти иккинчи даражали ҳисобланади.

Бирор тил фонетикасига бағишланган иш тилшуносликнинг барча тармоқларига бағишланган ишлар ичида энг эрта бошланганларидан биридир. Бу соҳада немис тилшунослигини алоҳида тилга олишга тўғри келади. Немис тилшуноси О.Бремер яратган фонетикаси XIX асрда яратилган эди². Унда нутқ товушлари таснифи ва тавсифига алоҳида эътибор берилиши билан бирга, сўз бўғинлари ва урғуси ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтилган. Бу ўша давр учун тилшуносликда катта ютуқ эди. Ундан кейин Г.Есперсеннинг олий ўқув юртларига мўлжалланган фонетика дарслиги³ ва анча кейин Л. Лазирзиуснинг шунга ўхшаш фонетикаси⁴ яратилди. Умуман немис тили фонетикасига бағишланган анча асарлар дунёга келган. Бунга бошқа тил тилшуносликларидан яратилган немис тили фонетикасини илова қилиш мумкин⁵. Булардан О.Захер қаламига мансуб “Немис тили фонетикаси”ни алоҳида тилга олиш керак. Унда нутқ товушлари ва улардаги ўзгаришлар, бўғин, урғу, интонация

қанд. филол. наук. –М., 1972; Тоникина У. Т. Фонетическая структура сложных слов и словосочитаний. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –М., 1975; Ахмедова З. Н. Основные типы интонационных конструкций азербайджанского языка и их сопоставление с русским. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –М., 1976; Николаева Т. М. Фразовая интонация славянских языков. –М. 1977.

¹ Қрғз.: Ниёзов Д. М. Интонация повествования в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Тошкент, 1989; Ҳайитметов Ф. А. Алишер Навоий газаллари қофиясида мантиқ урғусининг бегилиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 1989; Йўлдошева Ҳ. Паузанинг лингвистик таҳлили // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. –Тошкент, 2007. 4-сон, 95-б.

² Қрғз.: Bremer O. Deutsche Phonetik. –Leipzig, 1893.

³ Қрғз.: Jespersen G. Lehrbuch der Phonetik. –Leipzig, 1913.

⁴ Қрғз.: Lazirzius J. Lehrbuch der Phonetik. –Berlin, 1961.

⁵ Қрғз.: Zacher O. Deutsche Phonetik. –L., 1960; Pudzitis K. Deutsche Phonetik. Korrigirender Lergang. –Riga, 1972; Нушаров М. М., Маматқулов Г. М. Немис тили фонетикаси. –Самарқанд, 1981.

ҳақида анча мукамал маълумотлар ва таҳлиллар келтириш билан берилган. Аммо нутқ товушлари фонема даражасида ўрганилган.

Немис тили фонетикасида урғу икки типга ажратиб таҳлил этилади ва у сўз урғуси, гап урғуси, деб номланган. Бу сўз урғуси ва гап урғусининг ички бўлиниши учун имкон бермаган. Фақат О. Захер ўз дарслигида гап интонациси юзасидан тадқиқотларини келтирган бўлса ҳам, у эшитиш методига асосланган⁶.

Француз тили фонетикасига бағишланган ишларнинг франсуз тилшунослигида яратилган бирортаси ҳам қўлимизга тушмади. Фақат рус тилшунослиги ва ўзбек тилшунослигида яратилган биттадан дарслиги кўриб чиқилди. Уларнинг ҳар иккисидан ҳам француз тилидаги артикуляция базаси, фонемалар ҳақида; бўгин, урғу, интонация ҳақида маълумот берилган. Улар дарслик талаби даражасида қисқа⁷.

Инглиз тили фонетикасига оид биргина монография қўлимизда бўлса ҳам, у фақат қўшма сўзлар оҳангига бағишланган бўлиб, фонетиканинг бошқа томонлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди⁸.

Рус тили фонетикасига бағишланган ишлар миқдоран кўп. Шулардан асосийларини олиб кўрсатишга тўғри келади. Рус фонетикасининг асосчиси деб, асосан Л. В. Щербани кўрсатилади. Аммо Л. В. Щчеба фонетикага бағишланган яхлит бир асарни бир йўла яратган эмас. Унинг 1912 йил билан 1946 йил оралигида тилшуносликнинг шу тармоғи доирасидаги ишларини шогирдлари томонидан тўпланиб, унинг 1972 йил нашр этилган тўпламига киритилган⁹. Л. В. Щербанинг шу фонетикасида рус тилининг нутқ товушлари, урғу ва интонацияси ҳақида умумий маълумотлар бор, лекин у монографик режа билан ёзилган эмас. Бунинг устига унда бўгин ҳақида фикр йўқ ва гарчи уни рус экспериментал фонетикасига асос солган, деб қаралса ҳам, ишдаги бирор ўринда эксперимент таҳлили ва унинг хулосаси ўз ўрнини топмаган. Бироқ ўзини Л.В.Щербанинг шогирди деб ҳисоблаган В.А.Богородицкий рус тили фонетикасига бағишланган ишини эксперимент хулосаларига асосланиб яратган¹⁰. Бунда у интонацияни асосий эътиборда тутган.

⁶ Крнг.: Zacher O. Deutsche Phonetik. –S. 162–196.

⁷ Крнг.: Chigarevskaja N. Traité de phonétique française. –М.: ВШ., 1966; Андрейчикова Л. П., Убайдуллаев М., Юсупова Н. А. Француз тили фонетикаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

⁸ Крнг.: Kruisenge E. The Fhonetik Structure of English Words. –Bern, 1843.

⁹ Крнг.: Щерба Л. В. Фонетика // Языковая система и речевая деятельность. –Л.: Нука, 1974. –С. 110–190.

¹⁰ Крнг.: Богородицкий В. А. Фонетика русского языка в свете экспериментальных данных. –Казан: КазГУ, 1930. –С. 69.

Рус тили фонетикасига бағишланган яна бир неча ишлар бўлиб, улардан асосийси А.Н.Гвоздев, Л.Л.Буланин, Р.И.Аванесовларга мансубдир¹. Улар асосан рус тилидаги унли ва ундош фонемалар, улар ўртасидаги алмашилишга, бўғинга ва сўз урғусига эътибор беришган. Фақат А.Н.Гвоздев фонема варианты, яъни нутқ товушларини ҳисобга олган. Гап интонацияси эса четлаб ўтилган². Умумий фонетикани яратган Л. Р. Зиндер ҳам шу доирада фикр юритган³. Фақат Р.И.Аванесов ишида эксперимент хулосалари ҳам берилган. Фонетист М.И.Матусевич томонидан яратилган дарслиқда фонетиканинг барча тармоқлари қамралган⁴. У нутқ товушлари, уларнинг ўзгаришлари, бўғинлар, урғулар ва, ҳатто, интонацияга ҳам тўхтаган. Лекин гап интонациясига тўхтар экан, фақат гап оҳангига эътиборни қаратган⁵. Аммо гап интонациясида товуш темпи, пауза кабилар ҳам ўз қимматига эга. Рус тилидаги гап интонациясида эса товуш кучи ҳам ўз аҳамиятини топиши керак.

Ўзбек тилшунослигида фонетика дастлаб В.Решетов ва Ш. Шоабдурахмонов ҳамкорлигида яратилган. Бунда улар нутқ товуши ва фонема муносабати, фонемалар тавсифи, нутқ товуши ўзгариши ҳақида, бўғин ва урғу ҳақида маълумот бердилар⁶. Улардан кейин А.Н.Кононов ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилига бағишланган иши ичида фонетикага тўхтаб, шу доирада маълумот келтирган⁷. Ўзбек тили фонетикасини яратган мазкур тилшунослар асосан руслар бўлганлиги орқасида рус тилидаги айрим фонетик қонуниятларни ўзбек тилига ҳам тадбиқ этиб юборганлар. Бу фонетикани тавсиф этган ўзбек тилшуносларига ҳам кўчган. Бу, айниқса, сўз урғусини динамик, деб қайд этилишида яққол кўзга ташланади. Ваҳоланки, ўзбек тилидаги сўз урғуси квантитативдир. Олий ўқув юрталари учун чиқарилган ўзбек тили дарслиқларида берилган тав-

¹ Крнг.: Гвоздев А. Н. Фонетика // Современный русский литературный язык. ч. I, Изд.3-ое. –М.: Просвещение, 1967. –С. 5–71; Буланин Л. Л. Фонетика современного русского языка. –М.: ВШ, 1970; Аванесов Р. И. Русская литературная и диалектная фонетика. –М.: Просвещение, 1974.

² Крнг.: Гвоздев А. Н. Фонетика... –С. 24–35.

³ Крнг.: Зиндер Л. Р. Общая фонетика. Изд.2-ое. –М.: ВШ, 1979.

⁴ Крнг.: Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –М.: Просвещение, 1976.

⁵ Крнг.: Матусевич М. И. Современный русский язык. –С. 241–272.

⁶ Крнг.: Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Фонетика. –Тошкент: Фан, 1953.

⁷ Крнг.: Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. –А.: Изд. АН СССР. –С. 13–56.

сиф юқоридагилардан фарқ қилмайди¹. Фақат Ҳ. Жамолхонов фонетиканинг тармоқларидан яна бири интонация эканини ва унинг компоненталарини қайд этган². Лекин у шу билан чегараланган.

Ўзбек тилшунослигида яна шевалар фонетикасига бағишланган монографиялар ҳам мавжуд. Улардан бири А. Ишаевнинг Мангит шеваси фонетикасига бағишланган диссертацияси бўлиб, унда нутқ товушлари, фонемаси, товуш ўзгаришлари ва бўгинлар ҳақида маълумот берилган³. Иккинчиси Ф. А. Абдуллаевнинг Хоразм шевасига бағишланган монографияси бўлиб, унда нутқ товушлари ва уларнинг ўзгаришлари, шунингдек, сўз урғуси ҳақида гап боради⁴. Учинчиси С. Отамирзаеванинг Наманган шеваси фонетикасига бағишланган монографияси бўлиб, унда асосан нутқ товушлари ва уларнинг ўзгариш қонуниятлари талқин қилинган. Унинг барча тадқиқий хуосалари эксперимент таҳлилларига асосланган⁵.

Муаллифининг ўзбек тили фонетикасига бағишланган ўқув қўлланмаси ҳам бўлиб, у уч марта, ҳар гал тўлдирилиб нашр этилган. Унда нутқ товушлари ва уларнинг ўзгариш қонуниятлари, шунингдек, силабикаси, акцентуацияси, гап интонацияси юзасидан дастлабки маълумотлар берилган⁶.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзбек тилининг илмий фонетикасини монографик режада яратишни мақсад қилиб олинди. Унда нутқ товушлари, уларнинг ўзгаришлари, шунингдек, силабика, акцентуация, интонация тармоқларининг мукамал қонуниятлари талқин этилиши мўлжалланди. Уларнинг ҳаммасини осциллографик экспериментга асосланиб олиб борилади.

¹ Қрғз.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-нашр. –Тошкент: Ўқитувчи, 1970. 55–78-бб.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фонетика. Морфология. 2-нашр. –Тошкент: Ўқитувчи, 1975. 78–96-бб.; Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. –Тошкент: Фан, 2009.

² Қрғз.: Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 170–173-бб.

³ Қрғз.: Ишаев А. Фонетические особенности мангитского говора узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, 1962.

⁴ Қрғз.: Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмских говоров. –Ташкент: Фан, 1967.

⁵ Қрғз.: Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование нанганского говора узбекского языка. –Ташкент: Фан, 1974.

⁶ Қрғз.: Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. –Тошкент: Университет, 1992. 1998; Шу муал. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-жилд. –Тошкент: Университет, 2004. 27–87-бб.

1-БОБ

Н У Т Қ Т О В У Ш Л А Р И

Ҳар қандай товуш ҳам нутқ товуши мақомини олавермайди. Нутқ товуши кишининг нутқ органида юзага келади. У, албатта, ўзининг физик хусусиятига эга ҳам бўлади. Шунга кўра, нутқ товушлари ўзининг икки аспектига эга бўлиши табиийдир ва натижада турли типларга эгадир. Унинг бу типларини ўз навбатида тасниф ва тавсиф этишга тўғри келади.

НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ АСПЕКТАРИ

Нутқ товушлари аспекти иккита: 1. Акустик аспект. 2. Биологик аспект. Нутқ товушининг акустик аспектида унинг физик хусусиятлари, компонентлари ҳақида гап боради. Унинг биологик аспектида товуш ҳосил қилувчи органларнинг анатомияси, физиологияси, вазифаси, патологияси ва дефектологияси юзасидан фикр юритилади.

Баъзи адабиётларда яна нутқ товушининг лингвистик аспекти ҳам борлиги ҳақида айтилган¹. Аммо лингвистик аспект товушга оид эмас. Бу ўринда лингвистик аспект деб товушнинг нутқдаги вазифасини назарда тутилмоқчидир. Аммо нутқ товушлари нутқда вазифа божармайди, балки нутқ шаклининг энг кичик бўлаги ҳисобланади. Биламизки, нутқ мазмунининг энг кичик бўлаги сема бўлади. Нутқ товушларида ифодаланган маънолар коммуникацияси нутқни юзага келтиради. Лингвистика мана шунга асосланади. Мана шу нутқ шаклининг энг кичик бўлаги яна шу нутқнинг аспекти деб қаралиши ҳақ вақт мантиққа сиғишмайди.

Инсон товушининг бу икки аспекти айна бир нарсанинг икки

¹ Крнз.: Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –М.: Просвещение, 1976. –С. 16; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. –Тошкент: Фан, 2009. 87-б.

томони бўлса ҳам, уларга алоҳида ёндашиш масалани аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Нутқ товушининг акустик аспекти

Нутқ товушлари акустикага асосланади. Акустикада уч кечим бўлади: 1) икки жисмнинг ўзаро урилиши, 2) натижада ҳавода тебраниш ҳосил бўлиши, 3) унинг эшитиш органига таъсири. Бу кечимлар физик акустикага оид бўлиб, у биоакустикадан бир жиҳати билан фарқланади. Бу фарқ биринчи кечимга кўра бўлиб, у физик акустикада икки жисмнинг ўзаро урилиши экани ҳолда, биоакустикада ўпқадан келган ҳаво оқимининг нутқ органига урилишидир. Физик акустика билан биоакустика 2- ва 3-кечимларига кўра айнан бир хил. Биоакустика нутқ товуши ҳисобланади. Нутқ товуши бир неча хусусиятга эга. Улар: товуш баландлиги, товуш кучи, товуш чўзиқлиги ва товуш тембридир.

Товуш баландлиги ўпқадан келган ҳавонинг нутқ органига урилиши натижасида ҳосил бўлган тебранишнинг секундлик миқдорига боғли бўлади. Ҳавонинг секундлик тебраниш миқдори қанча кўп бўлса, юзага келган товуш шунча баланд, унинг секундлик тебраниш миқдори қанча кам бўлса, юзага келган товуш шунча паст бўлади.

Одатда товуш ҳасил бўлиши кечимидаги ҳаво тебранишини гц (герц) билан ўлчанади. Бир гц. ҳаво оқими ёки ниманингдир берилган зарб йўналишида бир силкиниб қайтишидир. Мана шу гц.нинг секундлик миқдори товуш баландлиги учун ўлчов ҳисобланади. Масалан, 300 гц.ли товуш баландлиги. Яъни 300 гц.ли товуш баландлиги 100 гц.ли товушдан баланд бўлади. Инсон 16 гц.дан 20 минг гц.гача товушни эшитиш қобилиятига эга. Ундан кўп гц.ли товушлар ҳам бўлади. Уларни уатра товушлар деб аталади. Инсон қулоғи бундай кўп гц.ли товушни ҳис қилишга ожиз. Бундай юқори миқдорли гц.га эга товушни частотамер ёки асциллограф каби махсус аппаратлардагина ҳисобга олинади. Инсоннинг оддий сўзлашуви кечимида юзага келадиган товушлар баландлиги 100 гц.дан 400 гц.гача бўлган ораликдадир. Йўғон овозли эркакларда бўладиган бас товуши 40 гц.ли баландликда, инсоннинг энг ингичка деб ҳисобланган сапрано товуши 1700 гц.ли баландликда¹ ижро этилади.

¹ Ҳ. Жамолхонов сапрано товушини 170 гц. баланд деб кўрсатган. Менимча, у бир ўнаик хонасига адашган. Қрнг.: Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 81-б.

Ўпкадан келган ҳавонинг товуш пайига урилгандан ҳосил бўладиган секундлик гц. миқдори товуш пайида юзага келган секундлик тебраниш миқдорига тенгдир. Товуш пайининг ўпкадан келган ҳаво урилгандаги гц. миқдорининг кўп бўлиши шу товуш пайининг табиий имконияти билан боғли ҳолда юзага чиқади. У қанча юпқа бўлса, зарб натижасида секунтлик гц. миқдори шунча кўп қайд этилиш имкониятига эга ва аксинча. Одатда аёллар ва болаларнинг товуш пайлари юпқа бўлади. У эркакларнинг раста ёшидан кейин қалинлашади. Шунинг учун, аёл ва болаларнинг товуши ингичка ва баланд, эркакларнинг товуши йўғон ва пастдир. Яъни товушнинг йўғонлиги баландлигига нисбатан тескари пропорциядадир. Бу, ҳаётий суҳбат кечимини эсласак, яна ҳам тушунарли бўлади. Уйнинг иккинчи бурчидами ёки девор орқасидами, икки эркак суҳбатлашаётган бўлса, улар нима деяётганини англаш қийин, фақат гўнгилашаётгани эшитилади. Агар гаплашаётганлар аёл ёки бола бўлса, нима дейишаётганини бир ҳовли наридан ҳам аниқ билиш мумкин.

Товуш баландлиги ҳамма тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам гап оҳангини белгиловчи омилдир. У гапнинг ҳам синтактик, ҳам эмоционал оҳангини белгилайди ва шу оҳангнинг муҳим бир компоненти бўлиб келади. У гап синтагмасини, кириш сўзларни ёки кириш гапларни ажратиш кўрсатади ва гапнинг коммуникатив типларини ажратиш беради. Бу ҳақда эса китобнинг сўнгида муфассал тўхтаб ўтилган.

Товуш кучи нутқ органига нафаснинг берган зарби билан ўлчанади. Яъни нафас зарби кучли бўлса, товуш ҳам кучли ва аксинча. Шуни ҳам алоҳида айтиш зарурки, товуш кучи товуш баландлиги билан айтиш билан бир тушунча эмас. Товуш пайига берилган зарб бир хил бўлгани ҳолда, турли товушлар турли баландликда қайд этилиши мумкин. Масалан: *қизик* ва *қозик* сўзларида товуш пайлари бир хил зарб билан ҳаракатлантирилгани ҳолда, турли баландликда бошланиши кузатилади: *қизик* сўзининг биринчи бўғини баланд, *қозик* сўзининг биринчи бўғини унга нисбатан паст талаффуз этилган. Шунга қарамай, товуш баландлиги товуш кучига ниҳоятда боғли бўлади. Шунинг учун ҳам, рус тилида динамик ургу тушган бўғин унлиси бошқа бўғинлар унлисига нисбатан кучли талаффуз этилади, бинобарин баланд ва чўзиқ ҳолатда ҳам кузатилади¹. Яъни товушларнинг баланд ва чўзиқлиги ўз ўрни билан маълум даража товуш кучига бўйсунди. Товуш кучи зарбдан ҳосил бўлган тебранишнинг ҳар бир силкинишидаги зарб йўналиши бўйича бориб

¹ Қрғ.: Буланин Л. А. Фонетика современного русского языка. – М.: ВШ, 1970. – С. 162, 163.

қайтиш оралиғи билан белгиланади. Уни физик тил билан айтганда тебраниш амплитудаси дейилади. Тебраниш амплитудасини ўлчаш учун децибал ўлчов бириги қабул қилинган. Масалан, мантиқ урғуси қайд этилган унли синтагма урғуси тушган унлига нисбатан юқори децибалли бўлади.

Товуш чўзиқлиги ўпкадан келган ҳавонинг нутқ органига урилиш давомийлиги билан ўлчанади. Яъни у товушга кетган вақт билан боғли бўлади. Товуш чўзиқлигини оддий қулоқ билан фаҳмлаш мумкин, шунингдек частотомерда жуда аниқлик билан қайд этилади. У ҳар бир товушга кетган частота миқдори орқали аниқланади.

Товуш чўзиқлиги учун бир неча сабаблар бор. Масалан, нутқ темпи ҳам уни белгилайди. Нутқ темпи қанча тез бўлса, ундаги товушлар чўзиқлиги кам; қанча суст бўлса, ундаги товушлар чўзиқлиги шунча ортиқ бўлади. Яъни нутқ темпи тезлигига товуш чўзиқлиги тесқари пропорцияга эга.

Товуш чўзиқлиги асосан фонетик сабаб билан юзага чиқади. Юқорида кўрсатганимиздай, урғу олган бўғин унлиси бошқа бўғин унлиларига нисбатан чўзиқ бўлади. Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид полисиллабик сўзларнинг тоқ бўғинлари унлиси меъёрий чўзиқликка эга бўлса ҳам, жуфт бўғинлари унлиси ниҳоятда қисқа – редукцияга учраган ҳолда талаффуз этилади.

У артикуляция усулига ҳам боғли бўлади. Масалан, унли товушларни чўзиш имконияти катта, чунки у товуш пайида ҳосил бўлиб, оғиз бўшлиғидан тўсиқсиз ўтади. Оғиз бўшлиғи ва тил турли ҳолатни олиб, уни фақат шаклантирувчилик вазифасини ўтайди. Оғиз бўшлиғидан ўтувчи уннинг давомийлиги ўлқанинг ҳаво сизими даражасидадир. Портловчи товушларда давомийлик фақат оний бўлади. Сирғалувчи ва сонант товушлар чўзиқлиги имконияти портловчи товушлардагига нисбатан анча ортиқ.

Товуш чўзиқлиги эмоционаллик ва экспрессивлик билан ҳам боғли ҳолда кечади. Айрим товушларнинг сўзда чўзиқ талаффуз этилиши сўз маъносидаги эмоционаллик ва экспрессивликни ифодалайди. Масалан, *маза* > *мазза*, *роса* > *росса*, *озгин* > *оозгин*, *қизгиш* > *қизгишиш* каби.

Товуш тембри (сифати) қатор товуш тонлари хусусияти билан белгиланади. Товуш тонлари асосий тон, ёрдамчи тон ва шовқин каби типларга бўлинади. Асосий тон товуш пайининг умумий тебраниши ва унинг ҳавога кўчишидир. У ун ҳосил қилиб, унли товушларнинг асосини ташкил қилади. Ёрдамчи тон икки компонент-

дан: обертон ва резонатор тонлардан иборат. Булардан обертон (уни парциал тон деб ҳам аталади) ҳосил бўлган уннинг ажралмас компоненти ҳисобланади. Ҳамма торлар каби товуш пайлари ҳам берилган зарбдан бутун борлиги билан тебранади. Мана шу асосий тонни ҳосил қилади. Шу билан товуш пайининг маълум қисмлари ҳам алоҳида-алоҳида тебранади. Бу ёрдамчи тонни ҳосил қилиб, у асосий тон билан қўшилган ҳолда киши товуши, унинг унини шакллантиради. Мана шу ёрдамчи тон обертон ҳисоланади. Резонатор тон асосий тон ва обертоннинг оғиз, ҳалқум ва бурун бўшлиғи деворларига урилиб ҳосил қилган акс садосидир. У айрим товушларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, у бурун ва тил ёни сонантларининг шаклланишида ун ва шовқин билан бирга ҳал қилувчи вазифани ўтайди. Улар маълум портловчи жарангли ундош ҳосил бўлган артикуляция ўрнида ҳосил бўлиб, ўзининг фақат резонатор тони устунлиги билан фарқ қилади. Уларда артикуляция ўрнининг портлаш учун очилмай бурун ёки тил ёнидан уннинг айланиб ўтиши резонатор тон юзага келадиган бўшлиқ ҳажмини орттиради ва шунга кўра сонант шаклланади. Ўзбек тилида бурун резонатор тони ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган унли бўлмаса ҳам, назализацияга (бурун сонантлари ассимиляциясига) учраган унлилар бор. Умуман резонатор тон унлилар ва жарангли ундошлар талаффузида намоён бўлади ва киши товушининг ўзига хос шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. У куйчилар ҳаётида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Резонатор тони кучли бўлган киши овози жарангли, халқ таъбири билан айтганда, ширали бўлади. Усиз куйчиларнинг айтган ашуласи қуруқ, ёқимсиз бўлиб эшитилади. Турган гап, биз куйчининг резонатор тонини бошқа тонларидан ажратиб, алоҳида хис эта олмаيمиз, бироқ товуши сифатига қараб идрок этамиз. Чунки одамнинг товушидаги асосий тон ва обертонлари оғиз ва бурун бўшлиғида резонатор тонни ҳосил қилиб, ўзи билан бирга олиб чиқади. Бунинг устига асосий тон ва обертон билан резонатор тон ҳосил бўлиши ўртасидаги вақт оралиғи инсон илғайдиган даражада эмас. Резонатор тон масжид, черков, театр заллари ва тоғлиқ жойларда аниқ сезилади. У ерларда овоз чиқарилса, кетма-кет, тоғлиқ жойларда сал муддат ўтказиб, такрорланиб қайтади. Мана шу резонатор тондир. Куйчидаги резонатор тоннинг яхши бўлиши кўпроқ уннинг оғиз, ҳалқум ва бурун бўшлиғи тузилиши билан боғлиқ. Уларнинг қаттиқ танглайи катта сатҳли ва бурун бўшлиғи кенг, юмалоқроқ шаклланган бўлади. Турган гапки, куйчи куйида баъзи

сўзларнинг англашилмайдиган даражада талаффуз этилиши резонатор тон нуқсони ёки унинг таъсири эмас. У товушлар артикуляциясидаги дефект билан боғлиқдир.


Товуш тембрида яна шовқин ҳам ўз ўрнига эга. У товуш пайи иштирокисиз бошқа нутқ органларига нафас урилиши ва ҳавода тебраниш ҳосил бўлиши ҳисобланади.

Нутқ товушининг биологик аспекти

Нутқ товушининг биологик аспекти ҳақида гап кетганда нутқ органлари анатомияси, физиологияси ва вазифа кечими назарда тутилади. Шу билан бирга яна нутқ органларининг дефектологияси ва патологиясига эътибор бериш керак. Улар ҳам нутқ товуши ҳосил бўлишида ўз аҳамиятини ушлайди. Унинг равон ва тўғри талаффузи учун халақит бериши мумкин. Биз қуйида нутқ органларини мана шу нуқтаи назаридан атрофлича талқин этамиз.

1. Нутқ органлари анатомияси

Нутқ органи нутқ ҳосил қилишда қатнашган ҳар бир органдир. Нутқ органлари яхлит ҳолатда бир тушунчага эга бўлиб, нутқ аппарати дейилади. Нутқ аппаратини таркиб топтирувчи нутқ органлари дейилганда нутқ товушини ҳосил қилишда ўз физик фаолияти билан иштирок этувчи органлар назарда тутилади. Бироқ улар ўзидан-ўзи ҳаракатга келмайди. Уни олий нерв тизими ҳаракатга келтиради ва бошқаради. Нутқ органларини асосан икки нерв тармоғи бошқаради. Улардан бири тил ости нерви (*nervus hypoglossus*), иккинчиси тил-ҳалқум нерви (*nervus glossopharyngeus*)дир. Тил ости нерви бориб тил ости ядроси (*nucleus nervi hypoglossi*)га туташади. Тил-ҳалқум нерви икки ёқлама ядро (*nucleus ambiguus*)га туташади. Икки ёқлама ядро адашган нерв (*nervus vagus*)нинг ҳам ядроси ҳисобланади. Тил ости нерви ядроси билан икки ёқлама ядро узунчоқ миёда жойлашган. Бу ядролар шу нерв тармоқларининг ҳаракат ядроси ҳисобланади. Улар узунчоқ миёда ёнма-ён жойлашган бўлиб, у (*medulla oblongata*)нинг пастки орқа миё (*medulla spinalis*)га туташадиган жойи яқинидаги миёча (*cerebellum*) томонига яқин жойга ўрнашган (1-расмга қаранг). Бошқача қилиб айтганда, улар узунчоқ миёанинг posterior қисмида бўлади.



1-расм. 1. Бош мия. 2. Кичик мия. 3. Чўзинчоқ мия. 4. Икки бошли нерв тугуни. 5. Тилости нерви.

Нутқ органларидан фақат товуш пайларигина соф нутқ органи ҳисобланиб, қолганлари, туб моҳиятига кўра, нутқ органи эмас. Уларнинг нутқ товуши ҳосил қилиши қўшимча вазифа ҳисобланади. Яъни ўпка ва у билан боғли органлар нафас олиш, ҳалқум ютиш, оғиз ва тиш кабилар дастлабки ҳазим қилиш, тил там билиш, бурун бўшлиғи ҳидлаш ва нафас олиш органларидир.


Нутқ органлари нутқ товуши ҳосил қилишда турлича вазифа бажаради. Улар шу вазифа хусусиятига кўра тўрт типга бўлинади:

1. Нафас, яъни ҳаво босимини етказувчи органлар.
2. Ҳиқилдоқдаги товуш ҳосил қилувчи органлар.
3. Оғиз бўшлиғидаги товушни шакллантирувчи органлар.
4. Бурун бўшлиғи.

Ҳаво босимини етказувчи органлар трахея, бронхлар ва ўпкадан иборат. Трахеяни ўзбек тилида кекирдак деб ҳам аталади. У кекирувчи орган эмаслигини ҳисобга олиб, уни умум анатомияда қўлланувчи трахея термини билан аташни маъқул топдик.

Трахея (trachea) кишининг ташқи томони нуқтаи назаридан қиёслаб гапирилса, VI–VII бўйин умуртқалари рўбарўсидан бошланиб, IV–VI кўкрак умуртқаси рўбарўсида бронхларга бўлинади. У қизил ўнгачнинг олд томонида, бўйиндан кўкрак қафасидаги ўпканинг икки бўлаги оралиғи томон тик тушади. Унинг узунлиги, одам гавдаси ва бўйин узунлигига мутаносиб ҳолда, 9–15 см.

чамасида бўлади. У тоғай халқаларни устма-уст териб қўйганга ўхшайди. Бу тоғай халқаларнинг ич томони ясси, ташқи томони қабарик тузилган. Тоғай халқалари трахея бўйига қараб, 16 тадан 20 тагача бўлиши мумкин. Улар ўзаро пай тўқималари билан бирлашган. Уларнинг ички қисми, тоғай халқаларнинг уланган ўрни бўйича, ўйдим-чуқурчаларга эга бўлмай, кўп миқдордаги трахея безлари ва юзи шиллиқ парда, тукли эпителий билан қопланган. Туқлар юқори томонга қараб ётган бўлади. Трахея тоғайлардан таркиб топганлиги учун, у эластик эмас, қаттиқ, эзилмайди, трубасимон шаклини ўзгаришсиз сақлайди. Шу сабабли унинг ичидан ҳаво ҳамма вақт ҳам тўсиқсиз, бемалол ўта олади (2-расмга қаранг).




2-расм. 1. Трахея. 2. Бронхлар. 3. Упка.

Бронхлар (bronchi) трахеядан ўтмас бурчак билан бўлиниб чиққан икки тармоқдир. Бронх деворларининг тузилиши барча хусусиятлари билан трахеянинг худди ўзи, тармоғи деса бўладиган ҳолатда. Бронхларнинг ўнг қисми 6–8 тоғай халқасидан, чап қисми 9–12 тоғай халқасидан иборат. Ўнг бронх яна уч шохчага, чап бронх икки шохчага тармоқланган бўлиб, ҳар бири ҳар икки томондаги ўпканинг бўлакчалари ичига биттадан кирган. Улар ўз навбатида яна майда тармоқларга бўлиниб, бу кичик тармоқчалар бронхнинг охириги кичик тармоқчаси – бронхиоллар (bronchioli)га ажралади. Кичик тармоқча ва бронхиоллар тоғайдан иборат бўлмаганидай, безчаларга ҳам эга бўлмайди, балки юмшоқ мускуллардан шакллانган бўлади.

Ўпка (pulma) кўкрак қафасини деярли тўлдириб эгаллаб турувчи, ўнг ва чап бўлакдан иборат нафас олиш органидир. Ўпканинг ҳар бир бўлаги, яъни ўнг ва чап бўлаги, яна бўлакчалардан таркиб топган: Ўнг бўлаги юқори, ўрта ва пастки; чап бўлаги юқори ва пастки бўлакчаларини ташкил қилади. Ўнг бўлакнинг ҳам, чап бўлакнинг ҳам бўлакчалари шундай жойлашганки, улар ўз бўлакларида бир бутундай конуссимон шакл олган. Ўпканинг ўнг ва чап бўлақдари бўлакчаларга бўлинишини улар чегарасидаги эгатчалар орқали кўрилади. Ҳар бир конуссимон ўнг ва чап ўпканинг юмалоқ учлари бўйин соҳасига қараган ва кенгайган асоси диафрагмага қараган. Уларнинг ҳар бирини ўпка пардаси (pleura) ўраб туради. Чап ўпканинг пастки олд қисмида камгак жойи бўлиб, у ерда юрак (cor) халтаси билан жойлашган.

Ўпканинг ичи бир неча ўн миллионлаб пуфакчалардан иборат бўлади. Бу пуфакчалар ўпка альвеолалари (alveolaris) деб аталади. Ҳар бир альвеолага алоҳидадан бронхиолнинг иккинчи учи келиб туташади. Бу альвеолаларнинг умумий юзаси бир неча ўн квадрат метр келади. Шу билан бирга ўпканинг альвеолаларига бронхиоллар билан ёнма-ён артериал ва вена қон томирларининг капилляр тармоқлари туташган бўлади.

Нафас босими билан ҳиқилдоқда ун ҳосил бўлади. Ҳиқилдоқ (larynx) бўйин соҳасида IV–VI бўйин умуртқалари рўбарўсида ётади. Ҳиқилдоқдан юқори ва орқа томонда ҳалқум жойдашган. Унинг пастки қисми трахея билан туташади. У қалқонсимон тоғай, узуксимон тоғай, япроқсимон тоғай, чўмичсимон тоғай, шохсимон тоғай ва понасимон тоғайларнинг маълум тартибда ўзаро бирикувидан шаклланган (3-расмга қаранг).



3-расм. 1. Япроқсимон тоғай. 2. Сохта бурма. 3. Қалқонсимон тоғай.
4. Ҳиқилдоқ чуқурчаси. 5. Товуш бурмаси. 6. Қалқонсимон без.
7. Узуксимон тоғай. 8. Товуш ёриги.

Қалқонсимон тоғай (cartilage thyroidea) қалқонсимон безнинг юқориги уч томони остида жойлашган. У бўйиннинг томоқ остида ташқари томонга (айниқса эркакларда) туртиб туради. Қалқонсимон тоғай икки пластинкадан иборат бўлиб, олд томонда ўзаро туташган ва орқа томон очиқ ҳолатга эга. Унинг орқа томонида учларидан юқори ва пастга шохлар кетади; олдинги юқори қисмига ҳиқилдоқ дўмбоғи жойлашган. У олд томонининг юзаси бўйича худди қалқонга ўхшайди.

Узуксимон тоғай (cartilago cricoidea) қалқонсимон тоғай остида жойлашган бўлиб, кўзсиз узукка ўхшайди. Унинг олд томони ярим ҳалқасимон бўлиб, орқа томони туташ жуфт пластинкачадан иборат. Пастки чеккаси халқа шаклида бўлиб, трахеянинг биринчи тоғайига мос келади. Улар иккита бўғим ёрдамида ўзаро бирлашади. Бу бўғимлар қалқонсимон тоғайнинг пастки шохларидан ва узуксимон тоғайнинг ташқи ён томонидаги бўғим юзаларидан вужудга келади. Улар қалқонсимон тоғайнинг олд ва орқага сурилишини таъминлайди.

Япроқсимон тоғай (cartilago epiglottica) ҳиқилдоқ усти ва тил орқасининг остида жойлашган бўлиб, баргсимон пластинкадан иборат, эластик тоғайдир.

Чўмичсимон тоғай (*cartilago arytenoideae*) узуксимон тоғай пластинкасининг юқори чеккасида, яъни ҳиқилдоқнинг орқа томонида жойлашган. Унинг ўрни қалқонсимон тоғайнинг орқасидаги четлари туташмаган ораликқа тўғри келади. У бир жуфт, симметрик ҳолда ўрнашган бўлиб, сиртқи томонидан ярим пирамидага, ич томонидан чўмичга ўхшайди. Чўмичсимон тоғай билан узуксимон тоғай пластинкаси ўртасида бўғим шаклланган. Чўмичсимон тоғайнинг икки симметрик ўсиғи бор. Улардан бири олдинга йўналган бўлиб, товуш ўсиғи (*processus vocalis*) деб аталади. Шу олдинга йўналган ўсиққа товуш пайи (*ligimentum vocalis*) ва орқага йўналган иккинчи мускул ўсиғи (*processus muscularis*)га товуш мускули (*musculus vocalis*) ёпишган бўлади.

Ҳиқилдоқнинг яна **понасимон** ва **шоҳсимон** тоғайлари бўлиб, улар жуда ҳам майда, товуш ҳосил қилишда умуман аҳамиятсиздир. Товуш пайлари юпқа, эластик бўлиб, чўмичсимон тоғайларнинг товуш ўсиғидан қалқонсимон тоғай бурчагининг ички томонига боради. Товуш пайларидан паст томонда эластик конус (*conus elasticus*) бор. У узуксимон ва чўмичсимон тоғайларнинг юқори чеккасига туташади.

Чўмичсимон тоғайларнинг товуш ўсиғи ҳиқилдоқ ичкарисига ва ташқарисига силжиш хусусиятига эга.

Ҳиқилдоқ қалқонсимон тоғай билан тил ости суяги ўртасида ўрнашган парда ёрдамида тил ости суягига қўшилади. Парда пай тўқимадан иборат. У қалқонсимон тоғайнинг юқори чеккаси ва юқори шоҳларидан бошланган бўлиб, тил ости суягининг пастки юзасига тортилган.


Узуксимон тоғайнинг пастки қирраси тузилиши трахеянинг қалқонсимон тоғайлари тузилишига ўхшайди. Уларнинг диаметри ҳам ўзаро тенг келади. Узуксимон тоғай трахея тоғайларининг энг юқоригиси билан пайлар воситасида бириккан. У олд томондан трахея тоғайларининг энг юқоригиси сифатида кўринади.

Ҳиқилдоқ мускуллари кўндаланг мускул тўқималаридан бўлиб, тарғил рангли, хусусий мускул ҳисобланади.

Ҳиқилдоқни кўндаланг кесиб қаралса, ички юзасида шиллиқ парданинг кўндаланг ҳолатдаги иккита бурмаси ва бурмалар орасидаги чуқурча кўзга ташланади. Пастдаги бурма товуш бурмаси (*plica vocalis*) бўлиб, унинг қиррасида товуш пайлари (*ligimentum vocalis*) бор. У бир неча пайдан иборат. Юқоридаги бурма қоринча бурмаси (*plica vestibularis*) бўлиб, кўп ўринларда сохта товуш пайи деб ҳам аталади. Ҳар икки бурма орасидаги чуқурча ҳиқилдоқ қоринчаси

(ventriculus laryngis)дир. Бу икки бурма ҳиқилдоқнинг қалқонсимон тоғай ва узуксимон тоғайлар ички томонида жойлашган. Товуш бурмаси ва қоринча бурмаси бир жуфтдан: ҳиқилдоқнинг ўнг ва чап томонларига ўрнашган бўлади. Товуш бурмаси қиррасидаги товуш пайлари қатининг учи ўзаро бир-бирига тегиб туради ва улар асосан узуксимон тоғай шохчаси учига туташади. Товуш пайлари ораси ёриқ, Яъни ўнг ва чап товуш пайлари ораси очик бўлиб, уни товуш ёриги (rima glottidis) деб аталади. Товуш ёриги ҳиқилдоқ трубасининг энг тор жойи ҳисобланади. Товуш ёригидан ҳиқилдоқ трубаси юқори ва пастга воронка шаклида кенгайиб боради: юқорида ҳалқум бўшлиғига, пастда трахея трубасига туташади. Ҳиқилдоқ ичидаги шиллик парда тукли эпителий билан қопланган, фақат товуш бурмалари тукли эпителий ўрнига кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган бўлади.

Нутқ товушлари оғиз бўшлиғида шаклланади. Нафас етказувчи органлар ҳаво босимини ҳиқилдоққа етказиб бериши ва товуш пайларида уннинг ҳосил бўлиши ҳали нутқ товушининг ҳосил бўлгани эмас. У оғиз бўшлиғига келгандан кейин нутқ товуши шаклини олади. Оғиз бўшлиғида бир неча органлар бунда ўз вазифасини ўтайди. Шунинг учун, аввал оғиз бўшлиғининг тузилиши ва унда қандай органлар борлиги, умуман анатомияси билан танишишга тўғри келади (4-расмга қаранг).



4-расм. 1. Бурун бўшлиғи. 2. Лаблар. 3. Курак тишлар. 4. Оғиз даҳлизи. 5. Тил. 6. Оғиз бўшлиғи. 7. Ҳиқилдоқ. 8. Япроксимон тоғай. 9. Лақуқ. 10. Қаттиқ танглай. 11. Юмшоқ танглай.

Оғиз бўшлиғи (cavum oris) асосан ҳазм каналининг боши бўлиб, нутқ товушларини шакллантирувчи вазифани бажаради. Бу бўшлиқ олд томонда лаблар: уст ва остки лаблар билан чегараланади. Улар оғиз бўшлиғининг ён томонини, олд қисми бўйича ҳам, маълум даражада эгаллайди. Оғиз бўшлиғининг икки ёни, асосан, лунжлар билан чегараланган. Унинг орқа томонида девор йўқ. У шу томони бўйича томоқ орқали ҳалқум билан туташади. Тишлар ва уларнинг милклари оғиз бўшлиғини оғиз дахлизидан ажратиб туради. Оғиз дахлизи лаблар ва лунжларнинг ички юзаси билан тишлар ва уларнинг милклари орасидаги бўшлиқдир. Оғиз бўшлиғи тишлар ва уларнинг милкларидан ичкари томондир. Унинг тепа томони қаттиқ танглай, орқа қисми юмшоқ танглай билан чегараланади. Туби икки томонида жағ милклари ва ости тил ости мускулларидан иборат. Оғиз бўшлиғининг ости тил билан қопланган.

Лаб (labium)лар оғиз бўшлиғини ташқи томондан ёпиб туради. Улар устки лаб (labium superius) ва пастки лаб (labium inferius) дан иборат. Лаблар асосан оғизнинг доира мускулларидан таркиб топган. У сиртдан тери билан, ичкари томондан шиллиқ парда билан қопланган. Шиллиқ парда лабнинг сербар чекалари орқали терига айланади. Лабнинг шу сербар чекалари пушти рангда бўлади. Уларнинг оралиғи оғиз ёриғи (rima oris) дейилади.

Тиш (dentes)лар оғиз бўшлиғи ва оғиз дахлизини ўзаро ажратиб туради, овқатни узиб олиш, бурдалаш ва эзиш учун хизмат қиладиган, суюқдан иборат органдир. Улар милклар орасига жойлашган: устки ва пастки тишлардан иборат бўлади. Тишлар вазифасига кўра курак тишлар (dens incisivi), қозиқ тишлар (dens canini), озиқ тишлар (dentes premolaris) ва жағ тишлар (dentes molaris)га бўлинади. Курак тишлар лаб ва оғиз бўшлиғи оралиғида жойлашган бўлиб, уч томони лабга параллел қиррали ҳолатга эга. Одатда пастки курак тишлар оғиз ёпилганда ўз қирралари билан юқори курак тишлар қиррасининг орқасига қадалади. Қозиқ тишлар ҳам курак тишлар каби ўрнашиб, учли ҳолатда экани билан фарқланади. Озиқ тишларнинг учлари найзасимон, жағ тишларнинг учлари ясси, умуман юқори қисми кубсимондир. Озиқ ва жағ тишларнинг юқорисидагилар пастдагилари устига тўғри тушиб, ўзаро урушадилар. Фақат курак тишларгина нутқ органи вазифасини ўтайди.

Лунж (buccae) оғиз бўшлиғининг ён томони – жағ тишлари билан ёнма-ён жойидаги девори бўлиб, ташқи томондан тери, ички

томондан шиллиқ парда билан ўралган. Улар орасида лунж мускули (*musculus buccinator*) бор.

Танглай (*palatum*) оғиз бўшлиғининг юқори деворини ташкил қилади. У икки қисмга бўлинади. Оғиз бўшлиғининг олд қисми юқори деворини қаттиқ танглай (*palatum durum*) дейилади. У бошнинг танглай суягига тўғри келади ва унга маҳкам ёпишган бўлади. Қаттиқ танглайнинг бутун юзасини шиллиқ парда қоплаган бўлиб, олд ва ён томонларидан милкка туташади, орқа томонидан юмшоқ танглайга ўтади. Оғиз бўшлиғининг орқа қисми юқори девори юмшоқ танглай (*palatum molle*) дейилади. У асосан мускулар, апоневрозлар, безлардан таркиб топган. Юмшоқ танглайдан шиллиқ парданинг иккита бурмаси тушади. Бағрида мускуллари бўлган шу бурмалар танглай равоқлари ҳисобланади. Олдинги равоқ тил илдизининг ён юзасига тушади ва танглай-тил равоғи (*arcus palatoglossus*) деб аталади. Орқадаги равоқ ҳалқумнинг ён деворига боради ва танглай ҳалқум равоғи (*arcus palatopharyngeus*) деб аталади. Юмшоқ танглай билан тил илдизи оралиғидаги танглай равоқлари ўртасида бўшлиқ бўлиб, у орқали оғиз бўшлиғи томоқ бўшлиғига ўтади. У томоқ бўйни (*isthums faucium*) дейилади. Юмшоқ танглай билан тил илдизи равоқлари орасидаги чуқурчада танглай муртаги (*tansilla palatina*) ётади. У шу чуқурчани тўлдириб туради. Танглай муртаги, тил илдизининг икки томонида биттадан, бир жуфт бўлади. Меъёрий ҳолатда танглай муртаги чуқурчадан ташқарига тошиб турмай, унинг устида бўшлиқ қолади. Бу бўшлиқни муртак усти чуқурчаси (*fossa supra tansillaris*) дейилади.

Қаттиқ танглай юзасини қоплаган шиллиқ парда юмшоқ танглай юзасига ўтади ва лаклук – кичик тил юзасини қоплаб тугайди. Танглай шиллиқ пардасининг, курак тишлари туташган жойдан лаклуккача ўртасидан ингичка оқиш йўл ўтади. Уни танглай чоки (*raphe palati*) деб аталади. Тил илдизидан бошланган танглай – тил равоғи билан танглай-ҳалқум равоғи шу танглай чокига икки томондан яқин сатҳга келиб тугайди.

Лаклук (*uvula*) оғиз бўшлиғининг ҳалқумга ўтиш – томоқ марказида тепадан пастга осилиб туради. Шунингдек, у ҳалқум бўшлиғи билан бурун бўшлиғининг ўтиш йўлида жойлашган.

Танглай-ҳалқум равоғи тил илдизининг икки томонидан бошланиб, лаклукда бирлашар экан, бу икки томондаги икки равоқ ва лаклук бирликда томоқни ҳалқумдан ажратиб турувчи танглай пардаси (*velum palatinum*)ни ҳосил қилади. Лаклук шу равоқлар қўшилиши

жойидаги конуссимон ўсимта ҳисобланади. Оғиз очиб қаралганда, лаклак юзасида танглай чокининг охириги чизиги кўринади.

Оғиз бўшлиғининг орқа қисми, яъни ҳалқум бўшлиғига ўтиш қисми томоқ деб юритилади. Томоқ юқори томондан юмшоқ танглай, ён томондан танглай равоқлари, паст томондан тил илдизлари билан чегараланади.

Ҳалқум (pharyngis) мускулли кавак орган бўлиб, бурун, ҳиқилдоқ ва оғиз бўшлиқларининг орасида жойлашган. Ҳалқум юқорида калла асосининг суякларига ёпишади, пастда қизилўнғачга ўтади.

Ҳалқум бўшлиғининг учта: бурун, оғиз ва ҳиқилдоқ томондаги қисмлари бор. Ҳалқумнинг бурунга қараган қисми (*pars nasalis pharyngis*) ютим гумбази (*fornix farungis*)дан юмшоқ танглай орқа томонигача оралиқда жойлашган. Унинг олд томонида икки хоана (*choana*) очилиб, бурун бўшлиғи билан туташтиради. Ўнг ва чап ён деворларида эшитув найларининг воронкасимон чуқурчалари бўлиб, улар буруннинг пастки чиғаноғи рўбарўсида ётади. Ҳалқумнинг оғиз томондаги қисми (*pars oralis pharyngis*) ҳалқумнинг юмшоқ танглай тўғрисидаги жойидан оғиз бўшлиғидан чиқиш жойигача давом этади. Унинг бу қисмининг орқа томони III орқа умуртқа суягига тенг келади. Олдинги томонида томоқ бўйни бўлиб, у орқали ҳалқум оғиз бўшлиғига туташади. Ҳалқумнинг ҳиқилдоқ томонидаги қисми (*pars laryngia pharyngis*) ҳалқумнинг орқа томонида томоқ бўйнидан то узуксимон тоғайнинг тўғрисидаги қизилўнғач (*esophagus*)гача давом этади. У орқа томони бўйича орқа умуртқанинг IV–VI суяклари тўғрисида ётади. Олд томонида ҳиқилдоққа ўтиш жойи (*aditus laryngis*) бўлиб, шу орқали ҳиқилдоққа бирлашади.

Тил (lingua) мускуллардан тузилган орган. У уст, ён ва қисман остки қисми шиллик парда билан қопланган. У икки қисмдан: олдинги эркин, яъни тана қисми (*corpus linguae*), орқа, яъни илдиз қисми (*radix linguae*)дан иборат.

Тилнинг олд қисми ясси ва учи юмалоқ ҳолда тугаб, орқа томони тил илдизидан эгатча орқали чегараланади. Чегара эгати икки қисмдан иборат бўлиб, тилнинг ўрта чизигига ўтмас бурчак билан олдинга очилган ҳолда туташади. Тилнинг шу ўтмас бурчаги учидан гардиш билан ўралган 7–8 та сўргич бор.

Юқори, ички томони тилнинг бели ҳисобланиб, у узунаси ва ён томонига қараб қабарган бўлади. Унинг устидан учига томон тил ўрта эгати (*sulcus medianus linguae*) тушиб, тилни ўнг

ва чап қисмларга бўлади. Мана шу эгат билан мувофиқ ҳолда тил йўғонлигида пай тўқималаридан иборат пластинка жойлашган. У тил девори (*septum linguae*) деб аталади. Тил остининг юзаси шиллиқ парда билан ўралиб, силлиқдир. Унинг икки духобасимон кўринишли бурмаси олд томонига ўтиб бирашган.

Тил остида тил деворидан чиққан пардага ўхшаш мускул оғиз бўшлиғининг остига томон тортилган бўлади. Уни тил юганчаси (*pregnulum linguae*) деб аталади.

Тил мускуллари (*musculi linguae*) икки гурппадан таркиб топиб: 1) тилнинг суяк мускуллари ва 2) тилнинг ўз мускуллари дейилади. Тилнинг суяк мускуллари тил ости суяқдан бошланиб, тил танаси учига қўшилиб, тўқима ҳосил қилади. У тўрт тутам мускулдан иборат: 1) Тилнинг учли мускуллари (*musculus styloglossus*). У чакка суягининг бигизсимон ўсимтасидан бошланиб, олд ва қуйига қараб қиялама жойлашган, тил илдизининг ён қисмида тутам ҳолига келган. 2) Тил ости мускули (*musculus hyoglossus*). У тил танаси устининг ёни ва тил ости суягининг катта мугузидан бошланиб, тил илдизи ва танасининг ёни билан тепа ва олд томонга йўналган бўлади, уч қисмигача боради. 3) бағбақа-тил мускули (*musculus genioglossus*). У пастки жағнинг ияк шохчасидан бошланиб, орқа ва юқорига қараб тутам-тутам, зич ҳолда йўналади, бу тутамлар йўғонлашиб тугайди. 4) Тил-тоғай мускули (*musculus chondroglossus*). Ихчамгина тутам ҳолидаги бу мускул тил ости суягининг кичик шохчасидан бошланиб, тил бели қисмида туганакаланади.

Тилнинг ўз мускуллари ҳам тўрт тутамдан иборат бўлади: 1) Бўйлама устки мускул (*musculus longitudinalis superior*). У бир неча тутамдан иборатлиги ҳолда, ҳиқилдоқ устининг олд томони ва тил ости суягининг кичик мугузидан бошланиб, бутун тил танаси билан учигача жойлашган. 2) Бўйлама остки мускул (*musculus longitudinalis*). У ҳиқилдоқнинг устки олд қисми ва тил томоқ бурмаси марказидан уч тутам ҳолда тил ўртасидан ва тил ости суягидан икки тутам ҳолда четдан бошланади. Кейин бу уч тутам мускул ўзаро туташади ва шиллиқ парда остида тил бели бўйлаб то юқорисигача давом этади. Бунинг устига у ўзаро тўқима ҳосил қилиб, ўралиб боради. 3) Тилнинг энлама мускули (*musculus transverses linguae*). У алақанча мускул тутамларидан иборат бўлиб, тил деворидан унинг шиллиқ парда билан қопланган четигача тортилган ҳолда ётади. 4) Тилнинг вертикал мускули (*musculus verticalis linguae*). У калта тутамлардан иборат бўлиб, тилнинг очиқ

ўринларида тил бели билан остки баландлиги орасида жойлашган бўлади.

Бурун бўшлиғи (cavum nasi) кўшимча орган сифатида шакланган нутқ органи ҳисобланади. У асосий резонатор тон манбаларидан бири. Бурун асли нафас олиш органининг боши бўлиб, яна ҳид билиш органи вазифасини ҳам бажаради. Унинг нутқ товуши ҳосил бўлишидаги ўрни кўшимча вазифа ҳисобланади.

Бурун бўшлиғи бир неча суяклардан ва тоғай пластинкалардан иборат. Унинг тоғайлари бурун учининг деворларида жойлашган. Бурун бўшлиғи бурун девори (septum nasi) воситасида икки симметрик қисмга бўлинади. Бурун деворини бурун тоғайлари ва суяклари ташкил қилади. У олд томондан тоғайлар билан бошланиб, асосий қисмини суяк ташкил қилади. Бурун бўшлиғининг шу девор орқали бўлинган ҳар бир қисми бурун катаги (nares) орқали ташқарига очилади. Орқа томонда у хоаналар орқали ҳалқумга бирлашади.

Бурун бўшлиғи юқори, ўрта ва пастки чиганоқлари воситасида юқори, ўрта ва пастки йўллarga ажралади. У суяк негизининг рельефига яраша шиллиқ парда билан қопланган. Суяклар катаги ҳаво билан тўла ва шиллиқ парда билан ўралган бўлади.

Бурун бўшлиғи олд томонда бурун катагидан ташқари бурун суяги (os nasalis) ва бурун тоғайи (cartilago nasalis), паст томонда танглай суяги (os palatum) ва юқори томонда ғовак суяк пластинка (lamina cribrosa) билан чегараланади. Унинг орқа томони ҳалқум бўшлиғига очилган.

2. Нутқ органлари физиологияси

Нутқ товушининг юзага келиши, умуман акустика, ҳавосиз амалга ошмайди. Ҳаво нутқ органларига ўпкадан етказилади. Ўпканинг ҳаракати қовурғалараро мускулар ва диафрагма билан боғли бўлади. Диафрагмага орқа миянинг бўйин қисмидан, қовурғалараро мускуларга орқа миянинг кўкрак қисмидан нервлар келади. Лекин орқа миянинг олдинги шоҳларидаги бу ҳаракатлантирувчи нейронларнинг ҳужайралари мужассами нафас марказини ҳосил қилмайди. Нафасни асосан адашган нерв (nervus vagus) бошқариб, у ҳаракатлантирувчи нерв нейронларига импульс юбориб туради ва нафас олиш ритминини белгилайди. Бизга маълумки, адашган нервлар икки ёқлама ядро (nucleus ambiguus)га бориб

туташади. У тил-ҳалқум нервнинг ҳам ядросидир. Шунинг учун ҳам, нафас олиш ритми ҳалқум мускуллари ҳаракати билан мутаносиб бўлади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, нафаснинг меъёрий ритми нутқ кечими учун меъёрий имконият эмас. Чунки унинг инспирацияси (нафас олиши) билан экспирацияси (нафас чиқариши) деярли тенг давомийликка эга бўлади. Инспирация нутқ учун ҳал қилувчи вазифа бажармаса ҳам, экспирация нутқ учун қисқалик қилади. Бунда бош мия пўстлоғининг икки томонлама ядрога таъсири катта роль ўйнайди. У икки томонлама ядрони бошқариб, адашган нервнинг нафас ритмини ўзгартиришига олиб келади. Нутқ учун мос ҳолда ўзгарган нафас билан оддий ҳолдаги нафас фарқ қилиб, у қуйидагича: 1) у ихтиёрсиз кечади; 2) инспирация тез, чуқур, эркин, овозсиз ўтиб, экспирация секин, ҳатто, бўлиниб, инспирациядан 8–12 марта давомли бўлади; 3) инспирацияда ўпкага олинган ҳаво ҳажми оддий ҳолатдагига нисбатан 3–4 марта катта, 2000–2500 см. кубни ташкил қилади; 4) нутқ кечимида инспирация бурун орқали бўлмай, оғиз орқали кечади. Чунки унинг кенг очилиши ҳаво тез ва кўп миқдорда олиниб, трахея ва бронхлардаги босимнинг ортиқ бўлишини таъминлайди. Нутқ кечимидаги нафас трахея ва бронхларда маълум ҳолатдаги босим сақланишининг имконини ҳам беради. Чунки бу товушларни чўзиш ва пауза кабиларда аҳамиятлидир. Киши рефлексга кўра нафас олганда инспирация ва экспирация биргаликда 4–5 секунд давом этгани ҳолда, нутқ кечимидаги экспирациянинг ўзи 25 секунддан, ҳатто, 40 секундгача давом эта олади. Бу узун гапларни бир йўла айта олиш ва ашулада авжга чиқиш имконини беради.

Бош мия пўстлоғининг нафас ритмини ўзгартириши, албатта, имконият даражасида ёки имкониятдан келиб чиққан ҳолатда кечади. Бу рефлекс билан боғлидир. Рефлекс қонда кўпайган карбонат ангидриднинг инспиратор марказига таъсир этишидан юзага келади ва у нафас марказини қўзғатиш натижасида инспирация бошланади – экспирация тўхтайдди. Агар қонга карбонат ангидридни ишлаб чиқариш кучайса, нафас марказининг ҳам қўзғалиши тезлашади. Натижада, бош мия пўстлоғининг таъсирида экспирацияни давомли қилиш, яъни оҳиста ҳолатга келтириш имконияти ниҳоятда пасаяди. Бу нутқ учун халақит беради. Масалан, одам баландликка кўтарилса, тез ҳаракатланса ёки оғир меҳнат қилса, унинг учун катта куч керак бўлади. Бу кучни юзага келтириш учун организмда реакция, яъни органик ёниш кечими тезлашади ва шунга кўра кис-

лород тез сарфланиб, карбон билан бирикиш кучаяди, қонга кўп миқдорда карбонат ангидрид чиқарила бошлайди. Бунинг натижасида, нафас марказининг қўзғалиши ортади ва нафас тезлашади. Натижада, экспирацияни чўзиш имконияти қолмайди. Унга бош мия пўстлогининг таъсир кучи етмайди. Экспирациянинг ўрнини тезлик билан инспирация эгаллайди. Бу, албатта, нутқдан кўра яшаш воситасининг зарурлиги устун эканлигидан келиб чиқади. Шунинг учун, ўша пайтда гапирмоқчи бўлган кишининг нутқи икки-уч сўз ва, ҳатто, бир сўздан кейиноқ узилиб-узилиб туради ва сўзловчи энтикиб қолаверади.

Нутқ кечимидаги инспирацияда нафас йўллари орқали ўпка алвеолаларига ташқи муҳитдан ҳаво бирдан тортилади, трахея ва бронхларда босим ҳосил қилинади. Алвеолаларга кирган ҳаводаги кислород 20, 24, карбонат ангидрид 0,03 фоиз бўлади. Ундаги ҳаво алмашинуvidан кейин кислород 16,3, карбонат ангидрид 4 фоизга ўзгаради. Шундан кейин диафрагма кўтарилиб, кўкрак қафаси тораяди, экспирация кечади. Яъни бронх ва трахеяда босим ортиб, товуш пайларига келиб тугилади. Босим бу ерда ниҳоятда кўтарилгач, товуш пайларини бирдан ёриб очиб, товуш ёриғидан ҳалқумга чиқади. Шунда товуш пайларини тебратиб ўтади. Товуш пайлари ҳаво босимини йиғиш учун аввал икки томондан келиб ўзаро туташади ва бир-бири билан маҳкам бирикади. Улар товуш бурмалари сиқигида, ҳатто, бир-бирининг ичига сингиб кетгудай даражага келади. Бронх ва трахеяда йиғилган ҳаво босими уни ёриб чиқади. Бу босимни юзага келтиришда диафрагма билан қовурга оралиғи мускулларининг ҳам қисқариши роль ўйнайди. Ҳаво босими зарурий ҳолатларга кўра товуш пайлари оралиғидан қайта-қайта ёриб ўтиб туради. Шунга кўра, товуш пайлари оралиғи гоҳ катталашиб, гоҳ торайиб, гоҳ юмилиб турли шакл олаверади. Шунга мутаносиб ҳолда, ун ҳосил бўла боради ва турли баландликда юзага чиқади. Унинг кучи, чўзиқлиги, сифати ҳам турлича бўлиши мумкин. Бу, албатта, товуш пайларининг ун ҳосил қилишидаги ҳолати билан боғлиқдир. Уннинг турли ҳолатда ҳосил бўлиши товуш пайларининг қуйидагича ҳолатларига тобе бўлади:

1) Паст ун ҳосил қилиш учун товуш пайларининг таранглиги жуда паст даражада шакл олади. Қалқонсимон тоғай билан узуксимон тоғайлар бир-бирига нисбатан жуда катта ораликқа эга бўлиб, максимал ораликнинг тўртдан бир қисми ҳисобигагина қисқаради ва тўртдан учи сақланиб қолади. Товуш бурмаларидаги мускуллар

максимал таранглашиб, ниҳоятда қалинлашади. Бу товуш пайларининг ниҳоятда кам тебраниши учун сабаб бўлади. Шунинг учун, бу товушни деярли товуш мускуллари ҳосил қилган деб қаралади.

2) Нисбатан юқорироқ ун ҳосил қилиш учун товуш пайларини юпқалаштириш ва шу билан бирга чўзиш керак бўлади. Товуш пайларининг мана шу ҳолати узуксимон тоғай мускуллари чокининг олдинги қисмини ҳам ишга туширади. Бунда қалқонсимон тоғай билан узуксимон тоғайлар оралиғи олд томонда қисилади ва орқа томонда қалқонсимон тоғай билан чўмичсимон тоғай оралиғи, аксинча, кенгаяди. Товуш пайларининг мана шу ҳолати унинг кўпроқ тебраниши ва баландроқ ун ҳосил бўлишига олиб келади.

3) Баланд ун ҳосил қилиш учун товуш пайларини яна ҳам таранг тортиб, унинг тебранувчи қисми торайтирилади. Бу ҳиқилдоқнинг кўндаланг мускулларини ҳам ҳаракатга туширишгача боради. У қисқариб, чўмичсимон тоғайларни бир-бирига маҳкам сиқади ва натижада ҳақиқий товуш пайларининг тебранувчи қисмини қисқартиради. Товуш пайларининг қисқарган қисми кўп миқдорли тебраниш имкониятига эга бўлади ва росмана баланд ун юзага келади.

4) Ниҳоятда баланд ун ҳосил қилиш учун фальцет (чинқироқ товуш) механизми ёки асосий товушни ишга солиш билан эришилади. Бу ўзига хос ун ҳосил қилувчи механизмда ҳақиқий товуш пайлари ўзининг бутун борлиғи билан тебранмайди, балки қирраларигина тебранади. Товуш мускуллари жуда ҳам кам иш бажаради, узуксимон тоғай мускуллари чокининг олд қисми кучли вазифа ўтайди. Зарур бўлганда бусиз ҳам кучли фальцет товуш орттириб, кўндаланг мускуллар ишга туширилади. У чўмичсимон тоғайларни бир-бирига маҳкам сиқиб, товуш пайлари қирраларининг тебранувчи қисмини қисқартиради ва бу шу қирралар тебраниши миқдори ортишига таъсир этади, яъни фальцет товушни кучайтиради.

Паст ва ўртacha ун ҳосил қилиш учун ҳақиқий товуш пайлари бири иккинчисига жипс ёпишган икки таранг ва семиз мускуллар ёстикчаси кўринишига киради. Товуш ҳосил қилиш кечимида товуш тешигининг очилиши, жуда қисқа вақт ичида бўлса ҳам, шу вақт ўша товуш тешигидан ҳавонинг кучли оқими ёриб чиқади. Қолган пайтда товуш пайлари тебранар экан, бир-бирига жипс ёпишган бўлади. Товуш пайлари ҳаво оқими йўналишига перпендикуляр ҳолатда тебранади. Уннинг бундай ҳосил қилиниши обертонга бой, тўлалиғи билан ўзига хос, жарангдор оттенкага эга бўлишини

таъминлайди. Баланд ун ҳосил бўлишида, фальцет механизми кечимида, товуш пайлари ясси, энига кучли чўзилган, юпқа тасма кўринишига киради. Улар орасида росмана чўзилган резина каби тасма кўринишида ёриқ йўл кўзга ташланади. Товуш тешигининг тўла ёпилиши, ҳатто, товуш пайларининг бир-бирига ниҳоятда яқинлашган пайтида ҳам кузатиламайди ва шунингдек, ҳаво оқими ҳам ундан тўла отилиб чиқмайди.

Ҳиқилдоқ баланд товуш ҳосил қилиш кечимида нисбатан юқорироқ ҳолатни эгаллайди. Тил илдизи билан ҳалқумнинг юқори девори оралиги сезиларли даражада қисқаради. Товуш пайлари тебранишининг фальцет механизми товуш ҳосил қилиш кечимида ҳаво оқимиға деярли мос йўналишни олади. Шу кечимда ҳосил бўлган ун обертонга қашшоқ, кам кучга эга, жаранглиликдан маҳрум ҳолда кечади.

Товуш ҳосил қилувчи механизмнинг паст ва ўртача баланд ун ҳосил қилиши сезиларли даражада ўзаро ўхшаш эканлигини ҳисобга олиб, улар бир гуруҳга – бир рўйхатга киритилди. Бу гуруҳ кўкракка хос деб аталади. Чунки у қайд этилишида киши унинг титрашини ўз кўкрак қафасида хис этади. Баланд, фальцет механизм ёрдамида ҳосил қилинадиган ун ҳам бир гуруҳ, яъни бир рўйхатга киритилади. Унинг ҳосил бўлишида киши боши: ҳалқум, оғиз ва бурун бўшлиқларида резонатор тон юзага келади. Шунинг учун, уни бошга хос деб аталади.

Инсон товуши фақат товуш пайларида ҳосил бўлган ун ва оғиз бўшлиғидаги нутқ органларида ҳосил бўлган шовқиндан иборат эмас. Киши унсиз сўзлаши ҳам мумкин. Бунда товушнинг бошқа компонентлари ишга тушади. Инсон товушига хос айрим ва лекин асосий компонентлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади.

1) Шивир. У товуш пайлари иштирокисиз ҳосил бўлади. Лекин шивир кечимида товуш пайлари маълум даражада ўзаро яқинлашса ҳам, унинг ҳосил бўлишида мутлақо қатнашмайди. У инспирация ва экспирация кечимида ҳаво оқимининг ҳиқилдоқ, ҳалқум, оғиз ва бурун бўшлиғи деворларига урилиб ўтиб, титраши орқали юзга келади. Бу шивирлаб бажарилган нутқ вақтида ҳалқум ва оғиз бўшлиғи баланд ун ҳосил қилиш кечимидаги ўхшаш характердаги ҳолатни олади. Шивир баландлигини шартли ҳолда карнаининг ўзига хос тонига қиёсласа бўлади. Шунингдек, шивир баландлиги ҳар бир унли учун алоҳида характерга эга бўлиб, қайси унли қўлланганига боғли ҳолда ўзгаради.

2) **Сохта бурма уни.** У экспирацияда ҳаво оқими ҳақиқий товуш пайларига эмас, балки сохта бурма, яъни қоринча бурмаси (*plica vestibularis*)га жуда интенсив ҳолда урилиб ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Сохта бурма унини соф ҳолда қўллаш ҳиқилдоқнинг турли дискинезик касалликлари (ритмик ҳаракатининг бузилиши), айниқса, невроген дефектлар (бош миянинг бошқара олмаслик ҳолати) кабиларда кузатилади. У хириллаш бериши, монотонлиги, товуш диапозонининг кескин қисқариши, шунингдек, ўрдақнинг ғақиллашига ёки қурбақанинг вақиллашига ўхшаброқ кетишига кўра ўзига хос ёқимсизлиги билан характерланади.

3) **Мингир.** У шундай сўзлашиш санъатики, лаб мутлақо ҳаракатланмайди. Шунга кўра айтилаётган нутқ худди бошқа шахс томонидан берилаётганга ўхшайди. Мингир чоғида товуш ғайри табиий бир ун ҳосил қилувчи механизмда юзага келтирилади. Ҳақиқий товуш бурмаси бир-бирига тўлалиги билан яқинлашади ва эпиглоттус орқа томон букилиб, ҳиқилдоққа кириш йўли деярли беркилган бўлади. Оғиздаги нутқ органлари артикуляцион ҳаракат чоғи шундай кечадики, тингловчи уни сезмайди, лаблари ҳаракатсиз бўлади. Мингирлаш чоғи товуш унча аниқ эмаслиги, монотонлиги, кучсизлиги билан ажралиб туради.

Ҳалқум нутқ товуши ҳосил бўлиши ёки унинг шаклланишида аҳамият касб этмайди. Бироқ бу дейилгани мутлақо четда туради, деган гап эмас. У тил орқа жаранглиси ва сонантлари, айниқса тил олди унлилари ҳосил бўлишида резонатор тон манбаи ҳисобланади. Ҳалқум карнайнинг трубасига ўхшаш вазифа бажаради. Ун товуш пайларида ҳосил бўлиб, то унли сифатида шаклланиши учун, артикуляция ўрнига етиб келгунигача ҳалқум деворларига урилиб, резонатор тонга бойиб, жарангдор ва баландлашган ҳолга киради. Бунинг учун япроксимон тоғай тил орқасида тик кўтарилиб, ҳиқилдоқ йўлини ҳалқумга кенг очади. Резонатор тон ҳосил бўлиши учун ҳалқумнинг эпителий билан қопланган пай деворлари ишга тушади. Нутқ товуши фақат оғиз бўшлиғида шаклланадиган бўлса, юмшоқ танглай лаклук билан орқа томон кўтарилади ва ҳалқумнинг бурунга қараган қисми орқа девори билан туташиб, бурун бўшлиғи йўлини ёпади. Бурун сонантлари артикуляциясида юмшоқ танглай лаклук билан бирга пастга тушиб, унинг йўлини очади.

Нутқ товушларининг шаклланишида нутқ органларидан энг муҳими тилдир. У ниҳоятда фаол ва эластик органдир. Уни тил ости нерви ва тил-ҳалқум нерви бошқаради. Тил ости нерви тил ости

нерви ядроси ва тил-ҳалқум нерви икки бошли ядродан бошланади, нутқ рефлекти шулар билан боғли бўлади. Улар бош мия томонидан назорат қилинади.

Тил нутқ актининг бажарилишида асосий ўринда туради. Бунда унинг эластик имконияти, оғиз бўшлигида эркин ҳаракат қила билиш хусусияти нутқ артикуляциясида муҳим аҳамиятга эга. У табиий ҳолда шакланган ҳазм қилиш органигина эмас, балки нутқ органи вазифасини сунъий ҳолда юзага чиқарувчи орган ҳамдир. Унинг бу вазифаси кишининг қунт билан қилган ҳаракати, такрорий қилган машқлари натижаси сифатида юзага чиқади. Бу худди касб эгаллашга ўхшаш кечимни эслатади. Касб ҳам аввалги авлодлар томонидан шакллантирилган рефлексив ҳаракатлар асосида бажарилади. Тил ҳам худди шундай. Уни келаси авлод аввалги авлодлар томонидан юзага келтирилган тилга хос рефлексив ҳаракатларни тақлид қилиш воситасида ўрганиб эгаллайди. Ўз тилида у ҳам нутққа хос иш бажарувчи мотор ҳосил қилади. Тилнинг эластик ҳаракати ва ранг-баранг ишлар бажарилишида уни таркиб топтирган мускуллар ҳал қилувчи вазифа ўтайди. Бунда тилнинг суяк мускуллари ҳаракати ҳам ўзига хос бўлиб, бир хил фаолликка эгадир.

Тилнинг суяк мускуллари асосан тилни орқа ва паст томонга ҳаракатлантириб, яна қуйидагича томонлари билан ўзига хосдир. Тилнинг учли мускуллари асосан унинг илдиз қисмини юқори ва орқа томонга тортади. Бу билан тил орқасини нутқ товушлари талаффузига мослаштириш вазифасини ўтайди. Тил ости мускули уни орқа ва остига томон тортиш учун хизмат қилади. Бу оғиз бўшлигининг кенгайиши ва оғиздан уннинг кам тўсиққа учраб ўтиши, оғиз резонатор тонининг кўплаб ҳосил бўлишига олиб келади. Бағбақа-тил мускули тилни олд ва паст томонга тортиш учун хизмат қилади. Бунда тил оғиз бўшлиғи остига кенг ёйилиши ва оғиз бўшлигининг яна ҳам кенгайиши учун имкон туғилади. Тилтоғай мускули тил ости мускули билан мутаносиб ҳаракат бажаради, яъни тилни орқа ва паст томонга тортади. Аммо уларнинг бу ҳаракатни бажариши тилнинг турли қисмларида ўтади. Тил ости мускули тил илдизи ва танасининг ён томонидан устини орқа ва паст томонга тортса, тил-тоғай мускули тил белини орқа ва паст томонга тортади. Умуман тилнинг суяк мускуллари тилнинг паст ҳам орқа томонга тортилиши ва учки қисми курак тишларидан нари тутилишини таъминлайди.

Тилнинг ўз мускуллари уни турли шаклларга киритиш учун,

турлича ҳаракат қилиш вазифасини ўтайди. Улар ўз ҳаракатидаги турлича вазифа бажаришига кўра ўзаро фарқланади. Масалан, тилнинг бўйлама устки мускули бўйламасига қисқаришини таъминлайди. Бу тил орқаси ва чуқур тил орқасида нутқ товущининг талаффуз этиш ўринларини шакллантиради. Тилнинг бўйлама остки мускули уни қисқартиб ва устини юқори кўтариб, букиш учун хизмат қилади. Бу билан у тил орқаси танглайга туташувини таъминлайди, оғиз бўшлиғидан нафас чиқиш йўлини тўсади, нутқ товуши ҳосил бўлиши ўринларини шакллантиради. Тилнинг энлама мускули тил энини торайтириб, тепага томон йўғонлаштиради. Бу тил ёни ва жағ оралиғидан нафас ўтиш имкониятини беради. Тилнинг вертикал мускули тил қалинлигини зичлаштиради ва оғиз бўшлиғининг эни бўйича ёяди. Натижада, у оғиз бўшлиғини тўла энлайди ва жағ тишларига бориб тақалиш имконига эга бўлади.

Тилнинг тузилиши ҳамунинг айрим физиологик кечимларида ҳал қилувчи ўрин тутади. Масалан, тил ўрта эгати тилнинг бўйламасига ўнг ва чап қисмга бўлиб тушган ариқчаси бўлиб, у тил орқа, чуқур тил орқа ёки тил ўрта танглай билан туташганда, тор оралиқ очиқ қолиши учун, имкон беради. Натижада, нафас шу оралиқдан сизиб ўтиб, шовқин ҳосил бўлади. Тил, энлама мускул воситасида, энига ёй шаклида букилиши унинг тарновча шаклида қаттиқ танглайга туташуви учун шароит туғдиради. Тил девори тилнинг ҳар бир томони, яъни ўнг ва чап қисми мустақил ҳаракатланиши, тил ҳаракати симметрикалигини ихтиёрий бузиши учун шароит яратади. Чунки тил мускуллари тил деворининг икки томонида мустақил жойлашиб, мустақил ҳаракат қила олиш имконига эга.

Тил юганчаси ҳам ўзига хос вазифа бажариб, тил учини пастга ва орқага тортишда ёрдамлашади.

Нутқ товущлари ҳосил бўлишида лаклукнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Уни ҳам тил-ҳалқум нерви бошқаради. Шунинг учун ҳам, унинг ҳаракати ҳалқум ва тил ҳаракатларига жуда мутаносиб бўлиб, нутқ товуши ҳосил қилишда тўлдирувчи вазифани ўтайди.

Лаклук нутқ кечимида юмшоқ танглай билан бирга деярли кўтарилиб, ҳалқумнинг орқа деворига туташган ҳолда туради. Бу билан у бурун бўшлиғи йўлини ёпиб қўяди. Натижада, нутқ товущлари ҳалқум ва оғиз бўшлиғида тўла резонатор тон ҳосил қилиши учун имконият туғилади. Бундай товущлар тембри ниҳоятда юксак бўлади. Лаклук, агар бурун товуши ҳосил қилиш зарурияти туғилса, юмшоқ танглай билан бирга паст тушиб, ҳалқум бўшлиғи билан бу-

рун бўшлиғи оралиғи очилиши, улар хоана орқали туташishi учун имкон беради. Ун оғиз бўшлиғининг маълум ўрнидаги тўсиққа учрагач, қайтиб бурун бўшлиғи томон йўналади.

Лаклук бурун товуши ҳосил бўлишида ҳам фаол орган сифатида қатнашиши мумкин. Бунда у юмшоқ танглай билан бирга яна ҳам пастроқ тушиб, ичкаридан чиқаётган ун йўлини қисади. Натижада, ун лаклукка урилиб, шовқин ҳосил қилиб, у билан бойийди. Бундай нутқ товуши ўзбек тилида ҳосил қилинмайди. Уни француз тилига ўхшаш маълум тилларда учратиш мумкин.

Бурун бўшлиғи айрим нутқ товушларининг шаклланишида ўз аҳамиятига эга. Бунда у ўзига хос резонатор тон билан сонант таркиб топишида ҳисса қўшади. Бу резонатор тон бурун бўшлиғининг бутун ҳажмида юзага келмайди. У бурун бўшлиғининг кўпроқ хоаналар қисми, қулоқдан келувчи канал тешиги, умуман ҳалқумга ёндош ўринларида ҳосил бўлади. Бурун резонатор тони товуш пайларида ҳосил бўлган уннинг бурун суяги негизларига жойлашган, улар юзини қоплаган эпителий қатламига урилиши орқали ҳосил бўлган қўшимча тондир. У бурун бўшлиғининг орқа қисмида эпителий билан қопланган деворларига урилиб ҳосил бўлганлиги учун ҳам, қулоқ оғриғи бўлган киши, бурун товушларини талаффуз этганда, қулоғи гупиллаш ёки шанғиллаш воситасида унга жўр бўлиб туради. Бунда шамоллаган одам бурун бўшлиғининг орқа қисми зириллаши ҳам ҳис этилади.

3. Нутқ органлари фаолияти

Нутқ органлари, ўз вазифасига кўра, асосан тўртга бўлинади, дейилган эди:

1) Нафас етказиб берувчи органлар. Бунга ўпка, бронх ва трахея киради. Бу органларнинг нутққа хос физиологияси барча халқларда ҳам бир хил. Улар фақат экспирацияда нутқ учун хизмат қилади, инспирацияда хизмат қилиши мумкин эмас, чунки инспирация меъёрий темпдан тезлашиши мумкин, аммо секинлашмайди. Инспирациянинг секинлашуви гепаксия – кислородга чанқоқликни юзага келтиради. Инспирациянинг тезлашуви экспирацияни юзага келтирувчи, тезлашувига сабаб бўлувчи рефлектордир. Нутқ экспирациянинг секин ўтишини талаб қилади.

2) Ун ҳосил қилувчи – ҳиқилдоқ механизми. Бу органларнинг нутққа хос физиологияси барча халқларда ҳам бир хил. Гапларга

қараганда, фақат Африкадаги Ангола мамлакати ҳудудида яшовчи бушманлар нутқида ун иштирок этмайди, деган гаплар бор. Бироқ биз уни бирор восита орқали ҳам эшитмадик. Шунинг учун, бунга ишончимиз йўқ. Агар шундай бўлса, улар нутқи фонетик жиҳатдан ниҳоятда эффектсиз ва рангсиз ҳолда шакланган бўлади. Чунки ун товушдаги баландликни, тембрни, резонатор тонни белгилайди. У яна нутқ товушлари миқдорини белгилашда асосий омилардан биридир. Шунинг учун ҳам, унсиз товуш нутқи бўлиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, деб ўйлаймиз.

3) Нутқ товушларини шакллантирувчи – оғиз бўшлиғидаги органлар. Бу органларнинг нутққа хос физиологияси барча халқлар учун миллий характерга эга. Чунки нутқ товушини шакллантиришда фаол орган сифатида лаб, тил, лаклук вазифа бажаради. Улар бирдан тортиб бир нечагача артикуляция ўрнини юзага келтириши мумкин.

Артикуляция ўрни товуш ҳосил қилишда бевосита иштирок этган бир ёки ундан ортиқ нутқ органидир. Лабда икки, тилда тўрт, лаклукда бир, бўғизда бир артикуляция ўрни бор. Бу артикуляция ўринлари барча халқларда бир хил хатосиз фойдаланилмайди. Масалан, ўзбек тилида лаб-лаб артикуляция ўрни тўла қўлланади. Аммо лаб-тиш артикуляция ўрни фақат ўзлашган лесикага оид сўзлардагина чегараланган ҳолда фойдаланилади. Тил олди артикуляция ўрни фаол тил ўрта ва тил орқа артикуляция ўринларидан фойдаланиш ўзбек тилида чегараланган бўлиб, чуқур тил орқа артикуляция ўрни анча муҳим нутқ органи ҳисобланади. Бўғиз ва лаклук каби нутқ органлари ўзбек тилида умуман артикуляция ўрни сифатида шакланган эмас. Рус тилида бўғиз ва лаклук каби нутқ органлари артикуляция ўрни бўла олмаганлиги устига чуқур тил орқа артикуляция ўрнидан ҳам фойдаланилмайди. Бунинг ўрнига уларда тил орқа артикуляция ўрнининг вазифаси кенгроқ. Ўзбек тилидаги лаб-лаб артикуляцияси ўрни бажарадиган вазифаларнинг айримларини ҳам рус тилида лаб-тиш артикуляция ўрни бажаради. Яна рус тилида ўзбек тилидагига нисбатан бурун артикуляция ўрнидан фойдаланиш ниҳоятда чегаралангандир. Немис, француз, инглиз, араб тилларида бўғиз артикуляция ўрни ҳам шакланган бўлиб, француз тилида лаклук артикуляция ўрни ҳам бор. Француз тилида бурун артикуляция ўрнидан фойдаланиш анча кенг. Бунинг устига ҳар бир халқ турли артикуляция ўрнидан турли артикуляция усулида фойдаланиши ҳам кузатилади.

Артикуляция усули артикуляция ўрнининг артикуляция кечи-мида тутган ҳолатидир. Ўзбек тилида тил ўрта артикуляция ўрnidан фақат сирғалувчи товушлар ҳосил қилинади, портловчи артикуля-ция усулига эга товушлар, бошқа артикуляция усулига эга товушлар ҳам, ҳосил қилинмайди, Рус тилида бу артикуляция ўрни портлаш артикуляция усулида ҳам қўлланади. Лаб-тиш артикуляция ўрни ва Европадаги барча тиллар учун фаол бўлиб, фақат сирғалувчи ар-тикуляция усулида кечади. Улардаги лаб портловчилари фақат лаб-лаб артикуляция ўрнидадир. Ўзбек тилида лаб портловчилари ҳам, сирғалувчилари ҳам лаб-лаб артикуляция ўрнида ўтади. Ҳатто ай-рим товушларнинг икки тилдаги талаффузи артикуляция усули да-ражасига, кучига, баландлигига қараб ҳам фарқланади. Масалан, *и* товуши ўзбек тилда рус ва тожик тилларидагига нибатан бир мунча кенг, *р* товуши ўзбек тилида рус тилидагига нисбатан кам гц. билан артикуляция қилинади. Буларнинг ҳаммаси оғиз бўшлиғидаги нутқ органларининг қандай шаклланганлиги ва қандай ҳаракатланишга кўникма ҳосил қилганлиги билан боғли ҳолатда кечади. Қайси нутқ органининг қандай ҳаракатланиш учун шаклланиши кишида гўдакликдан, онанинг нутқиға тақлид қилишдан бошлаб юзага ке-лади. У қайта-қайта машқлар натижаси бўлади. Буни айрим киши-лар бош ёки кулоқ териларини қимирлатиш қобилиятига эга бўла олишига қиёслаш мумкин. Бу ҳам машқ натижасидир. Одамлар уни эрмакка машқ қилиб, юзага келтирадилар. Эрмак қилмаганлар уни бажара олмайдилар. Ўз тилига хос артикуляция ўрнини юза-га келтириш эрмак эмас, зарурият. Шунинг учун, маълум тилда сўзлашувчи ҳар бир киши ўзаро бир хил артикуляция ўрнини бир хил ҳаракатланадиган ҳолда шакллантирган бўлади.

4) Қўшимча, ёрдамчи нутқ органи бурундир. Бу нутқ органи ўзига хос резонатор тон ҳосил қилиб, айрим нутқ товушларининг шаклланишида ёрдамчи вазифа ўтайди. Унинг миллийлиги ҳақида ҳам оғиз бўшлиғидаги нутқ органлари вазифасига айтилган фикр-ларни қайтариш мумкин.

Ҳар бир халқ вакили ўз тилига оид товушларни талаффуз этиш учун артикуляция ўринларига эга бўлади. Буни у, юқорида қайд этганимиздай, онасига тақлидан узоқ машқлар натижаси сифатида шакллантиради. Мана шу артикуляция ўринларининг бир бутун ҳолати унинг артикуляция базаси ҳисобланади. У шу артикуляция базасида талаффуз этади, сўзлашади. Ҳар бир халқ вакилининг ўз тилига оид товушларини талаффуз этиш учун шакллантирган нутқ

органида сўзлашиши ўз тилига хос акценти деб қаралади. Маълум халққа хос акцент унинг вакилларидаги фақат мавжуд артикуляция ўринлари билан боғли эмас. У артикуляция ўринларининг ҳаракат усули, яъни артикуляция усули, артикуляция усулининг меъёри, темпи, тембри, кучи; лексик ургулари тизими, интонацияси каби-лар билан ҳам ўлчанади. Бироқ акцентнинг асосида ҳамма вақт ҳам артикуляция базаси туради. Акцент чет тилида сўзлашганда яққол намоён бўлади. Киши ўз тили артикуляцияси базасида чет тилига оид қуризмаларни талаффуз этар экан, у ўша чет тили акцентини эмас, ўз тили акцентини юзага чиқарган бўлади. Масалан, Сталин рус тилида грузин акценти билан бўлса ҳам, жуда яхши сўзлай биларди, деб кўрсатишарди. Маълум тилни акцентсиз гапириш дейилганда бошқа тил вакилига нисбатан олиниб, сўзланаётган тилга хос артикуляция базасида талаффуз этилаётганлиги назарда тутилади.

Артикуляциянинг ўзи ҳам бир неча фазадан таркиб топган. Улар 1) артикуляцион экскурсия, 2) артикуляцион кечим, 3) артикуляцион рекурсия. А р т и к у л я ц и о н э к с к у р с и я артикуляция ўрнининг маълум товуш талаффузи учун тайёр ҳолга келиши бўлади. Кейин а р т и к у л я ц и о н к е ч и м бўлиб, ўша товушни унга хос артикуляция усулида қайд этишдир. А р т и к у л я ц и о н р е к у р с и я артикуляция ўрнининг артикуляцион кечимдан кейин ўз ўрнига, яъни ҳолатига қайтишидан иборат. Мана шу уч фазанинг қайд этилиши а р т и к у л я ц и я деб қаралади.

Нутқ таркибидаги маълум бир сўзнинг товушлари бирин-кетин талаффуз қилинар экан, ҳар бирида алоҳидадан артикуляционинг уч фазаси кечиши мумкин эмас. Бундай ҳолда сўзнинг барча товушларини қўшиб эмас, балки алоҳида-алоҳида бирин-кетин қайд этилган бўлар эди. Ваҳоланки, сўздаги товушлар ўз навбатида кўра кетма-кет қўшиб талаффуз этилади ва шунда сўзнинг товуш қўшилмаси яхлит берилган бўлади. Бунинг учун сўзнинг биринчи товуши артикуляцион рекурсияси иккинчи товуши артикуляцион экскурсияси, иккинчи товуши артикуляцион рекурсияси учинчи товуши артикуляцион экскурсияси ҳолида келиб, шундай тартибда давом этади. Масалан, сўз сўзининг с товуши артикуляцион рекурсияси ў товушининг артикуляцион экскурсияси, ў товушининг артикуляцион рекурсияси з товушининг артикуляцион экскурсияси бўлиб келади. Натижада, бу сўз товушларга бўлинмай талаффуз этилади.

Нутқ товуши товуш пайларида ҳосил бўлади. У асосий тон ва ёрдамчи тонлардан таркиб топади. Бошқа нутқ органида ҳосил

бўлган тон аралашмаган бу товушни у н дейилади. Товуш пайлари иштирокисиз оғиз бўшлиғидаги бирор нутқ органининг вазифа кечимига кўра ҳам товуш ҳосил бўлади. Уни ш о в қ и н деб аталади. Нутқ товушлари мана шу ун ёки шовқиндан иборат, ё бўлмаса, ун ва шовқин аралашмасидан иборат ҳолда таркиб топган эканлиги кузатилади.

4. Нутқ органлари дефектологияси ва патологияси

Нутқ органларнинг тўла шакланганлиги ва тўла соғломлиги нутқ товушларининг тўғри ва талаб қилинганидай талаффузини таъминлайди. Уларнинг бирортасидаги бирор камчилик қайсидир товушнинг артикуляцияси бўлмай қолишига ва ҳатто нутқнинг амалга ошмаслигига сабаб бўлади. Нутқ органлари ўз дефектига ва патологик ҳолатига эга бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари нутқ органлари вазифасининг бузилишига нутқ органларидан бошқа органлар патологияси ҳам таъсир қилади. Масалан, унга бош мия, марказий нерв тизими ва юракда ўтадиган касалликларни кўрсатиш жоиздир.

Мияда ўтадиган касалликлар барча организмга таъсир этиши ва унинг вазифасини издан чиқариши мумкин. Унинг энцефалит ёки абсцесс касалликлари миyaning ўзига катта зарар етказиши баробарида киши нутқида ҳам буни акс эттиради. Энцефалит мияда ўтадиган яллиғланиш касаллиги бўлиб, турли ўзига хос кўзговчи бактериялар ва терлама, безгак, салмонеллоз касалликлари токсини шикастлаши таъсирида юзага чиқади. Абсцесс мияда ўтадиган йиринглаш касали бўлиб, у ўзига хос кўзговчи инфекция таъсирида; салмонеллоз, ичтерлама, чипқон каби йирингли касалликларнинг; сўзак, захм инфекциясининг қон орқали мияга ўтиши натижасида бошланади. Энцефалит ва абсцесс касалликлари миядаги нерв ҳужайраларининг маълум қисмини емиради, мия фаолиятини издан чиқаради. Натижада, афазия патологияси содир бўлади. Афазия, бундан ташқари, қон айланишининг бузилиши, бош миyaning шикастланиши орқали ҳам бошланиши мумкин. У нутқнинг қисман ёки бутунлай йўқолиши бўлади.

Афазия икки кўринишда кечади: мотор афазия, сенсор афазия. Мотор афазияда киши ўзга нутқини тўла тушуниб, унга жавоб ҳам топади, бироқ ўз нутқ органларини ишга сола олмайди. Базан айрим қисқа ибораларнигина айтиб, унинг ҳам товуш ва бўғин

таркибини бузиб қайд этади. Мотор афазия чучук тиллилик билан бир хил патология эмас. Чучук тиллилик айрим нутқ товушларини бузиб ёки бошқа товуш билан алмаштириб талаффуз этишдир. У мотор афазиядагига ўхшаб айта олган иборасининг ҳам товуш ёки бўгин таркибини қўпол бузишдан иборат эмас. Чучук тиллилик нутқ органларининг бевосита ўзи билан боғлиқ. Мотор афазия дезартриядан ҳам фарқ қилиб, унда нутқ органлари: тил, лаб, юмшоқ танглай ҳаракати бузилмаган бўлади, бироқ уни бошқара олинмайди. Чунки миянинг нутқ марказидаги нутқ органлари ҳаракатини бошқарувчи анализатор ва синтезаторлари вазифаси издан чиққан бўлади.

Сенсор афазияда киши нутққа хос товушлар ва сўзларни фарқлаб қабул қила олмайди. Шунга боғли ҳолда, унинг нутқи йўқолган бўлади. Аммо унда нутққа хос бўлмаган товушларни фарқлаш бузилмайди.

Афазия, сенсор ва мотор афазиялардан ташқари, яна тотал ва амнестик афазияларга ҳам бўлинади. Тотал афазияда касал умуман нутқни йўқотади, яъни нутқни тушунмайди ҳам, айтмайди ҳам. Амнестик афазияда касал фақат айрим сўз ва унинг маъносини унутган бўлади.

Алалия касаллигининг патологияси ҳам афазия касаллиги патологияси билан деярли бир хил. Алалияни юзага келтирувчи омиллар ҳам афазияни юзага келтирувчи омилларнинг ўзидир. Алалиянинг афазиядан фарқи шуки, афазияда киши нутқи юзага келгандан кейин, яъни бошқа нутқини тинглаб таҳлил қиладиган ва унга тўғри жавобни ўз нутқи орқали етказадиган бўлгандан кейин миянинг нутқ қисми патологияга учраб, нутқини мутлақо ёки қисман йўқотгани ҳолда; алалияда мия нутқ қисмининг патологияга учраб ривожланмай қолишидир. Яъни унда бола меъёрий эшитгани ва ақл ишлаатишининг дастлабки босқичлари юзага келгани ҳолда, миянинг катта ярим шаридаги нутқ қисми шикастланган бўлади. Натижада, унинг нутқий қобилияти ё юзага келмай, ё қисман юзага келиб, ривожланмай қолади.

Алалия касаллиги ҳам мотор алалия ва сенсор алалияга бўлинади. Мотор алалияда худди афазиядаги каби брока марказ шикастланган бўлиб, касал бошқалар нутқини қабул қилиш ва таҳлил этиш қобилиятига эга бўлади, лекин ўз фикрини нутқ орқали тингловчига етказиш қобилияти бўлмайди. Сенсор алалияда ҳам худди афазиядаги каби верника маркази шикастланганлиги ҳолда, нутқини

қабул қилиб, уни таҳлил эта олмайди. Шунинг учун, бундай алаликда нутқ шакланмай қолади.

Алалия фақат тотал ҳолатда учраб, амнестик ҳолатда учрамайди.

Чўзинчоқ миянинг ҳам турли сабабларга кўра зарарланиши нутқнинг тўлалиги ва сифатига таъсир этиши мумкин. Чўзинчоқ миянинг зарарланишига кўра д и з а р т р и я касаллиги юзага чиқиб, у нутқ бўзилиши билан қайд этилади. Дизартрия нутқнинг аниқлиги ва артикуляциясидаги бузилишдир. Унда талаффуз этилиши керак бўлган сўзнинг умумий шакли сақланиб қолиб, айрим нутқ органларининг дефекти ёки артикуляция ҳаракати бузилиши орқали баъзи товушларни нотўғри қайд этилади. Ҳаммадан кўпроқ лаб, бўғиз ва шипидоқ товушлар талаффузига футур етади, баъзан уларга бурун резонатор тони қоришиб туради, яъни димоғдаги талаффуз пайдо бўлади. Товушлар сийқаланиб, тиниқ бўлмаган ҳолда эшитилади.

Дизартрия марказий ва периферик нерв тизимининг касалланиши бўлиб, турли артикуляция ўриналарининг зарарланиши билан бирга кузатилади. У склероз, атетоза, паркенсонизм, хорей, миастения, энцефалит, полиомиелит ва бошқа бир қатор касалликлар, тепа лабнинг йиртиқлиги, лунжнинг номезёрилиги, тил юганчасининг қисқалиги каби дефектлар жараёнида бўлади. Нафас маромининг бузилиши, диофрагма қисқаришидаги синхрониянинг йўқолиши ҳам дизартрияга олиб келади. Унинг патологияси кўпроқ мия стволли, асосан узунчоқ мия, мия пўстлоғи остидаги бурмалар, бош мия ярим шарлари оқ тўқималари кабиларнинг зарарланишидан иборат. У патологик боғлиқлигига кўра бульбар, псевдобульбар, экстропирамид, миячага оид приферик дизартрияга бўлинади.

Бульбар дизартрия бош миядан чиққан ва артикуляция аппаратини таркиб топтирувчи мушакларини ҳаракатлантирувчи нервларнинг илдизи ёки ядросининг зарарланиши натижаси ҳисобланади. У клиник нуқтаи назаридан жуда оғир шаклига кириб, кўпинча анартрияга айланиб кетади.

Анартрия склероз, полиомиелит ва энцефалит касалликларининг айрим кўринишларида кузатилади. Бунда касалнинг юзи сўлжайиб, оғзи очилган ҳолда юради, лаби овқатни тута билмайди. Шунингдек, адашган нерв ҳам шикастанганлиги сабабли, юмшоқ танглай ва лаклук ўз вазифасини бажара олмай, ютилган овқат хаоналар орқали бурун бўшлиғига, увоқлар ҳиқилдоққа ўтиб кетади. Унда нутқ органлари мускуллари фалажланган ёки қисман фалаж-

ланган бўлади. Шунинг учун, касалнинг нутқи йўқолади, гапира олмайдди. У сўзлаш ўрнига маърашга ўхшаш овоз чиқаради.

Псевдобульбар дизартрияда ствол ядроси эмас, балки ядро остининг икки томондаги йўли зарарланган бўлади. Шунинг учун, у бульбар дизартрияга кўра енгилроқ кечади. Унда ютиниш ва товушнинг бузилиши унча кучли кечмайди.

Экстрапирамидал дизартрия тил илдизи ости тутунлари зарарланиши натижасида келиб чиқади. Унда артикуляция ўрни мускулларининг гайри ихтиёрий, мақсадсиз ҳаракати юзага келиб, артикуляция аниқлиги учун халақит беради.

Паркенсонизм дизартриясида нутқ монотон бўлиб, оҳангнинг тўлқинланиб, жилваланиб туриши бузилади ва шовқин сийқаланган, нутқ товуши шаклланишига етмаган ҳолда талаффуз этилади.

Мияча дизартриясида нутқ салмоқланиб, чўзиб, ҳатто, бўғинларга ажратилган ҳолда қайд этилади.

Мия, олий нерв фаолиятининг бузилиши билан боғли бўлган нутқ меъёрийлигини бузувчи касалликларидан яна бири дудук касаллигидир. Дудук нутқнинг меъёрий мароми ва темпини бузувчи невроз касаллиги ҳисобланади. Унинг асосида нутқ механизмининг вазифасини адо этувчи олий нерв кечимининг бузилиши ётади. У нутқ органлари мускулларининг тоник ва клоник тортишиши натижасида юзага чиқади. Мускулларнинг клоник тортишуви қисқа, лекин бирин-кетин ва ритмик ҳолатда бўлиб, тоник тортишуви давомли ва оғир бўлади. Дудуклардаги мускуллар тортишуви турли нутқ органларининг турли ўринларида бўлиши мумкин. Масалан, у нафас олиш (нафаснинг темпи ва ритми бузилиши орқали), товуш ҳосил қилиш (ўз вақтида торайиш ёки кенгайишнинг бўлмаслиги орқали), артикуляцион органлар ҳаракатланиши (лаб, тил, энгак, юмшоқ танглай ҳаракатининг давомли, қаттиқ тутилиши орқали) да қайд этилади. Дудуқлик мускуллар тортишуви характерига кўра клоник, тоник ва аралаш тип дудуқларга бўлинади. Клоник тип дудуқликда сўзларнинг дастлабки товуш ёки бўғинларининг кетма-кет қайтарилиши кузатилса, тоник тип дудуқларда нутқ кечими тўсатдан бўлиниб, давомли пауза бўлади ва товуш кескин портлаш ёки давомли кечим билан талаффуз этилади. Дудуқликнинг кўпинча аралаш типи учраб, унда клоник типга ҳам, тоник типга ҳам хос хусиятлар кузатилади.

Дудуқнинг нутқи кўпинча ортиқча зўр берилган ёки кескин ҳаракатлар билан қўшиб олиб борилади. Масалан, гавда, бошини

эгиш, қўлларини бетоқат силкиш, у оёғидан бу оёғига оғирлигини ташлайвериш, кўзларини пириллатавериш ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин. У ўз нутқини ниҳоятда оғирлик билан амалга оширганлиги учун ҳам, унда гапиришдан чўчиш, баъзи бир товуш ва ибораларни талаффуз этишдан тортиниш, сершубҳалилик, ўзига ишонмаслик, ўзига эътибор беравериш, тортинчоқлик, аразчанлик, қайсарлик ва шунинг каби психик касалликлар пайдо бўлади.

Дудуқлик кўпроқ мактабгача ёшдаги болаларда бошланиб, айниқса, мактаб ёшига етганда ва ўспиринлигида кучаяди. Дудуқлик асосан 2–5 ёшлар орасида қаттиқ кўрқиш, жисмоний жазолаш каби билар оқибати бўлади.

Нутқ органларининг меъёрий вазифа бажармаслигига яна юрак гепаксияси, пневмония, бронхиал астма, қон таркибидаги ўзгаришлар ҳам сабаб бўлади. Юрак гепаксиясига юракнинг турли касалликлари сабаб бўлади. Бунда ё юракнинг ўзида модда алмашинуви сусайиб, кислородга чанқоқлик пайдо бўлади, ё қон айланиши бузилиб, қондаги карбонат ангидрид билан кислород алмашинуви пасаяди. Натижада, қонда кўпайиб қолган карбонат ангидрид инспирация реплектори вазифасида фаоллик кўрсатади. Инспирация кетма-кет юзага келавергач, давомли экспирацияни талаб қилувчи нутқнинг амалга ошиши қийинлашади ва инспирация билан бўлинаверади. Айрим товушлар тўла кечимга эга бўлмай, сийқаланиб талаффуз этилади. Бунга қон таркибининг бузилиши ва жисмоний ҳаракатнинг ортиши ҳам сабаб бўлади. Таркиби бузилган (айниқса, эритроцитлари камайиб қолган) қон организмга кислород етказа олмаслиги юқоридаги ҳолни такрорлайди. Жисмоний ҳаракат танада энергия сарфини орттириб юборади. Бу ёниш, яъни кислород сарфини орттириб, карбонат ангидридни кўпайтиради. Бу ҳам инспирацияни меъёрга нисбаган ниҳоятда тезлаштиради. Пневмония ва бронхиал астма касалликларида нафас олиш қийинлашгани учун, кислород алмашиниши ҳам оғирлашади ва инспирация темпи ошади. Экспирация секинлашиши нутқни бир йўла амалга оширилиши учун имкон бермайди. Бунинг устига касаллик товуш кучи ва баландлигини камайтиради.

Ҳақиқатда ўтадиган бир қатор касалликлар борки, улар ё товуш сифатига салбий таъсир кўрсатади, ё товуш таркибидан унни йўқотади. Ҳар икки ҳолда ҳам товуш баландлиги ниҳоятда камайиб кетади. Ҳақиқатда ўтиб, товушга таъсир этувчи касалликлар асосан лорингит, хондроперихондрит, узуксимон ва чўмичсимон

тоғайлар артрити кабилардир. Лорингит ҳиқилдоқда ўтадиган энг оғир касаллик ҳисобланади. У ҳиқилдоқ шиллиқ пардасининг кучли ва қайталама яллиғланиши бўлиб, одатда грипдан кейин ёки нафас йўлларининг мавсумий катаракти натижасида, баъзан зах ўтиши сабабли бошланади. У касалнинг иссиғини кўтариб юборади, овози хириллайди. Баъзан касалнинг овозида ун йўқолади, яъни афония содир бўлади. У пичирлаб гапирадиган бўлиб қолади. Касал хирилдоқ товуш билан гапирганда, у ниҳоятда йўғон ва паст эшитилади. Чунки товуш пайлари яллиғланишдан шишиб, эластиклигини йўқотади. Кучли лорингит ниҳоятда хавfli бўлиб, товуш бурмалари ва пайларини шишириб юбориши мумкин.

Хондроперихондрит бирламчи ва иккиламчи кўринишларга бўлинади. Унинг фақат иккиламчи кўриниши товушга таъсир этади. Иккиламчи хондроперихондрит ҳиқилдоқдаги тоғай усти пардасида йирингловчи инфекция таъсирида ривожланиб, бу инфекция лорингит, лат, яраланиш ва жарроҳлик аралашувлари пайтида тўқималарга турли моддаларнинг сизиб кириши натижаси бўлади. У билинмасдан умумий ҳолатга таъсир қилмай ўтади. Бунда тоғайнинг маълум қисми ёки ҳаммаси, асосан чўмичсимон тоғай, зарарланади. Натижада, товуш пайларини ишлатувчи механизм бузилади. Товуш баландлиги даражаси йўқолиб, бир хил баландликка эга бўлиб қолади.

Узуксимон ва чўмичсимон тоғайлар артрити ревматизм ва падагра кечимларида, шунингдек, чўмичсимон тоғай яллиғланишида кечиб, ё бирдан, ё аста-секинлик билан бошланади. У қаттиқ оғриқ, хириллашни юзага келтириб, ютинишни қийинлаштиради. Икки томонлама кечганда, нафас олиш ҳам оғирлашади. Лорингоскоп орқали қаралганда касал теккан жой сал қизарганлиги, шишганлиги, қабарик ҳосил қилганлиги ва чўмичсимон тоғайнинг кўзгалмас бўлиб қолганлиги кўзга ташланади. Бунда товушнинг баландлик даражаси бузилади, дағаллашади.

Товуш пайларига таъсир этувчи касалликлар умуман кўп. Ҳиқилдоқ, трахея, бронхлар аллергияси ҳам, товуш пайлари олдига балғам йиғилиши ҳам, ҳиқилдоқ йўлига овқат ёки сув кетиб қолиши ҳам, ренитнинг ривожланиб ҳиқилдоққа таъсир этиши ҳам аввал йўтал чақиради ва у товушнинг хирилдоқ тус олиши, пасайишига сабаб бўлади. Товуш пайларига ҳиқилдоқ фалажининг ҳам ўзига хос таъсири бор. У асосан ҳиқилдоқ мускулларига ўтиб, қайталама лорингит натижасида юзага чиқади. Бунда касалнинг ҳиқилдоғи

ғижиллаб, йўталиб туради, товуш бузилади, баъзан тўла афония содир бўлади. Балоғат даврига кириш, раста кечимининг товуш пайларида акс этиши ҳам ўз аксини кўрсатади, товуш йўғонлашиб, пасаяди, чунки товуш пайлари йўғонлашган бўлади. Ашулачилар шу даврда керакли профилактикани олмаса, улар товуши бутунлай пасайиб қолиши ва товуш пайлари эластиклиги бузилиб, обертони-ни йўқотиши ёки сифатига футур етказиши мумкин.

Нутқ товуши ҳосил бўлиши, яъни шаклланишида шовқин, ҳар бир нутқ товушига хос шовқин, оғиз бўшлиғидаги бирор нутқ органида артикуляция қилинади. Артикуляция учун ўша нутқ органида шикаст бўлмаслиги керак. У турли касалликлар сабабли келиб чиқади. Бунинг учун бир неча касалликларни кўрсатиш мумкин. Оддий стоматит касаллиги ҳам портловчи товушлар талаффузига ҳалақит беради. Чунки у қаттиқ ва юмшоқ танглай, шунингдек, лунж кабиларнинг шилиқ пардаси яллиғланиши бўлиб, уларга тилни олиб бориб бўлмай қолади. У, тил тегса, ачишади.

Глоссит ҳам, айтилган касалликларга ўхшаш, тилнинг шилиқ пардаси яллиғланишидир. Бунда тил вазифасини бажарар экан, оғриқ сезилади ва артикуляция учун имкон бермайди. Тонзиллитда чуқур тил орқа товушлари артикуляцияси бузилади. Чунки унда юмшоқ танглай муртаги яллиғланиб, ҳатто шишиб кетади ва унинг вазифасини ўтай олмай қолади. Чуқур тил орқа ва юмшоқ танглай ўртасидаги артикуляция меъёрида кечмайди. У лаклук билан бирга ҳалқумнинг бурун бўшлиғи томонидаги орқа деворига қараб ҳаракат қилишда ҳам маълум дефектга йўл қўяди. Бу билан бурун товушларини бузуқ талаффузи ва чуқур тил орқа товушларига бурун резонатор тони қоришиб қолиши кузатилади.

Лейкокератоз қаттиқ танглайда қабарик пайдо қилганда ҳам артикуляцион қийинчиликлар туғдириши мумкин. Унда тил ўрта сирғалувчи товушлари портловчи товушга ўхшаб эшитилади. Шулар қатори яна тепкили терлама, грипп, зотилжам каби қатор қаттиқ иссиқ берувчи касалликлар борки, уларга хос айрим клиник ҳолатлар ҳам маълум артикуляцияларни бузади. Бу касалликларда киши жисмонан ниҳоятда бўшашади. Натижада, унинг тил ва танглайни караш боғлайди, яъни кулрангсимон оқ ғубор қоппайди. У, иштаҳани бузишдан қатъи назар, тилнинг эркин ҳаракатига ҳалақит бериб, тил орқа ва чуқур тил орқа портловчилари артикуляциясида қийинчилик туғдиради. Бу товушлар сийқаланиб қайд этилади.

Турли жароҳатлар ҳам нутқ органларига зарар етказиб, арткуляцияда ўз оқибатини кўрсатиши мумкин. Бунда зарб шикасти, тилги нарсаларнинг кесиб олиши ва куйишни кўрсатса бўлади. Айниқса, ҳиқилдоққа қаттиқ зарб тегса, ёмон оқибатлар келиб чиқади. Чунки у ҳиқилдоқ тоғайларидан маълумининг синишига олиб келади. Бунда ўша заҳоти оғриқ, хириллаш, уннинг йўқолиши кечади, кетма-кет қаттиқ бўғилиш кучайиб, йўтал тутади, қон тупиради. Оқибатда, ун бутунлай йўқолиши, ё хирилдоқ бўлиб қолиши, ё монотонлик ҳолатлар кузатилади.

Куйиш билан жароҳатланиш эса томоқдан бошлаб хиқилоққача нутқ органларида учрайди. Бу иссиқ буғдан нафас олиш ёки заҳарли моддани ютиб юбориш оқибати бўлиши мумкин. Куйдирувчи нарса таъсир қилган ўринда оқ губор пайдо бўлиб, у кўпроқ ҳиқилдоқ тепаси: чўмичсимон тоғай соҳасида, қорин бурмасида тўпланади. Губор атрофи кўпинча шишади. Оғиз бўшлиғи ва ҳалқумда жуда кўп елимшиқ, йирингсмон модда тўпланади. Ютимда дарҳол оғриқ ҳис қилиниб, нафас олиш оғирлашади. Товушдаги обертон миқдори камайиб, у бироз дағаллашади. Куйиш бўғизда ҳам кучлироқ кечган бўлса, чуқур тил орқа товушлари артикуляцияси бузилади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам ун ва обертон ўзгаришсиз қолади. Чунки товуш пайлари зарарланмаган бўлади. Тил жароҳатлари қайси нутқ органида бўлганига қараб, шу орган артикуляцияси бузилиши мумкин. Бутун организмга зарар етказадиган сил ва заҳм каби инфекцион касалликлар нутқ органларида ўз асоратини қолдиради. Сил ҳиқилдоқда ҳам, тилда ҳам бўлиши мумкин. Ҳиқилдоқ сили икки кўринишда учрайди: продуктив ва экссудатив. Продуктив кўриниши кўпинча товуш пайларининг бир томондагиси ялиғланиши билан бошланиб, жуда секинлик билан ривожланади ва шишга ўхшаш берч қатлам ҳосил қилади. Унда ҳиқилдоқ қуриганлиги, қичишиш сезилиб, калта йўтал пайдо бўлади. Касалнинг товуши хирилдоқ бўлиб қолади. Унинг экссудатив кўринишида зўриққан қонталашиш билан ялиғланиш юзага келади, тоғай усти пардаси ялиғланиб, ҳиқилдоқда пўрсилдоқ боғлаш, берч дўмбоқча ҳолидаги қатлам кузатилади. Бошланиши баъзан кучли бўлиб, интоксикация юзага келади ва ютумда оғриқ сезилади. Товуш сифати бузилади, хирилдоқ бўлиб қолади, баъзан афония ҳам кечади. Тил сили бирламчи ва иккиламчи касалликларга бўлинади. Бирламчи сил тил учида пайдо бўлиб, кейин ости ва устига, ёнларига ёйилади. Иккиламчи сил ўпка сили таъсирида келиб чиқиб, тил илдизининг юзасида ривожланади. У тилнинг шиллик

пардасини емириб, мускулларигача боради. Сил ярасининг туб ва четлари саргимтир ва кулрангнамо тугунчалар билан қопланган бўлади. Тилда ё сурункали, ё ўхтин-ўхтин оғриқ тутади. Сил яраси овқатланиш ва артикуляция учун халақит беради. Бунинг устига, тил маълум даража шишганлиги учун, гапираётган одамнинг оғзида каттагина бўлак аччиқтош шимилаётгандай туйилади.

Захм касали ҳиқилдоқда ҳам, тилда ҳам бўлиши мумкин. Ҳиқилдоқ захмида ҳиқилдоқнинг атрофи ва остини кемтик бўлган чуқур яра, мисрангсимон қизил берч шишлар қопаляди. Уларнинг юзи хунук кулранг губор билан қопланган бўлади. Касал оғриқсиз кечади. Охирги босқичларида товуш пайлари зарарланганлиги учун, товушдаги ун сифати бузилади, палағда бир оҳанг олади. Захмнинг тилдаги акс этиши унинг жағ ёни ёки бўйин соҳасида бўлиб, тил ракиннинг дастлабки кўринишлари ҳолатида кўзга ташланади. Пайпаслаб кўрилганда ярада оғриқ сезилмайди ва қўлга анча дағал таъсир этади. У фақат ўзи ўрнашган жойдаги артикуляцияни бузиши ва портловчи товуш талаффузини сийқалаштириши мумкин.

Нутқ органларига кўпинча шиш касалликлари зарар келтиради. Шишлар хавфсиз ва хавфли типларга бўлинади. Хавфсиз шишлар одатда кескин ривожланмайди, метазтаз бермайди. Хавфсиз шишларга папиллома, фиброма, липома, гемангиома, киста кабилар киради. Папиллома худди малинага ёки карам бошига ўхшаш шаклда, оч пушти рангли бўлади. У бир неча гўддалар, яъни тилга чиқадиган тирсаклар тўдаси ҳолида кўзга ташланади. Фиброманинг кичиги мошдай, каттаси олча донасидай, кулрангсимон пушти ёки қизил рангли, юзаси силлиқ парда билан қопланган бўлади. У толасимон пай тўқималаридан таркиб топади. Липома тилнинг шиллиқ пардаси тагида бўлгани учун, у гўё тил юзаси шишганга ўхшаш ҳолда акс этади.

Худди липомага ўхшаш кўриниш билан акс этувчи яна фибролипома ҳам бор. Улар фақат гистологик нуқтаи назардангина фарқ қилади. Гемангиома малина юзига ўхшаш гўдда-гўддалар гужлигидан иборат, ранги кўкимтир ё жигаррангсимон, ё бахмалсимон қизил бўлади.

Киста суюқлик билан тўлган пуфакчасимон ўсимта бўлиб, ё фиброманинг қайталаниши, ё зарбдан пайдо бўлган қабарикдир.

Айтилган шишлардан папиллома, фиброма, гемангиома кабилар асосан товуш пайларида ўсади. Шунинг учун ҳам товуш сифатига таъсир этади, товушни хирилдоқ ва бўғиқ ҳолга келтиради, обертон миқдорини камайтиради. Киста ҳиқилдоқ қоринчасида

ҳам, қоринча бурмасида ҳам, товуш пайларида ҳам ўсиши кузатилади. Шунинг учун, у ўрни билан товуш сифатига таъсир этиб, бўғиқ ва хирилдоқ қилиб қўйиши, ўрни билан ҳиқилдоқ қилиши – ҳалқум резонатор тонини бузиши мумкин.

Хавфсиз шишлардан папиллома, липома, фиброма, гемангиома қабилир тил юзасига ҳам чиқади. Айниқса, липома, фибромалар тил танаси юзасини анчагина кўтаради. Гемангиома тил илдизи юзасидан бошлаб тил учи юзаларигача қоплаб тошиши ва тил ҳажмини катталаштириши мумкин. Фиброма ва кисталар кўпинча тилнинг суяк безлари соҳасида ўсади ва катта ҳажмли бўлиб кетиши ҳам эҳтимол. Бу хавфсиз шишлар, қаерга чиққанлигига қараб шу нутқ органи артикуляциясини бузиши муқаррар. Бунда деярли артикуляциянинг портловчилик ва сирғалувчилик усуллари чегараси бузилади, улар бири иккинчисига жуда ўхшаш талаффуз этилади.

Хавфли шишлар тўхтовсиз ривожланиши, ён тўқималарга қараб ёйилиб бориши, метазтаз бериши билан характерланади. Бундай шишларга саратон ва саркомани кўрсатиш мумкин. **Саратон**нинг бошланиши худди папилломага ўхшайди. У аввал майда гўддалардан иборат бўлиб, кейин катталашиб, гўддалари бақа салласи шаклига киради, чегарасини бузиб, кенг сатҳга ёйилади. Дастлабки пайтда метазтаз бермайди. У ривожланганидан кейин метазтази пайдо бўлади. Саратон ҳиқилдоқда пайдо бўлса, ёйила бориб товуш пайларини ҳам эгаллаши мумкин. У ўзи ўрнашган тўқималар ичига жуда чуқур кириб боради. Саратон товуш пайларига ўтгач, товушни хирилдоқ, йўғон, паст, толиққан ҳолатга келтиради. Унинг баландлик даражалари йўқолиб, обертон сезилмас ҳолга келади. Бора-бора афония содир бўлади. Касал пичирлаб гапирадиган ҳолга келади. Саратон оғиз бўшлиғида асосан тилда бўлади. Тилнинг кўпроқ илдизидagi ёнбошида, учининг ост томонида юзага келади. Саратон яраси йирик, худди вулқон оғзига ўхшаш бўлиб, ичи ғубор билан қопланганлигига кўра сил ва захм яраларидан фарқ қилади. Сўзлашганда ҳам яраси ачишиб, артикуляция учун қийинчилик туғдиради, сўзловчининг оғзида муз ё аччиқ нарса тургандай артикуляцияси сийқаланиб чиқади.

Саркома жуда кам учраб, асосан эркакларда кузатилади. У юмалоқ тусли бўлиб, тўқималарга оёқча орқали бирикади, хужайралари юмшоқ бўлади. Пайдо бўлиши билан метазтаз беради ва лимфатик тутунларга тарқалади. Саркома ҳиқилдоқнинг фақат товуш пайларида пайдо бўлади. Оғиз бўшлиғида фақат тилга чиқади.

Саркоманинг нутқ органларига таъсири саратон касалиникидан фарқ қилмайди.

Хавфли шишлар хавфсиз шишлардан товуш пайларида ўрнашишига кўра фарқ қилади. Улар чуқур илдиз отганлиги учун ҳиқилдоқнинг устидан тебратиб кўрилса, ўз қитирлаш хусусияти билан уннамайди.

Нутқ органларида учрайдиган яна бир қатор шишлар ҳам бор. Улар хавфсиз бўлиб, артикуляцияга таъсир этмайди. Шунинг учун, улар ҳақида тўхтамадик.

Нутқ органларида мана шу шикастлар, патологик ҳолатлар кишидаги чучук тиллиликка маълум даражада сабаб бўлади. Чучук тиллилик яна нутқ органлари, тўғрироғи, айрим артикуляция ўринларининг шаклланмай қолиши ё товушларни тил ўрганиш даврида нотўғри қабул қилиниши ё тил ўргатувчиларнинг нотўғри йўл тутиши оқибати ҳамдир.

Умуман чучук тиллилик нутқ кечимида айрим товуш ёки товушлар комплексининг бузиб ёки алмаштириб талаффуз этилишидир. Чучук тиллиликда, албатта, вазифавий ва органик чучук тиллиликни ўзаро фарқлаш керак. Вазифавий чучук тиллиликда эшитиш ва нутқ органлари меъёрида эканлиги ҳолда, етарли эътибор қилинмаганлиги учун, товуш ёки товушлар комплекси нотўғри ёки бошқа товуш билан алмаштириб талаффуз этилади. Органик чучук тиллилик бош мия ёки марказий нерв тизимининг зарарланиши натижасида нутқ органи нервланишининг бузилиши, нутқ органлари патологияси ёки шикасти сабабли содир бўлади. Органик чучук тиллилик ҳаётда вазифавий чучук тиллиликка нисбатан кўпроқ учраб туради. Чунки вазифавий чучук тиллилик тез тўғриланиб кетувчи нутқ нуқсони бўлгани учун, унга камдан-кам рўбарў келинади. Органик чучук тиллилик кишида абадий қолиши мумкин. Аммо у тил ўрганиш даврига хос бўлиб, кейинчалик тўғриланиб кетади. Шунда ҳам бу дефект нутқда давомли сақланиб қолади.

Нутқ нуқсони қайси товушни талаффуз эта олмаслигига қараб, шу товушнинг юнонча атамаси билан номланади. Масалан, тил олди сирғалувчи ва шипилоқларини талаффуз эта олмаса, сигмантизм, талаффуз эта олмаслик *p* товушида бўлса ламдацизм, *k* товушида бўлса каппацизм, *g* товушида бўлса гаммацизм, *x* товушида бўлса хитизм, *y* товушида бўлса йотацизм деб аталади. Ўзбек тилида яна *q* ва *g* товушларини талаффуз эта олмаслик дефектини ҳам учратиш мумкин. Булардан ламдацизм, каппацизм, гаммацизм, хитизм,

йотацизм ва қ ва г товушларини талаффуз эта олмаслик дефекти, параротизмнинг й ва л билан алмашиниши артикуляция ўрнининг тўла шаклланиб етмаганлиги билан боғли бўлиб, 5 ёшларда деярли тузалиб кетади. Логафетик даволар буни тезлаштиради. Лекин параротацизмнинг л билан алмашиниши кўпинча мотор алалиеси билан боғли бўлиб, балоғат ёшигача етиб боради. Тил орқанинг ёки чуқур тил орқанинг артикуляция ўрни сифатида шаклланмаслиги ҳам ёшга нисбатан тилнинг ҳали қисқалиги билан боғлидир. 3–4 ёшдаги болалар деярли ё тил орқани, ё чуқур тил орқани ишлаатади. Улар тилига тил ўртадан кейин икки артикуляция ўрни сигмайди. Сигматиклар ё сирғалувчи товушларга шипилдоқлик артикуляция усулини қўшадилар, ё шипилдоқ товушлардан шипилдоқлик артикуляциясини қолдириб кетадилар. Бу мотор алаликларга хосдир. Яна параротоцизмда артикуляция ўрнини тил ўртага кўчириш ҳам мотор алаликларда учрайди. Шу кейинги икки дефект тузалмайди, абадий қолади. Уларда нутқ органларининг нервланиши шу ўринда бузилган. Улар нутқни тўғри қабул қилгани билан нутқ ўрнини тўғри танлай биамайди.

Патологик чучук тиллилик маълум касал патологияси билан боғли бўлиб, касаллик унинг умрига, хусусиятига боғли ҳолда ўтади.

НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ

“Нутқ товушлари” сарлавҳаси остида аввал нутқ товушлари аспекти тадқиқ этилиб, нутқ товушларининг ҳам физик аспекти, ҳам биоаспекти ҳар томонлама кўриб чиқилди. Энди навбатда шу аспектилар асосида нутқ товушлари ҳосил бўлиши ва улар таснифи тадқиқ қилинади. Бунда қайси нутқ органи кечимида ва физик аспектининг қандай даражасида қандай нутқ товуши ҳосил бўлиши ўрганилади. Натижада, нутқ учун вазифа бажарувчи барча товушлар аниқланади. Бу муқаррар. Чунки ҳар қандай ва ҳар қанча нутқ товуши бўлмасин, у шу нутқ органлари таркиб топтирган артикуляция ўрнида, уларнинг шаклланиши билан боғли ҳолда яралади. Шундан келиб чиқиб, тилшунос Д. Набиева Б. О. Серебрениковдан: “... ҳақиқий фан бевосита кузатиш даражасидан чиқиб, абстракциялаштириш даражасига кўтарилиши лозим,” – деган цитатани келтиради¹. Бу, албатта, ўз ўрнида келтирилган фикр. Унга ўзи яна: “абстракташтириш инвариантлар келтириб чиқаради”, деган фикрини

¹ Кнг.: Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. 16-б.

илова қилади¹. Бу билан Д. Набиева жуда тўғри хулосага келган. Шунга қараб, нутқ товушларини артикляцион – акустик нуқтан назардан типлари белгилаб чиқилар экан, улар ичида маълум бир артикуляцион ўрни ва акустикасига кўра фарқ қиладиган вариант-дошлари бўлиши ҳам табиий. Лекин уларнинг ҳаммасида локаллик ва шовқин белгиси сақланган бўлади. Ана шу белгилар инвариантликни белгилайди². Кўринадик, биринчи навбатда нутқ товушларининг барча вариантларини аниқлаб чиқишга тўғри келади.

Нутқ товушларининг вариантлари саноксиз³ эмас. У нутқ органлари воситасида юзага келган артикуляция ўринлари миқдори билан боғлиқ. Артикуляция ўринлари миқдори нутқ адо этувчи органларнинг имкониятига тобе ҳолда келиб чиқади. Яъни нутқ органлари воситасида юзага келган барча артикуляция ўринлари яратган нутқ товушларини аниқлаб чиқиш мазкур сарлавҳа остида бажариладиган иш бўлиб қолади. Чунончи, А. Нурмонов жуда тўғри таъкидлаганидай, “Нутқнинг ифода томонидан бўлиниши ва бундай бўлинишнинг охирги нуқтаси товуш эканлигининг эътироф этилиши ўзининг узоқ тарихига эга...”⁴ Мана шу нутқ бўлинишининг энг охирги нуқтаси бўлган товушлар ўзбек тилида қанча борлигини аниқлаб чиқиш учун ҳаракат қилинади. Бунда, албатта, нутқ товушларининг артикуляцион акустик томони эътиборда тутилади.

Нутқ органларида, нутқ кечимида қўллаш учун, асосан ун ва шовқин ҳосил бўлади. Нутқ товушлари эса унли ва ундошдан иборат деб қаралади. Улар унли ва ундошга ажратилар экан, уларнинг таркибига эътибор бериш лозим кўрилади. Нутқ товушлари таркибига кўра тўрт кўринишда деб ҳисобланади:

- 1) фақат ундан иборат нутқ товушлари;
- 2) қисман шовқин аралашган ундан иборат нутқ товушлари;
- 3) қисман ун аралашган шовқиндан иборат нутқ товушлари;
- 4) фақат шовқиндан иборат нутқ товушлари.

Фақат ундан иборат нутқ товушлари унлилар деб аталиб, қолган нутқ товушлари ундошлар деб ҳисобланади. Унлилар акустикасига кўра фақат ундан иборатлиги ҳолда, унинг асосий тон, обертон ва

¹ Қрғ.: Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. 16-б.

² Қрғ.: Набиева Д. Ўша асар. Ўша бет.

³ Қрғ.: Набиева Д. Ўша асар. 71-б.

⁴ Қрғ.: Нурмонов А. Профессор Миразиз Миртожиев – фонетист // Миразиз Миртожиев – ўзбек тилшунослиги жонкуяри. –Тошкент: Университет, 2007. 18-б.

резонатор тонлари бўлади. Резонатор тон турли унли товуш таркибида турлича миқдорда кузатилади. Унинг миқдори унли талаффузидаги оғизнинг очилишига қараб белгиланади: кенг унлиларда кўп, тор унлиларда кам қайд этилади. Бу ҳолатни ундошларда ҳам кузатилади. У сонантларда, айниқса, бурун сонантларида, ортиқ даражада ҳосил қилиниб, жарангсиз ундошларда, ҳатто, ўзи ҳам учрамайди.

Тилшуносликка оид адабиётларда ҳамма вақт фонемаларни эътиборда тутиб, уларни унлилар ва ундошларга тасниф этилади. Нутқ товушлари назарда тутилса ҳам, улар унлилар ва ундошларга бўлинади. Унли ва ундош нутқ товушларининг ички тасниф қилиниши назарда тутилар экан, албатта, ҳар бирига алоҳида ёндашилади. Шунинг учун, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашувга тўғри келади.

Айрим дарсликларда: “Унлилар товуш пайларида ҳосил бўлиб, оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамай чиқади”, – деб айтилади¹. Улар, ҳақиқатда ҳам, товуш пайларида ҳосил бўлади. Чунки у ундан иборат бўлиб, уннинг ҳосил бўлиш ўрни фақат товуш пайларидир. Улар агар бошқа тўсиққа учрмай чиққан бўлса, ўзбек тилидаги мавжуд унлилар бир-биридан фарқ қилмас эди. Бу ўринда В. В. Решетов ва Ш. Шоабдураҳмоновларнинг: “оғиз бўшлиғида шаклланади”², – деган фикрини ҳам эътиборга олиш тўғри бўларди. Ун оғиз бўшлиғида қандайдир шаклланиб, бирор унлини ҳосил қилади. Бунда оғиз бўшлигининг очилиш даражаси ундаги бирор органнинг бирор қисми ҳолати аҳамият касб этади. Масалан, оғизнинг тор очилишида тил олди ва тил орқа; ўрта-кенг очилишида тил олди ва тил орқа; кенг очилишида тил олди ва тил орқа артикуляция ўринлари мавжуд. Яъни олти артикуляция ўрни бўлиб, уларда олти унли ҳосил бўлиши мумкин. Шу артикуляция ўринларидан оғизнинг тор очилишида тил олди *i*, тил орқа *ь*, ўрта-кенг очилишида тил олди *e*, кенг очилишида тил олди *э*, тил орқа *a* унлилари ҳосил бўлди. Оғизнинг ўра-кенг очилишидаги тил орқа артикуляция ўрни фойдаланилган эмас (1-жадвалга қаранг).

¹ Қрғз.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. –Тошкент, 1970. 58-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. –Тошкент: Ўқитувчи, 1975. 80-б.

² Қрғз.: Решетов В. В., Шоабдураҳмонов Ш. Фонетика // Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Камол таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1957. 189-б.

Унли товушлар таснифи ва тавсифи

Оғиз очилиши	даражаси	Тил олди	Тил орқа
	Тор	i	ь
	Ўрта-кенг	e	–
	кенг	э	а

Унли товуш ҳосил бўлишида лаб ҳам артикуляция ўрнини ҳосил қилиш вазифасини ўтаган. Унда ҳам оғизнинг очилиши ва тилнинг бўйлама бўлиниши асосий ўринда турган. Яъни лабланган унлилар учун оғизнинг тор очилишидаги тил олди ва тил орқа; ўрта-кенг очилишида тил олди ва тил орқа; лаб иштирокида артикуляция ўрни вазифасини ўтаган, тўртта артикуляция ўрни шаклланган. Оғизнинг кенг очилиши бўйича тил олдида ҳам, тил орқасида ҳам лаб иштироки билан артикуляция ўрни шакл топмаган. Чунки лабланган унлини ҳосил қилиш учун лаблар чўчқаяр экан, оғизнинг кенг очилиши учун имкон бермайди. Лаб олд томонга бўртиб чиқар, чўчқаяр экан, икки лунж мускуллари жағ суягига ёпишади ва тил учи лаб томонга чўзилиб, унинг танаси юқори кўтарилади. Булар оғиз бўшлиғи кенглигини йўқотади ва ўрта-кенг даражага келтириб қўяди. Яъни кенг лабланган унли учун артикуляцияга физиологик жиҳатдан имкон қолмайди.

Оғизнинг кенг очилишида тил орқа ўз кўтарилишини йўқотиб, оғиз бўшлиғини яна ҳам кенгайтириб, яна бир артикуляция ўрнини ҳосил қилади. Бу артикуляция ўрнида тил орқа, кенг, очиқ э унлиси талаффуз этилади. Яъни яна бир унли товуш учун имконият яралган.

Ўрни келганда шуни ҳам эслаш керакки, айрим адабиётларда, оғизнинг очилишида лаб икки томони бўйича бир мунча тораяди, шунга кўра э унлиси лабланган, деб кўрсатилади¹. Лекин бу ўринда асосий томон эътибордан четда қолдирилган. Лабнинг икки чети торайгани билан лабланган унли талаффузи учун улар ораллиғида бўшлиқ юзага келтирилмаган. У тил орқасида шаклланган. Бу лабланиш эмас.

Юқорида қайд этилган беш артикуляция ўрни ўзбек адабий тилида ўз ўрнига эга беш унли товушни юзага келтиради. Улар оғизнинг тор очилишидаги тил олди *у* ва тил орқа *у*; ўрта-кенг очилишидаги тил олди *ө* ва кенг очилишидаги *о* лабланган унлилар, шунингдек, тилнинг жуда паст силлиқ кўтарилишига эга э унлидир (2-жадвалга қаранг).

¹ Қрғ.: Махмудов А. Унлилар. –Тошкент: Кибернетика, 1973. 33–34-бб.

Оғизнинг очиши	даражаси	Тил олди	Тил орқа	Лаблан ган
	тор	Ү	у	
	ўрта-кенг	ө	о	
	кенг	–	ə	

Унлиларнинг лабланишига кўра бутаснифи қарлуқлаҳжасига асосланган адабий тилнинг ўз лексикасида қўлланадиган унли товушларига мансубдир. Бу таснифдаги унлилар билан юқорида қилинган таснифдаги унлилар йиғиндиси ўнта ҳисобланади. В.В.Решетов ҳам ўзбек адабий тилидаги унлилар ҳақида тадқиқот олиб борар экан, ўнта унли товушни ва айнан қўлингиздаги ишда қилинган таснифдаги, ҳар икки жадвалдаги, унли товушларни келтирган¹. Шу хулосага кўра, унли товушлар учун таснифнинг 3-жадвалини қуйидагича тузиш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Оғизнинг очиши	даражаси	тил олди	тил орқа
	тор	i (ү)	ь (у)
	ўрта-кенг	e (ө)	(о)
	кенг	ə	а ə

() ичида лабланган унли берилган.

Жадвалдан маълумки, унлилар учун ўзбек тилида артикуляция ўрни ўн битта: оғизнинг тор очилишида тил олди иккита, тил орқа иккита; ўрта-кенг очилишида тил олди иккита, тил орқа битта; кенг очилишида тил олди битта, тил орқа иккита артикуляция ўрни бор. Оғизнинг кенг очилишида тил орқа фақат бир артикуляция ўрнига эга. Чунки кенг ə унлисининг талаффузида тил орқа кўтарилмай, оғиз бўшлигида остига текис ёйилади ва бўғиздан чиққан ун тил орқага урилиб шаклланади. У урилиб шаклланиши учун тил олдида тўсиқ йўқ. У тил остига ёйилган ҳолда, артикуляция ўрни шаклланмаган. Мавжуд артикуляция ўринлари фақат биттаси фойдаланилмай қолган.

¹ Қрғ.: Решетов В. В. Узбекский язык. Ч.1. –Ташкент: ГУПИ, 1959. –С. 160–208.

Ўзбек тилига бутунлай бошқа тизимга тегишли бошқа оилага мансуб рус тили XX аср бошларидан фаол таъсир эта бошлади. У ҳозир ўзбек тили лексик бойлигининг 26 фоиздан ортиқроғини ташкил қилади. Ўзлаштирилган лексика ўзига хос фонетикага эга бўлмай иложи йўқ. Унинг товушлари ўзбек тилидаги товушларга анчагина ўхшаш бўлса ҳам, фарқли томонлари ҳам етарлича миқдорда бор. Унлилари оғизнинг тор очилишидаги тил олди *и* ва тил ўрта *ы*, шунингдек, тил орқа лабланган *у*; ўрта-кенг очилишидаги *е* ва тил орқа лабланган *о*; кенг очилишидаги тил ўрта *а* товушларидан иборат¹. Аммо бу ўзлашган лексикага мансуб унли товушлар ўзлаштириш кечимида ўзбек тили учун айрим фарқли артикуляция ўринларини юзага келтирган. Яъни рус тилидаги тор *и* ва *ы* унлилари ўзбек тилидаги *и* ва *ь* унлиларига нисбатан ўта тор эканлиги акс этди, уни рентгенограмма ҳам тасдиқлади. Бунинг устига тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра рус тилидан ўзлашган *ы* билан ўзбек тилидаги *ь* унлиси бир хил тил орқада берилди. Рус тилидан ўзлашган лабланган *у* унлиси билан ўзбек тилида лабланган *у* унлиси бир хил тил орқа унли эканлиги кузатилади. Тил олди ўрта-кенг *е* унлиси ҳам ўзбек тилининг ўз унлиси, ҳам рус тилидан ўзлашган сўзлардаги унли эканлиги ҳолда қайд этилади. Рус тилидан ўзлашган сўзларга мансуб *ё* унлиси ўзбек тилидаги ўрта-кенг тил орқа *о* унлиси артикуляция ўрнида эмас, унинг ўрни сал олдинроқда эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун, уни тил ўрта артикуляция ўрнида деб қарашга тўғри келди. Ўзлашган сўзлардаги тил ўрта кенг *а* унлиси ўзбек тилида ўзгарилмас ўзлаштирилган. Яъни рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлардаги унли товушлар таснифи қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Оғизнинг очилиши	даражаси	тил олди	тил ўрта	тил орқа
	ўта тор	и		ы
	тор			у
	ўрта-кенг	е	ё	
	кенг		я	

¹ Қриг.: Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. Ч.1. –М.: Просвещение, 1967. –С.14.

Ҳозирги ўзбек тилида унли товуш типлари миқдорини ҳисоблар эканмиз, рус тилидан ўзлашган унлиларни ҳам эътиборда тутишга тўғри келади. Улардаги тил орқа тор у унлиси ва тил олди ўрта-кенг е унлиси ўзбек тилидаги мавжуд у ва е унлилари билан бир хил бўлиб, қолганлари улар типи миқдорини орттиради. Яъни ўзбек адабий тилида 14 та унли товуш бор. Бу унли товушлар таснифи куйидаги 5-жадвалда берилди.

5-жадвал

ОҒИЗНИНГ ОЧИ- ЛИШИ	даражаси		тил олди	тил ўрта	тил орқа
	тор	ўта	и		ы
		сал	і (ү)		ь (у)
	ўрта-кенг		е (ө)	(ё)	(о)
	кенг		э	ә	а э

Ўзбек тилида яна иккита унли товуш бўлиб, уларнинг адабий тилдаги унли товушлар ва улар учун тузилган жадвалга алоқаси йўқ. Чунки улар айрим шеваларгагина хосдир. Улардан бири Самарқанд-Бухоро шеваларига мансуб лабланган, тўла кенг бўлмай, сал торроқ, тил орқа э унлисига жуда ўхшаш талаффуз этиладиган Ё унли товушидир. Улардан иккинчиси ўрта-кенгдан сал кенгроқ, тил олди кенг э унли товушига жуда яқин талаффуз этиладиган æ унлиси бўлиб, ўғиз шевалари ва Наманган шевасида қўлланади. Улар адабий тилга мансуб бўлмаганлиги учун, унли товушлар таснифи учун тузилган жадвалдан ўрин олмайди. Жадвалда ҳам тил ўрта кенг, ҳам тил ўртадаги тил ўрта-кенг, ҳам тил ўрта тор унлилар учун ажратилган артикуляция ўринлари бўш қолган. Чунки ўзбек тилида оғизнинг тор, ўрта-кенг ва кенг очилишидаги тил ўрта унли товушлар ҳосил қилинмайди, бу артикуляция ўринлари фойдаланилмай ўтган. Бошқа унли товушлар ҳосил бўлиши учун эса нутқ органларида физиологик имкон йўқ. Бу ўринда Д. Набиевнинг: “Фонемаларга ажратишнинг фонологик тамойили рад қилиниб, акустик артикуляцион томони бош тамойил қилиб олингандан сўнг, хоҳлаганча унлиларни сифат жиҳатдан ҳам, миқдор жиҳатдан ҳам ажратиш мумкин. Лекин уларни санаб санафига етиб бўлмайди¹, – деб қилган хулосаси асоссиз эканлиги аён бўлди. Чунки нутқ органларида нутқ товушлари ҳосил бўлади. Бу ўринда улар ҳосил бўлиши ва таснифи кўриб чиқилди. Фонемаларга эса шу товушлар бера оладиган семантик қимматдан келиб чиққан умумлашмалар орқали борилади.

¹ Қриг.: Набиева Д. Ўша асар. 71-б.


Ўзбек адабий тилида, айтилганидай, унли товушлар 14 та бўлиб, яна шевага мансуб икки унли товуш бор. Уларнинг артикуляцияси ни бирма-бир тартиб билан қайд этиб тавсифлаб ўтишга ҳаракат қилинади. Унли товушлар оғизнинг очилишига кўра уч типга бўлинади: 1) тор унлилар, 2) ўрта-кенг унлилар, 3) кенг унлилар.

Тилнинг юқори кўтарилишидаги тор унлиларда тил танглайга жуда яқин келиб, товуш пайида ҳосил бўлган ун тил ва танглай ўртасидаги шу тор оралиқдан ўтиш орқали нутқ товуши ҳолатида шаклланади. Бу унлиларни тор унлилар деб аталади. Тор унлилар бир неча. Уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида тавсифлаб ўтишга тўғри келади.

1) *i* унлиси. У асосан ўз лексикага оид сўзларнинг тоқ бўғинларида қўлланади. Бу бўғинларда ёрдамчи урғу бўлганлиги учун, у редуцияга учрамаган бўлади. У чуқур тил орқа ундошлари ва бўғиз ундошлари бўлган сўзларда қўлланмайди. Унинг артикуляциясида тил учи пастга эгилган ва пастки тил учига теккан, тилнинг ўрта юзаси олд томонга сиқилган, тил илдизи билан танглай девори оралиғи нисбатан кенг бўлади. Тилнинг ўрта бел юзаси қаттиқ танглайга томон ниҳоятда кўтарилиб, унинг эркин қисми оғиз бўшлиғининг олд қисмига ёйилади, четлари жағ тишлари юзасига ёпишади. Лаб четлари икки ёнга енгил тортилиб, оғиз бўшлиғининг олд қисми чегараси қатъий ҳолда тил бўлиб қолади. Бу акустик нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, *zil, til, jil, tik, it, bir* каби сўзлардаги *i* унлиси шундай талаффуз қилинади. Улар тил орқа, тил ўрта лаб ундошлари билан контакт қўлланади.

i унлиси *it, ip, is, ic, iʃ* каби сўзларда анлаут бўлиб келар экан, у 110–140 мсек. чўзиқликда қўлланади. Агар у полисилабик сўзнинг урғу бўлмаган биринчи бўғинининг анлаути сифатида келса, чўзиқлиги 70–80 мсек. бўлади: *iʃing, ikkəw* каби сўзларда. Урғусиз бўғинларда 10–20 мсек. чўзиқликда қўлланади ва, ҳатто, кучли редуцияга кўра синкопага учрайди¹. Ёрдамчи урғули бўғин инлаути сифатида 40–70 мсек., лексик урғули бўғин инлаути сифатида 80–120 мсек. чўзиқликда қўлланиши мумкин. Масалан: *sewilməq, ʃivirləʃ, xətini* сўзларининг иккинчи бўғини урғусиз, *pijələ, bilədi, nımə* сўзларининг биринчи бўғини ёрдамчи урғули, *əzizim, ʃəir, ymrim, Nəzir* сўзларининг иккинчи бўғини лексик урғулидир. *i* унлиси сўз ауслаутида 110 мсек. чўзиқликда, гап охирида 140–250 мсек. чўзиқликда эканлиги кузатилди.

¹ Қрғ.: Маматов Дж. Т. Ўзбек тилида редуция. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. 18-б.




1-рентгенограммадаги 1) — қора чизиқда и унлиси, 2) ---- узук чизиқларда і унлиси берилган.

2) и унлиси. У асосан рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан қабул қилинган сўзларда қўлланади. Масалан, *internэционэл, коммунизм, сумпрэтижэ* каби сўзларда. Унинг артикуляцияси деярли і унлиси артикуляцияси каби бўлса ҳам, тил бели ўртасининг юзаси қаттиқ танглайга томон кўтарилиши яна ҳам кучли, тил четлари жағ тишлари ёнига қаттиқ ёпишиб, қаттиқ танглайга ҳам деярли тегиб туради. Лаб четларининг икки ёнга тортилиши і унлисидагига нисбатан ортиқроқ, аммо бари бир енгил бўлади. Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларда ҳам шу и унлиси қўлланади, бироқ унинг кетидан, яъни постпозицияда тил ўрта, сирғалувчи, жарангли j ундоши келади. Масалан, *суйлэ, суйлэ иjlэ, тиж* сўзларидаги каби. Шундай и унлиси айрим сўзларда чўзиқ қўлланади. Бунда у j сирғалувчи ундоши билан контакт қўлланиши шарт эмас. Аслини олганда бу сўзлар ҳам соф ўзбекчага мансублиги йўқ. Масалан, *тир, тинэ, пинэ* сўзларидаги каби. Бу и унлиси деярли интерконсонант қўлланиб, ками 120–160 мсек. чўзиқликда бўлади. У ўз лексикага оид сўзларда ҳам, ўзлашган лексикага оид сўзларда ҳам учраши мумкин. Ўзбек тилига шарқ тилларидан қабул қилинган сўзларда ҳам рус тилидан ўзлашган сўзлардаги билан бир хил и унлиси бор. Аммо улар ўзбек тилининг ўз лексикасида бўлган і унлиси каби талаффуз этилади.

3) ь унлиси. У ўз лексикага оид сўзларда чуқур тил орқа ёки бўғиз ундошлари билан контакт келади. Унинг артикуляциясида тил учи тишдан бироз орқага қочади. Тил илдизи орқа томонга, орқа бели юзаси томоқ деворига, умуман тилнинг ўзи ҳам бўғиз томон сал тортилади. Унинг икки ёни і унлисидаги каби жағ тишлар юзасига тегади. Тилнинг ҳамма қисми юқорига: қаттиқ танглайнинг орқаси ва юмшоқ танглайнинг олди қисмига кескин кўтарилиб, тор оралик қолдиради.

Тил учи ҳам устки ва пастки тишлар оралиғи тўғрисиғача баландалашган бўлади. Лаблар тишлар билан тенг ҳолда сал очилади. Масалан, *qʷʷʷq, xʷʷ, hʷʷʷʷ* сўзларидаги каби *ʷ* унлиси шундай. *ʷ* унлисининг чўзиқлиғи позиция ва ургуллиғига қараб *i* унлисига жуда ўхшайди.



2-рентгенограммадаги 1) — қора чизиқда *ʷ* унлиси, 2) - - - узук чизиқларда *ʷ* унлиси берилган.


4) ***ʷ* унлиси.** У рус тилидан ўзлашган сўзларда қўлланган бўлади. Масасан, *syʷ, vystʷʷkʷ, vʷʷʷʷkʷ* каби сўзлардаги биринчи бўғин унлиси шундай *ʷ* унлисидир. Артикуляцияда бу унли ўзбек тилининг ўз лексикасида учрайдиган тил орқа *ʷ* унлисидан тилнинг кўтарилишига кўра ва сал торроқ, нисбатан яна ҳам тил орқароқ бўлиши, тил ёнлари жағ ёнига ёпишиш билан қаттиқ танглайга ҳам тегиб туриши орқали фарқланади. Жонли ўзбек тилида бу товуш деярли бузиб талаффуз этилади ва *ʷ* унлиси билан ассимилятив конверсия (ўзлашиб бирлашиш)га учрайди. Чунки ўзбекларда *ʷ* унлиси учун артикуляцион кўникма йўқ. Унинг талаффузига фақат онгли ёндашиш зарур.

Бу унли ўзбек тилига ўзлашган сўзларда асосан инлаут бўлиб, ками 180 мсек. чўзиқликда талаффуз этилади. Ўрнига қараб у 250 мсек.гача талаффуз этилади.

i, u, ʷ, ʷ унли товушларининг ҳаммаси ҳам сўз охирида қўлланганда тилнинг кўтарилиши нисбатан кам, тил учи орқароқ бўлади. Бу артикуляцион рекурсиянинг сўнггиси эканлиғи билан боғлиқдир. Чунки сўнгги товуш артикуляцион рекурсиясида оғиз бўшлиғидаги нутқ органлари одатий ўрнига қайтиши керак. Шунингдек, улар маълум даража чўзиқроқ бўлади. Бу унга тушган ёрдамчи урғу билан изоҳланади.

5) **у** унлиси. Фарғона водийсидаги, айниқса, қарлуқ ва чигил лаҳжаси шеваларида деярли биринчи бўғинда учрайди. У тил орқа, тил ўрта, тил олди ва лаб ундошлари бўлган сўзларда, кўпинча шу товушлар билан контакт келади. Масалан, *ус, tyt, tyr, byr, kyl* каби сўзлар унлиси шундай. Унинг артикуляциясида тил учи пастки тишга тегиб, умуман тил олд томонга маълум даражада тортилади. Тил устининг олд қисми қаттиқ танглайга кескин кўтарилиб, у билан тор оралиқ ҳосил қилади. Лаблар чўччайиб, юмалоқ шакл олади. Унинг орасидаги ҳосил бўлган бўшлиқ товушнинг шаклланиш ўрнидир. Тил ёнларининг орқа қисми эса жағ тишлар ёнига ёпишади.

Бу товуш Тошкент, Самарқанд каби шаҳар шевалари ва адабий тил учун унча хос эмас.



3-рентгенограммадаги 1) — қора чизикда
 у унлиси, 2) - - - узук чизикларда у унлиси
 берилган.

6) **у** унлиси. Барча шеваларда чуқур тил орқа ва бўғиз унлилари билан контакт, ҳатто, шундай ундоши бўлган сўз таркибида ҳам, қўлланади. Масалан, *қур, қус, уқ, жуқ, буψ, туψ* каби сўзлар унлиси шундай. Унинг артикуляциясида тил учи тиш оралиғига тўғри тутилган ҳолда ундан орқага тортилади. Тил юзасининг энг орқа қисми юмшоқ танглайга томон максимал кўтарилади. Унинг ён томонларининг орқа қисми энг орқа жағ ёнига тегади. Лаб у унлисидагига нисбатан ҳам ортиқроқ ҳолда чўччайиб, юмалоқ шакл олади. Улар орасидаги бўшлиқда унли шаклланади. Бу унли *kyl, byr, kyp* каби чуқур тил орқа ёки бўғиз товуши бўлмаган сўзлар таркибида ҳам учрайди. Бироқ улар артикуляциясида тилнинг максимал орқага тортилиши нисбатан кучсиз бўлади. Тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай томон кўтарилса ҳам, у энг орқа қисми эмас.

Бу тил олди **у** ва тил орқа **у** унлилари анлаут сифатида 70–110

мсек. чўзиқликда келиб, агар кўрсатиш олмоши сифатида қўлланса, 200–220 мсек. чўзиқликка эга бўлади. Улар деярли сўзнинг инлаути позициясини олиб, урғусиз бўғинларда 50 мсек., урғули бўғинларда 80–120 мсек. чўзиқликда келади. Масалан, *үзүт, үзэнгі* сўзларида тил олди *ү, уqməq, uqa* сўзларида тил орқа у қўлланган. Улар қўлланган тил олди *ү* унлили *үзүк, үзүт* сўзларининг ва *у* унлили *тузəq, тутəп* сўзларининг биринчи бўғини урғусиз, тил олди *ү* унлиси билан қўлланган *gyl, eryr, үmr, түr* сўзлари бўғини урғулдир. Улар деярли сўз ауслаути сифатида келмайди, баъзи олмошлар ауслаути сифатида келса, (*şy, by, уşby* сўзларидаги каби), 80–100 мсек.; кетидан пауза кутилсагина 200 мсек.дан ортиқ чўзиқликда бўлади. Бундай ҳолларда, юқорида айтилганидай, уларнинг артикуляция хусусияти ўзгаради.

Тилнинг олд кўтарилишидаги *ү*, орқа кўтарилишидаги *у* унлилари полисиллабик сўзларнинг охириги очиқ бўғинида келса, лабнинг чўччайиши ва юмалоқ шакл олиши кучсизланади. *Ү* унлисида лабнинг умуман олдинга, *у* унлисида умуман орқага тортилиши ҳам у даражада бўлмайди.

Тилнинг ўрта кўтарилишидаги унлиларда тил танглайга томон пастки тиш баландлигида, яъни ўртача баландликда кўтарилиб, товуш пайида ҳосил бўлган ун тил ва танглай ўртасидаги унча тор бўлмаган ораликдан ўтиб, нутқ товуши ҳолатида шаклланади. Бу унлиларни ўрта-кенг унлилар деб ҳам аталади. Ўрта-кенг унлилар ҳам бир неча. Уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида характерлаб ўтишга тўғри келади.


1) е унлиси. У асосан ўз лесикага оид сўзларнинг фақат биринчи бўғинида учрайди. Рус тили ва рус тили орқали Европа тилларидан олинган сўзларнинг ҳар қандай бўғинида келганлигини ҳам кузатиш мумкин. Ўз лексикага оид сўзларнинг биринчи бўғинида деярли ундошлардан кейин келади ва 60–85 мсек. чўзиқликка эга бўлади. Масалан, *kel, bet, celak, terak, kerak* сўзларидаги каби. Агар у такт урғуси олган бўғинда келиб, кетидан пауза кутилса, 140 мсек.гача чўзиқ бўлиши кутилади. У камдан-кам сўз бошида учрайди ва 80–85 мсек. чўзиқликда талаффуз этилади. Бу товуш рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг барча бўғини ва барча позициясида қайд этилади: *elektr, aeroplən, duzel, durektuwa, mexanik* сўзларидаги каби. У чуқур тил орқа ундошлари ва бўғиз ундоши келган сўзларда қўлланмайди.

Унинг артикуляциясида олд тишлар очилиб, тил учи тепа олд тишларнинг шу очилган оралиғига тўғри ҳолатда орқароқ тортилиб туради. Тилнинг олд юзаси қаттиқ танглайга томон

кўтарилиб, икки ён қисми жағнинг олд томонидагилари четига сал теккан бўлади. Тил илдизи билан ҳалқум девори оралиғи нисбатан кенгроқ очилади. У энига ёйилиб, бўйига қисқаради. Лаб четлари икки томонга тортилган бўлади.

Ўз лексикага оид саноқли сўзларгина очиқ бўғиндан иборат бўлиб, унинг унлиси шу *e* унлиси эканлиги кузатилади. Бунда унинг артикуляциясига хос тил олди юзасининг қаттиқ танглайга томон кўтарилиши нисбатан баландроқ бўлиб, унинг танглай билан оралиғи тор қолади. У *i* унлисига жуда яқин талаффуз этилади. Масалан, *de-, je-* сўзларидаги каби. Яна *ke-* сўзидаги *e* унлисининг артикуляцияси нисбатан одатдагидан кенгроқ бўлади. Чунки ундаги буйруқни кучайтириш мақсадида сўнги ундоши сонанти тушириб қолдирилган ва унинг ҳисобига унли кучли талаффуз этилиб, нисбатан кенгроқ артикуляцияни олган.

Mehr, zehn сўзларидаги *e* унлиси жонли тилда тор *i* унлиси каби талаффуз этилади ва лаб учлари икки томонга тортилади. Тилнинг тана қисми кенг ёйилиб, икки чекаси тил ёнига ёпишади. Тил учи паст ва тепа тишлар оралиғига бориб тегади.



4-рентгенограммадаги 1) — қора чизиқда *e* унлиси, 2) - - - узук чизиқларда *æ* унлиси берилган.


2) ***æ* унлиси.** У асосан Хоразм вилоятидаги ўғизлар ва Наманган шеваларида учрайди¹. Унинг артикуляциясида олд тишлар *e* унлиси артикуляциясидаги даражасида очилиб, тилнинг олд томони

¹ Қрғ.: Абдуллаев Ф. А. Фонетика хорезмских говоров. —Ташкент: Фан, 1967. —С. 37–39; Атамизраева С. Экспериментально-фонетическое исследование Наманганского говора узбекского языка. —С. 32, 33.

кўтарилиши нисбатан пастроқ бўлади, яъни оғиз очилади. У *a* унлиси ҳолатидаги кенгликка эгалик қилади. Артикуляциянинг қолган ҳолатлари *e* унлисиникига ўхшайди. Бу унлининг сўз таркибидаги қўлланиш позицияси ҳам айнан *e* унлиси мавқеидадир. Чунки у адабий тилдаги *e* унлисининг ўғиз ва Наманган шевасидаги варианты саналади. Унинг қўлланиш частоталари ҳақида шуни айтиш мумкин: *æ* унлиси деярли лаб-лаб, *è* тил олди, *ê* тил орқа жарангли ундошлари, *ë*ки шевада жаранглилашган консонантлар билан контакт келади.

3) ø унлиси. Фарғона водийсидаги шеваларда, айниқса, қарлуқ ва уйғур шеваларида учрайди. У тил олди, тил ўрта, тил орқа лаб ундошлари бўлган сўзларда ва кўпинча шу ундошлар билан контакт келади. Масалан, *køl, bøl, øt, øtkir, øc* сўзларидаги каби.

Унинг артикуляциясида тишлар очилиб, тил учи тепа ва паст тишларнинг очилган оралиғига тўғри ҳолатда орқароқ тортилиб туради. Унинг олд юзаси қаттиқ танглайга томон кўтарилиб, икки ён қисми ёйилган ҳолда жағнинг очилган оралиғига суқилади ва лунжлар жағларга ёпишади. Тил илдизи билан ҳалқум девори оралиғи нисбатан кенгроқ очилади. Лаб энига қисқариб, юмалоқ очилган ҳолда олдинга чўчқаяди.



5-рентгенограммадаги 1) — қора чизиқда ø унлиси, 2) - - - узук чизиқларда ø унлиси, 3) нуқтали тизимда ø унлиси берилаган.

Етакчи шаҳар шеваларида бу тил олди унлисининг артикуляция ўрни маълум даражада орқароққа – тил ўртароғига сурилади. Бу ўзбек адабий тили учун ҳам меъёр ҳисобланади.

Бу тил олди ø унлиси ўз лексикага оид сўзларнинг фақат биринчи бўғинида учрайди.

4) о унлиси. У ўзбек тилининг барча шеваларида ҳам учрайди. Бу унли чуқур тил орқа ундошлари ёки бўғиз ундошлари билан контакт ёки бўғиз ундоши келган сўзларда келади. Масалан, *qol, xol, qoj, gor, oq, oʻyl* сўзларидаги унлилар шундай.

Унинг артикуляциясида тишлар очилаб, тил учи пастга тушади ва орқароқ тортилиб туради. Тилнинг бутун танаси оғиз бўшлиғи пастки юзасини тўла қоплаб ёпади. Унинг орқа юзаси юмшоқ танглайнинг ўрта қисми томон кўтарилиб, икки ёни илдиз томонида қисқариб юмалоқ шакал олади, олди ёйилиб, орқа томонга кучли тортилади. Тил барча томонларида тишдан тўла ажралган бўлади. Тил олди билан қаттиқ танглай оралиғи нисбатан кенгроқ очилади. Лаб энига қисқариб, юмалоқ очилган ҳолда, олдинга томон кучли чўччайиб чиқади.

Бу тил орқа унлиси ўз лексикага оид сўзларнинг фақат биринчи бўғинида учрайди.

Бу тил олди *o* ва тил орқа *o* унлилари анлаут сифатида жуда кам қўлланади. Бунда унинг чўзиқлиги 80 мсек. атрофида кузатилади: *oʻzak, oʻrik, oʻsəq, oquv, otəq* сўзларидаги каби. Улар деярли биринчи бўғиннинг инлаути сифатида келиб, урғусиз бўлса, 50–70 мсек. чўзиқликда (*bəlar, kəsa, sorəq, qorəq* сўзларидаги каби), урғули бўлса, 80–120 мсек. чўзиқликда (*kək, tər, toʻvr, toq* сўзларидаги каби) бўлади.

5) oʻ унлиси. У ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сўзларда учрайди. Шунда у қўлланган бўғин урғули бўлади. Масалан, *tól, ykól, nól, ról* каби сўзларда.

Унинг артикуляциясида тил учи қуйи тушиб, пастки тишга тегади. Тил танаси орқага томон тортилади. Тилнинг орқа юза қисми юмшоқ танглайнинг олд юза қисмига томон кўтарилади ва кетма-кет ўрта қисми кўтарилади. Лаб энига қисқариб, юмалоқ очилган ҳолда олдинга томон сал чўччаяди. Бу эса ўзлашган лексикага оид тил орқа унли сўзларнинг барча урғули бўғинларида учраши мумкин. Урғусиз бўғинларда ҳам у орфоэпик меъёр сифатида талаффуз этилади. Лекин у боғловчиларда кузатилади, лекин рус тилидан ўзбек тилига боғловчилар қабул қилинган эмас. Рус тилидан ўзлашган сўзларнинг урғусиз бўғинида қўлланган *oʻ* унлиси орфоэпик меъёрга кўра урғусиз *a* унлиси ҳолида талаффуз этилади, яъни унинг артикуляциясидаги тил ўрта юзасининг ўртача кўтарилиши кўтарилиш баландлигини одатий ҳолга етказмайди ва кенг унли ҳолида қайд этилади.

Шунингдек, у лабланганлигини ҳам йўқотади. Масалан: *костюм, роман, ромашка, костер, фонетика, прогрес, рояль*¹ сўзларидаги каби. Ўзбек тилига рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган сўзлардаги урғусиз бўгинларда қўлланган *о* унлиси икки вариантда талаффуз этилади. Унда урғусиз *о* ҳолатидаги талаффузи сақланади. Масалан: *новелла, болеро, рококо, коктейл* сўзларидаги каби. Худди шу сўзларнинг ўзи рус тилига ниҳоятда ўзлашиб кетганлиги учун, бу сўзлардаги урғусиз *о* унлиси *а* унлиси каби талаффуз этилади. Худди шу сўзлардаги каби рус тили орқали Европа тилларидан ўзлаштирилган атоқли отлар: *Шопен, Жорес, Морис Торес* ва жой номлари *Гонконг, Бордо, Локарно* кабиларнинг урғусиз бўғинидаги *о* унлиси ҳам икки вариантли талаффузга эга. У ҳамма вақт 90 мсек. атрофида чўзиқ бўлади.

Тилнинг паст кўтарилишидаги унлиларда тил пастки тиш юзасидан ҳам пастроқ кўтарилиб, товуш пайларида ҳосил бўлган ун тил ва танглай оралиғида юзага келган кенг бўшлиқдан эркин ўтиши орқали нутқ товуши ҳолатида шаклланади. Бу унлилар кенг унлилар деб аталади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида тавсифлаб ўтишга тўғри келади.

1) э унлиси. У ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзлардаги барча бўгинларда учрайди. Бу унли қўлланган сўзда лаб, тил олди, тил ўрта, тил орқа ундошлари келиши, шунингдек, улар контакт қўлланиши кузатилади. Чуқур тил орқа ундошлари у билан бир сўз таркибида келмайди. Масалан: *кэл, тэј, сэј, тэјна, эјна* сўзларидаги каби.

Тил олди *э* унлиси анлаут сифатида бошқа унлиларнинг анлаутига нисбатан анча чўзиқ – 90–110 мсек. атрофида келади. Агар у аввалги сўз билан сандхи қўлланиб *ё* бошқа унлининг постпозициясига ўтиб қолса, *ё* унли билан контакт бўлса, 50–70 мсек. чўзиқликка тушади: *kólxózdə ərəvəsəz, kim əjtdi* бирикмаларидаги каби. У инлаут ҳолда урғусиз бўгинларда ҳам 50 мсек. дан кам талаффуз этилмайди. Урғули бўгинларда у 150 мсек. гача чўзиқ бўлади, ауслаутда у 210 мсек. гача, гап охирида 320 мсек. гача чўзилади. Масалан: *qəny, jənə, bəhər, sərəjmiz* сўзларида у урғусиз бўғинда; *bəri, kerək, jyrək, bilməsəm* сўзларида урғули бўғинда; *mə, ystə, sengə* сўзларида ауслаут сифатида қўлланган.


Унинг артикуляциясида тил учи қуйи тушиб, пастки курак тишлар милк устига тиралади, танаси олд томонга оғиз бўшлиғи

¹ Бу ўринда ўқувчилар аниқ тасаввурга эга бўлиши учун, мисолларни рус им-лосида келтиришга қарор қилдик.

остини қоплаган ҳолда кучли тортилади, эркин қисми энига кенг ёйилиб, пастки жағ тишлар деворига ёпишади. Оғиз бўшлиғи энига ниҳоятда кенгайиб, лунж ва лаблар тишдан сезиларли нарилашади. Лабнинг икки чети билинар-билинемас икки томонга тортилади. Тил танасининг олд юзаси қаттиқ танглайга томон сал кўтарилади.

Бу унли айрим сўзларда чўзиқ қўлланади. Масалан: *sə:l, jə:l-jə:l, sə:t* сўзларидаги каби. Бундай тил олди *ə* унлиси чўзиқ талаффуз этиладиган сўзлар кўпроқ ўзлашган бўлиб, улар шарқ тилларидан олинган. Ўз лексикага оид сўзларда ҳам у кузатилади, лекин бу сўзлар тақлидий-тасвирий ва ундов сўзлар бўлади. Масалан: *jə:lt, jə:rq, bə:r, hə:j* сўзларидаги каби. Бу *ə* унлисининг чўзиқлиги ҳамма вақт 200 мсек.дан ортиқ бўлади.

Тил олди *ə* унлиси сўз ауслаути бўлса, у яна ҳам кенгроқ, оғиз яна ҳам каттароқ очилиб талаффуз этилади. Тилнинг эркин қисми одатдаги даражада олд томонга кучли тортимай, маълум даражада кучсизланади. Табиий ҳолда резонатор тони кўпаяди.



6-рентгенограммадаги 1) — қора чизиқда *ə* унлиси, 2) ---- узук чизиқларда *ə* унлиси, 3) нуқтали тизимда *a* унлиси берилган.

2) *a* унлиси. У ўзбек тилининг ўз ва ўзлашган лексикасининг барча бўғинларида учрайди. Бу унли чуқур тил орқа ундошларидан кейин ёки шундай ундош қўлланган сўзларнинг ауслаути ҳолатида келади. Айрим ҳолатда тил ўрта жаранглиси контакт препозицияда ҳам кузатилади. Мисоллар: *qazъ, qarta, xarъta, ψazal, ψam, xazъna, ajψъr, ajla* ва ҳоказо. Улар 70–90 мсек. чўзиқликда бўлади. Кўпинча анлаутдаги унли ҳам тил орқа *a* унлиси бўлади. Масалан: *accъq, asbr, anъr, avval* сўзларидаги каби. Улар 100 мсек. атрофида чўзиқ бўлади.

Бироқ *əsal, əzal, əziz, ətə* каби сўзлардаги бу товушлар *a* унлиси эмас, балки тил олди *ə* унлиси қўлланган.

Унинг артикуляциясида тил учи пастки курак тиши учига тўғри тутилган ҳолда орқага тортилади. Унинг танаси тил илдизи билан бирга орқага тортилган бўлиб, тил илдизининг орқа юзаси юмшоқ танглай ўртасига томон сал кўтарилади. Тил илдизи ёйилиб, ёнлари орқа жағ тишларининг пастки ёнига тегади. Оғиз бўшлиғи энига ниҳоятда кенгайиб, лунж ва лаблар тишлардан сезиларли даражада нарилашади. Лабларнинг чети билинар-билинмас икки томонга тортилади.

Тил орқа *a* унлиси сўз ауслаути сифатида келса, у нисбатан яна ҳам кенгроқ артикуляцияга эга бўлади, яъни оғиз яна ҳам катта очилиб, резонатор тони ниҳоятда ортади. Масалан, *qarʃa, bəhʃa, qʷsqa, xalqa* сўзларининг ауслаути бўлган тил орқа *a* унлисига ўхшаш. Улар 170–200 мсек. чўзиқ бўлади. Айниқса, кенг унлилар ауслутда келса, яна ҳам кенг ва ниҳоятда чўзиқ талаффуз этилади. Бу қонуниятдир.

3) **á унлиси.** У ўзбек тилининг рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган лексикасига оид сўзларда қўлланади. Уни сўзнинг барча бўғинларида кузатиш мумкин. Масалан, *bás, táz, ástrá, ávtór, ándátrá* сўзларидаги каби.

Унинг артикуляциясида тил учи пастки курак тишларининг ёнига бориб тегади. Тил танаси унча кучли бўлмаган ҳолда олдига томон тортилади, лекин тил илдизи ҳалқум девори томон сурилади. Тилнинг кўтарилиши ниҳоятда, яъни охирги даражада паст бўлиб, у текис ҳолда оғиз бўшлиғи остида ётган, худди босилгандай туради. Кучли талаффуз пайтида унинг олд қисми юзаси олд қисмига яна ҳам босилгандай бўлади. Лекин бу ҳамма вақт ҳам шарт эмас. Бу унли талаффузида тил олди *ə* ва тил орқа *a* унлилари талаффузи каби оғиз бўшлиғи энига кучли кенгаймайди. Лунж ва лаблар тиш тизмаларидан нарилашмайди. Лаблар ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди. Бу унли, рус тилида гарчи тил олди унлиси деб атаган бўлса ҳам, ўзбек тилида тил олди *ə* ва тил орқа *a* унлиларига қиёсан олиниб, тил ўрта *á* унлиси деб номланади.

Тил ўрта *á* унлиси урғусиз бўғинларда келса, қисқа талаффуз этилади. Масалан, *ástrá, ándátrá, pápurós, máʃuná* сўзларининг урғусиз бўғинларида келган тил ўрта *á* унлиси каби. Бу унли очик бўғинда ҳам, ёпиқ бўғинда ҳам, ауслаутда ҳам ўз талаффуз кўламини ўзгартирмайди. Улар фақат урғуга кўра акустик фарқланади.

4) **ə унлиси.** У ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзлардаги

биринчи бўғинларда ва чуқур тил орқа ундошлари билан контакт препозицияда учрайди. Масалан, *bər, tər, bəş, əs, əq, təj, qəʃləq, jəʃləq, belbəʃ, çinbəʃ* сўзларидаги каби. Улар анлаутда 60–90 мсек. оралигида, инлаутдаги урғусиз бўғинда бўлса, 30–60 мсек.; ургули бўғинларда бўлса, 95–140 мсек. оралигида талаффуз этилади. Уни шарқ тилларидан ўзлашган сўзларнинг бўғинларида ва барча позицияларда учратиш мумкин. Масалан, *bəʃ, tətəp, təkəp, həmrəh, əlləh, ərəq, bəzər, tərəz* сўзларидаги каби. Бундай э унлиси доимо чўзиқ хусусиятли бўлиб, ками 100 мсек. вақт олади.

Унинг артикуляциясида тил учи пастки курак тиш қиррасига тўғри тутиган ҳолда орқа томон тортилади. Тил танаси ва иддизи биргаликда бўғизга тортилиб, юзасининг орқа ва ўрта қисми текис ҳолни олади. Тил олди оғиз бўшлиғи тубига ёпишиб, юзаси кенг ботиқ ҳолга келади. Тилнинг орқа томон ёнлари торайиб, жағ тишлардан нарилашади. Лунжлар жағ тишларига ёпишиб, оғиз бўшлиғи катта очилади. Бу унлида ҳам лаб ўзгаришсиз бўлгани ҳолда, а унлиси артикуляциясидан фарқан томони лаб четлари икки ёнга тортилмайди, шунингдек чуқур тил орқаси сал кўтарилади. Шунга қарамай, бир қатор тилшунослар уни лабланган, деб қайд этадилар¹. Бироқ шу ишнинг унли товушлар таснифига бағишлаб фикр билдирилган қисмида унинг мумкин эмаслиги ҳақида айтилган эди. э унлиси учун тил орқа а унлисига нисбатан оғиз кенг очилиши, тилнинг орқа кўтарилиши бўлмай, у остига кенг ёйилиши ва ўртаси чўккан ҳолга келиши айтилган эди. Агар бу унлини лабланган ҳолга келтириладиган бўлса, оғизнинг лунж мускуллари лаб томон тортилиб, жағ тишлар орасига ботиши ва учига томон чўзилган тил юқори кўтарилиши муқаррар. Натижада, оғиз бўшлиғи ўра-кенг ҳолга келиб қолади. Бу товуш деярли тил орқа о товушига ўхшаб кетади. Бундай унли эса ўзбек тилининг Самарқанд, Бухоро ва Конимих шеваларида бор. У ҳақда кейинроқ тўхтаб ўтилади. Тил орқа кенг э унлисини лабланган деб кўрсатган тилшуносларнинг ҳам иккитаси бухоролик (бири М. Мирзаев бўлиб, дарсликда, иккинчиси Х. Неъматов бўлиб, қўлланмада кўрсатган), иккитаси самарқандлик (бири Ж. Мухторов бўлиб, дарсликда, иккинчиси А. А. Абдуазизов бўлиб, авторефератда кўрсатган)лар шеvasи

¹ Қўнг.: Мирзаев М., Усмонов С. Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. 59-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. 81-б.; Абдуазизов А. А. Сопоставительный анализ гласных фонем английского и узбекского языков. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –М., 1967. –С. 24; Неъматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 32-б.

вакиллари дир. Улар ўз шевалари талаффузини адабий тил меъёри билан адаштириб юборганлар. Лекин уларга Ҳ. Жамолхонов беихтиёр эргашган¹. Д. Набиева эса тил олди унлиларига тил орқа унлиларини қарама-қарши қўйиб, уларнинг ҳаммасини лабланган деб кўрсатади. Бунда э унлиси ҳам тил орқа кенг эканлигини эътиборда тутиб, лабланган ҳисоблайди. Шу фикрини тил олди лабланмаган унлилар билан тил орқа лабланган унлилар миқдоран тенг келиши ва қатъий тизимга эга бўлиши воситаси эканлиги деб асослайди². Ҳар ҳолда тизимни тўлдириш учун мос бўлмаган товушни сунъий мослаштириш ўзини оқламайди. Ўзбек адабий тили товушлари тизими Тошкент, Қўқон, Марғилон каби қарлуқ лаҳжасига мансуб шаҳар шеваларига асосланган. Тил орқа кенг э унлисининг шу шевалардаги талаффузи рентгенограмма ва фотограммада кузатилиши ҳам унинг лабланмаганлигини кўрсатади. Бу шу фикрда бўлганларнинг мулоҳазаларини³ ҳам тасдиқлайди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, тизим фактларнинг мажбурлаб тиқиштириш воситасида тўлдирилмайди, балки факт ва ҳодисалардаги уйғунликни умумлаштириш орқали шакллантирилади.

Тил орқа э унлиси сўз таркибида лаб ундошлари билан ёндош қўлланар экан, у худди ассимилятив ҳолда лабланганга ўхшайди. Масалан, *tuwəq, qəwəq, kərwən* сўзларидаги каби. Бироқ бундай ҳолатда ҳам лабланиш лаб ундошига тегишли бўлиб, асциллограф ёзувдаги э унлиси гц.ида лабланганлик белгиси кузатилмади. Кузатилганида ҳам, бу бир сўз фонетик таркибида ўтган оддий ҳодиса ҳисобланар эди. Унга ёндашаётган одам, Д. Набиева айтганидек, синтагматикадаги турли ўзгарувга қориштираётгани⁴ йўқ. Синтагматикадаги ҳар қандай ўзгариш фақат сўзларнинг ўзаро коммуникатив муносабатида бўлади.

¹ Қрғ.: Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. –Тошкент: Фан, 2009. 94-б.


² Қрғ.: Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик – хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. 76-б.

³ Қрғ.: Боровков А.К., Ғуломов А.Ғ., Маъруфов З.М., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм. Фонетика ва морфология. –Тошкент: Ўздавнашр, 1949. 9-б.; Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Фонетика // Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Камол таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1957. 291-б.; Канонов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. –Л.: Изд. АН СССР, 1960. –С.15; Рустамов А. Фонетико-морфологическое особенности языка Алишера Навои. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. –Тошкент: Фан, 1966. –С. 8; Махмудов К. Фонологические особенности тюркоязычных письменных памятников XIII–XIV вв. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. –Тошкент, 1992. –С. 15.

⁴ Қрғ.: Набиева Д. Ўша асар. 75-б.

э унлиси араб тилидан қабул қилинган сўзларда чўзиқ қўлланиши ҳам кузатилади. Бу арабча сўзлардаги чўзиқ *a*: унлисининг ўзбек тилига сўз ўзлаштириш кечимида э унлиси билан алмаштирилиши ҳисобланади. Масалан: *عاشق a:ʃbq* > *ə:ʃbq*, *عالم (a:lbt)* > *ə:lbt* сўзларидаги каби. Улар 190–220 мсек.гача чўзиқликда талаффуз этилади.

Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларда э унлиси ауслаут позицияда келмайди. Фақат бу позицияда араб ва эроний тиллардан ўзлашган сўзлар ауслаутидаги э унлиси бўлиши мумкин. Бунда у оғизнинг очилишига кўра одатдагидан кенгроқ, унча сезилмайдиган даражада чўзиқ ва юқори амплитудали бўлади. Масалан, *a:lə, dənə, əllə, rəsə, adə, rəsəvə, xudə, səfə* сўзларидаги каби. Буларнинг чўзиқлиги 200 мсек.дан кам бўлмайди.



7-рентгенограммадаги 1) — қора чизиқда э унлиси, 2) ---- узуқ чизиқларда Ё унлиси берилган.

5) Ё унлиси. У фақат Бухоро, Конимих ва Самарқанд атрофидаги шеваларда қўланади. Бу унли э унлиси ўрнида келиб, асосан эроний тилларга мансубдир¹.

Унинг артикуляцияси э унлиси артикуляциясига жуда ўхшаб кетади. Бунда тил учининг ҳолати, тилнинг горизонтал ҳаракати, тил олди ва ёнларининг йўналиши лунжнинг тишга нисбатан тут-

¹ Қриг.: Решетов В. В. Узбекский язык. I. –С. 118. Бухоролик М. Мирзаева Ҳ. Неъматов, самарқандлик Ж.Мухторов ва А. А. Абдуазизовлар тил орқа кенг э унлисини лабланган деб атаганларида асосан ўз шеваларидаги тил орқа кенг ё лабланган унлини эътиборда тутишган. Адабий тил орқа кенг э унлиси эса лабланмаган.

ган ўрни деярли э унлиси артикуляциясига ўхшайди. Э унлисидаги ўзига хос артикуляция шундан иборатки, оғизнинг очилиши э унлиси артикуляциясиникидан сал торроқ, о унлиси артикуляциясиникидан кенг, чуқур тил орқаси сезиларли даражада юқорироқ кўтарилади. Бироқ ундаги тил орқа о унлиси артикуляциясида кўтарилган тил орқасига нисбатан сал баландлашади. Лаблар энига торайиб, юмалоқ ҳолатни олади. Яъни *d* унлиси лабланган ҳисобланади.

Э унлиси талаффузининг чўзиқлиги э унлиси талаффузи билан асосан бир хил. Уни барча позицияларда ҳам ўзаро қиёслаш мумкин.

Ўзбек тилидаги унлилар бурунда ҳосил бўладиган резонатор тонидан холидир. Яъни ўзбек тилидаги унлилар талаффуз этилганда резонатор тон манбаи сифатида бурун бўшлиғи ўз аҳамиятига эга эмас. Лекин баъзи ҳолларда уларга бурун резонатор тони кўшилиши ҳам мумкин. Аммо бу ассимилятив характерда бўлади. Унли бурун сонантлари ўртасида қўлланса, унинг резонатор тонига бурун резонатор тони аралашishi, яъни назализация кузатилади. Бироқ у ниҳоятда кучсиз бўлади. Унлилар назализацияси Наманган шеvasида¹ ва болалар тилида бир мунча кучлироқ кечиши мумкин. У, айниқса, француз тилида фаол бўлади.

Унлилар чўзиқлиги бошқа товушлар чўзиқлигидан нисбатан узун – максимум катталиққа – 300 мсек. дан ортиқ ҳолатга ҳам эга бўлади. Айниқса, у кенг унлиларда кузатилади. Уларнинг энг қисқа талаффузи ҳам деярли 50 мсек. дан кам бўлмайди. Тор унлиларнинг чўзиқлиги 250 мсек.дан ортмагани ҳолда, редуқцион ҳолатда ҳам учраб, у 20 мсек., ҳатто, 10 мсек.гача тушиши ҳам мумкин. Шунинг учун, улар синкопаси нутқда кўп кузатилади². Кенг ва ўрта-кенг унлиларда синкопа қайд этилмайди. Ауслаутдаги, айниқса, гап охиридаги сўз ауслаути унлиси чўзиқлиги максимум бўлиб, бошқа товушлар бу даражада бўлмайди.

Шуниҳам айтиш керакки, ўзбек тилида 14 та унли товуш бўлгани билан уларнинг ҳар бири нутқда ўзича алоҳида қимматга эга эмас. Улар алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда, ҳар бир гуруҳдаги унлилар ўзаро вариант сифатида мавжуддир. Масаан, тор *i, ʏ, u, y* унлилари лабланмаганлиги билан ўзаро умумлашадилар, лекин торлик даражаси ва тил олди-тил орқалигига кўра фарқланадилар, ўзаро вариантларга ажраладилар. Шунга ўхшаш *ʏ* ва *y* унли товушлари, *o*,

¹ Қрнғ.: Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование нанманганского говора узбекского языка. –Ташкент: Фан, 1974. –С. 25, 26.

² Қрнғ.: Маматов Дж. Т. Ўзбек тилида редуқция. 18-б.

ø ва o унли товушлари, э, ай ва а унли товулари ҳам лабланганлик ёки лабланмаганлик, яна кенг ёки ўрта-кенглигига кўра умумлашадилар, яъни ўзаро вариант бўлган гуруҳларни ташкил қиладилар. Лекин тилдаги артикуляция ўрнига кўра ўзаро вариантларга бўлинадилар. Уларнинг бундай вариантларни ташкил қиладилари ўзбек тилидаги мавжуд сингармонизм билан маълум даражада боғлиқдир. Шулар ичида, турган гапки, ўзига хос инвариантлари ҳам бўлади. Мана шу инвариантлар асосида фонема белгиланади¹. Бу масала ҳақида биз тўхтамаймиз. Чунки у фонология доирасида тадқиқ этилади.

Дифтонглар

Ўзбек тилида маълум фонеманинг шакли даражасида дифтонг йўқ. Бироқ нутқ оқимида юзага келувчи ва ўзлашган сўзлар таркибида келиб қолган ёки уларнинг ўзлаштирилиши кечимида шакланган дифтонглар мавжуд. У жипс талаффуз этилган ёндош унлидир. Бундай сўзда жипс талаффуз этилувчи ёндош унлиларни тилшунослиқда дифтонг номи билан атаб: “икки унлининг бир бўғинда бирикиб келишидир” – деб изоҳланади². Бу изоҳ дифтонгларнинг шакл топиши юзасидан берилган фикрдир. Уларнинг артикуляциясида ҳам ўзига хос томони бор. Чунончи, ҳар бир товуш артикуляциясида уч фаза: экскурсия, кечим, рекурсия фазалари бўлади. Ўзбек тилидаги сўзлар таркибида эса, одатда, унлилар қатор, ёнма-ён қўлланмайди ва у сўзнинг бўғинларидан бири марказига ўрнашади, унинг энг баланд нуқтаси ҳисобланади. Унинг олдидаги ундошнинг артикуляцион рекурсияси шу унлининг артикуляцион экскурсиясига, шу унлининг артикуляцион рекурсияси кейинги ундошнинг артикуляцион экскурсиясига тўғри келади. Шунинг учун, бўғин товушлари ўзаро туташган ҳолда бир бутунликни олиб талаффуз этилади. Бироқ бу товушлар ўртасидаги бирининг устида бири берилган артикуляцион рекурсия ва экскурсиялар бўғиндаги товушларнинг талаффуз этилишида аниқлик, яққоллик, алоҳидаликни таъминлайди. Дифтонгли бўғинларда эса унлидан кейинги товуш ё унлига мойил хусусиятли ундош, ё унли

¹ Қрғ.: Трубецкой Н. С. Основы фонологии. –М.: ИИ., 1960. –С. 74; Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. 61-б.

² Қрғ.: Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 22; Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ, 1966. –С. 138; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. –Leipzig: VBI, 1970. –S. 770; Зиндер А. Р. Общая фонетика. –М.: ВШ, 1979. –С. 209.

бўлади ва бўгин ҳосил қилувчи унлининг артикуляцион рекурсияси кейинги товушнинг артикуляцион кечимига тўғри келади. Кейинги товушнинг артикуляцион экскурсияси бўгин ҳосил қилувчи унлининг артикуляцион кечимининг ўзида ўтган бўлади.

Дифтонглар артикуляциясини ундошлардаги аффрикатлар артикуляциясига қиёслаш мумкин. Улардаги артикуляция кечимлари бири-бирига жуда ўхшайди¹. Аффрикатларда портловчи ундошнинг артикуляцион рекурсиясида кейинги сирғалувчи ундошнинг артикуляцион кечими ўтади². Дифтонгларда эса бўгин ҳосил қилувчи унлининг артикуляцион рекурсиясида бўгин ҳосил қилмайдиган унлининг артикуляцион кечими юз беради. Аффрикат бир ундош ҳолида шакланса, бўгин ҳосил қилувчи унли билан бўгин ҳосил қилмайдиган унлининг жипс талаффузи дифтонгни шакл топтиради. Аффрикат асосида шовқин ётади, чунки у консонантдир. Дифтонг асосида эса ун ётади, чунки у икки унлидан таркиб топган бўлади. Аммо унлилардан бирининг охири ундош товушга уринганроқ эканлиги кузатилади. Чунончи, дифтонгли бўгин охири шу товуш билан ёпилади. Табиатан ҳам бўгинлар охири ҳамма вақт ундош товушлар воситасидагина ёпиқ келади. Шунинг учун ҳам, дифтонглар таркибидаги иккинчи унлини, Л.В. Зиндер таъбирича, ярим унли деб аталади³.

Ўзбек тилидаги дифтонгларнинг ҳам таркибидаги иккинчи унли ярим унлидан иборат. Бироқ у ундошга уринганроқ унли эмас. Балки унли томонидан ассимиляция этилган жаранглидан келиб чиққан ярим унлидир. Бошқача қилиб айтганда, бўгин марказида унли келади ва кетида жарангли қўлланиб, у ун таъсирига берилади, сўнг сирғалиши керак бўлган артикуляция ўрни ун йўлини тўсиш хусусиятини маълум даража йўқотади. Товуш асосида ун ётган ҳолатда талаффуз этилади. Бу ҳосил бўлган ярим унли олдидаги унли билан дифтонгни шакллантиради ва бўгин охирини ёпади. Бўгин ёпиқ бўгин ҳолатини олади. Бўгин марказида ассимиляция қилувчи унли ўрнашгани ҳолда, кейинги ассимиляцияланган унли, тўғрироғи, ярим унли бўгин охири вазифасини бажаради. Лекин ҳамма жаранглилар ҳам сўз таркибида унлидан кейин қўлланиб, олдидаги унли томонидан ассимиляция қилинавермайди. Бундай жаранглилар санокли миқдорга эга. Улардан бири лаб сирғалувчиси *в* бўлса, иккинчиси тил ўрта сирғалувчиси *й* ундошидан иборат. Бўгиндан кейин

¹ Қрнғ.: Зиндер Л. В. Общая фонетика. – С. 211.

² Қрнғ.: Миртожиев М. М. Аффрикатлар таркиби // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989.

³ Қрнғ.: Зиндер Л. В. Ўша асар. – С. 209.

қўлланган бу ундошлар унли таъсирида артикуляция ўрни кенгайиб, ундан тўсиқсиз шаклланиб ўтади. Бу уларнинг унли мақомига етганлиги бўлиб, талаффузида товуш кучи ҳам баланд, юқори амплитудали бўлади. Уларнинг товуш кучи амплитудаси ўзидан олдинги унлининг товуш кучи амплитудасига тенг талаффуз этилади, лекин охириги икки-уч гц.и икки-уч мм. амплитуда пасаяди. Бу унинг бўғинни ёпиш вазифаси билан боғли бўлиб, ундош эканлигидан қолган рудиментидир. Шу билан бирга унга кетган вақт ҳам ўзидан олдинги унлига кетган вақтдан деярли икки баробар кам бўлади. Бўғин ёпувчи товушлар табиатан қисқа талаффуз этилади.

Рус туркологиги А.Н.Кононов ўзбек тилида алоҳида фонема сифатида дифтонг йўқлигини айтгани ҳолда, пасаювчи дифтонг борлигини кўрсатиб ўтган. Унинг қайд этишича, унлилар кетидан жарангли в ва й ундошлари бўғинда қўлланиши натижасида пасаювчи дифтонг шаклланади¹. Бу фикр юқорида берилган тавсифларга жуда мос келади. Унинг кўрсатишича, *киймоқ, тиймоқ, қиймоқ, қийқим* сўзларидаги биринчи бўғинда келган *ий; эй, бей, ҳей* сўзларидаги *эй; сайгоқ, айгоқ, маймоқ, тайгоқ* сўзларининг биринчи бўғинидаги *ай; ойдин, сойлик, бойлик, пойгак* сўзларининг биринчи бўғинидаги *ой; туйғу, уйқу, қуйқа, куйка* сўзларининг биринчи бўғинидаги *уй; сўйла, бўйдоқ, ўймоқ, йўймоқ* сўзларининг биринчи бўғинидаги *ўй* товушлар қўшилмаси дифтонг бўлиб, уларнинг биринчи унли компоненти бўғин ҳосил қилган, бўғин баландлиги ҳисобланади, иккинчи компоненти унли каби акустик хусусиятга эга бўлса ҳам, бўғин охири вазифасини ўтайди². Ундаги товуш кучи ўзидан олдин берилган унлининг товуш кучи билан баробар амплитудада бўлса ҳам, охирига томон пасаювчидир, чўзиқлиги ҳам унли чўзиқлигига нисбатан икки баробарлаша кам. Масалан, *уйлар* сўзининг биринчи бўғини *уй* дифтонг бўлиб, биринчи компоненти бўлган *у* товуши кучи 5 мм. амплитуда юқори эканлиги ҳолда, иккинчи компоненти бўлган *й* товуши шу амплитуда куч билан бошланган ва 20 гц.дан охириги 4 гц.и 3 мм. амплитуда товуш кучи билан давом этган ва бўғинни ёпган. Бўғиндаги дифтонгнинг биринчи компоненти 130 мсек., иккинчи компоненти 60 мсек. чўзиқликка эга. Бундай дифтонглар сўзнинг деярли биринчи бўғинида кузатилади ва деярли шу ўлчов атрофида бўлади. Аммо *ай* дифтонги турли шакл ясовчи таркибида қўлланса, товушлар кучининг амплитудаси юқоридагилардан фарқ қилмайди.

¹ Қрнғ.: Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 22.

² Қрнғ.: Кононов А. Н. Ўша асар. Ўша бет.

Уларга кетган вақт бошқачароқдир. Бўгин ясовчи унлига берилган вақт билан бўгин охири бўлган унлига берилган вақт кўпроқ тенг келади. Масалан, *қўрқмай* сўзининг *-май* қўшимчасидаги *a* товушига 25 мсек., *й* товушига 35 мсек. вақт сарфланган. *Қандай* сўзининг *-дай* қўшимчасидаги *a* товушига 70 мсек., *й* товушига 60 мсек. вақт кетган. Бу ҳолат кўпроқ сўз охирида кузатилади. Чунки сўз охиридаги товуш чўзиқ талаффуз этилишга мойил бўлади. Қолган позицияларда, юқорида айтганимиздай, бўгин ясамайдиган унли бўгин ясайдиган унлидан икки баробар кам вақт олаверади.

А. Н. Кононов яна *авра, гавда, равшан, навда* сўзларининг биринчи бўғинидаги *ав; совга, говвос, жовзо, новча* сўзларининг биринчи бўғинидаги *ов; учов, тергов, тарнов* сўзларининг сўнгги бўғинидаги *ов; укув, тиув, қўрқув* сўзларининг ҳам сўнгги бўғинидаги *ув* товушлари қўшилмаси дифтонг бўлиб, уларнинг биринчи унли компоненти бўгин ҳосил қилган, бўгин баландлиги ҳисобланади; иккинчи компоненти унли каби акустик хусусиятга эга бўлса ҳам, бўгин охири вазифасини ўтайди, яъни бўгин ясамайди¹. Ундаги товуш кучи олдидаги унлининг товуш кучи билан баробар амплитудада бўлса ҳам, охирига томон пасаявчи, товуш чўзиқлиги унга нисбатан деярли икки баробар қисқадир. Масалан, *яшов* сўзининг иккинчи бўғинидаги *ов* дифтонг бўлиб, *о* товуши кучи 5 мм. амплитуда юқори эканлиги ҳолда, иккинчи товуш ҳам шу амплитуда куч билан бошланиб, 25 гц.дан 3 гц. и 3,5 мм. амплитуда куч билан давом этган ва бўгинни ёпган. Бўгиндаги бўгин ҳосил қилувчи унли 120 мсек., бўгин ҳосил қилмайдиган унли 60 мсек. чўзиқайка эга.

Будифтонглар А. В. Шчербатаснифига кўра сохта дифтонг бўлиб, ундаги унлилар бўгинда тенг ҳуқуқли эмас, шунингдек сўзларнинг коммуникацияси кечимида юзага келган². Сўзнинг бошқа нутқдаги бошқача шакллантирилишида у юзага келмаслиги ёки қимматини йўқотиб юбориши мумкин. Масалан, *той-* феъли бир бўгинли бўлиб, ундаги *ой* товушлар бирикмаси дифтонг, пасаявчи дифтонгдир. Чунки уларнинг иккинчи унлиси бўгин ҳосил қилмайди, ярим унли ҳисобланади. Бу феълга ҳаракат номи қўшимчаси қўшилса, у *тойиши* фонетик таркибига эга бўлади, бўгинга бўлиниши бошқача таркиб билан шаклланади, яъни: *то+йиши*. Унинг биринчи бўгини унли билан тугаган очиқ бўгин бўлиб, иккинчи бўгин ёпиқдир.

¹ Қрғн.: Кононов А. Н. Ўша асар. Ўша бет.

² А. В. Шчербанинг бу фикри бошқа жойдан олинди. Қрғн.: Зиндер А. Р., Матусевич М. И. К истории учения фонема. –Изд. АН СССР ОЛЯ., 1953. Т.12, вып.1.

Ундаги *о* унлиси томонидан ассимиляция қилиниши керак бўлган *й* товуши кейинги бўгин боши вазифасига кўчган.

Кўринадики, ўзбек тилидаги унали билан *й* ёки *в* ундоши ёндош келишига кўра дифтонгнинг ҳосил бўлиши нутқдаги мавқеи, бир бўгинда ўрнашуви билан боғли бўлиб, Л.В.Шчерба айтганидай, сохта дифтонгдир. Ўзбек тилининг ўз лексикасида фақат шундай сохта дифтонглар кузатилади. Улар ҳам нутқ кечимига кўра юзага келади.

Ўзбек тилига рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардаги бўгинларда ҳам пасаювчи дифтонглар учрайди. Лекин улар таркибидаги товушлар икки унлининг ёндош келишидан иборат бўлади. Уларнинг биринчиси иккинчисини жангли ундошдан ассимиляция қилиб олган эмас. Ҳар иккиси ҳам моҳиятан унали бўлиб, бўгин таркибида иккинчиси бўгин ҳосил қилиш хусусиятини йўқотган, яъни ярим унали ҳисобланади. Масалан, *аэроплан* сўзида *аз* бирикуви дифтонг бўлиб, бир бўгинни таркиб топтирган. Ундаги кейинги унали аввалгиси томонидан ассимиляция қилиниб шакланган эмас, балки бўгин охирига келиб қолгани учун артикуляция ўрни торайган ва тор унали даражасига келган, бунинг устига 16 гц.дан 3 гц.и 4 мм. амплитуда билан талаффуз этилган. Ваҳоланки, дифтонгнинг товуш кучи асосан 5,5 мм. амплитуда юқориликка эга эди. Уларга сарфланган вақт ҳам ўзаро фарқланади: биринчиси 70 мсек., иккинчиси бўгин ёпувчи бўлганлиги учун ҳам 50 мсек. вақт олган. Шунинг учун, бу дифтонг пасаювчи дифтонг деб қаралади, лекин сохта дифтонг эмас.

Дифтонгларни ўзбек тилига ўзлашган сўзлардаги унлиларнинг ҳар қандай контакт қўлланиши билан қориштирамаслик керак. Масалан, араб тилидан ўзлашган *шоир*, *соат*, *саодат*, *жамоа* каби сўзларнинг адабий тил меъёрига кўра контакт қўлланган унлилари дифтонг эмас. Уларнинг ҳар бири алоҳидадан бўгин учун асос бўлади. Бу контакт унлилар жипс талаффуз этилмайди. Уларнинг контакт эканлиги ҳам нисбийдир. Улар орасида кнаклаут талаффуз этилади. Кнаклаут бўғиздаги бир портлаш билан ўтадиган шовқиндир¹. У аввалги бўгиннинг артикуляцион рекурсияси билан кейинги унлининг артикуляцион экскурсияси оралигида ўтади ва кейинги унали учун бўгин боши вазифасини ўтайди. Масалан, *соат* сўзининг унлилари орасидаги кнаклаут осциллографик таҳлилга кўра 5 мсек. вақт олган. Бу сўзлардаги унлиларнинг ўртасидан бўгин ажратиш зарурияти жонли тилда кнаклаут берилмай, бирор

¹ Қриг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – С. 196.

сонант ёки жарангли товушни қўлаш билан бажарилади. Яъни: *шойир, соғот, сағодат, жамога* каби. Уларнинг ҳаммасида ҳам кна-клаут ўрнини жарангли ундош эгаллаган ва бу ундош кейинги бўгин учун асос бўлган унли олдида бўгин боши вазифасини ўтаган.

Мазкур *шоир, соат, саодат, жамоа* сўзлари асли араб тилига мансуб бўлиб, улардаги ёндош унлилар ўртасида бўғиз жаранглиси айн (ع) товуши қўлланган. Яъни: *شاعر (šəbr), ساعت (səat), سعادت (səədət), جماعة (çətmə)* каби. Ўзбек тилида эса айн(ع) товуши йўқ. Шунинг учун, ўзбек тилида таркибида бундай айн(ع) товуши бўлган сўзлар ўзлаштирилар экан, у тушириб қолдирилади. Кўпинча бундай сўзлар жонли тилда мазкур товуши туширилган ҳолда талаффуз этилади. Натижада, улардаги туширилган айн(ع) товушининг икки томонидаги унлилар контакт бўлиб қолади. Сўздаги контакт унлилар жипс талаффуз этилиши дифтонг шаклланиши учун сабабдир. Бунда контакт қўлланиб қолган унлининг аввалгисига мансуб артикуляцион рекурсияда кейинги унлининг артикуляцион кечими ўтади, яъни контакт ёндош унлилар дифтонглашади. М. И. Магусевич пасаювчи дифтонгларга қарама-қарши кўтариловчи дифтонгларни қўйган эди¹. Кўтариловчи дифтонгларнинг ҳосил бўлиши ҳам пасаювчи дифтонгларга қарама-қарши, юқорида кўрганимиздай, фақат ўзлашган, асосан араб тилидан ўзлашган лексикада ҳосил бўлиши мумкин. У *саодат, маориф, муолажа* сўзларининг биринчи ва *жамоа, воқеа* сўзларининг сўнгги бўғинида кечган. Улар *сао+дат, мао+риф, муо+ла+жа, жа+моа, во+қеа* ҳолида бўғинга ажралади. Бу дифтонгли бўғинларнинг охири очиқ эканлиги уларнинг кўтариловчи дифтонг бўлишини таъминлаган. Ундаги кечим жонли нутқнинг тезлиги ортиқ бўлиши билан боғлиқдир. Адабий тилга бу сўзларнинг ўзлаштирилиши бошқача. У аввалги хат боши остида кўриб ўтилди.

Ўзбек тилига рус тили воситасида четдан ўзлашган *теолог, биолог* сўзлари ҳам жонли тилда *тео+лог, био+лог* ҳолида бўғинга ажратилади. Уларнинг биринчи бўғинидаги ёндош ундош дифтонгни таркиб топтиради. Бу *тео, био* дифтонглари ҳам кўтариловчи дифтонг ҳисобланади. Чунки бу дифтонгли бўғин очиқ келган. Очиқ бўғинлар кўтариловчи оҳангга эга бўлади. Юқоридаги *ео* дифтонги осциллографик таҳлилда 4,5 мм. амплитуда товуш кучи билан бошланиб, 5,5 мм. амплитуда товуш кучи билан тугаганлиги кузатилади.

Бундай дифтонглар ўзбек тилининг фақат ўзлаштирилган

¹ Қрғн.: Магусевич М. И. Введение в общую фонетику. –М.: Наука, 1948. –С. 60.

жонли лексикасида бўлиб, адабий тилга ўзлашган ва соф ўзбекча лексикада учрамайди.

Ўзлашган лексикага мансуб *матбаа*, *мудофаа* сўзлари ҳам *мат+баа*, *му+до+фаа* ҳолида бўғинга ажралади. Бундай бўғинга ажралаш ўзбек тилининг фақат жонли тилига мансубдир. Уларнинг сўнги бўғинида қўш *а* унлисининг жипс қўлланиши дифтонг бўлмайди, балки *а* унлисининг чўзиқ талаффузидан иборатдир. Яъни дифтонг билан унлининг чўзиқ қўлланиши тилнинг бошқа-бошқа ҳодисаларидир.

Ўзбек тилининг ўзлашган лексикасида учрайдиган бундай кўтарилувчи дифтонгларнинг сўз аффиксацияси билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Яъни дифтонг билан тугаган сўзларга бирор аффикс қўшилар экан, уни бўғинга ажратиш кечимида дифтонг таркибидаги бирор унли қайта шакланган бўғинга бўлиниб ўтмайди. Чунки бундай кўтарилувчи дифтонглар бўлинмасдир. Бунинг устига очиқ тугаган сўзларга ўзбек тилида ундош билан бошланувчи аффикс қўшилади. Қўшимча билан боғли бўғин ҳамма вақт ундош билан бошланади. Натижада, ўзак охиридаги дифтонг дахлсиз қолади. Яъни ўзбек тилидаги кўтарилувчи дифтонг сохта дифтонг эмас.

Ўзбек тилида чин дифтонглар ҳам учрайди. Бироқ улар рус тили воситасида Европа тилларидан ўзлашган сўзларда кузатилиши мумкин. Бундай дифтонглар таркибидаги ҳар икки унли ҳам бир хил товуш кучи билан, бир хил чўзиқликда талаффуз этилади. Масалан, *шлагбаум*, *инлаут*, *кнаклаут* сўзларининг иккинчи бўғинида *ау* дифтонги; *дизаин* сўзининг иккинчи бўғинида *аи*; *Леипциг* сўзининг биринчи ва *кодеин* сўзининг иккинчи бўғинида *еи* ёндош унлилари бор. Бу ёндош унлилар чин дифтонглар бўлиб¹, таркибидаги ҳар икки унли бир хил товуш кучи ва бир хил чўзиқликда талаффуз этилади. Уларнинг товуш кучи ўртача 5 ёки 5,5 мм. амплитуда, товуш чўзиқлиги 80 ёки 70 мсек. билан берилади. Бўғинларининг ёпиқлиги ҳам уларда шу имкониятни яратган.

Айтганимиздай, чин дифтонглар ўзбек тилининг ўз лексикасига оид ва араб, эроний тиллардан ўзлашган лексикага оид сўзларда кузатилмайди. Аммо араб тилидан ўзлашган *қироат*, *шафоат* сўзлари борки, аслида уларнинг *-ат* қўшимчаларидан олдин, ўзак охирида *айн(ع)* бўғиз ундоши қўлланган. Бу сўзлар ўзбек тилига ўзлашгач, шу товушини туширган ва *а* унлиси ундан олдинги *о* унлиси билан жипс талаффуз этилаётганга ўхшаб қолган. Осциллографик таҳлил

¹ Қрнз.: Зиндер А. Р. Ўша асар. –С. 215.

шуни кўрсатдики, нутқ ҳар қанча тез кечса ҳам, жонли тилда уларнинг айн(ғ) ундоши тушиб қолмайди, балки кнаклаутга ўрнини беради, кнаклаутнинг ўзи бўгин боши бўлиб, кейинги унли билан бўгинни сақлайди. Бўгин боши вазифасини ўтаган кнаклаут энг ками 5 мсек. вақт олади. Ўзбек адабий тили меъёри бўйича у 10 мсек. давом этади. Бу оддий сўзлашув чоғида оддий кулоқ билан илгаса ҳам бўладиган ҳолатдир.

Дифтонглар талаффуз кечимида чўзиқ унлилар каби қайд этилади ва бўгин чўзиқлигини юзага келтиради. Чунки унда жипс қўлланган икки унли бўлиб, уларнинг ҳар бирига кетган вақтнинг қўшилмаси ўз аксини топади. Шунга қарамай, дифтонг таркибидаги ҳар бир унлининг ўз талаффузи воқеланаётганлиги сезилиб туради.

Демак, дифтонг икки унлининг бир бўғинда жипс бирикиб келиши бўлиб, биринчи унлининг артикуляцион рекурсиясида иккинчи унлининг артикуляцион кечими ўтиши орқали юзага келади. Дифтонглар пасаювчи, кўтариувчи ва чин дифтонгларга бўлинади. Пасаювчи ва кўтариувчи дифтонгларнинг иккиси ҳам бўгин охирида берилади. Пасаювчи дифтонгнинг кейинги унлиси бўгин ёпиш вазифасини ҳам ўтайди ва у аввалги унли томонидан ассимиляция этилган товуш бўлади. Чин дифтонг ёпиқ бўғинларда кузатилади. Уларнинг унлилари пасаювчи ва кўтариувчи дифтонгларнинг кейинги унлисига ўхшаш қисқа талаффуз этилмай, аввалги унли билан тенг қайд этилади. Дифтонгларнинг барча типини ўзлашган лексикада ўз аксини топиши кузатилади, лекин ўз лексикада пасаювчи дифтонглар бўлади ва фақат шу дифтонгларгина сохта дифтонг деб қаралади.

Кнаклаутлар

Кнаклаут асосан экспериментал кузатиш натижасида аниқланади. У унли билан бошланувчи сўзлар олдидан қайд этилиб, бўғинда шовқин ҳосил қилувчи портлаш содир бўлиши билан кузатилади. Бу ҳодисани С. Отамирзаева ўзининг Наманган шевалари юзасидан қилган экспериментал кузатишлари ичида берган. У кимограмма ва осциллограмма орқали қилган кузатишларини келтириб, кнаклаут кимограммада перонинг нулевой нуқтадан нарилашиши орқали, осциллограммада унлидан аввал юқори частотали шовқин ҳосил бўлишида кузатилади, деб кўрсатади¹. Сўз анлаути *i*

¹ Қрғ.: Отамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. – С. 14.

ёки *a* унлисидан иборат бўлганда энг кучли кнаклаутлашиш кузатилади. У 5 мсек.дан 10 мсек.гача оралиқда қайд этилади.

Кнаклаут сўзнинг асосан биринчи бўғинидаги анлаут унлиси олдидан юзага келиб, кейинги бўғинда деярли бўлмайди. Чунки ўзбек тилидаги сўзларда фақат биринчи бўғин очиқ бошланиши мумкинлиги ҳолда, кейинги бўғинлар ҳамма вақт ёпиқ бошланади. Бу кейинги бўғинларда кнаклаут бўлиши учун имкон бермайди.

Кнаклаут иккинчи бир тил ҳодисасини ҳам эслатади. Ўзбек тилида сўз бўғинлари биринчи бўғиндан кейинги бўғинларда фақат ундош билан бошланади. Баъзан биринчи бўғинда юзага келиб қолган очиқ бошланувчи бўғин олдини ёпишга уриниш, эҳтимол, кнаклаутни юзага келтиргандир. Бунинг устига кнаклаут, четдан ўзлашган сўзларнинг фонетик таркиби қатор унлиларга ҳам эга бўлса, шу унлилар ўртасида ҳам кузатилади. Бу унлилар синерезисга йўл қўймайди.

Кнаклаут, кўрдикки, унлини шовқин билан бошлаш бўлиб, у бўғинидаги портлаш орқали қайд этилади ва сўзнинг очиқ бошланган бўғини олдидан келади. Яъни тилдаги бу ҳодиса бўғинларни фақат ёпиқ бошланишини таъминлаш учун яратилган воситадир.

Кнаклаут яна араб тилидан ўзлашган сўзларнинг ўзбек тилига хос ўзлаштириш имкониятини ҳам юзага келтирган. Араб тилидаги айрим сўзларда бўғиз жаранглиси бўлган *айн*(ع) ундоши ҳам қўлланади. Бундай товуш ўзбек тилида йўқ ва уни борича ўзлаштириш учун, ўзбек нутқ органиларида артикуляция ўрни шакллантирилган эмас. Шунинг учун, бундай товушга эга араб сўзларини ўзбек тилига ўзлаштирилар экан, у сўз таркибидан тушириб қолдирилади. Бу жараёнда араб сўзи учун зарурий таркиб ҳисобланган ундош беиз йўқолмайди. Гарчи уни ёзувда қайд этилмай кетилган бўлса ҳам, талаффуз чоғида кнаклаут билан алмаштириб берилади, у ўзбек тилига хос шовқиндан иборат товуш билан юзага чиқади. Масалан, *'ишқ* сўзининг олдидан ва *so'at* сўзининг иккинчи бўғини олдидан кнаклаут бор. Уни биз бўғинидаги кучсиз портлаш билан қайд этган бўламиз, аммо амалда эса бу талаффузни ҳар қандай одам ҳам ҳис қилиб ола билмайди. Уни фақат нозик товушларни ҳам эшитиб, ҳис эта биладиган қобилият эгаларигина фаҳмлаши мумкин.

Араб тилида яна шундай сўзлар ҳам борки, улар таркибидаги маълум бўғин жарангли *айн*(ع) товуши билан тугаб, олдидан унли қўлланган бўлади. Масалан: *منبع* (*mənba'*), *نعمت* (*ne'mət*) сўзлари каби. Бундай сўзлар ўзбек тилига ўзлаштирилар экан, жонли тил

талаффузида *айн*(ξ) товуши туширилиб, унинг ўрнига аввалги унли чўзиқ талаффуз этилади. Шу унинг учун кифоя қилади. Ёзувда эса унинг ўрнига *п'етат* сўзида *е* унлисидан кейин тутуқ белгиси бериш билан мақсадга этилади, *тэнба* сўзи охирида эса тутуқ белгисини бериш ҳам лозим кўрилмаган. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, бадийий сўз усталари бу сўзларни талаффуз этганда *айн*(ξ) товуши ўрнини, албатта, кнаклаут билан тўлдириб кетишга ҳаракат қиладилар.

Демак, кнаклаут портловчи шовқин бўлиб, ўзбек тилида ўз ўрни билан портловчи консонант ўрнини босади.

Ундош товушларнинг таснифи ва тавсифи

Ундош товушлар акустик хусусиятига кўра икки типга бўлинади: 1) сонантлар, 2) консонантлар. Сонантлар асосан ундан иборат бўлиб, унга кам миқдорда шовқин аралашади. Консонантнинг ўзи ўз навбатида яна икки типга бўлинади. Улар жаранглилар ва жарангсизлардан иборатдир. Жаранглилар, кам миқдорда ун аралашиб, асосан шовқиндан иборат бўлади. Жарангсизлар фақат шовқиндан иборат бўлиб, таркибига мутлақо ун аралашмайди.

Сонантлар таснифи ва тавсифи

Сонантлар ундош товушлар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Улардан фақат *р* товушидан ташқари ҳаммаси уч нутқ органидан иборат артикуляция ўрнига эга. Бу артикуляция ўрнидан фақат бир нутқ органи ун сирғалиши ўрни бўлиб, икки нутқ органи ун босими йўлини тўсиш вазифасини ўтайди. Шундан келиб чиқиб бўлса керак, бу ундошлар артикуляцион усулига кўра сирғалувчи-портловчи ундошлар деб ҳам аталади. Лекин бундай эмас. Бу ундошларда ҳеч қандай порташ бўлмайди. Уларнинг артикуляцион кечими ўтгач, ун йўлини тўсиб турган нутқ органлари ораси очилмайди ва бунга талаб ҳам бўлмайди. Агар сонант интервокал ҳолатда бўлса, ун йўлини тўсиб турган нутқ органларининг очилиши – табиий. Чунки унинг артикуляцион рекурсияси кейинги унли товушнинг артикуляцион экскурсиясига тенг келиши бунинг учун сабаб ҳисобланади. Агар сонант сўзнинг ауслаути бўлса, артикуляцион рекурсия унча тез талаб қилинмайди ва ун йўлини тўсувчи нутқ органлари очилмай туради. Шундан

келиб чиқиб, сонантларни сирғалувчи деб кўрсатиш ҳам мумкин. Аммо сонантларнинг сирғалувчилардан ўзига хос фарқи хусусияти бўлиб, бу резонатор тон миқдори улар таркибида жуда кўп эканлигидир. Бунда ун йўлини икки нутқ органи тутшиб тўсади ва унинг иккинчи бир нутқ органи ўрнидан ўтиши учун оғиз ёки бурун бўшлиғидан айланиш масофаси юзага келади. Бу унинг резонатор тон ҳосил қилиш имкониятини оширади. Сонантларнинг оғиз ёки бурун бўшлиғида узун масофани ўтиб ҳосил бўлганлигини ҳисобга олиб, уларни артикуляция усулига кўра масофали ундош товушлар, деб кўрсатиш тўғрироқ бўлади.

Сонантлар сирғалиш ўрнига қараб икки типга бўлинади: 1) бурун сонантлари, 2) тил ён сонанти.

1) *p* сонанти. Бундан ташқари яна, юқорида қайд этилганидай, *p* сонанти ҳам бўлиб, у ўз хусусияти билан юқоридаги сонантлардан тубдан фарқ қилади. *p* сонантида ҳам резонатор тон бошқа сонантлардаги каби кўп миқдорга эга бўлади. Лекин бу сонантда резонатор тон ҳосил бўлиш сабаби бошқачадир. Бунда тил учи олд курак тишларидан орқароқ тортилади. Тил ёнлари жағ тишлар ёнига бориб тегади. Оғизнинг олд қисмида, яъни тил олдининг усти, ости ва тиш билан оралиғида катта бўшлиқ очилади. Лаблар ораси сал очилган бўлади. Пастки курак тишлар юқори курак тишлар орқасидан сезиларли орқароқ жойдашади. *p* сонантининг шу қайд этилган артикуляция ўрнининг ҳолати *й* артикуляциясининг артикуляция ўрни ҳолатига жуда ўхшаб кетади. Фақат уларда тил учининг ҳолати фарқ қилади. *й* жаранглисида тил учи остки курак тиш милкига томон йўналган, лекин улар орасида сезиларли оралиқ қолган бўлади. *p* сонантида тил учи юқориги курак тишлар милкига томон йўналади, аммо уларнинг орасида ҳам сезиларли оралиқ қолади. Тил юзасининг устидан сирғалиб ўтган ун тианинг кўтарилиб турган учига, оғиз бўшлиғини тўсиб турган тиш ва милкаларга, яна оғиз бўшлиғининг олд қисми деворларига қайта-қайта урилади. Натижада, катта миқдорли резонатор тон товуш таркибида қайд этилади.

p сонанти артикуляциясини, турган гапки, тил учи титраши билан ўлчанади. Ўзбек тилининг ўз қатламга оид сўзларида унинг артикуляцияси анча кучсиз қайд этилади. Рус тилида унинг артикуляцияси ниҳоятда кучли бўлади. Ўз лексикага оид сўзларда ҳам *p* сонанти турли позицияларда артикуляцияни турлича кечади. У интервокал позицияда жуда кучсиз артикуляцияга эга бўлиб, деярли 25–30 мсек. вақт олади. Сўз ва бўғин охирларида 40–60

мсек. вақт сарфланиб, баъзан у 70 мсек. вақтгача етиши мумкин. Агар *p* сонанти сўз охири – ауслаутда келиб, таъкид олган сўз ёки буйруқ майлидаги феълнинг урғули бўғинида қўлланса, анча кучли артикуляция қилиниб, 100 мсек.дан, ҳатто, 150 мсек.гача вақт сарфланади. Айниқса, бунда унинг таъкид олган сўз ауслаути бўлиши чўзиқ ва кучли артикуляцияси учун катта аҳамият касб этади. Интервокалдаги *p* сонанти, агар у жуфт таркибли бўғинда келган бўлса, редукцияга ҳам учраши мумкин. Масалан, *кўчаларида* сўзидаги *p* сонанти ўз унлиси билан редукцияга учраган. Кўплик аффиксидаги *p* сонанти ауслаут бўлса ҳам, шу ҳодиса кузатилади. Эроний ва араб тилларидан ўзлашган сўзларда ҳам *p* сонанти худди шундай артикуляцияга эга бўлади. У рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган сўзларда нисбатан кўпроқ вақт талаб қилади. Унда *p* сонанти ўзбек артикуляциясига ҳар қандай позицияда ҳар қанча мослаштирилса ҳам, энг ками билан 60 мсек. артикуляция кечимини ўтади. У сўз анлаути сифатида келиб, рус тилидаги орфоэпик меъёр билан талаффуз этилса, энг ками 150 мсек. вақт олади. Тилнинг қалқиш (титраш) миқдорига кўра ҳам улар фарқ қилади. У ўз лексикага оид ва араб ҳам эроний тиллардан ўзлашган сўзларда икки ёки учта, редукцияга учраганда фақат битта бўлгани ҳолда; рус тили ёки у орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда тўрт ёки бешта эканлиги кузатилади.

2) **л тил ёни сонанти.** Бу сонант артикуляциясида, ўз лексикага оид сўзларда, тил учи кўтарилиб, юқори курак тишлар илдизига тақалади. Тил олди ва ўртаси юзалари қаттиқ танглайдан сал нарилашиб, орқа қисми унга нисбатан ҳам юмшоқ танглайга яқинроқ жойлашади. Тилнинг ёнлари марказга тортилиб, юмалоқ тус олади. Тил ёни ва жағ тишлар оралиғида кенг йўл очилади. Унда олд тишлар оралиғи ва лаблар оралиғи худди *p* сонантидагига ўхшаш очилади, яъни паст курак тишлар тепа курак тишлар орқасида сезиларли оралиқ қолдириб жойлашади ва лаблар сал очилади. Тил юзасидан келган ҳаво юқори жағ тишлар асосига тақалган ёй шаклидаги тил учига урилиб, қаттиқ танглай ва лунж томон билан орқароқ қайтади, кейин тил ёни билан оғиз бўшлиғининг тошига йўналади. Уннинг тил учига, бутун танглай юзасига ва лунж деворларига урилишдан ҳосил бўлган резонатор тон билан биргаликда *л* сонантини шакллантиради. *л* сонанти интервокал позицияда 30–40 мсек. вақт олса, полисиллабик сўзнинг сўнги бўлмаган бўғини охирида 35–45 мсек., камдан-кам 50 мсек. вақт

олади. Шу ҳолни биринчи бўлмаган бўгин бошида ҳам кузатилади. Фақат ургу олган бўгин боши билан, кўплик анлаутида 50–70 мсек. ва умуман сўз ауслаутида 150 мсек. вақт олиши мумкин.

л сонантининг рус тилидан ўзлашган сўзларда иккинчи бир варианты ҳам борки, уни тилшуносликда, қайд этилган юмшоқ л сонантига қарама-қарши қўйилиб, қаттиқ л сонанти деб аталади. Қаттиқ л сонанти билан юмшоқ л сонантининг артикуляцияси деярли ўхшаш бўлиб, фақат тилнинг кўтарилишида маълум фарққа эга. Қаттиқ л сонантида ҳам тил учи юқори кўтарилиб, тепа курак тишлар асосига ёй шаклида тақалади ва тилнинг олд юзаси қаттиқ танглай билан, бели юзаси юмшоқ танглай билан – юмшоқ л сонанти артикуляциясидагига нисбатан – анча кенг очилади. Орқа юзаси юмшоқ танглайга томон юқорироқ кўтарилади. Қаттиқ л сонанти артикуляциясида юмшоқ л сонанти артикуляциясидагига нисбатан оғиз бўшлиғи каттароқ очилганлиги учун ҳам, унда резонатор тон миқдори анча ортиқ бўлади.

Қаттиқ л сонанти деярли тил орқа *ă, ø, y, ы* унли товушлари билан контакт қўлланади. Масалан, *lăk, lıẓă, stəl, styl, stəlbă, tyl, təl* каби сўзларда.

Бурун сонантлари. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ун, албатта, бурун бўшлиғига ҳам ўтиб, ўз резонатор тонини ҳосил қилади ва ўзига хос шаклланиб, бурун катакларидан ташқарига сирғалади. Бу сонантлар ўзбек тилида тўртта: *m, n, ŋ, ң* кабилардан иборатлиги ҳолда, улар ўзаро резонатор тон ҳосил қилиш масофаси, резонатор тон миқдори билан фарқланади. Шу сонантлар резонатор тонининг миқдори тилнинг оғиз бўшлиғидаги қайси ўринда ун йўлини бўғиши ва унинг айланиб ўтиш масофасини белгилаши билан боғлиқдир. Бу ўринда труба музика асбобининг чалиниш механизмини эслаш – кифоя. Труба асбоби тахминан 3–4 метрли мис най ўралиб, оғзига карнай ўрнаштирилган бўлади. Иккинчи томонидан пуфлаб, резонанс ҳисобига жарангдор овоз ҳосил қилинади. Трубанинг ўралиш марказига клавишлар жойлаштирилган ва бу клавишлар трубадаги овоз йўлини қисқартириб ва узайтириб турадиган бўлади. Мана шу ўтиш масофасига қараб овоз трубада *до, ре, ми, фа, со, ля, си* лар доираси билан алмашинади. Бурун сонантларини шакллантирувчи механизм ҳам труба механизмига ўхшайди. Трубага товуш киши лабида ҳосил қилиб киритилиши ва резонатор тон билан труба овози шаклланишида, одам уни эса товуш пайларида ҳосил бўлиб, бурун резонатор тони билан қўшилиб,

бурун сонанти сифатида шаклланади. Бунга яна артикуляция ўрнига берилган зарбдан ҳосил бўлган шовқин ҳам қўшилган бўлади.

3) ***т* сонанти**. Унинг артикуляциясида лаблар юмилади, тил учи тепа курак тишлар учига яқинлашиб, тил олди қаттиқ танглайга ва тил ўртаси юмшоқ танглайга жуда яқин боради, чуқур тил орқа олд томонга сиқилади. Тилнинг икки томони кўтарилиб, жағ тишлари ёнига тегеди. Умуман, *т* сонантининг артикуляцион ҳолати *в* ва *р* консонантларининг артикуляцион ҳолатига жуда ўхшаш, тўғрироғи, у билан бир хил бўлади. Лекин *т* сонантининг артикуляциясида *в* ва *р* сонантлари артикуляциясидан фарқли ўлароқ лаклук ҳалқумнинг бурун қисми орқа деворидан йироқлашиб, бурун бўшлиғи хоаналарига йўл очади, *в* ва *р* консонантларида у ёпиқ бўлади. Товуш пайларида ҳосил бўлган ун оғиз бўшлиғининг тил устидаги тор оралиқдан ўтиб, ёпиқ лабга келади ва унга урилиб шовқин билан оғиз бўшлиғи орқасига, сўнг ҳалқум ва бурун бўшлиғи, ундан бурун катаклари орқали ташқарига йўналади. Йўлма-йўл резонатор тон билан ўзини бойитади. Резонатор тон оғиз бўшлиғининг олд ва ўрталарида қисман ҳосил бўлса ҳам, унинг асосий манбаи тил орқа ва юмшоқ танглай оралиғи, ҳалқум, бурун бўшлиқлари бўлиб қолади. Яъни *т* сонанти резонатор тонга энг бой товуш ҳисобланади. У ниҳоятда узун масофада резонатор тон ҳосил қилиб шакланганлиги учун ҳам, артикуляциясига кетадиган вақт, ҳатто, энг чўзиқ унлилар даражасига етиши кузатилади. *т* сонанти интервокал ҳолатда ҳам 45–60 мсек., бўғин охири ва бўғин бошида қандай унли билан контактлигига қараб 40 мсек.дан 90 мсек.гача, анлаутда 80–110 мсек. ауслаутда 90–150 мсек. вақт талаффуз этилади. Агар сўз ауслаути сифатида қўлланиб, шу бўғин ё ургули, ё синтагманинг сўнгги, ё пауза кутилиши жойи бўлса, 180 мсек.дан 250 мсек.гача вақт олади.

т сонантининг рус тилидан ўзлашган сўзларда иккинчи бир варианты бор бўлиб, уни тилшуносликда қайд этилган юмшоқ *т* сонантига қарама-қарши қаттиқ *т* сонанти деб аталади. Қаттиқ *т* сонанти билан юмшоқ *т* сонанти артикуляциясида артикуляция ўринларининг ҳолати деярли бир хилдир. Фақат қаттиқ *т* сонанти артикуляциясида тил учи нисбатан пастроқ кўтарилиб, орқароқ тортилган бўлади. Тил юзаси ўрта кўтарилишда умуман текис ҳолатни олиб, ёнлари жағ тишларига тегмайди. Шунинг учун, унинг резонатор тони миқдори ортиқроқ бўлиб, у асосан оғиз бўшлиғида ҳосил бўлувчи резонатор тонлар ҳисобланади. У барча

позицияларда ҳам учраши мумкин. Масалан, *дундә, рот, шотрол* сўзларидаги каби.

4) и сонанти. Унинг артикуляциясида лаб ва тишлар сал очилади. Тил учи ёй шаклида тепа курак тишлар ёнига тақалади, ёнари жағ тишларга тегади ва унинг оғиздан чиқиш йўли мутлақо ёпилади. Тил олди юзаси қаттиқ танглайдан, тил ўрта юзаси юмшоқ танглайдан йироқлашади, яъни ўртача кўтарилиш ҳолатини олади. Тил орқаси юзаси нисбатан пастроқ ва олдинроққа тортилади. Чунки лаклук унга томон тортилиб ҳалқумнинг бурун қисми орқа деворидан нарилашади ва хоаналар йўлини очади. Бу сонантнинг артикуляция ўрни ҳолати *d* ва *t* консонантлари артикуляция ўрнига жуда ўхшаб кетади. Фақат тил орқасининг олдинга тортилиши ва лакаукнинг унга томон тортилиб, хоана йўлининг очилиши билан фарқланади. Товуш пайларида ҳосил бўлган ун ёй шакли тил олди ва қаттиқ танглайга урилиб, шовқин билан тил ўрта ва тил орқа оғиз бўшлиғи, ҳалқум бўшлиғининг бурун қисми, бурун бўшлиғи орқали бурун катагига, сўнг ташқарига йўналади, йўлма-йўл резонатор тон ҳосил қилиб, биргаликда бурун сонантини шакллантиради. Яъни бу сонантда оғиз резонатор тони нисбатан орқароқдан бошланиб, қисқароқ масофада юзага келади. Шунга кўра, *m* сонантдан фарқланади. Лекин *n* сонанти чўзиқлик нуқтаи назаридан *m* сонантга жуда яқин туради. У қандай унлилар ўртасида келганлигига қараб 30–60 мсек., ҳатто, 90 мсек. чўзиқликда ҳам талаффуз этилади. Турган гапки, кенг унлилар ўртасида ўз чўзиқлигини сезиларли даражада камайтиради. Бу ҳолатни сандхи қўлланган иккинчи сўз *n* сонанти билан контакт келишида ҳам кузатилади. Яъни *tytəsgən nyr* бирикмасида *n* сонантлари 50+40 мсек. чўзиқликка эга. У бўгин боши ёки бўгин охирида ва ауслаутда 50–80 мсек. чўзиқлик билан, кетидан пауза бўладиган позицияли ауслаут сифатида келса, 120–190 мсек. чўзиқлик билан, гап охирида 250 мсек. чўзиқлик билан талаффуз қилинади.

Ўзбек тилининг ўз лексикасида қўлланадиган *n* сонанти рус тилидан ўзлашган сўзлардаги *n* сонантларига қиёсан ўрганилса, қаттиқ *n* сонанти деб қаралади. Рус тилидан ўзлашган сўзларда яна юмшоқ *n* сонанти қўланади. Унинг артикуляцияси тил орқасининг олдинга кескин тортилиши ва тил ўртасининг қаттиқ танглай томон юқори кўтарилиши билан фарқланади. Масалан, *mənətä, Njyrä, njuäns* ва ҳ.к.

У барча позицияларда ҳам кузатилиши мумкин.

5) ŋ сонанти. Унинг артикуляциясида лаб ва тишлар ўртача очилиб, сирт томондан курак тишлар қирраси кўриниб туради.

Тил учи пастки курак тиш қиррасига тўғри тутилган ҳолда орқага тортилади. Тил орқа юзаси юқори кўтарилиб, юмшоқ танглайнинг олд қисмига ён томонлари ёйилиб, жағ тишлари ёни ва юзасига тегади, оғиз бўшлиғининг орқа қисмини ташқаридан тўдалиги билан тўсади. Чуқур тил орқа билан юмшоқ танглай ва лаклук оралиги кенг очилади. Лаклук пастга томон тортилиб, ҳалқумнинг бурун қисми орқа деворидан нарилашади ва хоаналарнинг йўлини очади. Бу сонантнинг артикуляция ўрни ҳолати *g* ва *k* консонантлари артикуляция ўрни ҳолати билан деярли бир хил бўлгани ҳолда, фақат лаклукнинг пастга тортилиб, ҳалқумнинг бурун қисми орқа деворидан нарилашиши ва хоаналар йўлини очишига кўра фарқланади. Товуш пайларига ҳосил бўлган ун чуқур тил орқа юзаси ва юмшоқ танглай орқасига урилиб, шовқин билан бирга чуқур тил орқа оғиз бўшлиғидан ҳалқумга, ундан бурун бўшлиғи ва бурун катаги орқали ташқарига йўналади. У йўлма-йўл резонатор тон ҳосил қилиб, биргаликда бурун сонантини шакллантиради. Яъни бу сонант оғиз резонатор тони жуда қисқа масофа – фақат чуқур тил орқа оғиз бўшлиғи қисмида ҳосил бўлади. Лекин *ŋ* сонанти чўзиқлиги ҳам *n* сонанти чўзиқлиги даражасига етади. У интервокал ҳолатда 50–110 мсек. чўзилиб, бўғин боши ва бўғин охири позицияларида 80–100 мсек. вақт олади, ауслаутда ҳам шундай чўзиқ келиши мумкин. *ŋ* сонанти ауслаутда келиб, кетидан пауза кутилса, чўзиқлиги 180–215 мсек.гача боради. Булар шуни кўрсатадики, *ŋ* сонантининг чўзиқлиги *m* ва *n* сонантлариникига нисбатан қисқароқ бўлади.

ŋ сонанти сўзларда ўзига хос позицияларда қўлланади. У бўғин боши (*kəŋil, siŋil, eŋil* каби)да фақат интервокал ҳолларда, ёпик бошланган бўғин олдидаги бўғин ауслаутида ва сўз ауслаутида ҳам кела олади, анлаутда учрамайди.

ŋ сонанти ўзининг барча хусусиятлари билан немис тилидаги шу сонант билан бир хил. Қиёс қилинг: *təŋ, çəŋ, eŋ, jeŋ, øŋ, deŋ* Achtung, Ahnung, Lozung, Schilderung, mangela ва ҳ.к. Яна бу товуш эроний тилларда ҳам кузатилади: *əŋəŋ, ləŋ, ləŋər, səŋ* сўзларидагига ўхшаш.

б) ң сонанти. Унинг артикуляциясида ҳам лаб ва тишлар ўртача очилиб, сирт томондан курак тишлар қирраси кўриниб туради. Тил учи пастки курак тишлар қиррасига тўғри тутилган ҳолда кескин орқага олиниб, тилнинг бутун танаси орқага кучли тортилади. У, бўйига максимум қисқарган ҳолда, юмалоқсимон шаклга кириб, юқори кўтарилади ва ёнлари жағ тишларининг энг орқадагилари, яъни ақд тишлари ёнига тегади. Лаклук пастга томон тортилиб,

танглай муртаги (*tansilla palatina*) гача бўлган сатҳда чуқур тил орқага тақалади ва томоқни танглай пардаси (*velum palatinum*) дан ёпади, орқа томони ҳалқумнинг бурун қисми орқа деворидан нарилашиб, бурун бўшлиғи хоаналари йўлини очади. Бу сонантнинг артикуляцияси ўрни ҳолати *q* консонанти ўрни ҳолатидан фарқ қилади. Товуш пайларида ҳосил бўлган ун, оғиз бўшаниги йўли ёпиқ бўлгани учун, ҳалқум бўшлиғидан тўғридан-тўғри бурун бўшлиғига, ундан бурун катаги орқали ташқарига йўналади. У оғиз бўшлиғи тўсиғига урилиб, шовқин ҳосил қилади ва ҳалқум, бурун бўшлиқларида резонатор тон юзага келтириб, биргаликда бурун сонанти сифатида шаклланади. Унинг оғиз бўшлиғи резонатор тонига эга бўлмаганлиги ўзига хослиги ҳисобланади. Шунинг учун, ҳам нутқда бу сонантнинг бир нечаси қисқа частоталарда қўлланиб қолиши кишини димоғда гапираётганга ўхшатиб кўрсатади. Лекин бу сонантнинг чўзиқлиги ҳам бошқа бурун сонантлари чўзиқлигига ўхшаб кетади. Бу сонант интервокал ҳолда анча қисқа – 35–50 мсек., бўгин охирида 50–80 мсек. чўзиқ бўлиб, ауслаут сифатида келиб кетидан пауза кутилса, 180 мсек.дан 250 мсек.гача вақтда талаффуз этилишини кузатиш мумкин. У уч хил позицияда келади: бўгин охирида, яъни *соңдъғ, тоңьбқ*; интервокал ҳолда, яъни *доңьлла, ваңьлла, зъңьлла, лаңьлла*; сўз охири – ауслаут сифатида, яъни *доң, қоң, лаң* каби.

Бу сонант ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида кенг тарқалган бўлиб, тил орқа бурун *ŋ* сонанти ўрнида ҳам кўп қўлланади. Масалан, *эң, дојуңьз, туғуң* ва ҳ.к.ларда. У туркий тиллардан айримларидагина бўлиб, бошқа тизимдаги тилларда кузатилмайд.

Ўзбек тили сонант товушларга энг бой тиллардан бири ҳисоланади. Бироқ тилда сонант товушлар миқдори имконияти шу билан чегараланмайди. У бундан анча ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, титроқ артикуляция усулига сонантнинг ўзбек тилидаги артикуляция ўрни, кўриб ўтдикки, тил учидир. Титроқ артикуляция усулига эга сонантнинг артикуляция ўрни яна тил олди устида бўлиш имконияти ҳам бор. Бу артикуляция ўрнидан ўзбек тилида фойдаланилмаса ҳам, немис тилида фаол қаралади. Масалан, *braut, wir, bringen* сўзларидаги титроқ сонантлар шу артикуляция ўрнида талаффуз этилади. Титроқ артикуляция усулига эга сонантнинг артикуляция ўрни тил олди остида ҳам бўлади. Бу артикуляция ўрнида ҳосил бўлувчи титроқ сонант инглиз тилида қўлланади. Масалан, *rifle, memorial, frey, write, street* сўзларидаги титроқ сонант тил олди остида талаффуз этилади. Титроқ артикуляция усулига эга сонантнинг артикуляция

ўрни лаклук бўлиши имконияти ҳам бор. Бу титроқ сонант француз тилида қўлланади. Масалан, *Paris, français, regarde, etre, aujaurd'hui* сўзларидаги титроқ сонантнинг артикуляция ўрни лаклукдир.

Ўзбек тилидаги тил ёни сирғалувчи сонантининг артикуляция ўрни тил олдининг милкка тегиши ҳисобланади. Тил ёнидан ун сирғалишида тил ўртаси қаттиқ танглайга тегиб, оғиз бўшлигининг марказий йўлини тўсиши сабаб бўлиши ҳам мумкин. Аммо бундай тил ёни сирғалувчи сонанти биз билган тилларда йўқ. Манбаларга кўра македон тилида қўлланади. Масалан, *Скопје* шаҳрининг номидаги л сонантида тил ўртаси қаттиқ танглайга тегиб, тил ёни очилади. Яна тил орқаси юмшоқ танглайга тегиб тил ёни очилиши орқали ҳам сонант ҳосил бўлиши учун имконият туғилади. Аммо унинг бирор тилда борлигини айтиш қийин.

Ўзбек тилидаги бурун сонантлари артикуляция ўрни, юқорида қайд этилганидай, лаб-лаб, тил олди, тил орқаси ва чуқур тил орқасидан иборат. Яна пастки лаб тепа курак тишлари билан жипслашиб, яна тил ўртаси қаттиқ танглай билан жипслашиб, ҳам бурун сонантлари ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ бундай бурун сонантларининг ҳам бирор тилда борлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Ўзбек тилидаги сонантлар тавсиф этилар экан, тилда сонантларни юзага келтирувчи 13 имконият, яъни шунча артикуляция ўрни мавжуд. Ўзбек тилида унинг олтитасидан фойдаланилди, қолган ўринлар бўш қолди. Шундан келиб чиқиб, уларни тасниф этиладиган бўлса, артикуляция ўрнига кўра лаб, тил олди, тил орқа ва чуқур тил орқа сонантлари бор. Улар резонатор тон олиш ўрнига кўра бурун, тил ён ва титроқ сонантларга бўлинади. Уни 5-жадвалдан кўриш мумкин.

Артикуляция усули \ Артикуляция ўрни		Лаб-лаб	Тил олди	Тил орқа	Чуқур тил орқа
		титроқ			г
сирғалувчи	Бурун	м	п	п	ң
	Тил ёни		л		

Қолган етита артикуляция ўрни ўзбекларда шакланмаган.

А. Маҳмудов спектрал таҳлига суяниб, ўзбек тилидаги *ј, ш, џ*

сирғалувчиларини сонантлар қаторида деб кўрсатади¹. Лекин улар бизнинг осциллографик таҳлил бўйича сонант эмас, балки оддий сирғалувчи жарангли консонант эканлиги ўз исботини топди. Одатда унли товушлар осциллографик товушланиш кучи ками билан 5 мм. амплитуда, ортиги билан 7–8 мм. амплитуда юқори бўлади. Масалан, *kərvən* сўзининг биринчи унлиси товуш кучи 7,5 мм., иккинчи унлиси товуш кучи 8,5 мм. амплитуда ўлчовига эга. Сўздаги сонантнинг товуш кучи ҳам деярли шу юқориликда бўлади. Яъни шу сўздаги *r* сонантининг товуш кучи ҳам, *n* сонантининг товуш кучи ҳам 7 мм. амплитудага эга. Шулар ичида талаффуз этилган *w* товушининг кучи 2 мм. амплитудадан юқори талаффуз этилмаган. Бу ҳолни *j* ва *ψ* товушларида ҳам кузатилади. Ҳар иккисида ҳам товуш кучи 2 мм. амплитудадан юқори эмас. Айниқса, унинг 1 мм. амплитудани кўрсатиши бор ҳодисадир. Чунки товушдаги ун миқдори билан ундаги товуш кучи юқори бўлади. Унларнинг таркибида асосан ун келади. Сонантлар ҳам асосан ундан иборат. Шунингдек, уларнинг товуш кучи максимум юқори амплитудани кўрсатади. Жарангли товушлар асоси асосан шовқин бўлиб, қисман ун аралашганлиги кузатилади. Шунинг учун, унинг товуш кучи 2 мм. амплитудадан юқори кўтарилмайди. Жарангсиз товушлар таркибида ун бўлмайди ва осциллографик перо унинг талаффузида ноҳадан юқорини кўрсатмайди.

А. Маҳмудов шу товушларнинг интонаграммадаги таҳлилни ўз монографиясида келтирган². Уларда бу товушлар таркибида ун миқдорининг ниҳоятда кам эканлиги кўзга ташланди. Бу ҳам *j*, *w*, *ψ* товушлари сирғалувчи жарангли эканлигини кўрсатади.

А. Маҳмудов *j*, *w*, *ψ* товушларини сонантлар деб атар экан, уларнинг бошқа бир хусусиятини назарда тутди. Улардан *j* товуши *i* ва *e* унлиларидан, *w* ва *ψ* товушлари кенг унлилардан кейин келиб, ун таркиби ниҳоятда ортади. Бу товушлар контакт келган унлилар билан деярли бир хил товуш кучига эга бўлади. Шу уларнинг сонант деб аталиши учун асосдир, деб ўйлайди. Лекин бу ассимилятив дифтонг ҳодисасидир. Шу билан *j*, *w*, *ψ* товушлари сонант бўлиб қолмайди. Ҳодиса *y* билан алоқасиздир. Мазкур товушлар сирғалувчи жарангли консонант бўлган ва шундай бўлиб қолади. Дифтонглар ҳақида эса аввалги сарлавҳа остида тўхталиб ўтилди.

Сонантлар, юқорида айтилдики, артикуляциясида ун йўли тўсилади ва у акустик ўзгариб, резонатор тонга бойиган ҳолда

¹ Қрғ.: Маҳмудов А. Сонорные узбекского языка. –Ташкент: Фан, 1980. –С. 31.

² Қрғ.: Маҳмудов А. Сонорные узбекского языка. –С. 45–55.

шаклланади. Айтилган *j*, *w*, *ψ* товушлари эса икки нутқ органи оралиғидан уннинг фақат сизиб ўтиши орқали ҳосил бўлади. Бу ҳам улар сирғалувчи жарангли консонант эканлигини билдиради. Яъни улар сонант ҳисобланмайди.

Деярли адабиётларда фақат тил орқа бурун *η* сонантини қайд этилиб, чуқур тил орқа бурун *ң* сонантини эътиборга олинмайди. Уни *η* сонантининг варианты деб ҳисобланса керак. Аммо нутқда уларнинг бири ўрнига иккинчисини қўллаб бўлмайди: *vəŋillətəq* / *vaŋʏllətəq* мисолида кўринганидай *ң* консонанти ўз қимматига эга. Бу ўринда, ҳатто, *ң* сонанти алоҳида фонема мақомига эгаллиги кўзга ташланган. Шунинг учун, уни ўзбек тилида мустақил бир сонант деб қаралиши шарт.

Консонантлар таснифи ва тавсифи

Консонантлар уч нутқга назардан тасниф этилади:

1) Артикуляция ўрни: а) лаб артикуляция ўрни, б) тил артикуляция ўрни, в) бўғиз артикуляция ўрни кабилардан иборат.

2) Артикуляция усулига кўра консонантлар: а) портловчилар, б) сирғалувчилар, в) шипилдоқлар, г) қоришиқ (аффрикат) лардан иборат.

3) Акустикасига кўра консонантлар: а) жарангли ва б) жарангсиз кабилардан иборат.

Консонантларнинг артикуляция усулига кўра ҳам, акустикасига кўра ҳам типлари ҳар бир артикуляция ўрнида қайд этилиши мумкин. Шунинг назарда тутиб, консонантларнинг ҳар бири артикуляция ўрни эътибори билан тавсифлаб чиқилади.

Консонантлар артикуляциясида, айтилганидай, уч нутқ органи эътиборда тутилган: лаб, тил, бўғиз. Лаб нутқ органи иштирокида икки артикуляция ўрни шаклланган: лаб-лаб ва лаб-тиш.

Пастки ва тепа лабларнинг ўзаро маълум артикуляцион муносабатида кўра ўзбек тилида тўрт: *b*, *p*, *w*, *f* нутқ товушлари ҳосил қилинади. Бу артикуляция ўрнида пастки лаб фаол нутқ ўрни сифатида қатнашиб, тепа лабга томон ҳаракатланади. Пастки лабнинг тепа лаб томон ҳаракати ҳар бир товуш учун ўзига хос усулда бўлади. Шунинг учун, ҳар бир товуш артикуляцияси ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим топилди.

1) *b* консонанти. Унинг артикуляциясида пастки лаб тепа лабга туташади. Тил учи пастки курак тишлар учига томон тўғрилланган ҳолда, бутун тил танаси орқа томонга сал тортилади.

Ичкаридан келган ҳаво лаб орқасида тўпланиб, тепа лабни тепа курак тишлари учидан сезилар-сезилмас кўчиради ва лабларни, жуда кичик оралиқ ҳосил қилиб, очиб чиқади. Ҳавонинг лабларни бирдан очиб, портлаб чиқишидан ҳосил бўлган шовқин ва қисман ун биргаликда *b* жарангли консонантини шакллантиради. У маълум даража резонатор тонга ҳам эга бўлиб, бу тон оғиз бўшлиғининг олд қисмида юзага келади.

b консонанти анлаутда фаол қўлланиб, 150 мсек.дан 210 мсек. гача чўзиқликда бўлиши мумкин. Инлаут сифатида интервокал ҳолат билан қайд этилиб, унинг бу позицияси жуда нофаолдир. Шу позицияда жуда кучсиз талаффуз этилиб, 50 мсек. ва ундан ҳам кам мсек. миқдорида чўзиқликка эга бўлади. Бу консонант жарангсиз консонантлар билан контакт ҳолда ва ауслаутда умуман қўлланмайди.



8-рентгенограммадаги 1) — қора чизиқда *b*, *p*, *t* ундошлари, 2) - - - узук чизиқларда *w*, *f* ундошлари берилган.

2) *p* консонанти. Унинг артикуляциясида ҳам пастки лаб тепа лаб билан туташиб, *b* консонанти артикуляциясидагига ўхшаб ёпилади ва *b* консонантида нутқ органлари қандай жойлашган бўлса, бу консонантда ҳам шундай жойлашади. Ичкаридан келган ҳаво лаб орқасида тўпланиб, тепа лабни тепа курак тишларидан сал кўчиради ва лабларни, жуда кичик оралиқ ҳосил қилиб, куч билан очиб чиқади, шовқин ҳосил қилади. Унинг таркибида ун ҳам, резонатор тон ҳам бўлмайди.

p консонанти сўзнинг барча позицияларида қайд этилади. У *b* консонантига ўхшаб анлаутда чўзиқ бўлмайди, фақат 40–60 мсек.

чўзиқликда ва ауслаутда ҳам шу чўзиқликда талаффуз этилади. Унинг ауслаут сифатида келиши *b* консонантига нисбатан позицион имкониятининг кенглигидир. *p* консонанти интервокалда яна ҳам қисқароқ – 25–35 мсек. чўзиқликда бўлади. У ҳар қандай ундош билан контакт қўлланиши кузатилади.

3) ***w* консонанти.** Унинг артикуляциясида пастки лаб кўтарилиб, тепа лабга жуда яқин келади ва улар орасида жуда тор оралиқ қолади. Лаб учлари сезилар-сезилмас даражада чўтчаяди. Тил учи пастки курак тишлар учига, худди *b* ва *p* консонантлари артикуляциясига ўхшаш ҳолда тўғриланади ва бутун тил танаси орқа томонга тортилади, чуқур тил орқаси ҳам лаклукка яқин боради. Тил юзаси ўртача кўтарилаган бўлиб, орқаси юқорироқ ҳолат олади. Ичкаридан келган ҳаво лаблар оралиғидаги тор тирқишдан сизиб ўтади. Шу сизишда ҳосил бўлган шовқин товуш пайларида ҳосил бўлиб чиққан ун билан бирга *w* жарангли консонантини шакллантиради. Бу консонант таркибида резонатор тон ҳам бўлиб, у оғиз бўшлиғининг олд қисмида юзага келади.

w консонанти фақат ўз лексикага оид бўзларнинг барча позициясида, яъни анлаут, инлаут, интервокал ва ауслаутда ҳам учрайди. Масалан: *wəw-wəw, wəjdəd, əwɨncəq, əwəz, ywɨldərbəq, əw, qəstəw, quw, suw* ва Ҳ.К. Унинг чўзиқлиги унча эмас. У анлаутда 70–80 мсек. чўзиқликка борса ҳам, интервокал сифатида 30–40 мсек. чўзиқликдан нари ўтмайди. Фақат ауслаутда кетидан пауза кутилишига қараб 150 мсек.гача бориши мумкин. Баъзан эроний тиллардан ўзлашган сўзларда ҳам шундай жарангли сирғалувчи консонант учрайди. Бироқ уни ўзбек сўзлашув тилида ўзбек тилидаги шу *w* консонанти билан конвергенцияга учратилган деб қаралади.

4) ***f* консонанти.** Унинг артикуляциясида пастки лаб кўтарилиб, тепа лабга *w* консонанти артикуляциясидагига ўхшаш яқин келади ва қолган нутқ органлари *w* консонанти артикуляциясидаги кўринишни олади. Ичкаридан келган ҳаво лаблар оралиғидаги тор тирқишдан *w* консонантидагидай сизиб ўтади. Шунинг натижасида, лаб-лаб сирғалувчи *f* жарангсиз консонанти шаклланади. Бу консонант таркибида ун ҳам, резонатор тон ҳам бўлмайди.

f консонанти фақат ўз лексикага оид сўзларда қўлланиб, у қайд этиладиган позиция максимум чекланган. Бу консонант ауслаутда, ундовлардагина учрайди. У ҳам қуйидаги тўрт сўздан иборат: *kʏf, sʏf, tʏf, ʏf*. Яна фамилиялар ауслаути бўлган лаб-лаб сирғалувчи

жарангли консонант редуцияси ҳам шу *f* консонанти ҳолида қайд этилади. Яъни *Ahmedow* > *Ahmeduf* каби. Бу консонант чўзиқлиги 150–180 мсек. вақт олади.

Пастки лабнинг тепа лабга туташуви натижасида *bw* ва *pf* қоришиғи ҳам ҳосил бўлади. *bw* қоришиғи ҳосил бўлар экан, нутқ органлар портловчи *b* жаранглиси ҳолатини олади ва товуш пайларига уриниб ўтган ҳаво юмиқ лаблардан портлаб чиқа туриб, очилган лаблар орасидан сизиб, *w* сирғалувчисини портловчига қўшиб юборади. Яъни портловчи *b* жаранглиси артикуляцион рекурсиясида *w* жаранглиси сирғалувчисининг артикуляцион кечими ўтади. Бу *bw* қоришигининг юзага келишидир.

bw қоришиғи ўзбек адабий тилидаги сўзларнинг фонетик таркибида йўқ. У фақат энди тили чиқиб келадиган болалар нутқида учрайди. Улар *bʷə*, *bʷi* каби бисилабик сўзларни тўла талаффуз эта олмай, биринчи бўгин унлисини редуцияга учратиб юборадилар. Натижада, биринчи бўгиндаги унли синкопага учраб икки томондаги унлилар контакт ҳолга келиб жипс талаффуз этилади, қоришиққа айланади. Яъни ўша сўзларни бир бўгинли ҳолда *bwə* ва *bwi* деб талаффуз этадилар.

Болалар тилидаги *bwə* ва *bwi* сўзларининг *bw* қоришиғи таркибидаги *b* портловчи компоненти ҳам, *w* сирғалувчи компоненти ҳам 6–7 гц.дан ортиқ бўлмайди. Чунки болалар ўз нутқида товушларни қисқа талаффуз этади ва бунинг устига деярли бир бўгинли сўзларни қўллайди. Улар талаффузидаги бу товуш 50–60 мсек.дан ортиқ вақт олмаслиги кузатилади.


pf қоришиғи ҳам ўзбек адабий тилидаги сўзларнинг фонетик таркибида йўқ. У Европа тилларидан немис тилидаги сўзларда ва рус тилидаги фақат *pfu* ундовида кузатилади. Бу товушнинг талаффузида нутқ органлари ўзбек тилидаги *p* портловчиси артикуляцион экскурсиясидаги ҳолатни олади. Унинг артикуляцион кечими ўтар экан, рекурсиясида *f* сирғалувчиси воқеланади. Натижада, шу *pf* қоришиғи шаклланади. Масалан, немис тилидаги *apfel* сўзида *pf* қоришиқ товуши қўлланган. Унинг *p* компоненти 4 гц., *f* компоненти 11 гц. билан қайд этилган. Умуман товушга 70 мсек. вақт сафланган. Бу қоришиқ таркибида ун ҳам, резонатор тон ҳам бўлмайди. Айтилдики, бу артикуляция ўрнидан ўзбек тилида фойдаланилмаган.

Пастки лаб ва тепа курак тишларнинг ўзаро маълум артикуляцион муносабатига кўра ўзбек тилида икки: *v* ва *φ* нутқ

товушлари ҳосил қилинади. Бу артикуляция ўрнида ҳам пастки лаб фаол нутқ органи сифатида қатнашиб, тепа курак тишлар қирраси томон кўтарилади. Турган гапки, пастки лабнинг тепа курак тишлар қиррасига нисбатан тутган ҳолати ҳар бир консонант учун ўзига хос усулда бўлади. Ўзбек тилидаги бу артикуляция ўрнида ҳосил қилинадиган мавжуд консонантлар учун нутқ органлари ўзаро жипс ёпилмай, фақат лаб учи доирасида кичик ёриқ қолдириб, бир-бирига тегади. Чунки ҳосил бўладиган консонантлар фақат сирғалувчилардир.

5) **v консонанти.** Унинг артикуляциясида пастки лаб тепа курак тишлар қиррасига, ўртадаги икки курак тиш билан лаб учида тор оралиқ қолдириб, туташади ва икки чекаси тепа лаб чеккалари билан жипслашади. Тил учи пастки курак тишлардан юқори кўтарилган пастки лаб учига тегади. Тепа лаб тепа курак тиш қиррасини сал очиб, юқорироқ кўтарилади. Ичкаридан келган ҳаво лаб ва тиш оралиғидан сизиб ўтиб, яна тепа лабга урилган ҳолда ташқарига чиқади. Шу сизиб ўтишда ҳосил бўлган шовқин товуш пайларида ҳосил бўлган ун билан бирга *v* жарангли консонантини шакллантиради. Бу консонант таркибида резонатор тон ҳам бўлиб, у оғиз бўшлиғининг олд қисмида юзага келади.

v консонанти фақат ўзлашган лексикага оид сўзларда учрайди. У эроний тиллардан, араб тилларидан, рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган сўзларга хос консонант ҳисобланади. Бу консонантни сўзнинг барча позицияларида кузатиш мумкин. У анлаут сифатида келганда бир мунча чўзиқ бўлиб, 80–90 мсек. талаффуз этилади. Масалан: *vaqt, vbsəl, vägən, vylqən, vəs, vəzmin, vajrən, vətən* сўзларидаги каби. *v* консонанти инлаут сифатида жуда кўп қўлланиб, кўпроқ интервокал ҳолда келади. Бунда у 30 мсек.дан 60 мсек.гача чўзиқликка эга бўлади. У кенг ёки лабланган унлилар ўртасида чўзиқлиги ортиқ миқдорда қайд этилади. Масалан: *arava, əvəra, gʻvəh, səvet, cəvər, gʻvələ* сўзларидаги каби. Инлаутлар, интервокал бўлмаган тақдирда ҳам, улар чўзиқлиги бундан унча фарқ қилмайди. Масалан: *səvr, zəvq, pəlvən, narvan, kvärturä* сўзларидаги каби. У ауслаут сифатида келса, 70–80 мсек. чўзиқликка эга бўлиб, агар кетидан пауза кутилса, 150 мсек.гача талаффуз этилади. Масалан: *sərv, merəv, partəv, nəv, həcʻv* сўзларидаги каби. Рус тилидан ва у орқали Европа тилларидан ўзлашган сўзлар ауслаути сифатида *v* консонанти қўлланмайди.



9-рентгенограммада *v*, *φ* ундошлари берилган.

6) *φ* консонанти. Унинг артикуляциясида пастки лаб тепа курак тишлари қиррасига шудай туташадикки, ўртадаги икки курак тиш билан лаб учуда *v* консонанти артикуляциясидагига ўхшаш оралик қолдиради ва қолган нутқ органлари ҳам *v* консонанти артикуляциясидаги ҳолатдан унча фарқ қилмайди. Ичкаридан келган ҳаво шу лаб ва тиш оралиғидан *v* артикуляциясиники каби босим билан сизиб чиқади ва тепа лаб учига урилиб ўтади. Унинг таркибида ун ва резонатор тон бўлмайди.

φ консонантини сўзнинг барча позицияларида кузатиш мумкин. У аналаут сифатида *v* консонантининг шу позициясидагига нисбатан анча чўзиқ бўлиб, 125 мсек.гача талаффуз этилади. Масалан: *faqat*, *qarq*, *quqarə*, *qəzl*, *qil*, *qəl*, *qābrukā*, *qāktər*, *qārtyk* сўзларидаги каби. *φ* консонанти инлаут сифатида қўлланганда ҳам, *v* шу позициясидагига нисбатан анча чўзиқ келиб, 50–70 мсек.га эга бўлади. У интервокал қўлланганда, унлилар кенг ва ёки лабланган бўлса, чўзиқроқ талаффуз этилади. Масалан: *səfər*, *kʷfir*, *kəfgir*, *təftiʃ*, *əfat*, *tuʃlu*, *tyhʃa*, *sʷerā* сўзларидаги каби. У ауслуот сифатида келса, ками 160–170 мсек. чўзиқликка эга бўлиб, кетидан пауза кутилганда 250 мсек.гача чўзиқ талаффуз этилади. Масалан: *tif*, *sədəʃ*, *dəʃ*, *qylʃ*, *sərʃ*, *səʃ*, *zylʃ*, *grāʃ* сўзларидаги каби. Рус тилидан ва у орқали Европа тилларидан ўзлашган сўзлар ауслуотидаги *v* консонанти ҳамма вақт редукияга учраб, *φ* консонанти сифатида талаффуз этилади. Бу *φ* консонанти ҳам юқоридаги ауслуотлари каби чўзиқ бўлади. Масалан: *актив* > *äktivʷ*, *курсив* > *kursivʷ* сўзларидаги каби.

Пастки лаб ва тепа курак тишларнинг ўзаро маълум артикуляцион муносабатига кўра ўзбек тилида яна иккита нутқ товуши ҳосил бўлиш имконияти бор. Бу имкониятга кўра бир жарангли, бир жарангсиз – икки портловчи консонант ҳосил бўлиши мумкин эди, лекин улар акустикаси *b* ва *p* консонантлариникидан

деярли фарқ қилмас эди. Бу коммуникацияда қийинчиликка олиб келади. Шунинг учун, бу артикуляция ўрнидан фойдаланилмаган.

Тил нутқ органи иштирокида тўрт артикуляция ўрни шакланган: 1) тил олди, 2) тил ўрта, 3) тил орқа, 4) чуқур тил орқа.

Тил олди тепа курак тишлари асоси, ёки милки, ёки қаттиқ танглайнинг тугаш жойи билан маълум артикуляцион муносабатда бўлишига кўра ўнта: *d, t, z, s, ž, š, d', t', c, ç, c* нутқ товушлари ҳосил бўлади. Бу артикуляция ўрнига мансуб тил фаол нутқ органи ҳисобланиб, у ё тепа курак тишлар асосига, ё улар милкига, ё қаттиқ танглайнинг тугаш ўрнига томон ҳаракатланади. Тил учининг улар томон ҳаракати ҳар бир товуш учун ўзига хос бўлади. Бу усуллар қуйидагича бўлиб, ҳар бирида иккитадан нутқ товуши ҳосил бўлади: а) портловчи, б) сирғалувчи, в) шипилдоқ, г) аффрикат.

Тил олди портловчилар иккита бўлиб, улар *d* ва *t* консонант товушларидан иборат.

1) *d* консонанти. Унинг артикуляциясида оғиз сал очилади. Тил учи тепа курак тишлари асосига тақалади. Тил олдининг қолган қисми курак ва қозиқ тишлар бўйича ёй шаклида туташиб, тил ёни жағ тишлари юзасига тегади. Натижада, оғиз бўшлиғи ташқаридан тўсилади. Тил юзаси ўртача кўтарилишда бошидан охиригача бир текис ҳолатни олади. Ичкаридан келган ҳаво тил олди оғиз бўшлиғида тўпланиб, босим ҳосил қилади, кейин бирдан артикуляция ўрнини очиб, яъни портлаб чиқади. Шу кечимда товуш пайларида ҳосил бўлган ун оғиз бўшлиғида резонатор тонни юзага келтиради ва ун, резонатор тон, тил олди портлашидан ҳосил бўлган шовқин биргаликда портловчи жарангли *d* консонантини шакллантиради.



10-ретгенограммадаги 1) — қора чизикда *d, t, n, l* ундошлари, 2) - - - узук чизикларда *z, s* ундошлари берилган.

d консонанти сўзнинг анлаути ва инлаути бўлиб келади. У анлаут сифатида фаол қўлланиб, постпозицияда тор унли ёки ўрта-кенг унли бўлса, 50–70 мсек.; кенг унли келса, 110–150 мсек. чўзиқликда қайд этилади. Масалан: *dedi, dʏr, dim, diŋ, dʏst, dʏrædgør* сўзлари ва *dæd, darjə, dʒhʏ, dazmɔl, darʏʃ* сўзларидаги каби. У инлаут сифатида келса, анча қисқа бўлиб, контакт унли ёки ундошлар таъсирида 40–50 мсек. дан тортиб 70 мсек.гача чўзиқликда бўлиши кузатилади. Масалан: *ada, adr, udejä, ʏdʏm, tædbir, adə, qʏda* сўзларидаги каби. Бу консонант инлаут сифатида лексик ургули бўгин олдидида қўлланса, 90 мсек.га эгалиги кузатилади. Агар *t* жарангсизи контакт келса, у ассимиляция қилиниб йўқолиб кетади, лекин поспозициядаги унли таъсирида маълум даражада тикланиши ҳам мумкин. Шунда ҳам у 10 мсек.дан чўзиқ бўлмайди. *d* консонанти ауслаут сифатида қўлланмайди. Бироқ сандхи ҳолатдаги сўзларнинг иккинчиси унли анлаутга эга бўлгани ҳолда, аввалги сўзнинг ауслаути бўлиши мумкин: *qajd etdi* каби.

2) ***t* консонанти.** Унинг артикуляциясида ҳам тиш ва лаблар баробар тутилгани ҳолда оғиз сал очилади. Тил учи текис курак тишлари ўртасидаги асосига *d* консонанти артикуляциясидагига ўхшаш жипс тақалади. Тил олдининг қолган қисми худди *d* консонантининг артикуляциясидаги ҳолатни олади. Ичкаридан келган ҳаво тил олди оғиз бўшлиғида тўпланиб, *d* консонанти артикуляциясидагига нисбатан кучлироқ босим ҳосил қилади ва портлаб чиқади. Бунда ҳам *d* консонанти артикуляциясидагига нисбатан кечим кучли, яъни артикуляция ўрни мускуларининг зўрикуви ортиқроқ бўлади. Шу портлаш ҳисобига ҳосил бўлган портлаш *t* жарангсиз портловчи консонант сифатида шаклланади. Бу консонант таркибида ун ҳам, резонатор тон ҳам бўлмайди.

t консонанти сўзнинг барча позицияларида ҳосил бўлиши мумкин. Бу консонантнинг ўзига хос характерли хусусияти шундаки, у сўзнинг барча позициялари: анлаутда ҳам (*təq, tərqəʃ, tʏt, tət, tʏs, tən* сўзларидаги каби), инлаутда, шу жумладан интервокал ҳолатда ҳам (*qatər, xatar, etər, ajtəb, tʏtəʃ* сўзларидаги каби), ауслаутда ҳам (*ʃaqat, jigit, ədat, qʏt, mərʏmæt* сўзларидаги каби) бир хил 60 мсек. чўзиқликка эга бўлади. Баъзан у контакт унли ёки сонантнинг таъсирида сал ун аралаштирса, яъни “*d*”лашиш томонига силжиса, чўзиқлиги ҳам сал камайиб, 50 мсек.га келиб қолади. Масалан: *təvʏʃ, tər:i, jigitlär* сўзларидаги каби. Агар *t* консонанти ауслаутда бўлиб, е анлаутли аффикс орттирса, ёки у контакт *d* консонантини ассимиляция қилса, чўзиқ *t*: консонанти юзага келади. Унинг чўзиқлиги 120–180 мсек. дан 270 мсек.гача боради. Масалан: *ketdi < ket:i, бирта < bit:ə, отди < ət:ʏ, бадтар < bət:ər* сўзларидаги каби.

Тил олди сирғалувчилари ўзбек тилида иккита бўлиб, улар *z* ва *s* консонантларидан иборат.

3) ***z* консонанти.** Унинг артикуляцисида тил учи тепа курак тишлар ўртасидаги иккитаси орқасига яқин келиб, орада тор ёриқ қолдиради. Тил олдидан бошлаб охиригача ёнлари қозиқ тишлардан ақд тишгача ёнига тақалади. Натижада, оғиз бўшлиғининг ташқаридан ёпилиб, ўртадан тил учи орқали ташқарига йўл қолади. Ичкаридан келган ҳаво тил ўртаси бўйлаб оғиз бўшлиғидан тил учи ва тиш оралиғидаги тор ёриққа келиб, ундан сиқилиб ташқарига ўтади. Шу ўтиш кечимида шовқин ҳосил бўлади. Товуш пайларида ҳосил бўлган кам миқдорли ун оғиз бўшлиғининг олд қисмида резонатор тон ҳосил қилиб, шу ун, резонатор тон ва шовқин биргаликда *z* консонантини шакллантиради.

z консонанти сўзнинг барча позицияларида қайд этилиши мумкин. У сўзнинг инлаути, шунингдек, интервокали бўлиб келса, бошқа позициялардагидан қисқароқ, яъни 55–60 мсек. чўзиқликка, агар у сонант билан контакт қўлланса, 80 мсек. чўзиқликка эга бўлади. У бу позициясидаги қисқа талаффузида ҳам портловчи *d* ва *t* консонантларининг шу позициядаги артикуляциясидан 1,5 ва, ҳатто, 2 баробар чўзиқдир. *z* анлаут ва инлаут сифатида 150–170 мсек. чўзиқликка эга бўлиб, ауслаут сифатида келиб, кетидан пауза кутилса, 230–250 мсек.гача чўзилиши кутилади. Масалан, у анлаут сифатида қўлланган *zər, zəfər, zьqna, zьq, zah* сўзларидаги; ауслаут сифатида қўлланган *qьz, tyz, jьz, tiz, qarz, dərz* сўзларидаги каби. Агар у геминат ҳолатида келса, 250 мсек. атрофидаги чўзиқликда бўлади. Масалан, *tiz:ə, çiz:ə, məz:ə* сўзларидаги каби.

4) ***s* консонанти.** Унинг артикуляциясида тил учи тепа курак тишларининг ўртадаги иккитасининг орқасига *z* консонанти артикуляциясидагига ўхшаб яқинроқ келиб, орада тор ёриқ қолдиради ва қолган нутқ органлари ҳам *z* консонанти артикуляцияси ҳолатини олади. Ичкаридан келган ҳаво оғиз бўшлиғидан тил эгати бўйлаб тил учи ва тиш оралиғидаги тор ёриққа келиб, ундан *z* консонантига ўхшаш кучли босим билан сиқилиб ташқарига ўтади. Шу ўтиш кечимида ҳосил бўлган шовқин *s* консонантини шакллантиради. Бу консонант таркибида ун ва резонатор тон бўлмайди.

s консонантини сўзнинг барча позициясида учратиш мумкин. У интервокал қўлланганда 50–70 мсек. чўзиқликда бўлиб, агар лексик урғули бўгин бошида келса, 90–100 мсек.гача чўзилади. Масалан: *qasat, kəsa, rəsa, bilməsət* сўзларидаги каби. У сўз анлаутида 70–90 мсек. чўзиқликка, гап бошидаги сўз анлаутида 150–160 мсек. чўзиқликка эга бўлади. Масалан: *səz, siz, səja, syrgın, sьlььq*, сўзларидаги

каби. *s* консонанти ҳамма консонантларга ўхшаш ауслаутда чўзиқроқ бўлиб, 130–150 мсек.га тенг келади. Масалан: *bəs, səs, əs, tʏs, qʲʏʋəs* сўзларидаги каби. Агар у ауслаут бўлиб, кетидан пауза кутилса, *z* консонанти артикляциясининг шу позициясидаги каби ортиқ чўзиқликка эга бўлмайди. У бўгин боши ва охирида келиб, ундош билан контакт қўлланса, қандай ундош билан контактлигига қараб 80–110 мсек. оралиғида чўзиқ бўлади. Умуман олганда, *s* консонантининг чўзиқлиги *z* консонантининг чўзиқлигидан бир мунча ортиқроқ.

Тил олдида шипилдоқ консонантлар артикуляцияси ҳам бўлиб, улар ўзбек тилида иккита: *ʒ* ва *ʂ* деб ҳисобланади. Бироқ улардан фақат *ʂ* консонанти ўз лексиканинг ўзига хос бўлгани ҳолда, *ʒ* консонанти фақат ўзлашган лексикада учрайди.

5) *ʒ* консонанти. Унинг артикуляциясида оғиз сал очилади ва тил учи тепа курак тишларнинг милкига томон яқинлашиб, тор оралик қолдиради, бироқ бу оралик *z* ва *s* нутқ товушларининг артикуляцияси кенглигига қараганда сал ортиқроқдир. Тил олдининг қолган қисми худди тарновча шаклига кириб, ёнлари қаттиқ танглай охирига туташади. Тилнинг қолган қисми ёнлари жағ ва ақд тиш тизмаси ёнига тиралади. Натижада, нафас йўлини тил ёнлари бўйича ташқаридан ёпади. Ичқаридан келган ҳаво тарновча шаклини олган тил олди оралиғига кириб, кейин тил учи ва милк ёриғидан босим билан ташқарига ўтади ва шу сирғалиш натижасида шовқин ҳосил бўлади. Шу шовқиннинг ҳосил бўлиши билан, ҳавонинг ҳам тил олдининг тарновча шаклидаги ичидан, ҳам тил учи ва милк оралиғидан ўтиши натижаси эканлиги учун, уни икки фокусли консонант деб аталган. Бу ун ва резонатор тон билан бирга шипилдоқ *ʒ* жарангли консонантни таркиб топтиради. Товуш пайларида ҳосил бўлган ун ва резонатор тон шу консонантнинг артикуляция каналидан ўтиши кечимида юзага келган бўлади. Унинг резонатор тон майдони тор бўлгани учун ҳам, резонатор тон миқдори жуда кам.

ʒ консонанти сўзнинг барча позицияларида учрайди, лекин ундан жуда кам фойдаланилади, бунинг устига фақат ўзлашган лексикага оид сўзларда кузатилади. У Ҳинд-Европа тиллари тизимидан ўзлашган сўзлардагина бор. У инлаутларда 70–90 мсек. чўзиқликка, анлаутда 120–130 мсек., мантиқ ургусини олган сўз анлаути ва ауслаутида 170 мсек.дан 250 мсек.гача чўзиқликка эга бўлади. Масалан: *ʒ* консонанти анлаути бўлган *ʒʏrnāl, ʒurāfā, ʒāket* каби; инлаути бўлган *aʒdar, deʒʏr, kryʒkā* каби; ауслаути бўлган *gārāʒ, mentāʒ, turāʒ* каби сўзларга эътибор бериш мумкин. Бу консонант геминат ҳолатида келмайди.



11-рентгенограммада *ž*, *ş* ундощлари берилган.

б) *ş* консонанти. Унинг артикуляциясида оғизнинг очилиши *z*, *s*, *ž* консонантлари артикуляциясидагига ўхшаш ҳолда бўлади. Тил учи ва тил олди, тил ёнларининг тиш ва танглайга нисбатан ҳолати *ž* консонанти артикуляциясига деярли ўхшаш ҳолатда кечади. *ş* консонантининг артикуляцион кечимида ҳаво тил олдининг қаттиқ танглайга тарновча шаклида туташган оралиғидан, кейин тил учи ва милк оралиғидан кучли сиқилиб ўтади. Шу артикуляция ўрнидаги мускуллар зўриқиши ҳам *ž* консонанти артикуляцион кечимидагига ўхшаш бўлади. Натижада, *ş* консонанти шаклланади. Бу консонант таркибида ун ва резонатор тон бўлмайди.

ş консонанти ҳам сўзнинг барча позицияларида учрайди ва ўз жарангли йўлдоши бўлган *ž* консонантига нисбатан жуда фаол бўлиб, ҳам ўз қатламга оид, ҳам ўзлашган қатламга оид сўзларда қайд этилади. У ҳам *ž* консонантига ўхшаш бир мунча чўзиқ товуш ҳисобланиб, ҳатто, интервокал позицияларда ҳам 60 мсек.дан кам талаффуз этилмайди. Унинг шу позициясидаги ва инлаут позициясидаги чўзиқлиги 80–130 мсек. бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *işi, tə vʃi, bəʃla, əʃa, qoʃa, tʃʃgən* сўзларидаги каби. У анлаут сифатида 100 мсек.дан кам чўзиқликда бўлмайди: ўртача 120–130 мсек., мантиқ урғусини олган ўринларда 200 чўзиқликда ҳам учрайди. Масалан: *ʃu, ʃəʃr, ʃin:i, ʃivir, ʃəd* сўзларидаги каби. Бу консонант ҳам ауслаут сифатида ҳамма товушлар каби максимум чўзиқликда келади. У 100 мсек.дан кам талаффуз этилмайди. Шунда ҳам сандҳи қўлланган сўзнинг биринчисида ауслаут ҳолда келса, шу чўзиқлик кузатилади. Масалан: *iş qʃldь, təvʃuʃ sьqardь, jʃriʃ qʃldь, qoʃ boldь* кабиларда. У агарда кетидан пауза бериладиган ёки синтагма урғусини оладиган

ауслуот бўлиб келса, 250 мсек. чўзиқ бўлиши мумкин. Бу консонант геминат ҳолатида ҳам шу чўзиқликда келади. Масалан: *ʃiʃ, qoʃ, tʃʃ, əʃ, kiʃ-, jəʃ, ʃiʃ:ə, pəʃ:ə, pəʃ:ə, eʃ:ək* сўзларидаги каби.

ʒ ва ʃ консонантлари, бундай чўзиқликка эга бўлганлиги учун ҳам, нутқ кечимида, айрим фонетик ҳодисаларга кўра, тушиб қолиши кузатилмайди. Аксинча, қатор ундош билан тугаган сўзларнинг ʃ консонантидан постпозициясида келган консонант тушиб қолиши кузатилади. Масалан: *gʊʃt < goʃ, daʃt < dəʃ, giʃt < ʧʃʃ, muʃt < tʃʃ* сўзларидаги каби.

Тил олди артикуляциясида аффрикат товушлар ҳам ҳосил бўлади. Аффрикат товушлар артикуляция ўрни жиҳати билан иккитадир: 1) тил учида ҳосил бўладиган аффрикатлар, 2) тил учи ва тил олдида ҳосил бўладиган, яъни икки фокуси аффрикатлар.

Артикуляция ўрни тил учи бўлган аффрикатлар иккита: *d'* ва *ɟ* дан иборат. Бу консонантларнинг ҳар иккиси ҳам соф ўз лексикага оид сўзларда учрамайди, фақат ўзлашган сўзларда кузатиш мумкин. Бунинг устига *ɟ* аффрикати ўзбек тилига оид адабиётларда тан олинган бўлса ҳам, *d'* аффрикати ҳеч қаерда тилга олинган эмас. У рус тили орқали ўзбек тилига етиб келган атоқли отларда кўлланишига қарамай, рус тили фонетикасига оид адабиётларда ҳам қайд этилмайди. Шуни назарда тутиб, аввал *d'* консонантига эътиборни қаратамиз.

7) ***d'* консонанти.** Унинг артикуляциясида тил учининг тепа курак тишлар асосига бориб жипслашиши нисбатан бир мунча бўшроқ, кейин иккинчи компонент кечими учун тил учи ва тепа курак тишлар ўртасида қолдирилган оралиқ ҳам сал кенгроқ. Артикуляцион кечимда тил учи ва тепа курак тишлар оралигини ёриб, кейин улар орасидан сирғалиб чиқувчи ҳавонинг босими ҳам нисбатан кучсизроқ бўлади. Артикуляция ўрни мускуллари нисбатан кам зўриқади. Товуш пайларида ҳосил бўлган ун оғиз бўшлиғининг олд қисмида резонатор тон ҳосил қилиб, улар қайд этилган артикуляцияда юзага келган шовқин билан бирга жарангли қоришиқ *d'* консонантини таркиб топтиради. Бизгача етиб келган *d'* консонантининг манбаи ҳисобланган грузин тилининг ўзида у артикуляцион ўрнининг бир ҳолатидагина фарқ қилиб, тил олди ва ўрта қисми юзаси қаттиқ танглайга томон юқори кўтарилади, орқа юзаси кескин пасайган бўлади. Унинг резонатор тони оғиз бўшлиғининг ўрта ва орқа қисмларида юзага келади.

Ўзбек тилидаги *d'* аффрикати фақат рус тили орқали грузин тилидан ўзлашган атоқли отларда анлаут ва интервокал инлаут

сифатида учрайди. У грузинча атоқли от *Ďoduyăşvilij* сўзи анлаутида 60 мсек., полякча *Derżinskij* сўзи анлаутида 85 мсек. чўзиқликда талаффуз этилади. Грузин фамилялари кетига кўшиладиган *-de* аффиксида бу консонант интервокал ҳолатда бўлиб, 90–110 мсек. чўзиқликда келади. Масалан: *Gogobāride, Cāvcāvāde, Dymbāde* фамиляларидаги каби. У ауслаут сифатида қўлланган сўзлар ўзбек тилига ўзлашмаган, фақат вақтга қўлланишлардагина учрайди ва ўшанда қайд этилади.

8) ɟ консонанти. Унинг артикуляциясида аввало портловчи *t*, кейин сирғалувчи *s* консонанти артикуляцияси кечади. Шунинг учун, артикуляция ўрнининг аввал портловчи *t* консонантига хос ҳолатни олиши, кейин у сирғалувчи *s* консонанти артикуляциясига хос ҳолатга ўтиши керак. Аслида портловчи *t* консонанти билан сирғалувчи *s* консонантининг артикуляция ўрни деярли бир хил ҳолатни олади. Фақат портловчи *t* консонанти артикуляциясида тил учининг тепа курак тишлар асосига бориб жипслашиши ва сирғалувчи *s* консонанти артикуляциясида тил учи тепа курак тишлар орқасига ниҳоятда яқин келиб, оралиқ ёриқ қолдириши билан фарқланади. Артикуляция кечимда тил усти бўйлаб келган ҳаво тил олдига тўпланади ва тепа курак тишлар асоси билан жипс ёпилган тил устини қаттиқ босим билан бирдан очади, шу босим билан яна тил учи ва олд курак тиш оралигидан сирғалиб ўтади. *t* ва *s* консонантларининг бундай жипслиқда кетма-кет ҳосил бўлиши жарангсиз *ɟ* консонантини шакллантиради. Одатда сўзнинг бир бўғинида контакт келган ундошлар ҳам кетма-кет жипс талаффуз этилади. Аммо улар бундай аффрикат ҳисобланмайди ва бўла олмайди. Чунки аффрикат компонентларининг жипслиги уларниқидан кучлидир. Сўздаги контакт товушлардан аввалгисининг артикуляцион рекурсияси кейингисининг артикуляцион экскурсияси бўлади. *ɟ* консонантида портловчи *t* компонентининг артикуляцион рекурсияси *s* компонентининг артикуляцион кечимига ўтишдир. Яъни портловчи *t* компонентининг артикуляцион экскурсияси ва кейин кечими ва кетма-кет *s* компонентининг кечими ва кейин рекурсияси бўлади. Маълумки, *ɟ* аффрикати артикуляциясида аввал артикуляцион экскурсия бўлиб, кейин икки компонент учун икки кечим бир йўла кечади ва артикуляцион рекурсия келади. Бу икки товушнинг бир артикуляция ўрнига эгалигидан келиб чиққан. Акс ҳолда, аввалгисининг артикуляцион рекурсияси ҳисобланган кейингисининг артикуляцион экскурсияси ўртага суқилган ва аффрикат шаклланмаган бўларди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, бу консонант анлаут сифатида, кўп ҳолларда, маълум ўзгариш билан

талаффуз этилиб, чўзиқ *s* консонанти ҳолатида берилади. Лекин баъзан ўзгаришсиз қайд этилиши ҳам мумкин.

ц консонанти сўзнинг барча позицияларида учрайди, лекин ниҳоятда кам қўлланадиган товуш бўлиб, рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган сўзардагина бўлади. У анлаут сифатида, тўғри ёки бузилиб талаффуз этилишидан қатъи назар, 90–100 мсек. чўзиқликка эга эканлиги кузатилади. Масалан: *цех, цемент, цejтнoт, цикл, цутātā* сўзларидаги каби. Бу консонант инлаут ҳолида, ҳатто, интервокал бўлиб келганда ҳам, шу чўзиқликда келади. Масалан: *revolyцijā, ānotāцijā, rāцijā, ākāцijā* сўзларидаги каби. Унинг ауслaut сифатида келиши нисбатан анча чўзиқдир. Масалан: *kvārc, ābzāц, slāneц, spruc, neneц* сўзларидаги каби. Бу позициядаги чўзиқлиги унинг қайси товуш билан контактлигига қараб 150–220 мсек. бўлади. *ц* консонантининг *Ниццā* каби атоқли отдаги геминати 250 мсек.дан ортиқ чўзиқ келиб, чўзилиши иккинчи компонентда кузатилади.

Артикуляция ўрни тил учи ва тил олди бўлган, шипилдоқ деб атаувчи аффрикатлар ўзбек тилида иккита: *ç* ва *с* консонантдан иборат.

9) ç консонанти. Унинг артикуляциясида аввал портловчи *d* консонанти, кейин шипилдоқ *ž* консонанти артикуляцияси кечади. Бунинг учун, аввал нутқ органлари *d* консонанти артикуляциясига хос ҳолатни олиши керак эди. Бироқ ундай бўлмайди. Аввал нутқ органларининг *ž* консонантига хос артикуляцион экскурсияси кечади. Яъни оғиз сал очилади ва тил олди тарновча шаклига кириб, ёнлари қаттиқ танглай охирига туташади. Фақат тил учи *ž* консонанти артикуляциясидаги каби тепа курак тишларнинг милки томон яқинлашиб, тор оралиқ қолдириб ўтирмай, тўғридан-тўғри шу милкка туташади. Тилнинг қолган қисми ёнлари ҳам худди шипилдоқ *ž* консонанти артикуляциясидаги каби жағ ва ақл тишлар тизмаси ёнига тиралади. Натижада, нафас йўлини тил ёнлари бўйича ташқаридан ёпади. Ичкаридан келган ҳаво тарновча шаклини олган тил олди оралиғига кириб, босим ҳосил қилади. Кейин бирдан тил учи ва миак оралиғини очиб, *ž* консонанти артикуляциясидаги каби тор оралиқ ҳосил қилади ва тарновча шаклини олган тил олди оралиғи ҳам тил учи ва милк оралиғидан сирғалиб ташқарига ўтади. Яъни *d* консонанти кечими ўтгач, унинг артикуляцион рекурсияси *ž* консонанти кечимига тўғри келиши *ç* консонантининг аффрикат сифатида шаклланиши учун сабаб бўлган. *d* ва *ž* консонантилари жарангли бўлгани учун, яъни улар чатишувига кўра шаклланган *ç* консонанти ҳам жаранглидир. Бу консонантнинг ҳам резонатор тони оғиз бўшлиғининг олд қисмида юзага келади.

ç консонанти асосан сўзнинг анлаути ва инлаути сифатида қўлланади. У сўзнинг анлаути бўлиб келса, 70–80 мсек. чўзиқликда талаффуз этилади. Масалан: *çudə, çəntə, çinni, çim, çəhat, çəzəvə* сўзларидаги каби. Агар у инлаут, шу жумладан интервокал ҳолатда қўлланганда ҳам, 60–70 мсек. чўзиқликда келади. Масалан: *goça, çəçə, bəçə, bəçi, xoça, ləçyvard* сўзларидаги каби. Бу консонант жуда кам ҳолларда ауслаут бўлиб ҳам келади, аммо ун ва резонатор тон миқдори жуда кам бўлади. Бунинг сабаби сўз охирига бориб унинг редукцияланишидир. Масалан: *vəç, fələç, sətrənç, mahraç, həç, təvç* сўзларидаги каби. Унинг чўзиқлиги турлича: 120–160 мсек. атрофида кузатилади. Унинг *ψ̇ç: ak, miç: ə, giç: ə, çiç: ə* каби сўзлардаги геминациясида 140–170 мсек. атрофида чўзиқлик бўлади.

10) с консонанти. Унинг артикуляциясида аввал портловчи *t* консонанти, кейин шипилдоқ *ç* консонанти артикуляцияси кечади. портловчи *t* консонанти билан портловчи *d* консонантининг, шипилдоқ *ç* консонанти билан шипилдоқ *ž* консонантининг артикуляцияцион экскурсияси бир хил бўлганидай, қоришиқ *ç* консонанти билан қоришиқ *ç* консонантининг ҳам артикуляцияцион экскурсияси бир хилдир. Қоришиқ *ç* консонантида ҳам худди қоришиқ *ç* консонантидаги каби аввал иккинчи компонентнинг артикуляцияцион экскурсияси кечиб, тиш ва лабларнинг ўрнашиши, тил олдининг ҳолати худди *ç* компоненти артикуляциясидай бўлади. Лекин тил учи тепа курак тишлар асосига яқин келиб, тор оралиқ қолдириш ўрнига унинг милкига жипс туташади. Тил ёнлари ва юзасининг ўринлашиши ҳам *ç* консонанти артикуляциясиникидай ҳолат олади. Ичкаридан келган ҳаво тарновча шаклини олган тил олди оралиғига кириб, босим ҳосил қилади. Бу босим *ç* консонанти артикуляциясидагидан кучлироқ бўлади. Кейин у тил учи ва милк оралиғини очиб, *ç* консонанти артикуляциясидаги каби тор оралиқни ҳосил қилади. Бу оралиқ *ž* консонанти артикуляциясига нисбатан бир мунча тор бўлади. Шу босим тарновча шаклини олган тил олди оралиғи ҳам тил учи ва милк оралиғидан сирғалиб ташқарига ўтади. *ç* консонанти артикуляциясидаги мускулларнинг зўриқиши *ç* консонанти артикуляциясидаги мускуллар зўриқишидан кучли кечади. Бунда ҳам ҳар икки компонент: *t* ва *ç* компонентлари артикуляцияцион кечими кетма-кет жойлашиб, улар кечими орасига артикуляцияцион экскурсия ёки рекурсия кириб қолмайди. *t* ва *ç* консонантлари жарангсиз бўлгани учун ҳам, аффрикат *ç* консонанти ҳам жарангсиз ҳолда шакланган.

Аффрикат *ç* консонанти тил бойлигининг ҳамма қатламларидаги


сўзларда ва сўзларнинг барча позицияларида кузатилиши мумкин. У сўзнинг анлаути сифатида 70–80 мсек. чўзиқликда бўади. Масалан: *сыq, сәψ, сij, сәj, сьгәq, сim:ət* сўзларидаги каби. Бу консонант инлаут ва, ҳатто, интервокал ҳолатда ҳам 50 мсек. дан 90 мсек.гача чўзиқликда келади. Бу унинг контакт қўлланган товушлари билан ҳам боғли бўлади. Масалан: *qасәп, песа, рiсә, qан-са, сен-сi, кесә, qәсәq, көсә* сўзларидаги каби. У ауслаут сифатида келса, турлича чўзиқликда бўлиши кузатилади. Агар у қатор ундош билан тугаган сўзнинг ауслаути бўлса, жуда қисқа – 30–40 мсек. чўзиқликда, бошқа ҳолатларда 120–150 мсек. чўзиқликда келади. Масалан: *сәпс, jәпс, тiпс, jүрәпс, ψьгс, әjәпс* сўзларида қисқа; *qулъ с, qьlъс, әс, сәс, qавәс, күс* сўзларида анча чўзиқ бўлади. Аффрикат с консонантининг геминати *ç* консонантининг геминати каби чўзиқ бўлиб, 140–170 мсек. атрофида талаффуз этилади. Масалан: *рәс:а, çис:ә, ψьгс:а, ас:ьq, бәс:ә, лүс:әk* каби сўзларда. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бундай аффрикатларнинг чўзиқлиги ҳамма вақт кейинги – шипилдоқ компонент ҳисобида ўтади. Бу *ç* аффрикати геминатига ҳам тегишлидир.

Тил ўртаси қаттиқ танглай билан маълум артикуляцион муносабатда бўлишига кўра иккита: *j* ва *ç* нутқ товуши ҳосил бўлади. Бу артикуляция ўрнида ҳам тил фаол нутқ органи ҳисобланиб, у қаттиқ танглай ўртасига томон ҳаракатланади. Тил ўртаси қаттиқ танглай ўртасига яқин бориб, тор оралиқ қолдиради. Бу ҳар икки тил ўрта консонанти артикуляцияси учун характерли ҳолатдир.

1) *j* консонанти. Унинг артикуляциясида ҳам оғиз сал очилади. Тил учи пастки курак тишлар асосига тегар-тегмас ҳолат олиб, тил олди тепа курак тиш, милк ва танглай олдидан сезиларли узоқлашади, ўртаси қаттиқ танглай ўртасига ниҳоятда яқинлашиб, тор оралиқ қолдиради. Нафас тил эгатидан келиб, тил ўртаси ва қаттиқ танглайнинг тор оралиғидан сиқилиб ўтади, шовқин ҳосил қилади. Товуш пайларида ҳосил бўлган ун оғиз бўшлиғининг орқа қисмида ва қисман қаттиқ танглайнинг олд қисмида резонатор тонни юзага келтиради. Тил ва қаттиқ танглай оралиғида ҳосил бўлган шовқин ун ва резонатор тон билан бирга *j* жарангли консонантини таркиб топтиради. Ўзбек тилидаги *j* консонанти артикуляциясида рус тилидаги *j* артикуляциясига қараганда тил ўртаси эгати билан қаттиқ танглай ўртаси оралиғи икки ҳисса тор ва шунинг ҳисобига артикуляция ўрни мускулларининг зўриқиши ортиқроқ, шовқин миқдори кўпроқ, ун ва резонатор тон миқдори камроқ бўлади, талаффуз чоғида товуш кучи рус тилидаги сўзда бошқа унлилар

қатори эканлиги ҳолда, ўзбек тилида жуда паст бўлиб, 2мм. амплитудадан юқори кўтарилмайди. Шунинг учун ҳам рус тилида *j* сонант, ўзбек тилида консонант ҳисобланади.

Тил ўрта *j* консонанти сўз ёки бўгин анлаути бўлса, етарлича чўзиқ, яъни 60–90 мсек. талаффуз этилади. Масалан: *jol, jərim, jəq, jyrək, jəψlata, jigit; darjə, dunjə, hədjə, bəhjə* сўзларидаги каби. У бўгин бошида келгани билан интервокал бўлса, жуда қисқа, 15–20 мсек. чўзиқликни олади. Масалан: *pījəla, qajer, təjin, tijin* сўзларидаги каби. Агар у урғусиз бўгинда, интервокал ҳолатда келса, тўла редукцияга учрайди. Масалан, *bəsləjəpsən* сўзидагига ўхшаш. Бу сўзда *j* жаранглиси тўла редукцияга учран ва у талаффуздан тушиб қолгани учун икки томонидаги *ə* унлилари кўшилиб бир чўзиқ *ə*: сифатида қайд этилган. У бундай қисқа талаффуз билан, икки сўз сандхи бўлиб, интервокал келишида ҳам кузатилади. Масалан, *by jəq:a, qandaj ədam* бирикмаларидаги каби. Чунки интервокалдаги *j* консонантини вокаллар ютиб юборади. У бошқа инлаутлик ҳолатларида 40–50 мсек. чўзиқликда бўлади. Масалан: *əjt, bəjt, dəjdī, səjlar* сўзларида шундай. Бу консонант, айниқса, ауслаут сифатида максимал чўзиқ, 120–150 мсек. талаффуз этилади. Масалан: *səj, sirəj, qandaj, Turψunj, təj* сўзларидаги каби. *Ikki darjə jyrər kəkəlyñ* (Ҳ. Олимжон), мисолидаги каби мантиқ урғусини олган кесим анлаути сифатида ҳам ниҳоятда чўзиқ бўлиб, бу ўринда 170 мсек. талаффуз этилган. Унинг геминати ҳам 150–160 мсек. чўзиқ бўлади, яъни қуйидаги мисолларда: *saj:əra, taj:ər, aj:ər, aj:yhan:əs, saj:əh* ва ҳ.к. Рус тилидаги сўзлардан ўзлаштирилган сўзлардаги *j* сонанти ҳамма вақт ўзбекчалаштирилиб консонант ҳолатида талаффуз этилади.



12-рентгенограммада *j*, *x* ундошлари берилган.

2) **ж консонанти.** Унинг артикуляциясида ҳам *j* артикуляциясидаги каби оғиз сал очилади. Тил учи ва олдининг ҳолати ҳам *j* консонанти артикуляциясидагига ўхшаш бўлади. Тил юзасидан ўтиб келган ҳаво тил ўртаси ва қаттиқ танглайнинг тор оралигидан сиқилиб ўтади, шовқин ҳосил қилади. Шовқин ҳосил бўлишидаги ҳаво босими ва мускуларнинг зўриқиши *j* консонанти артикуляциясиникидан ортиқ бўлади. Бу консонант шу шовқин ҳисобига шаклланади ва унинг таркибида ун ҳам, резонатор тон ҳам бўлмайди.

ж консонанти сўзнинг барча позициясида ҳам кузатилади. Аммо анлаут ва инлаут сифатида қўлланса, деярли 70–90 мсек. чўзиқликка эга бўлади. Масалан: *xil-xil, xid, xiñil:э, ximəjə; zexñ, bexi, mexñ* сўзларидаги каби. Сўз ауслаути сифатида 150 мсек. чўзиқлик атрофида қайд этилади. Масалан, *zix, taşbiç* сўзларидагига ўхшаш. Бу консонант ўзбек тилининг кўпроқ Тошкент шеvasига хос бўлиб, бошқа шеваларда унинг ўрнини бўғиз *h* консонанти олади. Унинг геминати ўзбек тилида учрамайди.


Тил ўрта ва қаттиқ танглайнинг ўзаро маълум артикуляцион муносабатига кўра яна икки консонант ҳосил бўлиш имконияти бор. Улар портловчилар бўлиши керак эди. Лекин ундан фойдаланилмади. Чунки улар талаффузи тил орқа портловчилари талаффузидан оддий эшитувчи учун унча фарқ қилмас эди. Бу коммуникацияда қийинчилик тўғдиради.

Тил орқаси юмшоқ танглайнинг қаттиқ танглай чегараси қисми билан маълум артикуляцион муносабатда бўлишига кўра ўзбек тилида учта: *g, k* ва *h* нутқ товуши ҳосил бўлади. Бу артикуляция ўрнида ҳам тил фаол нутқ органи ҳисобланиб, у юмшоқ танглайнинг қаттиқ танглай билан чегараланувчи қисмига томон ҳаракат қилади. Тил орқаси юмшоқ танглайга бориб, *ё* жипслашади, *ё* тор оралиқ қолдиради. У жипслашганда портловчи консонантлар: *g* ва *k*; тор оралиқ қолдирганда сирғалувчи консонант *h* талаффуз этилади. Қолган Артикуляцион экскурсия бу консонантлар учун умумий бўлиб, фақат айрим тафовутлар бор. Улар билан алоҳида-алоҳида танишиб чиқамиз.

1) **g консонанти.** Унинг артикуляциясида оғизнинг очилиши тил олди ва тил ўрта консонантлар артикуляциясидагига нисбатан кам фарқ қиладиган даражада каттароқ бўлади. Тил учи пастки курак тишлар асосига тегиб, тил олди юзаси тепа курак тишлар ва қаттиқ танглай юзасидан кескин нарилашиб, бутун тил танаси орқа томон тортилади, чуқур тил орқаси лаклукка яқинлашади. Бўғизда

тўпланган ҳаво босими тил орқа ва юмшоқ танглай оралиғидаги тил ўрта эгатидан бирдан портлаб очилади, шовқин ҳосил бўлади. Товуш пайларида ҳосил бўлган ун томоқда резонатор тонни юзага келтириб, ун, резонатор тон ва ҳосил бўлган шовқин бирликда *g* жарангли консонантини шаллантиради.

Портаовчи жарангли *g* консонанти сўздаги позицион имкониятига кўра чегараланган. У ўз лексикага мансуб сўзлар анлаути ҳолатида келмайди, бироқ ўзлашган лексикада жуда кўп қўлланади. У бу позицияда 150–170 мсек. чўзиқликда талаффуз этилади. Масалан: *gʻyl, gʻər, gʻuvəh, gʻymrəh, gʻāzetā* сўзларидаги каби. Бу консонант инлаут (интервокал ҳолатда ҳам) сифатида келса, 40–60 мсек. чўзиқликда бўлади. Масалан: *degən, kərgən, jʻrəgim, bəlgən, səgəl* сўзларидаги каби. У сўзларнинг сандхи ҳолатига кўра интервокал ҳолатда бўлса ҳам, шу чўзиқликда келади. *g* консонанти ауслаут бўла олмайди ва консонантлар билан контакт келмайди. Унинг геминацияси қузатилмайди.



13-рентгенограммадаги 1) — қора чизиқда *g, k, ŋ* ундошлари, 2) ---- узук чизиқларда *h* ундоши берилган.

Яна шуни ҳам айтишга тўғри келадикки, рус тилида юмшоқ *g* консонанти ҳам бўлиб, унинг артикуляциясида тил орқанинг нисбатан одроқ қисми қаттиқ танглайга деярли туташади. Шунинг учун ҳам рус тилидаги бу консонантни баъзан тил ўрта консонант деб ҳам қаралади. Бироқ у ўзбек тилидаги мавжуд *g* консонанти билан конвергенцияга учраган, ўзгариб кетган.

2) **к консонанти.** Унинг артикуляцион экскурсияси *g* консонантининг артикуляцион экскурсиясидан деярли фарқ қилмайди. Лаб ва тишларнинг ҳолати, оғизнинг очилиши, тилнинг оғиз

бўшлиғидаги кўтарилиш даражаси ва танглайга нисбатан яқинлашуви деярли бир хил. Ҳаво нисбатан кучли босим билан тил орқасини ўрта эгати доирасида бирдан очиб, портлаб, ташқарига ўтади. Артикуляцион кечимдаги артикуляция ўрни мускулларининг зўриқиши ҳам нисбатан ортиқ кечади. Шовқин миқдори ҳам нисбатан ортиқ бўлиб, к консонантини шакллантиради. Унинг таркибида ун ва резонатор тон бўлмаганлиги учун жарангсиздир.

Рус тилида юмшоқ к консонанти ҳам бўлиб, унинг артикуляциясида тил орқанинг нисбатан олдинроқ қисми қаттиқ танглайга деярли туташади. Бу консонантни рус тилида баъзан тил ўрта консонант деб ҳам ҳисобланади. Бироқ ўзбек тилида у ҳам мавжуд к консонанти билан конвергенцияга учраган, ўзгариб кетган.

Портловчи жарангсиз к консонантининг сўздаги позиция имконияти чегараланмаган. У сўз анлаути бўлиб келса, деярли қисқа талаффуз этилади. Масалан: *kəm, kerək, keliŋ, kəsə, kəkləm* каби сўзларда 35–45 мсек. чўзиқликка эга. Агар у тор унли билан *kim, kiŋi* сўзларидаги каби контакт қўлланса, 70 мсек.гача чўзиқ бўлади. У инлаут, ҳатто, интервокал ҳолатда ҳам 60–75 мсек. чўзиқликда қўлланади. Масалан: *əkə, kəkyl, cekil, seniki, bānkā, tənka, kəkləm, takrər* сўзларидаги каби. Бу консонант ауслаут сифатида ҳамма вақт тўла чўзиқ келади. Масалан: *у түк, kerək, cek, kek, tək* сўзларида 150–160 мсек. чўзиқ қўлланган. Турган гапки, унинг геминати экспрессивликка кўра турлича даражада ниҳоятда чўзиқ бўлади. Масалан: *ik:i, tik:ə, ψyncədek:inə, sək:i* сўзларидаги каби 120 мсек.дан 270 мсек.гача боради.

Артикуляция ўрни тил орқаси бўлган сирғалувчи консонант ўзбек тилида фақат битта: *ħ* консонантидан иборат.

3) **ħ консонанти.** Унинг артикуляциясида оғизнинг очилиши тил олди ва тил орқа консонантлар артикуляциясидагидан фарқ қилмайди. Бўғиздан келган ҳаво босими юмшоқ танглай ва тил ўрта эгати оралигидан куч билан сирғалиб ўтиб, шовқин ҳосил қилади, *ħ* консонантини шакллантиради. Унинг таркибида ун ва резонатор тон бўлмаганлиги учун жарангсиздир.

ħ консонанти ўзбек тилида рус тилидан ўзлашган сўзларда бўлади. Рус тилида унинг юмшоқ варианты ҳам бўлиб, унинг артикуляциясидан фақат тил олдининг олд курак тишлар ва қаттиқ танглайга яқинроқ келиши, шунингдек, чуқур тил орқанинг лаклуқдан нисбатан узоқлашишига кўра фарқланади. Бироқ улар ўзбек тилига аниқ фарқ билан қабул қилинмай, улар ўзаро

конвергенцияга учраган ва бунда қаттиқ варианты ассимиляция қилувчилик ролини ўйнаган.

h консонантининг сўздаги имконияти кенг. У анлаут сифатида кўп қўлланади ва бу позицияда артикуляциядош портловчиларига нисбатан чўзиқ, 70–90 мсек. атрофида бўлади. Масалан: *hārakter, hārco, hrøm, hrønikä, hytor, hrystäl* каби сўзларда. У инлаут ва интервокал ҳолатда ҳам шундай чўзиқликда келади. Масалан: *cehöl, rāhut, mehānuk, brønhut, trøhejä* каби сўзларда. Бу консонант, айниқса, ауслаут сифатида келса, 150–200 мсек. чўзиқликда қўлланади. Масалан: *mānāh, gösstrāh, ceñ, pørøh* каби сўзларда.


h консонантининг жаранглиси ўзбек тилида йўқ. У фақат рус тилининг Русь жанубидаги шеваларида ва украинларда бор. Бу консонантнинг артикуляциясида нутқ органларининг ҳолати h консонантининг артикуляциясидаги нутқ органлари ҳолатидан деярли фарқ қилмайди. У таркибида ун ва резонатор тон бўлиши орқали фарқланади. Ўзбек тилида мутлақо бу товуш билан ўзлашган сўз учрамайди.

Чуқур тил орқа юмшоқ танглай орқаси билан маълум артикуляцион муносабатда бўлишига кўра ўзбек тилида учта: q, ψ ва x нутқ товуши ҳосил бўлади. Унинг артикуляция ўрнида ҳам тил фаол нутқ органи ҳисобланиб, у юмшоқ танглайнинг орқа қисми, яъни лаклук томонига ҳаракат қилади. Тил орқаси юмшоқ танглайга бориб, ё жипслашади, ё тор оралиқ қолдиради. У жипслашганда портловчи консонант q учун, тор оралиқ қолдирганда сирғалувчи консонантлар ψ ва x учун артикуляцион экскурсия кечади. Қолган артикуляцион экскурсия бу консонантлар учун деярли умумий бўлиб, фақат айрим тафовутлар бор. Улар билан алоҳида-алоҳида танишиб чиқамиз.

1) q консонанти. Унинг артикуляциясида ҳам оғиз бўшлиғи кенг очилади ва, ҳатто, лаб четларида усти ва остининг туташлиги бўлмайди. Тил учи пастки курак тишлар милки остига тақалиб, тил олди ва ўртаси юзаси ниҳоятда паст тушган ҳолда, орқаси кескин кўтарилиб, чуқур тил орқаси юмшоқ танглайнинг лаклук олдига жипстуташади, ёнлари тепа жағ тишларидан сезиларли нарилашади. Бўғизда тўпланган ҳаво босими чуқур тил орқа ва юмшоқ танглай оралиғини тил ўрта эгатидан бирдан, портлаб очади, шовқин ҳосил бўлади. У, ун ва резонатор тон аралашмаганлиги учун, жарангсиз консонант ҳолида шаклланади.

q консонантининг сўздаги позицион имконияти кенг. У, аввало,

сўз анлаути сифатида қўлланади. Бунда 50–70 мсек. чўзиқликка эга бўлади. Масала: *qacən, qanса, qanь, qьzьl, qora, qəvun* сўзларидаги каби. У, такт паузасидан кейин анлаут сифатида келса, 100 мсек.гача чўзиқ бўла олади. Бу консонант инлаутда ҳам, интервокалда ҳам, сандхи қўлланган сўзларнинг аввалгиси ауслаути бўлганида ҳам 50–60 мсек. чўзиқликда келаверади. Масалан: *təqь, tьqьn, yqa, jьrqa, jьqдь, saqtəq, əсəqсь, əq ьс, qəşьq əjt* сўзларидаги каби. Бу консонант фақат ауслаут сифатида тўла моҳияти билан қўлланса, жуда чўзиқ, 190 мсек.дан 250 мсек.гача талаффуз этилиши мумкин. Масалан: *jəq-, sevilməq, kərməq, jьq-, yq-, jьq-* сўзларидаги каби. Лекин унинг геминати бошқа консонантлар геминати каби чўзиқликка эга бўлмайди. У кўпи билан 80 мсек.гача чўзиқ қўллана олади. Масалан: *сьq:a, laq:a, jəq:a, əq:a* сўзларидаги каби. У бисиллабик сўзларнинг ауслаути сифатида қўлланмайди. Бундай ҳолда портловчи *q* консонанти контакт кенг унли томонидан ассимиляция қилиниб, жаранглилашган *ψ* консонантининг редукцион ҳолати билан алмашади. Яъни: *qьşləʋ* сўзидаги каби.



14-рентгенограммадаги 1) — қора
чизиқда *q*, *ң* ундошлари, 2) - - - узук чизиқда
ψ, *х* ундошлари берилган.

q консонантининг жарангли йўлдоши ўзбек тилида йўқ. У фақат анормал талаффуз қилувчи ўзбек болаларда, кўпроқ 4–5 ёшли болаларда кузатилади. Бу консонантнинг артикуляциясида нутқ органларининг ҳолати *q* консонантининг артикуляциясидаги нутқ органлари ҳолатидан деярли фарқ қилмайди. Бунда эса ҳаво билан товуш пайларида ҳосил бўлган ун оғиз ва бўғиз бўшлиғида резонатор тон юзага келтириб, улар *q* консонантининг жарангли йўлдошини

шакллантирадилар. У, тил орқа нутқ органи шаклланмай, унинг ўрнида чуқур тил орқани қўллайдиган болалардагина қайд этилади. Мазкур болалар *экэ* сўзи ўрнида *ага* деб талаффуз этар экан, *гу* сўзи ўрнида ҳам биринчи товушини *q* консонантининг жаранглиси билан алмашинган вариантыда қўллайдилар.

Бу консонант ўзбек адабий тилида бўлмагани учун, консонантлар таснифида уни эътибордан четда қолдирдик.

Артикуляция ўрни чуқур тил орқа бўлган сирғалувчи консонантлар иккита: улар жарангли *ψ* ва жарангсиз *χ* товушларидан иборатдир.

2) **ψ консонанти.** Унинг артикуляциясида ҳам оғизнинг очилиши кенг бўлади, ҳатто, лаб четлари билинар-бинимас икки томонга тортилади. Тил учи пастки курак тишлар милки остига тақалиб, тил олди ва маълум даражада ўрта юзаси паст тушган ҳолда, орқаси кескин кўтарилиб, чуқур тил орқа юмшоқ танглайнинг лаклук олдига туташади, лекин тил ўрта эгати билан юмшоқ танглай ўртасида тор оралик қолади. Ҳаво товуш пайларида ун ҳосил қилиб, тил ўрта эгати билан юмшоқ танглай оралиғидан босим билан ўтади ва шовқинни юзага келтиради. Улар бўғиз ва оғиз бўшлиғида резонатор тон орттиради ва ун, шовқин, резонатор тон бирликда *ψ* жарангли консонантини шакллантиради.

ψ консонантининг сўздаги позицион имконияти кенг. У сўз анлаути сифатида фаол қўлланади. Бунда у 140–150 мсек. чўзиқликка эга бўлади. Масалан: *ψунса, ψғз, ψэвр, ψальз, ψутак* сўзларидаги каби. У инлаут, ҳатто, интервокал ҳолатда ҳам, анча қисқа талаффуз этилади: 40–65 мсек. чўзиқликда берилади. Масалан: *qəψғз, tьψbz, toψrь, baψьr, tyψaz-, byrьь* сўзларидаги каби. Бу консонант, айниқса, ауслаут сифатида тўла чўзиқ – 150–180 мсек. талаффуз этилади. Масалан: *jəψ, bəψ, jьψ, ylyψ, byψ, qytlьψ* сўзларидаги каби. Агар у ауслаут *q* консонантининг редуцияси бўлса, 40 мсек.дан чўзиқ бўлмайди. Унинг геминати, экспрессивлик хусусияти ҳам эътиборга олинган ҳолда, 100–150 мсек. ораликда чўзиқ бўлади: *ʃьψ:a, раψ:a-раψ:a, qoψ:azғr* сўзларидаги каби. Бу мисоллардаги биринчи ва иккинчи сўзларнинг геминатини хоҳлаганча чўзиш мумкин, лекин учинчисида бундай қилиб бўлмайди.

3) **χ консонанти.** Унинг артикуляцион экскурсияси *ψ* консонантининг артикуляцион экскурсиясидан деярли фарқ қилмайди. Лаб ва тишларнинг ҳолати, оғизнинг очилиши, тилнинг оғиз бўшлиғидаги қандай кўтарилиш даражаси ва юмшоқ танглайга нисбатан қандай ҳолатда яқинлашуви бу консонантларда деярли

бир хил. Ҳаво нисбатан кучли босим билан чуқур тил орқасидаги тил ўрта эгати ҳам юмшоқ танглай ўртасидаги тор ораликдан сизиб ўтади. Артикуляцион кечимдаги артикуляция ўрни мускулларининг зўриқиши ортиқ бўлиб, *x* консонантини шакллантиради. Унинг таркибида ун ва резонатор тон бўлмайди.

x консонантининг ҳам сўздаги позицион имконияти кенг. У сўз анлаутида кўп учрайди, айниқса, ўзлашган сўзларда кўп кузатилади. Унинг анлаутдаги чўзиқлиги 110 мсек. оралиғида бўлади. Масалан: *xudə, xus, xьzьr, xafa, xalq, xəls* сўзларидаги каби. Бу консонант инлаут ва интервокал ҳолатда ҳам бир мунча қисқа талаффуз этилса ҳам, бошқа кўпгина консонантларнинг чўзиқ қўлланиши даражасига яқин туради. У 60 мсек.дан 80 мсек.гача вақт олади. Масалан: *ʃaxs, ʃaxmat, ʃəxəbca, axьr, axьərət, axləq* сўзларидаги каби. Унинг ауслаут сифатида келиши ҳам маълум миқдорни ташкил қилиб, агар такт охирига тўғри келса, ками 170 мсек.дан 250 мсек. ва ундан ортиқ мсек.гача чўзиқликка эга бўлади. Масалан: *сарx, тьx, сьx, сьx, ʃəx* сўзларидаги каби. Унинг ауслаутда қўлланиши деярли моносиллабик сўзларга тўғри келади. Бунинг устига у сандхи қўлланган сўзларнинг аввалгисига тўғри келса, интервокал каби 80 мсек. чўзиқликда талаффуз этилади.

Шуни ҳам айтишга тўғри келадики, чуқур тил орқа артикуляцияси туркий тилларнинг деярли ҳаммасига хос бўлиб, Ҳинд-Европа тармоғига оид тиллар учун хос эмас.

Бўғиз артикуляциясида бўғиз сал торайтирилиб, ҳаво босими орттирилади ва мускуллари кучли зўриқтирилади. Бу орқали ўзбек тилида фақат бир *h* консонанти ҳосил қилинади.

***h* консонанти.** Унинг артикуляциясида паст курак тишлар қирраси сал очиқ бўлиши мумкин. Оғиз бўшлиғи энг кенг унли артикуляцияси даражасида очилади. Тил учи, олди ва ёнлари курак, қозиқ ва жағ тишлари ёнидан тил девори томон тортилади. Тил юзаси пастки тишлар қиррасида кўтарилиб, текис ҳолатни олади. Тил орқаси лаклукдан кескин нарилашган бўлиб, ҳатто, лаклукни ташқаридан маълум даража кўриш ҳам мумкин. Ҳаво босими фақат бўғиз девори мускулларигагина урилиб, оғиз бўшлиғида тўсиқча учрамай чиқиши у билан контакт унлида катта миқдорга эга резонатор тонни ҳосил қилади. Бу маълум миқдордаги резонатор тон *h* консонантига ўтиши учун ҳам сабаб бўлади. *h* консонантида ун бўлмайди ва резонатор тон ҳам ниҳоятда кам миқдорга эга. Шунинг учун ҳам бу консонант жарангсиздир.

h консонантининг ҳам сўздаги позицион имконияти кенг.

У анлаут сифатида ҳам, инлаут сифатида ҳам қўлланаверади. Бу позицияларда унинг чўзиқлиги деярли бир-бирига яқин бўлиб, 70–90 мсек. талаффуз этилади. Масалан: *hali, hal, hōlv, ham, hukm* каби сўзлардаги анлаутларда; *mehr, vahm, bahar, shahar, zahar* каби сўзлардаги инлаутлар шу чўзиқликдадир. Лекин баъзан мантиқ урғусини олган сўзнинг инлаути сифатида қўлланса, 120 мсек. чўзиқликда келиши мумкин. У ауслаут сифатида қўлланиб, редуксияга учрамаса, 190–200 мсек. чўзиқликда келади. Масалан: *guyvoh, guyrvoh, əl:əh, əh* сўзларидаги каби.

h консонанти асосан ўзлашган лексикага оид сўзларда қўлланиб, ўз лексикага оид сўзларда бўлмайди. Гарчи у ўзбек орфоэпик меъёрига кўра юқоридагича артикуляция қилинса ҳам, жонли тилда кўпроқ чуқур тил орқа товушига яқинлаштирилиб юборилади. Шунинг учун уни Бухоро ва Самарқанд шеваларидан бошқа шеваларда чуқур тил орқа *x* консонантдан фарқлай билмайдилар.

Бўғиз артикуляцияси ўрнида жарангли консонант ҳам ҳосил бўлади. Унинг артикуляциясида ҳам *h* консонанти артикуляциясидаги кечим амалга ошади. Унда оғизнинг очилиши ҳам, тилнинг ёйилиши ва юзасининг кўтарилиши ҳам *h* консонанти артикуляциясидаги каби бўлади. Фақат нафас бўғиз девори мускулларига урилиб шовқин ва резонатор тон ҳосил қилади. Улар, яъни ун, шовқин ва резонатор тон бирликда *h* консонантининг жаранглиси бўлган *айн* (ع) товушини шаклантиради. Аммо бу консонант ўзбек тилига ўзлашган эмас. Ўзбек тилига шундай товуш қатнашган сўз олинган бўлса, у деярли тушуриб қолдирилган, аммо ўрнини кнаклаут билан ёпиб юборилган. Масалан, араб тилидаги عشق сўзининг бошидаги *айн* (ع) товуши ўзбек тилида туширилиб, талаффузи 'eshq ҳолида ўзлаштирилган.

Консонантлар ҳақида фикр юритилар экан, аввал уларнинг ҳосил бўлиш имкониятлари юзасидан тўхтаб ўтилди. Улар имконияти асосан консонантларни ҳосил қилувчи нутқ органлари билан боғлиқ. Нутқ товушларини ҳосил қилувчи органлар лаб, тил ва бўғиздан иборат. Лаб билан боғли икки артикуляция ўрни мавжуд: 1) лаб-лаб, 2) лаб-тиш. Ҳар бир артикуляция ўрнида олти нутқ товуши ҳосил қилиниши имконияти бор. Уларнинг ҳар бирида биттадан портловчи ва сирғалувчи, биттадан жарангли ва жарангсиз, шунингдек, қоришиқларнинг жарангли ва жарангсизи ҳосил қилинади. Буларнинг қандай ҳосил қилиниши кечими ҳақида муфассал тўхтаб ўтилди. Бу имкониятларнинг ҳар биридан тилда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам, бехато фойдаланилади, деб бўлмайди. Эътибор қилишга тўғри келади.

1) Айтилганидай, лаб-лаб артикуляция ўрнида ҳам олти имконият бор. Шу артикуляция ўрнида бир жарангли портловчи, бир жарангсиз потловчи ва бир жарангли сирғалувчи, бир жарангсиз сирғалувчи ҳосил қилинган. Лекин бу артикуляция ўрнида яна биттадан жарангли қоришиқ ва жарангсиз қоришиқ ҳосил қилиниш имконияти борлиги ҳолда, жаранглиси ўзбек болалари тилида, жарангсизи чет тиллардан бирида ҳосил қилинганига қарамай, ундан ўзбек адабий тилида фойдаланилмаган.

2) Лаб-тиш артикуляция ўрнида ҳам, айтилганидай, олти имконият бор. Шу артикуляция ўрнида бир сирғалувчи жарангли ва бир сирғалувчи жарангсиз ҳосил қилиниб, ундан фойдаланилади. Аммо бу консонантлар ўзлашган сўзларга мансубдир. Бу артикуляция ўрнидан портловчи консонантлар ҳосил қилиш учун фойдаланилмайди. Чунки улар лаб-лаб портловчи консонантлардан унча фарқ қилмайди. Бундай ўзаро яқин талаффуз этилувчи товушлардан бир тилда ёнма-ён фойдаланиш коммуникацияда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Ўзбек тилидан шундан қочилган. Шу артикуляция ўрнида портловчи консонантларнинг бўлмаслиги ўша ўринда қоришиқлар йўқ эканлигига ҳам сабаб ҳисобланади.

Тил билан боғли тўрт артикуляция ўрни мавдуд: 1) тил учи ва тепа курак тиш артикуляция ўрни, 2) тил ўрта ва қаттиқ танглай артикуляция ўрни, 3) тил орқа ва юмшоқ танглай артикуляция ўрни, 4) чуқур тил орқа ва лаклук артикуляция ўрни.

1) Тил учи ва тепа курак тиш артикуляция ўрнида ўн имконият бор. Шу артикуляция ўрнида бир портловчи жарангли, бир портловчи жарангсиз ва бир сирғалувчи жарангли, бир сирғалувчи жарангсиз ҳосил қилиниб, ундан фойдаланилади. Яна тил учи ва тепа курак тишга тил олди ва қаттиқ танглай ҳам қўшилиб, бир артикуляция ўрнини шакллантиради, унда бир шипилдоқ жарангли ва бир шипилдоқ жарангсиз консонант юзага келади. Бу артикуляцион имкониятлар яна тўрт артикуляцион имкониятни шакллантиради. Унда бир сирғалувчили жарангли қоришиқ, бир сирғалувчили жарангсиз қоришиқ ва бир шипилдоқли жарангли қоришиқ, бир шипилдоқли жарангсиз қоришиқ консонантни ҳосил қилиниб, фойдаланилади. Мавжуд консонантлардан шипилдоқ консонант, сирғалувчили жарангли қоришиқ консонант ва сирғалувчили жарангсиз қоришиқ консонанти ўзлашган лексикага оид сўзлардагина қўлланиб, ўз лексикада учрамайди.

2) Тил ўрта ва қаттиқ танглай артикуляция ўрнида ҳам олти имконият бор. Шу артикуляция ўрнида бир сирғалувчи жарангли ва

бир сирғалувчи жарангсиз консонантлар ҳосил қилинади ва ундан фойдаланилади. Ундан портловчилар ҳосил қилинмаган. Чунки унда ҳосил қилинган портловчилар талаффузи тил орқада ҳосил қилинган портловчиларга фарқланмайдиган даражада жуда яқин бўлади. Бу артикуляция ўрнида портловчилар ҳосил қилинмагач, ўз-ўзидан қоришиқлар ҳам юзага келтирилмаган.

3) Тил орқа ва юмшоқ танглай артикуляция ўрнида ҳам олти имконият бор. Шу артикуляция ўрнида бир портловчи жарангли ва бир портловчи жарангсиз консонант, шунингдек бир сирғалувчи жарангсиз консонант ҳосил қилинади. Булардан сирғалувчи жарангсиз консонант рус тилидан ўзлашган лексикага оид сўзлардагина учрайди. Мазкур артикуляция ўрнида жарангли, шунингдек жарангсиз қоришиқлар ўзбек тилига хос умуман барча қатламдаги сўзларда йўқ ва учрамайди.

4) Чуқур тил орқа ва юмшоқ танглай артикуляцияси ўрнида ҳам олти имконият бор. Шу артикуляция ўрнида бир сирғалувчи жарангли ва бир сирғалувчи жарангсиз, шунингдек бир жарангсиз портловчи консонант ҳосил қилинади. Бу артикуляция ўрнида жарангли портловчи консонант ҳосил қилинса ҳам, у фақат ўзбек болалари нутқига хосдир. Адабий тилда уни тан олинмайди. Қоришиқ консонантлар бу артикуляция ўрнида йўқ.

Бўғиз артикуляция ўрнида фақат бир жарангсиз сирғалувчи консонант ҳосил қилинади. У ҳам фақат эроний араб тилларидан ўзлашган лексикага мансуб сўзларда учрайди. Унинг жаранглиси ҳам бўлиб, фақат араб тилидаги сўзларда кузатилади. У айн(ع) консонанти бўлиб, бу товуш билан сўз ўзбек тилига ўзлаштирилмайди, ўзлаштирилмайдиган бўлса, уни сўздан тушириб қолдирилади. Бўғизда портловчи артикуляциясини шакллантириб бўлмайди, яъни имкониятсиз. Шундай бўлгач, бу ўринда қоришиқ ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас.

Нутқ органлари, ўзбек тили нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, консонантлар учун етти артикуляция ўрнини шакллантиради. бу артикуляция ўринларида 42 консонант ҳосил қилиш учун имконият бор. Бу консонантлар, турган гапки, бир-биридан артикуляция ўрни, усули ва акустикасига кўра фарқланади. Шунга қарамай, ўзбек тилида уларнинг 25 тасидан фойдаланилган. Уларнинг ҳам 7 таси ўзлаштирилган лексикага мансуб сўзлар таркибида учрайди. Яъни булар ўзбек тилига ўзлаштирилмаган, балки ўзлаштирилган сўзлар таркибида қайд этилади. Лекин, ҳар қандай ҳолда ҳам, уларнинг ҳар бири ўзбек

тили коммуникациясидаги сўзларда кузатилиши мумкин. Мана шу 25 консонант тасниф этилар экан, уларнинг: 1) артикуляция ўрни, 2) артикуляция усули, 3) акустикаси эътиборда тутилади.

1) Консонантлар артикуляция ўрнига кўра етти типга бўлинади:

- а) лаб ва лаб консонантлари: *b, p, w, f*;
- б) лаб ва тиш консонантлари: *v, φ*;
- в) тил олди консонантлар: *d, t, z, s, ž, s, d', ц, ç, c*;
- г) тил ўрта консонантлар: *j, x*;
- д) тил орқа консонантлар: *g, k, h*;
- е) чуқур тил орқа консонантлар: *q, ψ, x*;
- ж) бўғиз консонанти: *h*.

2) Консонантлар артикуляция усулига кўра тўрт типга бўлинади:

- а) портловчи консонантлар: *b, p, d, t, g, k, q*;
- б) сирғалувчи консонантлар: *w, f, v, φ, z, s, j, x, h, ψ, x, h*;
- в) шипилдоқ консонантлар: *ž, š*;
- г) аффрикат консонантлар: *d', ц, ç, c*.

3) консонантлар акустикасига кўра икки типга бўлинади:

- а) жарангли консонантлар: *b, w, v, d, z, ž, d', ç, j, g, ψ*;
- б) жарангсиз консонантлар: *p, f, φ, t, s, š, ц, c, x, k, h, q, x, h*.

Консонантлар таснифини қуйидаги жадвалда қайд этилди.

Артикуляция ўрни Артикуляция усули	Лаб консонанти		Тил консонанти				Бўғиз консонанти
	Лаб-лаб	Лаб-тиш	Тил олди	Тил ўрта	Тил орқа	Чуқур тил орқа	
Портловчи консонант	<i>b</i> <i>p</i>		<i>d</i> <i>t</i>		<i>g</i> <i>k</i>	<i>q</i>	
Сирғалувчи консонант	<i>w</i> <i>f</i>	<i>v</i> <i>φ</i>	<i>z</i> <i>s</i>	<i>j</i> <i>x</i>	<i>h</i>	<i>ψ</i> <i>x</i>	<i>h</i>
Шипилдоқ консонант			<i>ž</i> <i>š</i>				
Аффрикат консонант			<i>d', ç</i> <i>ц, c</i>				

Диагональ чизикча устида жарангли ва тагида жарангсиз консонантлар кўрсатилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, тилда сирғалувчи товушлар портловчи товушларга нисбатан кўпроқ миқдорга эга. Бу сирғалувчилар нутқда интервокал қўлланиши қулай эканлиги билан боғлиқдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, мавжуд консонантларнинг айримлари адабий тил учун фонема сифатида меъёр эмас. Масалан, тил ўрта сирғалувчи *x* жарангсиз консонанти фақат Тошкент шеvasида қўлланади, бошқа шеваларда унинг ўрнида сирғалувчи жарангсиз *h* консонанти берилади. Тил орқа сирғалувчи жарангсиз *h* консонанти чуқур тил орқа сирғалувчи жарангсиз *x* консонанти учун, пастки лаб – тепа тиш артикуляция ўрнидаги сирғалувчи жарангли *v* консонанти лаб-лаб артикуляция ўрнидаги *w* консонанти учун, пастки лаб – тепа курак тиш артикуляция ўрнидаги сирғалувчи жарангсиз *φ* консонанти лаб-лаб артикуляция ўрнидаги сирғалувчи жарангсиз *f* консонанти учун вариантлик қилади.

Сонантлар ҳосил бўлишининг 13 имкониятидан 7 таси, консонантлар ҳосил бўлишининг 42 имкониятидан 17 таси фойдаланилмай қолаётганлиги ўзбек тили учун нуқсон ҳисобланмайди. Чунки бир-бирига яқин талаффуз этилувчи, ўзаро қориштириладиган даражадаги яқин акустикага эга товушлар ёндош сўзларда қўлланар экан, коммуникацияда шубҳасиз қийинчилик тўғдиради, ундан қочилади. Шунинг учун ҳам соф ўзбек тили учун консонантлар танланганда лаб-лаб артикуляция ўрнидан кейин лаб-тиш артикуляция ўрнидан фойдаланилмаган. Бу артикуляция ўрнидан кейин эса тил олд артикуляция ўрни фаол қўллангани ҳолда, тил ўрта артикуляция ўрнида фақат биргина сирғалувчиси ҳосил қилиниб, тил орқа артикуляция ўрнида икки портловчига имконият берилиб, чуқур тил орқада асосан сирғалувчилар артикуляцияси бор. Бўғиз артикуляция ўрнидан эса ўз лексикада фойдаланилмайди. Бу ўзбек тилининг ўзига хослигини шакллантирган. Мана шу ҳам ўзбек тили акценти учун ўз ҳиссасини қўшган.

Консонантлар сўз таркибида ва коммуникацияда бир-бирига таъсири жуда кўп бўлади. Уларга унлиларнинг таъсири ҳам фаол кузатилади. Бу ўзаро таъсир ва товушларнинг ўзаро таъсир натижасида ўзгариб туриши чегарасиз эмас. Сўздаги тез таъсирга берилувчи портловчиларнинг ўз ҳимоя қобиғи ҳам бор. У аспирациядир.

Аспирация

Аспирация нутқ кечимидаги консонант товуш артикуляцияси тугалланмаси бўлиб, у товуш пайида ҳосил бўлган ҳаво тебранишидан иборатдир¹. Бунда мускул зўриқуви кечмагани ҳолда, товуш ёриги тораяди ва пайлари тебранади. Яна ҳам аниқроғи, у ундош-

¹ Қриг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ, 1966. –С. 366.

дан кейинги ва ундош билан унли оралигидаги кечган нафас бўлиб, бир-бирига ниҳоятда яқинлашган оралигидан – товуш ёригидан тебраниб чиқишидир.

Ўзбек тилидаги аспирацияни, С.Отамирзаеванинг хабар беришича, Наманган шеваси материаллари асосида дастлаб М.И.Матусевич қайд этган. Буни у ЛГУнинг фонетика кафедрасида 1959–1960 ўқув йили ўтказилган эшитиш семинарида пайқаган эди. Амалда бу ҳодисани С.Отамирзаева томонидан ўзбек тили материаллари асосида кимограмма ва осциллограмма воситаларида экспериментал метод билан ўрганиб чиқилган ва у ҳақдаги махсус мақоласини эълон қилган, сўнг монографиясида алоҳида тўхтаб ўтган¹.

С. Отамирзаеванинг қайд этишича, аспирация Наманган шевасидаги портловчи жарангсиз ундошлардан кейин кузатилади. Бу ундошлар *т, к, н, қ* товушларидан иборатдир. Аспирация ундош товушлардан кейин, айниқса, портловчи жарангсиз анлаутларда яққол кўзга ташланади. Масалан, *т'ок, т'оз, т'ол; н'ок, н'ул, н'ўк; к'ўк, к'ўч, к'еч; қ'оч, қ'ор, қ'ўй* кабиларда².

Аспирация ҳақиқатан ҳам, асосан, жарангсиз портловчи ундошларда кузатилади. Аммо унинг чўзиқлиги шу товушларнинг позицияси билан изчил боғли бўлади. Жарангсиз портловчи, агар ауслаут бўлса, унинг кетидан келган аспирация ниҳоятда чўзиқ келади. Масалан, *тут', кеч', чўп', тўк', тўқ'* ва ҳоказо сўзлардаги каби. С. Отамирзаева кўрсатишича, у одатда 90 мсек. билан 150 мсек. оралигида қайд этилади³. Анлаут жарангсиз портловчиларда у нисбатан қисқароқ бўлади. Масалан, *ч'ок, т'ок, к'ўк, н'ул, қ'ўл* ва ҳоказолардаги каби. У одатда 25 мсек. дан 45 мсек.гача қайд этилади. Интервокал жарангсиз портловчиларда аспирация деярли бўлмайди. Бўлганда ҳам 10 мсек.дан 20 мсек.гача қайд этилади. Бу унча сезиларли эмас. Масалан, *ука, нуқул, ота, она, ача* ва ҳоказо сўзлардаги интервокал ундошларга ўхшаш. Бу интервокал ундошнинг жарангли ундош талафузига мойиллашуви ва редукцияси билан изоҳланади. Аспирация консонант бутунлигини сақловчи восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, аспирация қайд этиладиган консонантларда диереза унча кузатилмайди. Диерезага учраган

¹ Крнг.: Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование нанманганского говора узбекского языка. –Ташкент: Фаң, 1970. –С. 27.

² Крнг.: Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование нанманганского говора узбекского языка. –С. 27.

³ Крнг.: Атамирзаева С. Ўша асар. Ўша бет.

ундошлар одатда жарангли товушга ва ундан сирғалувчига айланган бўлади. Жарангли сирғалувчиларда эса аспирация учрамайди. Анлаут жарангсиз портловчиларда ҳам анкопа ҳодисаси кузатилади. Чунки уларда ҳамма вақт аспирация қайд этилади.

Интервокал жарангсиз ундошларда аспирация ниҳоятда қисқа вақт олади. Шунинг учун ҳам интервокал жарангсиз портловчиларнинг урчиши ва синкопага учраши кучлидир. Масалан, *қўқирчоқ* < *қўғирчоқ* < *қўрчоқ*, *кетин* < *кегин* < *кейин* < *ке:н* ва ҳоказолар каби. Яна бисиллабик сўзлар ауслаути бўлган *к* ва *қ* жарангсиз портловчиларида ҳам баъзан аспирация кузатилади, бироқ у жуда қисқа бўлади. Шунинг учун уларда фақат редукция ҳодисаси содир бўлиши мумкин. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, қўш ундош билан тутаган бўғинларнинг сўнги ундоши сирғалувчи ёки портловчи бўлишидан қатъи назар, уларда, албатта, аспирация кузатилади ва у 40мсек.дан 90мсек.гача оралиқда вақт олади. Уларда эса редукция ҳам содир бўлмайди. Шуларни эътиборга олиб, аспирацияни нутқда айрим товушларни айрим позицияда ташқи таъсирдан сақлайдиган, редукцияси учун йўл қўймайдиган восита, яъни қобиғи – вакууми деб қаралиши тўғри бўлади.

Аспирациянинг кучи қандай позициядаги товушга боғли ҳолда юзага чиқиши, яъни зоҳир бўлиши билан боғлидир. Анлаутдаги аспирация, турган гапки, ауслаутдаги аспирациядан кучли бўлади. Бунини С.Отамирзаева кимограмма воситасида ўтказган эксперименти билан жуда яхши исботлаб берган. Сўз ауслаути бўлган портловчидан кейин кимограмма қалами ноль даража пастга тушиб кетгани ҳолда, анлаути бўлган портловчидан кейин деярли пастга тушмаганлиги кузатилган¹. Бунини сўзлар инлаутида ҳам кузатиш мумкин.

Яна ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, аруз вазнидаги шеърларда *рашкдан* сўзи узун+қисқа+узун ҳижодан иборат деб, ундаги *к* ундоши алоҳида қисқа ҳижо сифатида қаралади. Бунини ўша ундош кетига бир қисқа *и* унлисини қўшиб талаффуз этилиши, деб тушунилади². Лекин бундай эмас. Бу сўздаги товушнинг мавжуд имкониятидан келиб чиққан ҳодисадир. *Рашкдан* сўзидаги *к* консонантининг ўзида 55 мсек. чўзиқликда аспирация мавжуд. Бунда ўша *к* ундошининг аспирацияси сунъий чўзилган ва у билан бирга қисқа ҳижо сифатида қўллаб юборилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, поэтик жа-

¹ Қрғн.: Атамирзаева С. Ўша асар. –С. 28.

² Қрғн.: Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аруз вазнини ўрганиш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. 6, 51-66.

раёнларда айрим ундошлар аспирациясининг сунъий ҳолда кенгайтирилиб, сунъий қисқа ҳижо сифатида қўлланиши ҳам қонуниятдир. У нутқий имконият билан боғли ҳолда юзага келади. Аспирация бўғин урғуси билан ҳеч қанай алоқаси бўлмаган ҳолда амалга ошади.

Демак, аспирация нутқ кечимидаги консонант артикуляцияси бўлиб, у товуш пайида ҳосил бўлган ҳаво тебранишидан иборатдир. Улар асосан жарангсиз портловчи ундошларда бўлади ва ауслаутда 90–150 мсек., анлаутда 25–45 мсек., интервокал ундошларда 10–20 мсек., қўш ундош билан тутаган бўғинларнинг сўнгги ундошида 40–90 мсек. чўзиқликда кузатилади. У интервокал ундошларда бўлмаслиги ҳам мумкин. Аспирация ўзи бирга келган товушларнинг вакууми ҳамдир. У ўзи бирга келган ундоши сунъий ҳижо ҳосил қилиши учун имкон берувчи ҳисобланади ва бўғин урғуси билан алоқаси йўқ.

ХУЛОСА

Юқорида нутқ товушларининг таснифи кўриб чиқилди. Улар ўзбек тилида 48 тадир. Шу нутқ товушларини қуйидаги транскрипцион белгиларда кўрсатилиб, яна тавсифлари ҳам келтирилади.

İ – тор, олд қатор, лабланмаган унли.

Ьь – тор, орқа қатор, лабланмаган унли.

Уу – ўта тор, олд қатор, лабланмаган унли. Бу унли асосан рус тилидан ўзлашган сўзларга хос бўлиб, ўзбек тилига хос і (тор, олд қатор, лабланмаган) унлисига нисбатан ҳам тор эканлиги билан характерланади.

Ыы – ўта тор, орқа қатор, лабланмаган унли. Бу унли асосан рус тилидан ўзлашган сўзларга хос бўлиб, ўзбек тилига хос ь (тор, орқа қатор, лабланмаган) унлисига нисбатан ҳам тор эканлиги билан характерланади.

Уу – тор, олд қатор, лабланган унли.

Уу – тор, орқа қатор, лабланган унли.

Ее – ўрта кенг, олд қатор, лабланмаган унли.

ѐѐ – ўрта кенгдан сал кенг, олд қатор, лабланмаган унли. У асосан Наманган ва Хоразм шеваларида қўлланади.

Өө – ўрта кенг, олд қатор, лабланган унли.

Ўў – ўрта кенг, ўрта қатор, лабланган унли.

Оо – ўрта кенг орқа қатор, лабланган унли.

Ээ – кенг, олд қатор, лабланмаган унли.

Ў – кенг, ўрта қатор, лабланмаган унли. Бу унли асосан рус тилидан ўзлашган сўзларга хосдир.

Аа – кенг, орқа қатор, лабланмаган унли.

Әә – текис кенг, орқа қатор, лабланмаган унли.

Ёё – текис ўрта-кенг, орқароқ қатор, лабланган унли.

Мм – лаб-лаб, бурун сонанти.

Нн – тил олди, бурун сонанти.

ŋŋ – тил орқа, бурун сонанти.

ЏЏ – чуқур тил орқа, бурун сонанти.

Лл – тил олди, тил ён сонанти.

Рр – тил олди, титроқ сонант.

Вв – лаб-лаб, портловчи, жарангли консонант.

Рр – лаб-лаб, портловчи, жарангсиз консонинт.

Ww – лаб-лаб, сирғалувчи, жарангли консонант.

Ff – лаб-лаб, сирғалувчи, жарангсиз консонант.

Vv – лаб-тиш, сирғалувчи, жарангли консонант.

Фф – лаб-тиш, сирғалувчи, жарангсиз консонант.

Dd – тил олди, портловчи, жарангли консонант.

Tt – тил олди, портловчи, жарангсиз консонант.

Zz – тил олди, сирғалувчи жарангли консонант.

Ss – тил олди, сирғалувчи, жарангсиз консонант.

Žž – тил олди, шипилдоқ, жарангли консонант.

Şş – тил олди, шипилдоқ, жарангсиз консонант.

Đđ – тил олди, қоришиқ, жарангли консонант.

Цц – тил олди, қоришиқ, жарангсиз консонант.

Çç – тил олди, шипилдоқ қоришиқ, жарангли консонант.

Сс – тил олди, шипилдоқ қоришиқ, жарангсиз консонант.

Jj – тил ўрта сирғалувчи, жарангли консонант.

Xx – тил ўрта, сирғалувчи, жарангсиз консонант.

Gg – тил орқа, портловчи, жарангли консонант.

Kk – тил орқа, портловчи, жарангсиз консонант.

Ѓѓ – тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз консонант. Бу консонант асосан рус тилидан ўзлашган сўзларга хосдир.

Ќќ – чуқур тил орқа, портловчи, жарангли консонант. Бу товуш тил орқа портловчини чуқур тил орқага кўчириб талаффуз этувчи болалар тилида учрайди.

Qq – чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз товуш.

Ҳҳ – чуқур тилорқа, сирғалувчи, жарангли консонант.

Xx – чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз консонант.

Hh – бўғиз, сирғалувчи, жарангсиз консонант.

Ўзбек тилидаги кўпкина унли ва ундош товушлар чўзиқ қўлланади. Бундай ҳолларда ўша товуш учун берилган транскрипцион белгидан кейин остин-устин ҳолдаги икки нуқта қўйилади. Масалан, *э*: каби: *tə:rix* сўзидагига ўхшаш. Яна *эр:э* сўзидаги *r* сонанти ҳам чўзиқ қўлланган. Айрим ҳолларда унли ёки ундош товуш сўзнинг маълум ўрнида кучсиз, редукцияга учратиб талаффуз этилади. Бундай ҳолда ҳам уни ифодалаган белги сўздаги бошқа товушларни ифодалаган белгиларга нисбатан юқорироқ ва кичикроқ ҳолатда қайд этилади. Масалан: *təwʷʂ, qiʂləʷ* кабилардагига ўхшаш.

Транскрипцияда сўзлардаги унлилар олдидан берилган кнаклаутлар тутуқ (') орқали қайд этилади. Масалан: *'bʂq, sən'ət* сўзларидаги каби. *Ә'lə* сўзининг *ə* унлиси кетида ҳам кнаклаут бўлиб, биринчи унли чўзиқ қўлланади. Сўзлардаги айрим ундошлардан кейин аспирация ҳам қўлланади. Бунда ҳам у тутуқ белгиси орқали ифодаланади. Масалан, *тут', чоқ'* сўзларининг сўнгги ундоши кучли аспирация билан қўлланган. У бу ўринда тутуқ билан ифода топган.

2-БОБ

СИЛЛАБИКА

Фонетиканинг силлабика деб аталувчи қисмида бўгин, бўгин ҳажми, ҳажмининг тузилиши, бўгин типлари ва ёндош ҳодисалари билан муносабати ҳақида баҳс юритилади. Яъни силлабика баҳсининг объекти бўгиндир. Шу бўгиннинг ўзи турли тилларда маълум даражада фарқлар билан воқеланади. Шунинг учун ҳам, у тилшуносликда турлича изоҳланади. Шунга кўра, аввало, бўгиннинг ўзи нима эканлиги ҳақидаги фикрни бир тўхтамга келтириб олиш зарур.

БЎГИН НИМА?

Бўгин ҳақида тилшуносликда фикр юритилар экан, уни асосан, нутқнинг энг кичик бўлаги, деб қайд этилади¹. Нутқ эса ҳамма вақт ўз семантикасига ва ўз шаклига эга бўлади. Бу ўринда унинг шаклига эътибор қаратилади. Нутқнинг шаклий томони иккита: 1) грамматик томондан шакли, 2) талаффузи нуқтаи назардан шакли. Нутқнинг грамматик томондан шакли эътиборда тутилса, унинг энг кичик бўлаги морфема шакли бўлади. Унинг талаффузи нуқтаи назардан энг кичик бўлаги, айтилганидек, бўгиндир. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бўгин нутқнинг энг кичик бўлаги, дейилгани билан уни сўзнинг фонетик бўлаги сифатида олиб ўрганилади². Шунингдек, морфема

¹ Қрғн.: Лурия А. Г. Грамматическая афазия. –М., 1947. –С. 18; Трахтерев А. А. Основные вопросы теории слога и его определения / ВЯ. –1956. №6. –С. 32; Буланин Л. А. Фонетика современного русского языка. –М.: ВШ, 1970. –С. 15; Матушевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –М.: Просвещение, 1976. 166; Зиндер Л. Р. Общая фонетика. –М.: ВШ, 1979. –С. 252; Турсунов У, Мухторов Ж., Раҳмагуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. –Тошкент: Ўқитувчи, 1975. 87-б.

² Қрғн.: Каламова Н. А. Фонетика // Современный русский язык. Ч. I / под ред. Д. Э. Розенталя. М.: ВШ, 1979. –С. 89; Имяминова Ш. С. Ҳозирги ўзбек тилида бўгин ҳосил бўлишининг лингвистик ва стилистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. 8-б.; Моисеев А. И. Русский язык. Фонетика. Морфология. Орфография. –М.: Просвещение, 1975. –С. 70.

ҳам сўз шаклидир. Шундан келиб чиқиб, рус тилшуноси А. И. Моисеев: “Морфема худди бўғинга ўхшаш сўзнинг бўлаги ҳисобланади”, – деган эди¹. Бу фикрни ўзбек тили фактлари ҳам қувватлайди. Масалан, *келганман* феълидаги *-ман* қўшимчаси бир бўғиндан иборат ва у I шахс бирликни билдирувчи морфема шакли ҳам ҳисобланади. Шунга ўхшаш ўзбек тилидаги, умуман туркий тиллардаги, туб сўзлар ҳам бир морфемадан иборат. Улар асосан K+V+K фонетик таркибга, айрим ҳолларда V+K ёки K+V фонетик тартибга эгадир. Уларнинг тузилиши бир бўғинга тенг. Яна *бор-* туб феълига ҳам эътибор бериш мумкин. У буйруқ феъли шаклидадир. Бу феъл бир морфема бўлгани ҳолда, сўзга тенг ва уни фақат кесими воқеланган бир гап деб ҳисобланса ҳам бўлади. У кесимга хос замон, шахс-сон ифодасини беради. Сўзнинг ўзи бир бўғиндан иборат. Яъни бу ўринда бўғин бир морфемани таркиб топтирган бўлиб, шу қатори сўзга ҳам, гапга ҳам тенг келган. Бу, турган гапки, вазият тақозасидир. Ҳар қандай тил бирлиги коммуникация кечимида турли шакллар орттириб, полисилабик ҳолга киради. Улар ўртасида деярли тенглик қолмайди. Шунинг учун ҳам, тилшунос А.И. Кайдалова² ва Н. А. Каламоваларнинг³ ҳар бири ўз асарида бир хил: “Фонетик бўғин сўзнинг морфологик бўлаги билан ҳамма вақт мос келавермайди”, – деган фикрни айтадилар. Бу тилнинг бирор сатҳига мансуб бирлик нутқнинг энг кичик бўлаги бўлган бўғинга қиёсланиши ва унга аниқлик киритиш учун воситалик қилиши мумкин эмас, деган худосани келтириб чиқаради.

Тилнинг бирор сатҳига мансуб ҳар қандай бирлик матнда ўз шакли билан қайд этилса ҳам, у ҳамма вақт коммуникацияда ўз семантикасини ташиш учун хизмат қилади. Унинг семантикаси ўша мавжуд шаклидагина ҳаётдир. Ҳар бир тил бирлиги ўз шакли ва семантикаси билан бир бутун ҳолда яшайди. Шу диалектик бутунлиги ҳолда коммуникацияга киради. Бўғин эса бундай эмас. У нутққа киритилган сўзнинг таркибидаги товуш типлари ва уларнинг жойлашув тартиби билан боғли ҳолда бўлинишга, шаклланишга эга бўлади. Бу бўлиниш сўзга бирор категориал қўшимча илова қилинса, у қайта таркибланишга учраши мумкин. Ундаги қайта таркибланиш на сўз ўзаги семантикасининг, на категориал қўшимчаси семантикасининг моҳиятини ҳисобга олмаган ҳолда юзага келаверади. Бўғин ҳеч вақт маъно ташимайди, унинг сўз

¹ Қрғ.: Моисеев А. И. Русский язык... –С. 70.

² Қрғ.: Кайдалова А. И. Фонетика // Современный русский язык / под ред. Д. Э Розенталя. –М.: ИМУ, 1971. –С. 127.

³ Қрғ.: Каламова Н. А. Фонетика. –С. 90.

семантикаси билан алоқаси бўлмайди¹. Масалан, *товуш* сўзи икки бўғинга *то+вуш* деб бўлинади. Бу сўзга III шахс бирликнинг қўшимчаси қўшилса, у *товуши* шаклини олади. Бу морфологик шаклдаги сўз *товуш+и* морфемаларига эга. Ҳар бир морфема ўз семантикаси билан воқеланган. Унинг ўзак морфемаси бўлган *товуш* сўзи ҳодиса билдирувчи маънони ифода этади. Қўшимча морфема *и* эса III шахс бирликни кўрсатувчи семантикани беради. Яъни сўзнинг морфологик бўлиниши асосида семантика ўз қимматини топган. Эгалик билан турланган *товуши* сўзи уч бўғиндан иборат бўлиб, у *то+ву+ши* каби бўлинишни олади. Бу бўлинишдаги бирорта компонент маълум бир семантикани ифодаламайди.

Бўғинни синтагма, бирикма ёки гап билан ҳам, айтилганидай, қиёслаб, улар билан ўлчаб бўлмайди. Чунки бундай бирликлар таркибида бирдан ортиқ сўз мавжуд. Бунинг устига сўзнинг ўзи деярли полисиллабик бўлиши ҳам мумкин.

Бўғин нутқ таркибидаги сўзларнинг семантикаси билан, айтилганидай, алоқадор эмас. Яъни унинг семантик қиммати йўқ. Фақат саноқли сўзларда бўғин унинг моҳиятини белгилайди. Масалан, *санъат* сўзи билан *санат* сўзи бўғин бўлинишига кўра ўзаро фарқланади. Бу сўзларнинг ҳар иккиси ҳам беш товушдан иборат – бир хил товуш таркибига эга. Уларнинг фақат бири ундош *н* товушидан кейин, яна бири биринчи унлидан кейин бўғинга ажралади. Бу сўзларнинг биринчисидаги бўғинга ажралиш *н* ундошидан кейин ғайри табиий бўлганлиги учун, ёзувда шу ундошнинг ҳарфи кетига ажратиш белгиси берилган. Шу ўринда бўғин семантик қимматига эга. Лекин бу ҳам араб тилидан ўзлашган сўз семантик моҳиятини сақлаш сабаби баҳонасидан келиб чиққан.

Бўғинни фонемага тенглаштириб ёки қиёслаб ҳам изоҳлаб бўлмайди. Чунки бўғиннинг ўзи монофонемал ҳолатда ҳам (*а+на*, *ў+ша*, *и+лик* сўзларининг биринчи бўғинидаги каби), полифонемал ҳолатда ҳам (*ке+ла+ди*, *эрк+се+вар* сўзларининг бўғинлари каби) учраши кўп кузатилади.

Умуман бўғинларни лингвистик бирликларга қиёслаб изоҳлаш мантиқан иложсиз. Шунинг учун уларни тилшуносликда турли экстралингвистик нуқтаи назарлардан изоҳлашга ҳаракат қилинди. Бу экстралингвистик нуқтаи назарлар қуйидагилардир.

1. Бўғинларни сўз таркибидаги унлилар миқдорига қараб белгилашга ҳаракат қилинган. Бу назарий йўналиш

¹ Қрғ.: Буланин Л. А. Фонетика современного русского языка. – 150; Мату-севич М. И. Современный русский язык. – С. 166.

тилшуносликнинг ибтидоий давридан бор¹. У тилшуносликда маълум даража ўз қимматини топди. Чунки сўзларнинг бўғинга ажралиши деярли ҳолда улардаги улаи миқдорига боғли бўлади. Бу, шубҳасиз, асослидир. Лекин шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бўғин чегарасини, таркибини, типларини белгилаб бўлмайди. Бунинг устига унда бўғинлар асосида сонантлар ҳам ётиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирилган².

2. Бўғинларни белгилаш учун экспиратор³ нуқтаи назари билан ёндашилган. Л.Л.Буланиннинг қайд этишича, бу назарияни Меркель ва Сторм каби тилшунослар илгари сурган бўлиб, бўғин бир нафас зарбида талаффуз этилган товушлар гуруҳи, деб тушунтирилади⁴. Бунда бўғин чегарасини нафас зарбининг энг пасайган жойи деб кўрсатилади. Бу қарашнинг ожиз томонлари ҳам бўлиб, бўғиннинг бир нафас зарбида бир эмас, бир нечаси қайд этилиши мумкинлигидир. Бунинг устига, унда интервокал ҳолатда бир неча ундош қўлланиши ҳам кузатилади. Бу ўринда мазкур қараш асосида бўғин чегарасини аниқлаш имконияти мутлақо бўлмайди. Шунинг учун ҳам, кўпчилик тилшунослар бу назарияни тан олмайди ва, аксинча, унга танқидий назардан ёндашади.

3. Бўғинларни белгилаш учун унга муқулларнинг кучланиши нуқтаи назари билан ҳам ёндашилган. Бу назария артикуляция кечимида муқулларнинг кучланиши турлиликка асосланади ва унда нутқ оқимидаги товушлар қаторининг изчил ҳолатда кучланиши ва бўшашиши назарда тутилади. Уни дастлаб, Л.Л.Буланин қайд этишича, 1929 йил француз тилшуноси М. Граммон томонидан илгари сурилган⁵. Л.В.Шчерба эса бу қарашни тараққий эттирган⁶.

Нутқ оқимининг бир бўлаги кучланиш билан бошланади ва кучсизланиш билан тугайди. Мана шу бўлак бўғин деб қаралади. Унинг талаффузи баландлигида, яъни марказида маълум бир товуш бўлиб, уни бўғин ясовчи деб ҳисобланади. У маълум даража чўзилиш имкониятига эга бўлади. Бўғин ясовчи товушнинг олдида бир ёки ундан ортиқ товуш бўлиб, изчил кучланувчи занжирни ҳосил қилади ва

¹ Қрғг.: Буланин Л. Л. Фонетика современного русского языка. –С. 155.

² Қрғг.: Буланин Л. Л. Ўша дарслик. –С. 256.

³ Бу экспиратор термини лотинча *expiratio* сўзидан олинган бўлиб, 'бир нафас олиш' маъносини беради.

⁴ Қрғг.: Буланин Л. Л. Ўша дарслик. Ўша бет.

⁵ Қрғг.: Буланин Л. Л. Ўша дарслик. Ўша бет.

⁶ Қрғг.: Шчерба А. В. Фонетика французского языка. Изд.4. –М.: Учпедгиз, 1953.

кетидан ҳам бир ёки ундан ортиқ товуш бўлиб, изчил кучсизланувчи занжирни таркиб топтиради. Бўгин ясовчи товушнинг олд ёки кетида келувчи бу тизимдаги товушлар бўгин ясамайдиган товушлар ҳисобланади. Масалан, *спорт* сўзининг о товуши бўгин ясовчи ва унинг олдидан келган *сп* товуш занжири ва кетидан келган *рт* товуш занжири бўгин ясамайдиган товушлардир.

Бўгин ясамайдиган товушлар ундошлардан иборат бўлади. Бўгин деярли шу ундош занжирида ажралади. Гап шу ундошлардан шу бўгин ажралиши ҳақида борар экан, улар талаффузи кечимидаги мускуллар кучланишини назарда тутиш лозим. Шу нуқтаи назардан, ундошлар уч кўринишда учрайди: а) кучли бошланувчи ундошлар. Бунда улар кучли бошланади ва кучсизланиб тамомланади. Улар бўгин ясовчи товуш (унли)дан кейин келади. Шунинг учун, бўгин унаисидан кейин талаффуз кучсизланиб борганлиги кузатилади. Масалан, *ур-, ол-, от, ўт, ой* ва ҳ.к. сўзларни таркиб топтирган товушларда. б) кучли туговчи ундошлар. Бунда улар кучли бошланади ва кучсизланиб тугайди. Улар бўгин бошида – бўгин унаисидан олдин келади. Масалан, *ма-, де-* сўзларини таркиб топтирувчи бўгинларда ва *ю+ра+ди* сўзининг бўгинларида. в) икки баландликка эга ундошлар. Бунда улар кучли бошланиб, кучли тугайди ва оралигида қандайдир пасайиш кузатилади. Бундай ундошлар чўзиқлик хусусиятига эга бўлиб, ҳамма вақт интервокал ҳолатда кузатилади. Улар бўгиннинг бўлиниш ўрнига тўғри келиб, бўгин чегараси унинг кучсизланган ўрнида бўлади. Кучли бошланган қисми аввалги бўгиннинг, кучли тугаган қисми кейинги бўгиннинг унаиси ҳисобланади. Масалан, *кар+ра, қат+тиқ, ис+сиқ, оп+поқ* ва ҳ.к.ларда. Бу товушлар тилшуносликда геминат дейилади. Юқорида *р, т, с, н* геминатлари ҳақида гап борди. Геминатларнинг қўлланиши ўзбек тили сўз бойлигида, айниқса, сифат туркумига оид сўзларда фаол эканлиги кузатилади.

Умуман бўгинлар хусусиятини белгилашда мускулларнинг кучланиши назарияси анча сайқалланган назария ҳисобланади. У сўзларни бўгинга ажратиш, таркибини белгилаш, чегарасини аниқлаш кабиларда жуда қўл келади. Бироқ нутқ органлари мускулларининг артикуляция кечимида қандай ҳолатда эканини ҳис этиш субъект билан боғли бўлади. Артикуляция кечимида қайси артикуляцион орган мускули қандай ҳолатда ўтаётганини ҳис қилиш учун алоҳида қобилият ва тажриба керак. Бунга ҳар қандай одам ҳамма вақт ҳам эга бўлавермайди. Бу масалада мускулларнинг кучланиши

назариясидан фойдаланиш имконияти чегаралангандир. Бунинг устига мазкур назария экспериментал таҳлил учун қўл келмайди.

4. Бўгинларни белгилаш учун унга сонорлик назари билан ҳам ёндашилган. Нутқ сўзларнинг воқеланиши экан, ундаги ўзаро бириккан товушлар бир хил эмас, акустик жиҳатдан ҳар хил: бири нисбатан паст, бири нисбатан баланд бўлади. Сонорлик назариясига кўра мана шу товушланиш нутқда нечта баландликка эга бўлса, нутқ шунча бўгинга эга бўлади. Бу қарашнинг кўзга кўринган асосчиларидан бири датчан лингвист О. Есперсендир¹. У товушларнинг товушланиш баландлигига қараб тасниф қилган. Товушларнинг баландлиги товушларнинг акустик сифатига қараб белгиланади. Яъни жарангсизлардан жаранглилар, жаранглилардан сонантлар ва ҳаммасидан унлилар, оғизнинг очилишига қараб, товушланишнинг баландлишига эга бўлади. Бу қарашга кўра, фақат унлиларгина эмас, сонантлар ҳам нутқдаги товушланиш баландлигини шакллантириши ва бўгин ажратиши мумкин. Масалан, чех тилида *Трнка* деган фамилия бор. Унда икки товуш баландлиги бўлиб, икки бўгинга ажралади: *Трн+ка*. Бу сўзнинг биринчи бўғинида унли йўқ. Бироқ бўғиндаги *р* сонанти товушланиш баландлигини ҳосил қилган. Қолган ундошлар унга марказлашиб, бўгин бутунлигини юзага келтирган². Бу ҳолни ўзбек тилига четдан ўзлашган сўзларда ҳам кузатилади. Масалан, араб тилидан ўзлашган *фикр* сўзига эътибор бериш мумкин. У *фи+кр* ҳолатида икки бўгинга бўлинади. Унинг биринчи бўғини унли билан тугаган очиқ бўгин, иккинчиси таркибида унли йўқ. Бу бўғиндаги товушланиш баландлигини *р* сонанти ҳосил қилган. Ундаги *к* консонантининг артикуляцияси рекурсиясидан кейин *р* сонантининг артикуляцияси кетади, олдидан эса унинг учун бошланган ун тор унлини юзага келтиради ва сўнг титроқ сонантни ҳосил қилади. Шу тор унли иккинчи бўгин маркази бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, осциллографик эксперимент *к* консонантидан олдинги *и* унлисига нисбатан ҳам чўзиқроқ *и* унлисини *р* сонантидан аввал қайд этган. Бу сонантлик назариясининг ижобий ва ютуқ томонидир.

Бўгин ҳақидаги бу назария у ҳақидаги ҳамма масалаларни ҳисобга олгандай бўлишига, шунингдек, лингвистик нуқтаи назардан эканлигига қарамай, бу масалани тўла ҳал қилиб бера олмаган. Нутқда икки унли ёнма-ён қўлланиши ҳам мумкин. Сонантлик назариясига кўра бу икки унли бир товушланиш баландлиги ҳисобланади. Яъни нутқдаги ёндош қўлланган шу икки унлини бир

¹ Қрн.: Jespersen O. *Phonetische Grundfragen der Sprache*. –Berlin, 1960.

² Қрн.: Зиндер Л. Р. *Общая фонетика*. –С. 252.

бўғинда деб қараш керак бўлади. Аммо аслида бундай эмас. Буни О. Есперсеннинг ўзи ҳам тушунган ва бундай ўринда нафас зарбини эътиборда тутиш зарурлигини уқтирган. Яъни у шу ўринда экспиратор назариясига чекинган¹. Бундай интерконсонант ҳолатда қўш унлиси бўлган сўзлар ўзбек тилининг ўзлашган лексикасида анчагина бор. Аммо бу ўринда интервокал кнаклаут бўлишини, акс ҳолда қўш ундош дифтонг ҳолатига келишини ҳисобга ола билинмаган.

Энг муҳими, бу назария бўғинга ажратиш масаласини ҳал қилмаган. Ваҳоланки, у бўғиннинг нечталигини кўрсатишга қараганда анча муҳимроқдир.

Тилшуносликнинг энг сўнги қараши нутқни бўғинларга ажратишда учинчи назарияга, яъни мускулларнинг кучланиши турлилигига асосланган назарияга таянади. Уни акустик-артикуляцияцион нуқтаи назардан характерлайди. Бу ўзбек тилшуноси проф. А.Ғ.Ғуломовнинг “бўғин бу нутқнинг бир нафас тўлқинида айтиладиган қисмидир”², деган фикрига ҳам мос келади. Чунки нафас тўлқини артикуляция кечимига қараб мос ҳолатда берилади. Унинг тўлқини нутқнинг бир бўғинига мутаносиб бўлади. Нафас тўлқинининг кўтарилиши мускуллар кучланиши, яъни товушланиш баланглигига тўғри келади. Бўғин кучсиз бошланиб, товуш кучсизланган ўринда тугайди. Булар нафас тўлқинининг тушган ўрнига монанддир. Экспериментда бу энг паст товушли ундош билан қайд этилади. У ё жарангсиз, ё жарангли ундошдир. Эҳтимол, у сонант бўлиши ҳам мумкин. Сўз ўртасида интервокал чўзиқ ундош қўлланса, шу ундош ўртасида қандайдир пасайиш бўлиб, шу ўринда бўғин ажралади. Сўз ўртасида қўш унли қўлланган бўлса, улар ўртасида нафас тўлқинининг пасайиши кузатилади. Шу ўринда кнаклаут бўлади. Осциллографияда бу ўз белгисига эга. Бўғин ажралишида у ундошлар каби кейинги бўғинга ўтади. Қўш ундош билан тувовчи сўзларнинг ё охирги, ё ундан аввалги ундоши сонант келса, бундай сўзларнинг ундошлари ўртасида талаффуз чоғи тор и унлиси орттирилган бўлади. Осциллографик ёзувда у ўз аксини топади. Шундан келиб чиқиб, бундай ундошларнинг иккинчи бўғинидан бошлаб кейинги бўғин ажралади. Масалан, *зикр* сўзининг охири қўш ундошдан иборат ва сонант билан тугаган. Шунинг учун *кр* ундошлари оралигида тор и унлиси орттирилган. Бу осциллографик ёзувда ҳам қайд этилади. Шунга кўра иккинчи бўғин *кир*

¹ Қрғ.: Зиндер А. Р. Ўша асар. –С. 254.

² Бу фикрни биз талабалигимиз чоғи проф. А. Ғ. Ғуломов қилган маърузасида айтган эди. Уни олган конспектдан айнан кўчириб келтирялман.

ҳолатидаги талаффузига эга бўлади. Бу илгари сурилган назарий фикр, яъни бўгинни нафас тўлқини билан ўлчаш назарияси экспериментал таҳлил учун ҳам мос, эксперимент тўла қувватлайди.

Нутқни бўгинларга ажратишда мускулларнинг турлилигига асосланиш назарияси билан нутқ оқимидаги артикуляцияни эътиборда тутиб, ёнма-ён таҳлил этиш ҳам ўз аҳамиятига эга. Улар натижаси бир-бирини тўлдириб ва қувватлаб боради. Бизга маълумки, ҳар бир нутқ товушининг талаффузида уч кечим бор: артикуляцион экскурсия (артикуляция учун нутқ органининг тайёралиги), артикуляцион кечим (товуш ҳосил қилиш), артикуляцион рекурсия (артикуляциядан кейин нутқ органининг ўз ўрнига қайтиши). Нутқ товушининг коммуникацияда бу уч кечими изчил амалга ошиб бормади. Сўз бошидаги биринчи товушнинг артикуляцион экскурсияси ҳам, кечими ҳам ўтгач, артикуляцион рекурсияси кейинги товушнинг артикуляцион экскурсияси сифатида, бу товушнинг ҳам артикуляцион рекурсияси учинчи товуш артикуляцион экскурсияси сифатида келади ва шундай давом этади. Шунинг учун ҳам, сўздаги товушлар ўзаро қўшилиб, бир бутун ҳолатда талаффуз қилинади. Нутқнинг, аниқроғи, сўзнинг, қаерида аввалги товушнинг артикуляцион рекурсияси кейинги товушнинг артикуляцион экскурсияси сифатида келмай, яъни аввалги товуш артикуляцион рекурсияси кейинги товуш экскурсияси билан қўшилмай, мустақил ҳолатда кечса, шу ўринда нутқ, аниқроғи сўз, бўгинга ажралган бўлади, нутқда узилиш кечади. Бу узилиш, осциллографик ёзувда қайд этилишича, 2–3 мсек.дан 7–8 мсек.гача бориши мумкин. Маълумки, бу жуда қисқа вақт. Лекин ҳар қандай одам ҳам бемалол ҳис қила олади. Бу ўринда нафас тўлқини тушиши билан сўздаги артикуляцион бўлиниш жуда мос келади. Шунинг учун ҳам, тилшуносликда, нутқнинг энг кичик бўлаги бўгин, бўгин эса нутқ оқимида бўлинмасдир¹, деб қаралади.

Демак, бўгин лингвистик бирлик бўлса ҳам, уни лингвистик бирликлар (фонема, морфема, сўз ва гап)га қиёслаб, шулар нуқтаи назари билан изоҳлаб бўлмайди. Уни сўз унлилари миқдори билан белгилаш, экспиратор (нафас зарби) назариясига таяниб ўлчаш, мускулларнинг кучланиши билан чегаралаш ҳам тўла характерлай олмайди. Сонорлик назарияси сўзларни бўгинга ажратиш масаласида етук асос бера олмайди. Буларнинг ҳаммасини ҳам экспериментал таҳлил билан тасдиқлаш мумкин эмас. Шунга қарамай, маълум даража сонорлик назариясига таяниб, қуйидагича хулосалаш жоиз. У сўзнинг бир то-

¹ Қрғ.: Лурия А. Г. Грамматическая афазия. – С. 35; Моисеев А. И. Русский язык. – С. 70.

вушланиш баландлиги билан ўлчанувчи, бир нафас тўлқинида қайд этиладиган, бўгин боши ва охиридаги товушнинг артикуляцион экскурсияси ва рекурсияси ёндош товуш артикуляцион экскурсияси ва рекурсияси билан қўшилиб кетмайдиган қисмидир.

БЎГИН ТАРКИБИ

Сўзларнинг бўгин таркиби, айтилганидай, нутқ товушларидан иборат бўлади. Бу ўринда айрим тилшунослар нутқ товуши деб эмас, фонема деб берадилар¹. Аммо бўгин соф фонетик ҳодиса бўлиб, унинг таркиби ҳақида гап кетганда фонемани тилга олиш мантиқан тўғри бўлмайди. Чунки фонема сўз семантикаси билан боғли ҳолда тилга олинади². Яъни бўгин ҳақида гапирилар экан, фақат нутқ товушлари ҳақида фикр юритилади.

Нутқ товушлари, бўгинлар таркибида келиши нуқтаи назаридан, икки типга бўлинади: бўгин ясайдиган тошуш, бўгин ясамайдиган товуш. Бўгин ясайдиган товуш деб асосан унлилар келтирилади³. Маълум бир тилшунослар эса бўгин ясайдиган товушлар қаторида айрим бир ҳолатларда сонантлар ҳам бўлиши мумкин, деб таҳлиллар келтириш билан исботлар берадилар ва уларни исботлаб берадилар⁴. Айрим бир ҳолатдаги сонантлардан ташқари барча ундошлар бўгин ясамайди⁵, лекин унинг таркибида ўз ўрнини топиши мумкин. Шу қонуниятга кўра бўгинлар ўзбек тилида асосан қуйидагича таркибда бўлади.

¹ Қрнз.: Зиндер А. Р. Общая фонетика. –С. 252, 257; Ҳозирги ўзбек адабий тили / Ғ. Абдурахмонов таҳр. ост. 68-б.

² Қрнз.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ, 1966. –С. 426; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. –Leipzig: VBI, 1970. –S. 811; Ҳожиев А. П. Тилшунослик терминларининг изоҳли дугати. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2002. 123-б.

³ Қрнз.: Trubetskoj N. Anleitung zur phonogieschen Beschreibungen –Brno, 1935. –S. 23; Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. –Ташкент: Учпедгиз, 1965. –С. 49; Буланин Л. Л. Фонетика современного русского языка. –С. 155; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. 64-б.; Реформатский А. А. Слоговые согласные в русском языке // Разытие фонетики современного русского языка. –М.: Наука, 1971. –С. 208; Кайдалова А. И. Фонетика // Современный русский язык / под ред. Д. Э. Розенталя. –М.: ИМУ, 1974. –С. 126; Турсунов У, Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. 87-б.; Моисеев А. И. Русский язык. Фонетика. Морфология. Орфография. –С. 72.

⁴ Қрнз.: Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –С. 160; Махмудов А. Сонорные звуки узбекского языка. –Ташкент: Фан, 1980. –С. 5.

⁵ Қрнз.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 64-б.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. –Тошкент: Фан, 2009. 159-б.

1. Бўгин фақат бир унлидан иборат бўлиши мумкин. Масалан, *и+миқ, и+лон, у+зук, ў+зак, о+та а+ка, э+кин* ва ҳ.к. сўзларнинг биринчи бўғини фақат бир унлидан иборат. Сўз бўғини ҳеч вақт бир ундошнинг ўзидан иборат бўлмайди. Сонантлар, гарчи айрим бир ҳолатларда бўгин ҳосил қилиш вазифасини бажарса ҳам, ўзи алоҳида бир бўгинли сўзни шакллантира олмайди. Бундай бир унлидан иборат бўгинлар ўзбек тилининг соф ўз лексикасига оид сўзларнинг фақат биринчи бўғинида кузатилади. Улар ўзлашган лексикага оид сўзларнинг кейинги бўгинларидан бирида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *му+до+фа+а* сўзининг сўнгги бўғини, *са+о+дат* сўзининг иккинчи бўғини бир унлидан иборат. Бу сўзларнинг ҳар иккиси ҳам араб тилидан ўзлашган.

2. Ҳар қандай бўгинда фақат битта унли бўлади¹, ёки баъзан унли эмас, унинг ўрнида сонант кузатилади². Унли ўрнида сонант бўлиши асосан ўзбек тилининг ўзлашган лексикасига мансуб сўзларга хос. Масалан, *ў+роқ+чи* сўзида уч бўгин бўлиб, улар турли таркибга эга, лекин ҳар бирида унли бор. Ўзбек тилига ўзлашган арман фамилияси *Мкртчян* икки бўгиндан иборат, яъни *Мкрт+чян*. Унинг биринчи бўғини марказида *р* сонанти, иккинчи бўғини маркази *а* унлисидир. Сўзнинг ҳар бир бўғинида ундош бўлиш-бўлмаслиги ёки бўлганида ҳам қанча бўлиши ҳақида ҳеч қандай шарт йўқ. Масалан, *ўроқчи* сўзининг биринчи бўғини ундошсиз, иккинчи бўғинида икки, учинчи бўғинида бир ундош бор. *Мкртчян* сўзининг иккинчи бўғини уч ундошга эга бўлиб, биринчи бўғинида *р* сонантидан ташқари яна уч ундош келган.

3. Ҳар қандай бўгинда бир унли бўлиб, ундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бундай бўгин ҳар қандай сўзда ҳам мавжуд. Айрим бўгинларда унли ўрнида сонант бўгин маркази вазифасини бажаради. Бундай бўгин фақат полисилабик сўзларда учраб, уларнинг фақат бир бўғини шундай бўлади. Бу ўринда *Мкртчян* сўзини эслаш kifofa.

Бўгиннинг, албатта, унлидан ва гоҳи сонантдан иборат маркази бўлади. Шунга кўра, бўгин уч қисмга бўлинади: а) бўгин боши – бўгин ясовчи товуш баландлигигача бўлган қисм; б) бўгин маркази ёки баландлиги – бўгин ясовчи товуш, яъни товушларнинг баландлиқ қисми; в) бўгин охири – бўгин ясовчи товуш баландли-

¹ Қриг.: Решетов В. В. Узбекский язык. Ч.1. –С. 288; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. 64-б.; Моисеев А. И. Русский язык. –С. 72; Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 159-б.

² Қриг.: Буланин Л. Л. Фонетика современного русского языка. –С. 157; Матусевич М. И. Современный русский язык. –С. 168.

гидан кейинги қисм. Шундай қилиб, бўгин ўзининг барча қисмлари (бўгин боши+бўгин баландлиги+бўгин охири) билан бир бутунликни ҳосил қилади. Бўгин баландлиги унли ва баъзан сонандан иборат бўлиб, бўгин боши ва охири ундош товушлардан таркиб топади. Бўгин ҳосил қилувчи товуш бўгиндаги қолган ундошларни ўзига марказлаштириш вазифасини ўтайди¹.

Бўгин боши ва бўгин охири нолга тенг келиши ҳам мумкин. Масалан, *ол+ма, эз+ма, ал+да, ақ+ча, ол+ча, ўр+та* каби сўзларнинг биринчи бўғинида бўгин боши, иккинчи бўғинида бўгин охири йўқ, яъни нолга тенг. Ўзбек тилидаги ўз лексикага оид сўзларнинг фақат биринчи бўғинида бўгин боши бўлмайди. Кейинги бўғинларига бу хос эмас. Бўгин охирининг нолга тенг келиши учун бундай чегара йўқ. Ўзлашган лексикага оид сўзларнинг кейинги бўғинларида ҳам бўгин боши нолга тенг келиши кузатилади. Масалан, *сань+ат, ҳайъ+ат, ал+ге+бра+ик, а+ле+ут* сўзларидаги сўнгги бўғинларнинг бўгин боши йўқ, нолга тенг.

Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларда бўгин боши ва бўгин охири нолга тенг бўғинлар фақат сўз бошида кўплаб кузатилади. Масалан, *о+та, о+па, а+рик, о+чик, и+лон, э+кин, у+зум, ў+зак* сўзларнинг барчасида биринчи бўғин фақат бир унлидан иборат бўлиб, бўгин боши ҳам, бўгин охири ҳам нолга тенг. Ўзлашган лексикага оид сўзларда бундай ҳам бўгин боши, ҳам бўгин охири нолга тенг бўғинлар барча позицияларда учрайверади. Масалан, *о+лим, а+та+ка* сўзларининг биринчи бўғини; *те+о+ре+ма, ма+о+риф* сўзларининг иккинчи; *жа+мо+а, во+қе+а* сўзларининг охириги бўғинларида ҳам бўгин боши, ҳам бўгин охири нолга тенг келган.

Бу фикр келтирилган сўз бўғинидаги мавжуд товуш эътибори билан айтилади. Аммо осциллографик таҳлил бошқача маълумот беради. Унли билан бошланган бўгин олдида ҳамма вақт кнаклаут қайд этилади. Кнаклаут осциллограф ёзувида унли билан бошланган бўгин олдидан, яна ҳам аниқроғи, унли чизмаси олдидан жаранган ундош чизмасига ўхшаш қисқа кўтарилувчи чизмадан иборат бўлади. Талаффузда эса бўғиз мускули зўриқиши билан жуда қисқа жаранг ўтади. Шунинг учун ҳам, ундан кейин талаффуз этилган унли деярли ҳолда тил орқа ҳолида воқеланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бўгин унли билан бошланмайди. Кнаклаут унли билан бошланувчи бўғин олдини ёпиш ёки аввалги бўғиндан ажратиш вазифасини ўтайди. У унли товуш билан бошланувчи бўғинларни ҳамма вақт

¹ Қўнг.: Кайдалова А. И. Фонетика. –С. 126; Каламова Н. А. Фонетика. –С. 89.

ёпиқ бошланувчи бўғинга айлантиради. Яъни ўзбек тилида бўғин боши ногла тенг бўғин бўмайди.

Ўзбек тилидаги сўзларнинг барча бўғинлари бир ундош билан бошланиши қонуний бир ҳолдир¹. Ундаги сўз бошида унли билан бошланувчи бўғин деб атаганларимиз ҳам, айтилганидай, олди кнаклаут билан ёпилади. Сўз ўртасида интервокал қўлланган ундош нечта бўлишидан қатъи назар, уларнинг сўнгги бири ундош билан кейинги бўғинни бошлайди. Интервокал ундош битта бўлса, у кейинги унли бўғинига ўтади². Сўз ўртасида унли қатор қўлланса, интервокал ҳолатда кнаклаут берилади ва у кейинги унлининг бўғин боши бўлиб қолади. Яъни у ҳам интервокал ундошга ўхшаб ўзидан кейинги унли билан бир бўғин таркибида бўлади. Масалан, *соат* сўзининг *о* ва *а* унлилари аро кнаклаут орттирилади ва кнаклаут билан сўзнинг *-ат* қисми бир бўғинни таркиб топтиради, яъни *со+’ат* ҳолатида. Бу, албатта, ўзлашган сўзларда кузатилади. Ўзлашган сўзлар бўғинининг бўғин боши бирдан ортиқ ундошдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *трак+тор*, *трол+лей+бус* сўзларининг биринчи бўғини; *ком+прес+сор*, *кон+трол* сўзларининг иккинчи бўғини қўш ундош билан; *струк+ту+ра*, *ствол* сўзларининг биринчи бўғини; *кон+струк+тор*, *би+сквит* сўзларининг иккинчи бўғини уч ундош билан бошланган. Бундай бирдан ортиқ ундош билан бошланувчи бўғинлар фақат рус тили орқали ўзбек тилига ўзлашган сўзларда учрайди. Ўзбек тилига шарқ тилларидан бевосита ўзлашган сўзларнинг бирор бўғини боши бирдан ортиқ ундош билан қайд этилган эмас, аммо бўғин охири ҳақида бундай деб бўлмайди.

СЎЗНИНГ БЎҒИНГА АЖРАЛИШИ

Бўғинга ажратиш, одатда сўз доирасида ўрганилади. Аммо сўзларни сандхи (икки сўзни қўшиб талаффуз этилиши) қўлланишида бу усул ожизлик қилади. Чунки бирдан ортиқ сўз бир сўз каби олиниб, бўғинга ажратилади. Яъни *сен учун* сўзлари *се+ну+чун* ҳолида бўғинларга бўлинади. Шунинг учун, нутқни бўғинга ажратишни икки доирада таҳлил қилиш лозим бўлади: 1) нутқни бўғинга ажратишни сўз доирасида тадқиқ этиш, 2) нутқни бўғинга ажратишни синтагма, тўғрироғи, такт доирасида тадқиқ этиш.

¹ Қрғ.: Бандарко Л.В. Структура слога и характеристики фонем // ВЯ. –1967. №1. –С. 35.

² Қрғ.: Буланин Л. А. Фонетика современного русского языка. –С. 151; Моисеев А. И. Русский язык. –С. 77.

Бўгинга ажратишни сўз доирасида олиб тадқиқ этиш ўзига хос имкониятларга эга бўлади. Лекин ўзбек тилидаги ўз лексикага оид сўзлар билан ўзлашган лексикага оид сўзлар бўгинларини ажратиш икки хил характерга эга. Ўз лексикага оид сўзларни бўгинга ажратиш анча қулай, ўзгаришсиз қонуниятларга эга бўлиб, ундан четга чиқиш ҳоллари деярли учрамайди. Аммо ўзлашган лексикага оид сўзларни бўгинга ажратиш бундай эмас. Бу ўринда рус тили ва рус тили воситасида Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзларни бўгинга ажратишга алоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Чунки унда тилининг бошқа фактлари ва фонетик қонуниятлари ўзига хос аҳамият касб этади. Яъни уни жуда кўп қонуниятлар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш лозим. Шунинг учун, аввал, ўз лексикага оид сўзларнинг бўгинга ажралиши масаласини кўриб чиқишга тўғри келади.

Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзлардаги фақат биринчи бўгингина бўгин бошига эга бўлмаслиги (гарчи кнаклаут билан бошланса ҳам шундай атаймиз) мумкин. Масалан, *ил+га+ри, о+та, ол+ди* ва ҳ.к. сўзларининг биринчи бўгини очиқ бошланган. Ундан бошқа барча бўгинлар бўгин бошига эга, ундош билан бошланган бўлади. Юқоридаги мисолларнинг биринчи бўгинидан қолган барча бўгинлари шундай. Ўз лексикага оид сўзларнинг биринчи бўгини бўгин бошига эга бўлмаслиги унинг ўзаги V ёки V+K ёки V+K+K таркибига эга бўлиши билан боғлиқдир. Туркологларнинг қайд этишича, бундай таркибли ўзак морфемалар тарихий тараққиёт натижасида ўз анлаутини йўқотган. Аслида улар ҳам ундош билан бошланган туб сўзлар бўлиши керак¹. Яъни тарих нуқтаи назаридан, ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларнинг биринчи бўгинида бўгин боши бўлган эди. Сўзларнинг кейинги фонетик тараққиёти натижасида у тушиб қолган. Унинг ўрнини кнаклаут эгаллаган. Айтиш мумкинки, кнаклаут ўша тушиб қолган анлаутнинг рудиментидир.

Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларнинг бўгинга ажралиши сўзлар бўгинининг юқорида айтилган хусусиятларига асосланади. Яъни:

1. Биринчи бўгин боши табиий ҳолда кўриниб туради. Агар сўз анлаути унли бўлса, биринчи бўгиннинг бўгин боши нолга тенг деб қаралади, лекин у талаффузида кнаклаут билан бошланган бўлади. Масалан, бу юқоридаги мисолларда ўз аксини топган. Агар сўз анлаути ундош бўлса, биринчи бўгиннинг бўгин боши бир ундош-

¹ Қриг.: Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. Т. II. Ч. I. –М.: 1952. –С. 101.

дан иборат – енгил ифода топади. Масалан, *кел+ган, кўр+ди* ва *х. к. сўзларининг биринчи бўғини шундай ифодаланган.*

2. Полисилабик сўзларнинг икки ундоши орасида бир ундош бўлса, яъни ундош интервокал ҳолатда келса, бунда интервокал ундошдан бошлаб кейинги бўғин қайд этилади ва шу ундош шу бўғиннинг бўғин бошиси бўлиб қолади¹. Масалан, *чопади* сўзидаги *п* ва *д* ундошлари интервокал ҳолатда келган. Шунинг учун улар бўғин боши вазифасида иккинчи ва учинчи бўғинларни аввалги бўғиндан ажратган, чегаралаган.

3. Полисилабик сўзларнинг икки унлиси орасида икки ундош қатор келса, бўғин шу қатор қўлланган икки ундошнинг ўртасидан ажралади. Масалан, *ор+тиқ, бос+тир+ма, қис+қа* сўзларининг бўғинга ажралиши худди шундай бўлган. Биринчи сўз *рт* қатор ундошлари ўртасидан, иккинчи сўз *ст* ва *рм* қатор ундошлари ўртасидан, учинчи сўз *сқ* қатор ундошлари ўртасидан бўғинларга ажратилган. Агар интервокал ундош геминат бўлса, геминатнинг талаффуздаги кучсизланган ўрнида бўғинга ажратилади².

4. Полисилабик сўзларнинг икки унлиси ўртасида иккитадан ортиқ ундош келса, уларнинг энг кейингиси кейинги бўғиннинг бўғин бошиси, аввалгилари аввалги бўғиннинг бўғин охири вазифасида келиб, шу ўриндан бўғин ажралади. Масалан, *сиртлон, сурткич, арткан* каби сўзларда интервокал ҳолда уч ундош келган. Бу ундошларнинг дастлабки иккитаси биринчи бўғиннинг бўғин охири ва учинчиси иккинчи бўғиннинг бўғин бошиси вазифасида қўлланган. Яъни сўз бўғинларининг ҳар бир кейингиси фақат бир ундош билан бошланади.

5. Сўздаги бўғин боши ажралишида интервокал *нг* (*sh, ch*) каби икки ҳарф билан ифодаланадиган ундошлар ҳамма вақт эътиборда тутилади. Бу ўринда товуш билан ҳарф моҳиятини адаштирмаслик керак. Агар у икки бўғин ўртасида – интервокал ҳолатда келса, кейинги бўғиннинг биринчи товуши сифатида ажралади. Масалан, *кўнгил* сўзидаги икки унли ўртаси – интервокалда *нг* товуши қўлланган. У кейинги бўғиннинг биринчи товуши ҳисобланади, яъни: *кў+нгил*. Агар у интервокалда бирор ундош билан келса, шу ундош билан ўртасидан бўғин ажралгани ҳолда, у аввалги бўғин таркибига бўғин охири сифатида киради ва ундан кейинги ундош

¹ Қрғ.: Моисеев А. И. Русский язык. – С. 77; Бондарко Л. В. Структура слога и характеристики фонем. – С. 35; Имянинова Ш. С. Ҳозирги ўзбек тилида бўғин ҳосил бўлишининг лингвистик ва стилистик тадқиқи. 9-б.

² Қрғ.: Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 159-б.

кейинги бўгин боши вазифасини ўтайди. Масалан, *кўнглим* сўзидаги икки унли ўртасида *нг* ундоши билан *л* ундоши қўш ундош сифатида қўлланган. Шунинг учун, у биринчи бўгин охири бўлиб, *л* ундоши кейинги бўгин боши вазифасини олган, яъни *кўнг+лим*. Агар *нг* ҳарфлари икки ундошни ифода этиб, сўздаги икки унли ўртасида берилса, иккига ажралиб, *н* товуши олдинги бўгин охири, *г* товуши кейинги бўгин боши бўлади. Масалан, *сен+га, мен+га* каби.

Сўзни бўгинга ажратишда кейинги бўгинларнинг бўгин боши бир ундош ҳолида олинади. Бу қатъий қонуниятдир. Бўгин боши бўлган ундош ундан ортмайди, нолга тенг ҳам келмайди. Ҳар қандай бўгин охири сўз унлилари ўртасидаги ундошлари миқдори билан боғли бўлиб, ундан битта камдир. Чунки улардан охириги ундош кейинги бўгин боши учун қолдирилади. Ўз лексикага оид сўз бўгинларида бўгин охири ҳеч қачон икки ундошдан ортиқ ҳолда учрамайди.

Ўзбек тилининг ўзлашган лексикасига оид сўзларнинг бўгинга ажралиши икки нуқтаи назардан тадқиқ этилади: а) шарқ тилларидан ўзлашган қатлам бўйича, б) рус тили ва рус тили воситасида ўзлашган қатлам бўйича.

Шарқ тиллари: эроний ва араб тилларидан ўзлашган қатламга оид сўзларнинг бўгинга ажралиши ўз лексикага оид сўзларнинг бўгинга ажралишидан деярли фарқ қилмайди. Айниқса, эроний тиллардан ўзлашган қатламга оид сўзларнинг бўгинга ажралиши ўз қатламга оид сўзларнинг бўгинга ажралиши билан деярли бир хил. Араб тилига оид сўзларнинг бўгинга ажралишида айрим фарқлар бор. Бу ўзлашган сўзларда интервокал ундош кейинги бўгиннинг бўгин боши эмас, балки аввалги бўгиннинг бўгин охири вазифасини бажаради. Масалан, *санъ+ат, бидъ+ат, суръ+ат* каби сўзларнинг интервокал ундоши биринчи бўгиннинг бўгин охири бўлгани ҳолда, кейинги бўгин унли билан бошланган. Бу сўзларнинг ўзбек тилидаги варианты шу характерда бўгинга ажралган. Араб тилида улар бошқача таркибга эга бўлиб, бўшқачароқ таркибда бўгинга ажралади. Улар араб тилида интервокал якка ундошга эмас, қўш ундошга эга эди. Ўзбек тилидаги ўша сўзларнинг қайд этилган интервокал ундоши кетидан яна бир жарангли бўғиз ундоши айн (ع) бўлган, яъни араб тилидаги бу сўзларда интервокал бир ундош эмас, қўш ундош қўлланган. Улар араб тилида *بدعت* (бидъат), *صنعت* (санъат), *سورعت* (суръат) ҳолатида қайд этилган. Ўзбек тилида *айн* (ع) бўғиз ундоши бўлмагани учун, у сўз ўзлаштириш кечимида тушириб қолдирилган. Натижада улар юқоридагича товуш

таркибига ва бўгин ажралишига тўғри келиб қолган. Аммо ўзбек тилида араб тилидаги *айн* (ع) товуши изсиз йўқолмаган. Ўзбек тилидаги бу сўзларнинг талаффузи кечимида *айн* (ع) ундоши ўрнида кнаклаут берилади.

Араб тилидан ўзлашган сўзларда биринчидан кейинги бўгиннинг бўгин боши нолга тенг ҳолда ажратилиши ва бунга сўзда қатор унли қўлланганлиги сабаб бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *муаттар*, *муаллақ*, *маориф* сўзларининг биринчидан кейинги бўгинининг бўгин боши нолга тенгдир. Шунинг учун ҳам, бу сўзларни ўзбек тилига ўзлаштириш кечимида биринчи ундошдан кейинги *айн* (ع) ундоши тушириб қолдирилган. Натижада, иккинчи унлидан бошлаб иккинчи бўгин бошланадиган бўлган. Осциллографда қайд этилишича, иккинчи бўгин унаисидан олдин *айн* (ع) ундоши ўрнида кнаклаут талаффуз этилганлиги кузатилади. Бу, албатта, араб тилидан ўзлашган сўзларнинг ўзбек тилидаги орфоэпик маромига нисбатан ҳисобланади. Жонли тилда шу сўзнинг интервокал *айн* (ع) ундоши ўзлаштириш кечимида синкопага учраб, ёндош бўлиб қолган унлилари дифтонг ҳолатига келган ва бир бўгин таркибига кирган. Масалан, *мудофаа* сўзининг сўнгги икки *а* унлиси орасида араб тилида *айн* (ع) ундоши бўлган. У ўзлаштириш кечимида синкопага учраган ва ёндош келиб қолган *а* ундоши қўшилиб, бир чўзиқ унлини юзага келтирган ва бир бўгин таркибига кирган. Масалан: *му+до+фа*.

Рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг бўгинга ажралиши ўзига хос бўлиб, улар бир неча қонуниятларга асосан воқеланади.

1. Сўзларда интервокал ундош бўлса, Бунда ҳамма вақт бўгин ўша ундошдан аввал ажратилади¹. Масалан, *де+ле+гат*, *са+лат*, *ра+ма*, *бу+ма+га* ва ҳ.к. сўзларнинг бўгинлари интервокал ундош олдидан ажратилган.

2. Сўзлардаги интервокал ундош икки ва ундан ортиқ бўлса ҳам, ундошларнинг ҳаммаси кейинги унли ҳосил қилган бўгиннинг бўгин боши вазифасини ўтайди². Масалан, *ру+чка*, *ле+ксик*, *ма+ска*, *Мо+сква*, *мо+ги+странт* сўзларининг ҳаммасида охириги бўгин икки ёки уч ундош билан бошланган ва ундан аввалги бўгин унли билан тугаган. Сўздаги икки унли ўртасидаги қўш ундошдан кейингиси сонант ёки консонант *в* ундоши бўлса ҳам, улар биргалик-

¹ Крнг.: Моисеев А. И. Русский язык. –С. 77.

² Крнг.: Моисеев А. И. Ўша дарслик. Ўша бет.

да кейинги унли ҳосил қилган бўғиннинг бўғин боши вазифасини ўтаган. Масалан, *ги+брит, ма+гнит, а+ква+рел* сўзларининг икки унлиси ўртасидаги қўш ундошнинг иккинчиси сонант ёки *в* жаранглиси бўлган. Шунинг учун, интервокал ундошлар кейинги унли ҳосил қилган бўғиннинг бўғин боши вазифасини ўтаган. Ундан аввалги бўғин эса унли билан тугаган. Агар сўзнинг интервокал ундошидан биринчиси сонант ёки *в* ундошидан иборат бўлиб, иккинчи унли ҳосил қилган бўғин лексик урғули келса, қўш ундош кейинги бўғиннинг бўғин бошиси вазифасини бажаради. Бунда интервокал ундошларнинг бири сонант ёки *в* жаранглиси бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, *о+пти+ка, ка+рто+граф, а+рме+ец* сўзларининг иккинчи бўғинида лексик урғу бор. Шунинг учун, аввалги унли билан ўртасидаги қўш ундошни бўғин боши сифатида ўзи билан олиб ўтган, яъни лексик урғу сўзларнинг бўғинга ажралишида аҳамият касб этади¹.

3. Сўзнинг интервокал ундоши иккиталиги ҳола, биринчиси сонант ёки *в* жаранглиси бўлиши мумкин. Бунда биринчи унли ҳосил қилган бўғиннинг бўғин охири ўша сонант ёки *в* жаранглиси экани ҳолда, иккинчи ундоши кейинги бўғин боши бўлиб қолади. Масалан, *кар+та, бом+ба, ар+ман, кон+такт, пул+ма* сўзларининг интервокал ундоши икки ундошдан иборат бўлиб, биринчи ундоши сонантдир. Шунинг учун, у биринчи бўғиннинг бўғин охири, иккинчиси кейинги бўғиннинг бўғин боши вазифасини ўтаган.

4. Агар сўзнинг интервокал ундошлари миқдори иккитадан ортиқ бўлиб, урғу аввалги унлига тушса, ундошлардан биринчиси у билан бир бўғин таркибига киради ва бўғин охири вазифасини бажаради. Масалан, *Смо+лен+ский, зем+ство, гал+стук, ганг+стер* сўзлари худди шундай бўғинга ажратилган. Бунда сўз урғуси аввалги бўғинда бўлиши шундай бўғин ажралиши учун сабаб ҳисобланади. Агар у кейинги бўғинларда бўлса, қатор ундошларнинг ҳаммаси кейинги бўғиннинг бўғин боши вазифасини бажарар эди. Масалан, *ра+зряд, ра+стра+та, га+стрип* сўзлари худди шундай бўғинга ажратилган. Бу сўзларнинг ҳаммасида ҳам иккинчи бўғинга лексик урғу тушган. Шунинг учун биринчи бўғин очиқ бўлиб, интервокал уч ундош иккинчи бўғиннинг бўғин боши бўлган.

5. Рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар таркибида унлилар қатор қўлланганлигини кузатиш ҳам мумкин. Бундай ҳолларда бўғин унлилар ўртасидан

¹ Қрғн.: Щерба А. В. Избранные работы по русскому языку. –М., 1957. –С. 160–163.

ажратилади. Масалан, *ge+o+lo+zi+я*, *go+zl+po*, *ma+dmu+a+зел* ва ҳ.к. сўзлардаги каби. Бундай ҳолларда аввалги бўғиннинг бўғин охири ва кейинги бўғиннинг бўғин бошиси нолга тенг бўлади.

6. Агар сўзда икки ёки уч унли ёндош қўлланиб, улар дифтонг ёки трифтонгни таркиб топтирган бўлсалар, бир бўғинга кирадилар¹, яъни улар ўртасидан бўғин ажратилмайди. Масалан, *аэро*стат, *ави*атор сўзларидаги каби. Улардаги ёндош унлилар ўртасидан бўғинга бўлинмайди. Уларнинг бўғинга ажралиши ва талаффузи *аэ+ро+стат*, *а+виа+тор* каби бўлади. Чунки ёндош унлилар артикуляцияси ҳам ундош аффрикати артикуляцияси каби кечади. Шунинг учун ҳам, *аэ* дифтонги *ай* ҳолатида, *иа* дифтонги *я* ҳолатида талаффуз этилади. Шулар каби *Эй+зен+хауэр* сўзидаги учинчи бўғин таркибида келган *ауэ* унлилари трифтонг бўлиб, бир артикуляцион бутунликка эга.

7. Сўзларнинг ёзилишида қаттиқлик *ь* ва юмшатиш *ь* белгилари қўлланади. Бу белгилар ўзидан олдинги ҳарфда ифодаланган товушга хос хусусиятни билдиради. Хусусият қайси товушга хос бўлса, товуш шу хусусияти билан ўзи оид бўлган бўғин таркибида бўлади. Масалан, *адъ+ю+тант*, *объ+е+ктив*, *субъ+ект* сўзларининг биринчи бўғинлари охирида қаттиқлик *ь* белгиси келган. Улар ўзидан аввалги *д* ва *б* товушларининг қаттиқлик хусусиятини билдиради. Шунинг учун, шу *д* ва *б* товушлари ўз қаттиқлик хусусияти билан биринчи бўғин охирига эгаллаган. Бу қаттиқлик белгиси ўзи ифода этган хусусият оид ундош бўғин охири эканлигини ҳам кўрсатади. Яна *аль+бом*, *рель+еф* *фель+е+тон* каби сўзларнинг биринчи бўғини охирида юмшатиш белгиси *ь* қўлланган. У ҳам ўзидан аввалги *л* ундошининг юмшоқлик хусусиятини билдиради. *л* ундоши ҳам шу юмшоқлик хусусияти билан қаттиқлик хусусиятига эга ундош каби характери билан сўз таркибида бўлади. Яъни ўзидан олдинги ундош билан аввалги бўғин охири вазифасини ўтайди.

8. Русча-байналмилал сўзларни бўғинга ажратишда негизни бутун сақлаш қонунияти ҳам мавжуд. Масалан, *спортсмен*, *транспорт*, *транспорант* сўзлари *спорт+смен*, *транс+порт*, *транс+по+рант* ҳолида бўғинга ажратилади. Ваҳоланки, русча – байналмилал сўзларни бўғинга ажратишнинг 4-шартига биноан мазкур сўзлар *спор+тсмен*, *тран+спорт*, *тран+спо+рант* ҳолида бўғинга ажратилиши керак эди. Чунки мазкур шартга биноан сўздаги интервокал қатор ундошлардан биринчиси сонант ёки *в ёй*

¹ Қрнғ.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –С. 138; Зиндер А. В. Общая фонетика. –С. 209.

ундоши бўлса, у аввалги бўғинда қолиб, кейинги ундошлар кейинги бўғин боши вазифасини олади. Лекин бу сўзларнинг бўғинга ажралишида негиз бутунлиги сақланган.

БЎҒИНЛАРНИНГ ТАРКИБИГА КЎРА ТИПЛАРИ

Ўзбек тилида бўғинлар кўпинча туб сўзлар қолипида бўлади. Буни ўзлашган сўзлар доирасида ҳам кўриш мумкин. Ўз лексикага оид туб сўзларнинг бўғинга тенг келган ўринларида бўғин таркиби таҳлил этилар экан, унинг типлари унча кўп эмас. Ўзлашган лексикага оид туб сўзларга тенг келган бўғинларнинг таркибига кўра типлари нисбатан кўпроқ. Шунинг учун уларни алоҳида-алоҳида ўрганишга тўғри келади.

1. Бир товушдан иборат сўз – бўғинлар. Улар фақат бир унлидан таркиб топади. Масалан, *а* сўроқ юкламаси, у кўрсатиш олмоши; *а, и, э* каби ундовлар фақат унли орқали ифодаланган бир бўғинли сўзлардир. Бундай таркибли сўзга тенг бўғинлар ўз лексикада ҳам, ўзлашган лексикада ҳам бор.

2. Икки товушдан иборат сўз – бўғинлар. Улар бир унли ва бир ундошдан таркиб топиб, бундай таркибли сўз – бўғинлар унли ва ундошларининг ўрнашиш тартибига кўра яна икки типчага бўлинади:

а) *K+V* типли бўғинлар. Масалан, ўз лексикага оид *ма-, де-, е-* феъллари шундай бўғинли туб феъллардир. Бу тип бўғиндан иборат сўзлар ўз лексикада жуда кам учрайди. Ўзлашган лексикада ҳам худди шундай. Масалан, форс тилидан ўзлашган *во* ундов сўзи, *на* боғловчиси, *жо* сифати; араб тилидан ўзлашган *ва* боғловчиси, хитой тилидан ўзлашган *ли* (ўлчов бирлиги) оти шундай бир бўғинли сўзлардир.

б) *V+K* типли бўғинлар. Масалан, ўз лексикага оид *от-, ол-, ил-, эз-, эк-, уч-, из* ва ҳ.к. сўзлар шундай бир бўғинлидир. Бу тип бўғинли сўзлар ўз лексикада кўплаб учрайди. Ўзлашган лексикада у жуда кам. Фақат эроний тиллардан ўзлаштирилган *об, ор, он, уд* каби сўзлар шундай таркибли бўғин қолипидадир.

3. Уч товушдан таркиб топган бўғинли туб сўзлар. Бундай бўғиндан иборат сўзлар ўз лексикада кўплаб учрайди. Бундай бўғиндан иборат туб сўзлар бир унли ва икки ундошдан таркиб топади. Бундай таркибли бўғинлар унли ва ундошларининг ўрнашиш тартибига кўра икки типчага бўлинади:

а) *V+K+K* типли бўғинлар. Масалан, *орт-, арч-, ост, эрк* ва ҳ.к.

сўзлар шундай бўғинлидир. Бу тип бўғиндан иборат сўзлар ўз лексикада кўплаб учрайди. Ўзлашган лексикада ҳам улар кўп. Масалан, араб тилидан ўзлашган *шиқ*, *илм*, *ирс*, *узр* каби; эроний тиллардан ўзлашган *арк*, *ашк*, *илк*, *унс*, *уфқ* каби; рус тили ва рус тили воситасида Европа тилларидан ўзлашган *акт*, *икс*, *альт*, *экс* каби сўзларни кўрсатиш мумкин.

б) K+V+K типли бўғинлар. Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид туб сўзлар асосан шундай таркибдаги бир бўғинлидир¹. Масалан: *тиз-*, *тий-*, *тик-*, *тил-*, *тин-*, *тит-*, *теи-*, *тиқ-* ва ҳ.к. туб феъллар. Ўзлашган лексикага оид кўпгина сўзлар ҳам шундай таркибли бўғин тузилишидадир. Масалан, араб тилларидан ўзлашган *нур*, *сир*, *даф*, *важ* каби; эроний тиллардан ўзлашган *нон*, *нар*, *кал*, *кар*, *зиқ*, *боғ*, *гул* каби; рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган *зал*, *бак*, *газ*, *пар*, *бас*, *вал* каби сўзлар шундай таркибли бўғинлардан иборат.

4. Тўрт товушдан таркиб топган бир бўғинли туб сўзлар. Улар бир унли ва уч ундошдан таркиб топади. Бундай таркибли бўғинлар ҳам унли ва ундош товушларининг ўрнашиш тартибига қараб яна икки типчага бўлинади. Аммо уларнинг бири ўз ва ўзлашган лексикада учраса ҳам, иккинчиси фақат ўзлашган лексикага хос.

а) K+V+K+K типли бўғинлар. Ўзбек тилининг ўз лексикасида шундай таркибли бўғиндан иборат туб сўзлар кўпгина бор. Аммо уларнинг сўнгги товуши аффикс рудименти ҳисобланади. Масалан, ўз лексикага оид *кўрк*, *тарк*, *тинч*, *янч*, *санч*, *торт*, *қирқ* ва ҳ.к. сўзлар тузилиши шундай. Улар ўзлашган лексикада ҳам кўплаб учрайди. Масалан, араб тилидан ўзлашган *хусн*, *қадр*, *садр*, *қаст*, *ланж* каби; эроний тиллардан ўзлашган *қант*, *гўшт*, *банд*, *даст*, *панж*, *ганж* каби; рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган *метр*, *зетр*, *парк*, *кадр*, *кедр* каби туб сўзлар шундай тартибда тузилган.

б) K+K+V+K типли бўғинлар. Ўзбек тилининг ўз лексикасида ва араб, эроний тиллардан ўзлашган лексикада ҳам бундай бўғиндан тузилган туб сўзлар йўқ. Улар рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган туб сўзлар ичида бор. Масалан, *клей*, *кран*, *драп*, *граф*, *грим*, *дзот* ва ҳ.к. сўзларни кўрсатиш мумкин.

5. Беш товушдан таркиб топган бир бўғинли туб сўзлар. Улар бир унли ва тўрт ундошдан таркиб топади. Бундай таркибли бўғинлар ҳам унли ва ундошларининг ўрнашиш тартибига кўра яна уч типчага бўлинади.

а) K+V+K+K+K типли бўғинлар. Ўзбек тилининг ўз лексикасида ва

¹ Қрғн.: Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. –С. 101.

араб тили, эроний тиллардан ўзлашган лексикасида шундай таркибдан иборат бир бўғинли туб сўзлар йўқ. Бундай таркибли бўғиндан иборат туб сўзлар рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган лексикада учрайди. Масалан, *тембр, борич, контр, пункт, филътр* ва ҳ.к. сўзлар шундай таркиб билан тузилган.

б) К+К+V+K+K типли бўғинлар. Ўзбек тилининг ўз лексикасида ва ўзлашган лексикасининг араб тили, эроний тилларга мансуб қатамида шундай таркибли бўғинлардан иборат туб сўзлар учрамайди. У фақат рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган лексикасида бор. Масалан, *спирт, спорт, старт, стенд, трест, фронт* ва ҳ.к. сўзлар шундай таркибли бўғинга эга.

в) К+К+K+V+K типли бўғинлар. Бундай таркибли бўғиндан иборат туб сўзлар ҳам ўзбек тилининг ўз лексикасида ва араб тили, эроний тиллардан ўзлашган лексикасида учрамайди. У фақат рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган лексикасида бор. Масалан, *взвод, взнос, пляж, сквер, склад, ствол* ва ҳ.к. сўзлар шундай таркибли бўғинга эга.

6. Олти товушдан таркиб топган бўғинли туб сўзлар. Улар бир унли ва беш ундошдан иборат сўзлардир. Бундай таркибли бўғинлардан иборат туб сўзлар ҳам ўзбек тилининг фақат рус тилидан ва рус тил воситасида бошқа тиллардан ўзлашган лексика доирасида учрайди. Улар ҳам унли ва ундошларининг ўрнашиш тартибига кўра икки типчага бўлинади.

а) К+К+V+K+K+K типли бўғинлар. Масалан, *спектр, сфинкс* сўзи шундай таркибли бўғиндан иборат.

б) К+К+K+V+K+K типли бўғинлар. Масалан, *спринт* сўзи шундай таркибли бўғиндан иборат.

Кўринадики, 5- ва 6- типли бўғиндан таркиб топган сўзларнинг унаилари бўғиннинг деярли марказига жойлашган. Ундан аввал ҳам, кейин ҳам кўпи билан уч ундош, ками билан бир ундош келган. Яъни сўзга тенг бўғинларнинг бир томонида учдан ортиқ ундош келиши мумкин эмас.

Юқорида сўзга тенг бўғинлар таркиби ҳақида тўхтаб ўтилди. Полисиллабик сўзларда бўғинларнинг таркиби нисбатан кўпроқ типга эга бўлади. Моносиллабик сўзлардаги бўғинларда учраши мумкин бўлмаган таркиб унда учрайди.

Бир ёки икки товушдан иборат бир бўғинли сўзлар қандай таркибга эга бўлса, полисиллабик сўзларда ҳам шундай таркибли бўғинларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан:

1. V таркибли бўгин: *о+лим, э+лак, и+як, а+зиз, у+воқ, ў+рик* ва ҳ.к. сўзларнинг биринчи бўгини бир унлидан иборат.

2. V+K таркибли бўгин: *ал+ла, ил+моқ, ас+та, ил+мий, эс+киз* ва ҳ.к. сўзларнинг биринчи бўгини бир унли ва бир ундошдан иборат.

3. K+V таркибли бўгин: *ма+на, да+да, да+ра, са+ра, кў+ра* ва ҳ.к. сўзларнинг бўгинлари бир ундош ва бир унлидан иборат.

Мисоллар ўзбек тилининг ўз ва ўзлашган лексикасига оид барча қатламларидан олинди. Бу бўгинларнинг шундай таркибга эгалари ўзбек тилининг барча қатламларидаги полисиллабик сўзларида ҳам, моносиллабик сўзларида ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Уч ва ундан ортиқ товушдан таркиб топган бўгинли сўзлар ҳамма вақт ундош билан тугайди. Полисиллабик сўзларда уч ва ундан ортиқ товушдан таркиб топган бўгинлар бўлиши мумкин. Бу ўз объектив сабабига эга. Одатда биринчидан кейинги бўгинлар тиллардаги деярли сўзларда ундош билан бошланади. Полисиллабик сўзлар деярли ясама бўлиб, у унлидан иборат ёки унли анлаутли аффикс билан бошланган бўлиши мумкин. Бунда ўзакнинг ауслаути аффиксда шакланган бўгинга бўгин боши сифатида кўчади ва фонетик қайта бўлиниш юзага келади. Натижада, ўзак очиқ бўгин сифатида шакланади. У таркиб топган товуш учдан ортиқ бўлса, уч ва ундан ортиқ товушдан таркиб топган очиқ бўгинга айланади. Масалан: *грим+ёр+и < гри+мё+ри, сквер+и < скве+ри* каби. Шуни назарда тутиб, моносиллабик сўзни таркиб топирган бўгинлар билан полисиллабик сўзларда бўлиши мумкин ҳолдаги таркибини қиёслаб кўришга тўғри келади.

Уч товушдан таркиб топган бўгинларнинг V+K+K ва K+V+K таркибли типлари, моносиллабик сўзларда бўлганидай, полисиллабик сўзларда ҳам жуда кўп. Масалан, а) *орт+тир, ост+лик, икс+дан*; б) *тиз+за, тил+чи, нур+ли, сир+ли, зиқ+на, бан+дак, бог+бон* сўзларининг биринчи бўгинига эътибор қилинг. Уларнинг а бандида V+K+K таркибли, б бандида K+V+K таркибли бўгинларга мисол келтирилди. Полисиллабик сўзларда K+K+V таркибли бўгин типлари ҳам бор. Масалан: *кри+стал бло+ка+да блу+за кли+ни+ка, мне+ма ске+лет* ва ҳ.к. сўзларнинг биринчи бўгини шу таркибга эга.

Тўрт товушдан таркиб топган бўгинларнинг K+V+K+K, K+K+V+K ва K+K+K+V таркибли типлари мавжуд. Булардан K+V+K+K таркибли типи ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларда учрайди. Масалан, улар *тинч+лик, санч+қи, кўрк+ли* сўзларининг биринчи бўгинида бўлиб, соф ўз лексикага хос. У эроний тилларнинг ҳам, араб тилларининг ҳам полисиллабик сўзларида бор.

Масалан, эроний тиллардан ўзлашган *пай+ванд*, *ба+ланд*, *тир+банд* сўзларининг иккинчи бўғини K+V+K+K таркиби билан тузилган. У барча тартибдаги бўғинларда учрайверади. *Нақшлли*, *хусндор* сўзлари араб тилидан ўзлаштирилиб, ўзбек тилида ясалган. Унинг ўзаги K+V+K+K таркибидир. Бу таркибдаги бўғинли сўзлар соф ўзбекча ва араб тилидан ўзлашган сўзларда кузатилади, фақат биринчи бўғинда бўлади. Қолган ҳар уч таркибдаги бўғинлар рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган полисиллабик сўзларда, уларнинг барча тартибдаги бўғинларида ҳам, бўлади. Масалан, *ко+бальт*, *ди+серт*, *ас+фальт* сўзларининг иккинчи бўғини K+V+K+K таркибли; *кри+стал*, *три+фтонг*, *мон+тер* сўзларининг иккинчи бўғини K+K+V+K таркибли; *скле+роз*, *скре+пер*, *слю+да* сўзларининг биринчи бўғини K+K+K+V таркибли тузилган. Уларнинг ҳаммаси рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардир. K+K+V+K таркибли бўғин ҳам, K+K+K+V таркибли бўғин ҳам ўз лексикага мансуб сўзларда ҳам, ўзлашган лексиканинг араб тили ва форс тилига мансуб қатламларидаги сўзларда ҳам кузатилмайди.

Беш товушдан таркиб топган бўғинларнинг K+V+K+K+K, K+K+V+K+K ва K+K+K+V+K таркибли типлари ҳам, моносиллабик сўзларда бўлагандай, полисиллабик сўзларда ҳам учрайди. Масалан: а) *ре+естр*, *э+ни+центр*, *ци+линдр*; б) *лин+гвист*, *сол+люкс*, *хло+ро+пласт*, *цен+трист*; в) *мо+ги+страль*, *ра+страт*, *скреп+ка*, *скрип+ка*, *справ+ка*, *стрел+ка* ва ҳ.к. сўзларнинг энг катта бўғинлари юқорида кўрсатилган таркибли бўғинлардан бирига хосдир. Бундай таркибли бўғинлар ўзбек тилида фақат рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган полисиллабик сўзларда бўлади. Ўзбек тилининг ўз лексикасига мансуб сўзларда, шунингдек эроний ва араб тилларидан ўзлашган сўзларда бу каби таркибли бўғинлар бўлмайди. Чунки бу қатламдаги сўзлар бўғиннинг бўғин боши бирдан ортиқ ундошга, бўғин охири иккидан ортиқ ундошга эга бўлиши мумкин эмас.

Беш товушдан таркиб топган бўғинларнинг ‘а’ ва ‘б’ таркиблilари полисиллабик сўзларнинг фақат сўнгги бўғини сифатида қайд этилади. Чунки рус тилида полисиллабик сўзларнинг сўнгги бўғинидан бошқа бўғинлари бирдан ортиқ ундошдан иборат бўғин охирига эга бўлмайди. Бўғин боши таркиби учун бундай чегара йўқ. Бироқ у сўнгги бўғиндан аввалги бўғин сифатида қайд этилса, ё урғули бўлади, ё бўғин охири й жаранглиси, ё геминат кабиларга тўғри келади.

Беш товушдан таркиб топган бўгинларнинг К+К+К+К+V таркибли типлари ҳам бўлиб, улар ҳам фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган полисилабик сўзларда учрайди. Шунингдек у, албатта, биринчи бўгиндан кейинги бўгин сифатида қайд этилади. Чунки рус тилида ҳам полисилабик сўзларнинг биринчи бўгини бошида учдан ортиқ ундош қатор келмайди. Масалан, *зе+мство, де+кстро+за* ва ҳ.к.

Олти товушдан таркиб топган бўгинларнинг К+К+К+V+К+К таркибли типи ва К+К+К+К+V+К таркибли типи полисилабик сўзларда учрайди. Бундай полисилабик сўзлар ўзбек тилининг рус тили воситасида ўзлашган лексикасига мансубдир. Масалан, *ги+рлянд* сўзининг иккинчи бўгини биринчи тип таркибли бўгинга, *де+кстрин, ка+стрюль+ка* сўзларининг ҳам иккинчи бўгини иккинчи тип таркибли бўгинга хосдир.

Юқорида бир унлига марказлашган бўгинларни чегаралаш масаласи кўриб чиқилди. Ундан ташқари яна полисилабик сўзларнинг айрим бўгини таркибида унли бўлмаслиги, унинг сонантга марказлашиши ҳам мумкин. Бу ҳақда боб бошида ҳам айтиб ўтилган эди. Бундай тузилган бўгинларнинг кўпчилигида сонант бўгин марказида туриб, бўгин боши ва охири бир ёки икки ундошдан иборат бўлади. Бунинг учун юқорида *Трнка* ва *Мкрт+чян* фамилялари таҳлил қилиб берилган эди. Ҳар икки сўзнинг ҳам биринчи бўгинида сонант бўгин марказидир. Бўгин боши биринчисида битта, иккинчисида иккита ва бўгин охири ҳар иккисида ҳам биттадан берилган.

Араб тилидан ўзлашган лексикага мансуб ауслаути жуфт ундошли айрим сўзлар борки, уларнинг сўнгги жуфт ундошини алоҳида бўгин деб қарашга тўғри келади. Бундай сўзларнинг охиридаги қўш ундошдан кейингиси сонант ва олдингиси портловчи ундош бўлади. Сўз унлисида ургу бўлгани учун, у чўзиқ талаффуз этилади. Қўш ундошнинг аввалгисидаги артикуляцион рекурсия давоми билан кейинги сонант артикуляцион экскурсияси оралигида ун пайдо бўлади ва сонант кечимиғача тор *и* унлиси юзага келади. Натигада, икки ундош оралигида юзага келган тор *и* унлисига марказлашган иккинчи бўгинни шакллантирилади. Бу ҳақда ҳам юқорида *фикр* сўзи таҳлил этиб кўрсатилган эди. *Фикр* сўзининг мавжуд *и* унлисида лексик ургу бор. Унинг чўзиқ талаффуз этилиши мажбурияти билан *к* ундоши ҳам чўзилади ва артикуляцион рекурсияси билан *р* сонанти артикуляцион экскурсияси орасида сонант учун берилган

уннинг боши тор *и* унлисини юзага келтиради. Буни *фикр* сўзидаги *к* портловчиси аспирациясидаги нутқ талабига кўра тараққиёт деб кўрсатса ҳам, хато бўлмайди. Натижада, *к^нр* бўғини иккинчи бўғин сифатида *фик^нр* сўзини бисиллабик сўз ҳолида қайта шакллантирилган. Бунинг учун араб ва эроний тиллардан ўзлашган сўзлар охиридаги қўш ундошнинг биринчиси, албатта, портловчи ва иккинчиси сонант бўлиши шарт. Бунинг устига, бу қўш ундош бир артикуляция ўрнига эга бўлмаслиги керак. Масалан, *қаст* сўзи ҳақида бундай таҳлилни бериб бўлмайди. Чунки қўш ундошнинг ҳар иккиси учун артикуляция ўрни бир тил олди ва бири сонант эмас.

БЎҒИНЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТИПЛАРИ

Ўзбек тилидаги сўз бўғинлари турлича тузилишга эга. Бўғинлар тузилиши турли нуқтаи назардан турли типга бўлинади. Бу нуқтаи назарлар бўғиннинг 1) тузилиши, 2) акустикаси, 3) чўзиқлигидан иборат.

Бўғинлар тузилиши икки нуқтаи назар билан типларга ажралади: а) бўғин боши нуқтаи назари билан, б) бўғин охири нуқтаи назари билан.

Бўғинлар бўғин боши нуқтаи назари билан икки кўринишда бўлади: очиқ бошланувчи бўғинлар, ёпиқ бошланувчи бўғинлар. Очиқ бошланувчи бўғинларнинг бўғин боши бўлмайди, яъни унли билан бошланади. Албатта, бунда унли билан бошланган бўғин олдидаги кнаклаут эътиборга олинмаган бўлади. Масалан, *ол+тин*, *ил+зақ*, *эз+ма* каби сўзларнинг фақат биринчи бўғини очиқ. Бундай бўғинлар ўзбек тилининг ўз лексикасидаги сўзларнинг фақат биринчи бўғинида келади. Ўзлашган лексикадаги сўзларнинг биринчи бўғинида ҳам, кейинги бўғинларидан бирида ҳам очиқ бўғин учраши мумкин. Масалан, *о+а+зис* сўзининг биринчи бўғини ҳам, иккинчи бўғини ҳам очиқ бошланган. Чунки улар олдидан бўғин боши бўлувчи ундош йўқ.

Ёпиқ бошланувчи бўғинлар бўғин бошига эга бўлади, яъни бўғин ундош билан бошланади. Масалан, *тиз+гин*, *қаз+зоқ*, *бўр+сиқ* каби сўзларнинг барча бўғинлари ёпиқ бошланган. Бундай тип бўғинлар ўзбек тилининг барча қатламларига мансуб сўзларнинг барча тартибида учрайди.

Бўғинларнинг тузилиши бўғин охири нуқтаи назаридан икки кўринишда бўлади: очиқ бўғинлар, ёпиқ бўғинлар.

Очиқ бўгинларнинг бўгин охири бўлмайди, яъни унли билан тугаган бўлади. Масалан, *да+ла, ма+са+ла, қи+я, дра+ма, ме+та+фо+ра* каби сўзларнинг барча бўгини очиқдир. Очиқ бўгиннинг мавжудлиги деярли тиллардаги сўзларда интервокал ундошнинг битта эканлиги ва у кейинги бўгинга ўтиши билан боғлиқдир.

Ёпиқ бўгинлар бўгин охирига эга бўлади, яъни у ундош билан тугайди. Масалан, *ғиш+тин, нақ+шин, нон+вой, кар+тон* каби сўзларнинг барча бўгини ёпиқдир. Ёпиқ бўгиннинг мавжудлиги ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларда, шунингдек, араб ва эроний тиллардан ўзлашган қатламга оид сўзларда интервокал ундошнинг бирдан ортиқ эканлиги билан бирга, бўгин ажратиш қонуниятига мос ҳолда, уларнинг биринчиси аввалги бўгин охирига ўтиши билан боғлиқдир.

Бўгинлар ўз таркибий тузилишидаги шу икки хусусиятга кўра қуйидаги кўринишларга бўлинади:

1) очиқ бошланувчи очиқ бўгин. Масалан, *а+на, о+ла, и+лиқ* каби сўзларнинг биринчи бўгини шундай.

2) очиқ бошланувчи ёпиқ бўгин. Масалан, *ол+тин, ил+гак, ас+лий, арс+лон* каби сўзларнинг биринчи бўгини шундай.

3) ёпиқ бошланувчи ёпиқ бўгин. Масалан, *бар+моқ, қий+шиқ, нон+вой, тур+гун* каби сўзларнинг барча бўгини шундай.

4) ёпиқ бошланувчи очиқ бўгин. Масалан, *да+ла, қо+ра, са+ра, гу+ва+ла* каби сўзларнинг барча бўгинлари шундай.

Бўгинлар акустик нуқтаи назардан ҳам типларга бўлинади. Бунда бўгиндаги унли ва ундошларнинг ўрнашиш тартиби аҳамият касб этади. Унли ва ундош товушлар таркибида, бизга маълумки, ун ва шовқин миқдори турличадир. Агар уларни балли шкала бўйича ҳисобланса, унлилар 4 балл, сонантлар 3 балл, жаранглилар 2 балл, жарангсизлар 1 баллдан белгиланади. Шунга кўра, бўгин товушлари характерланса, бўгинлар турли типларга бўлинади. Албатта, бунда бўгиннинг боши ва охири эътиборда тутилади.

1. Силлиқ бўгин, яъни 4 балли товушигина бўлган бўгин. Бундай бўгинларнинг бўгин боши ва охири бўлмайди. Масалан, *а+на* сўзининг биринчи бўгини силлиқ бўгин. У фақат 4 рақами билан белгиланади.

2. Кучаювчи бўгин, яъни 1+4, ё 2+4, ё 3+4 балли тизимга эга бўлади. Улар ёпиқ бошланувчи очиқ бўгин бўлиб, айниқса, енгил типлари, яъни бир ундош билан бошланувчи типлари эътиборда тутилади. Масалан, *ма-, де-, шу,* бу сўзларини таркиб топтирган

бўғинлар шундай. Улардан *ма-* феъли балл шкаласи бўйича 3+4, *де-* феъли 2+4, *шу* олмоши 1+4, *бу* олмоши 2+4 деб қаралади.

3. Пасаювчи бўғин, яъни 4+1, ё 4+2, ё 4+3 балли тизимга эга бўлади. Улар очиқ бошланувчи ёпиқ бўғин бўлиб, бир ундош билан тутовчи типлари эътиборда тутилади. Масалан, *от, ўз, ол-* сўзларини таркиб топтирган бўғинлар шундай. Улардан *от* сўзи бўғини балли шкала бўйича 4+1, *ўз* олмоши 4+2, *ол-* феъли 4+3 деб қаралади.

4. Кучаювчи-пасаювчи бўғин, яъни 1+4+1, ё 2+4+1, ё 3+4+1, ё 1+4+2, ё 1+4+3, ё 2+4+2, ё 2+4+3, ё 3+4+3 балли тизимга эга бўлади. Улар ёпиқ бошланувчи ёпиқ бўғин бўлиб, айниқса, бўғин боши ва охири енгил типлари, яъни бир ундош билан бошланиб, бир ундош билан тугайдиган типлари эътиборда тутилади. Масалан, *куз, нон, бир, тур* каби сўзларни таркиб топтирган бўғинлар шундай. Улардан *куз* оти балли шкала бўйича 1+4+2, *нон* оти 3+4+3, *бир* сони 2+4+3 ва *тур-* феъли 1+4+3 деб қаралади.

Шуни ҳам айтиш керакки, *бри+га+дир* сўзининг биринчи бўғини ҳам кучаювчи бўғин деб қаралади. Аммо унинг бўғин боши икки ундошдан иборат. Шунга қарамай, улар балл шкаласи бўйича ҳар хил, яъни 2+3+4 деб олинади. Унда товушлар кучайиб борганлиги кузатилади. Шунга ўхшаш *орт* сўзида таркиб топган бўғин ҳам пасаювчи ҳисобланиб, унинг товушлари балли шкаласи 4+3+1 ни кўрсатади. *Фронт* сўзида таркиб топган бўғин кучаювчи-пасаювчи бўлиб, унинг товушларида ифода топган баллар қуйидагича жойлашган: 1+3+4+3+1. Шулар қатори *шта+пель* сўзининг биринчи бўғинини кучаювчи деб бўлмайди. Уни текис кучаювчи бўғин деб қаралади. Чунки унинг товушларидаги балл 1+1+4 ҳолатида жойлашган. *Штифт* сўзида таркиб топган бўғин текис кучаювчи-пасаювчи бўғин бўлиб, унинг баллари тизими 1+1+4+1+1 деб олинади.

Текис кучаювчи-пасаювчи бўғин ўзбек тилида жуда кам, у ҳам ўзлашган лексика ҳисобигадир. Текис кучаювчи ёки текис пасаювчи бўғинларни ўзбек тилида бир мунча учратиш мумкин. Бироқ улар ҳам деярли рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган лексикага мансуб сўзлардир. Уларда ҳам бўғин боши ва бўғин охири икки ундошдан нари ўтиши жуда қийин. Масалан, *текст* сўзидаги каби текис пасаювчи, *взвод* сўзидаги каби текис кучаювчи бўғин деярли учрамайди. Шуларнинг биринчисидagi баллар тизими 1+4+1+1+1 бўлиб, иккинчисидagi баллар тизими 2+2+2+4+2 ҳолатидадир. Яъни биринчи сўз кучаювчи ва текис пасаювчи бўғиндан, иккинчиси текис кучаювчи ва пасаювчи бўғиндан таркиб топган.

Бўгинлар чўзиқлиги нуқтаи назаридан ҳам икки типга бўлинади: чўзиқ бўгинлар, қисқа бўгинлар.

Чўзиқ бўгинлар одатда ёпиқ бўгинларнинг ҳаммасидан иборат бўлади. Масалан, *кўй+лак, от+лик, оз+гин, даф+тар, қис+қиш* сўзларидаги мавжуд бўгинларнинг ҳаммаси чўзиқдир. Очиқ бўгинлар деярли қисқа бўгин бўлади. Масалан, *да+ла+да, жу+да, қў+ра* каби сўзларнинг бўгинлари очиқ ва шунинг учун ҳам қисқадир. Чўзиқ бўгин нутқда алоҳида талаффуз қилинади. Қисқа бўгин нутқдаги талаффузида кейинги бўгинга тиркаб юборилади. Масалан, *қиш+лоқ, ки+ши+си* бирикмасидаги 1- ва 2- бўгин чўзиқ, улар алоҳида талаффуз қилинади, 3- ва 4-бўгинлар қисқа, улар 5-бўгинга қўшиб талаффуз қилинади. Бирикма охиридаги бўгин, очиқ ёки ёпиқ бўлишидан қатъи назар, ҳамма вақт чўзиқ бўлади, алоҳида талаффуз этилади.

Чўзиқ бўгин фақат ёпиқ бўгиндан иборат эмас. У очиқ бўгин бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бунда очиқ бўгин унлиси чўзиқ ёки ургули бўлиши керак. Масалан, *та+рих* сўзининг 1-бўгини очиқ, лекин чўзиқ. Чунки унинг унлиси чўзиқдир. Очиқ бўгинга лексик урғу тушса ҳам, унинг унлиси чўзилади. А.В.Шчербанинг таъбирича ҳам, ургули бўгиннинг унлиси яна ярим ҳисса чўзиқ бўлади¹. Масалан, *уйқу келмади* бирикувидаги *уйқу* сўзининг иккинчи бўгинида лексик урғу бор. Унинг унлиси, айтиганидай, ярим ҳисса эмас, урғу квантитатив бўлгани учун ҳам, ҳатто, икки ҳиссадан ортиқ чўзиқликка эга бўлган ва *қу* бўгини чўзиқ бўгин сифатида талаффуз этилган. Сўз охиридаги унли, у кейинги сўз билан сандхи қўлаанса, чўзиқ эмас, қисқа бўлади. Масалан, *ерга боқ* бирикувида *-га* бўгини қисқа келган, чунки у кейинги бўгинга қўшиб талаффуз этилади.

Бобнинг биринчи сарлавҳасига тегишли қисм охирида сўз товушлари олдингисининг артикуляцион рекурсияси кейингисининг артикуляцион экскурсияси сифатида содир бўлиши улар қўшилиб бир бутун талаффуз этилишини таъминлайди, деб айтилган эди. Яна давом этиб, сўз таркибидаги бирор товуш артикуляцион экскурсияси, аввалги товуш рекурсияси ўтгач, содир бўлса, сўздаги бўгин бўлиниши кечгани ҳисобланади, деб кўрсатилади. Шу бўгин ажратилган жойда, сўз, аниқроғи, нутқда бўлиниш кузатилади. Шу ўринга келиб, қисқа бўгин чўзиқ бўгинга қўшиб талаффуз этилиши алоҳида таъкидланди. Бундан қисқа бўгин кейинги бўгин билан ажралишга учрамайди, деган хулосага келмаслик керак. Ҳар қандай бўгинга ажралишда ҳам маълум товуш артикуляцион экскурсияси

¹ Крнг.: Шерба А. В. Избранные работы по русскому языку. –М., 1957. –С. 160–163.

аввалги товушдаги артикуляцион рекурсиядан кейин содир бўлади ва шу ўринда талаффуз узилади. Бу чўзиқ бўгинлар муносабатига хос. Улар нутқнинг сустлигига қараб орада маълум даража пауза олиши мумкин. Қисқа бўгиннинг сўнгги товуши унли бўлиб, унинг артикуляцион рекурсияси артикуляцион кечим давомида ўтиб, кейинги бўгин ауслаути экскурсиясига уланиб кетади. Шу ўринда бўгинлар ажралади ва бирининг тугаши кейингисига туташади. Улар ўртасида умуман пауза кечмайди. Масалан, *гав+жум* сўзининг биринчи бўгинидаги *в* товушининг артикуляцион рекурсияси бўлиб, кетидан иккинчи бўгиннинг *ж* товуши артикуляцион экскурсияси ва кечими ўтган. Шунинг учун ҳам, бу бўгинларни кетма-кет салмоқлаб талаффуз этса бўлади ва сўз аҳамиятини йўқотмайди. Бошқа *у+луш* сўзининг биринчи бўгинида *у* унлиси артикуляцион рекурсияси кечими давомида ўтади. Унлар артикуляцияси оғизнинг маълум даража очиқлигида кечади ва шундай ҳолда артикуляцион рекурсияси бўлади. Бундан бир йўла кейинги бўгиннинг *л* товуши экскурсияси кечади. Шунинг учун, бу бўгинлар жипс талаффуз этилади. Улар ўртасида гарчи ажралиш бўлса ҳам, сезиларли бўлиниб кетиш йўқ. Чўзиқ очиқ бўгинларнинг чўзиқ унлиси давоми талаффуз этилгани учун, артикуляцион рекурсияси ҳам давоми бўлади ва кейинги бўгин артикуляцион экскурсиясидан кучли ажралади.

БЎГИН ВА ҲИЖО

Ҳижо сўзи ўзбек тилидаги *б ў г и н* сўзининг форс тилидаги вариантидир¹. Аммо ўзбек тилига ўзлашган “ҳижо” сўзи ўзининг “бўгин” сўзига семантик адекват эмас. Ўзбек тилида “бўгин” сўзи лексик бирлик бўлган лексема семемаларидан бири бўлиб, сўзнинг бир нафас тўлқинида талаффуз этилувчи қисмидир. Ҳижо терминини эса адабиётшуносликда: “бир нафас олиш билан айтиладиган сўздаги товуш ёки товушлар бирикмаси – шеъринг нутқ ўлчовида ритмик бирлик”,

¹ Ҳижо термини адабиётларда араб тилидан ўзлашган сўз деб талқин қилинади. Қрғ.: Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари лугати. –Тошкент: Ф. Ғулом, 1972. 771-б.; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. –Тошкент: Шарк, 1998. 214-б. Аммо ҳижо термини арабча сўзларнинг фонетик тузилишига мос келмай, форс тилига хослигини; шунингдек, Б. В. Миллернинг форсча-русча лугатига киритилган бўлиб, Х. К. Барановнинг арабча-русча лугатида тилга ҳам олинмаганлигини ҳисобда тутиб, уни форс тилига мансуб, деб қайд этдик. Қрғ.: Миллер Б. В. Ферсидско-русский словарь. –М.: ГИИНС., 1953. –С. 591; Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. –М.: ГИИНС., 1962. –С. 1008–1071.

– деб таърифланади¹. Бу ўринда терминга нотўғри изоҳ берилган. Бу термин, аввало, сўзга эмас, умуман нутққа тегишлидир. Бунинг устига бир нафас олиш билан фақат ҳижони эмас, бир ва, ҳатто, бирдан ортиқ гапни ҳам талаффуз этиш мумкин. Ҳижо нафаснинг биргина тўлқинида қайд этилади. Яъни ҳижо умуман нутққа хослиги ва бўгин сўзга хослиги билан ўзаро фарқланади. Умуман ҳижо нутқнинг бир нафас тўлақинида талаффуз этилувчи қисми ҳисобланади. Ҳижо бу тафовути билан поэтик нутқда яққол намоён бўлади. Бу ўзига хослиги аруз вазига оид шеърларда яна ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, *анбар афшон* бирикмасидаги сўзлар бўгинларга *ан+бар+аф+шон* ҳолида ажратилса, ҳижоларга *ан+ба+раф+шон* ҳолида ажратилади. Яъни ҳижо, туб моҳияти билан, поэтик нутқнинг бир нафас тўлақинида талаффуз этиладиган қисми бўлади. Адабиётшуносликда шу тушунча билан “ҳижо” сўзи термин мақомини олган.

Ҳижо бадий адабиётда шеър мисрасининг ўлчов бирлиги сифатида қўланади. Бармоқ вазидаги шеърларда мисралар ҳижо миқдорига кўра тенг бўлиши талаб қилинади. Шу унинг учун етарлидир. Бу восита аруз вази учун ниҳоятта катта аҳамиятга эга. Аруз вазидаги шеър байтлари маълум миқдорда бўлган рукнлардан, рукнлар эса маълум тартибдаги узун ва қисқа берилган ҳижолар тизимидан таркиб топади. Ҳижолар ўз-ўзидан бўгинлар тузилишидан ўз ўрнида маълум даража тафовутларга эга. Ҳижо бўгинлардан қуйидаги ўринларда фарқ қилади.

1. Ҳижода қатор ундош қўлланмайди. Бўгинда қатор ундош келиши мумкин. Шундай ўринда бўгин сунъий ҳолда бузилиб, ҳижо талабига мослаштирилади. Фақат мисра охиридаги қўш ундош билан тугаган бўгин бундан мустасно.

2. Ҳижода чўзиқ унли бўлса, у очиқ ҳолда қўланади. Бўгин чўзиқ унли билан ёпиқ ҳолда келиши ҳам мумкин. Бунда ҳам уни сунъий ҳолда бузилиб, ҳижо талабига мослаштирилади. Аммо манتيқ ургуси тушган чўзиқ унлига эга ёпиқ бўгин ўз ҳолича қолади.

3. Ҳижоларда айрим тил орқа унлиларга сунъий чўзиқлик бериш ҳам мумкин. Бўгинларда бундай сунъийликни қўлланмайди. У жонли тилга сиғишмайди.

4. Ўзбек тилига рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг бўгинларида қатор ундош, ҳатто, уч ва тўрт ундошнинг келиши фаолдир. Уларнинг ҳижо қолипига сунъий мослаштиришнинг имконияти чекланган ва ҳатто йўқ даражада.

¹ Крнз.: Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Уқитувчи, 1967. 273-б.

5. Ўзбек тилига рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг бўғинида динамик (зарб) урғуси бўлади. Улар чўзиқлик бермайди ва қисқаликка хос хусусиятни ҳам тутмайди. Ҳижо қисқа ёки чўзиқ бўлади. Уларни мослаштириш мумкин эмас.

Ҳижо билан бўғиннинг ўзаро мос келмаслиги фақат юқоридагиларнинг ўзидан иборат эмас. Бошқа сабаблар ҳам бор. У ҳижонинг аруз вазнида қўлланиши билан боғли юзага чиқади. Бу вазн ўзбек бадий адабиётига араб бадий адабиётидан кириб келган. Аруз вазнидаги ҳижолар узун-қисқалигининг сўзда ўрнашув тизими араб тилидаги сўзда ўрнашув тизимига мувофиқ ҳолда тузилаган. Уларнинг сўзда ўрнашув тизими қонунияти ва хусусияти араб ва ўзбек тилларида бир хил, деб бўлмайди. Уларда маълум тафовутлар мавжуд. Аруз вазнидаги ҳижолар хусусияти ва берилиш характери араб тилидаги нутқ ҳижоларига мослашган. У ўзбек тилидаги ҳижолар хусусияти ва берилиш характеридан бир қатор фарққа эга. Аруз вазнидаги мисра рукнлари маълум тартибдаги узун ва қисқа ҳижолар тизимидан иборат экан, бу рукн таркибида қисқа ҳижо битта ёки иккитаси ёндош берилиши, узун ҳижо бир-иккита ёки ундан ортиғи ҳам бўлавериши мумкин. Араб тилидаги сўзларда бўғин ўрнашуви тартиби шунга жуда мос. Шунинг учун уларни шундай ҳижо тартибига эга сўз сифатида рукнларга жойлаштириб кетаверилади.

Мазкур объектив ҳолатлардан келиб чиқиб, ўзбек тилида аруз вазни билан ёзилган бирор мисрадаги араб тилидан ўзлашган бирор сўзнинг ўз талаффуз меъёридан чекинган ҳолати учрамайди. Бунинг устига улардан ўзлашган сўзларнинг ёпиқ бўғини қатъий ҳолда чўзиқ ҳижо ва очик бўғини чўзиқ унлили бўлса ҳам, чўзиқ ҳижо сифатида қўлланади. Очик бўғини унлиси қисқа келса, қисқа ҳисобида олинади. Сўз бўғинининг *айн* (ع) ундоши билан қўлланганлари ўзбек тилига ўзлаштирилиш кечимида туширилиб, очик ҳолатга келтирилади. Шунда ҳам, ўзлаштирувчи тилда айн (ع) ундоши ўрнида кнаклаут берилиб, бўғиннинг ёпиқлик хусусияти сақланади ва чўзиқ ҳижо сифатида келтирилади. Яна араб тилидан ўзлашган шундай сўзлар борки, улар вазнга туширилганда талаффузи ўзгартирилади. Бу қўш ундош билан тугаган бўғинли сўзлардир. Уларнинг сўнги ундоши қисқа ҳижо сифатида ажратилади.

Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўз бўғинлари типлари бўйича ҳижога ўтиши кўринишлари араб тилидан ўзлашган сўз бўғинлари хусусиятидан деярли фарқ қилмайди. Фақат ўз сўзлардаги очик бўғинларнинг унлиси чўзиқлари қатори тил орқа кенг ва лаб-

ланган унлиларининг чўзиқ ҳижо бўлиш эҳтимоли ҳам кўпроқ. Шунингдек, айрим сўларнинг ёпиқ бўғинлари унлиси чўзиқ келиши ҳам учраб туради. Худди шу фикрларни форс тилидан ўзлашган сўз бўғинларининг ҳижога ўтиш кечимларига ҳам айтиш мумкин.

Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларнинг очиқ ёки ёпиқ бўғинлари жойлашуви тизими араб тилидан ўзлашган сўзларнинг бўғин типлари жойлашувидан фарқ қилади. Айтилганидай, араб тилидан ўзлашган сўз таркибида очиқ бўғинлар иккидан ортиқ, ёпиқ бўғинлар уч ёкм тўртдан ортиқ бўлмайди. Бундай сўзларни байт рукнига маълум тизим билан жойлаштириш қулай. Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларда очиқ ва ёпиқ бўғинларнинг бундай тизим билан келиши қатъий эмас. Масалан, *келишадиганидан бешийсини чақира қолади* синтактик қурилмасида тўрт сўз бўлиб, ўн етти бўғин бор. Улардан фақат биттаси ёпиқ бўғин ва қолган ўн олтитаси очиқ бўғиндир. Яна *кўркамлашгандан кўркамлашган* бирикмаси икки сўздан таркиб топиб, тўққиз бўғиндан иборат. Бу бўғинларнинг ҳаммаси ёпиқ. Очиқ бўғинлар қисқа, ёпиқ бўғинлар чўзиқ ҳижо бўлиши эътиборда тутилса, уларни байт рукнига жойлаштириш тўлалиги билан жунбоқдир. Ўзбек тилида бўғинлари бундай бир кўринишда жойлашган сўзлар жуда кўплаб учрайди. Форс тилидан ўзлашган сўзлардаги бўғин жойлашуви ҳам қарийб шу даражада.

Ўзбек арузчилигида сўзларнинг байт рукнига мослаштирилган бўғинлари жойлашувини юзага келтириш масаласи кўндаланг туради. Бунинг учун, сўздаги қатор очиқ бўғинлардан айримларини сунъий чўзиқ ҳижога айлантириш, қатор ёпиқ бўғинларнинг орасида сунъий қисқа ҳижо яратиш зарурияти туғилади. Ўзбек тилидаги сўз бўғинларини ҳижога моҳиятидан ўзгарган ҳолда ўтказиш тўғри келганча олиб борилмайди. Бу ҳам нутқдаги мавжуд бўғинларнинг маълум типлари доирасида, маълум имкониятлардан четга чиқмаган ҳолда бўлади. Унда, албатта, лексик бирикларнинг семантикасига хилоф қилмаслик ва грамматик шаклларга футур етказмаслик масалалари ҳам ҳисобдан четда қолмайди. Чунки лексик бирик ва грамматикада фонетика ўз қимматига эга. Ҳамма вақт ҳар қандай маъно фонетик шаклда ифода топади. Буни эътиборда тутмаслик нутқ моҳиятини йўққа чиқариш ва аруз вазнидаги шеърятни яроқсиз бир ҳолда шакллантириш бўлади. Бошқача қилиб айтганда, у бичиқчи томонидан бузиб қирқилган матога айланиб қолади.

Нутқдаги айрим ҳижолар типини байт рукнига мослаб кири-

тиш ундаги айрим фонетик имкониятлар билан боғли ҳолда амалга оширилади. Бу имкониятлар қуйидагилардир.

Нутқдаги айрим ҳижолаар типини байт рукнига мослаб киритиш уч асосда олиб борилади: 1) сўзнинг ёпиқ бўғинларини чўзиқ ҳижо сифатида байт рукнига киритиш; 2) сўзнинг очик бўғинларини чўзиқ ҳижо сифатида байт рукнига киритиш; 3) санъхи ҳолатдаги икки сўзнинг туташ бўғинларини ҳижога ўтказиб байт рукнига киритиш.

1 Сўзнинг ёпиқ бўғинлари деярли чўзиқ ҳижо сифатида байт рукнига киритилади. У деярли ҳолатда шундай бўлади. Айрим ҳоллардагина бу қонуният бузилади. Бунга сабаб бўлувчи ҳоллар қуйидагича:

1) Сўзнинг ёпиқ бўғини қўш ундош билан тугаган бўлса, унинг кейинги товуши ёпиқ бўғин ҳисобига юзага келган чўзиқ ҳижо ҳисобида байт рукнига кирмайди. У алоҳида қисқа ҳижони таркиб топтиради. Масалан: *Мулки Ҳинди Марвдан келсам, топардим эътибор* (Муқимий). мисрасида келган *Марвдан* сўзи *Марв+дан* ҳолида икки бўғинлидир. Лекин бу мисрада *Марв+в+дан* ҳолида чўзиқ+қисқа+чўзиқ ҳижолардан иборат. Яъни *Марв* бўғинининг *мар* қисми чўзиқ ва бўғин охиридаги қўш ундошнинг кейинги *в* ундоши қисқа ҳижо сифатида ажралган. Шунга ҳам эътибор бериш лозимки, *Марв* бўғинидан кейин ундош билан бошланувчи *-дан* бўғини келган. Бу ўринда ҳижо охирида қўш ундош бўлмаслиги зарурияти билан кейинги ундош ажратишиб, қисқа ҳижо қилинган. Агар сўзнинг охириги бўғини қўш ундош билан тугаб, кейинги сўз ундош билан бошланса ҳам, ўша ҳол кузатилади. Масалан: *Тушмаган дарде бошига бодард қадрин на билур?* (Хувайдо.) мисрасидаги *бодард* сўзининг сўнги *дард* бўғини қўш ундош билан тугаган. Шунинг учун, у бир чўзиқ ва охириги *д* ундоши ҳисобида бир қисқа ҳижога эгадир. Чунки шу сўз кетидаги *қадрин* сўзи ундош билан бошланган ва у билан санъхи қўлланган. *Бодард* сўзининг кейинги бўғинидаги охириги ундош чўзиқ ҳижо таркибига сиғишмай қолган. Бунинг устига портловчи *д* консонантининг аспирацияси, кетидан яна портловчи *қ* консонанти келгани учун, тараққий этиб қисқа ҳижо юзага келишига асос бўлган.

2) Араб тилидаги айрим сўзларда қўш ундош билан тугаган бўғинлар бўлиб, уларнинг кейингиси *айн* (ع) ундошидан иборатлиги кузатилади. Маълумки, араб сўзлардаги бу ундош ўзбек тилига сўз ўзлаштиришда туширилади ва ўзлаштирувчи тилда унинг ўрнини кнаклаут эгаллайди. Бундай бўғинлар ҳижога айлантириб байт рукнига киритилар экан, *айн* (ع) ундоши ўрнини олган кнаклаут бир қисқа ҳижо ҳисобида берилади. Масалан: *Шамъ равшанроқ*

бўлур торин паришон айлагач (А. Навоий), мисрасидаги *шамъ* сўзи қўш ундош билан тугаган ҳисобланади. Ўзбек тилида қўш ундошнинг кейингиси қаттиқлик белгиси (*ъ*) билан ифодаланган кнаклатда қайд этилади. У мисрада бир қисқа ҳижо ўрнини олган.

3) Сўзнинг ёпиқ бўғини унлиси *ё* чўзиқ, *ё* урғули бўлади. Бундай бўғиналар ҳам байт рукнига чўзиқ ҳижо сифатида киритилиб, кетидаги ундош қисқа ҳижо сифатида олинади ва унга қўшилади. Масалан: *Оҳким ҳамдard йўк, dard ошкор айлай десам* (Фурқат). Бу мисрадаги *оҳким* сўзининг *оҳ* бўғини, *ошкор* сўзининг *ош* бўғини чўзиқ унлига эга ёпиқ бўғиндир. Уларнинг фақат *о* унлиси байт рукнида чўзиқ ҳижо сифтида берилиб, *оҳ* сўзининг *ҳ* ундоши, *ош* бўғинининг *ш* ундоши қисқа ҳижо сифатида қўлланган. Бундай бўғинлар сўз ёки сўз охири ҳолатида байтга киритилса ҳам, у бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижо ўрнини олган бўлар эди. Масалан: *Ой касби нур қилмас* (Фазлий) Бу мисрадаги *нур* сўзининг унлиси чўзиқ. Шунинг учун ҳам, унинг *ну* қисми чўзиқ, *р* ундоши қисқа ҳижо сифатида қўлланган.

Қўш ундош билан тугаган ёки унлиси чўзиқ бўлган бўғин мисра охирида ёки радиф олдидан қўлланса, уларнинг сўнгги ундоши қисқа ҳижо сифатида берилмайди. Масалан: ... *қалбимни вайрон қилдилар* (Муқимий). *Эшигинг турмида тирбанд бўлдимиз* (Завқий). Бу мисраларнинг биринчисида *вайрон* сўзининг сўнгги бўғин унлиси чўзиқ, иккинчисида *тирбанд* сўзининг сўнгги бўғини қўш ундош билан тугаган, лекин охириги ундошлари қисқа ҳижо бўлиб ажралмаган. Чунки улар феъл кесимдан иборат радиф олдидан қўлланган. Яна: *Ваҳки онинг ишқи қилди бағрими кабоб* (Фируз). *Зулми тоғи бирла бўлган бағримиз минг пора халқ* (А. Ғар). Бу мисраларнинг биринчиси чўзиқ унлили бўғин, иккинчиси қўш ундошли бўғин билан тугаган. Улар охиридаги ундош қисқа ҳижо ҳосил қилмаган. Яъни бу ҳолат сўнгги ундош қисқа ҳижо ҳосил қилиши ҳодисаси учун дахлсиздир.

2. Сўзнинг очиқ бўғинлари деярли қисқа ҳижо ҳисобида байт рукнига киритилади. Бироқ айрим сабаблар билан бундан четга чиқилади. Бу ҳам айрим қонуният, ҳам сунъий ёндошувлар натижаси бўлади. Улар қуйидагилардан иборат.

Очиқ бўғинларнинг унлилари табиий чўзиқ бўлиши ҳам, сунъий чўзиқ бўлиши ҳам уларнинг чўзиқ ҳижо сифатида қўлланишига олиб келади.

Айтилганидай, очиқ бўғинларнинг унлилари баъзи хусусияти билан чўзиқ бўлади. Шунга кўра, шу унлига эга очиқ бўғин

чўзиқдир. У ҳижога кўчирилганда ҳам табиий чўзиқ ҳолда байт рукнига киритилади. Масалан: *Сўздин агар айласа хомуш лаб* (А. Навоий). Бу мисрадаги *хомуш* сўзининг биринчи бўғини очиқ. Аммо унинг унлиси чўзиқ бўлганлиги учун, бўғин ҳам чўзиқдир. Бу ҳижо учун ҳам мос ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш яна *олим, ошиқ, озор, эшон, Эрон, лекин* сўзларининг биринчи бўғини очиқ, лекин уларнинг унлиси чўзиқ. Шунинг учун, бу бўғинлар ҳижо сифатида ҳам чўзиқ деб олинади. Бундай унлиси чўзиқ бўлганлиги учун, очиқ бўлса ҳам, чўзиқ ҳижо ҳисобланувчи бўғинлар асосан араб тилидан ва форс тилидан ўзлашган сўзларда учрайди. У ўзбек тилининг ўз лексикасида эса саноқли миқдорга эга.

Ўзбек мумтоз адабиётида очиқ бўғинлар унлисини сунъий чўзиққа айлантириб, байт рукнига чўзиқ ҳижо сифатида жойлаштириш кенг тарқалган. Бунда ҳар қандай очиқ бўғин унлисини ҳам сунъий чўзиққа айлантирилаверилмаган. У сўз бўғини унлисидаги маълум имконият билан боғли ҳолатда юзага келтирилган. Бу асосан сўздаги ёрдамчи урғу олган бўғинларда кузатилади. Масалан: *Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулрў келмади* (А. Навоий). Бу мисрадаги *кеча* сўзининг биринчи бўғини ёрдамчи урғуга эга эди. Уни сунъий чўзилиб, рукнига чўзиқ ҳижо сифатида жойлаштирилган. Бундай ёрдамчи бўғинли очиқ бўғинлар кўпроқ сўзларнинг бошида кузатилади. Чунки ўзбек тилидаги сўзларнинг тоқ тартибдаги бўғинлари асосан ёрдамчи урғули бўлади. Шунинг учун, уни сўзларнинг биринчи бўғинидан ташқари тоқ бўғинларида ҳам учрагилади ва у рукнда чўзиқ ҳижо сифатида қўлланади. Масалан: *Кўзларингнинг шўхлигидан кимга қилсам оҳ-воҳ?* (Муқимий). Бу мисрадаги *шўхлигидан* сўзининг учинчи *ги* бўғини ёрдамчи урғуга эга бўлиб, унинг *и* унлиси сунъий чўзилган ва бўғин чўзиқ ҳижо сифатида байт рукнига берилган. Ўрни келганда шунини ҳам айтиш керакки, от туркумидаги сўзларга қўшилиб келган III шахс бирликдаги эгалик қўшимчалар деярли ёрдамчи урғу олган ва чўзиқ ҳижога ўтказиш учун мойил бўлади.

Ёрдамчи урғу олган бўғинларнинг ҳаммаси ҳам ёппасига чўзиқ ҳижога кўчавермайди. Улар фақат байт рукнидаги тизим талабига тобе ҳолда чўзиқ ҳижога кўчади. Шунини ҳам унутмаслик керакки, *а* унлиси ёрдамчи урғу олган бўғинда эканлигига қарамай, очиқ бўғиннинг чўзиқ ҳижога ўтиши учун асос бўлмайди. Лекин бундан *тарих* сўзининг биринчи бўғини мустасно. Унлиларнинг ҳаммаси ёрдамчи урғу олган очиқ бўғин тарзида келар экан, уни вазн талаби билан сунъий чўзиш мумкин.

Сўзларнинг иккинчи тартибда жойлашган бўғини, а унли-сига эга бўлса, айрим ҳолларда олаштирилиб, байт рукнига чўзиқ ҳижо сифатида жойлаштирилади. Масалан: *...бағрим яродир, найлайин* (Муқимий). Бу қурилмадаги *яродир* сўзи асли *ярадир* бўлиб, бу ўринда унинг иккинчи бўғинидаги *а* унлиси олаштирилган ва у чўзиқ ҳижо сифатида қўлланган. Айни шу ҳолат мисра учун феъллар танланганда ҳам кузатилади. Масалан: *Тифл тошидан ушолур жисми урёним менинг* (Фурқат). Бу мисрадаги *ушолур* феълида иккинчи бўғин унлиси ўзгаришига эътибор бериш кифоя. Бундай товуш ўзгариши шундай ҳолда ҳам кечиши мумкинки, унда сўзнинг биринчи бўғини *о* унлиси иккинчи бўғинидаги *а* унлиси билан ўрин алмашади ва шундай қилиб иккинчи бўғин чўзиқ ҳижо сифатида рукнда берилди. Масалан: *Сурма қўймай мунча ҳам, жонон, қародир кўзларинг* (Муқимий). Бу мисрадаги *қародир* сўзи орфоэпик меъёрга кўра *қорадир* бўлади. Ундаги *о* ва *а* унлилари ўрин алмашуви иккинчи бўғин чўзиқ ҳижо сифатида қўлланишига сабабдир.

Очиқ бўғинлар сўз охирида келса ҳам, чўзиқ ҳижо сифатида қўлланиши мумкин. Бу бир неча ҳолатларда кузатилади. Улар қуйидагилар:

1) Очиқ бўғин билан тугаган сўз мисра охирида келса, бўғин чўзиқ ҳижо сифатида рукнга жойлаштирилади. Масалан: *Елга бергил гулни ул, рухсори зебо бўлмаса* (Ҳ. Бойқаро). Бу мисранинг охиридаги *бўлмаса* сўзининг сўнгги ҳижоси очиқ, лекин чўзиқ. Чунки “Кесимлар гап охирида келса, унинг сўнгги бўғини чўзиқ талаффуз этилади”¹. Бунинг учун, унинг кетидан пауза берилиши мажбурияти сабабдир. Бундай очиқ бўғиннинг чўзиқ ҳижо сифатида келиши мисрани таркиб топтирган гапнинг ҳар бир синтагмаси охиридаги сўзга ҳам хосдир. Масалан: *Ҳар бири жон қасдига боққан балодир кўзларинг* (Муқимий). Бу мисрадаги гапнинг биринчи синтагмаси *қасдига* сўзи билан тугаган. Унинг сўнгги бўғини очиқ, лекин чўзиқ ҳижо сифатида қўлланган. Чунки унинг кетидан пауза кутилади.

2. Кўчирма гапларда муаллиф гапи билан туташ ўринлардаги, уюшиқ бўлақлар ва умумлаштирувчи бўлақдаги, ажратилган бўлақлардаги, анафора ва инфоралардаги, ундамалардаги, кириш ва киритмалардаги сўнгги очиқ бўғин чўзиқ ҳижо сифатида қўлланган бўлади. Чунки улар кетидан нутқда ҳамма вақт пауза кутилади. Пауза олдида ҳижо туриш олади. Бу унинг кетидан келувчи ҳижодан ажратилиб, чўзиб талаффуз этилишини таъминлайди.

¹ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ, Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. –135-б.

Масалан: *Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ?! (А. Навоий.)* Мисра бошидаги *деди* сўзи муаллиф гапидир. Талаффузда унинг кетидан туриш бор. Бу унинг сўнгги очиқ бўғини чўзиқ бўлиши учун сабаб ҳисобланади.

3. Мисрада айрим бўлақлар ўз таъкидига эга бўлгани учун, кейинги сўз билан сандҳи ҳолатда бўлмайди. Бундай бўлақ вазифасидаги сўзнинг сўнгги бўғини очиқ бўлишига қарамай, чўзиқ ҳижо сифатида қўлланганлиги кузатилади. Масалан: *Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади (А. Навоий).* Бу мисрадаги *кўзларимга* сўзи ўздан кейинги сўз билан сандҳи ҳолатда эмас, аксинча, қисқа пауза билан ажралади. Шу ажралош сўнгги очиқ бўғиннинг чўзиқ ҳижо сифатида қўлланиши учун сабаб ҳисобланади.

Сўзнинг очиқ бўғини лексик урғу олган бўлса, байт рукнига чўзиқ ҳижо сифатида жойлаштирилади. Бу қатъий қонуниятдир. Чунки ўзбек тилида лексик урғу тушган сўз бўғини ҳамма вақт чўзиқ талаффуз этилади. Буни лексик урғу олган бўғин байт рукналарида фақат чўзиқ ҳижо сифатида берилганлиги ҳам исботлайди. Масалан: *Дўстлар, кўнглим ҳадисин демангиз Тангри учун (А. Навоий).* Бу мисрадаги *ҳадисин* сўзининг иккинчи бўғинига лексик урғу тушган, лекин у очиқ. Лексик урғу олганлиги унинг чўзиқ ҳижо сифатида берилиши учун сабабдир.

Сўзнинг лексик урғу тушган бўғини, қайси тартибда ва қайси унли билан тутаган бўлишидан қатъи назар, у ҳамма вақт чўзиқ ҳижо сифатида қўлланади. Фақат *а* унлиси сўзнинг сўнгги очиқ бўғинида келиб, лексик урғу олиши ва шу бўғин чўзиқ ҳижо сифатида берилиши мумкин. Масалан: *Ҳама обод бўлди... (Машраб).* Бу гапнинг биринчи *ҳама* сўзида иккинчи бўғин охириги очиқ бўғин ва *а* унлиси билан таркиб топган. Унга лексик урғу берилгани учун чўзиқ ҳижо сифатида рукндан ўрин топган. Бошқа унлилардан бири билан таркиб топган очиқ бўғиннинг чўзиқ ҳижо сифатида берилиши учун бундай чегара йўқ. Улар учун сўз таркибининг барча тартиби ҳам тенг.

Сўзнинг лексик урғу тушган бўғинида гапнинг мантиқ урғуси ҳам берилган бўлса, у очиқ бўғин эканлигига қарамай, байт рукнида чўзиқ ҳижо сифатида берилаверади. Лекин унда квантитативлик билан бирга динамиклик ва мусиқийлик ҳам юзага келганлиги кузатилади. Масалан: *Не учунким бода кирган уйга қайғу келмади (А. Навоий).* Бу мисрадаги *қайғу* сўзига мантиқ урғуси тушган. Шунинг учун ҳам, бу сўзда чўзиқлик билан бирга товуш зарби ва баландлиги ҳам юқори. Унинг мантиқ урғули *-ғу* бўғинида лексик

урғу ҳам ўз қимматини сақлаган. Шу -гу бўғинида ҳам чўзиқлик, ҳам товуш кучи, ҳам товуш баландлигининг бўлиши у алоҳида таъкидга ҳам эга эканлигини кўрсатади.

3. Сандхи ҳолатдаги икки сўзнинг туташ бўғинлари ҳижога солиниб, байт рукнига киритилар экан, ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан номутаносиблик юзага келади. Бу номутаносибликлар куйидагичадир:

1) Сандхи ҳолатдаги икки сўзнинг биринчиси ёпиқ бўғин билан тугаб, иккинчиси унли билан бошланса, аввалги сўз охиридаги ёпиқ бўғиннинг ауслаут ундошини унли билан бошланган кейинги сўз олиб кетади ва унинг ўзи билан бирга талаффуз этилади. Натижада, байт рукнига киритилган сўзнинг охириги бўғини очиқ бўлгани учун, қисқа ҳижо сифатида талаффуз этилади. Масалан: *...анбар афшон айлагач* (А. Навоий). мисрасидаги *анбар* сўзининг кейинги бўғини ёпиқ. У билан сандхи ҳолатдаги *афшон* сўзи унли билан бошланган. Талаффузда *анбар* сўзининг сўнгги ундошини кейинги сўз ўзига олиб, *рафшон* ҳолида берилади. Аввалги сўз *анба* ҳолига келиб, иккинчи бўғини очиқ бўлиб қолади ва қисқа ҳижо сифатида талаффуз этилади. Лекин сандхи ҳолатидаги икки сўзнинг биринчисидagi охириги бўғин очилиб қолар экан, унлиси чўзиқ бўлса, рукнда чўзиқ ҳижо сифатида ўрин олаверади. Бунинг учун ҳам, юқоридаги мисолга эътибор қилишга тўғри келади. Яъни у ердаги *афшон айлагач* бирикувидаги *афшон* сўзининг ауслаут *н* ундоши *айлагач* сўзига қўшилиб, *найлагач* деб талаффуз этилади. *Афшон* сўзи *афшо* фонетик таркибида қолиб, кейинги бўғини очиқ ҳолатга келади, лекин чўзиқ ҳижо сифатида рукндан ўрин олади. Чунки бу бўғин лексик урғуга эгаллиги ҳолда, унлиси чўзиқдир.

2) Сандхи ҳолатдаги икки сўзнинг биринчиси очиқ бўғин билан тугаб, иккинчиси унли билан бошланади. Бунда аввалги сўзнинг ауслаут унлиси билан кейинги сўзнинг анлаут унлиси бирикиб, бир унли ҳолатига келади. Натижада, сандхи ҳолатдаги икки сўзнинг туташ ўрнидаги рукн таркибида бир чўзиқ ҳижо йўқолади. Яъни бўғин миқдорига нисбатан ҳижо миқдори биттага камаяди. Масалан: *мубталоман*, *на айлайин* қурилмасидаги *на айлайин* бирикуви сандхи қўллангани учун, биринчи сўзнинг ауслаути билан иккинчи сўзнинг анлаути ўзаро бирикиб кетган ва орадан бир унли йўқолган. Натижада, *на айлайин* бирикуви ўрнида *найлайин* сўзи ясалган ва у фоилотун ўлчовига мосланган. Яъни икки унли ҳисобига юзага келган бир унли ёпиқ бўғин таркибида чўзиқ ҳижо вазифасини ўтаган.

Сўз сандхисида икки бўғиннинг бир ҳижо сифатида берилиши бир чўзиқ ҳижо ёки бир қисқа ҳижо ҳолатида бўлиши ҳам мумкин. Бу сандхи ҳолатдаги икки сўзнинг кейингиси очиқ ёки ёпиқ бўғиндан иборат бўлишига тобедир. Агар у очиқ бўлса, икки бўғин ҳисобига бир қисқа ҳижо, ёпиқ бўлса, бир чўзиқ ҳижо берилади.

3) Сандхи ҳолатидаги икки сўзнинг биринчиси *и* ауслаутли бўғин билан тугаб, иккинчиси тил ўрта *й* жаранглиси билан бошланса, аввалги сўз ауслаути тушиб қолади. Бунда шу аввалги сўзнинг биринчи бўғини ёпиққа айланади. У байт рукнига бир чўзиқ+бир қисқа+ бир чўзиқ ҳижо сифатида жойлашади. Масалан: *Қўлларига қўйди хино яли-яли* (А. Навоий). Бу мисрадаги *яли-яли* радифида биринчи сўз *и* унлиси билан тугаган. У билан сандхи ҳолатдаги кейинги сўз *й* ундоши билан бошланган. Уларнинг талаффуз ўрни ва усули яқин бўлгани учун ўзаро сингишиб кетган. Натижада, *ял* бир чўзиқ ҳижо сифатида ва *яли* сўзи бир қисқа ва бир чўзиқ ҳижо сифатида жойлашган. Мисра *Қўлларига қўйди хино ял-яли*. деб талаффуз этилади.

Демак, ҳижони нутқнинг бир нафас тўлқинида берилган қисми, деб қаралиши керак.

ХУЛОСА

Ўзбек тилининг ўз ва ўзлашган лексикасига мансуб сўзлар бўғини, шу бўғин чегараси тузилиши, типлари, хусусияти ҳақида қилинган тадқиқотлар ўз хулосаларини берди. Булар қуйидагилардан иборатдир:

1. Бўғин лингвистик бирлик бўлса ҳам, уни лингвистик бирликларга қиёслаб изоҳлаб бўлмайди. У сўзнинг, аниқроғи, нутқнинг бир товушланиш баландлиги билан ўлчанувчи, бир нафас тўлқинида қайд этиладиган, бўғин боши ва охирининг артикуляцион экскурсияси ва рекурсияси ёндош товуш артикуляцион экскурсияси ва рекурсияси билан қўшилиб кетмайдиган қисмидир. У бир унли ёки айримлари бир сонантга марказлашган бўлади.

2. Ҳар бир бўғинда бир унли бўлади. Айрим бўғинлар таркибида унли бўлмаслиги, унинг ўрнида сонант бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бундай бўғинлар полисиллабик сўзларда битта учрайди. Бўғин таркибида ундош учрамаслиги ҳам, учраши ҳам мумкин. У ўз лексикага оид сўзлар бўғинида биттадан учтагача, рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган лексикага оид сўзлар бўғинида биттадан тортиб бештагача бўлиши кузатилади.

3. Бўгин ўз лексикага оид сўзларда биринчи бўгиндан кейинги барча бўгинлари бир ундош билан бошланади. Араб ва эроний тиллардан ўзлашган қатламдаги сўзлар бўгини ҳақида ҳам шуни айтиш жоиз. Ўз сўзларнинг ҳам, араб ва эроний тиллардан ўзлашган сўзларнинг ҳам биринчи бўгини, араб тилидан ўзлашган айрим сўзларнинг кейинги бўгинидан ҳам бири унли билан бошланган бўлиши кузатилади. Бу унли билан бошланган бўгин боши талаффузида, албатта, кнаклаут қайд этилади. Рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган лексикага оид сўзлардаги интервокал ундошлар деярли кейинги бўгин боши вазифасини ўтайди. Агар интервокал ундош бирдан ортиқ бўлиб, биринчиси сонант ёки *й ё в* ундошларидан бири бўлса, у ёки аввалги бўгин лексик урғу олса, интервокал ундошлардан бири аввалги бўгинда қолади ва қолганлари кейингисига ўтади. Сўздаги қатор ундошлар ўртасидан бўгин ажралади. Бўгин ажратишда кўшма сўздаги негизлар бутунлигига ҳам эътибор қилинади.

4. Бўгинлар тузилишига кўра очиқ бошланувчи бўгин ва ёпиқ бошланувчи бўгин, очиқ бўгин ва ёпиқ бўгин, чўзиқ бўгин ва қисқа бўгинларга бўлинади.

5. Бўгинлар таркиби уч қисмдан иборат: 1) бўгин маркази – бўгин ҳосил қилувчи унли ва баъзан сонант, 2) бўгин боши – бўгин унлиси олдидаги ундош, 3) бўгин охири – бўгин унлисидан кейин келган ундош. Бўгин боши кўтарилувчи, бўгин охири тушувчи ундош товушлар бўлади. Унлидан иборат бўгин маркази 4 балл ҳисобланса, бўгин боши ва охирида қўлланувчи ундошлар: сонант 3 балл, жарангли 2 балл, жарангсиз 1 балл ҳисобланади.

6. Бўгин билан ҳижо деярли бир хил фонетик ҳодисалардир, лекин бир хил томони асоси билан ўзаро фарқ қилади. Бўгин сўз қисми, ҳижо нутқ қисми ҳисобланади. Ҳижони нутқ бутунлигида олиб ажратилади. Бунда охириги бўгин ауслаути ундошини кетидан унли билан бошланган сўзга кўчирилади. Бунинг учун, сўзлар сандхи қўлланган бўлади. Урғули бўгин охиридаги унли ва бўгин охирининг қўш ундошидан кейинги ундош қисқа бўгин сифатида шакллантирилади. Ёрдამчи урғули очиқ бўгин унлисини сунъий чўзиқ ҳолда берилиши ҳам кузатилади. Ҳижога сунъий ҳолда ҳам ёндашиш мумкин.

3-БОБ

А К Ц Е Н Т У А Ц И Я

Тил бирлигининг шакли нутқ товуши ёки нутқ товушларидан иборат. Бу тилшуносликда алақачон қайд этилган. Шунга қарамай, омонимия ҳақида фикр юритган айрим тилшунослар сўзнинг графикадаги қайддини ҳам унинг шакл компонентларидан бири деб ҳисоблайдилар¹. Умуман тил бирлигининг, шу жумладан сўзнинг ҳам, объектив эканлиги эътиборда тутилса, субъектив моҳиятга эга ёзув унинг шакли бўла олмайди. Чунки, фалсафа нуқтаи назаридан ёндашилса, объектив борлиқдаги нарсалар ва ҳодисалар объектив ҳолда ўз мазмуни ва ўз шаклига эга. Улар ҳеч қандай ёзувга, яъни график қайдга алоқасиз ҳолда мавжуд. Тил бирликлари ёзув яратилмасидан ҳам аввал бўлган, яшаган эди ва ҳозир ҳам унга алоқасиз ҳолда яшамоқда, яшайверади ҳам. Ёзув уларни фақат қайд этиб қўйиш вазифасини ўтайди.

Тил бирлигининг шакли нутқ товуши ёки нутқ товушларидан иборатлиги ҳолда, шу товушларнинг оддий артикуляцияси ҳам бўлиб, шу артикуляция кечимида товушларга сарфланган товуш кучи, баландлиги, вақт миқдори кабилар ҳам бор. Мана шу тил бирликлари ўзаро алоқага, коммуникацияга киришар экан, у нутқ товушларида ифода топган нутқ кечимининг бир бўлаги, яъни сегменти бўлади. Шу нутқ кечимидаги бўлакка мансуб товушлар ўзига хос товуш кучи, баландлиги ва вақт миқдорига ҳам эга ҳолатда воқеланади. Бу унинг просодик томони², яъни суперсегменти ҳисобланади. М. И. Матусевич ҳам нутқнинг просодик томонини

¹ Қриг.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. –Тошкент: Ўқитувчи, 1970. 27-б.; Турсунов У. Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. –Тошкент: Ўқитувчи, 1975. 41-б.; Кеңесбаев Г., Мусабаяв Ғ. Қазирги қазақ тілі. –Алма-Ата: Мектеб, 1975. 51-б.; Фомина М. И. Современный русский язык. Лексикология. –М.: ВШ, 1983. –С. 55; Nurmatova M., Rixsiyeva G. O'zbek tili. –Toshkent, 2006. 33-b.

² Қриг.: Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –М.: Просвещение, 1976. –С. 222; Хазерге башкорт теле / Ау. ред. З. Ғ. Ураксин, К. Ғ. Ишбаев. –Өфө: Китап, 1986. 92-б.

суперсегмент элемент деб қарайди¹. Мана шу суперсегмент элементлардан бири ҳисобланган урғу акцентуациянинг текшириш объектидир. У нутқдаги гап бўлаги ёки товуш ва бўғинларнинг турлича қайд этилишида кузатилади. Урғу ёки товуш ва бўғинлардан алоҳида мавжуд бўлмай, у нутқ оқимида талаффуз этилиб, бирор бўлак ёки сўз бўғинида воқеланади². У нутқнинг бирор компонентида қайд этилар экан, шу урғу ўша компонентнинг талаффузидаги хусусияти ҳисобланади. Нутқнинг урғу акс этган компоненти маълум бир сатҳдаги фонетик бирлик бўлмай, турли сатҳдаги фонетик бирликлар ҳолатида кузатилади. Урғулар тианинг қайси сатҳдаги фонетик бирликда намоён бўлишига қараб, уч типга бўлинади: 1) сўз урғуси, 2) синтагма урғуси, 3) айирув урғуси³. Шулардан сўз урғуси акцентуациянинг моҳиятини ўзида акс эттиради. Сўз урғуси ҳақида гап кетар экан, нутқ акценти масаласи тадқиқ этилган бўлади⁴. Акцентуация сўз урғусининг воқеланиши масаласидир. Сўз урғуси сўзнинг бирор бўғини бошқа бўғинаарига нисбатан ё товуш кучи, ё товуш баландлиги, ё товуш чўзиқлигига кўра фарқли талаффуз этилиши бўлади⁵. Сўз урғусини олган бўғиннинг бошқа бўғинаарга нисбатан фарқланиши бу белгиларнинг фақат биттасига таяниб қолмай, бирдан ортигига ҳам таяниши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, рус тилидаги сўз урғуси бирор бўғиннинг бошқа бўғинаарга нисбатан товуш кучи ортиқлигига кўра фарқ қилади. Товуш кучи баланд бўғинда табиатан ҳам товуш баландлиги юзага келади. Бу рус тилшунослигида қайд этилган⁶. Немис тилидаги сўз урғулари ҳам шу хусусиятга эга⁷. Араб тилида-

¹ Қрғ.: Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –С. 222. Бошқа бир қатор тилшунослар ҳам шу тушунчани суперсегмент термини билан атайдилар. Қрғ.: Ахманова О. С. Словар лингвистических терминов. –М.: СЭ., 1966. –С. 394; Буланин А. Л. Фонетика современного русского языка. –М.: ВШ., 1970. –С. 161; Фанов М. В. Современный русский язык. Фонетика. –М.: ВШ., 1979. –С. 166; Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. –Тошкент: Фан, 2009. 164-б.

² Қрғ.: Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. Ўша бет.

³ Қрғ.: Мойсеев А. И. Русский язык. –М.: Просвещение, 1975. –С. 78; Зиндер Л. Р. Общая фонетика. –М.: ВШ., 1979. –С. 258.

⁴ Қрғ.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳмагуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-нашр. 89-б.

⁵ Қрғ.: Щербан А. В. Об ударении // Языковая система и речевая деятельность. –Л.: Наука, 1974. –С. 176.

⁶ Қрғ.: Буланин А. Л. Фонетика современного русского языка. –С. 167.

⁷ Қрғ.: Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. II Band. –Leipzig: VBI, 1970. –S. 998.

ги сўз урғулари эса тамоман бошқача: чўзиқликка асосланган¹. Ҳар қандай ҳолда сўз урғуси ҳам товуш ва бўғинлардан алоҳида мавжуд бўлмай, нутқ оқимида улар билан бирга, улар кечимида воқеланади. Яъни товуш ва бўғинлар нутқ кечимида талаффуз этилар экан, шу талаффуз давомида сўз урғуси ҳам намоён бўлади². Бу эса нутқ акцентини шакллантириб боради, шу тилнинг ўзига хос талаффузини белгилаб беради. Яъни ҳар бир тилнинг ўзига хос акценти шу тилдаги сўз урғуси хусусияти билан боғлиқдир.

Тилнинг ўзига хос талаффузини белгилаб бериш урғунинг муҳим вазифаси бўлгач, табиий равишда, у сўзнинг муқаррар белгиси бўлади ва ҳар бир сўзнинг бўғинида ўз аксини топади. Яъни ҳар бир сўзнинг бирор бўғини урғуни ўзида акс эттирувчи энг юқори талаффуз нуқтаси, муҳим нуқтаси бўлиб қолади³. Бошқача қилиб айтганда, сўзнинг фонетик ядроси унинг урғу тушган қисми ҳисобланади⁴. У сўзнинг бошқа бўғинларини ўзида марказлаштиради, яъни нутқ кечимидаги сўз талаффузи маркази шу урғули бўғин бўлади, сўзнинг бир бутун ҳолатда берилишини таъминлайди⁵. Шунингдек, сўз талаффузига экспрессивлик, эмоционаллик эмфатиклик илова қилади⁶. Масалан, *тўғри* сифатининг биринчи бўғинига урғу юклатилган. Шунинг учун, бу сўзда маънони кучайтириб қўллаш, яъни экспрессивлик мавжуд. Сўз урғусида прогматик вазифа ҳам ўз ўрнини топган.

Сўз урғуси ҳақида гап кетганда, доимо у сўзнинг бирор бўғинига тушганлиги гапирилади. Яъни шу бўғиннинг бошқа бўғинларга нисбатан ё товуш кучи, ё товуш баландлиги, ё товуш чўзиқлиги ортик

¹ Қрғ.: Raquette G. The accent problem in Turkish // Lunds Universitets Arsskrift, №7, A. vol.1. XXIV.4. –Lund-Leipzig, 1927. –S. 15–16.

² Қрғ.: Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –С. 222.

³ Қрғ.: Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. –Л.: Наука, 1970. –С. 110; Федянина Н. А. Ударение в современном русском языке. –М.: РЯ., 1976.

⁴ Қрғ.: Махмудов А. Соотношение сингармонизма, ударения и звукового строя языка // Тюркское языкознание. –Ташкент: Фан, 1965. –С. 295.

⁵ Қрғ.: Киссен И. А. Краткий очерк фонетики русского языка в сопоставлении с фонетикой узбекского языка. –Ташкент: Учпедгиз, 1952. –С. 46; Моисеев А. И. Русский язык. –М.: Просвещение, 1975. –С. 78; Махмудов А. Соотношение сингармонизма, ударения и звукового строя языка. –С. 292; Бадуэн де Куртене И. А. Резья и резьяне // Словянский сборник. –Спб., 1876. –С. 322.

⁶ Қрғ.: Бернштейн С. И. Вопросы обучения произношению. –М., 1937. –С. 41; Киссен И. А. Краткий очерк фонетики русского языка в сопоставлении узбекского языка. –С. 47; Махмудов А. Соотношение сингармонизма ударения и звукового строя языка. –С. 294.

эканлиги зикр этилган. Аслида бундай эмас. Ургу одатда маълум бир сўзнинг бирор бўгин унлисида юзага келади¹. Шу бўгин унлиси бошқа бўгин унлиларига нисбатан фарқли талаффузга эга бўлади. Шунга қарамасдан, сўз ургуси ўша унли товушнинг эмас, сўзнинг характерли белгиси ҳисобланади². Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ургу асосан унлига тушган бўлса ҳам, бўгиннинг бошқа товушлари, яъни ундош товушларида ҳам ўз аксини маълум даражада топади³. Масалан, *мазмуни* сўзининг биринчи бўгинига ургу тушган. Унинг *а* унлиси 105 мсек. чўзиқ талаффуз қилинган. Шунга мувофиқ ҳолда *м* сонанти 70 мсек., *з* жаранглиси 90 мсек. чўзиқликка эга. Шу сўзнинг бошқа бўгинларидаги бирор товуш бу даражада чўзиқ эмас. У шу хусусиятига кўра сўздаги бошқа бўгинларни ўзига бўйсундиради, яъни талаффузда уларни ўзига марказлаштиради⁴. Сўз ургусининг энг юксак вазифаси сўзнинг умумий фонетик қиёфаси шаклланишида муҳим аҳамият касб этишидир⁵. Нутқ кечимида чўзиқ унли қўлланар экан, у сўз таркибида тўла, англашиларли, ёрқин қайд этилади⁶, ўз тембри билан ургусиз бўгин унлиларига нисбатан фарқ қилади⁷, сўзнинг тўғри талаффузини белгилайди⁸.

А. А. Буланиннинг алоҳида таъкидлашича, сўз ургуси сўзнинг ажралмас белгиси ҳисобланади, у ҳар бир сўзда шубҳасиз бўлади⁹. Бу билан у мустақил маъноли сўзларнинг лексик маънога эга бўлиши ҳақида фикр юритган эди. Бу тўғри. Сўз ургусининг яна бир кўриниши борки, уни ёрдамчи ургу дейилади. У ёрдамчи сўзлар бўгинига, сўз шаклларида ҳам берилади. Лекин у бошқа бўгинлар талаффузини ўзида марказлаштирамайди, балки ўзи орқали мустақил сўз негизида берилган лексик ургули бўгинга тобелайди. Шунга

¹ Қрнғ.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 2-н. 65-б.; Моисеев А. И. Русский язык. –С. 80; Щерба Л. В. Об ударении. –С. 47; Махмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка. Автореф, дисс. ... докт. филол. наук. –Ташкент, 1980. –С. 28; Тўйчиев Б. Ўзбек тили тарихий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 72-б.

² Қрнғ.: Федянина И. А. Ударение в современном русском языке; Буланин А. А. Фонетика современного русского языка. –С. 166.

³ Қрнғ.: Матусевич М. И. Современный русский язык. –С. 222.

⁴ Қрнғ.: Зиндер Л. Р. Общая фонетика. –С. 259.

⁵ Қрнғ.: Зиндер Л. Р. Ўша асар. Ўша бет.

⁶ Қрнғ.: Лебедева Ю. Р. Пособие по фонетике русского языка. –М.: ВЯ., 1981. –С. 94.

⁷ Қрнғ.: Матусевич М. И. Современный русский язык. –С. 225.

⁸ Қрнғ.: Ҳайдаров А. А. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2011. 15-б.

⁹ Қрнғ.: Буланин А. А. Фонетика современного русского языка. –С. 162.

биноан, сўз урғусини икки кўринишга бўлиб тадқиқ этиш мумкин: 1) лексик урғу, 2) ёрдамчи урғу. Ўзбек тилида сўз урғуси сифатида ёрдамчи урғунинг ҳам борлиги шу тилда сўз урғусининг тўла шаклланиб етганлигини кўрсатади.

ЛЕКСИК УРҒУ

Ўзбек тилидаги сўзларнинг лексик урғусини аксарият динамик (зарб) урғу деб келинади. Яъни ўзбек тилидаги сўзлар лексик урғусини зарб – товуш кучи билан амалга оширилади, деб қаралади. Бу фикр, шубҳасиз, рус тилшунослигининг таъсири билан айтилган. Чунки ўзбек тили фонетикаси дастлаб рус туркологлари томонидан яратилган. Рус тилидаги сўзларнинг лексик урғуси товуш кучи – зарб билан қайд этилади. Уни шундайлигича ўзбек тилига тадбиқ қилиб юборилган¹. Бу ўринда эшитиб чиқарилаган тусмолга суянилган. Булардан кейинги фонетика билан шуғулланган ўзбек тилшунослари шубҳасиз уларга эргашди. Чунки уларнинг кўпчилиги рус тилшунослари раҳбарлигида етишиб келган тилшунослар эди². Агар улар нуқтаи назаридан ўзбек тилидаги айрим сўзларга ва, ҳатто, айрим отларга ҳам, назар ташланса, лексик урғу қайси бўғинда эканини аниқлаш мумкин бўлмай қолади. Масаан, форс тилидан ўзлашган ‘йўнгичқа’ маъноли *беда* сўзига эътибор берилса, унинг ҳар икки бўғини ҳам бир хил товуш кучи билан талаффуз этилган. Бу сўзнинг ҳар икки бўғини ҳам 6 мм. амплитуда товуш кучига эга. Албатта, бунга қараб қайси бўғинда лексик урғу борлигини айтиб бўлмайди. Рус тилида ҳам шундай фонетик таркибга эга ‘бечора’ маъноли *беда* сўзи мавжуд. Унинг талаффузида биринчи бўғин унлиси 6 мм. амплитуда товуш кучи билан, иккинчи бўғин унлиси 7 мм. амплитуда товуш

¹ Қрғ.: Боровков А. К., Ғуломов А. Ғ., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент: Ўздавнашр, 1949. 23-б.; Gabain A. Ozbekische Grammatik. –Leipzig und Wien: Otto Harrassowitz, 1945. –S. 26; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. –Л.: Изд АН СССР. –С. 52; Решетов В. В. Узбекский язык. Ч. I. Фонетика. –Тошкент: Учпедгиз, 1959. –С. 219.

² Қрғ.: Ғуломов А. Ғ. Ўзбек тилида урғу. –Тошкент: Учпедгиз, 1948. 5-б.; Махмудов А. А. Словесное ударение в узбекском языке. Автореф дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1957. –С. 15; Шу муал. Словесное ударение в узбекском языке. –Ташкент: Изд. АН Узб ССР, 1960. –С. 49; Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Камол таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1957. 103-б.; Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-кт. / Ғ. А. Абдурахмонов таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1966. 71-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 88-б.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. –Тошкент: Фан, 2009. 165-б.

кучи билан қайд этилади. Агар бу сўзни русларнинг ўзи талаффуз этса, иккинчи бўгин унлиси учун 8 мм. амплитуда товуш кучи сарфланади. Бунда яққол кўриниб турибдики, рус тилидаги *беда* сўзининг иккинчи бўгини лексик урғули бўлиб, у зарб урғусидир. Агар бу сўзларнинг унлиси товуш чўзиқлиги эътибори билан таҳлил этилса, тамоман бошқа ҳолат кузатилади. Рус тилидаги *беда* сўзининг ҳар икки бўғинидаги унлига бир хил 70 мсек. вақт сарфланган. Ўзбек тилидаги *беда* сўзининг биринчи бўгин унлисига 90 мсек., иккинчи бўгин унлисига 150 мсек. вақт кетган. Шунга кўра айтиш мумкинки, ўзбек тилидаги сўз лексик урғуси бўғиндаги урғунинг товуш кучи амплитудаси билан эмас, товуш чўзиқлиги билан белгиланади. Рус тилидаги *беда* сўзининг ҳам, ўзбек тилидаги *беда* сўзининг ҳам иккинчи бўғинига лексик урғу тушган, лекин рус тилидаги лексик урғу товуш кучи амплитудаси билан, ўзбек тилидаги лексик урғу товуш чўзиқлиги миқдори билан характерланади. Яъни рус тилидаги лексик урғу сўз бўғинидаги унлининг зарб билан талаффуз этилганига асослангани ҳолда, ўзбек тилидаги лексик урғу сўз бўғинидаги унлининг ортиқ миқдорда чўзиқ талаффуз этилишига асосланган, у квантитатив урғудир. Шунинг учун ҳам, кейинроқ А.Маҳмудов докторлик диссертацисида, ўз экспериментларига асосланган ҳолда, “Унлиларнинг чўзиқлиги сўз урғусини белгилайди”, деган фикрни илгари сурган эди¹. Албатта бу ўринда у ўзбек тилидаги сўз лексик урғусини назарда тутганлиги маълум. Бу фикри билан А. Маҳмудов ўз амалиёти билан тўғри хулосага келган, деб ҳисоблаймиз.

Кўринадики, ўзбек тилидаги сўзларнинг бирор бўғинига лексик урғу тушар экан, у тушган бўгин унлиси бошқа бўгин унлиларига нисбатан ортиқ миқдордаги мсек. вақт билан қайд этилади. Шунинг учун, ўзбек тилидаги лексик урғуни квантитатив урғу деб қаралиши керак.

Ўзбек тилидаги сўзларнинг лексик урғуси, айтилганидай, чўзиқлик урғусидир. Бу ўзбек тилидаги барча лексик урғу учун қонуният ҳисобланади. Лекин ўзбек тилига рус тилидан ва у воситасида бошқа тиллардан жуда кўп сўзлар ўзлаштирилган. У ўзбек тили сўз бойлигида 26 фоиздан ортиқдир. Ваҳоланки, улар тилидаги сўзларнинг лексик урғуси зарб урғуси – динамик урғу бўлади. Мана шу сўзлар лексик урғуси зарб урғуси бўлгани ҳолда, ўзбек тилига ўзлаштирилар экан, у акцент жиҳатидан ўзлаштирувчи тилга мослаштирилади. Масалан, рус тилида *академик* сўзидаги

¹ Қриг.: Маҳмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка. – С. 28.

товуш кучи $5,5+5+7+4$ мм. амплитуда куч билан талаффуз этилиб, товуш чўзиқлиги $30+60+40+20$ мсек. вақт олади. Улардаги товуш кучига эътибор берилса, учинчи бўгин унлисидаги товуш кучи юқори. У зарб билан талаффуз этилган лексик урғуга эга. *Академик* сўзининг учинчи бўгин унлиси бошқа бўгинларга нисбатан чўзиқ эмас, аксинча қисқароқдир. Ундан ҳеч нарса аниқлаш мумкин эмас. Бу сўз ўзбек тилига ўзлаштирилгач, тамоман бошқа ҳол кўзга ташланади. *Академик* сўзи ўзбекча талаффузда бўгинларидаги унлиларининг товуш кучи $5,5+5+5+4$ мм. амплитуда билан, товуш чўзиқлиги $30+30+140+20$ мсек. билан қайд этилади. Маълумки, лексик урғу олган учинчи бўгин унлисининг товуш кучи аввалги бўгинлар унлисининг товуш кучи билан деярли тенглашган, аммо товуш чўзиқлиги кескин ошган. Яъни лексик урғу олган бўгин унлиси чўзиқлик ҳолатига мослашган. Тилшунос И. А. Киссен бундан нотўғри хулосага борган. Унингча, ўзбек тилидаги сўзлар лексик урғуси динамикдир. Лекин улардаги товуш кучи рус тилидаги урғули бўгин унлисининг товуш кучи даражасида баланд эмас, паст. Бунинг устига улар (ўзбекларни назарда тутиаяпти) рус тили орқали ўзлашган сўзларнинг лексик урғули бўгини унлисини бошқа бўгин унлиларидан товуш кучи жиҳатдан фарқламастан талаффуз этадилар¹. У ўзбек тили ўзлашган сўзларининг динамик урғусини ўз акцентига бўйсундириб, квантитатив лексик урғуга айлантириб олганини ҳисобда тутма билмаган. Ўзбек тилида лексик урғу тўла шакланган. У сўз семантикаси маркази шу сўз фонетик қурилишининг қайси нуқтасида эканлигини таъкидлаб кўрсатиб беради. Лексик урғу сўзда прогматик ифодани бериш мажбурияти билан нутқда талаффуз меъёри энг ривожланиши даврига боғли ҳолда юзага келган.

Юқоридагига ўхшаш яна *динамит*, *станок*, *блокнот* сўзларининг сўнгги бўгин унлиси; *табуретка*, *скамейка*, *телевизор* сўзларининг охиридан олдинги унлиси рус тилида юқори товуш кучига эга бўлгани ҳолда, шу сўзлар ўзбек тилига ўзлашгач, чўзиқлик урғуси ҳолатини олган. Бу ўзбек тилининг четдан сўз ўзлаштириш кечими улар лексик урғусини ўз сўзлари лексик урғусига хос ҳолатга келтиришдек қатъий қонуниятга эга эканлигини кўрсатади. Шу ўзбек тилига хос талаффуз меъёрларидан бири ҳисобланади.

Кўринадики, ўзбек тили чет тиллардан сўз ўзлаштирар экан, улардаги лексик урғу сифатини ўзидаги сўзларнинг лексик урғуси сифатига мослаштириши қатъий қонуниятдир.

¹ Қрнғ.: Киссен И. А. Краткий очерк фонетика русского языка в сопоставлении с фонетикой узбекского языка. – С. 47.

Ўзбек тилининг сўз лексик урғуси учун чўзиқлик асосий компонент ҳисобланади. Яъни ўзбек тилидаги сўзларнинг лексик урғу тушган бўғини унлиси бошқа бўғин унлисидан, шубҳасиз, нисбатан чўзиқ бўлиши шарт. Шу билан бирга унда маълум даражада товуш кучи ҳам аҳамият касб этади. Лекин у иккинчи ўринда туради. Айрим ҳолларда ўзбек тилидаги сўзларнинг лексик урғу олган бўғин унлиси, бошқа бўғин унлиларига нисбатан, ҳам товуш чўзиқлиги, ҳам товуш кучига кўра ортиқ бўлади. Масалан, *бурун* сўзининг иккинчи бўғинига лексик урғу тушган. Шунинг учун, шу иккинчи бўғин унлиси 80 мсек. чўзиқликка эга бўлиб, биринчи бўғин унлиси 20 мсек. чўзиқликда, яъни иккинчи бўғин унлиси биринчи бўғин унлисидан тўрт баравар чўзиқ. Бу унга чўзиқлик урғуси берилганлигини кўрсатади. Шунга мутаносиб ҳолда иккинчи бўғин унлиси 6 мм. амплитуда юқори куч билан талаффуз этилиб, биринчи бўғин унлиси 5,5 мм, амплитуда юқори куч билан талаффуз этилади. Бу лексик урғу тушган бўғин унлиси товуш кучи жиҳатдан ортиқ эканлигини кўрсатади. Шунга кўра шу лексик урғу тушган бўғинни зарб урғули дейиш учун имкон туғилади. Лекин қиёсан олиб қараганда, чўзиқлик урғусининг кўрсаткичи ортиқроқ ва ёрқинроқдир. Урғу тушган бўғин унлисининг товуш кучи бошқа бўғин унлисининг товуш кучига нисбатан ортиқ бўлса ҳам, товуш чўзиқлигидаги фарққа қараганда жуда паст. Бундай ҳол кўпроқ кучайтирма даража сифатларида кузатилади. Масалан, кучайтирма даражадаги *қиззиқ* сифати бўғинларидаги унлилар 90 ва 40 мсек. чўзиқликда, шунингдек 6 мм. ва 4,6 мм. амплитуда товуш кучида талаффуз этилади. Бу сўзнинг лексик урғуси биринчи бўғинга тушган. Бу сўзда ҳам лексик урғули бўғин урғусиз бўғинга нисбатан товуш чўзиқлиги товуш кучи олдида салмоқли ортиқликка эга.

Айрим сўзларнинг бўғинларидаги унлилар товуш кучи жиҳатдан ўзаро фарқсиз бўлгани ҳолда, урғули бўғинлардаги унлининг товуш чўзиқлиги ортиқ бўлишига кўра фарқланиши билан характерланади. Масалан, *қизил*, *қуруқ* сўзларининг бўғинлари унлиси бир хил товуш кучига эга: *қизил* сўзи 6 мм., *қуруқ* сўзи 5,5 мм. амплитуда баланглигига эга. Улардаги бўғин унлиси чўзиқлиги *қизил* сўзида 30 мсек. ва 80 мсек.; *қуруқ* сўзида 25 мсек. ва 90 мсек. давом этади. Яъни лексик урғу фақат товуш чўзиқлиги билан ифода топган.

Лексик урғули бўғин унлисидаги товуш кучи лексик урғусиз бўғин унлисининг товуш кучидан паст бўлиши мумкинлиги ҳақида юқорида айтилган эди. Бироқ сўздаги лексик урғули бўғин унли-

си урғусиз бўғиннинг энг юқори амплитудали унлисидан 0,5 мм., кўпи билан 1 мм. кам бўлади. Бу фарқ ундан ортиқ амплитуда билан деяри кузатилмайди.

Кўринадик, сўзнинг лексик урғули бўғини унлиси амплитудаси юқори бўлиши билан ҳам маълум даража белгиланади. Лекин у нисбийдир. У урғусиз бўғиннинг энг юқори амплитудали унлисига нисбатан ё 1 мм. юқори, ё тенг, ё кўпи билан 1 мм. амплитуда паст бўлади. Шу билан характерланади.

Полисилабик сўзларнинг бўғинлари бир хил миқдордаги товуш таркибига эга бўлмайди. Уларнинг ҳар бири таркибида бир унли бўлиши муқаррар. Лекин улар таркибида ундош бўлиши ва миқдори турлича эканлигига кўра турличадир. Уларнинг айримлари таркибида мутлақо ундош қатнашмаслиги ва айримлари таркибида бир ёки тўрт, ҳатто, бештагача ундош қатнашиши кузатилади. Бўғинларнинг бундай кўп товушдан таркиб топганлари, шубҳасиз, катта чўзиқликка эга бўлади. Масалан, *ўқисин* буйруқ феълнинг биринчи бўғинига 110 мсек., иккинчи бўғинига 100 мсек., учинчи бўғинига 223 мсек. вақт сарфланган, яъни биринчи бўғинига нисбатан учинчи бўғинига икки баравар кўп вақт берилган. Чунки биринчи бўғинда бир унлининг ўзи, учинчи бўғинда бир унли ва икки ундош бор. Шунга қараб, учинчи бўғинни лексик урғули деб олинмайди. Лексик урғу, айтилганидай, бу сўзнинг биринчи бўғинига тушган. Лексик урғу сўзнинг маълум бўғинида таркиб топган товушларга сарф этилган вақт миқдорига қараб эмас, улардаги унлига сарфланган ё товуш кучи, ё вақт миқдорига қараб белгиланади¹. Бу сўзнинг биринчи бўғини бир унлидан иборат бўлиб, бошқа бўғин унлиларига нисбатан энг чўзиқ – 140 мсек. вақт олган.

Кўринадик, полисилабик сўзларнинг қайси бўғини лексик урғу олганлиги бўғиндаги унлига сарфланган вақт миқдори ортиқлиги билан белгиланади.

Сўз лексик урғусида товуш баландлиги унча аҳамият касб этмайди. Масалан, юқорида келтирилган *ўқисин* буйруқ феълнинг биринчи бўғин унлиси 140 мсек. иккинчи бўғин унлиси 20 мсек., учинчи бўғин унлиси 90 мсек. вақт чўзиқликка; биринчи бўғин унлиси 5 мм., иккинчи бўғин унлиси 2 мм., учинчи бўғин унлиси 4 мм. амплитуда товуш кучига эга. Бу ўлчовлар *ўқисин* феълнинг биринчи

¹ Қрғ.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. 65-б.; Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –С. 225; Махмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка. –С. 28; Тўйчибоев Б. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. 72-б.

бўғинига лексик урғу берилганлигини кўрсатади. Чунки ундаги унли чўзиқлиги бошқа бўғинлардаги унли чўзиқлигига нисбатан анча ортиқ. Ундаги товуш кучи ҳам бошқа бўғинлар товуш кучига нисбатан анча юқори. Товуш баландлиги бу сўз унлиларининг барчасида бир хил – 160 гц. Яъни товуш баландлиги сўз урғусини белгилаш қимматига кўп ҳолларда эга эмас. Одатда деярли товуш баландлиги бутун сўз учун бир хил берилади ёки бўғинлар унлисининг товуш баландлиги бир-биридан жуда кам фарқ қилади. Бу фикр, албатта, сўзлари мусиқий урғули бўғинга эга тиллар учун тадбиқ этилмайди. Ўзбек тилидаги сўзлар эса чўзиқлик урғусига эга.

Ўзбек тилидаги сўз бўғинлари унлисига берилган товуш баландлиги гоҳо бир-биридан катта фарққа эга бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бунда баланд товуш полисиллабик сўзнинг дастлабки бўғинида, паст товуш охирги бўғини ёки бўғинларида бўлади. Яъни сўздаги товушлар баланд бошланиб, охирига томон пасая бориш хусусияти нутқнинг табиати билан боғлиқдир. Ундаги бу хусусиятнинг кучли ҳолати табиати сушт кишиларнинг нутқида яққол кўзга ташланади. Улар тузган гапларининг охирини ютиб юборадилар. Бу, албатта, гап интонациясининг табиий хусусияти билан боғли ҳолатда, уни кучайтириб юзага чиқарилади. Гапларнинг, айниқса, дарак гапларнинг кесими, феъл кесими охирги бўғини ёки бўғинларига келиб, товуш баландлиги пасаяди. Буни синтагманинг сўнгги бўғинида ҳам кузатилади. Шу пасайиш ўзини шу бўғин унлисидаги товуш кучи амплитудасида акс эттириши ҳам мумкин. Масалан, *изларсан* феълига эътиборни қаратайлик. Унинг биринчи бўғини унлиси 216 гц., иккинчи бўғини унлиси 187 гц., учинчи бўғини унлиси 176 гц. баландликда талаффуз этилган. Табиийки, бундай сўнгги бўғинларда лексик урғу бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бу феълнинг лексик урғуси биринчи бўғинда қайд этилган. Унинг биринчи бўғини унлиси 120 мсек., иккинчи бўғини унлиси 90 мсек., учинчи бўғин унлиси ҳам 90 мсек. вақт чўзиқ талаффуз этилади. Бу сўзнинг биринчи бўғин унлиси 5 мм., иккинчи ва учинчи бўғин унлилари 4,5 мм. амплитуда товуш кучи билан берилган. Сўзнинг биринчи бўғин унлисининг товуш чўзиқлиги, кучи, баландлиги ортиқ бўлиб, уларнинг охирги бўғин унлисида пасайган. Бу пасайиш гап интонациясининг тугалланмасига хосдир. У полисиллабик феълларнинг биринчи бўғинига лексик урғу тушиши билан ҳеч қандай боғлиқликка эга эмас.

Айрим ҳолда товуш баландлигининг юқоридаги каби кескин пасайган сўнгги бўғинларида унлисининг бошқа бўғин унлиларига

нисбатан кескин чўзиқ талаффуз этилганлиги ҳам кузатилади. Масалан, *Икковин ҳам дабдаласи чиқарилди*. гапи охирида кесим вазифасида берилган мажҳул нисбатидаги *чиқарилди* феълига эътиборни қаратайлик. Унинг биринчи бўгин унлиси 20 мсек., иккинчи бўгин унлиси 80 мсек., учинчи бўгин унлиси 50 мсек., охирги бўгин унлиси 140 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Унинг иккинчи бўгини лексик урғу олган. Буни ундаги чўзиқлик, 6 мм. амплитуда юқори товуш кучи ва 200 гц. товуш баландлиги ҳам тасдиқлайди. Лексик урғу тушган бўгин унлисидаги товуш баландлиги атрофидаги бўгинлар унлисининг товуш баландлигидан деярли фарқ қилмайди, дейилган эди. Бу ўринда ҳам худди шундай. Шу сўзнинг охирги бўгини унлиси эса 140 мсек. чўзиқлик билан қайд этилган. Ваҳоланки, тор унлининг чўзиқ талаффуз этилиши имконияти чегараланган. Шунга қарамай, у лексик урғули бўгин унлисидан сал кам икки баравар чўзиқ. Шунга қараб, шу бўгинга лексик урғу берилган, дейиш нотўғри бўлар эди. Чунки бу бўгиндаги унли чўзиқлиги ундаги товуш баландлигининг пасайиши билан боғлиқ. Бу сўзнинг сўнгги бўгинидаги унлиси баландлигидан аввалги бўгинлар унлисидан икки баравар камайган, яъни 100 гц.га тушган. Буни бутун гапдаги сўзлар бўгини унлиларидаги товуш баландлигига нисбатан солиштириш ҳам мумкин. Кўрсатилган фарқ бир хиллигича қолаверади. У дарак гап охиридаги товуш баландлигининг пасайиши ва шу орқали нутқ чўзилиши билан боғлиқ, гапдаги интонацион тугалланма билан алоқадор. Унинг шу сўздаги лексик урғу билан боғлилиги йўқ. Бу ўриндаги бўгин унлисининг товуш чўзиқлиги лексик урғу олган бўгин унлисидаги товуш чўзиқлигига ўхшаса ҳам, товуш баландлигининг кескин пасайганлигига кўра ундан туб фарққа эга.

Сўз охиридаги бўгин унлисининг товуш чўзиқлиги ва товуш баландлиги пасайиши синтагма интонациясининг тугалланмаларида ҳам кузатилади. Уларни ҳам сўз лексик урғуси билан адаштирмаслик керак.

Кўринадики, гап ёки синтагма охиридаги сўзнинг сўнгги бўгин унлиси чўзиқ келиши унинг лексик урғу олиши эмас. Унинг сўз лексик урғуси билан алоқаси йўқ. У лексик урғули бўгиндан унлисидаги товуш баландлигининг кескин пасайиши билан фарқ қилади.

Айрим ҳолатларда товуш сифати, аниқроғи, кенг ёки торлиги ҳам бўгиндаги унлининг товуш кучи ёки чўзиқлиги кам ёки ортиқ бўлишида аҳамият касб этади. Масалан, *китоб* ва *ҳисоб* сўзларининг биринчи бўгин унлиси 10 мсек. ва иккинчи бўгин унлиси 150

мсек. чўзиқдикка эга бўлгани ҳолда; биринчи бўғин унлиси 5 мм., иккинчи бўғин унлиси 6,5 мм. амплитуда товуш кучи билан талаффуз этилган. Шундан келиб чиқиб, бўғинга урғу берилиши ундаги унлининг кенглиги билан ҳам боғли, деган фикрга келиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, урғу сўз бўғинларининг кенглигига қараб аниқланади. Лекин бундай эмас. Унинг акс ҳолати ҳам кузатилади. Масалан, *тариқ* ва *сўлим* сўзларига эътиборни қаратайлик. *Тариқ* сўзининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликда; *сўлим* сўзининг биринчи бўғин унлиси 35 мсек. иккинчи бўғин унлиси 75 мсек. чўзиқликда қайд этилган. Бу сўзларнинг биринчи бўғин унлилари нисбатан кенг бўлса ҳам, иккинчи бўғин унлисига нисбатан кам вақт олган. Чунки лексик урғу биринчи бўғинда эмас, иккинчи бўғинда берилган. Урғу бўғин унлисининг кўп вақт олишини белгилайди. Товуш кенглиги лексик урғу тушишини кўрсатмайди. Шунга ўхшаш лексик урғу сўз бўғини унлиси кенглигига тобе бўлмаганидай, товуш кучи ҳам унга тобе эмас. Эътибор беринг: *тариқ* сўзининг биринчи бўғин унлиси 5 мм. ва иккинчи бўғин унлиси 6,2 мм. амплитуда; *сўлим* сўзининг биринчи бўғин унлиси 5,5 мм. ва иккинчи бўғин унлиси 6 мм. амплитуда куч билан талаффуз этилган. Шунга кўра айтиш мумкинки, кенг артикуляцияга эга унли ўзи оид бўғинга урғу тушишини белгиламайди, балки ўзи оид бўғиндаги унлида товуш чўзиқлиги ортиқ ва товуш кучи юқори амплитудада бўлиши учун имконият туғдиради.

Кўринадики, сўз бўғинидаги унлининг кенг артикуляцияга эга бўлиши шу бўғинга лексик урғу тушишини белгиламайди, балки унда товуш чўзиқлиги ортиқроқ ва товуш кучи юқорироқ амплитудали бўлишига имконият туғдиради.

Лексик урғунинг яна бир муҳим компоненти товуш тембри, яъни сифатидир. Бу урғу тушган бўғин товушларининг аниқ, яъни артикуляцияси ва акустикаси кам-кўстсиз амалга ошиши билан белгиланади. Унда товушлар компоненти сўзловчига хос обертоналар ва резонатор тонларга тўла эга бўлади. Шунинг учун, сўздаги бундай бўғин тингловчи томонидан аниқ қабул қилинади. Буни, айниқса, бир бўғинли сўзлардан тузилган гапларда аниқ кузатиш мумкин. Чунки бундай гапларнинг барча бир бўғинли сўзлари ўз лексик урғуси билан мавжуд. Масалан, *Бу ер – кўп сөз ер.* гапига эътибор берилса, ундаги ҳар бир сўз алоҳида-алоҳида ажратилиб, ҳар бири унлисини етарли чўзилган ҳолда, товушлари аниқ талаффуз этилган. Чунки бу гапнинг ҳар бир товуши ўз тембрига тўла эгадир. Товуш-

лардаги бу сифатнинг мавжудлиги ургули бўғинга хос маълум даража товуш чўзиқлиги ва кучи билан ҳам боғли бўлади.

Кўринадики, сўзларнинг бўғинидаги лесик урғусида товуш чўзиқлиги билан товуш тембри ҳам ўз аҳамиятига эгадир.

Лексик урғунинг яна бир муҳим компоненти сўз чегарасини белгилаш хусусияти ҳисобланади. Лексик урғунинг товуш чўзиқлиги билан бирга унинг товуш кучи ва тембри ҳам маълум даража аҳамиятга эга бўлади. Унинг, айниқса, охирги бўғинга тушиши ўзига хос аҳамият касб этади. Бунда сўз кетидан ёрдамчи сўз вазифасидаги аффикс қўлланганида яққол кўзга ташланади. Бунда улар коммуникацияда алоҳида, ўзига хос вазифа ўтайди. Унинг вазифаси сўз кетидан келган аффикс сўз ясовчи ёки шакл ҳосил қилувчими ёки ёрдамчи сўзми эканлигига аниқлик киритишдир. Масалан, *пиёлачи* сўзининг охирги бўғини ясовчи аффиксдир ва унга лексик урғу тушган. Унинг биринчи бўғин унлиси 40 мсек. ва 5 мм. амплитуда, иккинчи бўғин унлиси 45 мсек. ва 6 мм. амплитуда, учинчи бўғин унлиси 70 мсек. ва 5,5 мм. амплитуда, охирги бўғин унлиси эса 120 мсек. ва 5 мм. амплитуда билан талаффуз этилган. Яъни бу ўринда лексик урғу сўнги бўғинга берилган ва у ясовчи аффикс эканлиги маълум. Сўзнинг учинчи бўғинига лексик урғу олинса, у 100 мсек. чўзиқ ва 6 мм. амплитуда талаффузли бўлади. Шунда *-чи* аффикси унлисининг чўзиқлиги 90 мсек. ва товуш кучи 4,5 мм. амплитудага келади. Бу унинг *пиёла* сўзидан ажратилганлиги ва алоҳида ёрдамчи сўз – юклама эканлигини кўрсатади. Унинг мазмуни *пиёла* ҳақидаги сўроқ ҳисобланади. Умуман, бундай ўринларда лексик урғу от ёки бошқа туркумдаги денотатив маъноли сўз билан юклама каби ёрдамчи маъноли сўзлар чегарасини белгилайди.

Лексик урғунинг сўзларни бир-биридан чегаралаш вазифаси уларни денотатив маъноли сўзларнинг негизидагина эмас, ҳатто шакл ҳосил қилувчи аффиксларида ҳам бўлишига олиб келади. Масалан, юклама билан қўлланган феъл *бўлмаса-чи* иборасига эътиборни қаратайлик. Унинг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси ҳам 70 мсек. учинчи бўғин унлиси 120 мсек. ва юклама унлиси 90 мсек. чўзиқликка эга. Лексик урғу *бўлмаса* феълнинг шарт майлига туширилган. Чунки феъл шу аффикси кейинги *-чи* юкламасидан талаффузда ажратилиши керак. Бу вазифани шарт майлининг *-са* аффиксида берилган лексик урғу бажаради.

Нутқда кўп учрайдиган *сенми, қозғоз-ку, ун-да, юмуш-ла* сўзларининг охирги бўғинига лексик урғунинг берилиши улар-

нинг ўзидан кейинга ёрдамчи сўзлардан чегараланиши учун хизмат қилади. Лексик урғу ёрдамчи сўзларга сурилмайди, яъни ўтмайди. Улар доимо бирор денотатив маъноли сўзга қўшилиб талаффуз қилинади, энклитик ҳисобланади.

Умуман лексик урғу денотатив маъноли сўзларда бўлиб, ёрдамчи сўзларда кузатилмайди. Ёрдамчи сўзлар ўзбек тилида деярли ҳолда энклитик бўлиб, проклитика ҳолда учрамайди. Фақат ва боғловчиси проклитика ҳисобланади. Шунинг учун, ёрдамчи сўзлар сўз шакли каби синтактик вазифа бажаради.

Кўринадики, лексик урғу фақат денотатив маъноли сўзларда бўлиб, уни маълум бўғинга марказлаштиради ва охириги бўғинда келса, сўз чегарасини белгилайди. У ёрдамчи сўзга берилмайди.

Лексик урғунинг хусусиятларидан яна бири полисилабик сўздаги тутган ўрни бўлиши мумкин. Лекин бу хусусият барча тилларда ҳам бирдай бир тизимда кузатилавермайди. Масалан, немис тилига мансуб сўзларнинг бошида келган бўғин, албатта, лексик урғу олган бўлади. Яъни Schüler ‘ўқувчи’, Mädchen ‘қиз’, Mütter ‘она’ сўзларининг биринчи бўғини лексик урғулдир. Улар унлиси кейинги бўғин унлисидан 1,5 мм. ёки 2 мм. амплитуда ортиқ товуш кучига эга. Поляк тилида ҳам лексик урғу худди шунга ўхшайди. Бу тилдаги сўзларнинг охиридан олдинги бўғини лексик урғу олган бўлади. Масалан, polski ‘полякча’ сўзининг биринчи, polskiego ‘полякка оид’ сўзининг иккинчи бўғинида лексик урғу бор. Яъни ҳар икки сўзнинг охиридан аввалги бўғини лексик урғулдир. Улар унлиси бошқа бўғин унлиларидан нисбатан 1,5 мм. амплитуда ортиқ товуш кучи билан талаффуз этилади. Шунга ўхшаш чех тилидаги сўзлар лексик урғуси ҳам фақат биринчи бўғинда қайд этилади. Бу тартиб бу тилларда алоҳида тизимни ташкил қилади. У шу тиллар учун қатъий қонуниятдир. Шунинг учун, уларнинг сўзларидаги лексик урғу боғли урғу деб қаралади. Боғли урғу муайян бир тилдаги сўзларнинг фақат бир тартибдаги бўғинига тушадиган лексик урғудир. Мазкур немис, поляк ва чех тилларидаги лексик урғу учун бўғиннинг сўз таркибидаги мавқеи унинг белгиси – хусусияти вазифасини ўтайди.

Рус тилида тамоман бошқа ҳолат кузатилади. Бу тилдаги лексик урғу сўзнинг қайси бўғинида бўлиши қатъий эмас. Масалан, рус тилидаги биринчи бўғинида лексик урғуси бўлган *дорога* сўзи ‘қиммат’ маъносини, иккинчи бўғинида лексик урғуси бўлган *дорога* сўзи ‘йўл’ маъносини, учинчи бўғинида лексик урғуси бўлган *дорога* сўзи ‘азиз’ маъносини беради. Яъни рус тилидаги *дорога*

омограф бўлиб, унинг таркибидаги ҳар бир сўз маълум бўғинидаги лексик ургусига қараб, турли маънодаги турли сўзни билдиради. Бу сўзларнинг ўзига хос лексик урғули бўғинидаги унлиси 1,2 мм. товуш кучи билан бошқа бўғин унлилари товуш кучидан ортиқ. Бу тилдаги сўзларнинг лексик ургуси учун маълум тартибдаги бўғин қатъий ўрин бўла олмайдди. Бу сўзларнинг лексик урғуси эркиндир. Эркин урғу муайян бир тилдаги сўзларнинг аниқ бўлмаган бирор бўғинида акс этадиган лексик урғудир. У ҳамма вақт ўз фонемик қимматиغا эга бўлади. Шунини ҳам айтиш керакки, у фақат фонетик қимматга эга бўлиб қолмай, ё семантик, ё грамматик аҳамиятга эгаллиги ҳам аксарият ҳолларда кузатилади¹. Масалан, юқорида рус тилидан келтирилган *дорога* омографи таркибидаги сўзларнинг эркин урғуси семантик аҳамиятлидир. Эътибор беринг: рус тилидаги *дóрога* 'қиммат', *дорóга* 'йўл', *дорогá* 'азиз' сўзлари шундай. У сўзлар семантикаси билан воқеланишида қимматини юзага чиқарган.

Юқорида лексик урғунинг сўзлардаги тартиб ўрни ҳақида гапирилган экан, фақат динамик урғуга эга тиллар назарда тутилди. Лексик урғуси квантитатив бўлган тилларнинг сўзларидаги бўғин жойлашуви тартиби қонуниятига ҳам эътибор беришга тўғри келади. Айтилдики, ўзбек тилидаги лексик урғулар квантитатив урғулардир. Уни кўпгина тилшунослар боғли урғу, сўзнинг сўнгги бўғинига тушади, деб кўрсатадилар. Берган таҳлилларини ҳам асосан от туркумига оид сўзлар доирасида олиб борадилар². Агар ўзбек тилидаги от туркумига оид сўзларнинг лексик урғусига эътибор берилса, ҳақиқатан ҳам кўпи сўнгги бўғинга тушганлиги кузатилади. Бу эса уларнинг боғли урғу эканлигини кўрсатади. Масалан, *истара* отининг биринчи бўғин унлиси 20 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек., охириги бўғин унлиси 160 мсек. вақтни олган. Яъни охириги бўғинга лексик урғу тушган. Бу сўзга *-лик* ясовчиси қўшилса, ясалган *истаралик* сўзининг биринчи бўғин унлиси 20 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек., учинчи бўғин унлиси

¹ Қрғз.: Киссен И. А. Очерк фонетики русского языка в сопоставлении с фонетикой узбекского языка. –С. 47; Матусевич М. И. Современный русский язык. –С. 226; Панов М. В. Современный русский язык. Фонетика. –С. 166.

² Қрғз.: Боровков А. К., Ғуломов А. Ғ., Маъруфов З. М., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм. 24-б.; Ғуломов А. Ғ. Ўзбек тилида урғу. 5-б.; Решетов В. В. Узбекский язык. I. –С. 314; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 55; Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. / Ғ. Абдурахмонов таҳр. ост. 72-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. 65-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. 88-б.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 166-б.

90 мсек. ва охирги бўгин унлиси 150 мсек. чўзиқликда талаффуз этилади. Бу ясама сўзнинг охирги бўгинига лексик урғу берилган. Умуман от туркумида янги сўз ясалар экан, ўзакнинг сўнгги бўгинидаги лексик урғу ясовчи аффиксга кўчади¹.

Ясама от ясаишида лексик урғу сўнгги бўгин томон интилади. Бу ўзбек тилига оид сўзларда лексик урғу сўзнинг кўпроқ сўнгги бўгинида қайд этилувчи боғли урғу эканлигини кўрсатади ва у ясама отларнинг охирида келиши асосий хусусиятлардан бири бўлиб қолади. Яъни ўзбек тилидаги лексик урғу сўз бўгинларининг маълум тартибида келиш хусусиятига ҳам эга, дейишга тўғри келади. А. Махмудов унлилар урғу тушган сўзнинг сўнгги бўгинида ортиқ бўлишини таъкидлайди². Бунда у умуман сўзларнинг сўнгги бўгинини назарда тутган. Бироқ от туркумининг ўзида ҳам кўплаб шундай сўзлар учрайдики, лексик урғу уларнинг олдинги бирор бўгинида бўлади. Масалан, *совга* отининг биринчи бўгин унлиси 90 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек.; *эркак* ва *сўқмоқ* отининг биринчи бўгин унлиси 100 мсек. ва иккинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилади. Умуман бисилаабик отларнинг биринчи бўгини ёпиқ бўлса, улар унлиси иккинчи бўгин унлисидан деярли чўзиқ эканлиги кузатилади. Шунингдек, бисилаабик отларнинг биринчи бўгини очиқ ва унлиси иккинчи бўгин унлисидан кенг бўлса ҳам, шу ҳол ўз аксини топиши мумкин. Масалан, *хотин*, *қоя* сўзларининг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек. чўзиқликка эга. Шу билан бирга лексик урғу отларнинг эгалик, кўплик, келишик ва кичрайтиш-эркалаш қўшимчаларига кўчмайди. Масалан, эгалик билан турланган *ўғлим* отига эътибор қилинса, унинг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқ. Унинг эгалик қўшимчаси бўлган иккинчи бўгини унлиси нисбатан қисқа. Маълум бўладики, лексик урғунинг сўнгги бўгинга боғлилиги ҳамма отларга эмас, асосан ясама отларга хосдир. Шу билан у иккинчи бўгини кенг бўлган бисилаабик от-

¹ Қрғ.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 65-б.; Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. –С. 118; Турсунов У, Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги Ўзбек адабий тили. 82-б.; Тўйчиев Б. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. 72-б. Бу бошқа туркий тилларда ҳам кузатилади. Қрғ.: Современный татарский литературный язык. Лексикология. Фонетика. Морфология. –М.: Наука, 1969. –С. 99; Грамматика хакасского языка / под ред. Н. А. Баскакова. –М.: Наука, 1975. –С. 44; Кеңесбаев Г., Мұсабаев Ф. Қазіргі қазақ тілі. Лексика. Фонетика. –Алма-Ата: Мектеб, 1975. 273-б.

² Қрғ.: Махмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка. –С. 28.

ларнинг ҳаммасида кузатилади. Бу кўрсатадики, А. Маҳмудовнинг хулосаси, гарчи у эксперимент натижаси дейилган бўлса ҳам, отлар нуқтаи назаридан ҳам, нисбийдир. Бизнинг далиллар уни оқламайди.

Сўзнинг сўнгги бўғинига лексик урғу тушиши фақат от туркумидаги маълум сўзларда кузатилиб, бошқа туркумга мансуб сўзларда деярли учрамайди. Феъл туркумига оид сўзларнинг ўзида шахс, сон, замон, бўлишсизлик, майл категориялари сўз шаклига лексик урғу тушмайди. Масалан, бунга юқорида ўқисин сўзи келтирилиб, биринчи бўғинда лексик урғу борлиги кўрсатилаган эди. Унинг учинчи бўғини буйруқ майли шаклидир. Бунинг устига -ла феъл ясовчисига ҳам кўп ҳолларда сўз яшаш кечимида лексик урғу кўчирилмайди. Шу аффикс воситасида тақлидий-тасвирий сўзлардан феъл ясалар экан, лексик урғу ундан аввалги бўғинга берилган бўлади. Масалан: *биқирла-, гусурла-, шарақла-, шалопла-, гупурла-, гусурла-, гувурла-, тасирла-, гижингла-, пишилла-* каби феълларнинг ҳаммасида лексик урғу, эксперимент кўрсатишича, -ла аффиксининг чўзиқлигига нисбатан олдинги бўғиндаги унли чўзиқлиги 30–40 мсек. ортиқдир. Яна орттирма даража сифатлар, равишлар, сонлар ва асосий оломошларнинг сўнгги бўғинида умуман лексик урғу бўлмайди. Яъни ўзбек тилидаги лексик урғу деярли боғли эмас, балки эркиндир. Ундаги сўзларнинг лексик урғуси учун маълум тартибдаги бўғинни эгаллаш муҳим хусусият бўла олмайди.

Кўринадики, ўзбек тилидаги лексик урғулар деярли эркин урғудир. У фақат ясама отларда ва айрим гуруҳ отларда боғли бўлиб, сўнгги бўғинда қайд этилади.

Демак, ўзбек тилидаги лексик урғу квантитатив бўлиб, ўзлаштирилган сўзларнинг бўғинидаги динамик урғуни ҳам ўзгартириб, ўз таъсирига олади. Лексик урғунинг чўзиқлиги у оид бўлган сўз бўғини таркибидаги товушларга кетган вақт билан эмас, шу бўғиндаги унлига кетган вақт билан ўлчанади. Унинг учун маълум даража товуш кучи ва тембри ҳам аҳамият касб этади. Гап ва синтагма тугалланмаси билан боғли сўз сўнгги бўғинидаги унлининг ортиқ даража чўзиқлиги лексик урғу билан алоқадор эмас. Улардаги товуш баландлигининг пасайиши лексик урғудан фарқлаб юборади. Ўзбек тилидаги лексик урғу асосан эркин бўлиб, сўнгги бўғинга кўчирилиши отларни ўзидан кейин келган ёрдамчи сўзлардан чегаралайди. У фақат денотатив маъноли сўзларда берилиб, ёрдамчи маъноли сўзларда ўз ўрнини топмайди. Ёрдамчи маъ-

ноли сўзлар ўзидан олдинги сўз лексик маъносига марказлашади. Сўзларнинг бўғинидаги товуш баландлиги ва унлиси кенг бўлиши унга лексик урғу тушиши учун ҳеч қандай аҳамиятли эмас.

Отларда лексик урғу

Ўзбек тилидаги от туркумига оид сўзларнинг лексик урғуси, бошқа туркумдаги сўзларнинг лексик урғусига ўхшаш, квантитатив урғудир. Унда динамик урғу маълум даража аҳамиятга эга ҳолда кўзга ташланади. Ўзбек тилидаги лексик урғу, тилшунослар қайд этганидай, динамик эмас, квантитатив бўлганидай, боғли ҳам эмас, эркиндир. Бу ҳақда ҳам юқорида айтилган. Яна шуни ҳам такрорлашга тўғри келадики, ўзбек тилидаги сўзлар лексик урғусини боғли деб кўрсатганлар уни асосан от туркуми доирасида таъкидлашга ҳаракат қилганлар¹. Лекин бу таъкид ҳам нисбийдир. Ўзбек тилидаги отлар лексик урғусининг экспериментал таҳлили бу фикр ниҳоятда субъектив эканлигини кўрсатди.

Ўзбек тилидаги кўп отлар бисиллабикдир. Уларнинг қарийб ярмида биринчи бўғин очиқ келади. Шу очиқ бўғин билан бошланувчи бисиллабик сўзлар, иккинчи бўғини очиқ-ёпиқ эканлигидан қатъи назар, лексик бўғинни ўзида ташийди. Масалан, *дада*, *кўча*, *қанот* отларининг ҳамасида иккинчи бўғин унлиси 110 мсек. чўзиқликка эга ва улар лексик урғулдир. Бу сўзларнинг биринчи бўғини унлиси нисбатан қисқа: у биринчи ва учинчи сўзларнинг биринчи бўғинида 90 мсек., иккинчи сўзнинг биринчи бўғинида 70 мсек. талаффуз этилади. Бундай иккинчи бўғинига лексик урғу тушган отлар учун яна *юрак*, *туя*, *ёғоч*, *ака*, *туман* каби бир қатор ўз лексикага оид сўзларни ҳам келтириш мумкин. Шуни ҳам таъкидлашга тўғри келадики, бу сўзларнинг ҳаммасида ҳам иккинчи бўғин кенг артикуляцияга эга. Лекин бисиллабик отларнинг иккинчи бўғин унлиси тор артикуляцияли бўлиб, ўзида лексик урғу ташиши ҳам кузатилади. Бу ҳолатда ўша отнинг биринчи бўғинида тор унли келган бўлади. Масалан, *киши* ва *ийгит* отларининг иккинчи бўғин унлиси тор. Шунга қарамай, улар лексик урғуни ўзида ташиган. Бироқ *киши* отининг шу бўғин унлиси 70 мсек., *ийгит* сўзининг шу бўғин унлиси 80 мсек. вақт олган. Шунга яраша бу отларнинг биринчи бўғин унлиси ҳам тор бўлиб, ҳар

¹ Қрғ.: Гуломов А. Ф. Ўзбек тилида урғу. 7-б.; Решетов В. В. Узбекский язык. I. –С. 203; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 52; Турсунов У., Муҳторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 88-б.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 165-б.

икки сўзда ҳам 15 мсек. чўзиқликка эга. Тор унлиларда ўз табиатига кўра чўзиқ талаффуз этилиш имконияти кам¹.

Биринчи бўғини очик бисилабик отларнинг иккинчи бўғинига лексик урғунинг тушиши у охирги бўғин бўлгани учун эмас, сўнгиговуш ёки говуш жуфти генетик жиҳатдан ясовчи эканлиги ва унга таъкид берилганлиги билан боғлилиги, деб қаралади. Шунинг учун ҳам, бундай таркибли сўзлар ундалма вазифасида қўлланганда унинг лексик урғу олган бўғин унлиси ниҳоятда чўзиқ талаффуз этилади. Гапда ундалма вазифасида қўлланган *ота* сўзининг иккинчи бўғин унлиси 230 мсек. чўзиқликда қайд этилган. Бу сўзнинг биринчи бўғин унлиси 120 мсек. чўзиқликка эга бўлган. Маълумки, бу сўзнинг лексик урғуси иккинчи бўғинда берилган.

Бисилабик отларнинг биринчи бўғинига ҳам, айтилганидай, лексик урғу тушганини кўплаб учратиш мумкин. Бунда дексик урғу тушган биринчи бўғин унлиси иккинчи бўғин унлисига нисбатан кенг бўлади. Масалан, *бола, хотин, қоя* сўзларининг ҳаммасида ҳам биринчи бўғинга лексик урғу тушган. Улар унлиси ҳар уч сўзда ҳам 100 мсек. чўзиқ талаффуз этилади. Булардан *бола* сўзининг иккинчи бўғин унлиси 80 мсек., *хотин* сўзининг иккинчи бўғин унлиси 40 мсек., *қоя* сўзининг ҳам иккинчи бўғин унлиси 40 мсек. чўзиқликда берилган. Иккинчи бўғин бу уч сўзда ҳам унлиси нисбатан тор талаффуз этилганлиги учун урғусиздир. Яна *денгиз* сўзининг ҳам биринчи бўғинига лексик урғу берилган. Бу бўғин унлиси 120 мсек. чўзиқ вақт олиб, иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга. Лекин биринчи бўғин унлиси кенг унлидир. Шунинг ўзи унга кифоя қилган.

Бисилабик сўзларнинг биринчи бўғини очик келиб, унлиси кенг бўлиши ва, албатта, унга лексик урғу тушиши қатъий қонуният эмас. Улар тор бўлиши ҳам кузатилади. Бу кам учрайдиган ҳодиса бўлмай, тилда талайгина бор. Масалан, бошқа ўринда биз унга *тариқ* ва сўлим сўзларини келтириб таҳлил этиб берган эдик. *Тариқ* сўзининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек. иккинчи бўғин унлиси 70 мсек.; *сўлим* сўзининг биринчи бўғин унлиси 35 мсек., иккинчи бўғин унлиси 75 мсек. чўзиқликда деб қайд этилган². Маълумки, лексик урғу уларнинг иккинчи бўғинида берилган. Шунга ўхшаш яна *арик, ўрик, қўшин, тўсин, хачир, багир* каби иккинчи бўғини

¹ Ж. Т. Маматов сўз бўғинларининг биринчисида берилган тор унлилар редукцияга берилувчан эканлигини алоҳида таъкидлаган ва осциллографик таҳлиллар билан исботлаган эди. Қрғ.: Маматов Ж. Т. Ўзбек тилида редукция. Филол. фан. номз. ...дисс. қўлёзмаси. –Тошкент, 2009. 48-б.

² Бу ҳақда “Лексик урғу” сарлавҳаси остида таҳлил берилган.

лексик урғу олган, биринчи бўғини очиқ ва унлиси кенг сўзларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбек тилида биринчи бўғини очиқ бисиллабик ўзлашган сўзлар ҳам салмоқли миқдорни ташкил қилади. Улар ичида отлар асосий қисми олади. Бунинг учун арабча бисиллабик отларга эътиборни қаратиш тўғри келади. Масалан, *шафақ*, *одам*, *ватан* сўзларини таҳлил этиб кўриш мумкин. *Шафақ* отининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 130 мсек.; *одам* отининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 115 мсек.; *ватан* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек. вақт олади. Бу ҳар уч отнинг ҳаммасида ҳам иккинчи бўғинида лексик урғу мавжудлигини кўрсатади. Яъни араб тилидан ўзлашган бисиллабик отларнинг биринчи бўғини очиқ бўлса, лексик урғу асосан иккинчи бўғинга жойлашади. Бу ҳам ўз лексикадаги каби нисбий ҳолатдир.

Араб тилида феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи шахсни кўрсатувчи отни яшаш учун, феълнинг биринчи ундошидан кейин *a* унлиси иккинчи ундошидан кейин қисқа *u* унлиси қўлланади. Натижада, ҳосил бўлган отнинг фонетик таркиби биринчиси очиқ бўғинли бисиллабик от бўлгани ҳолда, ҳар икки бўғини ҳам чўзиқ бўлади. Шу от ўзбек тилига ўлаштирилгач, биринчи бўғиндаги *a* унлиси *o* унлиси билан алмаштирилади ва у чўзиқ унли сифатида талаффуз этилади. Бу ўлаштирилган бисиллабик от эса биринчи бўғин унлиси иккинчи бўғин унлисидан чўзиқ бўлгани ҳолда, у лексик урғули бўлади. Масалан, араб тилидаги *كتب* 'ёзмоқ' маъноли феълдан *كاتب* 'ёзувчи шахс' маъноли от ясалгани каби¹. У араб тилида биринчи унлиси чўзиқ *a*: ҳолида *ка:тиб* деб талаффуз этилган. Ўзбек тилига чўзиқ *a*: унлиси чўзиқ *o*: ҳолида олинган ва бу от *ко:тиб* талаффузида бўлган. Ўлашма *котиб* отининг биринчи бўғин унлиси 160 мсек. ва иккинчи бўғин унлиси 30 мсек. чўзиқлик билан қайд этилади. Натижада, мазкур сўзнинг биринчи бўғини лексик урғули талаффуз этиладиган чўзиқ бўлиб қолади². Бу сўз ўзбек тилига асли *китоб* фонетик таркибида ўлаштирилар экан, унинг иккинчи бўғини лексик урғули ҳолда коммуникацияда қатнашади, яъни арабча сўзлар ўзбек тилига ўлаштирилар экан, улардаги чўзиқ унли билан қўлланган бўғин лексик урғу билан воқеланади. Бу араб тилидан ўлашган отларнинг қайси бўғинига

¹ Қрғн.: Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. 3-изд. –М.: ГИИНС, 1962. –С. 866.

² Қрғн.: Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. –С. 866.

лексик урғу тушишини белгиловчи иккинчи воситадир. Ундан ясалган *котиб* отига ҳам шу қонуниятдан келиб чиқиб қаралади.

Ўзбек тилига эроний тиллардан ҳам кўплаб отлар ўзлашган. Бу ўзлашма отлар лексик урғуси ҳам эркин. Чунки эроний тилларнинг ўзида ҳам сўзларнинг лексик урғуси эркин ҳолда воқеланади. Улар ўзбек тилига ўзлаштирилар экан, лексик урғуси мавқеи ўзгаришсиз қолади. Эроний тиллардан ўзлашган бисиллабик сўзларнинг биринчи бўғини очиқ бўлса, иккинчи бўғини лексик урғули бўлади. Улардаги лексик урғунинг жойлашиш мавқеи ўша тилда шундай бўлиб, улар сўз ўзлаштирилганда ҳам ўзгаришсиз қолган. Масалан, эроний тилларнинг от туркумига мансуб *худо*, *ато*, *бало* каби сўзлар бисиллабик бўлиб, биринчи бўғини очиқ. Шунинг учун уларнинг иккинчи бўғинига лексик урғу берилган. Бунинг устига яна иккинчи бўғин унлиси чўзиқ товушдир. Уларнинг экспериментал таҳлилига эътибор берилса, *худо* отининг биринчи бўғин унлиси 45 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек.; *бало* отнинг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек.; *ато* отининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 115 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган.

Эроний ўзлашган отларнинг биринчи бўғини очиқ бўлгани ҳолда, иккинчи бўғини ҳам очиқ, шу билан бирга *о* унлиси билан тугамай, ёпиқ бўлган тақдирда ҳам, лексик урғу билан қайд этилаверади. Масалан, *гуноҳ*, *баҳор*, *надар* отларига эътибор берайлик. *Гуноҳ* отининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек.; *баҳор* отнинг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек.; *надар* отининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 110 мсек. вақт олган. Бу сўзларнинг ҳаммасида ҳам иккинчи бўғинда лексик урғу жойлашган. Улар унлиси биринчи бўғин унлисидан чўзиқ.

Эроний тиллардаги айрим бисиллабик отларнинг биринчи бўғини очиқ, лекин унлиси чўзиқ бўлиши ҳам кузатилади. Бунда унинг лексик урғуси ҳам шу бўғинда қайд этилади. Масалан, эроний тиллардаги *سینه* 'эмчак', *نیده* 'кўз', *نیدار* 'висол' отларининг биринчи бўғини унлилари чўзиқ¹, лекин у очиқдир. Шунга қарамай, шу бўғинга лексик урғу берилган. Улар, шунинг учун, ўзбек тилига ўзлаштирилгандан кейин, ўз имлосига мослаштириш учун, бир й ҳарфини орттириб, *сийна*, *дийда*, *дийдор* ҳолатида қайд этилади. Шуллардан *сийна* ва *дийда* отларининг биринчи бўғинлари унлиси 105 мсек., иккинчи бўғин унлилари 80 мсек. чўзиқликда; *дийдор* отининг

¹ Қрғ.: Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. 2-изд. -М.: ГИИНС, 1953. -С. 232, 230, 301.

биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган.

Ўзбек тилига рус тилидан ва у орқали Европадаги бошқа тиллардан ҳам от туркумига мансуб бисиллабик сўзлар ўзлаштирилган. Биламизки, рус тилида сўзларнинг лексик урғуси қатъий бир тартибдаги мавқега эга эмас, у эркиндир. У фақат сўз семантикаси билан боғли ҳолатда маълум бир бўғинда келади. Бундай сўзлар ўзбек тилига ўзлаштирилар экан, у ўз ўрнини ўзгартирмайди. Лекин у динамиклик хусусиятини ўзгартириб, квантитатив урғуга айланади. Масалан, рус тилидаги *модел* ва *медал* отлари ўзлаштирилган бўлиб, уларнинг биринчисида биринчи ва иккинчисида иккинчи бўғини динамик урғуга эга эди. Улар ўзбек тилига ўзлаштирилгач, динамик урғуси квантитатив урғу билан алмаштирилди, бироқ сўз бўғинидаги мавқеи ўзгаришсиз қолди. Эътибор қилинг: *модел* сўзининг биринчи бўғин лексик урғуси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек. чўзиқликка; *медал* сўзининг биринчи бўғин унлиси 100 мек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек. чўзиқликка эга, Яъни *модел* отида биринчи, *медал* отида иккинчи бўғин унлиси қолган бўғин унлисига нисбатан чўзиқдир. Шунга кўра, уларда лексик урғу қайд этилган деб қаралади.

Бир бўғинли сўзларнинг унлиси, албатта, чўзиқ ва ўзида лексик урғуни акс эттирадиган бўлади. Бу ҳақда бошқа ўринларда ҳам таҳлиллар келтирилган эди. Шундай бир бўғинли сўзлар четдан ўзлаштирилар экан, уларнинг ичида қўш ундош билан тугайдиганлари ҳам бор. Масалан, араб тилидан ўзлаштирилган *зулм*, *давр*, *умр* отлари қўш ундош билан тугаган¹. Улар ўша араб тилида моносиллабикдир. Ўзбек тилида бўғинлар қўш ундош билан тугамайди. Қўш ундош билан тугаган моносиллабик отларнинг ўша қўш ундошлари фарқли артикуляция ўрнига эга бўлмайди, балки бир артикуляция ўрнига мансублиги кузатилади. Юқоридаги отларнинг охирига жойлашган қўш ундошлари бир артикуляция ўрнига мансуб эмас. Ўзбек тилининг талаффуз меъёрига кўра уларни бир бўғин охирида кетма-кет артикуляция қилиш мумкин бўлмайди. Улар артикуляцияси оралигида узилиш юзага келади. Яъни *зулм* оти артикуляция қилинар экан, *л* тил олди сонантининг артикуляция кечимидан сўнг нутқ органларида рекурсия юзага келади ва *м* лаб сонантига давом этиб ўтаётган ун тор *и* ёки *у* унлисини ҳосил қилади. Натихада, қўш ундош оралигида бир унли ортиб,

¹ Қриг.: Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. – С. 625, 338, 692.

отнинг иккинчи бўғини шаклланади. Аммо отдаги мавжуд лексик урғу ўз биринчи бўғинида қолаверади. Улардаги бўғин унлилари-га эътибор қилиш мумкин: *зулм* отининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 20 мсек.; *дав^р* сўзининг биринчи бўғин унлисида 100 мсек., иккинчи бўғин унлисида 10 мсек.; *ум^р* сўзининг биринчи бўғин унлисида 110 мсек., иккинчи бўғин унлисида 20 мсек. чўзиқлик бор. Шуларга ўхшаш араб тилидан ўзлашган яна *фикр, қалб, зикр, жабр, қатл* сўзлари ҳам бўғин охиридаги кўш ундош орасида бир қисқа тор унли орттириб, бисиллабик отга айланган ва уларнинг лексик урғуси биринчи бўғинда тураверган. Рус тилидан ўзлаштирилган *дубл, рубль* отлари ҳам ўзи оид тилда моносиллабик бўлиб, кўш ундош билан тугаган. У ўзлаштирилгач, араб тилидан ўзлаштирилган шундай отларга ўхшаш интерконсонант ҳолатда қисқа тор унли орттирган ва бисиллабик от ҳолида шаклланган. Ҳар икки отнинг ҳам биринчи бўғинида лексик урғу бор¹. Ўзлаштирувчи тил ўзлашган сўзни ўз фонетик қурилиши қонуниятига мослаштириб олади.

Кўринадики, ўзбек тилида бисиллабик отларнинг биринчи бўғини очиқ бўлса, иккинчи бўғинига лексик урғу тушади. Агар унинг биринчи бўғин унлиси чўзиқ ёки иккинчи бўғин унлиси-га нисбатан кенг бўлса, унинг ўзига лексик урғу берилади. Бу қонуният ўзлашган сўзларга тегишлидир.

Бисиллабик отлар ярмининг биринчи бўғини ёпиқ келади. Ёпиқ бўғинларнинг унлиси кўп ҳолларда чўзиқ келиши уларга лексик урғу берилиши учун сабаб ҳисобланади. Масалан, *олма, нарса, арча* отларининг ҳаммасидаги биринчи бўғин ёпиқ. Уларнинг шу бўғин унлиси иккинчи бўғин унлисидан нисбатан чўзиқ. Улардан *олма* отининг биринчи бўғин унлиси 110 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек.; *нарса* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек.; *арча* отининг биринчи бўғин унлиси 140 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилади. Уларнинг иккинчи бўғин унлисига нисбатан биринчи бўғин унлисининг чўзиқлиги шу бўғинга лексик урғу тушганлигини кўрсатади. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай таркибли бисиллабик отларда лексик урғу тушган бўғин унлиси урғусиз бўғин унлисидан

¹ Биламизки, араб тилидан ўзлашган *зулм, давр, илм, умр, фикр, қалб, зулф, жабр, қатл* отлари ва рус тилидан ўзлашган *дубл, рубл* отлари ўзбек тилида ўзгаришсиз шундай ёзилади. Бу ўзбек тили орфографик қоидаси билан боғлиқ. Аммо ўзбек тили фонетикаси қонуниятлари орфоэпик меъёрига асосланган ҳолда белгиланади.

чўзиқлиги унча катта эмас. У 20–30 мсек., нарисидан 50 мсек. бўлиши мумкин.

Бисиллабик отларнинг биринчи бўғини ёпиқ келса ҳам, унга нисбатан кам вақт сарфлангани ҳолда, лексик урғу иккинчи бўғинга тушиши мумкин. Бундай бисиллабик отлар асосан ясама бўлади. Масалан, *сўқмоқ*, *ўртоқ*, *қишлоқ* отларининг лексик урғуси иккинчи бўғинидадир. Улардан *сўқмоқ* отининг биринчи бўғини унлиси 80 мсек., иккинчи бўғини унлиси 90 мсек.; *ўртоқ* отининг биринчи бўғини унлиси 60 мсек., иккинчи бўғини унлиси 110 мсек.; *қишлоқ* отининг биринчи бўғини унлиси 40 мсек., иккинчи бўғини унлиси 110 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Бу ўлчовлар лексик урғу иккинчи бўғинида эканлигини кўрсатади. Кўп ҳолатда ҳам бисиллабик ясама отларнинг иккинчи бўғинига лексик урғу тушади.

Отлар ясалар экан, ўзакнинг бўғинидаги лексик урғу ясовчи аффиксга ўтади. Лекин бу қатъий қонуният эмас. Ясама отнинг ҳам, агар у бисиллабик бўлса, лексик урғу биринчи бўғинида бўлиши мумкин. Масалан, *хўрлик* ва *зўрлик* ясама отларининг биринчи бўғинига лексик урғу тушган: уларнинг иккинчи бўғини унлиси 30 мсек. чўзиқликка, биринчи бўғини унлиси ҳар икки отда 120 мсек. чўзиқликка эга. Бу сўзларнинг ясовчисидаги унли тор. Тор унлиларни чўзиқ талаффуз этиш имконияти ниҳоятда паст. *Ишчи* оти ҳам худди шунга ўхшайди. Унинг ҳам иккинчи бўғини унлиси тор – 35 мсек. чўзиқликка эга, биринчи бўғини унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу отларнинг лексик урғуси биринчи бўғинида бўлиб, иккинчи бўғинга тушмаслигига сабаб, унинг унлиси тор эканлиги билан боғлиқ эмас. Бу от семантикаси таянчи унинг ўзагида эканлиги билан боғлиқдир. Яъни уни семантик омил, ўзак семантикасини таъкидлаш зарурияти ҳал қилган. Лексик урғу ўзи тушган бўғинни таъкидлаб келади. Масалан, *кўклам* отнинг биринчи бўғини унлиси 120 мсек., иккинчи бўғини унлиси 90 мсек. чўзиқ. Унинг биринчи бўғинига лексик урғу тушган. Ваҳоланки, иккинчи бўғини унлиси кенг. Шунинг учун ҳам, у анча чўзиқ. Бунга қарамай, биринчи бўғини унлиси ундан 30 мсек. ортиқ чўзиқликка эга. Чунки биринчи бўғинида ифода топган тус от семантикасида таянч белгини билдирган. Бу белгини таъкидлаш зарурияти биринчи бўғинга лексик урғу берилишига олиб келган ва шу бўғини унлиси ортиқ мсек. билан талаффуз этилишига сабаб бўлган.

Ўзбек тилидаги бисиллабик отларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлгани ҳолда, унда лексик урғу қайд этилади. Бунинг учун араб тилидан ўзлашган бисиллабик отларни кўрсатиш мумкин. Масалан,

гайрат, *мазмун*, *мактуб* отлари араб тилидан ўзлашган. Уларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлиб, лексик урғулидир. Булардан *гайрат* отининг биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек.; *мазмун* отининг биринчи бўғин унлиси 105 мсек., иккинчи бўғин унлиси 65 мсек.; *мактаб* отининг биринчи бўғин унлиси 130 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқликка эга. Мазкур сўзларнинг ҳаммасида биринчи бўғин унлиси иккинчи бўғин унлисидан 40 мсек. вақт ортиқлик даражасида эмас, улардаги фарқ анча кичик.

Араб тилидан ўзлашган отларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлишига қарамай, лексик урғу иккинчи бўғинида кузатилади. Масалан, *кулфат* отида шундай. Унинг биринчи бўғин унлиси 45 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ. Унинг иккинчи бўғинига лексик урғу берилган, чунки биринчи бўғин унлиси тор. Тор унлилар араб тилидан ўзлашган сўзларда ҳам редукцияга учровчандир.

Эроний тиллардан ўзлашган сўзларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлиб, лексик урғу шу бўғинида кузатилади. Бунинг учун *ҳовли*, *орзу*, *осмон* отларини кўрсатишга тўғри келади. Улардан *ҳовли* отининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек.; *орзу* отининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек.; *осмон* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек. чўзиқликда берилган. Буларда ҳам урғули бўғин унлиси урғусиз бўғин унлисидан унча катта эмас, 40 мсек.га ҳам бормайди.

Эроний тиллардан ўзлашган бисиллабик отларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлса ҳам, лексик урғуси кўпинча иккинчи бўғинида кузатилади. Масалан, *дарё* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 140 мсек. чўзиқликка эга, яъни лексик урғуси иккинчи бўғинида берилган. Яна *тилло*, *дунё*, *обрў*, *дандон* отлари ҳам шундай.

Рус тилидан ва рус тили воситасида Европа халқлари тилларидан ўзлашган отлар ичида ҳам бисиллабиклари катта миқдорни ташкил қилади. Улар ичида биринчи бўғинлари ёпиқлари ҳам бор. Лексик урғу қайси бўғинга тушиши масаласи эса эркиндир. Бу тилдан от туркумига мансуб сўз ўзлаштирилар экан, улардаги динамик урғу ўзбек тилига квантитатив урғуга айлантириб олинса ҳам, эркин урғулиги ўзича қолади. Масалан, улардан ўзлаштирилган *орден* ва *картон* сўзларига эътибор бериш мумкин. *Орден* отининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек.; *картон* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси

140 мсек. чўзиқликка эга. Яъни *орден* отининг биринчи, *картон* отининг иккинчи бўғини лексик урғулдир. Рус тилида ҳам шу отларнинг ўша бўғинлари лексик урғуга эга. Лекин улар рус тилида товуш кучига кўра лексик урғули бўлиб, фақат динамиклигига кўрадир. Эътибор қилинг: *орден* отининг биринчи бўғин унлиси 5 мм., иккинчи бўғин унлиси 4 мм.; *картон* отининг биринчи бўғин унлиси 7 мм., иккинчи бўғин унлиси 8 мм. амплитуда товуш кучига эга бўлган. Бу отларнинг ўзбек тилига ўзлашувидаги лексик урғу сифатининг ўзгаруви товуш кучидаги устунлик товуш чўзиқлигидаги устунлик билан алмашуви бўлган.

Кўринадики, ўзбек тилидаги бисиллабик отларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлса, лексик урғу унинг кўпроқ шу бўғинида келади. Бу бошқа тиллардан ўзлашган отларга ҳам хосдир. Бундай отлар ясама бўлса, лексик урғу асосан иккинчи бўғинида кузатилади. У ўзлашган отларнинг асосан кенг унли билан тугаганларида кузатилади. Ўз сўзларнинг шахс оти ясовчиси *-чи* ва мавҳум от ясовчиси *-лик* билан ясалганларининг иккинчи бўғинига лексик урғу кўчмайди. Рус тилидан ўзлашган отларнинг қайси бўғинида лексик урғу берилиши маълум шартга эга эмас.

Ўзбек тилидаги полисиллабик отларнинг ҳаммаси ясама бўлади. Ясама отларнинг лексик урғуси сўнги бўғинида бўлиши табиий ҳолдир. Ўзбек тилшуносларининг қайд этишича, от ясалар экан, ўзакнинг сўнги бўғинидаги лексик урғу деярли ясовчига кўчади¹. Бизнинг таҳлиллар ҳам асосан шуни кўрсатди. Масалан, *қўзичоқ* отининг биринчи бўғин унлиси 110 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек., учинчи бўғин унлиси 130 мсек. чўзиқликка эга, яъни лексик урғуси учинчи бўғинида. Бу сўзнинг ўзаги *қўзи* оти бўлиб, унинг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 110 мсек. талаффуз этилган. Ундаги иккинчи бўғин лексик урғуси, ясовчи кўшилагач, унга кўчган. Иккинчи бўғин унлиси, табиатан ҳам редукцияга учраган ва чўзиқлиги пасайиб, ясовчи аффикс бўғинига лексик урғусини ўтказган.

Яна *қўнғирок*, *қўзичоқ*, *қовурдоқ*, *сомсапаз*, *тезгизак* каби отларнинг ҳам лексик урғуси охириги бўғинида. Буларнинг ҳам сўнги бўғини ясовчи аффиксдир.

Тўрт бўғинли *аравасоз* отининг ҳам лексик урғуси сўнги бўғини – ясовчи аффиксига берилган. У 130 мсек. чўзиқликка эгадир. Ундан аввалги бўғин 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу от

¹ Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳмагуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 88-б.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 166-б.

ясалмасдан унинг ўзаги *арава* отининг сўнги бўғини 105 мсек. чўзиқ қайд этилар эди. У ясовчи аффиксни орттиргач, лексик урғудан соқит бўлиб, чўзиқлиги 35 мсек. камайган.

Полисиллабик отлар деярли ясама бўлиши ва уларнинг сўнги бўғинида лексик урғунинг берилиши ўзбек тили лексикасига деярли хос эканлигини юқоридаги таҳлиларимиз, шубҳасиз, тасдиқлайди. Аммо бу ўзбек тили лексикаси учун қатъий қонуният эмас. Бисиллабик отлар таҳлида айтилган эдики, шахс оти ясовчи *-чи*, мавҳум от ясовчи *-лик* аффикслари сўз яшаш кечимида лексик урғуни деярли қабул қилмайди. Бу полисиллабик сўзлар ясашига ҳам хосдир.

Ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган отларнинг ҳам лексик урғуси эркин бўлиб, сўз бўғинининг аниқ тартибини олмайди. Масалан, араб тилидан ўзлашган *саломат* отининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 110 мсек., учинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликка; *муаллима* отининг биринчи бўғин унлиси 10 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 100 мсек. ва охирги бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқликда қайд этилди. Форсий тилдан ўзлашган *сўзана* отининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек., учинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга. Таҳлилар кўрсатадики, *саломат* отининг иккинчи, *муаллима* отининг учинчи, *сўзана* отининг биринчи бўғинига лексик урғу тушган. Рус тилидан ўзбек тилига отлар ўзлашгач, уларнинг лексик урғуси квантитативликни олиши ва эркин бўлиши маълум. Шунинг учун, бу ҳақда тўхтамаймиз.

Кўринадики, ўзбек тилидаги полисиллабик отлар асосан ясамалиги ҳолда, лексик урғуси кўпроқ сўнги бўғинда келади. Лекин *-чи* ва *-лик* аффикси ясаган бўғинда у чўзиқ бўлмагани сабабли, улар ясамасидаги отлар лексик урғуси деярли эркиндир. Полисиллабик отларнинг яна кўпларида лексик урғу эркин эканлиги кузатилади. У ўзлашган сўзларда тўлаллиги билан эркин бўлади. Умуман ўзбек тилидаги полисиллабик отларнинг лексик урғуси эркин урғу деб қаралиши керак.

Юқорида, от туркумига оид сўларнинг келишик, эгалик ва кўплик шакллари ўзида лексик урғуни акс эттирмайди, деб айтилган эди. Ҳақиқатда ҳам шундай. Масалан: *Зарқишлоқ кўчаларида, адир ва сойларида, боғларида кўклам кезади* (С. Аҳмад). Бу гапнинг уюшган бўлакларида берилган ўринни ажратиб кўрсатиш вазияти ўрин келишиги шаклида урғу берилиши мажбуриятини келтириб

чиқарди. Унинг ўрин ҳоли вазифасидаги кўчаларида отининг ўрин келишиги унлиси 210 мсек., сойларида отининг ўрин келишиги унлиси 200 мсек., боғларида отининг ўрин келишиги унлиси 130 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Бироқ бу унлиларга кетган товуш кучи ҳам 4 мм. амплитудадан кам. Ўлчовлардан маълумки, уюшган бўлакларнинг ҳаммасида ҳам ўрин келишигида лексик урғу эмас, ёрдамчи урғу ўз аксини топган. Бу ҳақда яна 244-бетга қаранг!

Кўринадикки, ҳар қандай нутқ вазиятида ҳам отлардаги сўз шаклларида лексик урғу беримайди.

Демак, ўзбек тилидаги ўз лексикага оид гапларда ҳам, ўзлашган лексикага оид гапларда ҳам, улар полисиллабик бўлган тақдирда, лексик урғуси деярли эркиндир. Ясама отларнинг кўпчилигида лексик урғу охириги бўғинда бўлса ҳам, асосан эркиндир. Бу айрим ясовчилар лексик урғуни қабул қилмаслиги билан боғлиқдир. Отларнинг сўз шаклида лексик урғу акс этмайди. Моносиллабик отларнинг мавжуд бўғини лексик урғулдир. Ўзлашган отларда лексик урғу фақат эркиндир.

Сифатларда лексик урғу

Ўзбек тилидаги сифат туркумига мансуб сўзларнинг лексик урғуси фақат сўнги бўғинда келади, боғли урғу деб кўрсатилади¹. Ҳақиқатда ҳам, ўзбек тилидаги сифатлар, айниқса оддий даражадаги сифатларнинг кўпида, лексик урғу сўнги бўғинда кузатилади. Қуйидаги жадвал бу фикрни тўлалиги билан тасдиқлайди.

№	Сифат	1-унли	2-унли
1	Тиниқ	30 мсек	80 мсек
2	Қизиқ	30 мсек	70 мсек
3	Пишиқ	10 мсек	80 мсек
4	Қисик	10 мсек	60 мсек
5	Тирик	20 мсек	80 мсек
6	Пучуқ	10 мсек	70 мсек
7	Чучук	5 мсек	70 мсек

¹ Ғуломов А. Ғ. Ўзбек тилида урғу. 9-б.; Решетов В. В. Узбекский Язык. I. –С. 203; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 52.

Бу сифатларнинг ҳаммаси ўз лексикага мансуб бўлиб, бисиллабикдир. Уларнинг ҳар икки бўғинидаги унлилар тор унлилардан иборат. Бу сифатларнинг биринчи бўғин унлиси тор бўлганлиги учун кучли редукцияга учраган. Шунинг учун ҳам, шу бўғин урғусиздир. Бу, айниқса, тор унлининг икки жарангсиз товуш ўртасида келганлиги билан боғлиқдир. Тилшунос Ж.Маматов ҳам ўз диссертациясида, осциллографик таҳлилларига асосланиб, *пишиқ, қисик, пучуқ* сифатларининг биринчи бўғин унлиси тўла редукцияга учраб, тушиб қолганлигини кўрсатади¹. Бу, албатта, экспериментда бўлган дикторнинг нутқ тезлиги билан ҳам боғлиқ бўлган натижадир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, урғусиз келган тор унлилар редукцияга ҳам берилувчан бўлади. Берилган сифатларнинг биринчи бўғин унлиси шунинг учун ҳам, ниҳоятда қисқа талаффуз этилган. Бу унлилар урғули бўғинда, чўзилиш имконияти жуда чекланганлиги кузатилади. Одатда лексик урғули бўғин унлиси 100 мсек.дан ортиқ вақт талаффуз этилади. Юқоридаги сифатларнинг иккинчи бўғин унлилари талаффузи, улар тор бўлганлиги учун бунга етмай қолган. Лекин, шунга қарамай, улар урғули бўғин эканлиги учун, урғусиз бўғин унлисидан учдан ўн тўрт бараваргача чўзиқлик қилади. Чунки улар урғуси квантитативдир.

Агар бисиллабик сифатларнинг биринчи бўғини очиқ ва унлиси кенг бўлса, у унчали кучли редукцияга учрамайди. Унинг лексик урғули иккинчи бўғин унлиси тор бўлган тақдирда, урғусиз бўғин унлиси кескин чўзиқ талаффуз этилмайди. Лекин салмоқли чўзиқ ҳолатда қайд этилади. Масалан, *ориқ* сифатининг биринчи бўғини очиқ ва унлиси кенг. У 40 мсек. чўзиқликда талаффуз қилинган. Сифатнинг иккинчи бўғин унлиси 80 мсек. чўзиқликка эга. Яъни унча катта фарқ билан чўзиқ вақт олмаса ҳам, унга берилган вақт икки хисса ортиқ. Лекин урғули бўғин унлисига кетган вақт одатдагидай 100 мсек.га етмайди. Яна шунга ўхшаш *сочиқ, очиқ, ўсик, босим, сариқ, яшил* сифатлари бўғинларидаги унлиларга нисбатан вақт тақсимоти ҳам *ориқ* сифати бўғинларининг унлиларига қилинган вақт тақсимотига ўхшайди. Чунки уларнинг иккинчи бўғинига лексик урғу берилган. Унинг бошқа бўғин унлисидан чўзиқ талаффуз этилиши табиий.

Сифатларнинг биринчи бўғини очиқ келиб, иккинчи бўғин унлиси кенг бўлса, биринчи бўғин унлисидан нисбатан жуда чўзиқ, ҳатто, 100 мсек.дан ортиқ талаффуз этилади. Масалан, *қочоқ* сифатининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек. чўзиқ берилгани ҳолда, урғу

¹ Қрғн.: Маматов Ж. Т. Ўзбек тилида редукция. 47, 48-бб.

тушган иккинчи бўғин унлиси 140 мсек. чўзиқликда қайд этилади. Яъни бу сўзнинг лексик урғули бўғин унлиси урғусиз бўғин унли-сидан 3,5 баравар чўзиқдир. Яна *ўроқ, гўзал, ёмон, тўла* ва *бўла* сифатларининг урғули бўғин унлиси урғусиз бўғин унлисидан ҳам шу мутаносибликда чўзиқликка эга. Уларнинг ҳаммасида ҳам иккинчи бўғинга лексик урғу тушган.

Кўринадики, биринчи бўғини очиқ келган бисиллабик сифатлар таҳлили унинг охирида лексик урғу бўлиши қонуний, яъни боғли эканини билдиради. Буни шу бўғин унлиси фақат чўзиқ талаффузга эгаллиги, квантитативлиги билан изоҳланади.

Биринчи бўғини ёпиқ бисиллабик сифатларнинг лексик урғуси ўрни тамоман бошқачадир. Уларнинг лексик урғуси биринчи бўғинга жойлашган. Масалан, *тўғри, эгри, ёрқин, норғил, найнов, энли, найза, ўткир, кескир* каби сифатларнинг лексик урғуси биринчи бўғинда кузатилади. Тўғри, уларни айрим-айрим талаффуз этилганда лексик урғуси иккинчи бўғинда келаётганга ўхшайди. Лекин уларнинг лексик урғуси коммуникацида доимо биринчи бўғинда қайд этилади. Масалан: *Тўғри гап тўққанга ёқмас* (мақол). гапидаги *тўғри* сифатининг лексик урғуси биринчи бўғинда берилган. Унинг *ў* унлиси 130 мсек., *и* унлиси 20 мсек. чўзиқликдаги талаффузга эга. Мисолда келтирилган қолган сифатлар ҳам худди шу характерда. Бунинг сабаби ёпиқ бўғинларнинг унлиси деярли чўзиқ бўлиши ва бундай сифатлар коммуникацияда доимо экспрессивликка эгаллиги билан боғлиқдир. Бунинг устига урғули бўғинларнинг унли товуши урғусиз бўғинларнинг унлисидан 2–3 ва, ҳатто, 4 мм. юқори кучли амплитуда билан талаффуз этилган. Биринчи бўғини очиқ бисиллабик сифатларга экспрессивлик берилса ҳам, унинг шу очиқ бўғинига лексик урғу кўчади. Бўғин урғуси чўзиқлик олиб, иккинчи бўғин унлиси редуцияга учрайди. Масалан, *пишиқ* сифатининг лексик урғуси оддий даражада 10 мсек. чўзиқликка эга бўлиб, экспрессивлик берилгач, 90 мсек. чўзиқликни олади ва, ҳатто, интервокал ундош гаминацияга учраши мумкин, яъни *пишишиқ* ҳолатида. Иккинчи бўғин унлисининг чўзиқлиги 10 мсек.га тушиб қолади. Урғу олган бўғин унлиси 6 мм. амплитудага кўтарилади, яъни унда динамиклик ҳам бор. Одатда сифатларга экспрессивлик юкланар экан, уларнинг лексик урғуси квантитатив бўлиши баробарида динамиклик элементи билан ҳам юзага чиқади.

Бисиллабик сифатларнинг интервокал ундоши геминат бўлганда ҳам, унинг лексик урғуси биринчи бўғинда келади. Чунки бундай сифатларнинг биринчи бўғини ёпиқ экани ҳолда, улар ҳамма вақт

экспрессив ифодали бўлади ва коммуникацияда шу хусусиятини сақлайди. Масалан, *иссиқ, жижжа, катта, биққа, даққи, митти, жиққа* сифатларига этибор бериш мумкин. Уларнинг биринчи бўғин унлиси 80–100 мсек. *катта, даққи* сифатларида 140–160 мсек. чўзиқ. Кейинги бўғин унлилари чўзиқлиги 40 мсек.га ҳам етмайди.

Сифатларнинг олдидан унлисигача олиб, унга *п, б, м* товушларидан бирини қўшган ҳолда, орттирма даражаси ясалади. Бу даража учун орттирилган бўғинда лексик урғу бўлади. Чунки шу бўғин экспрессивликни кучайтириш мақсади билан ҳосил қилинади. Масалан, *қип-қизил* сифатидаги орттирма даража *қизил* сифатининг биринчи бўғинидаги экспрессивликни кучайтириш учун, унга *п* товушини қўшиб, шу ўзак олдидан орттирилган. Шунинг учун ҳам, унинг унлиси 150 мсек., айрим ҳолларда 180 мсек. чўзиқликда талаффуз этилганлиги кузатилади. Ваҳоланки, *қизил* сифатининг биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликда қайд этилган.

Сифатларнинг яна *теппа-тенг, тинпа-тик, тўппа-тўғри* кабиларга ўхшаш орттирма даража шакллари ҳам мавжуд. Бундай даража сифатларининг лексик урғуси биринчи бўғинда бўлади. Масалан, *теппа-тенг* орттирма даража сифатининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек. иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқликка эга. Шунга кўра айтиш мумкинки, лексик урғу квантитативлик шартига кўра сифатнинг биринчи бўғинига берилган. Қолган орттирма даража сифатдаги бўғин унлилари чўзиқлиги ҳам шунга ўхшайди.

Кўринадики, биринчи бўғини ёпиқ бисиллабик сифатларнинг лексик урғуси шу бўғинда бўлади. У орттирма даража сифатларида даража кўрсаткичининг биринчи бўғин унлисида акс этади. Бу шу сифатнинг экспрессивлиги билан боғлиқдир.

Полисиллабик сифатларнинг лексик урғуси деярли сўнги бўғинга тушади. Уларнинг ҳам орттирма даражасида лексик урғу биринчи бўғинга ўтади. Бу ҳам сифатдаги экспрессивлик билан алоқадордир. Масалан: *думалоқ > дум-думалоқ* сифатларидагига ўхшаш. Рус тилидан ёки унинг воситасида бошқа тиллардан ўзлашган отлардаги *-иқ* аффикси билан ясалган сифатларнинг сўнги бўғинида лексик урғу бўлади. Масалан, *академик, химик, физик, техник* каби сифатларнинг сўнги бўғини бир хил 90 мсек. чўзиқликка эга бўлиб, аввалги бўғин унлилари бу даража чўзиқ эмас.

Айтилган фикрларга кўра, сифатлар ясалар экан, ўзакнинг лексик

урғуси ясовчи аффиксга кўчади. Масалан, *думала-* феълидан *думалоқ* полисилабик сифати ясалгач, ясовчи аффикс юзага келтирган бўғинга ўтган. Эътибор беринг: *думалоқ* сифатининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек. ва охирги бўғин унлиси 110 мсек. чўзиқ. Шу охирги бўғинга лексик урғу берилган. Аввалги икки бўғини очиқ келган феълнинг лексик урғуси шу ясама сифатни ясаган ясовчига олиб ўтилган. Яна *қўшалок*, *бақалок*, *тутаноқ* сифатлари ҳам *думалоқ* сифати ясашига ўхшаш усулда ясалган. Шу сабабли ҳам, уларнинг сўнгги бўғини лексик урғулидир. *-ак* товушлари билан тутаган сифатларнинг тараққиёти ҳам шунга ўхшайди ва улар лексик урғуси ҳам сўнгги бўғиндадир. Масалан, *дўнгалак* сифатининг биринчи бўғин унлиси 60 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек. ва охирги бўғин унлиси 100 мсек. чўзиқ талаффуз этилади. Унинг сўнгги бўғини энг чўзиқ ва *ак* товушлари билан тутаган. Яна *-иқ* аффикси билан тутаган полисилабик сифатларнинг ҳам ўзагидаги икки бўғини очиқ бўлгани ҳолда, *-ик* аффикси ясаган сўнгги бўғини лексик урғули бўлади. Шу таҳдиллар полисилабик сифатлар ясама эканлигини ва лексик урғу ясовчилар томон кўчиб боришини кўрсатувчи далил бўлиб қолади.

Полисилабик сифатларнинг сўнгги бўғини юқорида қайд этилган товушлардан иборат эканлиги ҳолда, у ёпиқ бўғин билан бошланган бўлиши ҳам мумкин. Бунда ўша сифатнинг лексик урғуси биринчи бўғинда бўлади. Масалан, *жонсарак* сўзининг лексик урғуси биринчи бўғинга тушган. Унинг биринчи бўғин унлиси 140 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек. ва охирги бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Унинг учинчи бўғин унлиси кенг эканлиги учун етарлича чўзиқ вақт олган, лекин биринчи бўғин унлисидан 50 мсек. қисқа. Шунга ўхшаш *қилтириқ* сифатининг ҳам биринчи бўғин унлиси анча чўзиқ талаффуз этилиб, ўзида лексик урғуни акс эттирган.

Ўзбек тилида ‘парча-пурча қилинган’ маъноли *дабдала* туб сифати ҳам бор. Бу сифат асли *тола* сифатининг орттирма даража шакли бўлиб, *топ-тола* фонетик таркиби билан талаффуз этилган. Шунинг учун ҳам унинг лексик урғуси қонуниятга кўра биринчи бўғинга берилган. Бу сифат сўз бошидаги жарангсиз товушлари жаранглашуви қонуниятига кўра *даб-дала* деб талаффуз қилинган, лекин лексик урғусини ўз ўрнида сақлаган. Ҳозирги *дабдала* сифатининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек. ва учинчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқликка эга. Шуни ҳам

айтиш керакки, бу сифат семантикасида маълум даража силжиш бўлса ҳам, даража ифодаси сақланган.

Ўзбек тилшунослигида *-ли* ва *-сиз* аффикслари сифат ясовчиларидан бири деб қайд этилади¹. Улардан *-ли* аффикси 'ўзақдан англашилган нарсага эга' маъносини билдирса, *-сиз* аффикси 'ўзақдан англашилган нарсага эга эмас' маъносини билдиради. Яъни улар от туркумига оид сўздан сифат ясайди. Бундай ясовчи аффикс сифат ясагач, лексик урғуни ўзида акс эттириши табиий эди. Аммо бу *-ли* ва *-сиз* аффикслари маълум ўзакка қўшилиб, унинг лексик урғусини ўзига ўтказмайди. Эътибор қилинг: *уят* 'номус' отига *-ли* аффикси қўшилган. Ундан ясалган *уятли* сўзининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 160 мсек. ва охириги бўғин унлиси 45 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. *-ли* аффикси қўшилгунча *уят* оти унлиларининг чўзиқлиги қанча бўлса, кейин ҳам у ўзгармай сақланган. Бу аффиксга лексик урғу кўчмаганлиги унинг фонетик жиҳатдан сўз шакли хусусиятини бераётганлигини кўрсатади. *-сиз* аффикси ҳам фонетик жиҳатдан *-ли* аффиксига ўхшайди. Бу жиҳатдан олиб қараганда, Н.А.Қодирова *-ли* ва *-сиз* аффикслари келишликлар қаторидаги сўз шакли бўлса керак², дейиши билан ҳаққа ўхшайди.

Биз *-ли* ва *-сиз* аффикслари сифат ясайди, деб қараганимизда ҳам, ундан ясалган сифатнинг лексик урғуси ўз ўрнида, Яъни ўзакнинг бирор бўғинида бўлади.

Кўринадики, полисилабик сифатларнинг лексик урғуси эркин урғу бўлиб, у сифат бўғинларида ўрин танламайди. Лексик урғу ўзақдан ясовчига томон кўча боради, деган фикр нисбийдир.

Сифатлар редупликациясида лексик урғу аввалги компонентнинг сўнгги бўғинига берилади, у кейинги компонентда акс этмайди. Масалан, *йирик-йирик* такрорий сифати *йирик* сифатининг редупликациясидир. Унинг биринчи компонент унлилари 30 мсек. ва 110 мсек. бўлиб, иккинчи компонент унлилари 30 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Яъни лексик урғу биринчи компонентнинг иккинчи бўғинидадир. Чунки диққат биринчи компонентга қаратилган, иккинчи компонент сўз шакли вазифасини ўтаган. Одатда такрор

¹ Қрнг.: Маъруфов З. Сифат // Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Камол таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1957. 350, 351-66.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. 115–116-66.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. 2-н. 154–155-66.; Содиқова М. С. Сифат // Ўзбек тили грамматикаси. 1 т. Морфология / Ғ. А. Абдурахмонов, Ш. Ш. Шоабдурахмонов, А. П. Ҳожиёв таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1975. 172–174-66.

² Қрнг.: Қодирова Н. А. Ўзбек тилидаги *-ли* аффикси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –2008. 3-сон. 74–75-66.

сўзларнинг иккинчи компоненти кўплик маъносини ташийд¹. Сифатларда сўз шакли лексик урғуни олмайди. Сифатларнинг озайтирма даражасини ясовчи *-гина* аффиксига ҳам у ўтмайди, урғу у қўшилган сифат ўзагининг охирги бўғинида қолади. Масалан, *қизиққина* сифатининг биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек., учинчи бўғин унлиси 20 мсек. ва охирги бўғин унлиси 40 мсек. чўзиқликка эга. Яъни бу сифатнинг лексик урғуси иккинчи бўғинда. Аммо сўз шакли ясовчи *-роқ* аффиксигагина лексик урғу берилади: *қизиқроқ* сўзининг унлилари чўзиқлиги 30+30+120 мсек.дан. Бу, албатта, сўз морфемасининг нутқдаги семантик қиммати билан боғли.

Кўринадики, сифатлар сўз шакли билан қўлланганда, лексик урғу қайси бўғинга тушиши қатъий ҳолатда бўлмай, эркин бўлади. У сўз морфемасининг семантик қимматига тобе ҳолда белгиланади.

Демак, сифатларнинг лексик урғуси эркиндир. У шакл ясовчи аффиксларга кўчмайди, лекин унинг семантик қимматига қараб *-роқ* каби сўз шакли ясовчиларга кўчиши мумкин. У жуфт сифатларнинг биринчи компоненти охирги бўғинига берилади, иккинчи компоненти эса сўз шакли ҳисобланади. Сифат ясовчиларга ўзақдаги лексик урғу кўча боради, лекин бундан *-ли* ва *-сиз* каби сифат ясовчилар мустасно.

Сонларда лексик урғу

Ўзбек тилидаги сон туркумига мансуб сўзларнинг лексик урғуси тўлалиги билан квантитативдир. Чунки уларнинг лексик урғу тушган бўғини унлиси бошқа бўғин унлиларига нисбатан кескин чўзиқ эканлиги билан характерланади. Лекин ундаги бўғин унлиларининг товуш кучи ўзаро бунчали фарқланмайди ва, ҳатто, ўзаро фарқ қилмайдиган ўринлари ҳам бор. Масалан, *элик* сўзининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 20 мсек. чўзиқликка эга бўлгани ҳолда, шу соннинг биринчи бўғин унлиси ҳам, иккинчи бўғин унлиси ҳам 4,5 мм. амплитуда товуш кучига эга. Яъни унинг урғули бўғини билан урғусиз бўғини товуш кучи жиҳатдан бефарқ бўлиб, унлиларнинг товуш чўзиқлиги 4,5 баравар фарқланади. Шунга кўра, биринчи бўғин лексик урғулидир.

Сон туркумига оид сўзларнинг лексик урғуси ҳақида қуйида таҳлил олиб борилар экан, унинг квантитативлиги назарда тутилади. Соннинг квантитатив лексик урғуси ўз бўғинининг маълум

¹ Қрғ.: Ҳожиев А. П. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. –Тошкент: Фан, 1963. 97-б.

тартибида келмайди, у эркин урғу. Хатто, лексик урғуларни динамик ва боғли деб ҳисоблаган дарсликда ҳам сонлардаги урғу эркин экани тан олинган¹. Сонлар лексик урғуси сўз бўғинларининг бирор тартибига боғли эмас. Лексик урғу ўзбек тилида мавжуд бўлган 22 та содда сондан полисилабик ҳисобланган битта сонда сўнгги бўғинда, битта сонда иккинчи бўғинда, 11 та сонда биринчи бўғинда ва каср сонларда ҳам биринчи бўғинда қайд этилади. Эътибор беринг: архаиклашган *туман* отининг биринчи бўғин унлиси 55 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек. *чўзиқликка*; *тўққиз* сонининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 15 мсек. *чўзиқликка*; *йигирма* сонининг биринчи бўғин унлиси 10 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек. ва охирги бўғин унлиси 60 мсек. *чўзиқликка* эга. Маълумки, *туман* сонининг охирги, *тўққиз* сонининг биринчи, *йигирма* сонининг иккинчи бўғинида лексик урғу берилган. Яна *икки*, *олти*, *етти*, *саккиз*, *ўттиз*, *эллик*, *олтмиш*, *етмиш*, *саксон*, *тўқсон* сонларининг биринчи ва иккинчи бўғинлари унлилари ўртасидаги товуш чўзиқлиги фарқи тўққиз сонининг биринчи ва иккинчи бўғини унлилари ўртасидаги товуш чўзиқлиги фарқига ўхшайди. Шунга кўра ҳам, уларнинг лексик урғуси биринчи бўғинида деб айта оламиз. Касир сонлардаги қайси бўғинга лексик урғу берилганлиги ҳам худди шундай. Уларнинг ҳам биринчи бўғин товуш баландлиги 100 мсек. дан ортиқ бўлиб, иккинчи бўғин унлиси 50 мсек.га етиб-етмайди.

Мустақил маъноли моносиллабик сўзларнинг лексик маъноси мавжуд бўғинида ҳамма вақт ўз аксини топади. Шунга кўра, *бир*, *уч*, *тўрт*, *беш*, *ўн*, *қирқ*, *юз*, *минг*, *лак* сонларининг ҳам лексик урғуси бўлиб, у шу сонларнинг мавжуд бўғинида ўз ўрнини топган. Шулар қатори чет тилдан ўзлашган сонларда ҳам лексик урғу бўлиб, улар ҳам квантитативдир. Масалан, рус тили орқали ўзлашган *миллион*, *миллиард*, *триллион*, *квитиллион*, *сексиллион* каби сонларнинг ҳам лексик урғуси сўнгги бўғинига жойлашган ва улар квантитативдир, яъни ўзлаштирувчи ўзбек тили талаффузига бўйсундирилган. Эроний тиллардан ўзлашган *ҳазар* сонининг ҳам лексик урғуси сўнгги бўғинга берилган. Яна шу тиллардан ўзлашган *як*, *чор*, *чил*, *сат* сонлари эса моносиллабик бўлиб, лексик урғуси одатдагидай мавжуд бўғинидадир.

Сонларнинг маъно турларини кўрсатувчи сўз шаклларида лексик урғу кўчирилмайди. Яъни *-нчи* тартиб сон, *-та* дона сон, *-тача* чама сон, *-тала* жамловчи сон, *-тадан* тақсим сон кўшимчалари сон

¹ Қриз.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 88-б.; Ҳозирги ўзбек адабий тили / Ғ. Абдураҳмонов таҳр. ост. 72-б.

туркумига оид сўзлар кетидан қўшилар экан, уларга лексик урғу ўтмайди, бирор бўғинида қайд этилмайди. Фақат жамловчи соннинг *-ов* қўшимчаси содда сонлардан бирига қўшилиб келса, унга лексик урғу ўтказилади ва ундаги *о* унлиси чўзиб талаффуз этилади. Масалан, *икковин* жамловчи сонининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 130 мсек. ва охирги бўғин унлиси 40 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Яъни жамловчиликни ифода этган иккинчи бўғин унлиси қолган бўғин унлиларидан чўзиқ. У лексик урғуни ўзида акс эттирган. Ундаги жамланган шахс ифодасини таъкидлаш мажбурияти шунга олиб келган.

Демак, сон туркумига оид сўзларнинг лексик урғуси эркин бўлиб, сонни ҳар бир тартибдаги бўғинида акс эта олади. У сон маънолари кўрсаткичига кўчмайди, лекин жамловчи соннинг *-ов* кўрсаткичида акс этади. Бу жамланувчи шахс таъкиди мажбурияти билан боғлиқ.

Олмошларда лексик урғу

Ўзбек тилидаги олмошларнинг лексик урғуси квантитативдир. У олмошларнинг бирор тартибдаги бўғинига боғли эмас, эркиндир. Бу ўзбек тилшунослигида қайд этилган¹. Бу олмошларнинг неча бўғинга эгаллиги, ундаги бўғинларнинг хусусияти ва семантикаси билан боғлиқ.

Ўзбек тилидаги олмошлар бир ёки икки бўғиндан иборат бўлиб, фақат бир олмошгина уч бўғинлидир. Тилда қўшма олмошлар ҳам бор. Улар муқаррар полисиллабикдир.

Ўзбек тилидаги кишилиқ олмошлари, ўзлик олмошлари, *у, шу, бу* кўрсатиш олмошлари ва *не, ким* сўроқ олмошлари моносиллабик бўлиб, мавжуд бўғинлари коммуникацияда лексик урғу билан қайд этилади. Уларнинг унли товуши 70 мсек.дан 130 мсек.гача чўзиқликда талаффуз этилади, айрим ҳолларда нутқ талабига кўра 150–250 мсек. гача чўзиқ келиши мумкин. Масалан: *У осмонга туташган нурми?* (Ҳ. Олимжон) гапидаги эга вазифасида қўлланган *у* кўрсатиш олмоши 220 мсек. чўзиқликка эга. Ваҳоланки, бу гапдаги бирор сўзнинг лексик урғу олган бўғин унлиси 90 мсек.дан ортиқ вақт олмаган. Бу ҳолни кўрсатиш олмоши кесим вазифасида қўллаганида ҳам кўриш мумкин. Масалан: *Бўладиган гап – шу* (С. Аҳмад), гапидаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган *шу* кесими унлиси 180 мсек. чўзиқ та-

¹ Қрғ.: Турсунов У, Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 88-б.

лаффуз этилган. Ундан аввалги сўзлар лексик урғуси берилган бўгин унлиси 80 мсек. ва 110 мсек. вақт олган. Бу шу оломошларнинг гапда тутган вазифаси, унга берилган таъкид ва семантика билан боғлиқ.

Кўрсатиш оломошлари, сўроқ оломошларининг моносиллабик бўлганларидан қолган ҳаммаси ва *ҳамма*, *бари*, *барча* белгилаш оломошлари бисиллабикдир. Уларнинг ҳаммасида ҳам лексик урғу маълум бир тартибдаги бўгинда акс этмаган. Агар уларнинг биринчи бўгини ёпиқ бўлса, ёки у очиқ келгани ҳолда, унлиси чўзиқ талаффуз этилса, лексик урғуни ўзида ташийди. Масалан, *ҳамма*, *қанча*, *бари* оломошлари бўгинларидаги унлилар чўзиқлигига эътибор бериш мумкин. *ҳамма* оломошининг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 60 мсек.; *қанча* оломошининг биринчи бўгин унлиси 120 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек.; *бари* оломошининг биринчи бўгин унлиси 170 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Бу уларнинг лексик урғуси биринчи бўгинида эканлигини кўрсатади. Шу бисиллабик оломошларнинг лексик урғуси биринчи бўгинга тушганлиги семантика билан боғлиқ. Чунки ёпиқ бўгин туркий тилларда туб сўзлар моҳиятини беради ва у оломош мазмунини ўзида акс эттиради. Шу ўзак маъносини таъкидлаш мажбурияти лексик урғуни унга юклайди.

Бисиллабик оломошларнинг биринчи бўгини очиқ бўлса, лексик урғу унинг иккинчи бўгинида кузатилади. Масалан, *бутун*, *нима*, *қачон*, *мана*, *ана*, *ўша* оломошларининг лексик урғуси иккинчи бўгинда қайд этилган. Шулардан *бутун* оломошининг биринчи бўгин унлиси 50 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек. *қачон* оломошининг биринчи бўгин унлиси 90 мсек., иккинчи бўгин унлиси 130 мсек.; *мана* оломошининг биринчи бўгин унлиси 60 мсек., иккинчи бўгин унлиси 90 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Бу ўлчовлар шу оломошларнинг лексик урғуси кейинги бўгинда эканлигини кўрсатади. Бу ўринда ҳам оломош семантикасининг моҳияти мазкур бўгинда акс этган.

Полисиллабик бўгинли оломошлар ўзбек тилида санокли миқдорга эга. Улар фақат *бариси*, *қанақа*, *шунақа*, *нечанчи* каби сўзлардан иборат. Уларнинг келиб чиқиши моҳиятан қараганда ясамадир. Одатда ясама сўзларнинг кўпчилигида лексик урғу охириги бўгинга берилар эди. Чунки ясовчи шу ясама сўзнинг коммуникацияда қандай маънода берилаётганлигини кўрсатади. Унинг таъкидлаш вазифасини лексик урғу бажаради ва унлиси чўзиқ урғу билан қайд этилади. Масалан, *бариси* оломошининг биринчи бўгин унлиси 150 мсек., иккинчи бўгин унлиси 170 мсек.; *қанақа* оломошининг биринчи

бўгин унлиси 70 мсек., иккинчи бўгин унлиси ҳам 70 мсек. ва сўнги бўгин унлиси 110 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу ўлчовлар лексик урғу шу оломошларнинг охирги бўгинида эканлигини кўрсатади.

Қўшма оломошларнинг лексик урғуси қайси бўгинга тушиши яна ўзига хосдир. Бу кўпроқ қўшма сўздаги оломошнинг қандай маъно турини юзага келтираётган компоненти моҳияти билан боғли бўлади. Масалан, белгилаш оломошлари асосан *ҳар* сўзи ва сўроқ оломошларининг қўшилишидан ясалади. Яъни: *ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қанақа, ҳар қачон* каби. Бу қўшма оломошларнинг *ҳар* компонентига лексик урғуси берилади¹. Эътибор қилинг: *ҳар нима* оломошининг биринчи бўгин унлиси 115 мсек., иккинчи бўгин унлиси 30 мсек., учинчи бўгин унлиси 70 мсек.; *ҳар ким* оломошининг биринчи бўгин унлиси 115 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек.; *ҳар қандай* оломошининг биринчи бўгин унлиси 115 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек., учинчи бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Уларнинг *ҳар* қайсисида ҳам *ҳар* компоненти лексик урғу ташиган. Чунки белгилаш оломошлари умумлаштириш семантикаси билан характерланади. Уларга умумлаштириш семантикасини шу *ҳар* компоненти илова қилади. Уни таъкидлаш заруриятини шу *ҳар* компонентида лексик урғу бериш билан қондирилади.

Бўлишсизлик оломошлари асосан қўшма сўзлардан иборат бўлиб, улар *ҳеч* компоненти ва сўроқ оломошларининг бирини қўшиш билан таркиб топади. Яъни: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч қанақа, ҳеч қаер, ҳеч қанча, ҳеч қачон* каби. Бу оломошларнинг *ҳеч* компонентида лексик урғу берилади². Эътибор қилинг: *ҳеч нима* оломошининг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 30 мсек., учинчи бўгин унлиси 70 мсек.; *ҳеч ким* оломошининг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек.; *ҳеч қандай* оломошининг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек., учинчи бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Уларнинг *ҳар* қайсисида ҳам *ҳеч* компоненти лексик урғу ташиган. Чунки бу бўлишсизлик оломошлари иккинчи компонентида референт мавжуд эмаслигини билдиради. Уларга мавжуд эмаслик семантикасини шу *ҳеч* компоненти илова қилади. Уни таъкидлаш зарурияти шу *ҳеч* компонентида лексик урғу бериш билан қондирилади.

¹ Қрнз.: Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. / Ф. Абдурахмонов таҳр. ост. 73-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. 88-б.

² Қрнз.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Уша бет.

Гумон олошлари асосан ясама сўзлардан иборат. Уларнинг бир қисми *алла*- қўшимчасини сўроқ олошларига қўшиш орқали, иккинчи қисми сўроқ олошларидан *-дир* қўшимчаси воситасида ясалган. *Алла*- аффиксоиди билан ясалган гумон олошларининг ҳар икки компоненти мустақил маъно бера олишини эътиборда тутиб, уларни шартли равишда қўшма олош деб аташ мумкин. *Алла*- аффиксоиди билан ясалган олошлар *аллаким*, *алланима*, *аллақандай*, *аллақачон*, *аллақанақа*, *аллақайси*, *аллақанча* кабилардан иборат. Бу олошларнинг *алла*- компоненти биринчи бўғинига лексик урғу берилади. Эътибор қилинг: *алланима* олошининг биринчи бўғин унлиси 160 мсек. иккинчи бўғин унлиси 35 мсек., учинчи бўғин унлиси 30 мсек., тўртинчи бўғин унлиси 70 мсек.; *аллаким* олошининг биринчи бўғин унлиси 160 мсек., иккинчи бўғин унлиси 35 мсек., учинчи бўғин унлиси 40 мсек. чўзиқликка эга. Уларнинг ҳар қайсисида ҳам *алла*- компонентининг биринчи бўғин унлиси лексик урғу ташиган. Чунки мазкур гумон олошларига гумон ифодасини *алла*- компоненти илова қилган. Ундаги кучли таъкидланиш заруриятини *алла*- компонентига лексик урғу бериш билан қондирилади. Гумон олошлари *-дир* аффикси билан ясалганда бундай эмас. Унда *-дир* аффикси олошга гумон маъносини илова қилиш билан чегараланади. Унда гумон маъноси таъкидланмайди. Шунинг учун, бу аффиксга лексик урғу кўчмайди. Масалан, *қандайдир* олошининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек. ва *-дир* аффикси унлиси 20 мсек. чўзиқликда талаффуз этилади. Яъни лексик урғу *-дир* аффиксига кўчмай, биринчи бўғинда қолган. Қолган гумон олошларида ҳам шу ҳол кузатилади. Аксинча *-дир* аффиксининг унлиси редукцион ҳолатдадир. Бу *-дир* аффикси билан ясалган бошқа гумон олошларига ҳам тааллуқлидир.

Сўроқ олошлардан *ҳар*, *ҳеч* ва *алла*- компонентлари воситасида қўшма олош ясалар экан, лексик урғу шу компонентларга кўчади, деб айтилди. Шунгача сўроқ олошининг маълум бўғинида ҳам лексик урғу бор эди, у нима бўлди деган савол туғилиши табиий. У ўз ўрнида сақлангани ҳолда, олош, албатта, қўш лексик урғули бўлиб қолган эмас. Шу билан бирга у изсиз йўқолгани ҳам йўқ. У шу қўшма олош таркибида ёрдамчи урғу вазифасини ўташга ўтган. Ёрдамчи урғу ҳақида кейинроқ тўхтаймиз.

Олош туркумига мансуб ўзлашган сўзлар ўзбек тилида асосан йўқ. Шунинг учун, у ҳақда тўхтамаймиз.

Олошлар ўзбек тилида кўпроқ от туркумига мансуб сўзлар

ўрнида келади. Шунинг учун ҳам, улар отлардан меросга ўтган кўплик, эгалик, келишик аффикслари билан қўлланиши табиий. Лекин лексик урғу уларга табиатан ҳам кўчмайди. Масалан, *ўзимга* оломошида ҳам эгалик, ҳам келишик қўшимчаси мавжуд. Унинг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 20 мсек., учинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга. Бу сўзнинг лексик урғуси ўзакда бўлиб, эгалик қўшимчаси жуда қисқа, келишик қўшимчаси чўзиқроқ талаффуз этилса ҳам, лексик урғули бўгинга нисбатан камроқ вақт олган. Яна *кимлар* оломошининг ўзак бўгини унлиси 140 мсек. кўплик қўшимчасидан иборат бўгин унлиси 90 мсек. чўзиқликка эга. Яъни лексик урғу биринчи бўгинда акс этган. Ваҳоланки, биринчи бўгин унлиси тор бўлгани ҳолда, иккинчи бўгин унлиси кенгдир. Тор унларнинг чўзиқ талаффуз этилиш имконияти кам бўлишига қарамай, унда лексик урғунинг берилиши унлининг мажбурий чўзиқ талаффузига сабабдир. Бу ҳолни оломошларга инкор қўшимчаси қўшилиб келганда ҳам, кузатилади. Масалан, *сенмас* оломошининг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 80 мсек. чўзиқликка эга. Яъни умуман сўз шаклига лексик урғу кўчмайди.

Демак, оломошларнинг ҳар бир тартибдаги бўгинида ҳам лексик урғу қайд этилиши мумкин, у эркиндир. Қўшма оломошларда ҳам худди шундай. Ундаги сўз шаклларига лексик урғу кўчмайди.

Феълларда лексик урғу

Ўзбек тилидаги феъл туркумига мансуб сўзларнинг лексик урғуси бошқа туркумларга мансуб сўзларнинг лексик урғусига ўхшаш фақат квантитативдир. Улар ҳам бошқа туркумлардагига ўхшаш сўзларнинг маълум тартибдаги бўгинига тушмайди, эркин урғулдир. Бу феълларнинг семантик ва грамматик нуқтаи назари билан боғлиқ.

Феъл ўзаги ёпиқ бўгинга тенг келса, уларнинг лексик урғуси шу бўгинда бўлади. Ўзбек тилидаги феъл ўзақлари одатда деярли К+V+К қолипида тузилади. Коммуникацияда улар турли сўз шакллари билан қўлланади. Бу сўз шакллари бўлишсизлик, буйруқ майли, ўтган замон каби кўрсаткичлардан иборатлиги кузатилади. Бу кўрсаткичлар ундош билан бошлангани учун ўзакни таркиб топтирган товушлар қўшимча товушлари аро қайта бўгин бўлинишини юзага келтирмайди ва феълнинг ўзи ёпиқ бўгинлигича қолади. Феълнинг шу ёпиқ бўгинига лексик урғу берилишида шу ўзак семанти-

каси ҳам аҳамият касб этади. Эътибор беринг: *отди*, *бўлсин*, *қолмай* феълларининг лексик ургуси биринчи бўғинда қайд этилган. Улардан *отди* феъли замон, *бўлсин* феъли буйруқ майли, *қолмай* феъли бўлишсизлик шаклини орттириб бисилабик ҳолда келган. Шулардан *отди* феълининг биринчи бўғин унлиси 110 мсек., иккинчи бўғин унлиси 15 мсек.; *бўлсин* феълининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек.; *қолмай* феълининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 75 мсек. чўзиқ талаффуз этилган.

Айрим ҳолларда феъл ўзаги қўш ундош билан тугагани ҳолда, ундош билан бошланувчи кўшимча орттирган бўлиши мумкин. Бу ҳолда ҳам лексик ургу ўзакка тушади. Чунки бўғиннинг бир ёки икки ундош билан тугаши ундаги унлининг талаффуз имкониятида фарқ яратмайди. Масалан, *айтди* феълининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни унинг лексик ургуси биринчи бўғинда берилган.

K+V+K таркибли отларда *-ла* ясовчиси воситасида феъл ясалар экан, лексик ургу от ўзакнинг ўзида сақланади, ясовчига кўчмайди. Яъни кўп ҳолларда феъл ясовчи *-ла* аффиксига лексик ургу берилмайди. Масалан, *сўзлар* феълининг биринчи бўғини от бўлиб, у сўз ўзагидир. Лексик ургу шу ўзакни таркиб топтирган бўғинга тушган. Унинг *-ла* феъл ясовчиси билан *-р* замон ясовчисидан таркиб топган бўғинига лексик ургу кўчмаган. Эътибор қилинг: унинг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 65 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яна *гуллади*, *изларсан* феъллари ҳам шу характерда. Улардан *гуллади* феълининг биринчи бўғин унлиси 85 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 50 мсек.; *изларсан* феълининг биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи ва учинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга. Шуни ҳам айтишга тўғри келадик, *ишларсан* феълнинг лексик ургуси, гарчи у фонетик таркиби жиҳатдан *изларсан* феълига ўхшаш бўлса ҳам, биринчи бўғинда эмас, иккинчи бўғинда қайд этилган. Чунки *изларсан* феълининг *из* бўғинидаги *и* унлиси билан *з* ундошининг артикуляция ўрни бир-биридан сезиларли нари бўлгани учун, у ўз олдидан кнаклаут орттирган ва шу кнаклаут таъсирида чўзиқ талаффуз этилиш имконига эга бўлган. *Ишларсан* феълининг *иш* ўзагини таркиб топтирган бўғиннинг *и* унлиси билан *ш* ундошининг артикуляция ўрни ўзаро тутшиб кетганлиги учун бир-бирининг таъсирига тушиб қолган ва унли кнаклаут орттиролмаган, редукцияга учраган, чўзиқ талаф-

фуз этилиш имконини йўқотган. Натижада, лексик урғу иккинчи бўғинга берилган. Таъкид феъллиқ маъносига юкланган. Эътибор беринг: *ишларсан* феълнинг биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек., учинчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган.

Ўзбек тилида V+K+V фонетик таркибли феъллар ҳам бор. Уларнинг лексик урғуси ҳамма вақт биринчи бўғинда бўлади. Чунки феълларнинг кейинги унлиси тор артикуляцияга эгаллиги ҳолда, эгаллик қўшимчаси мавқеида қаралади ва унга урғу юкланмайди. Масалан, *ўқи-* феълнинг биринчи бўғинига лексик урғу тушган бўлиб, унинг унлиси 130 мсек. чўзиқликка, иккинчи бўғин унлиси 20 мсек. чўзиқликка эга. Бундай феълларнинг биринчи бўғини унлиси олди-дан ҳамма вақт кнаклаут орттириб талаффуз этилади. Яна *уқи-* феъли ҳақида ҳам шу таҳлилни бериш мумкин. Иккинчи бўғини шу характерли феълнинг биринчи унлиси олдида кнаклаут эмас, ундош бор бўлиши ҳам кузатилади. Шунда ҳам, *ўша* биринчи бўғинга лексик урғу юкланади. Масалан, *тўқи-*, *чўқи-*, *қўзи-*, *нуқи-* каби феълларнинг ҳам биринчи бўғинига лексик урғу берилади. Улардан *чўқи-* феълнинг биринчи бўғин унлиси 145 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек.; *нуқи* феълнинг биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек. талаффуз этилган. Шунингдек, *тўқи-* ва *қўзи-* феъллари унлисининг талаффузи ўлчови ҳам юқоридагилар талафузи ўлчовидан деярли фарқ қилмайди. Мазкур феълларнинг сўнги *и* унлиси асли тил тарихида давомийлик билдирувчи қўшимча бўлиб¹, келтирилган мисоллардаги уларнинг рудименти ҳисобланади. Улар ҳозир ҳам айрим туб феъллар кетидан келиб, шу грамматик вазифасини бажаради². Лекин у ҳозирги ўзбек тили учун характерли эмас. Масалан: *сўқ-* < *сўқи-*, *тақ-* < *тақи-*, *чат-* < *чати-*, *чув-* < *чуви-*, *қув-* < *қуви-*, *қаз-* < *қазу-* ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммасида ҳам лексик урғу биринчи бўғинда берилади. Бу ўринда, албатта, уларнинг давомийлик билдирувчи аффикс билан қўлланганлари назарда тутилади. Эътибор беринг: шулардан *сўқи-* феълнинг биринчи бўғин унлиси 140 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек.; *қазу-* феълнинг биринчи бўғин унлиси 160 мсек., иккинчи бўғин унлиси 20 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган.

Туб феълларнинг II шахс кўплик қўшимчаси орттирилганда ҳам

¹ Бошқа ишимизда бу ҳақда муфассал тўхтаганмиз. Қрнғ.: Миртожиев М. М. Туркий туб феълларнинг ауслаути грамматикаси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. 37–40-66.

² Қрнғ.: Миртожиев М. М. Туркий туб феълларнинг ауслаути грамматикаси. 23-6.

юзага келган иккинчи бўғинга лексик урғу кўчирилмайди, у ўзақда қайд этилиш имконини сақлайди. Масалан, *туринг, келинг, олинг* феълларида худди шу ҳолат кузатилади. Уларнинг ҳаммасидаги биринчи бўғинда лексик урғу берилган. Яъни улардан *келинг* феълининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқ. Қолган икки феъл унлилари чўзиқлиги ҳам шунга ўхшайди.

Ўзбек тилидаги туб феъллар кетидан қўлланадиган *-ин, -ил, -иш, -ит, -из, -ир* каби нисбат қўшимчаларига ҳам лексик урғу ўтказилмайди. Гарчи феълнинг биринчи бўғини очиқ қолган бўлса ҳам, у шу бўғинда акс этаверади. Масалан, нисбат қўшимчаси билан қўлланган *тақинди, очилсин, бўлишди, ачитдим, оқиз, чақир* феълларининг ҳаммасида ҳам лексик урғу биринчи бўғинда берилган. Улардан *тақинди* феълининг биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек., учинчи бўғин унлиси 65 мсек.; *очилсин* феълининг биринчи бўғин унлиси 130 мсек., иккинчи бўғин унлиси 40 мсек., учинчи бўғин унлиси 60 мсек.; *ачитдим* феълининг биринчи бўғин унлиси 105 мсек., иккинчи бўғин унлиси 40 мсек., учинчи бўғин унлиси 50 мсек.; *оқиз* феълининг биринчи бўғин унлиси 140 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек.; *чақир* феълининг биринчи бўғин унлиси 110 мсек., иккинчи бўғин унлиси 65 мсек. чўзиқликка эга. Бундай кўрсаткич биринчи бўғин унлиси кенг ёки ўрта кенг бўлиши кераклиги ҳолда, тор бўлганларига тўғри келмайди. Масалан, *тирилди* феълининг биринчи бўғин унлиси 45 мсек., иккинчи бўғин унлиси 75 мсек., учинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Унинг лексик урғуси иккинчи бўғинга берилган.

Очиқ бўғиндан иборат туб феъллар *-ди* замон кўрсаткичини орт-тирса ҳам, лексик урғу ўзақда сақланаверади, яъни биринчи бўғинда бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *е-, де-* туб феълларига ўтган замон *-ди* қўшимчаси қўшилар экан, ҳосил бўлган бисилабик феълнинг биринчи бўғинига лексик урғу юкланади. Яъни *деди* феълининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек.; *еди* феълининг биринчи бўғин унлиси 75 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқликка эга. Бу ҳам уларнинг лексик урғуси биринчи бўғинда эканлигини кўрсатади. Лекин лексик урғудаги таъкид урғусиз бўғиндагига нисбатан ниҳоятда кучсиз бўлади.

Феълларнинг хосланган шаклига мансуб равишдошларнинг *-(и)б* қўшимчаси ҳам маълум феълга қўшилиб келар экан, ҳамма вақт ҳам лексик урғуни олмайди ва лексик урғули бўғиндан кейинги бўғинда

жойлашган бўлади. Масалан, *ўлиб*, *чиқиб*, *қарашиб*, *судралиб* равишдошлари бўғинлари хусусиятига эътибор бериш мумкин. Улардан *ўлиб* равишдошининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек.; *чиқиб* равишдошининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 10 мсек.; *қарашиб* равишдошининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек., учинчи бўғин унлиси 10 мсек.; *судралиб* равишдошининг биринчи бўғин унлиси 60 мсек., иккинчи бўғин унлиси 130 мсек., учинчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу феълларнинг ҳаммасида ҳам лексик урғу равишдош хосланган шаклдан иборат сўнги бўғиндан аввалги бўғинга берилган. Бу феълларнинг дастлабки иккитаси бисиллабик бўлгани учун, лексик урғуси биринчи бўғинида, кейинги иккитаси уч бўғинли бўлгани учун, иккинчи бўғинига берилган. Чунки бу равишдош ўзаги хусусияти билан боғлиқдир. Лексик урғу бир бўғинли феълларнинг ўзида, биринчи бўғини очик бисиллабик феълларнинг иккинчисида бўлади. Бу фикр биринчи бўғини ёпиқ бисиллабик феъллардан ясалган равишдошларга ҳам хос бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган тўртинчи мисол шунга намуна бўла олади.

Феълларнинг ҳаракат номи хосланган шакли ҳам туб феълларга қўшилиб келар экан, лексик урғу унга кўчмайди, биринчи бўғиннинг ўзида берилади. Масалан, *бўлишим* ҳаракат номининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 20 мсек., учинчи бўғин унлиси 15 мсек. чўзиқ талаффуз этилган, яъни лексик урғу биринчи бўғинда акс этган. Бу эса ўзак семантикасини таъкидлаш мажбурияти билан боғлиқ. Шу билан бирга туб феълга қўшилиб келган ҳаракат номи шаклининг тор *и* унлиси ҳам бунга имконият яратиб берган.

Кўринадики, туб отлардан *-ла* аффикси воситасида феъл ясалса, туб феълларга давомийлик билдирувчи *-и* аффикси, II шахс кўплик ифодаловчи *-инг* шахс-сон аффикси, *-(и)* равишдош ясовчи ва *-(и)ш* ҳаракат номи ясовчи, *-ин*, *-ил*, *-иш*, *-ит*, *-из*, *-ир* нисбат аффикслари ва *K+V* фонетик таркибли феълларга *-ди* замон аффикси қўшилса, лексик урғу ҳамма вақт биринчи бўғинда қайд этилади.

Ўзбек тилининг ўз лексикасига мансуб, ауслаути *а* унлиси бўлган бисиллабик феъллар шакл ясовчи қўшимчалар билан қўлланар экан, унинг лексик урғуси деярли иккинчи бўғинда кузатилади. Масалан, *қаради*, *тўладинг*, *тусадим*, *буласин*, *улади*, *ўрадиг*, *қуради* феълларининг лексик урғуси иккинчи бўғинида берилган. Бу бўғин феъл-

ларнинг иккинчи бўғини, ўзакнинг сўнги бўғини ҳисобланади. Улар кетидан замон ёки шахс-сон аффикслари қўшилган. Улардан *тўладинг* феъли замон ва шахс-сон қўшимчалари билан келиб, бисилабик ўзакка эга. Унинг иккинчи бўғинига лексик урғу тушган. Бу феълнинг биринчи бўғин унлиси 35 мсек., иккинчи бўғин унлиси 130 мсек., учинчи бўғин унлиси 30 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Мисолдаги қолган феълларнинг бўғин унлиси ҳам шу характерли чўзиқлик билан талаффуз этилади.

Туб феъллар давомийлик билдирувчи *a* аффиксини ортириб келганда ҳам ўша *a* аффикси жойлашган иккинчи бўғинга лексик урғу берилади. Ундан кейин қўлланган замон ва шахс-сон қўшимчаларига лексик урғу кўчмайди. Масалан, *кўрамиз*, *борамиз*, *қуради*, *сўради*, *бўгаман*, *тўсаман* каби феълларга эътибор бериш мумкин. Уларнинг ҳаммасида лексик урғу иккинчи бўғинда акс этган. Бу феъллар замон ёки шахс-сон қўшимчасини ҳам ортириб келган. Бироқ уларга лексик урғу кўчмаган. Улардан *кўрамиз* феъли давомийлик ва шахс-сон билдирувчи қўшимча билан қўлланган. Лексик урғу бу феълнинг иккинчи бўғинида, яъни давомийлик ифода топган бўғинидадир. Эътибор қилинг: *кўрамиз* феълнинг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 135 мсек., учинчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Мисоллардаги қолган феълларнинг бўғин унлиси ҳам шу характердаги чўзиқлик билан қайд этилади.

Туб феъллар истак майли билан келганда ҳам, лексик урғу унинг иккинчи бўғинига тушади. Феълнинг истак майли қўшимчаси *-(a)й* ва *-(u)й* лардан иборат. Улар яна I шахс-сон билан тусланиши ҳам мумкин. Лекин лексик урғу унга кўчмайди. Чунки феълларнинг шахс-сон шакллари ҳеч вақт лексик урғуни ўзида акс эттирмайди. Масалан, *кўрай*, *ярайман*, *тўлайман*, *қурийлик*, *буриймиз*, *қаший* каби истак майлидаги феълларнинг ҳаммасида ҳам лексик урғу иккинчи бўғинга берилган. Уларнинг айримларида қўлланган шахс-сон қўшимчаси, айтилганидай, урғусиздир. Булардан *буриймиз* феълнинг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек., учинчи бўғин унлиси 40 мсек.; *кўрай* феълнинг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 160 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Келтирилган мисоллардаги қолган феълларнинг ҳам бўғин унлиси шу характерли чўзиқликка эга.

Кўринадики, бисилабик феълларнинг иккинчи бўғини ауслати *a* унлиси ёки давомийлик билдирувчи *a* унлиси ёки *-(a)й*, *-(u)й*

аффиксларининг бири, истак феълининг шакли бўлса, лексик урғу шу бўғинга тушади. Улар кетидан келган замон, шахс-сон каби сўз шаклларига у кўчмайди.

Феъл ясовчи *-ла* аффиксига кўп ҳолларда лексик урғу ўтмайди. Лексик урғу феълнинг ясаш асоси бўлган ўзак ёки негиз вазифасини ўтовчи сўзнинг қайсидир бўғинига берилган бўлади. Унинг қайси тартибдаги бўғинга тушиши эркиндир. Масалан, *мукофатланди* феълининг иккинчи, *ижирганди* феълининг учинчи, *тарвақайлади* феълининг учинчи бўғинига лексик урғу берилган. Эътибор беринг: *мукофатланди* феълининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек., учинчи, тўртинчи ва бешинчи бўғинлар унлиси 80 мсек.; *ижирганди* феълининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек., учинчи бўғин унлиси 110 мсек., тўртинчи бўғин унлиси 70 мсек.; *тарвақайлади* феълининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек., учинчи бўғин унлиси 140 мсек., тўртинчи бўғин унлиси 40 мсек., бешинчи бўғин унлиси 80 мсек. чўзиқликка эга. Бу феълларнинг ясовчисидан бошлаб қолган бўғинларига лексик урғунинг дахли бўлмаган. У феъл асосларидан бирида ўз аксини топган. Ўрни келганда яна айтиш керакки, тақлидий-тасвирий сўзлардан феъл ясалар экан, лексик урғу феъл ясовчи *-ла* аффиксидан олдинги бўғинда, яъни тақлидий-тасвирий сўзнинг сўнгги бўғинида берилади. Бунинг учун *шақирлади* феълни мисол тариқасида келтириш мумкин. Унинг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек., учинчи бўғин унлиси 60 мсек. ва охириги бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Шунга ўхшаш яна *шивирла-*, *шалопла-*, *тарақла-* каби тақлидий феълларнинг бўғинлари чўзиқлиги ҳам *шақирлади* феълининг бўғинлари чўзиқлиги тақсимотига ўхшайди.

Агар *-ла* аффикси билан феълнинг биргалик нисбати қўлланса, у таркиб топтирган бўғинга лексик урғу тушиши кузатилади. Масалан, *шивирлашди* феълининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 20 мсек., учинчи бўғин унлиси 120 мсек. ва охириги бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган, яъни *лаш* бўғинига лексик урғу тушган. У учинчи бўғиндир. Агар бўғин ўрнида ясовчи ва истак майлидан таркиб топган бўғин бўлса ҳам, унда лексик урғу бўлар эди. Яъни *шивирлай* феълининг лексик урғуси сўнгги бўғинда. Ундаги унли 140 мсек. чўзиқликка эга.

Феълларнинг хосланган шакли ўзбек тилида ўзига хос характерга эга. Уларнинг *-(у)в* аффикси билан ясалган ҳаракат номлари

кўрсаткичи, нечанчи тартибдаги бўғинда келишидан қатъи назар, лексик урғуни ҳамма вақт ўзида қайд эттиради. Масалан, *ўқув*, *кўрсатув*, *мусобақалашув* ҳаракат номалярининг ҳаммасида лексик урғу сўнгги бўғинга берилган. Чунки уларнинг ҳаракат номи кўрсаткичи сўнгги бўғиндадир. Шулардан *кўрсатув* ҳаракат номининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек, иккинчи бўғин унлиси 60 мсек. ва охириги бўғин унлиси 120 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Унинг биринчи бўғин унлиси бошқа бўғин унлиларига нисбатан анча чўзиқ берилган. Ваҳоланки, у тор унли бўлиб, биринчи бўғин унлиси ўрта кенг ва охириги бўғин унлиси кенгдир. Шунга кўра, ҳаракат номи хосланган шакли унлисида чўзилиш имконияти кам ҳисобланади. Лекин у в ундоши билан контакт қўлланганлиги ва уларнинг артикуляция ўрни туташлиги учун, аккомодация кечимини юзага келтирган. у унлиси в ундоши ҳисобига чўзилиш имкониятини орттирган. Бу шу бўғинда лексик урғу берилиши ва у унлисининг чўзиқ талаффузини таъминалаган. Мана шу сабаб *-(y)в* аффикси билан ясалган ҳаракат номи ҳамма вақт хосланган шакли ҳисобига таркиб топган бўғинда лексик урғуни акс эттиради.

-(y)в аффиксли ҳаракат номи бўғинда лексик урғу берилишининг семантик асоси ҳам бўлиб, у феълнинг отлик вазифасини ўташга ўтганлигини таъкидлаш заруриятидир. Шулар мазкур сўз кетидан яна бир грамматик шакл, ё ясовчи орттирилса ҳам, лексик урғуни ўзида сақлаб қолишига сабаб ҳисобланади. Масалан, *кўрсатувга* сўзига жўналиш келишиги орттирилган. Унинг унлиси кенг артикуляцияга эга бўлишига қарамай, лексик урғули бўғин унлисига нисбатан анча қисқа – 80 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган.

-ган ва *-(a)р* аффикси билан ясалган сифатдошлар кўрсаткичи ҳам, худди *-(y)в* кўрсаткичи каби, нечанчи тартибдаги бўғинда келишидан қатъи назар, лексик урғуни ҳамма вақт ўзида қайд этади. Масалан, *теккан*, *туташиган*, *бўладиган*; *ёнар*, *кўтарар* сифатдошларининг ҳаммасида ҳам лексик урғу сўнгги бўғинга тушган. Чунки уларнинг сифатдошли кўрсаткичи сўнгги бўғиндадир. Шулардан *бўладиган* сифатдошининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек., учинчи бўғин унлиси 30 мсек. ва охириги бўғин унлиси 100 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Унинг сўнгги бўғини бошқа бўғин унлиларига нисбатан анча чўзиқ, лекин фарқ кам. Чунки биринчи ва иккинчи бўғин унлилари ҳам сифатдош кўрсаткичидаги бўғин унлисига ўхшаш кенг артикуляция қилинади. Унинг нисбатан чўзиқлиги лексик урғу талабига кўрадир, яъни таъ-

кид мажбурияти билан юзага келган. Мисолда келтирилган қолган икки сўзнинг бўғинлари унлисига сарфланган вақт миқдори ҳам шу бўладиган сўзи бўғинлари унлисига сарфланадиган вақт миқдори тақсимотига ўхшайди.

-(а)р аффикси билан ясалган сифатдошлар ҳақида ҳам -ган аффикси билан ясалган сифатдошлар ҳақидаги натижаларни айтиш мумкин. Чунончи, *кўтарар* сифатдошининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 40 мсек. ва охириги бўғин унлиси 130 мсек. чўзиқ талаффуз этилган.

Сифатдошнинг охириги бўғин унлисининг чўзиқ бўлиши унинг белги билдиришини таъкидлаш ва унга лексик урғу бериш зарурияти билан боғлиқ. Бу шу бўғин кетидан сўз шакли ёки ясовчи берилганда ҳам сақланади, яъни лексик урғу сифатдош кўрсаткичида берилгани ҳолда, кейинги бўғин унлиси қисқа талаффузлаи бўлади. *Сўрар* сифатдошига жўналиш келишиги кўшилса, 80 мсек. чўзиқ талаффуз этилади. Ваҳоланки, сифатдошнинг сўнгги бўғини 115 мсек. чўзиқ. Бу ҳолат -ган аффикси билан ясалган сифатдошларга жўналиш келишиги кўшилганда ҳам кузатилади.

Кўринадики, феълларнинг хосланган шаклларида ҳаракат номини ясовчи -(у)в, сифатдош ясовчи -ган ва -(а)р аффиксини ўз ичига олган бўғинига лексик урғу берилади. Уларнинг лексик урғуси кетидан қўшиладиган ҳар қандай сўз шаклига кўчмайди.

Ўзбек тилидаги феълларнинг сўнгги бўғинида қайд этилган сўз шакллари унлилари кўп ҳолларда жуда чўзиқ талаффуз этилади. Аммо уларни лексик урғу олган бўғин қаторида ҳисобламаслик керак. Одатда феъллар дарак гапнинг кесими вазифасида қўлланади. Дарак гаплар интонацияси охирига томон сўниб, пасайиб боради. Бунинг ҳисобига сўнгги товушларни тингловчига тўла етказиш мақсадида чўзиб талаффуз этилади. Яъни феъл кесим охири дарак гап учун тугалланма ҳисобланиб, товушлари чўзиқ ва паст берилади¹. Лексик урғу берилган бўғин, айниқса, унинг урғуси чўзиқ бўлиши баробарида гапдаги бошқа товушлардан, товуш бандлиги ва кучи сал юқори бўлса ҳам, паст бўлмайди. Акс ҳолда унинг урғулик моҳияти йўққа чиқади. Масалан: *Денгизга ботди* (Э. Воҳид). гапининг феъл кесимига эътибор берайлик. *Ботди* феълнинг биринчи бўғин унлиси 110 мсек., иккинчи бўғин унлиси 250 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Шунга қараб бу феълнинг лексик урғуси иккинчи бўғинида дейиш нотўғри бўлар эди. Чунки лек-

¹ Қрғ.: Ҳайитметов Ф. А. Алишер Навоий газаллари қофиясида мантқ урғусининг берилиши. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1998. 14-б.

сик ургу тушган бўгин таъкидли қайд этилади. Мазкур феълнинг сўнги бўгини мутлақо таъкидли эмас. Аксинча, у қулоқ илғамас даражада паст талаффуз этилган. Унинг товуш баландлиги 84 гц., товуш кучи 3 мм. амплитудадир. Бу дарак гап интонациясининг тугалланмасига хос. Бу феълнинг биринчи бўгин унлиси 110 мсек. чўзиқликка эга бўлиб, товуш баландлиги 162 гц., товуш кучи 6,5 мм. амплитудага эга. Бу унга кучли таъкид берилганлиги, яъни лексик ургу тушганлигини ҳар томонлама исботлайди.

Ўзбек тилида феъл дарак гапнинг кесими вазифасида қўлланар экан, ё кўмакчи феъл, ё ёрдамчи феъл билан келади. Бунда кўмакчи феъл ҳам, ёрдамчи феъл ҳам ҳеч вақт бирор бўгини лексик ургуни ўзида ташимайди. Шунингдек, уларнинг товуш баландлиги ниҳоятда паст берилади. Масалан, *қолиб* етакчи феъли *кеттишади* кўмакчи феъли билан кесим вазифасида қўлланганига эътиборни қаратайлик. *Қолиб* етакчи феълнинг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек. чўзиқликда, *кеттишади* кўмакчи феълнинг биринчи бўгин унлиси 50 мсек., иккинчи бўгин унлиси 25 мсек., учинчи бўгин унлиси 100 мсек. ва охириги бўгин унлиси 150 мсек. чўзиқликда келган. Булардан кўмакчи феълнинг кейинги икки бўгини унлиси ниҳоятда чўзиқ берилган. Лекин уларнинг товуш баландлиги ниҳоятда паст. Кўмакчи феълнинг биринчи бўгин унлиси 120 гц., иккинчи бўгин унлиси 100 гц., учинчи бўгин унлиси ҳам 100 гц. ва охириги бўгин унлиси 75 гц. баландликка эга. Уларнинг биринчи бўгин унлиси 4 мм., иккинчи бўгин унлиси 1,5 мм., учинчи бўгин унлиси 3,5 мм., тўртинчи бўгин унлиси 2 мм. амплитуда товуш кучи билан берилган. Яъни кўмакчи феъл бўгинлари унлисининг товуш баландлиги ва товуш кучи паст. Етакчи феълнинг биринчи бўгин унлиси 187 гц., иккинчи бўгин унлиси 175 гц. товуш баландлигида; биринчи бўгин унлиси 5 мм., иккинчи бўгин унлиси 4,5 мм. амплитуда товуш кучи билан талаффуз этилган. Бу *қолиб кеттишади* феъл кесимининг лексик ургуи етакчи феълнинг биринчи бўгинига тушганлигини ва кесимнинг интонацион тугалланмаси кўмакчи феълда бўлиб, охирига томон яққол кўзга ташлана борганлигини кўрсатади.

Тўлиқсиз феъллар ҳам дарак гапнинг интонацион тугалланмасидан ўрин олади. Улар одатда ё феъл кесимнинг сифатдош хосланган ҳолатидан кейин, ё от кесимдан кейин келадилар ва гапнинг интонацион сўнишига рўбарў бўладилар. Бу улар талаффузида яққол кўзга ташланади. Эди тўлиқсиз феъли дарак гап охирида биринчи бўгин унлиси 90 мсек., иккинчи бўгин унлиси 130 мсек., бошқа

бир ўринда биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 165 мсек. чўзиқ келиши кузатилади. Аммо уларда товуш баландлиги 100 гц. ва 70 гц.дан, товуш кучи 3 мм. ва 2 мм. амплитудадан ошмаган. Агар дарак гап интонацион тугалланмасида *экан, эрур* каби тўлиқсиз феъллардан бири қўлланган бўлса, улардаги товуш баландлиги ва товуш кучи *эди* тўлиқсиз феълидаги каби паст берилгани ҳолда, товуш чўзиқлиги, айниқса, иккинчи бўғин унлисида 180 мсек. дан 200 мсек.гача ва ундан ҳам чўзиқ мсек. бўлиши мумкин.

Кўринадики, дарак гап интонацияси тугалланмасида кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феълларнинг келиши, улардаги товуш баландлиги ва кучининг паст бўлиб, товуш чўзиқлиги ниҳоятда ортиқ бўлиши бу феъллар бўғинига лексик урғу мутлақо тушмаслигини кўрсатади. Айниқса, уларнинг охирги бўғини лексик урғудан мутлақо холидир.

Демак, феъл кесимли гапларнинг *-(у)в* ҳаракат номи, ёки *-ган ё -(а)р* сифатдош хосланган шакли билан тутаган сўнгги бўғинларига лексик урғу берилади. Қолган ҳолатларда туб феъл ўзакларида, феъл ясама бўлса, унинг ясаиш асосидаги бўғинлардан бирида у қайд этилади. Феълнинг ясаиш асоси полисиллабик бўлиб, биринчи бўғини ёпиқ ёки очиқлиги ҳолда, унлиси чўзиқ келса, кейинги бўғинларидан бирига лексик урғу юкланади. Дарак гап тугалланмасидаги кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феълларнинг сўнгги бўғин унлиси, чўзиқ келишига қарамай, ўзида лексик урғуни акс эттирмаган бўлади. Булар феъллар лексик урғуси эркин эканлигини билдиради.

Равишларда лексик урғу

Ўзбек тилидаги равиш туркумига мансуб сўзларнинг лексик урғуси бошқа туркумларга мансуб сўзларнинг лексик урғусига ўхшаш фақат квантитативдир. Яна улар ҳам бошқа туркумдагиларга ўхшаш сўзларнинг маълум тартибдаги бўғинига тушмайди. Шу билан бирга равиш туркумига мансуб сўзнинг сўнгги бўғинида ҳам қайд этилмайди, олдинги бўғинларидан бирида, кўпроқ биринчи бўғинида кузатилади. Бу асосан равиш семантикаси билан боғлиқ.

Равишларнинг маъно турлари олгита бўлиб, улар тарз равишлари, миқдор равишлари, ўрин равишлари, пайт равишлари, мақсад равишлари ва сабаб равишларидан иборат.

Тарз равишлари *тез, зиқ, суст* каби моносиллабик; *секин, жадал, ошқич, яёв* каби бисиллабик; *пиёда, бекорга, тўсатдан* каби полисиллабик сўзлардир. Улардан моносиллабик равишларнинг лексик

урғуси ўз-ўзидан мавжуд бўғинларида берилган. Бисилабик равишларнинг лексик урғуси биринчи бўғинида қайд этилган. Яъни *секин* равишининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 62 мсек.; яна *яёв* равишининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек.; *ошқич* равишининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек. чўзиқликка эга. Полисилабик равишларнинг ҳаммасида ҳам биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 115 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Уларнинг лексик урғуси шу бўғинда берилган. Бу равишларнинг учинчи бўғин унлиларигина товуш чўзиқлиги жиҳатдан ўзаро фарқ қилади: *пиеда* равишида 80 мсек., *бекорга* равишида 70 мсек., *тўсатдан* равишида 80 мсек. чўзиқдир.

Айрим дарслик, монография ва илмий мақолаларда *елдай, қилча, шерларча, ботирчасига* каби сўзлар равиш туркумига мансуб деб кўрсатиб, *-ча, -дай, -ларча, -часига* каби аффиксларни равиш ясовчи аффикс деб кўрсатадилар¹. Бироқ бу аффиксларнинг бирортасида лексик урғу беримайди. Одатда сўз ясалар экан, айниқса, бир туркумга оид сўздан иккинчи бир туркумга оид сўз ясалар экан, унга лексик урғу кўчиши керак. Чунки ясалган туркумга оид семантикани таъкидлаш зарурияти юзага келади. Бу заруриятни лексик урғу адо этади. Юқорида равиш ясовчи деб саналган аффикслар равиш туркумини ҳосил қилганлигини таъкидлаш заруриятини юзага келтирмаган экан, унинг равиш ясовчи эканлиги ҳам шубҳа остида қолади. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги ўзбек тилшунослигида юзага келган қараш, яъни *-ча, -часига, -ларча, -дек, -дай, -лаб, -(с)ига* каби аффикслар равиш ясовчи эмас², дейилишига қўшилиш маъқуламикан, деган хулоса чиқардик. Эҳтимол, от туркумининг маълум категориясини белгиловчи сўз шакли эмасмикан?! Бу бошқа масала, деб қолдираимиз.

¹ Қрғ.: Боровков А. К., Ғуломов А. Ғ., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм. –202-б.; Фузайлов С. Ўзбек тилида равишлар. –Тошкент: Фан, 1953. 6–11-бб.; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 282–286; Рустамов Т. Р. Равиш // Ҳозирги замон ўзбек тили. 1-қт. / Ғ. А. Абдурахмонов таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1966. 334–336-бб.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 159–160-бб.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 231–233-бб.; Ўзбек тили грамматикаси. 1 т. / Масъ. муҳар. Ғ. А. Абдурахмонов, Ш. Ш. Шоабдурахмонов, А. П. Ҳожиев. –Тошкент: Фан, 1975. 529–532-бб.; Асадов Т. Ҳ. Сўз туркумлари тизимида равиш. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. 14-б.

² Қрғ.: Ҳожиев А. П. Ўзбек тилида равиш ясалиши тизими масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –2001. 2-сон, 42–46-бб.

Миқдор равишлари *кўп, мўл, кам, оз, сал* каби моносиллабик; *анча, бироз, хийла, сал-пал* каби бисиллабик сўзлардан иборат. Моносиллабик равишларнинг лексик урғуси, айтилганидек, мавжуд бўғинларида бўлади. Бисиллабик равишлардан *анча, хийла, сал-пал* каби сўзларда лексик урғу биринчи бўғиндадир. Улардан *анча* равишининг биринчи бўғин унлиси 105 мсек., иккинчи бўғин унлиси 45 мсек.; *хийла* равишининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 45 мсек.; *сал-пал* равишининг биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Фақат бисиллабик *бироз* миқдор равишининг ўзида лексик урғу иккинчи бўғинга берилган. Чунки унинг равишлик семантикаси моҳияти шу бўғиндадир. Яъни *бироз* равишининг биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи бўғин унлиси 130 мсек. чўзиқликка эга.

Ўрин равишлари *чап, ўнг, наст, олд, уст, ён* каби моносиллабик; *тубан, шу ер, бу ер, у ер, қуйи, узоқ, яқин, орқа, тўғри, қарши* каби бисиллабик; *юқори* каби полисиллабик сўзлардан иборат. Моносиллабик равишларнинг лексик урғуси мавжуд бўғинда бўлиши маълум. Бисиллабик равишлардан *тубан, қуйи, узоқ* сўзларининг лексик урғуси иккинчи бўғинда. Чунки буларнинг биринчи бўғини очиқ бўлиб, унлиси тор. Уларнинг шу бўғинига лексик урғу берилмайди. Чунончи, *узоқ* равишининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 160 мсек.; *қуйи* равишининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ. Шунга ўхшаш *шу ер, у ер, бу ер* ўрин равишларида ҳам лексик урғу иккинчи бўғинга берилган. Чунки улардаги ўрин семантикаси моҳияти ҳам *ер* компонентидадир. Ўрин равишларидан *яқин, орқа, тўғри* сўзларининг лексик урғуси биринчи бўғинда қайд этилган. Чунки уларнинг биринчи бўғин унлиси кенг, чўзиқ ва асосан ёпиқ. Уларда чўзилиш имконияти бор. Чунончи, *яқин* равишининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек. ва иккинчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқликка эга. Полисиллабик *юқори* равишининг лексик урғуси иккинчи бўғинига тушган. Яъни биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи бўғин унлиси 140 мсек. чўзиқ талаффуз этилган.

Пайт равишлари *кеч, сўнг, кеч* каби моносиллабик; *ҳозир, боя, бузун, кеча, аввал, олдин, энди, эрта, индин, кейин, дастлаб, саҳар, доим, шу он* каби бисиллабик сўзлардан иборат. Моносиллабик равишларнинг лексик урғуси мавжуд ўша бўғинида келиши табиий. Бисиллабик равишлардан *ҳозир, кеча, кейин, доим* сўзларининг биринчи бўғинига лексик урғу тушган. Чунки равишларнинг шу бўғини очиқ бўлса ҳам,

унлилари чўзиқдир. Сўзларнинг бундай унлили бўғини ҳамма вақт лексик урғули бўлади. Эътибор беринг: *ҳозир* равишининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек.; *кеча* равишининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқликка эга. *Аввал, олдин, энди, эрта, индин, дастлаб* каби бисилаабик равишларнинг ҳам биринчи бўғинига лексик урғу берилган. Чунки уларнинг шу бўғини ёпиқ бўлиб, унлисида чўзиқ келиш имкони бор. Масалан, *энди* равишининг биринчи бўғин унлиси 85 мсек., иккинчи бўғин унлиси 65 мсек.; *аввал* равишининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Улардан *бая, бугун, кейин, саҳар, шу он* равишларининг иккинчи бўғин унлиси лексик урғу билан келган. Чунки бу равишларнинг биринчи бўғини очиқ бўлиб, қисқа талаффуз этилади. Масалан, *бугун* равишининг биринчи бўғин унлиси 55 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек.; *шу он* равишининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 130 мсек. чўзиқликка эга.

Мақсад равишлари *атай, қастдан, жўртта* каби бисилаабик сўзлардан иборат бўлиб, уларнинг биринчисидаги лексик урғу иккинчи бўғинида; *қастдан* ва *жўртта* равишларидаги лексик урғу биринчи бўғинга берилган. Чунки *атай* сўзининг биринчи бўғини очиқлиги ҳолда, унлиси кенг бўлса ҳам, қисқадир. Иккинчи ва учинчи сўзларнинг биринчи бўғинлари ёпиқ ва унлилари кенгдир. Уларнинг чўзиқ талаффуз этилиш имконияти катта. Бу лексик урғу берилиш ўрнини белгилайди. Эътибор қилинг: *атай* равишининг биринчи бўғин унлиси 55 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек.; *қастдан* ва *жўртта* равишларининг биринчи бўғин унлиси бир хил 140 мсек., иккинчи бўғин унлиси аввалгисида 80 мсек., кейингисида 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган.

Сабаб равиши *ноилож, чорасиз* каби полисилаабик сўзлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар иккисида ҳам лексик урғу биринчи бўғинда берилган. Бу сўзларнинг биринчи бўғин унлиси бир хил 160 мсек. чўзиқликка эга. *Биламизки, сўзнинг* биринчи бўғини очиқ бўлгани ҳолда, у кенг *о* унлисига марказлашган бўлса, унда ниҳоятда чўзиқ келиш имконияти кузатилади ва лексик урғу орттиради. *Ноилож* равишининг иккинчи бўғин унлиси 20 мсек., учинчи бўғин унлиси 90 мсек.; *чорасиз* равишининг иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 30 мсек. чўзиқ талаффуз этилган.

Демак, равишлар ўзбек тилида моносилаабик, бисилаабик ва соноқли миқдорда уч бўғинли ҳолда кузатилиб, лексик урғу асосан

уларнинг биринчи бўғинида ва баъзан иккинчи бўғинида бўлади. Тилшуносликда қайд этилиб келинганидай, ясама равишлар ҳақидаги фикрлар ҳақиқатга мос эмас. Лексик урғу равишларнинг ясовчи аффиксларида учрамаслиги ҳам шуни тасдиқлайди.

Ёрдамчи сўзларда лексик урғу

Ёрдамчи сўзлар, яъни боғловчи, кўмакчи ва юкламаларда лексик урғу кузатилмайдди. Фақат модал сўзлардагина унинг қайд этилганлигини кўриш мумкин. Чунки модал сўзларда экспрессивлик ёки эмоционаллик бўлади. Уни таъкидлаш мақсади билан лексик урғудан фойдаланилади.

Модал сўзларнинг кўпида экспрессивлик кучли қайд этилади. Бунинг учун товушлари талаффузига юқори куч берилади. Товушга берилган куч юқори бўлгандан кейин, унинг чўзиқлиги, яъни унга берилган вақт миқдори ҳам ортади. Бу, айниқса, унли товушларда ўз аксини топади. Уни кўпроқ сўзнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлганда, унли товушида кузатилади. Модал сўзга қаттиқ таъкид юкланиши ва ёпиқ бўғин унлисига чўзиқлик берилиши шуни тақозо этади. Масалан, *албатта* модал сўзининг биринчи бўғин унлиси 8 мм. амплитуда товуш кучига эга бўлиб, 140 мсек чўзиқ талаффуз этилган. Унинг иккинчи бўғин унлиси 6 мм. амплитуда товуш кучи, 90 мсек. чўзиқликка; учинчи бўғин унлиси 5,5 мм. амплитуда товуш кучи 100 мсек. чўзиқликка эга. Бу ўлчовлар ўз-ўзидан лексик урғу биринчи бўғинда эканлигини ва унинг экспрессивлиги кучлилигини кўрсатади. Яна шунга ўхшаш уч бўғинли *шубҳасиз*, *эхтимол*, *афтидан*, *аксинча* каби модал сўзлар экспериментал таҳлилдан ўтказилса ҳам, товуш кучи ва чўзиқлигида унча катта фарқ сезилмайди. Бундай сўзларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлмай, очиқ келиши ҳам мумкин. Уларнинг шу бўғинида лексик урғу қайд этилиб, унда экспрессивлик кузатилаверади. Масалан, *ҳокazo* модал сўзидаги биринчи бўғин унлиси 7,5 мм. амплитуда товуш кучи ва 115 мсек. товуш чўзиқлигига, иккинчи бўғин унлиси 7 мм. амплитуда товуш кучи ва 100 мсек. товуш чўзиқлигига, учинчи бўғин унлиси 6 мм. амплитуда товуш кучи ва 90 мсек. товуш чўзиқлигига эга. Бу сўздаги ўлчов ҳам биринчи бўғинга лексик урғу тушганлигини кўрсатади.

Бисиллабик модал сўзларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлса, ундаги экспрессивлик иккинчи бўғиндагига нисбатан анча кучли бўлади ва товуш чўзиқлиги ҳам унга яраша берилади. Унинг лексик

урғуси яққол кўзга ташланади. Масалан, *шаксиз* модал сўзининг биринчи бўғин унлиси 8 мм. амплитуда товуш кучи ва 160 мсек. товуш чўзиқлиги, иккинчи бўғин унлиси 6 мм. амплитуда товуш кучи ва 40 мсек. товуш чўзиқлигига эга. Эксперимент *сўзсиз, хуллас, чоги* сўзларида ҳам шундай кўрсаткични беради.

Модал сўзларнинг уч бўғинлилари эмоционал характерга эга бўлса ҳам, уларнинг биринчи бўғини ёпиқ бўлган тақдирда, уларга лексик урғу тушади. Лекин бўғинлар унлисининг товуш кучи кейинги бўғинлар унлисининг товуш кучидан юқори бўлмаса ҳам, товуш чўзиқлиги салмоқли ортиқ келади. Масалан, *хайтовур* модал сўзининг биринчи бўғин унлиси 6 мм., иккинчи бўғин унлиси 6,5 мм., учинчи бўғин унлиси 5 мм. амплитуда товуш кучига эга. Шу сўзнинг биринчи бўғин унлиси 170 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек., учинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни бўғиннинг лексик урғуси асосан товуш чўзиқлиги ҳисобида акс этган. Шунга ўхшаш *хайрият, аттанг* модал сўзларида ҳам бўғин унлиларидаги товуш чўзиқлиги шундай тақсимланган. Чунки эмоционаллик ҳамма вақт сўз бўғинлари унлиси чўзиқ бўлишини юзага келтиради.

Уч бўғинли модал сўзларнинг биринчи бўғини очиқ бўлса, иккинчи бўғини очиқ келса ҳам, ёпиқ келса ҳам унлиси чўзиқ берилади. Бу уларнинг иккинчи бўғинида лексик урғу берилиши учун имконият ҳисобланади. Масалан, *мисоли* модал сўзининг биринчи бўғини очиқ бўлиб, иккинчи бўғини ҳам очиқ, лекин унлиси чўзиқ *о* товушидир. Бунинг учун, шу унлида сўздаги экспрессивлик ўз ифодасини топган ва сўзнинг лексик урғуси шу бўғинда акс этган. Эътибор беринг: *мисоли* модал сўзининг биринчи бўғин унлиси 6,5 мм. амплитуда товуш кучи ва 45 мсек. чўзиқлик, иккинчи бўғин унлиси 8 мм. амплитуда товуш кучи ва 130 мсек. чўзиқлик, учинчи бўғин унлиси 7,5 мм. амплитуда товуш кучи ва 70 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Сўзнинг иккинчи бўғин унлиси бошқа бўғинларга нисбатан ҳам товуш кучи, ҳам товуш чўзиқлигига кўра устун. Бу унга лексик урғу берилганлигини кўрсатади.

Модал сўзларнинг ичида бир нечаси борки, лексик урғу уларнинг ҳаммасида сўнгги бўғинга берилган. Бу модал сўзларнинг ярми икки бўғинли, ярми уч бўғинлидир. Улар неча бўғинли эканидан қатъи назар, ҳаммасида ҳам сўнгги бўғин деярли ёпиқ бўлиб, аввалги бўғинлари очиқдир. Бунинг устига, сўзга берилган таъкид моҳияти ҳам шу сўнгги бўғинга тушган. Эътибор қилинг: *керак* модал сўзининг биринчи бўғин унлиси ва иккинчи бўғин унлиси ҳам 5,5 мм. амплитуда товуш

кучига эга бўлиб, биринчи бўгин унаиси 60 мсек., иккинчи бўгин унаиси 120 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Товуш чўзиқлигига кўра лексик урғу иккинчи бўгинда эканлиги аниқ. Қолган *демак, масалан, фақат, зарур* модал сўзларида ҳам шу ҳол кузатилади.

Модал сўзларга экспрессивлик ва эмоционаллик хос бўлганлиги ва бу сўз бошига таъкид берилишига олиб келиши уларнинг биринчи бўгинига лексик урғу берилишини юзага чиқариши ҳақида айтиб ўтилди. Ҳақиқатда ҳам, шу кузатилиши керак. Аммо кўрсатдикки, лексик урғу модал сўзларнинг кўпроқ биринчи бўгинида ва иккинчи бўгинида ҳам, қолаверса, учинчи бўгинида ҳам ўз аксини топади. Таҳлиллар шуни кўрсатди. Шуни ҳам айтиш керакки, модал сўзларнинг ўзи ё икки, ё уч бўгиндангина иборат. Яъни лексик урғуларнинг қайси бўгинда берилиши модал сўзларда тўлаллиги билан эркиндир. Бироқ у қайси бўгинга жойлашувида унинг таркиби ҳам маълум даража аҳамият касб этади.

Демак, лексик урғу ёрдамчи маъноли сўзларга деярли берилмайди, фақат модал маъноли сўзларда қайд этилади. Улар, сўз бўгинининг қайси тартибида берилишидан қатъи назар, эркиндир. Модал сўзлар икки ёки уч бўгинли бўлгани ҳолда, лексик урғу кўпроқ биринчи бўгинда ва баъзан иккинчи, учинчи бўгинларда ҳам акс этади. Бу сўздаги экспрессивлик ва эмоционаллик, шунингдек, товушлар, улар тартиби билан ҳам алоқадор бўлади. Яна лексик урғули бўгин унаисидаги товушлар кучи шу сўздаги бошқа бўгинлар товуш кучидан деярли паст бўлмайди.

-----0-----0-----0-----

Ўзбек тилида лексик урғу, айтилганидай, эркин бўлгани билан, ясама сўзларда деярли сўнгги бўгинга боғли ҳолда келади. Улар сўзларнинг коммуникациясида ўз ўрнини ўзгартириб туриши мумкин. Сўз аффиксациясига кўра, ўша лексик урғу тушган бўгиндан кейин яна бўгинлар орта боради ва урғу ҳам охирига томон сурила боради. Баъзан у сўзнинг янги сўнгги бўгинларига кўчмаслиги ҳам кузатилади. Лексик урғунинг бошқа бўгинга кўчиши сифат даражаларида аввалги бўгинга ва от ясада ясовчиларга силжиш ҳолатида бўлади. Лексик урғу шу кўчиш ва кўчмаслик хусусиятига кўра икки типга бўлинади; 1) турғун урғу, 2) кўчувчи урғу.

Турғун урғу сўз негизининг маълум бўгинида қатъий ҳолатда қўлланиб, шу негизнинг ҳар қандай аффиксациясида ҳам, сўзга префикс ёки суффикслар қўшилиб, турили сўз шаклларини ҳосил қилса ҳам, у ўзи акс этган бўгиндан қўзғалмайди, фақат ўша бўгин талаф-

фузида юзага чиқади¹. Бу кўпроқ лексик урғуси сўзларнинг биринчи бўғинида қайд этиладиган боғли урғуларга хосдир. Масалан, немис тилидаги боғли урғу худди шундай. Чунки бу тилдаги лексик урғу сўзларнинг деярли биринчи бўғинида келади. Улардаги аффикслар деярли сўз кетига кўшилиб, янги сўз ясайди. Бунинг устига сўздаги флекция ҳам сўз охиридаги товушлар билан боғли ҳолда юз беради. Бундай ўзгаришлар сўзнинг биринчи бўғинидаги боғли урғуга дахлсиз ҳолда кечади. Масалан, немис тилида *Glück* ‘бахт’ сўзи бўлиб, у моносиллабикдир. Шунинг учун, мавжуд бўғинида лексик урғу бор. Ундан *glücklich* “бахтли” сифати, шу сифатдан *Glückliche* “бахтли киши” оти ва яна шу сифатдан *glücklicherweise* ‘бахтимизга’ модал сўзи ясалган. *Glück* отининг ўзидан яна *glücken* феъли ҳам ясалган. Немис тилида яна *lieben* ‘севмоқ’ феъли бўлиб, унинг лексик урғуси биринчи бўғинидадир. Бу феълдан *Liebe* ‘севги’, *lieber* ‘соз’, *liebevoll* ‘эрка’, *lieblich* ‘севикли’, *Liebling* ‘маъшуқа’, *Liebste* ‘ошиқ’ каби сўздар ясалган бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳам лексик урғу биринчи бўғинидадир. Аёнки, немис тилидаги лексик урғу боғли бўлиши билан бирга турғун урғу ҳам ҳисобланади. У ҳеч вақт ўзи тушган бўғиндан бошқа бўғинга кўчмайди. Бу немис тили фонетикаси учун қатъий қонуният ҳисобланади.

Чех тилидаги сўзларнинг ҳам лексик урғуси биринчи бўғинда бўлиб, боғлидир. Бу тилда ҳам аффиксация сўз кетидан бўлади. Шунинг учун, сўзларнинг ясалиши ҳам, турланиши ҳам, тусланиши ҳам боғли урғунинг жойлашган позициясига дахлсиз қолади, яъни чех тилидаги лексик урғу ҳам боғли, ҳам турғун урғу ҳолатида қолади.

Немис ва чех тилларининг лексик урғуси динамик урғудир. Ўзбек тилидаги сўзларнинг лексик урғуси квантитатив урғу ҳисобланади. Бунинг устига, немис ва чех тилларидаги боғли урғу ҳақида юқорида таҳлиллар келтирилади. Ўзбек тилидаги лексик урғулар эса деярли эркин урғу ҳолида кузатилади. Шундай эканлигига қарамай, ўзбек тилидаги маълум сўзларнинг лексик урғуси ҳам квантитатив, ҳам эркин урғу эканлиги ҳолда турғун ҳолида ҳам бўлади. Ўзбек тилидаги бисиллабик сифатларда коммуникация кечимида бўладиган экспрессивлик талабига кўра лексик урғу биринчи бўғинга берилади. Унга ясовчи аффикс қўшилгани билан лексик урғу ўз ўрнида қолаверади, ясовчига кўчмайди. Чунки шунда ҳам сўздаги семантик экспрессивлик ўша биринчи бўғинда қолади. Одатда экспрессивликка кўра сўзнинг муайян бўғинига берилган лексик урғу ҳамма вақт турғун бўлади. Масалан, *яхшилик* белги отнинг биринчи бўғин унлиси 90

¹ Қрғ.: Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 167-б.

мсек., иккинчи бўгин унлиси 30 мсек. учинчи бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни бу сўзнинг лексик урғуси биринчи бўгинда берилган. *-лик* аффикси воситасида от ясалмасдан аввал *яхши* сифатида ҳам лексик урғу унинг биринчи бўгинида бўлган. Бу ўринда ҳам унинг биринчи бўгиндаги лексик урғуси 90 мсек., иккинчи бўгин унлиси 50 мсек. вақт олган. Шунга ўхшаш *янги* сифатининг ҳам лексик урғуси биринчи бўгинда бўлиб, унлисига 90 мсек., иккинчи бўгин унлисига 40 мсек. вақт сарфланган. Унга *-лик* ясовчиси қўшилгач ҳам, лексик урғу биринчи бўгинда қолган ва чўзиқлиги ўзгармаган. Бу ясама сўздаги *-лик* аффикси таркиб топтирган бўгин унлиси ҳам 60 мсек. чўзиқликка эга бўлган.

Лексик урғу полисиллабик сифатларнинг иккинчи бўгинида бўлиши ҳам мумкин. Улардан *-лик* аффикси воситасида от ясалса ҳам, лексик урғу ўзи мансуб бўгинда ўзгаришсиз қайд этилаверади. Масалан, *мулойим* сифатининг биринчи бўгин унлиси 50 мсек., иккинчи бўгин унлиси 110 мсек., учинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга. Яъни лексик урғу иккинчи бўгинга тушган. Ундан *мулойимлик* оти ясалар экан, сўнгги бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Сўз талаффузида бошқа ўзгариш кузатилмаган. Лексик урғу ўша иккинчи бўгинда ўзгаришсиз турғун урғу сифатида қолаверган.

Рус тили воситасида бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардан ўзбек тилида сўз ясалар экан, улардаги лексик урғу ҳам ўз турғун эканлиги билан характерланади. Масалан, рус тилидан *орден* сўзи ўзлашган. Унинг лексик урғуси биринчи бўгинда қайд этилади, яъни биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқликка эга. Унга сифат ясовчи *-ли* аффикси қўшилар экан, у юзага келтирган бўгин унлиси 70 мсек. вақт олган. Лексик урғу ўзи қайд этилган биринчи бўгинда турғун урғу бўлиб қолаверган. *Орден* сўзининг лексик урғуси эркин урғу бўлиб, улар сўз семантикаси билан боғли ҳолатда муайян бўгинга тушади. Бундай лексик урғулар ўзи тушган бўгинда ҳамма вақт турғун урғу сифатида қолади.

Бисиллабик тақлидий-тасвирий сўзлар ҳам лексик урғули бўлиб, иккинчи бўгинларида қайд этилади. Бундай сўзлардан *-ла* ясовчиси воситасида феъл ясалар экан, уларнинг лексик урғуси ўзакнинг иккинчи бўгинида турғун урғу сифатида қолади. Масалан, *тарақла* тақлидий феълнинг ўзаги *тарақ* тақлидий сўзидир. Бу феълнинг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 130 мсек., учинчи бўгин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни лексик урғу тақлидий сўзнинг иккинчи бўгинига турғун урғу сифатида

жойлашган. Агар тақлидий сўзнинг ҳар икки бўғини ёпиқ тузилган бўлса, ундан ясалган сўзнинг лексик урғуси биринчи бўғинда қайд этилади, турғун урғу сифатида кузатилади. Масалан, *қаҳқаҳла* феълининг биринчи бўғин урғуси 155 мсек., иккинчи ўгин унлиси 120 мсек., учинчи бўғин унлиси 110 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. *Қаҳқаҳа* отида эса биринчи бўғин унлиси 150 мсек., иккинчи ва учинчи бўғинлар унлиси 110 мсек. чўзиқликка эга. Феълда ҳам, отда ҳам лексик урғу биринчи бўғинда турғун бўлган.

Ясама феълларнинг *-ла* ясовчисига кўп ҳолларда лексик урғу кўчмайди. Шунинг учун, феъл ўзагининг қайси бўғинида лексик урғу бўлса, у шу бўғинда сақланиб, турғун урғу мақомида қолади. Масалан, *сўзлар* феълининг биринчи бўғин унлиси 160 мсек., иккинчи бўғин унлиси 65 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Унинг лексик урғуси *-ла* феъл ясовчисига кўчган эмас, ўзакнинг биринчи бўғини ҳисобланган сўз отида турғун урғу сифатида сақланган. Худди шу ҳол *изларсан* ясама феълда ҳам кузатилади. Бу феълнинг биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи ва учинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу сўзнинг ҳам лексик урғуси ўзак вазифасидаги *из* отида турғун урғу сифатида берилган. *-ла* ясовчисининг *-да* варианты билан ясалган феълларда ҳам шу ҳолат кузатилади. Масалан, *алдади* сўзи *ал* 'қувлик' отидан¹ ясалган ўтган замон феълдир. Унинг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек., учинчи бўғин унлиси 40 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Феълнинг от ўзагидан иборат биринчи бўғинига лексик урғу берилган бўлиб, у турғун урғу сифатида қолган. Иккинчи бўғиндаги *-да* аффиксига лексик урғу кўчмаган.

Сифатларда маъно кучайтириш мақсадида қилинган редупликация ҳам унинг лексик урғуси кўчиши учун сабаб бўлмайди. Масалан, *пишиқ* сифатининг редупликацияси *пишиқ-пишиқ* сўзига эътибор бериш мумкин. Унинг биринчи компонентидаги биринчи бўғин унлиси 10 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек. ва иккинчи компонентидаги биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Иккинчи компонентга келиб талаффуз кучсизланган ва ундаги товуш кучи ҳам, баландлиги ҳам, чўзиқлиги ҳам камайган. Бу шу бўғинда лексик урғу бўлиш имконини йўқотган. Бунинг устига редупликациядаги такрорланган сўз, сал юқорироқда айтганимиздай, сўз шакли вазифасини ўтайди. Сўз шаклларидаги бирорта бўғин ҳам лексик урғуга эга бўлмайди. Бундай ҳолатларда

¹ Крилг.: Древнотюркский словарь / ред-ры: В. М. Неделяев, Д. М. Насилов, Э. Р. Тенишев, А. М. Щербак. -Л.: Наука, 1969. -С. 32.

сўз негизидаги лексик урғунинг турғун ёки кўчувчи эканлиги ҳақида фикр юритиш табиатан ўринсиздир.

Кўчувчи урғу ўзбек тилида кўпроқ от туркумида учраб, ундаги лексик урғунинг сўз охирида боғли урғу ҳолида келиши билан алоқадор бўлади. Ўзбек тили агглютинатив эканлиги сабабли сўз ясовчилар сўз охирига қўшилади. Сўзнинг охиридаги лексик урғу шу ясовчига кўча боради¹. Бу ўриндаги лексик урғу кўчувчи урғу мақомини олади. Масалан, *эр* оти бир бўғинли бўлиб, унлиси 90 мсек. чўзиқликка эга. Ундан *эркак* сўзи ясалгач, биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу сўзга яна *-лик* мавҳум оти аффикси қўшилгач, вақт тақсимоти яна ўзгарди. *Эркаклик* отининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. ва охириги бўғин унлиси 95 мсек. чўзиқ вақт оладиган бўлди. Ҳар бир сўз ясалиши билан боғли ҳолда ҳар янги қўшилган ясовчига томон лексик урғу кўча борган. Яна ундан *эркаклади* феъли ҳам ясалган. Бундаги сўз бўғинларига берилган вақт тақсимоти яна бошқача бўлган. Ундаги биринчи бўғин унлиси 75 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек., учинчи бўғин унлиси 95 мсек. ва охириги бўғин унлиси 35 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Лексик урғу *-ла* бўғинида берилган. Охириги бўғин унлиси эса жуда қисқа вақт олган. Чунки у ўтган замон кўрсаткичи бўлиб, сўз ўзгартувчидир. Улар урғу олмайди. Кўчувчи урғу охириги феъла ясовчига кўчиб, тўхтаган.

Кўчувчи урғу рус тили воситасида ўзлашган эркин урғули сўзларда ҳам кузатилади. Тўғри, улар ўзи келиб чиққан тилда динамик бўлса ҳам, ўзбек тилида квантитатив кўчувчи урғу сифатида мавжуд. Масалан, рус тилидаги *академия* сўзининг лексик урғуси учинчи бўғинида бўлиб, *академический* сифатининг тўртинчи бўғинида берилган². Бу сўзларнинг ўзбек тилидаги вариантыда ҳам лексик урғуси ўша тартибдаги бўғинларида жойлашган. Яъни *академик* сўзининг биринчи бўғин унлиси 40 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 170 мсек., тўртинчи бўғин унлиси 20 мсек. ва бешинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Унинг лексик урғуси учинчи бўғинда бўлиб, ниҳоятда кучлидир. *Академик* сифатининг биринчи бўғин унлиси 35 мсек., иккинчи бўғин урғуси 70 мсек., учинчи бўғин унлиси 40 мсек. ва тўртинчи бўғин урғуси 120 мсек. чўзиқликка эга. Унинг лексик урғуси охириги бўғинга тушган.

¹ Қриг.: Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 167-б.

² Қриг.: Русско-узбекский словарь / под ред. Р. Абдурахманова. –М.: ГИИНС, 1954. –С. 21.

Бу сўз жуфтлигида лексик урғу бир бўгин охирига томон кўчган, кўчувчи урғудир.

Сон, олмош, модал сўзларда сўз ясалиши бўлмагани учун, уларда кўчувчи урғу бўлиши ҳақида фикр юритиш ортиқча ҳисобланади.

Демак, ўз лексикага оид сўзларнинг кўчувчи урғуси асосан сўз ясалиши билан боғли бўлиб, қолган ҳолатларда боғли урғу кузатилади. Ўзлашган сўзларнинг эркин урғуси ҳам кўчувчи бўлиши мумкин. Лекин эркин урғулар асосан турғун урғу бўлади.

Хуллас, ўзбек тилида лексик урғу, тиашуносликда айтиб келинганидай, динамик урғу эмас. У квантитатив урғудир. У сўзларнинг сўнгги бўгинида ҳамма вақт келмайди, сўзнинг қайси бўгинида келиши, аксарият, эркиндир. У асосан мустақил маъноли сўзларнинг ва шу қатори модал маъноли сўзларнинг ҳам бирор бўгинида бўлади. Лексик урғунинг қайси бўгинга берилиши сўз семантикаси моҳияти ва бўгиннинг товушлари, улар жойлашуви билан алоқадор ҳолда белгиланади. У маълум даража сўз ясовчиларга кўчиб, сўнгги бўгин томон сурила боради, аммо сўз шаклларига деярли ўтмайди. Шу вақтгача равиш ясовчи деб келинаётган аффиксларга берилмайди. Бу равиш ясовчи аффикс ҳақидаги фикрларни шубҳа остида қўяди. Ёрдамчи сўзларга лексик урғу юкланмайди. Лексик урғу икки типга бўлинади: 1) турғун урғу, 2) кўчувчи урғу. Кўчувчи урғу лексик урғунинг сўз ясовчи аффиксга томон сурила бориши билан боғли ҳолда юзага келади. Лексик урғу сўз ясовчиси бўлмаган сўзларда ва эркин урғу ҳолатида қўлланганда турғун урғу сифатида кузатилади. Мустақил маъноли сўзларнинг қайси бўгинига лексик урғу берилса, унга шу сўзнинг бошқа бўгинлари ва ўша сўзга боғланган ёрдамчи сўзлар нутқ кечимида талаффуз жиҳатдан марказлашади.

ЁРДАМЧИ УРҒУ

Лексик урғудан ташқари ёрдамчи урғуни ҳам сўз урғуси деб аталади. Яъни ёрдамчи урғу¹ сўз урғусининг бир тури ҳисобланади. Лекин ўзбек тилшунослигида у ҳақда ҳар томонлама фикр берилган мукамал илмий иш яратилган эмас. Айрим дарслик ва илмий ишларда сўз урғуси юзасидан маълумотлар берилар экан, ёрдамчи урғу ҳақида йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган ва 2011 йилга келиб, му-

¹ Бошқа ишимизда ёрдамчи урғу термини ўрнида иккиламчи урғу термини қўллаганмиз. Қриг.: Миртожиев М. М. Сўзлардаги лексик ва иккиламчи урғу муносабатлари // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. –Тошкент, 2011. 9-6.

аллифингизнинг ҳам бир мақоласи эълон қилинган¹. У ҳақда йўл-йўлакай тўхтаб ўтган тилшунослар ёрдамчи урғу тилда мавжудлигини ва у сўз урғусининг бир тури эканлигини қайд этиш билан чегараланишдан нари ўтишмаган ва, ҳатто, муаллифингизнинг ҳам тўлароқ бир фикри йўқ².

Ёрдамчи урғу лексик урғу билан бирга сўз урғусининг бир тури эканлигини кўрсатувчи умумий хусусиятга эга. Ёрдамчи урғу ҳам ўзбек тилида лексик урғуга ўхшаш урғусиз бўғинларга нисбатан чўзиқ талаффуз этилади³. Масалан, *ачитқи* сўзидаги бўғин унлилари чўзиқлигига эътибор бериш мумкин. Унинг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 10 мсек., учинчи бўғин унлиси 150 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Сўздаги биринчи ва учинчи бўғин унлилари иккинчи бўғин унлисидан ниҳоятда чўзиқ вақтни олган. Чунки учинчи бўғин лексик урғу бўлиб, биринчи бўғин ёрдамчи урғудир. Улар урғусиз бўғинга нисбатан унлиси мана шу чўзиқлиги билан фарқ қилади.

Ёрдамчи урғу тушган бўғиннинг лексик урғу тушган бўғиндагига ўхшаш чўзиқлиги ундаги бўғин унлисининг чўзиқлиги билан ўлчанади. Н.А.Федянинанинг қайд этишича ҳам, урғу тушган бўғиннинг унлиси ҳамма вақт товуш чўзиқлиги ва зарб кучи жиҳатидан урғусиз бўғин унлиларидагига нисбатан ортиқ бўлади⁴. Бу фикр, албатта, рус тилидаги сўз урғуси нуқтаи назаридан айтилган. Ўзбек тилидаги сўз урғуси квантитатив бўлганлиги учун ундаги бўғин унлисининг урғусиз бўғин унлиларига нисбатан товуш кучи ортиқ бўлади, деб айтиш ортиқчадир. Лекин у ўрни билан аҳамият касб этади. Шу жиҳатидан ҳам у лексик урғуга ўхшайди. Бу ўринда яна *ачитқи* сўзини эслашга тўғри келади. Унинг биринчи бўғин унлиси *a* 5 мм., охириги бўғин унлиси *и* 4 мм. амплитуда куч билан талаффуз этилган. Ёрдамчи урғу унлисининг товуш кучи лексик урғули бўғин унлисидагига нисбатан баланд. Бошқа зуб-

¹ Қрғ.: Миртожиев М. М. Сўзлардаги лексик ва иккиламчи урғу муносабатлари // Ўзбек тилшунослигининг дозарб масалалари. –Тошкент, 2011.

² Қрғ.: Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Ш. Фонетика. 204-б.; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 52; Камолов Ф. Фонетика // Ҳозирги замон ўзбек тили // Ғ. А. Абдурахмонов таҳр. ост. 72-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 26-б.; Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. 51-б.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 166-б.

³ Қрғ.: Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. 68–69-бб.

⁴ Қрғ.: Федянина Н. А. Ударение в современном русском языке. –М.: Русский язык, 1976. –С. 9

турум сўзида эса бутунлай бошқа ҳолат кузатилади. Бу сўзнинг биринчи бўгин унлиси 35 мсек., иккинчи бўгин унлиси 20 мсек., учинчи бўгин унлиси 75 мсек. чўзиқликка эга. Яъни биринчи бўгинда ёрдамчи, учинчи бўгинда лексик урғу қайд этилган. Ёрдамчи урғули бўгин унлиси 4 мм., урғусиз бўгин унлиси 6 мм., лексик урғули бўгин унлиси 6,1 мм. амплитуда товуш кучи билан талаффуз қилинган. Яъни ёрдамчи урғу учун товуш кучи аҳамиятли эмас, аксинча, товуш чўзиқлиги ўз қимматига эга бўлган.

Сўзнинг муайян бўғинида лексик урғу бўлар экан, ундаги товушлар бутунлиги сақланган ва сифати бузилмаган ҳолда талаффуз этилади. Бу ёрдамчи урғу тушган бўғинда ҳам кузатилади. Яъни сўз урғуларининг вазифаларидан бири ўзи қайд этилган бўғин бутунлигининг емирилиш – редукцияга учрашадан сақлашдир¹. Бу ўринда ҳам *ачитқи* сўзини эслашга тўғри келади. Унинг биринчи бўғинида ёрдамчи урғу бор. Шунинг учун, бўғиндаги мавжуд биргина *а* унлиси сифатини бутун сақлаш учун талаффузи кечимида олдидан, ҳатто, 10 мсек. чўзиқликдаги кнаклаутни орттирган. Сўз бўғини урғусиз бўлса, айрим товушлари аниқ талаффуз этилмайди, редукцияга учрайди ва, ҳатто, тушиб қолади². Масалан, *ачитқи* сўзининг иккинчи бўғини урғусиз бўлганлиги сабабли редукцияга учраган, қисқа, 10 мсек чўзиқликдаги талаффузга эга. *Товуши* сўзининг иккинчи бўғини урғусиз эканлиги ҳолда редукцияга учраган ва натижада синкопа содир бўлган. Ёрдамчи урғуси бор бўгин бундай хусусиятлардан холидир.

Ёрдамчи урғу кўп жиҳатлари билан лексик урғуга ўхшаганлиги учун ҳам, уларнинг ҳар иккиси сўз урғуси деб қаралади. Улар бир фонетик категория бўлишига қарамай, маълум томонлари билан ўзаро фарқланади. Уларнинг фарқли томонлари бир неча.

Лексик урғу асосан мустақил маъноли сўзларда, яъни денотатив ифодали сўзларда, шунингдек модал сўзларда бўлади. У, сўзлар моносиллабик бўлса ҳам, полисиллабик бўлса ҳам, кузатилаверади. Ёрдамчи урғу барча туркумдаги сўзларнинг бирор бўғинида учрайди. Лекин бунинг учун мустақил маъноли сўзлар полисиллабик бўлиши шарт, лексик маъноли сўзлар моносиллабик бўлиши ҳам мумкин. У шу бўғинда кузатилаверади. Масалан, *бир киши* бирикувидаги сўзларга эътибор берайлик. *Бир* сўзидаги *и* унлиси 90 мсек., *киши* сўзидаги биринчи бўғиннинг *и* унлиси 5 мсек. ва иккинчи бўғиндаги *и* унлиси 100 мсек. чўзиқликка эга. Чунки *бир* сўзидаги мавжуд бир бўгин ҳам, *киши* сўзининг иккинчи бўғини ҳам лексик

¹ Крнг.: Федянина Н. А. Ударение в современном русском языке. –С. 9.

² Крнг.: Федянина Н. А. Уша асар. Уша бет.

урғули, яъни унлилари чўзиқдир. *Киши* сўзининг биринчи бўгин унлиси редукцияга учраган, қисқа, ҳатто, оддий қулоқнинг илағши ҳам қийин. Ёрдамчи урғу бу сўзда йўқ. Бу ҳолат бисиллабик сўзларнинг лексик урғу берилмаган тор унлили бўғинида кузатилади.

Агар бисиллабик сўзнинг лексик урғу олган бўғинидан бошқа бўғини унлиси кенг бўлса, у редукцияга учрамайди. Яъни унда ёрдамчи урғу бор дейиш мумкин. Масалан, *тарик* сўзининг биринчи бўгин унлиси 40 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Унинг лексик урғуси иккинчи бўғинда ва ёрдамчи урғуси биринчи бўғинда берилган. Ёрдамчи урғу олган бўгин унлиси кенгдир.

А.Н.Кононов ва Ҳ.Жамолхоновлар уч бўғинли сўзларнинг, агар учинчи бўғинида лексик урғу бўлса, албатта, биринчи бўғинига ёрдамчи урғу берилишини айтадилар¹. Масалан, яна *аचितқи* сўзини эслашга тўғри келади. Унинг учинчи бўғинида лексик урғу берилиб, биринчи бўғинида ёрдамчи урғу келганлиги таҳлил этиб кўрсатилган эди. Бу мазкур тишунослар фикрини қувватлайди. Умуман уч ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда, албатта, ёрдамчи урғу бўлади.

Ёрдамчи урғу ёрдамчи сўзларда ҳам кузатилади. Масалан, *сен учун* бирикувига эътибор бериш мумкин. Бу ёрдамчи сўз билан қўлланган олмошлар. Олмош унлиси 140 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Кўмакчининг биринчи бўгин унлиси 10 мсек., иккинчи бўгин унлиси 35 мсек. чўзиқликка эга. Лексик урғу *сен* олмошидадир. *Учун* кўмакчиси олмошнинг нутқдаги энклитики ҳисобланади. Унинг биринчи бўғини урғусиз бўлиб, иккинчи бўғинига ёрдамчи урғу берилган. Энклизаларда ҳамма вақт ёрдамчи урғу ўз ўрнини топади. Чунки у ўзи боғланган мустақил маъноли сўзга ҳам фонетик, ҳам семантик жиҳатдан марказлашиб келади.

Бир қатор адабиётларда ёрдамчи маъноли сўзларда ҳам лексик урғу бўлади, деб, боғловчи, кўмакчи ва юклама кабилардаги сўз урғусини кўрсатадилар². Лекин бу ёрдамчи сўзлар энклизалардир. Энклизалар ҳамма вақт бирор мустақил маъноли сўзга боғли ҳолда бўлиб, унга ҳам фонетик, ҳам семантик жиҳатдан тобеланиб боғланиб келади³ ва ундаги сўз урғуси ҳамма вақт ёрдамчи урғу деб қаралади.

¹ Қрғ.: Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 52; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 167-б.

² Қрғ.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 66-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 98-б.

³ Қрғ.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –С. 526; Матуевич М. И. Современный русский язык. –С. 228.

Лексик урғу мустақил маъноли сўзларнинг фақат негизидаги бирор бўгинга берилгани ҳолда, ёрдамчи урғу сўзнинг ҳар қандай морфемаси таркиб топтирган бўғинида бўлаверади. Масалан, *бичиқлик* сўзининг биринчи бўғин унлиси 35 мсек., иккинчи бўғин унлиси 10 мсек., учинчи бўғин унлиси 72 мсек. чўзиқликка эга. Лексик урғу шу сўз негизи ҳисобланган ясовчи аффиксга, яъни охирги бўгинга тушган. Ёрдамчи урғу биринчи бўғинда акс этган. У сўз негизининг бошига жойлашган. *Ўқисин* буйруқ майлидаги феълда тамоман бошқа ҳолат кузатилади. Унинг биринчи бўғин унлиси 140 мсек., иккинчи бўғин унлиси 20 мсек, учинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни лексик урғу ўзақда, ёрдамчи урғу буйруқ майли шаклида жойлашган. Маълумки, лексик урғу фақат сўз негизида, ёрдамчи урғу сўз негизида ҳам, шаклида ҳам қайд этилади.

Лексик урғу ҳар қандай мустақил маъноли сўзда, у моносиллабик бўлса ҳам, полисиллабик бўлса ҳам, фақат битта бўлади. Ёрдамчи урғу бир сўзда бўлмаслиги ҳам, ёки бир ва ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, юқорида *бир киши* бирикувидаги бир бўғинли *бир* сўзига лексик урғу тушганлиги ва у 90 мсек. чўзиқликда талаффуз этилганлиги айтилган эди. *Тариқ* сўзининг иккинчи бўғини ва *ачитқи* сўзининг учинчи бўғинида лексик урғу борлиги ҳам маълум. *Тариқ* сўзининг иккинчи бўғин унлиси 70 мсек., *ачитқи* сўзининг учинчи бўғин унлиси 150 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Ҳатто, тўрт бўғинли *бириққанлик* сўзининг ҳам тўртинчи бўғинида лексик урғу бор. Унинг шу тўртинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган бўлса, биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи ва тўртинчи бўғин унлиси бир хил 50 мсек. чўзиқликка эга. Шулардан ёрдамчи урғуга фақат *бир* сўзи эга эмас. Икки бўғинли *тариқ* сўзининг ҳам, уч бўғинли *ачитқи* сўзининг ҳам биринчи бўғини ёрдамчи урғулидир. Улардан биринчиси 40 мсек., иккинчиси 80 мсек. чўзиқликка эга. Тўрт бўғинли *бириққанлик* сўзининг иккинчи ва учинчи бўғинлари унлилари 50 мсек. чўзиқ талаффуз этилган бўлиб, ёрдамчи урғу олган. Агар бу сўзга эгалик ва чиқиш келишиги шаклини қўшиб, *бириққанлигидан* ҳолида талаффуз этилса, унинг олтинчи бўғини ҳам ёрдамчи урғуга эга бўлади. Мазкур сўзларнинг таҳлили барча фонетик ҳажмдаги сўз, албатта, бир лексик урғу ва, полисиллабик ҳолда бўлса, бир, икки, уч ва, ҳатто, ундан ҳам ортиқ ёрдамчи урғуга эга бўлиши мумкинлигини билдиради. Бу табиий ҳолдир.

Ўзбек тилида сўзларнинг лексик урғуси эркин урғу бўлиб, ёрдамчи урғуси ҳам унга тобе, эркин ҳолда кузатилади. Юқорида *тариқ*,

ачитқи, бирикканлик сўзларининг лексик урғуси охириги бўғинда берилганлигини таҳлил этиб кўрсатилган эди. Бу сўзларнинг лексик урғуси сўнги бўғинда экан, ёрдамчи урғу унга тобе ҳолда, унинг олдинги бўғинларидан бирида жойлашган бўлади. У ҳам таҳлилда кўрсатилади. *Уқисин* сўзида эса лексик урғу, таҳлилда қайд этилганидай, биринчи бўғинда, ёрдамчи урғу унинг қарама-қарши томонидаги охириги бўғинда берилган. *Бижирла* тақлидий феълининг иккинчи бўғинида лексик урғу бўлиб, ундаги *и* унлиси 110 мсек. чўзиқликка, учинчи бўғинида ёрдамчи урғу бўлиб, ундаги *а* унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга. Унинг биринчи бўғин унлиси 30 мсек. талаффуз этилган. Яъни ёрдамчи урғунинг сўз бўғинлари сирасида жойлашуви лексик урғунинг сўз бўғинларидаги қайси тартибда жойлашувига тобе ҳолда эркиндир. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тили қонуниятига кўра лексик урғу сўзлардаги ясовчи аффиксларга деярли ҳолда берилади. Агар шундай бўлмай қолса, ясовчи аффиксда лоақал ёрдамчи урғу бўлиши шарт. Чунки сўзнинг қайси туркумда эканлигини ойдинлаштириб турувчи восита керак. Бу ёрдамчи урғу бўлади.

Ҳ. Жамолхонов қўшма ва такрор сўзларнинг компонентига қараб, сўз урғуси бирдан ортиқ бўлади, деб жуда тўғри айтган¹. Лекин бу урғуларнинг ҳаммасини ҳам лексик урғу деб қарамаслик керак. Қўшма сўзлар неча компонентга эга бўлса, уларнинг сўнги компоненти ўзида лексик урғуни тутгани ҳолда, қолган компонентларидаги урғу ёрдамчи урғу бўлади. Масалан, *олмақоқи* сўзининг иккинчи компонентидаги биринчи бўғин лексик урғули бўлиб, унлиси 140 мсек. чўзиқ талаффуз этилади. Унинг биринчи компонентидаги биринчи бўғин ёрдамчи урғули, унлиси 100 мсек. чўзиқликка эга, қолган бўғинлари унлилари 30 мсек.дан вақт олган. *Йирик-йирик* такрор сўзининг биринчи компонент иккинчи бўғинида лексик урғу бўлиб, унлиси 110 мсек. чўзиқликда, биринчи бўғин унлиси 30 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Иккинчи компонент унлилари 30 ва 40 мсек. вақт олган, яъни кейинги бўғинида ёрдамчи урғу бор. Такрор сўзнинг иккинчи компонентида лексик урғу эмас, ёрдамчи урғу бўлади. Чунки у грамматик маъноли, кўплик ифодасига эга², энклитик вазифа бажаради. Энклизаларда ёрдамчи урғу бўлиши мумкин.

А.А.Потебня сўз урғусини уч босқичли даражаланишда деб кўрсатади. Унингча, биринчи бўғин биринчи даража, иккинчи бўғин

¹ Қрғ.: Жамолхонов Ҳ. Ўша асар. 167-б.

² Қрғ.: Ҳожиев А. П. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. 97-б.

иккинчи даража, учинчи бўгин учинчи даража товуш кучланишида бўлади. Агар тўртинчи бўгин ҳам бўлса, биринчи даража кучланишини олади. Бунинг учун 1,2,3,1 формуласини беради¹. Бу қонуниятга Н.А.Федянина ўз муносабатини билдириб, бирорта экспериментал таҳлил бу формулага тушмаслигини айтади². Бу мунозара рус тилидаги динамик урғули сўзлар доирасида олиб борилган. Шунга қарамай, тилшунос Ф.Камол А.А.Потебняга эргашиб мазкур формулани ўзбек тилига ҳам тадбиқ қилади ва *хизматчиман* сўзини таҳлил этиб беради. Унингча, *хиз* бўгини 1-, *мат* бўгини 2-, *чи* бўгини 3- ва *ман* бўгини 1-даражали урғуга эга³. Яъни сўз урғуси 1-,2-, ва 3-даражали урғуларга ажратиб юборилган. Аммо бу даражаланиш ва унинг тартибига ҳам бизнинг экспериментал таҳлилларимиз мос келмади. Юқорида қайд этилганидай, сўз урғуси лексик урғу ва ёрдамчи урғу даражаларида дифференциация қилинади ва позицион эркиндир.

Сўздаги лексик урғу билан ёрдамчи урғу моҳият вазифаси нуқтаи назари билан ўзаро тубдан фарқ қилади. Лексик урғу бир сўзда битта бўлгани ҳолда, фақат мустақил маъноли сўз ва модал сўзларда кузатилиб, шу сўз семантикаси ва товушлар мажмуасини марказлаштиради, сўз бутунлигини, нутқий бўлак бирлигини белгилайди⁴. Масалан, *ўроқчи учун* нутқий бирлигининг лексик урғуси *роқ* бўлинига берилган. Сўз ва ёрдамчи сўз семантикаси *роқ* бўлинида воқеланувчи семантик узвга қаратилган ва товушлар талаффузи шу нуқтага тўпланган, яъни уюшган. Ёрдамчи урғу эса ўзи тушган бўғиннинг емирилишига йўл қўймайди, редукцияга учратмайди, бутунлигини сақлайди.

Демак, сўзлардаги ёрдамчи урғу лексик урғуга ўзи тушган бўғин ундисининг чўзиқлиги ва айрим ҳолда товуш кучига эгаллиги, бўғин товушлари бутунлиги сақланиши, сўз бўғинларида келиш тартиби эркинлиги билан бир хилдир. У лексик урғудан полисиллабик сўзларнинг негизи ва сўз шаклларида ва ёрдамчи сўзларда ҳам кела олиши, бир бўғинли сўзларда бўмаслиги, ёки бир ва ундан ортиқ бўғинда қайд этилишининг мумкинлиги кабилар билан фарқ қилади.

Ёрдамчи урғу фақат сўз негизларида эмас, сўз шаклларида ва ёрдамчи сўзларда ҳам бўлади. Яна ҳам тўғрироғи, сўз шакллари-

¹ Қрнг.: Потебня А. А. О звуковых особенностях русских наречий // Два исследования о звуковых русского языка. –Воронеж, 1866. –С. 68.

² Қрнг.: Федянина Н. А. Ўша асар. –С. 10.

³ Қрнг.: Камол Ф. Фонетика // Ҳозирги замон ўзбек тили. 203-б.

⁴ Қрнг.: Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. –Leipzig: WebBIL, 1968. –S. 474; Федянина Н. А. Ўша асар. –С. 8.

нинг нутқда қўлланиш кечимида ёрдамчи урғунинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам, қуйида унинг сўз шаклида ва ёрдамчи сўзлар бўғинида берилишига алоҳида-алоҳида эътибор қаратилади.

Сўз шаклларида ёрдамчи урғу

Нутққа қайси туркумга мансуб сўз киритилмасин, у бирор сўз шакли билан воқеланади. Бу сўз шакли, албатта, ёрдамчи урғуни ўзида ташийд. Сўз шакли ҳамма мустақил маъноли сўзларда ҳам бўлади, деб айтиш ноўрин. Ҳар бир туркумга мансуб сўзнинг ўз туркумига мансуб категориялар шакллари бор.

Ўзбек тилидаги от туркумида кўплик, эгалик, келишик ва кичрайтиш-эркалалаш категориялари бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос сўз шаклига эга. Уларнинг ҳаммаси ҳам сўз кетидан, тўғрироғи, сўз негизи кетидан қўшилади ва ёрдамчи урғуни ўзида акс эттиради. Буни от туркумига мансуб сўз негизига қўшилган кўплик қўшимчаси талаффузда кузатиш мумкин. Масалан, *одамлар*, *эркаклар*, *медаллар* отлари таҳлилда кўрилади. *Эркаklar* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек., учинчи кўпликни ифода этувчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқлик; *одамлар* отининг биринчи бўғин унлиси 60 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. учинчи кўплик ифода этувчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқлик; *медаллар* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек. ва учинчи кўплик ифода этувчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Юқоридаги отларнинг ҳаммасида ҳам кўплик қўшимчаси унлисига сарфланган вақт лексик урғу олган вақт унлисига сарфланган вақтдан ками билан 20 мсек., кўпи билан 50 мсек. қисқадир. Лекин кўплик қўшимчасига сарфланган вақт ками билан 50 мсек. бўлгани ҳолда, 70 мсек.гача вақт олган. Бу унинг ёрдамчи урғу олганлигини кўрсатади. Кўплик қўшимчаси эса ёрдамчи урғуга, нутқдаги ҳар қандай мавқеда келишига қарамай, эга бўлади. Шу билан бирга унинг унлисига кетган вақт миқдори лексик урғули бўғин унлисига кетган вақт миқдоридан деярли қисқа миқдорда камлик қилади. Яъни кўплик қўшимчаси унлиси нутқдаги лексик урғули бўғин унлисига яқин миқдордаги вақт билан талаффуз этилади. Чунки у кўпроқ экспрессив ҳолда ифодаланади. Экспрессивлик отнинг қайси релятив семасига берилган бўлса, шу релятив семани ўзида воқелантирган сўз бўғин унлиси, албатта, чўзиқ талаффуз этилади. Бу экспрессивлик отларнинг кўплик

қўшимчасида бўлиб, айрим ҳолларда жуда кучли кузатилади. Унинг ниҳоятда кучли воқеланиши икки ҳолатда ўз аксини топади. Бунда у воқеланган сўз бўғини унлиси лексик урғу воқеланган сўз бўғини унлисига нисбатан ҳам чўзиқ берилади. Ҳама қўплик қўшимчаси 1) гапдаги уюшган бўлақлар сўнггида ёки 2) гапдаги такрорий қўлланувчи от ундаманинг сўнггида қўлланса, воқеланади.

Отларнинг кўплик аффикси гапдаги уюшган бўлақлар турлов-чиси вазифасида қўлланар экан, уларнинг унлиси шу бўлақларнинг лексик урғу олган бўғини унлисидан чўзиқ талаффуз этилади. Масалан: *Уйлар, дарахтлар, кўчалар* – ҳамма-ҳамма нарсалар яқсон бўлди (Ойбек). Бу гапдаги *уйлар, дарахтлар, кўчалар* отлари уюшган эгалардир. Уларнинг ҳаммаси ҳам кўпликда берилган. Булардан *уйлар* отининг биринчи бўғин унлиси 130 мсек. иккинчи бўғин унлиси 135 мсек. чўзиқ; *дарахтлар* отининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек., учинчи бўғин унлиси 135 мсек. чўзиқ; *кўчалар* отининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек., учинчи бўғин унлиси 135 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Уюшган эга вазифасидаги барча отларнинг кўплиги берилган бўғин унлиси бир хил 135 мсек.ли энг катта чўзиқликка эга. У *уйлар* отининг лексик урғули бўғини унлисидан 5 мсек., *дарахтлар* отининг лексик урғули бўғини унлисидан 15 мсек., *кўчалар* отининг лексик урғули бўғини унлисидан 35 мсек. чўзиқ қайд этилган. Шунга кўра, бу отларнинг ҳаммасида ҳам лексик урғу асосан -лар аффиксига берилган, деб айтиш мумкин эди. Лекин бундай эмас. Бу ўринда кўплик кўрсаткичи учун экспрессивлик бериш мақсадида фақат унлига чўзиқлик берилган. Лексик урғули бўғин унлисида берилиши керак бўлган товуш кучи ва баландлиги пасайиб кетган. Лексик урғули бўғин унлилари *уйлар* отида 5 мм., *дарахтлар* ва *кўчалар* отларида 4,5 мм. амплитуда товуш кучига эгаллиги ҳолда, кўплик кўрсаткичининг унлиси барча отларда 3,5 мм. амплитуда товуш кучида қайд этилган. Барча отларнинг лексик урғули бўғин унлиси 154–163 гц. товуш баландлигида бўлса, кўплик кўрсаткичининг товуш баландлиги 115 гц.га тушиб кетган. Бу -лар аффиксига лексик урғу тушган, дейиш имконини бермайди. Унда ёрдамчи урғу қайд этилган, дейишга тўғри келади. Чунончи, ҳар қандай товуш чўзиқлиги бўғин товушларининг тўла талаффузини таъминлайди.

Гап ундамалари нутқда деярли от туркумига мансуб сўзлардан танланади. Улар гап бошида берилиб, такрор қўлланиши ва кўплик

кўрсаткичи билан қайд этилиши ҳам мумкин. Бунда у кучли экспрессивлик ва эмоция билан талаффуз этилади. Бу ҳолда отнинг негизига мансуб бўғинлар унлиси редукцияга учрайди ва кўплик кўрсаткичини ифодалаган бўғин унлиси ниҳоятда чўзиқ талаффузга эга бўлади. Масалан: *Қушлар, қушлар, ҳой қушлар! Қанот қоқиб келинглар!* (Қ. Ҳикмат) Бу гапда *қушлар* оти ундалма вазифасини ўтаган ва уч қайта қўлланган. Шунингдек, кўплик кўрсаткичи уларнинг ҳар бирида бериб берилган. Одатда гапда ундалма берилар экан, у ҳамма вақт экспрессивликка эга бўлади. Агар у такроран қўлланса, эмоционаллик юқини ҳам олади. Мазкур ундалмада ҳам экспрессивлик, ҳам эмоционаллик бор. У биргина қушга эмас, қушлар гаасига қилинган хитобдир. Шунинг учун товуш чўзиқлиги ҳам, товуш кучи ҳам, товуш баландлиги ҳам *қушлар* отининг биринчи бўғинида эмас, балки кўплик ифодаланган *-лар* кўрсаткичида, унинг унлисида ортиқ даражада берилган. Бу ўринда *қушлар* отининг ўзагидан иборат бўғинда лексик урғу жойлашмай, унинг кўплиги ифодаланган *-лар* кўрсаткичида жойлашган. *Қушлар* отининг ўзагида берилган биринчи бўғин унлиси, аксинча, редукцион кўринишдадир. Яъни *қушлар* отининг дастлабки биттасида биринчи бўғин унлиси 30 мсек. чўзиқ бўлиб, кейинги иккитаси 20 мсек. чўзиқдир. Кўплик кўрсаткичи унлиси дастлабки иккитасида 200 мсек., охиргисиди 180 мсек. чўзиқ берилган. Улардаги товуш кучи ва баландлиги ҳам шунга мутаносибдир. Ҳар уч *қушлар* сўзининг ўзак унлиси 2 мм. амплитуда юқори бўлиб, товуш баландлиги 160 гц.дан ҳисобланади. Кўплик кўрсаткичининг унлиси ҳамма *қушлар* отида 6 мм. амплитуда товуш кучига ва 170 гц. товуш баландлигига эга. Яъни бундай ўринларда лексик урғу сўз шаклида ҳам ўз аксини топади. Бундай отларда ёрдамчи урғу кузатилмайди.

Ўзбек тилидаги отлар эгалик қўшимчаси билан қўлланар экан, отнинг сўнгги ундоши билан янги бўғин ҳосил қилади ва у талаффузда ёрдамчи урғуга эга бўлади. Эгалик қўшимчаси *-им, -инг, -и, -имиз, -ингиз, -лари* кабилардан иборат. Улар ундош билан тугаган отларга қўшилади ва сўнгги ундоши билан бўғин ҳосил қилиб, ёрдамчи урғу ортттиради. Масалан, *ёғлим, давринг, қони* отлари эгалик қўшимчаси билан қўлланган ва ҳосил қилинган иккинчи бўғинда ёрдамчи урғу бор. Эътибор беринг: *ёғлим* отининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқликка; *давринг* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқликка; *қони* отининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи

бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқликка эга. Ўлчовлар кўрсатадики, ҳар уч сўзнинг биринчи бўғинига лексик урғу, иккинчи бўғинига ёрдамчи урғу берилган. Яъни отнинг эгалиги берилган бўғинда ёрдамчи урғу акс этган.

Эгалик қўшимчаси полисилабик отларга қўшилса ва отнинг сўнгги бўгин унлиси тор бўлса, ундаги ёрдамчи урғу шу эгалик қўшимчаси жойлашган бўғинга кўчади. Масалан, юқорида келтирилган *ўғлим* отини қайта таҳлил этиб кўришга тўғри келади. Бу ўринда эгалик қўшимчаси *ўғил* отига қўшилган, яъни *ўғил+им*. *Ўғил* отининг биринчи бўгин унлиси 70 мсек., иккинчи бўгин унлиси 45 мсек. чўзиқликка эга. Унинг иккинчи бўғинида ёрдамчи урғу бор. Бу сўзга эгалик қўшимчаси қўшилгач, *ўғилим* шаклини олиши керак эди, бироқ унинг иккинчи бўғинидаги ёрдамчи урғу эгалик аффикси воситасида ҳосил қилинган бўғинга кўчди. Натижада, ёрдамчи урғусиз қолган иккинчи бўғиннинг тор *и* унлиси редукцияга учраб, эгалик қўшимчасининг тор *и* унлиси чўзиқлиги ортди ва 50 мсек. талаффуз этиладиган бўлди. Эгалик қўшимчасини олган мазкур отнинг редукцияга учраган иккинчи бўғинидаги тор *и* унлисида бир йўла синкопа ҳам кечди, яъни у тушиб қолди. Натижада, эгалик қўшимчасини олган сўз яна бисилабик ҳолга келди.

Иккинчи бўғини унлиси тор бўлган от эгалик шаклига киргач, шу бўғиннинг ёрдамчи урғуси кейинги бўғинга кўчиши ва унлиси редукцияга учраб, синкопагача бормаслиги ҳам мумкин. Масалан, *товуш* оти бисилабикдир. Унинг биринчи бўгин унлиси 110 мсек., иккинчи бўгин унлиси 50 мсек. талаффуз этилади. Унга III шахс қўшимчаси қўшилгач, *товуши* шаклини олади. Бу отнинг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 10 мсек. ва учинчи бўгин унлиси 45 мсек. чўзиқликка эга. Бу отнинг иккинчи бўғини ёрдамчи урғусиз қолгач, унлиси редукцияга учраб, чўзиқлиги 50 мсек.дан 10 мсек.га қисқарди. Унинг ўрнига учинчи бўгин ёрдамчи урғу олиб, унлиси 45 мсек. чўзиқ талаффуз этиладиган бўлди. Яъни ҳар қандай ҳолда ҳам эгалик қўшимчаси бўлган бўгин ёрдамчи урғули бўлади.

Эгалик қўшимчасини олган от бисилабик ва, ҳатто, полисилабик бўлиб, сўнгги бўғини ёпиқ ва лексик урғули эканлиги ҳолда, у шаклангач, янги бўгин ёрдамчи урғу олмайди. Яъни эгалик билан келган *юрагим*, *армонинг*, *азизим* отларининг сўнгги бўғинида ёрдамчи урғу йўқ. Чунки улардан аввалги бўгин лексик урғу билан қўлланган. Лексик урғу ўзидан кейин келган бўгин сўз шакли бўлса, унга ўтмайди ва унда ёрдамчи урғу бўлишига имкон бермайди. Бун-

га лексик ургули бўгин талаффузи йўл қўймайди. Эътибор қилинг: *юрагим* отининг биринчи бўгин унлиси 70 мсек., иккинчи бўгин унлиси 110 мсек., учинчи бўгин унлиси 30 мсек. чўзиқ; *армонинг* отининг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 120 мсек., учинчи бўгин унлиси 30 мсек. чўзиқ; *азизим* отининг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 110 мсек., учинчи бўгин унлиси 30 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Юқоридаги ҳар уч сўзнинг эгалик қўшимчасида таркиб топган бўгин унлиси 30 мсек. чўзиқликка эга. Ундан олдинги бўгин унлиси ҳар бир сўзда ҳам 100 мсек. дан ортиқ, яъни унга лексик ургу берилган. Лексик ургули бўгиндан кейинги эгалик қўшимчасини ўз ичига олган бўгиннинг унлиси ёрдамчи ургу олмаган ва редкцияга ҳам учрамаган. Бундай сўзларнинг ёрдамчи ургуси биринчи бўгинда бўлади. *Азизим* отининг эса биринчи бўгини унлиси тор унлидир, бироқ у ўз ургусини кейинги бўгинга ўтказиб редукцияга учрамаган. Чунки иккинчи бўгин ёрдамчи уруга эмас, лексик уруга эгадир.

Отларга эгалик, кўплик қўшимчаси ҳам қўшилади. Бунда отларга икки бўгин илова қилинади ва унинг кейинги бўгинига ёрдамчи ургу берилади. Масалан, *юрагимиз* отига эътибор бериш мумкин. Бу сўзнинг биринчи бўгин унлиси 70 мсек., иккинчи бўгин унлиси 110 мсек., учинчи бўгин унлиси 30 мсек., тўртинчи бўгин унлиси 55 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Унинг дастлабки уч бўгини унлилари чўзиқлиги шу отнинг бирликдаги эгалик қўшимчаси қўшилган ҳолатидаги бўгинлари унлиси чўзиқлиги билан тенг. Фақат кўплик моҳиятини берувчи *миз* бўгинининг унлиси 55 мсек. чўзиқ бўлиб, ёрдамчи уруга эга.

Отлар III шахс эгалик билан турланганда яна бошқа ҳолат кузатилади. III шахс эгалик аффикси очиқ бўгини билан полисиллабик отларга қўшилар экан, уларнинг бирлиги *-си* шаклида бўлади. Бунда III шахс бирликни билдирувчи эгалик қўшимчаси ёрдамчи ургу олади. Масалан, *дадаси* оти III шахс бирлик эгалик билан турланган. У шу отнинг учинчи бўгини эканлиги ҳолда, ёрдамчи уруга эга. Ундан аввалги бўгин лексик ургулидир. Эътибор беринг: *дадаси* отининг биринчи бўгин унлиси 93 мсек., иккинчи бўгин унлиси 110 мсек., учинчи бўгин унлиси 55 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Унинг иккинчи бўгинига лексик ургу тушган бўлса, қолган бўгинлари, шу жумладан эгаликни билдирган бўгин ҳам, ёрдамчи уругу олган.

III шахс кўпликдаги эгалик қўшимчаси *-лари* деб кўрсатилади.

У отларга қўшилиб келар экан, ёрдамчи урғу қўшимчанинг биринчи бўғинига тушади. Лексик урғу от негизининг бўғинларидан бирида бўлади. Масалан, *кўзлари* отининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 85 мсек., учинчи бўғин унлиси 40 мсек. чўзиқликка эга. Мисол таҳлиладан маълумки, лексик урғу от ўзагидан иборат бўғинга берилган. III шахс кўплик қўшимчасининг биринчи бўғинига ёрдамчи урғу тушган, кейинги бўғини урғусиз қолган. Бу III шахс кўплик қўшимчасининг *-лари* қисми хусусияти билан боғлиқ.

От туркумига мансуб сўзларнинг асосий турловчиси келишик ҳисобланади. Келишиклар отларга қўшилиб келар экан, уларда янги бир бўғин юзага келтиради. Улар деярли ёрдамчи урғу олади. Масалан, *ернинг, михни, кўзга, пастда, олмадан* сўзларининг охириги бўғини келишик бўлиб, уларнинг ҳаммасига ҳам ёрдамчи урғу берилган. Эътибор беринг: *ернинг* отининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек.; *зални* отининг биринчи бўғин унлиси 130 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек.; *кўзга* отининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек.; *жойда* отининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек.; *олмадан* сўзининг биринчи бўғин унлиси 110 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек., учинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Таҳлилар кўрсатишича, келтирилган барча сўзнинг биринчи бўғини лексик урғули бўлиб, сўнги бўғини ёрдамчи урғулдир. Бу келишикларнинг равон талаффуз этилиш зарурияти билан боғлиқ.

Айрим гапларнинг айрим бўлаклари уюшган ҳолда келиб, уларнинг сўз шаклларида сўнги келишиклардан бири бўлади. Шу келишик унлиси ҳам жуда чўзиқ талаффуз этилиши кузатилади. Унинг чўзиқлиги, ҳатто, лексик урғу олган бўғин унлисидан ҳам ортиқлик қилади. Масалан: *Зарқишлоқ кўчаларида, адир ва сойларда, боғларида кўклам кезади* (С. Аҳмад). гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапдаги *кўчаларида, адир ва сойларида, боғларида* сўзлари уюшган ўрин ҳолларидир. Бу уюшган бўлақлардан бири *кўчаларида* отининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 40 мсек., учинчи бўғин унлиси 70 мсек., тўртинчи бўғин унлиси 15 мсек. ва охириги бўғин унлиси 210 мсек. чўзиқ; *сойларида* отининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 20 мсек. ва охириги бўғин унлиси 200 мсек. чўзиқ; *боғларида* отининг биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек., учинчи бўғин унлиси 40 мсек. ва охириги бўғин унлиси 130 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу сўзларнинг

хаммасида ҳам лексик урғу биринчи бўғинга берилган, лекин улардан иккита сўздагиси 80 мсек., учинчи сўздагиси 130 мсек. чўзиқликка эга. Уларнинг келишик олган охириги бўғинлари унлилари 200 ва ундан ортиқ мсек., фақат биттасининг унлиси 130 мсек. чўзиқлик олган. Шунга кўра, бу отларнинг хаммасида келишик келган бўғинга лексик урғу берилган, деб айтиш мумкин. Лекин бундай эмас. Чунки отларнинг барча бўғинлари унлиси 5,5 ва 6 мм. амплитуда товуш кучи билан, 150 ва 200 гц. доирасида товуш баландлиги билан талаффуз этилгани ҳолда, улар 3,5 ёки 4 мм. амплитуда товуш кучи, 120 гц.дан паст товуш баландлигида қайд этилган. Яъни талаффуз аниқлигини таъминлаш учун товушни чўзиш ва пайсайтириш усулидан борилган. Бу лексик урғуларга хос эмас, фақат ёрдамчи урғу талабларига жавоб бўла олади.

Айрим ҳолларда келишиклар бисиллабик отлар кетидан қўшилиб, учинчи бўғинни ҳосил қилади. Бунда улар ёрдамчи урғу олмаслиги мумкин. Масалан, *хўрликка*, *зулумга*, *балони*, *қумлоқда* отларининг сўнгги бўғинида ёрдамчи урғу йўқ. Улардан *хўрликка* отининг биринчи бўғин унлиси 110 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек., учинчи бўғин унлиси 20 мсек. чўзиқ; *зулумга* отининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 40 мсек., учинчи бўғин унлиси 10 мсек. чўзиқ; *балони* отининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек., учинчи бўғин унлиси 20 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Таҳлиллардан маълумки, мазкур отларнинг хаммасида ҳам келишик қайд этилган сўнгги бўғин ниҳоятда қисқа – 35 мсек.га борган ва ундан ҳам кам. Яъни келишиклар сўз шакли бўлиб, ёрдамчи урғу олиши изчил ҳолат эмас. Агар нутқда у қўшилган от негизини таъкидлаш зарурияти туғилса, диққатни ўзидан қочирган бўлади ва ёрдамчи урғу олмайд.

Отларга кўплик ҳам, эгаликлар ҳам, келишиклар ҳам сўз негизи кетидан қўшилиб келиб, деярли ёрдамчи урғуга эга бўлади. Бу ўзбек тили фонетик қонуниятларидан бири ҳисобланади. Бироқ унда айрим истиснолар бор бўлса ҳам, ҳал этиш аҳамиятига эга эмас. Бу ҳолатни шу категорияларнинг бирдан ортиги бир отда қайд этилишига тадбиқ этиб бўлмайди. Чунончи, бир от негизига аввал кўплик ва кейин эгалик қўшилиши, аввал эгалик ва кейин келишик қўшилиши, айрим ҳолларда аввал кўплик, кейин эгалик ва охири келишик қўшилиши кузатилади. Бунда ҳар бир категориялар қўшимча таркиб топтирган бўғинга бир хил ёрдамчи урғу берилмайд.

унга ёрдамчи урғу берилиб, ён қўшниси бундан холи қолади. Бунда қўшимча таркиб топтирган бўгин унлисининг тор ёки кенглиги ҳам ўз аҳамиятига маълум даража эга бўлади. Бизга маълумки, тор унлиларнинг чўзиқ талаффуз этилиш имконияти нисбатан камдир.

Отлар аввал кўплик ва кейин эгалик билан турланар экан, кўплик таркиб топтирган бўгинга ёрдамчи урғу берилиб, ундан кейинги эгалик жойлашган бўгинда ёрдамчи урғу бўлмайди. Масалан, *кўзларим* сўзининг ўзаги бўлган бўгин унлиси 100 мсек., кўплик жойлашган бўгин унлиси 85 мсек., эгалик жойлашган бўгин унлиси 40 мсек. товуш чўзиқлиги билан қайд этилган. Чунки нутқда эгаликка унча эътибор қаратилмайди ва унинг унлиси ҳам тор. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилидаги аранжировка қонуниятига кўра отларга аввал эгалик ва кейин кўплик қўшилмайди.

Отлар аввал эгалик ва кейин келишик билан турланар экан, келишик берилган бўгинга ёрдамчи урғу тушиб, ундан аввал келган эгалик жойлашган бўгинда у бўлмайди. Бу отлардаги эгалик келишикка нисбатан эътиборсизроқ эканини ва унинг унли товуши доимо торлиги билан боғлиқдир. Масалан, *бошимда* отининг биринчи бўгин унлиси 130 мсек., иккинчи бўгин унлиси 35 мсек., учинчи бўгин унлиси 75 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни отнинг биринчи бўгинига лексик урғу, учинчи бўгинига ёрдамчи урғу тушган, иккинчи бўгин эса урғусиздир. Бу ўриндаги эгалик аффиксининг олди ва орқасидан келишикнинг келиши ҳам категориял қўшимчалар қўлланишига хос аранжировкасининг қонунияти ҳисобланади. Унинг аксича тартиб ўзбек тилида мутлақо кузатиламайди.

Айрим ҳолларда эгалиқдан кейин тушум келишиги архаик *n* шакли билан берилади. Бунда бу қўшимча эгалик билан бир бўгинни таркиб топтиради ва нутқда ёрдамчи урғу орттиради. Масалан, *кокилин* отининг сўнги бўгинидаги *и* унлиси III шахс бирлик эгалик ва кейинги *n* сонанти тушум келишиги кўрсаткичи ҳисобланади. Шу бўгин ёрдамчи урғуга эга. Бу *кокилин* отининг биринчи бўгин унлиси 130 мсек., иккинчи бўгин унлиси 50 мсек., учинчи бўгин унлиси 90 мсек. чўзиқ эканлигидан ҳам маълум. Тушум келишигини бундай архаик шаклда қўллаш ҳозирги ўзбек тилининг фақат архаик усулида учрайди.

Отлар кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларини бир йўла қабул қилиши мумкин. Бунда ҳам от категориял қўшимчалари аранжировкаси бузилмайди: аввал кўплик, кейин эгалик ва охири келишик қўшимчалари жойлашади. Шу тартибда кўплик ўрнашган

бўгин ёрдамчи урғу олади. Кейинги эгалик ва келишиқни берган бўгинлар ё бутунлай урғусиз бўлади, ё эгалик берилган бўгингина урғусиз келади. Масалан, *дарахтларининг* оти кўплик, эгалик ва келишиқ билан турланган. Унинг биринчи бўгин унлиси 75 мсек., иккинчи бўгин унлиси 110 мсек., учинчи бўгин унлиси 80 мсек., тўртинчи бўгин унлиси 60 мсек. ва сўнги бўгин унлиси 20 мсек. талаффуз этилган. Яъни лексик урғу иккинчи бўгинда берилиб, сўз сўнги бўгини томон чўзиқлиги ҳам, баландлиги ҳам йўқола борган.

Охирги бўгин деярли редуқцияга учраган ҳолда кузатилади. Одатда кўпчиликнинг нутқи сўзнинг кўп бўгинлилик юқини, шакллар шодаси юқини яхши кўтара олмай қолади. Уни талаффуз кечимида охирига томон маълум даражада сўндириб қўяди. Шунинг учун, *дарахтларининг* оти талаффузида ёрдамчи урғу биринчи ва учинчи бўгинларига берилганлиги кузатилади. Унинг кейинги бўгинлари деярли бундан холи. Лекин ўзбек тили нутқидаги бу кечим қатъий қонуният эмас. Агар коммуникациядаги шундай отнинг сўнги грамматик шакли бўлган бўгини тингловчига махсус етказилиш зарурияти туғилса, унга алоҳида куч, баландлик ва чўзиқлик бериб таъкидланади, яъни лексик урғу даражасидаги ёрдамчи урғу ато этилади. Бу деган сўз, сўзларнинг қайси бўгинига ёрдамчи урғу бериш – дикциядаги субъект билан боғли, дейилганидир. Чунончи, урғулар сўзлар коммуникациясида ҳаётдир. Эътибор беринг: *тошларига* отининг биринчи бўгин унлиси 120 мсек., иккинчи бўгин унлиси 80 мсек., учинчи бўгин унлиси 40 мсек. ва ниҳоят тўртинчи бўгин унлиси 100 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу отнинг биринчи бўгинига лексик урғу тушган бўлиб, иккинчи ва тўртинчи бўгинига ёрдамчи урғу берилган. Тўртинчи бўгиндаги ёрдамчи урғу таъкидлаш мажбуриятига кўра юзага келган.

От туркумига мансуб сўзларда яна кичрайтиш-эркалалаш сўз шакллари ҳам мавжуд¹. Улар ҳамма вақт тўғридан-тўғри от негизига қўшилиб келади ва, албатта, ёрдамчи урғу билан қўлланади. Отларнинг кўплик, эгалик ва келишиқ қўшимчалари от негизига ундан кейин илова қилинади. Масалан, *моделчам* оти аввал кичрайтиш қўшимчасини, кейин эгалик қўшимчасини олган. Бу қўшимчалар биргалиқда бир бўгинни таркиб топтирган. Бўгин ёрдамчи урғуга эга. *Моделчам* отининг биринчи бўгин унлиси 180 мсек., иккин-

¹ Олий ўқув юрталари учун ҳозирги ўзбек адабий тили бўйича чиқарилган дарслиқда кичрайтиш-эркалалаш сўз шакли термини ўрнида баҳо формалари термини қўлланган. Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. 140-б.

чи бўгин унаиси 35 мсек., учинчи бўгин унаиси 130 мсек. талаффуз этилган. Унинг биринчи бўгинида лексик урғу бўлиб, учинчи, яъни *-ча* кичрайтириш қўшимчаси бўлган бўгинида ёрдамчи урғу берилган. От категориал шаклларининг кичрайтиш-эркалаш қўшимчаларига хос бундай аранжировка ичида биринчи ўринга чиқарилиши ва, албатта, ёрдамчи урғу олиши учун ўз объектив сабаби бор. Бу сабаб кўплик, эгалик ва келишик қўшимчалари фақат грамматик маъно бериши, кичрайтиш-эркалаш қўшимчаларида семантика биринчи ўринга чиқарилиши ва негиз маъносига қўшимча маъно илова қилишдан иборатдир. Шу қатори *-ча* аффикси хусусияти билан *-чоқ*, *-чиқ*, *-чак*, *-лоқ*, *-жон*, *-той*, *-ой* аффикслари хусусияти бир хилликка эга. Булардан *-гина* (*-қина*, *-гина*), *-ниса* аффикслари улардан биринчи бўгинлари урғусиз қолиб, иккинчи бўгини ёрдамчи урғу олишига кўра фарқланади.

Ўзбек тилидаги сифатлар даража категориясига эга бўлиб, улар шу категория шаклига киргач, ёрдамчи урғу орттириши кузатилади. Сифатлар даража категориясининг барча шаклида ҳам ёрдамчи урғули бўгинни юзага келтиравермайди.

Сифатлар айрим бўгинига экспрессивлик бериши воситасида орттирма даражани ҳосил қилар экан, у ёрдамчи урғули бўгинни юзага келтиравермайди. Масалан, *пишиқ* сифатининг биринчи бўгин унаиси 10 мсек., иккинчи бўгин унаиси 80 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Унинг иккинчи бўгини лексик урғули бўлиб, биринчи бўгини урғули эмас. Бу сифатнинг биринчи бўгинига экспрессивлик юклаб, уни орттирма даража шаклига киритилар экан, у *пишишиқ* фонетик таркибига эга бўлади. Унинг биринчи бўгин унаиси 90 мсек., иккинчи бўгин унаиси 10 мсек. талаффуз этилади. Яъни лексик урғу биринчи бўгинга кўчиб, иккинчи бўгин урғусиз қолган. Ёрдамчи урғули бўгин юзага келмайди.

Сифатлар, дастлабки бўгинининг биринчи бўгини унаисигача такорлаш воситасида, орттирма даража ҳосил қилар экан, бундай сўз шаклларида лексик урғу ва ёрдамчи урғуларга хос бўгинлар жойлашуви бошқача бўлади. Масалан, *қизил* сифатига эътибор бериш мумкин. Унинг биринчи бўгин унаиси 30 мсек., иккинчи бўгин унаиси 80 мсек. чўзиқ талаффуз этилган, яъни иккинчи бўгинга лексик урғу берилиб, биринчи бўгин урғусиз қолган. Унинг *қил-қизил* даража шаклида биринчи бўгин унаиси 150 мсек., иккинчи бўгин унаиси 30 мсек., учинчи бўгин унаиси 70 мсек. чўзиқликка эга бўлган. Лексик урғу сифатнинг даража шаклидан иборат бўгинига кўчирилган. Бу ўриндаги унинг ва-

зифаси сифат даражасида ифодаланган экспрессивликни таъкидлаш бўлган. Сифатнинг ўзидаги бўғинлар унлиси чўзиқлигида сал ўзгариш ўтган. Сўнги бўғиндан лексик урғу кетгани учун чўзиқлиги 10 мсек. пасайган ва ўзида ёрдамчи урғуни юзага келтирган. У сифатнинг охириговушлари редуциясига йўл қўймаган.

Сифатларнинг орттирма даражаси теппа-тенг ҳолатида ясалса, улардаги лексик урғу ва ёрдамчи урғу жойлашуви яна бошқача, ўзига хос ҳолатда кечади. Эътибор қилинг: *тенг* сифати моносиллабик экан, шу мавжуд бўғинида лексик урғуси жойлашган ва унинг унлиси чўзиқлиги 80 мсек. бўлган. У орттирма даража шаклига киргач, маълум даража чўзиқлигини ҳам, лексик урғусини ҳам йўқотган. Яъни унинг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 50 мсек. чўзиқликка эга бўлган. Сифатнинг орттирма даража шакли биринчи бўғини экспрессивликни таъкидлаш заруриятига кўра лексик урғу юкини ўз устига олган. Унинг ўзаги даража кўрсаткичининг иккинчи бўғини билан бирга ўзида ёрдамчи урғуни акс эттирган.

Сифатларга қўшилиб келган *-роқ* орттирма даража қўшимчаси, албатта, ёрдамчи урғу олади. Масалан, *яхшироқ* сифатига эътибор бериш мумкин. Унинг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 40 мсек., учинчи бўғин унлиси 80 мсек. чўзиқликка эга. Беришган ўлчов бу сўзнинг лексик урғуси биринчи бўғинда, ёрдамчи урғуси сўнги бўғинда эканлигини кўрсатади. Айрим ҳолларда *-роқ* қўшимчасининг урғуси бошқа бўғин унлиларига нисбатан энг чўзиғи, ҳатто, лексик урғули бўғин унлисидан ҳам чўзиқ келиши мумкин. Бу сўзловчининг гапириш хусусиятига боғлиқ ҳолатда кечади. Бундай ҳолда унинг биринчи бўғин унлиси 90 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек., учинчи бўғин унлиси 140 мсек. чўзиқ келиши кузатилади. У лексик урғули бўғиндан 50 мсек. чўзиқлик қилади. Аксинча, товуш кучи ва баландлиги тушиб кетади. Бу сифат унлиларининг товуш кучи, асосан, 4,5 мм. амплитуда, баландлиги асосан 190–170 гц. атрофидадир. *-роқ* қўшимчаси унлисининг товуш кучи 3 мм. амплитуда, товуш баландлиги 130 гц.гача пасайган. Бу бўғинда ёрдамчи урғу мавжудлигига хосдир.

Ўзбек тилида сон туркумига мансуб сўзларда, айтилганидай, фақат лексик урғу бўлиб, полисиллабикларининг бошқа бўғинлари урғусиз ҳолда кузатилади. Лекин уларнинг маъно турларини ифода этувчи аффикслари орттирилар экан, уларга ёрдамчи урғу юкланади. Чунки бу маъно турининг нутқда ойдинлаштириш зарурияти билан амалга ошади.

Сонларнинг дона сон қўшимчаси *-та*, жамловчи сон қўшимчаси *-ов*, чама сон қўшимчаси *-ла* ва *-лаб* кабилар ўзак кетидан келиб, янги бўгин ҳосил қилар экан, ўзи ёрдамчи урғули бўлади ва талаффуз кечимида лексик урғули бўгинга марказлашади. Масалан, *тўққизта* дона сонининг биринчи бўгин унлиси 70 мсек., иккинчи бўгин унлиси 15 мсек. учинчи бўгин унлиси 50 мсек. чўзиқ; *икков* жамловчи сонининг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқ; *иккала* чама сонининг биринчи бўгин унлиси 130 мсек., иккинчи бўгин унлиси 30 мсек. учинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқ; *олтилаб* чама сонининг биринчи бўгин унлиси 140 мсек., иккинчи бўгин унлиси 10 мсек., учинчи бўгин унлиси 80 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу кўрсатилган сонларнинг ҳаммасида биринчи бўгин лексик урғу ва сон маъно турларини кўрсатувчи сўнги бўгинида ёрдамчи урғу олганлиги кўрсатилади.

Содда сонлар чама соннинг *-тача*, *-ларча*; жамловчи соннинг *-талаб*, тақсим соннинг *-тадан* қўшимчаларини олиб келар экан, сўз шаклининг сўнги бўгинига ёрдамчи урғу тушади. Масалан, *ўнтача* сонининг биринчи бўгин унлиси 90 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек., учинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқ; *саккизтача* сонининг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 20 мсек., учинчи бўгин унлиси 35 мсек., тўртинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқ ва *яримтадан* сонининг биринчи бўгин унлиси 110 мсек., иккинчи бўгин унлиси 20 мсек., учинчи бўгин унлиси 35 мсек. тўртинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу барча сонларнинг биринчи бўгини лексик урғу олганини ва сўнги бўгинига ёрдамчи урғу берилганини кўрсатади. Сўнги бўгин сонлар маъно турининг иккинчи бўгинига тўғри келади.

Тартиб сон қўшимчаси миқдор сонларга қўшилиб, талаффузда ёрдамчи урғу билан қайд этилади. Ёрдамчи урғу қўшимчанинг биринчи бўгинида берилади. Тартиб сон қўшимчаси икки бўгинли *-(и)нчи* фонетик таркибига эга. Унинг иккинчи бўгини урғусиз ва, ҳатто, унлиси редукцион ҳолда талаффуз этилади. Масалан, *тўртинчи* сонининг биринчи бўгини унлиси 80 мсек., иккинчи бўгини унлиси 50 мсек., учинчи бўгини унлиси 15 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни лексик урғу сон ўзагида бўлиб, ёрдамчи урғу иккинчи бўгинидадир. Сўзнинг иккинчи бўгини қўшимчанинг биринчи бўгинига тўғри келади. Соннинг охириги, яъни қўшимчанинг иккинчи бўгини урғусиз бўлган, жуда қисқа.

Олмошларнинг ўзига хос сўз шакли йўқ. Бироқ улар кўп

ҳолларда от вазифасида келишини эътиборга олинса, улар кўплик, эгалик ва келишик кабилар билан турланиши нутқ кечими давомида табиийдир. Кўплик, эгалик ва келишик қўшимчалари, отларга қўшилиб келганда ёрдамчи ургуни қандай ташиша, шундай ташийди. Бу соҳада деярли ўзгариш сезилмайди.

Олмошлар яна сифат туркумига оид сўзлар ўрнида ҳам қўлланади. Сифатларда даража категорияси мавжуд. Аммо даража категорияси сифат вазифасида қўлланган олмошларда бўлмайди.

Олмошлар яна сон туркумига мансуб сўзлар ўрнида ҳам қўлланади. Бироқ сонларда ҳеч қандай морфологик категория йўқ.

Олмошларнинг сифатлар ва сонлар ўрнида қўлланиши ҳақида гап кетар экан, сўз шакли ва уларнинг ёрдамчи ургуси юзасидан гап бўлиши мумкин эмас.

Феълларнинг категориял шакллари сўзнинг ёрдамчи ургусини ташувчи бўғини сифатида хизмат қилади. Феълларнинг морфологик категориялари еттита. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз шаклига эга эмас. Булардан бўлишсизлик, замон, шахс-сон, нисбат, хосланганлик категориялари ўз шаклларига эга бўлиб, кўпчилиги ёрдамчи ургуни ўзида акс эттиради.

Феълларнинг бўлишсизлик шакли *-ма* аффиксидир. У феълларга қўшилиб келар экан, алоҳида бўғинни таркиб топтиради, талаффузда ёрдамчи ургу ташийди. Ёрдамчи ургу икки ҳолатда воқеланади: 1) унлиси лексик ургу чўзиқлигига яқин чўзиқ бўлиб, товуш кучи ва баландлиги ҳам меъёрдан паст бўлмайди, 2) унлиси лексик ургули бўғин унлиси чўзиқлигидан ҳам ортиқ бўлиши мумкинлиги ҳолда, товуш кучи ва баландлиги анча паст бўлади. Масалан: *Йиглама, Турғуной, йиглама!* (А. Қаҳҳор) гапидаги бўлишсизлик феълининг бўлишсизлик шакли ҳар икки ҳолда шаклланишига ҳам мисол бор. Аввалги *йиглама* бўлишсизлик феълининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Бу сўздаги унлиларнинг ҳаммасида ҳам товуш кучи 5,5 мм. амплитуда, товуш баландлиги 180 гц. дан иборат. Бу феълдаги ёрдамчи ургу фақат товуш чўзиқлигига кўра белгиланади. Кейинги *йиглама* бўлишсизлик феълининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек., учинчи бўғин унлиси 170 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу феълдаги ҳар уч бўғинда товуш кучи ва баландлиги ўзаро кескин фарқ қилади. Бу феълнинг иккинчи ва учинчи бўғинларидаги товуш кучи 4 мм. амплитудага, товуш баландлиги иккинчи бўғин унлиси 160

гц. бўлиб, учинчи бўгин унлиси 120 гц.га тушиб қолган. Ваҳоланки, лексик урғули бўгинда товуш баландлиги 180 гц. эди. Шу *йиглама* феълининг бўлишсизлик шаклидаги унлиси лексик урғули бўгин унлисидан ҳар қанча чўзиқ бўлмасин, товуш кучи ва баландлиги пасайиб кетганлиги ундаги урғу лексик урғу эмас, ёрдамчи урғу эканини кўрсатади. Яъни феълларнинг бўлишсизлик шакли ҳар қандай ҳолда ҳам ёрдамчи урғуга эга бўлади. У ўзи бир бутун ҳолда бир бўгиндан иборат эканлиги билан ёрдамчи урғуни ўзида акс эттиради.

Феълларнинг шахс-сон кўрсаткичи *ҳам* сўзнинг ёрдамчи урғусини ўз устига олади. Лекин унинг барча шакллари ҳам бир хил бир бўгинни ташкил қилиши ва ёрдамчи урғу ташиши бор, деб бўлмайди. Феълларнинг шахс-сон билан тусланиши уч тизимга эга. Биринчи тусланиш аффикслари асосан сифатдош ва равишдош хосланган шаклларига қўшилиб келади. У яна ҳозирги замон аффикси, *экан, эмиш* тўлиқсиз феълидан кейин ҳам қўлланади¹. Бу биринчи тизимдаги тусловчилар *-ман, -сан, -миз, -сиз* аффиксларидан иборат бўлиб, III шахс ноль аффикси билан ифода топади. Масалан, *юраман* феъли I шахс бирлик билан тусланган. Унинг биринчи бўгин унлиси 40 мсек., иккинчи бўгин унлиси 135 мсек., учинчи бўгин унлиси 65 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни иккинчи бўгин унлисига лексик урғу берилган. Тусловчи аффикс бир бутун бўгиндан иборат бўлиб, ёрдамчи урғуни ўзида акс эттирган. Шунинг учун ҳам, унинг унлиси лексик урғули бўгин унлисидан кейин энг катта чўзиқликка эга.

Феълларнинг шахс-сон кўрсаткичидан иборат бўгин унлиси айрим ҳолларда лексик урғули бўгин унлисидан ҳам чўзиқ бўлади. Бу чўзиқлик дарак гап интонациясининг тугалланмасига тўғри келади. Шунинг учун, шу чўзиқ унлининг товуш кучи ва баландлиги пасайиб кетади. Масалан: *Уста Турдиали бўламан* (А. Қаҳҳор), гапи дарак гап бўлиб, унинг кесимига мансуб боғлама *бўламан* феълида ифода топган. Унда гап интонациясининг тугалланмаси жойлашган. Бу *бўламан* феълининг биринчи бўгин унлиси 70 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек., учинчи бўгин унлиси 110 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Лексик урғу феълнинг биринчи бўгинида, ёрдамчи урғу учинчи бўгинида акс этган. Ёрдамчи урғу берилган бўгин унлисининг чўзиқлиги лексик урғу берилган бўгин унлисининг чўзиқлигидан бир ярим баравардан ортиқроқ вақт олган. Лекин феълнинг биринчи ва иккинчи бўгин унлилари 5,5 мм. амплитуда товуш кучига, 160 гц. товуш баландлигига эгаллиги ҳолда, учинчи бўгин унлиси 4 мм. ам-

¹ Қўнг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша дарслик. 199-б.

плитуда товуш кучи ва 120 гц. товуш баландлигига эга. Феъллар дярли дарак гап кесими бўлганлиги учун, унинг сўнгги бўгинлари гапнинг интонацион тугалланмасига тўғри келади ва сўнувчан товушда талаффуз этилади. Бунга бошқа феъл шакллари ҳам учраши мумкин.

Юқорида келтирилган *кўраман*, *бўламан* феъллари ҳозирги келаси замонни кўрсатиб келган. Яъни биринчи тизимга мансуб шахс-сон қўшимчалари уларга ҳам қўшилаверади. Шу билан бирга мақсад майлидаги феълларга ҳам бирикиб, ёрдамчи урғу билан талаффуз этилади.

Иккинчи тизимдаги тусловчилар *-м*, *-нг*, *-к* ва *-нгиз* аффиксларидан иборатлиги ҳолда, ўтган замон феълини ясовчи *-ди*, шарт майли феълини ясовчи *-са* аффикслари, *эди* тўлиқсиз феълига қўшилиб келади¹ ва улар юзага келтирган бўгинлар таркибига киради. Бу феъл тусловчилари тизимида ҳам III шахс ноль аффикс билан ифодаланади. II шахс кўпликни билдирувчи *-нгиз* шахс-сон қўшимчаси алоҳида бўгин ҳосил қилса ҳам, унинг унлиси редуқцион ҳолда бўлиб, унда урғу қайд этилмайди. Яъни иккинчи тизим тусловчилари ҳақида гап кетар экан, ёрдамчи урғу воқеланиши масаласи очиқ қолади.

Учинчи тизимдаги тусловчилар *-й*, *-айин*, *-гин*, *-син*, *-айлик*, *-ингизлар*, *-сангиз* аффиксларидан иборатлиги ҳолда, асосан буйруқ-истак майлидаги феълларга қўшилиб келади² ва ёрдамчи урғу билан қўлланади. Масалан, *очилсин*, *сўрайлик* феълларига эътиборни қаратайлик. Улар шахс-сон билан тусланган буйруқ майлидаги феъллардир. Булардан *очилсин* феъли *-син* шахс-сон қўшимчаси билан тусланган буйруқ майлидаги феълдир. Унинг биринчи бўгин унлиси 130 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек., учинчи бўгин унлиси 80 мек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни унинг биринчи бўгинига лексик урғу берилган бўлиб, ёрдамчи урғу учинчи бўгинидадир. *Сўрайлик* феъли *-йлик* шахс-сон қўшимчаси билан тусланган буйруқ майлидаги феълдир. Унинг ҳам биринчи бўгин унлиси 70 мсек., иккинчи бўгин унлиси 50 мсек., учинчи бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу унинг лексик урғуси биринчи бўгинда, ёрдамчи урғуси учинчи бўгинда эканлигини кўрсатади. Бу тизимдаги тусловчилар ҳам гап кесими вазифасидаги феълларнинг сўнгги бўгинидир. Лекин улардаги унлиларнинг товуш кучи ва баландлиги пасаймаган. Чунки буйруқ гап охири тушувчи оҳангда бўлмайди. Феълларнинг замон кўрсаткичи бошқа сўз шаклларига ўхшаш доимо бир бўгинни таркиб топтиравермайди. У гоҳо бир бўгинни таркиб топтирса ҳам, кўпинча сўз негизининг сўнгги бўгини

¹ Қрнғ.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша дарслик. Ўша бет.

² Қрнғ.: Ўша ерда.

таркибига ёки феълнинг бошқа кўрсаткичи таркибига кириб, бўгин сифатини ўзгартириб келади ва гоҳо икки бўгиндан иборат бўлиши ҳам мумкин. Улар гоҳо феъл негизининг сўнгги бўгинидаги лексик урғуни ўзига сурилишини воқелантирса, баъзан умуман урғусиз қўлланади ва баъзан сўз шакллари каби ёрдамчи урғули бўлади.

Аниқ ҳозирги замон феъл кўрсаткичи *-яп, -ётир, -моқда* аффиксларидан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси бир ва қолган иккитаси икки бўгинлидир. Улардан *-яп* қўшимчаси бир бўгинли эканлигига қарамай, ҳамма вақт шахс-сон қўшимчаси билан, ундан олдин қўлланади ва ёрдамчи урғу билан келади. Масалан, *кўряпман* феълнинг биринчи бўгин унлиси 110 мсек. иккинчи бўгин унлиси 70 мсек., учинчи бўгин унлиси 50 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни иккинчи бўгин аниқ ҳозирги замон қўшимчаси бўлиб, ёрдамчи урғулидир. Унинг таъсири ҳарҳолда шахс-сон қўшимчаси *-ман* аффиксига ҳам ўтган. Бу ўринда шахс-сон қўшимчаси I шахс бирликни билдиради. У II шахс-сон бирликни билдирса ҳам, ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Агар у ё III шахс бирлик, ё I, ё II шахс кўпликни кўрсатса, урғусиз ва, ҳатто, унлиси редукцияга учраган ҳолда кузатилади, унлиси 15 мсек. дан ортмайди. Шунинг ҳам айтиш керакки, *-яп* замон қўшимчасига қўшилиувчи III шахс бирлик *-ти* аффикси бўлади, яъни *кўряпти*. Бунда III шахс бирлик *-ти* қўшимчасининг унлиси 10 мсек. чўзиқликка эга.

Феълнинг аниқ ҳозирги замон кўрсаткичи *-моқда, -ётир* аффикслари икки бўгинлидир. Нутқ кечимида уларнинг иккиси ҳам биринчи бўгинида ёрдамчи урғуни ташийдди. Масалан, *кўрмоқда* феълнинг биринчи бўгин унлиси 110 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. *-моқда* қўшимчасининг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек. чўзиқликка эга. Агар *-ётир* аффикси қўлланганда эди, кейинги бўгин унлиси 25 мсек. чўзиқ бўларди.

Феълларнинг ҳозирги-келаси замон шакли *-а* ёки *-й* шакллари-дан бири бўлса, кетидан, албатта, шахс-сон қўшимчаси келади. Улар феъл негизининг сўнгги ундош ёки бўгини билан бир бўгинни таркиб топтиради, лекин урғуга эга бўлмайди. Кейин келган шахс-сон кўрсаткичидан иборат бўгин ёрдамчи урғули ҳолда шаклланади. Масалан, *бораман* феълни ҳозирги-келаси замонни билдиргани ҳолда, I шахс бирликдир. Унинг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек., учинчи бўгин унлиси 70 мсек. талаффуз этилган. Яъни замон билдирувчи аффиксдан иборат бўгин урғусиз келган. Айрим ҳолларда феъл ўзаги тор унли бўлгани учун ундаги лексик урғу замон кўрсаткичи келган бўгинга кўчади ва

шахс-сон кўрсаткичи чўзиқ ва паст товушли ёрдамчи урғу билан воқеланади. Масалан, *келади* феълнинг биринчи бўғин унлиси 60 мсек., иккинчи бўғин унлиси 100 мсек., учинчи бўғин унлиси 160 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Лекин шу охириги бўғин унлиси 3 мм. товуш кучи ва 110 гц.ли товуш баландлиги билан берилган.

Феълнинг келаси замон шакли *-ажак*, *-гу* аффиксларидан иборат бўлиб, доимо шахс-сон қўшимчаси билан келади. Масалан, *ёяжакмиз* феъли I шахс кўплик, келаси замон шакли билан келган. Унинг биринчи бўғин унлиси 140 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек., учинчи бўғин унлиси 110 мсек. ва охириги бўғин унлиси 20 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни лексик урғу биринчи бўғинда бўлиб, ёрдамчи урғу учинчи *жак* бўғинида қайд этилган. Мазкур замон қўшимчаси III шахс бирликда тусланар экан, шакли нолга тенг бўлади ва замон қўшимчасининг чўзиқлиги 100 мсек. камаяди ва товуш кучи 3 ёки 3,5 мм. амплитуда, товуш баландлиги ҳам 100 гц. атрофига тушади.

-гу келаси замон шакли доимо шахс-сон қўшимчаси билан келади ва бир бўғин таркибига киради, албатта, ёрдамчи урғули бўлади. Масалан, *юрғум* феъли ҳам ҳозирги замон, ҳам I шахс-сон қўшимчаси билан тусланган. Бунда феълнинг икки категориясига оид тусловчи *-гум* ҳолида бир бўғинни таркиб топтирган. Феълнинг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 40 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Унинг замон ва шахс-сон қўшимчасидан таркиб топган иккинчи бўғин ёрдамчи урғулidir. Агар бу замон қўшимчасидан кейин III шахс қўшимчаси ва барча шахс-сон қўшимчаларининг кўплиги берилса, улар алоҳида бўғинни юзага келтириб, ёрдамчи урғуни ўзларига оладилар. Замон қўшимчаси урғусиз қолади.

Феълларнинг келаси замон гумон шакли *-(а)р* ва бўлишсизлик шакли *-мас* аффикси бўлиб, улар феъл негизининг сўнгги товуши билан бўғин ҳосил қиладилар. Улар доимо ёрдамчи урғу билан келадилар. Ёрдамчи урғу икки кўринишда юзага чиқади:

1) Унинг унлисида товуш кучи ва баландлиги лексик урғули бўғин унлисидан деярли фарқ қилмай, товуш чўзиқлиги сал кам бўлади. Бунда феълнинг деярли отдан ясалганлиги кузатилади. Масалан, *излар* феъли негизи *изла-* бўлиб, у отдан ясалган. Унга сўнгги келаси замон гумон феъли шакли қўшилиб келади ва нутқда ёрдамчи урғули ҳолда қўлланади. Эътибор беринг: *излар* феълнинг биринчи бўғин унлиси 120 мсек. иккинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Агар бу феълга *-мас* аффикси қўшилганда эди, *изламас* феълнинг биринчи бўғин унлиси 120 мсек., иккинчи бўғин унлиси

50 мсек., учинчи бўгин унлиси 90 мсек. чўзиқликка эга бўларди. Ёрдамчи урғу фақат келаси замон гумон шакли бор жойда акс этарди.

2) Унинг унлиси лексик урғули бўгин унлисидан чўзиқ бўлгани ҳолда, товуш кучи 3 мм. ёки 3,5 мм. амплитудадан, товуш баландлиги 120 гц. дан паст бўлади. Бундай феъллар туб феъллар бўлиб, келаси замон гумон феъли шакални орттирганлиги кузатилади. Масалан, *ёнар* феъли келаси замон гумон шакли билан қўлланган туб феълдир. Феълнинг сўнгги товуши замон билдирувчи аффикс билан иккинчи бўгинни таркиб топтирган. Унинг биринчи бўгин унлиси 90 мсек., иккинчи бўгин унлиси 120 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Кейинги бўгин унлиси нисбатан чўзиқ бўлса ҳам, товуш баландлиги 100 гц.дир. Ваҳоланки, биринчи бўгин унлиси 132 гц. товуш баландлигига эга. Бу шу феълнинг лексик урғуси биринчи бўгинда, ёрдамчи урғуси иккинчи бўгинда эканлигини кўрсатади.

Феълнинг ўтган замон шакли *-ди* аффикси бўлгани ҳолда, у ташкил қилган бўгин урғусиз келади. Шунинг учун, у маълум даража редукцияга учраганлиги кузатилади. Масалан, *деди* феълнинг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 40 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бунинг устига, биринчи бўгин унлисидаги товуш баландлиги 170 гц. эканлиги ҳолда, иккинчи бўгин унлисида 120 гц.дир. Бу лексик урғу биринчи бўгинда бўлиб, иккинчи бўгинда умуман урғу йўқлигини кўрсатади.

Агар *-ган* сифатдош шакли кесим вазифасидаги феълларга қўшилиб узоқ ўтган замонни билдириб келса, талаффузи ниҳоятда паст бўлиб, урғусиз бўлади, ёрдамчи урғули эканлиги тақдирда ҳам, у ниҳоятда кучсиз қайд этилади. Масалан, *кўтарилган* феълнинг биринчи бўгин унлиси 50 мсек., иккинчи бўгин унлиси 90 мсек., учинчи бўгин унлиси 40 мсек., чўзиқ талаффуз этилган. Яъни феълнинг замон шаклини берувчи бўгин деярли урғуга эга эмас.

Рабиш туркумига оид сўзлар ўзига хос сўз шакли, яъни категориал шаклини юзага келтирмаган. Шунинг учун, равишларнинг маълум бўгинида лексик урғу бўлса ҳам, ёрдамчи урғули бирорта ҳам бўгини йўқ, деб бемалол айтиш мумкин. Бироқ ишнинг шу қисми олдида равиш ясовчи, деб келинаётган *-ча, -часига, -ларча, -(с)ича, -дек, -дай, -лаб* аффиксларини келтириб, улар барча сўз ясовчиларга ўхшаш лексик урғу олмайди, деган фикрни айтган эдик. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Бунинг экспериментдан олинган мисоллар асосида таҳлил қилиб беришимиз ҳам мумкин. Масалан, *болдай татиди* бирикмасидаги *болдай* сўзи ясама равиш, деб қаралади. *Болдай* сўзининг биринчи бўгин

унлиси 130 мсек., иккинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яна *чапанчасига сўкмоқ* бирикмасидаги *чапанчасига* сўзини ҳам ясама равиш, деб олинади. Унинг ҳам иккинчи бўгин унлиси 140 мсек., бешинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқдир. *Бошқача юрмоқ* бирикмасидаги *бошқача* сўзи ҳам ясама равиш, дейилгани ҳолда, биринчи бўгин унлиси 90 мсек., учинчи бўгин унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга. Яъни 1- ва 3-сўзда биринчи бўгин, 2-сўзда иккинчи бўгин лексик урғули, ҳаммасида ҳам сўнгги бўгин ёрдамчи урғу билан берилган. Сўзларнинг қолган бўгинлари унлиси 40 мсек.дан ортиқ вақт олмаган. Улар урғусиздир. Сўзлардаги *-дай*, *-часига*, *-ча* аффикслари ясовчига хос воқеланган эмас, сўз шаклига ўхшайди. Мазкур сўзларни равиш деб эмас, сўз шакли билан воқеланган от, деб қарашга тўғри келади. Муаллифингизнинг қараши шундай.

Демак, моносиллабик сўз шакллари полисиллабик сўз шакллариининг бир бўгини деярли ёрдамчи урғули бўлади. Агар эгалик ифодаланган бўгин лексик урғули бўгиндан ва кўплик ифодаланган бўгиндан кейин, келишик ифодаланган бўгиндан аввал; кўплик ифодаланган бўгин бисиллабик отлардан кейин; келишик ифодаланган ва эгалик ифодаланган бўгинлар кўплик ифодаланган бўгиндан кейин қўлланса, шунингдек, ўтган замон аффикси *-ди* ёрдамчи урғуга эга эмас, яъни урғусиздир.

Ёрдамчи сўзларда ёрдамчи урғу

Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар деб, боғловчилар, кўмакчилар ва юкламалар кўрсатилади. Чунки ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлар орасидаги грамматик муносабатларни ва уларга қўшиладиган модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қиладиган ва мустақил ҳолда бирор гап бўлаги вазифасида келмайдиган сўзлардир¹. Кўмакчи, боғловчи ва юкламалар мана шундай категорияга шаклга мувофиқ ифодалаи тўлиқсиз маъноли сўзлар ҳисобланади. Шу таърифдан келиб чиқилдиган бўлса, кўмакчи феъллар, ёрдамчи феъллар ва тўлиқсиз феълларни ҳам улар қаторига қўшиш керак. Чунончи, булар ҳам улар моҳияти билан айнан бир хил². Улар ўзидан кейинги ёки олдинги сўзга талаффузда бирикиб, ундаги лексик урғуга марказлашиб келади. Ёрдамчи сўзларнинг ўзидан ке-

¹ Қрғг.: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –С. 89; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 161-б.

² Қрғг.: Гуломов А.Ф. Феъл. –Тошкент: Фан, 1954. 72–76-бб.; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –С. 89.; Die deutsche Sprache. II Band. –S. 882;

йинги сўзлар лексик урғусига талаффузда марказлашувчилари энклиза¹ ўзидан олдинги сўзлар лексик урғусига талаффузда марказлашувчилари проклиза² деб, иккига бўлинади. Ўзбек тилидаги боғловчилар, юкламалар энклизалар ҳисобланиб, кўмакчилар, кўмакчи феъллар, ёрдамчи феъллар, тўлиқсиз феъллар проклизалар, деб қаралади.

Ўзбек тилидаги *ва*, *ҳамда* каби бириктирувчилар соф энклизалар ҳисобланиб, улар деярли уюшган бўлакларни ўзаро боғлаш вазифасини бижаради ва ўзидан кейинги бўлак лексик урғусига марказлашади. Масалан, ... *орден ва медаллар билан мукофотланди* (А.Қаҳҳор), гапидаги *орден* сўзидан кейин қўлланган *ва* сўзи талаффузда бўлинишни ҳосил қилган, лекин *ва* сўзи медаллар сўзига қўшиб талаффуз этилган, яъни шу сўздаги иккинчи бўғинда воқеланган лексик урғуга марказлашган. *Ва* боғловчисининг унлиси 70 мсек., медаллар сўзининг биринчи бўғин унлиси 60 мсек., иккинчи бўғин инлиси 120 мсек., учинчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Таҳлилдаги ўлчовга кўра, боғловчидан иборат бўғин ёрдамчи урғули экани ҳолда, медаллар сўзидаги иккинчи лексик урғули бўғинга талаффузда марказлашган. Бу уюшиқ бўлакларни бириктириб келган *ва* боғловчиси ўрнида *ҳамда* боғловчисини қўллаш ҳам мумкин. Бунда етакчи сўз бўғинлари унаиларининг чўзиқлиги ўзгармагани ҳолда, *ҳамда* боғловчисининг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 55 мсек. чўзиқликка эга бўларди. Бу *ҳамда* боғловчиси ҳам медаллар сўзининг нутқда энклизаси эканлигини кўрсатади.

Ўзбек тилидаги айирув боғловчилари ҳам худди бириктирув боғловчиларига ўхшаш энклизалардир. Лекин булар такрорланувчи бўлгани учун, ҳар бири ўзидан кейинги сўз лексик урғусига марказлашади ва ёрдамчи урғу билан қўлланади. Масалан, *Ё мен борай, ё сиз келинг* (қўшиқ), гапидаги такрорланувчи боғловчининг биринчисининг етакчи сўзи *мен*, иккинчисининг етакчи сўзи *сиз* олмоши бўлган. Ҳар иккиси ҳам ўз етакчи сўзи лексик урғусига талаффузда марказлашган. Боғловчининг унлиси ҳар икки ўринда ҳам 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. *Мен* олмошининг унлиси ҳам, *сен* олмошининг унлиси ҳам бир хил 45 мсек. чўзиқликка эга. Бу боғловчиларнинг олмошларга талаффузда тобеланганлигини кўрсатади. Инкор боғловчиси *на* ҳақида ҳам бундан фарқли бирор фикр айтиш қийин. Улар фонетик моҳиятига кўра деярли бир хил.

¹ Қрғ.: Ахманова О.С. Ўша луғат. –С. 52. Матусевич М.И. Современный русский язык. Фонетика. –С. 233.

² Қрғ.: Ахманова О. С. Уша луғат. –С. 366. Матусевич М.И. Ўша дарслик. –С. 233.

Ўзбек тилидаги зидловчи боғловчилар ҳам энклизалар ҳисобланади. Бироқ уларнинг ўзига хос томонлари бор. Бунинг устига, улар бисиллабикдир. Бошқа боғловчилар асосан сўзларни ўзаро боғлаб келгани ва уларни бир-бирига зидлагани ҳолда, зидловчи боғловчилар қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига семантик қарама-қарши қўяди. Аммо шунда ҳам содда гапларнинг айрим бир хил бўлагини қаршилайди. Масалан, *У ётди, лекин ухламади* гапида боғловчи *ётди* ва *ухламади* кесимларини ўзаро қаршилаяпти. Бунда *лекин* зидловчи боғловчиси *ухламади* феълнинг энклизасидир. Энклизанинг биринчи бўғин унлиси 75 мсек., иккинчи бўғин унлиси 30 мсек. чўзиқ талаффуз этилиб, *ухламади* феълнинг биринчи бўғин унлиси 110 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек., учинчи бўғин унлиси 70 мсек., тўртинчи бўғин унлиси 15 мсек. чўзиқликка эга бўлган. Бу шуни кўрсатадики, лексик урғу феълнинг биринчи бўғинида кечган бўлиб, ёрдамчи урғу боғловчининг биринчи ва феълнинг учинчи бўғинида ўтган ва қолган бўғинлар урғуси қайд этилган. Яъни феълнинг биринчи бўғинига унинг қолган бўғинлари қатори боғловчининг бўғинлари ҳам ёрдамчи урғули бўғини орқали талаффузда марказлашган. Қолган зидловчи боғловчилар ҳам етакчи сўзга талаффузда тобеланади. *Лекин, аммо, балки* боғловчиларининг ёрдамчи урғуси биринчи бўғинида бўлгани ҳолда, у *биноқ* боғловчисининг иккинчи бўғинидадир.

Эргаштирувчи боғловчилар ҳам деярли зидловчи боғловчиларга ўхшайди. Улар ҳам энклиза сифатида ўздан кейинги сўзнинг лексик урғули бўғинига талаффуз кечимида марказлашади. Масалан, *Агар бўлса, оламан* гапидаги *агар* эргаштирувчи боғловчиси *бўлса* феълнинг энклизасидир. Унинг биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Кейинги бўғини ёрдамчи урғулидир. *Бўлса* феълнинг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек чўзиқликка эга. Яъни лексик урғу феълнинг биринчи бўғинида бўлиб, эргаштирувчи боғловчи ўз ёрдамчи урғули бўғини орқали унга талаффузда тобеланган. Бошқа эргаштирувчи боғловчилар ҳам нутқдаги фонетик хусусиятига кўра деярли шундай кузатилади.

Айрим юкламалар ўзи бирикиб келган сўзларнинг энклизаси бўлади. Бунга айирув ва кучайтирув юкламаларини кўрсатиш мумкин.

Айирув юкламаларидан *фақат* сўзи энклиза бўлиб келади. Масалан: *Фақат сенмас мени алдаган* (Уйғун), гапидаги *фақат сенмас* ўз энклизаси билан қўлланган кесимдир. Унинг энклизаси *фақат*

айирув юкламаси ҳисобланади. Уларнинг биринчи бўгин унлиси 80 мсек., иккинчи бўгин унлиси 60 мсек., учинчи бўгин унлиси 70 мсек., тўртинчи бўгин унлиси 100 мсек. чўзиқ талаффуз қилинган. Бу ўлчов кесимнинг сўнгги бўгини лексик ургуга эга эканини ва юклама ёрдамчи ургули биринчи бўгини воситасида унга талаффузда тобеланганлигини кўрсатади.

Миқдор ва белгини кучайтириб ифодаловчи юкламалар *энг, нақ, жуда, ўта, гоаят* кабилардан иборат¹ бўлиб, улар ўзлари қўшилиб келган сифатларнинг энклизаси ҳисобланади. Масалан: *Энг яхши кетмон* бирикмасидаги *энг яхши* аниқловчиси энклиза билан қўлланган сифатдир. *Энг* сўзининг унлиси 80 мсек., *яхши* сўзининг биринчи бўгин унлиси 100 мсек., иккинчи бўгин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. *Яхши* сифатининг биринчи бўгин унлиси лексик ургу билан қўлланган. Энклиза ёрдамчи ургу билан унга тобеланган. Агар *энг* юкламасини *жуда* юкламаси билан алмаштирилса, унинг биринчи бўгин унлиси 30 мсек., иккинчи бўгин унлиси 80 мсек. бўлар эди. Шу ёрдамчи ургули бўгини орқали сифатнинг лексик ургули бўгинига марказлашарди.

Ўзбек тилидаги кўмакчилар тўлалиги билан энклизалардир. У от туркумига оид сўзлардан кейин қўлланиб, феъл бошқаруви учун грамматик восита вазифасини ўтайди. Бу жиҳатдан у келишиқ аффиксларига ўхшайди². Айрим ҳолларда у келишиқлар билан грамматик синонимликни ҳам юзага келтиради. Масалан: *Қалам билан ёздим / қаламда ёздим каби*³. Шунингдек, келишиқлар отларга қўшилиб, талаффузда унинг лексик ургусига марказлашгани ва ёрдамчи ургу билан воқелангани каби, улар от кетидан келиб, бирор бўгини ёрдамчи ургу орттиргани ҳолда, шу ургу орқали отнинг лексик ургули бўгинига талаффузда марказлашади. Кўмакчиларнинг ўзи кам ва деярли бисилабик бўлиб, иккинчи бўгини ёрдамчи ургу олади.

Бу масалада, аввало, соф кўмакчиларга эътиборни қаратиш ло-

¹ Бу сўзларни морфологияга багишланган дарслик ва илмий ишларда даража равиши деб берилади. Қрғг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша дарслик. 230-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўша дарслик. 158-б.; Асқарова М., Қосимова К., Жамолохонов Х. Ўзбек тили. 130-б.; Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қт. / Ғ. Абдураҳмонов тахр. ост. 341-б.; Ўзбек тили грамматикаси. Морфология / Ғ. Абдураҳмонов, Ш. Шоабдураҳмонов, А. Ҳожиев тахр. ост. 538-б. Аммо бу сўзлар мустақил маъно бермайди, гап бўлаги вазифасида кела олмайдди ва лексик ургуга эга эмас. Уларни, сўзларга қўшилиб келиб, маъно кучайтириш хусусиятига эга бўлгани учун, юкламаларнинг бир тури, деб ҳисоблади.

² Қрғг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша дарслик. 230-б.

³ Қрғг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша дарслик. Ўша бет.

зим бўлади. Масалан, *ватан учун кураш!* бирикувида *ватан* оти учун проклizasи билан қўлланган. Шу проклizasали *ватан* учун отига сарфланган вақт тақсимоти шундай. У (*ватан* оти)нинг биринчи бўғин унлисига 100 мсек., иккинчи бўғин унлисига 120 мсек.; учун кўмакчисининг биринчи бўғин унлисига 30 мсек., иккинчи бўғин унлисига 70 мсек. вақт сарфланган. Яъни лексик урғу *ватан* сўзининг иккинчи бўғинида бўлиб, унинг биринчи ва кўмакчининг иккинчи бўғинида ёрдамчи урғу бор. Одатда лексик урғу сўз семантикасининг зарурий ўрнини таъкидлаш учун, ёрдамчи урғу зарурий бўғинларни мустақкамлаш мақсадида қўлланади. Ҳақиқатан ҳам, мазкур от тўла талаффуз этилиши, кўмакчи диққатдан четда қолмаслиги керак. Бунинг учун, кўмакчининг иккинчи бўғини тингловчига бехато етказилиши кифоя. Шу билан у етарли фаҳмланади. Шунинг учун, кўмакчининг биринчи бўғини тўла редукцияга учраши кузатилади. Кўмакчининг ёрдамчи бўғинли қисми ҳамма вақт тўла талаффуз этилади. Яъни: *ватан-чун кураш!* Соф кўмакчилардан яна *билан* кўмакчиси ҳам учун кўмакчиси каби талаффуз этилиш хусусиятига эга. Унинг ҳам урғусиз бўғини тўла редукцияга – апакопага учраши кузатилади. Яъни: *билан* > *ила* > *-ла* каби.

Соф кўмакчи сифатида яна *қадар*, *сари*, *сайин* сўзларини кўрсатиш мумкин. Улар ҳам коммуникацияда отлар кетидан келиб, иккинчи бўғини ёрдамчи урғу орттиради, биринчи бўғини урғусиз берилади.

Умуман бисиллабик от кўмакчилар ҳам, феъл кўмакчилар ҳам коммуникацияда отлар кетидан қўлланиб, ундаги лексик урғули бўғинга талаффуз кечимида марказлашади. Бунда кўмакчи ёрдамчи урғули иккинчи бўғини орқали унга тобеланади. Масалан, *уйга қараб* кўмакчили отнинг биринчи бўғин унлиси 130 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек., учинчи бўғин унлиси 50 мсек. ва тўртинчи бўғин унлиси 90 мсек. талаффуз этилган. Бу лексик урғу от туркумига оид сўзнинг биринчи бўғинида, ёрдамчи урғу кўмакчининг иккинчи бўғинида эканини кўрсатади. Шу талаффуз кечимида кўмакчи отга тобелантирилган.

Қараб кўмакчиси феъл кўмакчидир. Унинг ўрнига *томон* от кўмакчиси алмаштириб қўйилса, семантик фарқ юзага келиши аниқ, аммо талаффузи жиҳатидан деярли фарқ қилмайди. Чунончи, отнинг талаффузига кетган вақт ўзгаришсиз қолади. От кўмакчи ҳисобланган сўзнинг биринчи бўғин унлисига 60 мсек. берилиб, иккинчи бўғин унлисига бу сўзда ҳам 90 мсек. вақт сарфланган.

Яъни унинг ҳам иккинчи бўғини ёрдамчи урғуга эга. Шунга кўра, у *уйга* сўзининг проклizasидир.

Кўмакчилар полисиллабик бўлиши ва проклитик ҳолда келиб, турли бўғинларига ёрдамчи урғу тушиши ҳам кузатилади. Масалан: *Туя мисоли сузар* (Э. Воҳид). бирикувида *туя* оти *мисоли* проклizasи билан қўлланган. Бунда *туя* сўзининг иккинчи бўғинига лексик урғу берилган. Унинг биринчи бўғин унлиси 60 мсек., иккинчи бўғин унлиси 130 мсек. чўзиқликка эга. Ёрдамчи урғу проклizанинг иккинчи бўғинига тушган. Унинг биринчи бўғин унлиси 45 мсек., иккинчи бўғин унлиси 110 мсек., учинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Шу талаффуз билан у *туя* отига тобеланган.

Айрим ҳолларда полисиллабик проклizаларнинг иккинчи бўғинида урғу бўлиши ва уларнинг ҳар иккиси ҳам ёрдамчи урғули ҳолида келиши мумкин. Масалан: *Мактаб ҳақида...сўзлар* (Э. Воҳид). Бу иборада *мактаб* оти *ҳақида* проклizasи билан қўлланган. *Мактаб* сўзининг биринчи бўғин унлиси 130 мсек., иккинчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга бўлиб, унинг биринчи бўғинида лексик урғу, иккинчи бўғинида ёрдамчи урғу бор. *ҳақида* кўмакчисининг биринчи бўғин унлиси 75 мсек., иккинчи бўғин унлиси 35 мсек., учинчи бўғин унлиси 140 мсек. чўзиқликка эга. Шунга кўра айтиш мумкинки, унинг биринчи ва учинчи бўғини ёрдамчи урғулидир. Аммо учинчи бўғин унлиси *мактаб* сўзидаги лексик урғули бўғин унлисидан чўзиқ. Биламизки, бундай бўғинларнинг унли товуши баландлиги паст бўлса, улар ёрдамчи урғуга эга, деб қаралади. Чунончи, унинг унлисидagi товуш баландлиги 83 гц. дир. Бу жуда паст товуш ҳисобланади. Яъни *мактаб* сўзининг проклитики унга икки ёрдамчи урғу билан талаффузда марказлашган.

Ўзбек тилида анча миқдорда моносиллабик юкламалар бўлиб, улар фақат проклитик ҳолда отлар кетидан қўлланади. Лекин улар деярли аффиксал мақомда коммуникацияга киришади. Бундай юкламалар ҳамма вақт ёрдамчи урғу билан қўлланиб, ўзи бириккан отнинг ёки баъзан бошқа туркумдаги сўзнинг лексик урғусига талаффуз кечимида марказлашади. Бу юкламалар *-да*, *-(й)у*, *-ку*, *-(й)ок*, *-ми*, *-чи*, *-(й)а кабилардан иборат*. Масалан: *У осмонга туташган нурми?* (Э. Воҳид) гапидаги *нурми* оти *-ми* юкламаси билан қўлланган. Ундаги биринчи бўғин унлиси 130 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни лексик урғу от туркумида бўлиб, ёрдамчи урғу *-ми* юкламасидадир. Айрим пайтларда юклама унлиси нисбатан чўзиқ, лекин паст товуш билан талаффуз этилади. Бу

сўзловчининг нутқ вазияти билан боғли бўлади. Бундай юкламалар моҳиятан нутқ кечимида сўз шакли сифатида воқеланади.

Ўзбек тилида яна моносиллабик ҳам юкламаси қўлланади. У ўз моҳияти эътибори билан проклаза ҳисобланади. Масалан: *Ернинг ҳам жони бор* (Қ. Муҳаммадий), гапида *ернинг* оти ҳам юкламасини олиб келган. Бу отнинг ўзагидаги биринчи бўғин унлиси 90 мсек., келишигидан иборат бўғини унлиси 40 мсек. ва ҳам юкламасидан иборат бўғини унлиси 70 мсек. чўзиқлик билан талаффуз этилган. Яъни лексик урғу *ер* сўзида бўлиб, ҳам юкламасида ёрдамчи урғу берилган. Лекин шуниси ҳам борки, ҳам юкламаси, нутқ вазиятига қараб, ё анлаутини й ундоши билан алмаштириши, ё редукцияга учрагиб, агкопага бориши мумкин. Бу бўғиндаги ёрдамчи урғуга таъсир этмайди.

Ўзбек тилидаги тўлиқсиз феъллар ўзининг лексик семантикасига эга эмас. Шунга кўра, у бирор мустақил маъноли сўз кетидан келиб, унга бирор грамматик маъно илова қилади, яъни проклитиклик вазифасини бажаради. У, албатта, ёрдамчи урғули бўлгани ҳолда, ўзи бириккан сўзнинг лексик маъноли бўғинига марказлашади. Бунда унинг охириги бўғини унлиси чўзиқ, ҳатто, ўзи боғланган сўзнинг лексик урғули бўғини унлисидан чўзиқ бўлиб, лекин товуш баландлиги паст келади. Мабодо, ўша бўғини унлиси у боғланган сўзнинг бўғини унлисидан қисқароқ талаффуз этилган бўлса, товуш баландлиги, албатта, анча паст бўлади. Чунки у ҳамма вақт гап интонациясининг сўнувчи туталланма қисмига тўғри келади. Эътибор беринг: *...шоҳлари тўсиб турар эди* (П. Қодиров), гапидаги составли кесимнинг етакчи компоненти *тўсиб* равишдоши экан ҳолда, унинг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 10 мсек. бўлиб, кейинги *турар* кўмакчи феълнинг биринчи бўғин унлиси 30 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек. ва охириги *эди* тўлиқсиз феълнинг биринчи бўғин унлиси 50 мсек. сўнгги бўғин унлиси 130 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Ўлчов лексик урғу етакчи компонентнинг биринчи бўғинига тушиб, ёрдамчи урғу *турар* кўмакчи феълнинг иккинчи бўғини ва *эди* тўлиқсиз феълнинг сўнгги бўғинига тушганини, улар талаффуз кечимида лексик урғули бўғинга марказлашганини кўрсатади. Сўнгги бўғин унлиси ниҳоятда чўзиқ бўлгани билан товуш баландлиги 77 гц. ва, ҳатто, бу баландлик *тўсиб* равишдошининг иккинчи бўғини, *турар* кўмакчи феълнинг ҳар икки бўғини орқали *эди* тўлиқсиз феълнинг биринчи бўғинигача 100 гц.га тушган эди.

Навбатда ...бош кўтарган эди (С. Зуннунова), иборасига диққатни қаратамиз. Бу иборадаги бош сўзи бир бўғиндан иборат бўлиб, унинг унлиси 120 мсек., кўтарган сўзининг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 80 мсек., учинчи бўғин унлиси 50 мсек. бўлиб, эди тўлиқсиз феълнинг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 60 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Бу лексик ургу бош сўзида, ёрдамчи ургу кўтарган сўзининг иккинчи ва эди тўлиқсиз феълнинг биринчи бўғинида эканини кўрсатади. Шу ёрдамчи ургулар воситасида кейинги икки сўз талаффуз кечимида бош сўзига марказлашган. эди тўлиқсиз феъли сўнгги бўғинда ҳам талаффуз чўзиқлигини, ҳам товуш баландлигини анча йўқотган.

Ўзбек тилида кўмакчи феъллар проклиза сифатида воқеланади. Чунки кўмакчи феъллар равишдош шаклидаги бирор феълга қўшилиб, ундан англашилган маънога яна қандайдир маъно илова қилувчи, яъни ёрдамчи маъноли феъл ҳисобланади¹. Яъни коммуникацияда таркибли феълларнинг етакчи маъноси кўмакчи феълда эмас, у қўшилиб келган равишдош шаклидаги феълда бўлади. Уни, шунинг учун, етакчи феъл деб қаралади. Кўмакчи феъл нутқда ўз кўмакчилик вазифасини ўтайди. Сўзнинг лексик ургуси ҳамма вақт синтактик бирикменинг семантик етакчилик қилган ўрнида бўлади. Яна ҳам аниқроғи, таркибли феълнинг етакчи компонентидаги семантик марказ ҳисобланган бўғинда лексик ургу воқеланади. Ёрдамчи ургу составли феълнинг кўмакчилик вазифасидаги феъл бўғинларидан бирида қайд этилади. Масалан, *ўрашиб қўйишибди* составли феъл бўғинлари унлиларига сарфланган вақт таҳлилига эътибор бериш мумкин. Унинг биринчи бўғин унлиси 140 мсек., иккинчи бўғин унлиси 110 мсек., учинчи бўғин унлиси 60 мсек., тўртинчи бўғин унлиси ҳам 60 мсек., бешинчи бўғин унлиси 80 мсек., олтинчи бўғин унлиси 35 мсек. ва охири еттинчи бўғин унлиси 65 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Яъни лексик ургу етакчи феълнинг биринчи бўғинига берилган бўлиб, унинг иккинчи бўғини ёрдамчи ургулидир. Кўмакчи феълнинг иккинчи бўғинида ёрдамчи ургу бор. Унинг сўнгги бўғин унлиси 65 мсек. чўзиқликка эга бўлса ҳам, ургусиз деб қаралади. Чунки у жуда паст 112 гц. баландликка эга. Составли феъллар, дарак гап кесими вазифасида келса, ҳамма вақт шундай тушувчи оҳангга эга бўлади.

Дарак гаплардан ташқари, буйрук, сўроқ ва истак гаплар, гарчи феъл кесими бўлса ҳам, тушувчи оҳанг касб этмайди. Агар буйрук

¹ Қрғ.: Ҳожиев А. Феъл. –Тошкент: Фан, 1972. 13-б.

гапнинг кесими составли феъллардан танланганлиги кузатилса, бунда ҳам етакчи феълнинг бирор бўғини лексик урғули ҳолда талаффуз этилаверади. Лекин кўмакчи феъл тушувчи оҳангда бўлмай, баланд ва чўзиқ қайд этилади. Масалан: *Назир, ҳовлига чиқиб тур!* (С. Аҳмад) буйруқ гапининг кесими *чиқиб тур* составли феълдан иборат. Унинг етакчи феъли *чиқиб* равишдоши бўлиб, биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 10 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Кўмакчи феъл бир бўғиндан иборат бўлиб, буйруқ майлида олинган, унлиси 90 мсек. чўзиқликка эга. Бунда *чиқиб* етакчи феълнинг биринчи бўғини, шубҳасиз, лексик урғуга эга. Кўмакчи феъл, гарчи ёрдамчи урғугагина эга бўлса ҳам, ундов экспрессивлигини ифодалаш учун талаффуз чўзиқлиги ва баландлигига куч берилган.

Сўроқ гапларнинг кесими составли феъллардан танланган бўлса, лексик урғу етакчи феълга берилиши табиийлиги ҳолда, кўмакчи феълдаги ёрдамчи урғу олган бўғин унлиси ортиқ даража чўзилса ҳам, товуш баландлиги маълум даража пасаяди. Масалан: *бугун менга бир қарашиб юбормайсанми, Отабек?* (А. Қодирий) гапидаги кесим вазифасида кўлланган составли феъл *қарашиб юбормайсанми* бўлиб, етакчи феъл *қарашиб* равишдошидир. Унинг биринчи бўғин унлиси 190 мсек., иккинчи бўғин унлиси 50 мсек., учинчи бўғин унлиси 10 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Унинг биринчи бўғинига лексик урғу, иккинчи бўғинига ёрдамчи урғу берилган. Кўмакчи феъл *юбормайсанми* бўлиб, унинг биринчи бўғин унлиси 50 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек., учинчи бўғин унлиси 60 мсек., тўртинчи бўғин унлиси 90 мсек. ва охири бешинчи бўғин унлиси 120 мсек. чўзиқликка эга. Яъни кўмакчи феълнинг иккинчи ва тўртинчи бўғинларида ёрдамчи урғу бор. Унинг бешинчи бўғин унлиси, гарчи энг катта мсек. вақтни банд қилса ҳам, ёрдамчи урғули эмас, деб қаралади. Чунки ундаги товуш баландлиги жуда паст – 72 гц.дир. Ҳатто ундан олдинги бўғин унлиси ҳам 115 гц. га тушиб қолган. Ваҳоланки, етакчи феълнинг ҳамма бўғинлари ва кўмакчи феълнинг биринчи, иккинчи ва ҳатто учинчи бўғинигача унлиси бир хил 180 гц. атрофида баланд талаффуз этилган.

Ўзбек тилидаги ёрдамчи феъллар кўшма феъл яшаш вазифасини ўтайди¹. Бу вазифаси билан улар феъл ясовчи аффиксга тенг келади. Масалан: *шод этар / шодлантирар* каби. Одатда феъл ясовчиларнинг, ясовчи бўлганлиги учун, таркиб топтирган бўғини лексик урғули бўлади. Лекин ёрдамчи феъл кўшма феъл ясар экан, унинг

¹ Қрғ.: Ҳожиев А. Феъл.12-б.

бирор бўғинига ҳам лексик урғу юкланмайди. У қўшма феълнинг от компонентларидан бирида акс этади. Ёрдамчи феъл бўғинларидан бирига ёрдамчи урғу берилади. Бунинг учун, юқоридаги *шод этар* қўшма феълнинг экспериментал таҳлилига эътиборни қаратиш керак бўлади. Унинг *шод* компоненти бир бўғиндан иборат бўлиб, унлиси 120 мсек., *етар* компонентининг биринчи бўғин унлиси 60 мсек., иккинчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Қўшма сўзнинг барча бўғин унлиларининг товуш баландлиги бир хил 180 гц. атрофидадир.

Агар қўшма феълнинг ёрдамчи феъл бўғинлари унлисининг товуш баландлиги пасайса, чўзиқлиги ортади. Айниқса, ёрдамчи урғули бўғин унлиси саамоқли чўзиқликка эга бўлади. Масалан, *як-сон бўлди* қўшма феълнинг экспериментал таҳлилига эътибор бериш мумкин. Унинг биринчи бўғин унлиси 80 мсек., иккинчи бўғин унлиси 110 мсек., учинчи бўғин унлиси 90 мсек. ва охириги бўғин унлиси 120 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Қўшма феълнинг от компонентига мансуб биринчи бўғин унлиси ҳам, иккинчи бўғин унлиси ҳам 150 гц. баланд, феъл компонентига мансуб биринчи бўғин унлиси 115 гц., иккинчи бўғин унлиси 82 гц. баланд товушга эга. Бу лексик урғу от компонентининг иккинчи бўғинида, ёрдамчи урғу феъл компонентининг биринчи бўғинида эканини кўрсатади. Чунки феъл компонентининг унлилари нисбатан чўзиқ бўлса ҳам, баландлиги охирига томон ниҳоятда пасайган. Охириги бўғин унлисида товуш кучи 2,5 мм. амплитуда даражасида берилган.

Демак, сўзлар одди ё кетида келган ёрдамчи сўзлар, яъни кўмакчи, боғловчи, юклама, кўмакчи феъл, ёрдамчи феъл ва тўлиқсиз феъллар, ўзи қўшилиб келган сўзнинг энклизаси ёки проклизаси ҳисобланади. Боғловчиларнинг ҳаммаси ва юкламаларнинг кўпчилиги энклиза эканлиги ҳолда, моносиллабикларининг мавжуд бўғинида, полисиллабикларининг бирор бўғинида ёрдамчи урғу бўлади ва у орқали етакчи сўздаги лексик урғуга талаффуз кечимида марказлашади. Кўмакчилар, кўмакчи феъллар, ёрдамчи феъллар, тўлиқсиз феъллар тўлалиги билан ва юкламаларнинг айримлари проклизалар эканлиги ҳолда, улар моносиллабикларининг мавжуд бўғинида, полисиллабикларининг бирор бўғинида ёрдамчи урғу бўлади ва у орқали етакчи феъллардаги лексик урғуга талаффуз кечимида марказлашади. Кўмакчилар от туркумига оид сўзларнинг, кўмакчи феъллар феълларнинг; юкламалар, ёрдамчи феъллар, тўлиқсиз феъллар ҳар қандай туркумдаги сўзнинг проклизаси бўлади.

Хуллас, ёрдамчи урғу ўзи тушган бўгин унлиснинг маълум даража чўзиқлиги, агар унда товуш бандлиги пасайиб кетса, у ниҳоятда чўзиқ бўлиши билан характерланади. У, мустақил маъноли сўзлар моносиллабик бўлса, бундай сўзларда кузатилмаслиги ва полисиллабик сўзларда бирдан ортиқ келиши мумкинлиги ҳолда, сўз шаклларида деярли, ёрдамчи сўзларда ҳамма вақт ўз ўрнини топади. Ёрдамчи урғу баъзан полисиллабик сўз шаклларининг бирида, эгалик ва шахс-сон, ўтган замон аффиксларида бўлмаслиги аксарият ҳолатдадир. Ёрдамчи урғуларнинг асосий вазифаси ўзи тушган бўгин бутунлигини сақлаш ва товушларини редукцияга учратмаслик ҳисобланади. Улар сўз бўгинларидан биридаги мавжуд лексик урғуга талаффуз кечимида тобеланади.

ХУЛОСА

Акцентуация урғу воситасида сўзнинг муайян қисми, яъни бўгинини ажратиб ўрганиш бўлиб, бу ўринда асосан сўз урғуси назарда тутилади. Сўз урғуси уч кўринишда тадқиқ этлади: 1) динамик (зарб) урғу, 2) квантитатив (чўзиқлик) урғу, 3) музикал (музикий) урғу. Ўзбек тилидаги сўз урғуси динамик эмас, квантитатив урғудир. Бунда сўзнинг муайян бўгинларидаги урғунинг бошқа бўгин унлисига нисбатан чўзиқ келиши эътиборда тутилади. Ўзбек тилидаги квантитатив урғули сўз бўгинларида товуш кучи ва баландлиги ҳам маълум даража аҳамият касб этади. Улар бошқа бўгинларнинг товуш кучи ва баландлигидан унча катта фарқли паст бўлмаслиги керак. Сўз урғуси моҳият эътибори билан икки типга бўлинади: 1) лексик урғу, 2) ёрдамчи урғу. Улар квантитативлигига кўра бир хил бўлгани билан, кўп жиҳатларига кўра фарқланади.

1. Лексик урғунинг қайси бўгинга берилиши сўз семантикаси моҳияти ва бўгиннинг товушлари, унинг жойлашуви билан алоқадор бўлади. Шунингдек, у бўгин товушлари сифатини сақлаш ва редукциядан асраш вазифасини ўтайди. Ёрдамчи урғу ўзи тушган бўгиннинг фақат товушлари сифатини сақлайди ва редукцияга учрашининг олдини олади.

2. Лексик урғу фақат мустақил маъноли сўзларнинг маълум бир, фақат бир бўгинида бўлади. Ёрдамчи урғу айрим сўзлар бўгинида бўлмаслиги ва айрим сўзларнинг коммуникациясида битта ва ундан ортиқ кузатилиши мумкин. У барча туркумдаги сўзлар бўгинида ҳам кузатилаверади.

3. Талаффуз кечимида сўзларнинг лексик урғули бўғинига қолган бўғинлари марказлашади. Ёрдамчи урғули бўғин эса бунинг учун фақат восита бўлади.

4. Ҳар қандай гап бўлаги, албатта, бир лексик урғуга эга бўлиб, мустақил маъноли сўздан танланганлиги кузатилади. Ёрдамчи сўзлар фақат ёрдамчи урғули бўлиб, гап бўлаги вазифасини ҳеч вақт ўтамайди, балки бирор мустақил маъноли сўзнинг энклизаси ёки проклизаси бўлиб келади.

5. Лексик урғу ўзбек тилида ҳеч қачон боғли эмас, эркиндир: кўпроқ биринчи ёки иккинчи бўғинларда кузатилади. Сўзлар ясама бўлса, у шу сўзнинг ясовчисига қайд этилади. Акс ҳолда, бу аффикс ясовчи ҳисобланмаслиги керак. Сўз шаклларида фақат кучайтирма сифат, сифатдош ва ҳаракат номи лексик урғули бўлиши мумкин.

6. Лексик урғу турғун ва кўчувчи урғу ҳолатларида кузатилади. У сўз яшаш кечимида ясовчи аффикс томон сурилиб борар экан, кўчувчи ҳисоланади, қолган ҳолатларда турғун урғу бўлади.

7. Сўз шакллари деярли ёрдамчи урғули бўлади. Лекин улардан эгалик, шахс-сон ва ўтган замон қўшимчалари ёрдамчи урғусиз келиши мумкин. Ёрдамчи сўзлар энклиза ва проклиза сифатида фақат ёрдамчи урғуга эга бўлади. Уни бир сўзда бир ва ундан ортиқ миқдорда ҳам кузатилади.

8. Ёрдамчи урғу дарак гапларнинг феъл билан ифодаланган кесими бўғинида келса, ундаги унли лексик урғули бўғин унлисидан чўзиқ бўлиши мумкин. Бунда у гап интонацияси тугалланмасида қайд этилган бўлиб, товуш баландлиги пасайиб кетганлиги кузатилади. Шунинг учун, у ёрдамчи бўғин мақомида ҳисобланади. Бундай гап интонацияси тугалланмасида жойлашган бўғинлар, ҳатто, кўпинча ёрдамчи урғуга ҳам эга бўлмайди, умуман урғусиз қўлланади.

4-БОБ

НУТҚ ТОВУШЛАРИ ЎЗГАРИШИ

Ўзбек тилидагина эмас, туркий тиллардаги нутқ товушларининг ўзгариши ҳақида ҳам, жуда кўп ишлар қилинган¹. Бу ҳақда ўзбек тилидаги дарслик ва қўлланмалардан тортиб², айрим мақолалар³, ҳатто, академнашр ва монографияларда⁴ ҳам тўхтаб ўтилган. Товуш урчиши (айрим ўринларда товуш алмашиниши деб тилга олинади) ҳақида ўзбек тилида алоҳида номзодлик диссертацияси ҳам ёзилган⁵.

¹ Қрғ.: Radlow W. W. Phonetik der nördlichen Türk Sprachen. – Leipzig, 1882. – С. 42; Мелиоранский П. М. Араб-Филолог о турецком языке. ЗВОб. Т. XII, вып. II–III. – С. Петербург: 1899. С. XII–XIII; Gabain A. Özbekische Grammatik. – Leipzig und Wien: Otto Harrassowitz, 1945. – С. 22–25; Батманов И. А. Фонетическая система современного киргизского языка. – Фрунзе, 1946. – С. 87, 90, 98; Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. – М. – А., 1948. – С. 31; Баскаков И. А. Каракалпакский язык. Т. II. – М., 1952. – С. 61–96.

² Қрғ.: Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ЎОМ., 1962. – С. 178–194; Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмских говоров. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 102–147; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. 67–69-бб.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. 88-бб.; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 70–75-бб.; Жамолхонov Ҳ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Фан, 2009. 151-б.

³ Қрғ.: Абдуллаев Ф. А. О генезисе джекания в тюркских языках // Общественные науки в Узбекистане. – 1961. №2; Шу муал.: Турк тилларида ғ товушининг урчиши масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1961. 2-сон; Ишаев А. Манғит шеvasидаги ассимиляция ва диссимиляция масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1959. 3-сон, 50–56 бб.

⁴ Қрғ.: Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. III. Айрим ундош фонемаларнинг характеристикаси // Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Қамол таҳр. ост. – Тошкент: Фан, 1967. 198–201-бб.; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – А.: Наука, 1960. – С. 26–47; Решетов В. В. Узбекский язык. Ч. I. Ташкент: Учпедгиз, 1959. – С. 280–287; Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. III. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ЎОМН, 1962. 178–194-бб.; Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Университет, 1998. 74–89-бб.

⁵ Қрғ.: Нурманов А. Принцип экономии фонетических изменениях узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973.

Нутқ товушларининг ўзгариши деярли икки ҳолатда деб кўрсатилади. Деярли адабиётларда қайд этилишича уни 1) позицион ҳолатга кўра, 2) комбинатор ҳолатга кўра, деб типларга ажратилади¹. Ўзбек тилидаги барча нутқ товуши ўзгаришлари мана шу позицион ва комбинаторликка кўра кечади.

Позицион ҳолатга кўра товуш ўзгариши нутқ товушининг сўздаги ўрнашишига кўра ўзгаришидир. Бунда товушнинг позицион ҳолати аҳамият касб этади, унда нутқдаги ўзаро муносабатдаги товушларнинг таъсири ҳеч қандай қимматга эга бўлмайди².

Ўзбек тилидаги сўз ўзақлари деярли К+V+К кўринишида бўлади. Яъни сўз марказида унли бўлгани ҳолда, анлаутда ҳам, ауслаутда ҳам бир ундош ётади. Ўзақнинг охири бир ундош бўлиши ўзига хос тизим натижасидир. Баъзан ўзақ охирида қўш ундош келиб қолиши ҳам кузатилади. Масала, *ort-, kert-, sirt-, ajt-, qajt-, ψarc, sinc* ва ҳ.к.ларда. Бу сўзлар охиридаги биринчиси *r, j, n* товушларидан бири экани ҳолда, иккинчиси, яъни ауслаути, албатта, жарангсиз ундошдан иборат бўлади. Шу ўзақлар ауслаути ҳам қандайдир қўшимча экани ҳолда, сўзнинг семантик ва функционал тараққиёти натижасида қолган рудименти деб ҳисобланади³. Сўзнинг сўнгги товушида аффиксининг фонетик рудименти сақлангани сабабли, ўзақ ауслаутига хос ҳолат қонуниятига мос келмаса ҳам, у ўз ўрнини сақлайди. Шунга қарамай, номувофиқ позицияда бўлгани учун айримлари тушиб қолиши ҳам кузатилади. Бунда у товуш грамматик қимматини тамоман йўқотган бўлади. Масалан, *tort, qbrq* сўзлари коммуникацияда бошқа ҳеч қандай қўшимча орттирмай қўлланса, сўнгги товушини йўқотади. Бу айрим ҳолатлардагина учрайди. Лекин уларнинг кўпчилигида бу юз бермайди.

Ўзбек тилига бундай фонетик таркибга эга бир қатор сўзлар эроний тиллардан ҳам ўзлашган. Масалан, *gəst, pəst, mušt, syst, daumt, mast, tost* каби сўзлар эроний тиллардан ўзлаштирилган. Ўзбек жонли тилида уларнинг ҳаммаси ҳам сўнгги ундошини йўқотади. Чунки сўзнинг охиридаги қўш ундошнинг кейингиси бўлган жа-

¹ Қрғг.: Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. 135-б.; Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмских говоров. –С. 102; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-н. 67–68-бб.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-н. 89-б.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 151-б.

² Қрғг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ, 1966. –С. 33.

³ Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун қрғг.: Миртожиев М. М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-ж. –Тошкент: Университет, 2004. 191-б.

рангсиз ундош *r*, *n*, *j* ундошларидан сўнг эмас, жарангсиз ундошдан кейинги позицияни олган. Бундай позициядаги ўзлашган сўзларнинг ауслаути тушиб қолади.

Шу фонетик таркибли сўзларнинг ауслаути, жарангли ундош бўлган тақдирда ҳам, тушиб қолмаслиги ва жарангсизлашиши керак эди. Маслан, *bənd*, *qand* сўзларининг сўнгги товуши тушмаган. Ваҳоланки, бу ауслаутлар *K+V+K+K* таркибли сўзларнинг охириги қўш ундошида *n* сонанти кетида қўлланган жаранглидир. Лекин шу позициясига кўра ўзгаришга учраган, жарангсизлашган.

Яна *товуш* сўзи Тошкент шеvasида *dəwʊʃ* ҳолатида талаффуз этилади. Бу унинг анлаут бўлиши билан боғлидир. У агар ауслаут бўлганда эди, бундай ўзгаришга учрамаган бўларди. Аксинча, сўздаги ауслаут *d* жаранглиси ўз жаранглилигини йўқотиши мумкин, яъни *bod > bot*. Бу ауслаут учун орфоэпик меъёрдир. Анлаут учун бундай орфоэпик меъёр йўқ. Аммо жарангли товушга кўчиш ҳодисаси бор. *Təwʊʃ* сўзи *dəwʊʃ* ҳолатида талаффуз этилишида ҳам *t* жарангсиз *d* жарангли товушга кўчиши кузатилади.

Комбинатор ҳолатга кўра товуш ўзгариши нутқ кечимида сўзнинг маълум товуши таъсирида бошқа бирор товушнинг ўзгаришидир. Масалан, *bir* сўзига *-tə* аффикси қўшилгач, ўзақдаги *r* товуши билан аффиксдаги *t* товуши контакт келади ва *t* товуши таъсирида *r* сонанти ўз титроқлигини йўқотиб, портловчига айланади. Унинг акустик жиҳатдан ҳам *t* товушига мосланиши ҳар икки товуш бир хил бўлишига сабаб бўлади, яъни *bir+tə > bittə*. Сўздаги бир товушнинг ўзгариши учун шу сўздаги *u* билан контакт қўлланган иккинчи бир товуш таъсири аҳамият касб этган.

Яна *qʊʃla-* сўздан *-q* аффикси воситасида *qishloq* сўзи ясалар экан, негиз морфема ауслаути билан *a* унлиси *ə* унлисига айланади. Бу аффикс *q* товушининг таъсиридир. Чунки чуқур тил орқа ундошларидан олдин *a* унлиси эмас, *ə* унлиси қўлланади. Шунга ўхшаш яна *raj-qər* сўзи ҳозирги тилда *rajrəq* ҳолида талаффуз этилади. Иккинчи вариантда иккинчи бўғиндаги товушлар биринчи вариантдагига кўра ўрин алмашган: *-qər > -rəq*. Бу товушларнинг ўрин алмашиши сабаб биринчи бўғиннинг *ra-* товушлари билан бошланишидир. Бўғинларнинг бир хил бошланишига интилиши шунга олиб келган.

Нутқ товушлари ўзгаришининг бирор кўриниши *ə* позицион, *ë* комбинатор товуш ўзгаришининг бирига мансуб деб кўрсатиш қийин. Шунинг учун, нутқ товуши ўзгаришлари кўринишлари қайси ҳолатга мансублигини йўл-йўлакай кўрсатиб бориш маъқул кўрилади.

Нутқ товушларининг ўзгариши қуйидаги кўринишларга эга:

1. Нутқ товуши тараққиётидаги миқдорий ўзгариш.
2. Нутқ товушларидаги акустик ўзгариш.
3. Нутқ товушларининг урчиши.
4. Нутқ товушларининг нутқдаги ўзаро мослигига кўра ўзгариши.
5. Нутқ товушларининг тушиши.
6. Нутқ товушларини орттириш.
7. Нутқ товушларининг чўзиқликка кўра тараққиёти.
8. Метатеза.

Нутқ товуши тараққиётидаги миқдорий ўзгариш

Нутқ товуши тараққиётидаги ўзгариш икки кўринишда бўлади: 1) конвергенция, 2) дивергенция.

Конвергенция

Конвергенция ҳақида тўла назарий фикр Е.Д.Поливанов мақоласида қайд этилган. Бунда у, бирдан ортиқ товуш тарихий тараққиёт кечимида бир товушга бирикиб кетиши – конвергенция, деб кўрсатган эди¹. Шундан кейин, конвергенция ҳодисасини икки кўринишга бўлиб кўрсатади: 1) ассимилятив конвергенция, 2) чатишма конвергенция². Бу ҳодисани у Европадаги бир неча ва Шарқдаги хитой, япон тиллар далили мисолида таҳлил қилиб беради.

Ўзбек тилидаги конвергенция юзасидан ҳам айрим фикрлар бор. Масалан, К.К. Юдахин Навоий давридаги “э” лашиш юзасидан ўз таҳлилларини қилар экан, турли артикуляция ўрнидаги э ва а товушлари конвергенцияси ҳақида ўз нуқтаи назарларини келтиради. Бунда кўпроқ нутқ қофияси характерларидан келиб чиқади³. К.К.Юдахин мақола эълон қилган тўпламининг ичида яна А.К.Боровков мақоласи ҳам бор бўлиб, мақола композицияси ҳам у билан жуда яқин характерда. Бироқ А.К.Боровков К.К.Юдахиндан фарқли ҳолда қайси товушлар конвергенцияси Навоий даври тилида содир бўла бошлаганлигини анча аниқ кўрсата билган. Бу ўша

¹ Қрғ.: Поливанов Е.Д. Фонетические конвергенции. –ВЯ. –1957. №3. –С. 77–83.

² Қрғ.: Поливанов Е.Д. Фонетические конвергенции. Ўша бет.

³ Қрғ.: Юдахин К.К. Материалы к вопросу о звуковой составе чигатайского языка // Культура и письменность Востока. Вып. IV. –Боку. 1929. –С. 63.

давждаёқ шаклланган адабий тилда тил олди чўзиқ э билан тил орқа а нинг конвергенциясига кўра э лашишнинг юзага келишидан иборат¹. Шулар юзасидан Ф.Абдуллаев фикри диққатга сазовор².

Ўзбек тилидаги конвергенциянинг ўрганилиши фақат чагишма конвергенция кўринишида бўлиб, унлилар доирасидадир³. Лекин ўзбек тилида ассимилятив конвергенция нисбатан кенгрок тарқалган. Шунингдек, улар ундошлар доирасида ҳам учрайди⁴.

Ассимилятив конвергенцияда бирор товуш тарихий тараққиёт натижасида иккинчи бир товуш билан бирлашиб кетади. Унинг формуласини Е.Д.Поливанов, $a+b > a$ ёки b бўлади, деб кўрсатади⁵. Масалан, ўзбек тили тарихида ва кўпгина шеваларда тил олди у ва тил орқа у унлилари, тил олди ө ва тил орқа ө унлилари бор. Ҳозирги ўзбек тилининг етакчи шевалари ва адабий тилида уларнинг тил олди типи йўқолиб, тил орқа типи билан бирлашиб кетган. Яна рус тилидан қабул қилинган сўзлардаги тил олдига нисбатан ўртароққа мойил артикуляция ўрнида талаффуз қилинувчи ө унлиси тил олди ө унлисига бирлашиб кетган.

Ундошлар ассимилятив конвергенцияси ўзбек тилида фақат ўзлашган сўзлардаги айрим товушлар ҳисобига бўлади. Бунда конвергент ўзбек тилига хос бўлмаган ундош бўлиб, ўзбек тилидаги мавжуд ўзига яқин бирор ундошга бирлашиб кетади. Масалан, араб тилидан қабул қилинган сўзлардан [ض], [ظ], [ز] товушлари з товушига, [ث] ва [ص] товушлари s товушига сингиб кетган.

Чагишма конвергенция икки товуш тарихий тараққиёти натижасида бирлашиб, учинчи бир товушни юзага келтиради. Масалан, юқорида қайд этилган тил орқа а товуши чуқур тил орқа ундошлари ва w ундоши олдида тараққий этган, шунингдек чўзиқ тил олди э товуши ҳам тараққий этган ва улар э товушини ҳосил қилган.

Конвергенция позицион ҳолатда ҳам, комбинатор ҳолатда ҳам содир бўлади. Бу кўпроқ товуш ўзгариши сабаби сифатида қайд этилади. Чўзиқ э: нинг “э”лашиши позицион бўлиб, тил орқа а нинг э лашиши комбинатордир. Чунки тил орқа а унлиси q, x, ψ, w ундошларидан аввал қўлланганда, улар таъсирида, аккомадацияга кўра э лашади. Унлиларнинг ассимилятив конвергенциясини

¹ Қрнг.: Боровков А.К. Алишер Наваи как основоположник узбекского литературного языка // Алишер Наваи. –М. –Л., 1946. –С. 105–107.

² Қрнг.: Абдуллаев Ф.А. Фонетика харезмских говоров. –С. 41.

³ Қрнг.: Поливанов Е.Д. Фонетические конвергенции. –С. 80.

⁴ Қрнг.: Поливанов Е.Д. Ўша асар. Ўша бет.

⁵ Қрнг.: Поливанов Е.Д. Ўша асар. Ўша бет.

позицион ҳолат билан боғлаш керак. Чунки улар ўзакда содир бўлиб, контакт товуш унча аҳамиятли эмас.

Ўзлашган лексикадаги айрим товушларнинг ўз лексикадаги яқин товуш билан ассимилятив конвергенцияси ўзлаштирувчи тил артикуляцияцион базаси билан боғли ҳолда содир бўлади.

Дивергенция

Дивергенция ҳақидаги изоҳ фақат лингвистик луғатларда берилган¹. Буларда, уни маълум товушнинг тарихий тараққиёт натижасида бирдан ортиқ товушга дифференциация бўлиши, деб кўрсатилади. Яъни маълум товуш ҳисобида тилда янги бир товуш ҳосил бўлади. Масалан, ўзбек тили тарихида ва ҳозирги айрим ўзбек шеваларида тил орқа артикуляция ўрнига онд кенг *а* унлиси бўлган. Унинг тараққиёти *у* билан контакт позициядаги чуқур тил орқа ундошлар ва *в* ундошига боғли ҳолда юзага келади. Натижада, тил орқа *а* унлиси ҳисобида *э* унлиси ҳосил бўлади. Тил орқа *а* унлиси эса мазкур ундошлар билан контакт препозицияда қўлланганда ва ауслаутда ўз артикуляциясини сақлаб қолди.

Конвергенция билан дивергенция лингвистик адабиётларда ўзаро қарама-қарши қўйилса ҳам, улар бир-бирини тўлдирувчи ҳодисалар сифатида қаралиши керак. Масалан, аввал тил орқа кенг *а* унлисининг дивергенцияси содир бўлган. Кейин, *у* билан боғли ҳолда тил олди кенг, чўзиқ *э*: унлисининг конвергенцияси юзага келган.

Дивергенция, конвергенция юзасидан қилган таҳлилимиз шуни кўрсатадики, фақат комбинатор ҳолатда содир бўлади.

Нутқ товушларидаги акустик ўзгаришлар. Редукция

Нутқ товушларидаги акустик ўзгариши учун асосан редукцияни кўрсатиш мумкин.

Редукция нутқ товушларининг кучсиз талаффуз этилишидир.

Кўпгина адабиётларда редукциянинг уналарда содир бўлиши таҳлил этилган. У кўпинча полисилабик сўзларнинг иккинчи бўғини унлисида кузатилади. Масалан, *təwʊʃ+ʔm > təwʊʃʔm*, *kəwʊʃ+ʔm > kəwʊʃʔm*, *ʔrʊʃ + i > ʔrʊʃi* каби сўзларда иккинчи бўғиндаги *у* унлиси; *qʊtʔca*, *qoʃʔq+ʔ > qoʃʔʔʔ*, *boʃʔn+ʔ > boʃʔnʔ* каби сўзларда иккинчи бўғиндаги *i* унлиси; *bəla+lar > bəlʔlar* сўзида иккинчи бўғиндаги *а* унлиси, *tanə+si*

¹ Крн.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –М., 1966.

> *tan^hsi* сўзнинг иккинчи бўғинидаги *ə* унлиси редукцияга учраган. Бу унлилар редукцияси фақат товушнинг позицияси билан изоҳланади. Чунки ўзбек тилида лексик урғу кўпинча сўзнинг охириги бўғинига тушади. Сўзнинг тоқ бўғинлари иккиламчи урғуга эга бўлади. Ўз-ўзидан полисилабик сўзларнинг кўпинча иккинчи бўғини бутунлай урғусиз қолади. Бу ундаги унлини редукцияга олиб келади. Урғусиз қолган биринчи унли, асосан тор унлилар редукцияси кучли бўлади. Бундай унли Ж.Т.Маматовнинг қайд этишича 10–15 мсек. ва ҳатто 5 мсек. чўзиқ талаффуз этилишигача қисқариши мумкин¹. Иккинчи бўғиндаги бу редукция унлининг ноль даражасида содир бўлганлиги ҳолатида ҳам кузатилади². Масалан, *oʻyl+ь > oʻly, koʻnil+i > koʻni, siŋil+im > siŋlim* кабиларда. Бу мисолларда редукцияга учраган тор *i* унлиси тушиб қолган.

Полисилабик сўзларнинг урғусиз қолган иккинчи бўғинида ҳамма вақт редукция содир бўлади, деган хулосани қатъий деб қарамаслик керак. Агар полисилабик сўзларнинг иккинчи бўғини ёпиқ бўлса, у кузатилмайди. Масалан, *kəkrəkɔr, terəkzər, ʔzʔmci* ва ҳ.к. сўзлардаги каби. Уч бўғинли сўзларнинг учинчи бўғини урғу олмайдиган сўз шаклидан таркиб топган бўлса ҳам, унинг иккинчи бўғинида редукция кузатилмайди. Масалан, *ʔʔʔsʔz, tʔʔlɔmɔ, sɔzɔ-ci* ва ҳ.к. сўзларда.

Бисилабик сўзларнинг биринчи бўғин унлиси кенг ва иккинчи бўғин унлиси тор бўлса ҳам, шу бўғиндаги тор унли редукцияга учрайди. Масалан, *təwʔs > təw^hs, saqɔc > saq^hc, əsʔq > əs^hq, saryʔ > sar^hʔ* ва ҳ.к. Бу сўзларнинг иккинчи бўғинидаги редукцияга учраган унлилар кўпи билан 15 мсек. ёки, ҳатто, 5 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Бу ўриндаги редукцияни комбинатор товуш ўзгариши деб изоҳлаш керак. Чунки сўздаги тор унлининг редукцияси кенг унлининг таъсири билан содир бўлган. Редукцияга учраган унли бисилабик сўзнинг иккинчи бўғинида келмай, биринчи бўғинда келиши ҳам кузатилади. Масалан, *bilən > b^hlən, birəq > b^hrəq, qʔjəq > q^hjəq* ва ҳ.к.

Бисилабик сўзларнинг ҳар икки бўғини ҳам тор унлидан иборат бўлса, уларнинг биринчи бўғинидаги унлиси редукцияга учрайди. Масалан, *qʔzʔq > q^hzʔq, tytʔn > t^hytʔn, jʔʔʔn > j^hʔʔn* ва ҳ.к.ларда. Бунда биринчи бўғиннинг очиқ келиши ва урғусизлиги аҳамият касб этган³. Шунда ҳам улар 15–20 мсек. чўзиқликка эга. Бу редукция позицияга кўра содир бўлган.

¹ Қрғ.: Маматов Дж.Т. Ўзбек тилида редукция. Фил.фан.номз... дисс. –Тошкент, 2009. 58-б.

² Қрғ.: Маматов Дж.Т. Ўзбек тилида редукция. Фил.фан.номз... дисс. 58-б.

³ Қрғ.: Маматов Дж. Т. Ўша асар. 48-б.

Бисиллабик сўзлардаги редукция полисиллабик сўзлардаги редукцияга нисбатан анча кучсиз бўлади. Шунинг учун ҳам, уларда ноль даражадаги талаффуз кузатилмайди.

Редукция ундош товушларда ҳам содир бўлади. Аммо бу кўпроқ туркий тилларда учраганлиги учун умумий тилшуносликка оид асарларда, шунингдек туркий тилшунослигида деярли қайд этилмаган. У бир неча кўринишларда содир бўлади. Улар қуйидагича:

1) Бисиллабик сўзларнинг ауслаут жарангли ундоши жарангсизланиши билан содир бўлади. Ўзбек тилидаги бу ҳодиса А.К.Боровков томонидан 1937 йилда нашр этилган мақоласида қайд этилган эди¹. Ундан кейин В.В.Решетов ва Ф.А.Абдуллаев ҳам² уни қувватлайди. С. Отамирзаева уларга қўшилганини ўз асаридида қайд этади³. Мисоллар: *kitəb* > *kitəp*, *əzəd* > *əzət*, *əbəd* > *əbət*, *Xorog* > *Xorok* ва ҳ.к. Бу ҳодиса полисиллабик сўзлар ауслаутига ҳам хосдир. *Ertələb* > *ertələp*, *pedāgog* > *pedāgok*, *Muhammad* > *Mehammat* сўзларидаги каби. Бу ўзбек тилидан ташқари барча туркий тилларда ҳам кузатилади⁴.

Полисиллабик сўзлар ауслаутидаги жаранглининг жарангсизга айланиши фақат портловчиларга хос бўлиб, сирғалувчиларда учрамайди. Бу ауслаут портловчининг алоҳида бўғин ҳосил қилишидан қочиб сабаби билан изоҳланади. Акс ҳода, у редукцион *i* унлисини орттиргани каби талаффузга тенг бўлиб, эгалик шакли қайдига тенг келади.

Полисиллабик сўзлар ауслаутидаги жарангли портловчининг жарангсизланиши фақат позицион ҳолатга кўра содир бўлади.

2) Бисиллабик сўзлар ауслаути бўлган *k*, *q*, *ψ* товушлари редукцияга учрайди. Масалан: *kʏzək* > *kʏzəl*, *terək* > *terəl*, *kerək* > *kerəl*, *kicik* > *kici:*, *kecik* > *keci:*, *qʏʂləq* > *qʏʂləʔ*, *byləq* > *byləʔ* кабиларда. Бу сўзларнинг иккинчи бўғини урғу олганлиги ва табиий чўзиқ қўлланиши ва охирида товуш кучининг кўтарилиши билан боғлиқдир. Уларнинг иккинчи бўғин унлиси, адабий тил меъёрига кўра, урғу олганда тор унлилари 110–130 мсек., кенг унлилари 140–160 мсек. чўзиқ талаффуз этилади. Ўрта кенг унлилар биринчи бўғиндан кейинги бўғинларда кузатилмайди. Жонли тилда бу

¹ Крнз.: Боровков А. К. О некоторых очередных орфографии литературного языка, ЗИВ АН СССР, VI, М. –А., 1937. –С. 75.

² Крнз.: Решетов В. В. Узбекский язык. –С. 128, 133; Абдуллаев Ф. А. Ўша асар. –С. 69.

³ Крнз.: Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование нанманганского говора узбекского языка. –Ташкент: Фан, 1974. –С. 25.

⁴ Крнз.: Садуакасов Г. Язык уйгуров Ферганской долины. –Алма-Ата. 1970. –С. 33.

сўзларнинг иккинчи бўғини урғули бўлиб, унлиси тор келса, 160–180 мсек.гача ва, ҳатто, 260 мсек. гача чўзиқ берилади. Масалан, Тошкент шеvasидаги *qʃʃlʃq* сўзининг иккинчи бўғинига кучли урғу берилганда, э унлиси 260 мсек. чўзиқликка ва товуш кучи 8,5 мм. амплитуда даражасига етган. Натижада, *q* ундоши редуцияга учраган. Унинг охиридаги товуш амплитудаси 2 мм. кучланиш билан қайд этилган. Бу ниҳоятда қисқа – 5 мсек. чўзиқликдаги сирғалувчи *ψ* жаранглисининг қайдидир.

Бу ҳам кўпгина адабиётларда қайд этилган бўлиб, тилда кенг тарқалган. Уни, комбинатор ҳолатга кўра содир бўлган, деб изоҳлаш керак. Чунки ауслаутининг препозициясидаги унлининг кучли талаффуз этилиши, яъни урғули эканлиги шу ундошнинг тўлиқсиз, редуцион талаффузига сабаб бўлган. Буни моносиллабик сўзларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, *kel-* > *ke:*, *əl-* > *ə:*, *səl-* > *sə:* каби. Бу ҳам редуциянинг шу кўриниши унлининг урғули экани билан боғли бўлишини кўрсатади.

3) Сўзлар бўғини ауслаутидаги қатор ундошларнинг биринчиси редуцияга учраши мумкин. Масалан, *ərsɫən* > *ə'sɫən*, *xirs* > *xi's*, *tərt* > *tə't* каби. Бунда *r* тоуши фақат бир тебраниш билан қайд этилади. Бу ҳодиса редуцияга учраган товушнинг иккинчи ундош билан контакт позицияга эга бўлиши сабабли содир бўлган. У фақат *r* сонантида кузатилади.

Ундошлар редуциясининг кейинги икки кўриниши кучли бўлиб, ноль даража талаффузгача келиши мумкин.

Нутқ товушларининг урчиши

Туркий туб сўзларнинг ўзаро умумийлигига, бир-бирини тақозо этиб туришига кўра, бу тиллар бир оилга мансуб деб қаралади. Туркий тиллар аро туб сўзлар фонетик жиҳатдан улар маълум фарқларга эга. Бу фарқ уларнинг анлаути ва ауслаути бўлган ундошларда кузатилади. Бу ундошларнинг турли туркий тилларда турлича алмашиниб бориши туркологларнинг аллақачон диққатини тортган. Туркологлар қайси товуш қайси товушга қайси туркий тилда алмашинишини кўрсатишга ҳаракат қилишган. Бу товуш алмашиниши, ҳатто, бир туркий тил доирасида ҳам кечади. Бу ҳам диққатдан четда қолган эмас.

Туркий тиллардаги ундош товуш алмашинуви ҳақида дастлаб П.М. Мелиоранский Кул Тегин ёдгорликларига бағишланган ишида

$p > w$, $c > \zeta$ тараққиётини¹; кейин С. Е. Малов қозоқ ва қорақалпоқ тили тарихига бағишланган ишларида $c > \zeta$, $\zeta > j$, $\eta > w$, $\eta \approx g \approx w$ каби товушлар тараққиётини²; яна В. В. Радлов шимолий турк тилларига бағишланган ишларида $b > m$, $c > \zeta$ ва бошқа товушлар тараққиётини³; И. А. Батманов қирғиз тили фонетикасига бағишланган ишида $p > b$, $b > p > w$, $b > m$, $\zeta > j$ товушлари тараққиётини⁴; А. Фон Габен $b > m$, $b > w$, $q > \psi$, $q > x$, $c > \zeta$, $r > l$ товушлари тараққиётини⁵ кўрсатиб ўтган. Бу масалада Н. К. Дмитриев анча кенгроқ фикр билдирган. У $b > p$, $b > m$, $c > j$, $k > g$, $k > j$, $c > \zeta$, $\eta > n$, $q > x$ товушлари ўзгаришини қайд этган⁶. Бу масалада Н. А. Баскаков келтирган маълумотлар жуда қимматлидир. У ўзаро алмашиб турадиган товушлар гуруҳининг учта рўйхатини келтиради: 1) $d \approx z \approx j$, 2) $\eta \approx n \approx m \approx g \approx k \approx q \approx \psi \approx x \approx w \approx j$; 3) $c \approx t \approx s \approx \zeta \approx n \approx d \approx \psi \approx z \approx \zeta \approx \dot{z} \approx h \approx j$.

Туркологияда келтирилган юқоридаги маълумотлар асосан қайси товушларнинг қайси товушлар билан алмашиб келишига бағишланган. Қайси ва қандай товуш қандай товушга ўтиши масаласи тадқиқ этилишдан четда қолган. Бу масала фақат ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилган. Бу В.В.Решетовнинг ўзбек тилига⁸, В.Решетов ва Ш.Шоабдурахмоновлар ҳамкорлигидаги ўзбек диалектологиясига⁹, бағишланган ишларида кузатилади. Бу масалада, айниқса, Ф.А.Абдуллаевнинг қилган тадқиқотлари диққатга сазовордир. У бу масалада бир қатор ишларини кетма-кет турли манбаларда эълон қилди. Ф.А. Абдуллаев эълон қилган ишлари ичида асосан Хоразм шевалари фонетикасига бағишланган монографияси¹⁰ ва товуш урчишларига бағишланган икки мақоласи¹¹ мавжуд.

¹ Қрғ.: Мелиоранский П. М. Памятник в честь Кюль-Тегина, ЗВО, XII, вып. II–III, –Спб. 1899. С. XII–XIII.

² Қрғ.: Малов С. С. Каракалпакский язык и его изучение // Каракалпакия. Труды по изучению производительных слов. I, II. 1934. –С. 202, 206.

³ Қрғ.: Radlow W. W. Phonetik der nördlichen Türk Sprachen. –S. 42.

⁴ Қрғ.: Батманов И. А. Фонетическая система современного киргизского языка. –Фрунзе, 1946. –С. 87, 90, 98.

⁵ Қрғ.: Gabain A. Özbekische Grammatik. –S. 22–25.

⁶ Қрғ.: Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. –Л., 1948. –С. 31; Шу муал. Строй турецкого языка. –Л., 1939. –С. 12; Яна шу муал. Грамматика кумыкского языка. –М. –Л., 1940. –С. 5–7.

⁷ Қрғ.: Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. Т. II. –С. 61–96.

⁸ Қрғ.: Решетов В. В. Узбекский язык. Ч. I. –С. 228–287.

⁹ Қрғ.: Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. 135–178–66.

¹⁰ Қрғ.: Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмских говоров. –С. 102–207.

¹¹ Қрғ.: Абдуллаев Ф. А. О генезисе джеканыя в тюркских языках // Общие научные науки в Узбекистане. –Ташкент, 1961. №2; Ўша муал. Турк тилларида

Мазкур тадқиқот ишларида номлари зикр этилган тилшунослар қандай товуш типлари қайси тилдаги товушларга ўтишини бирма-бир таҳлил этиб беришган. Улар асосан қуйидагича кўзга ташланади: 1) товушларнинг жаранглилашуви, 2) товушларнинг сирғалувчанлашуви, 3) аффрикатлар парчаланиши, 4) “й”лашиш, 5) қулай артикуляция ўрнига кўчиш, 6) товушларнинг тушиши. Бу нутқ товуши тараққиётини туркологиядаги анъанага кўра “товуш алмашиниши” деб қараш мантиқан унча тўғри эмас, деб ҳисоблашга тўғри келади. Уни Ф. А. Абдуллаев атаганидай “товуш урчиши” деб аташ, бизнингча, тўғридир. Яъни ўзбек тилидаги товуш урчишларини юқоридагича кўринишларда ўрганишга тўғри келади.

Жаранглилашиш асосан сўз анлаути позициясидаги жарангсиз портловчининг жаранглига кўчиши билан бўлади. Масалан, *pic- > bic-, pyz- > byz-, təwʊʃ > dəwʊʃ, torpp̄ > dorpp̄* ва ҳ.к. Дастлабки икки мисолдаги анлаут лаб-лаб портловчиси бўлиб, аввал жарангсиз қўлланган. *pic-* варианты ҳисобида *picəq* сўз ҳам ясалган. Бу жарангсиз портловчилар жаранглига айланган¹. *pic-* ва *byz-* феълларининг анлаути адабий тилда жарангли қўлланишига ўзбек тилининг етакчи шаҳар шевалари сабаб бўлган. Кейинги икки мисолдаги анлаутларнинг жарангсиз қўлланиши, ҳатто, ҳозирги адабий тилда ҳам сақланган². Лекин у етакчи шаҳар шеваларида жарангли қўлланиб кетган³.

Жарангсиз портловчининг жаранглига айланиши лаб-лаб ва тил олди ундошларида кузатилди. Тил орқа ва чуқур тил орқа жарангли портловчиларнинг жаранглилашуви ўзбек адабий тили доирасида учрамайди. Чунки ўзбек адабий тилининг ўз лексикасига оид сўзларда анлаут жарангли портловчи бўлмайди. Ўзбек тилида умуман чуқур тил орқа жарангли портловчи йўқ. Ўзбек тилининг фақат ўғиз диалектларида сўзнинг анлаути жарангсиз портловчидан тил орқа жаранглисига айланиши кузатилади: *kər- > gər-, kel- > gəl-, kʊc > gʊc* ва ҳ.к.ларда.

Аффрикат жарангсиз с ундошининг жарангли с ундошига айланиши мумкин бўлган ҳолда, ўзбек тилида у кузатилмайди. У туркий

ң товушининг урчиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти масаласи. –Тошкент, 1961. 2-сон.

¹ Қрғз.: Батманов И. А. Фонетическая система современного киргизского языка. –С. 87.

² Қрғз.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. II. / З. М. Маъруфов таҳр. ост. –М.: Рус тили, 1981. 195, 252-бб.

³ Қрғз.: Абдуллаев Ф. А. О генезиче джеканыя в тюркских языках. –С. 52.

тиллаар аро қайд этилади. Масалан, *сақ*- феъли қозоқ тилида *сақ*- ҳолида талаффуз этилади. Шунингдек, хакас ва тива тилларидаги *сас*-, *сер* сўзлари ҳам қозоқ тилида *сас*-, *сер* ҳолида талаффуз этилади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, анлаутдаги жарангсиз ҳам жаранглилашади. Бироқ у ўзбек тилида бир ўриндагина содир бўлган, яъни *qʷs* 'кичик' > *qʷz*. Жаранглилашиш учун бу тизим эмас.

Жарангли портловчининг сўз ауслаутида жарангсизланиши ўзбек тили учун ўз тизимига эга. Бироқ у нутқ товушлари урчиши кўринишларидан бири бўла олмайди. Чунки у ауслаутдаги товушнинг кучсизланиши бўлиб, редукция доирасида ўрганилади.

Сирғалувчанлашиш сўз анлаути ёки ауслаути позициясидаги портловчининг сирғалувчига айланишида кузатилади. Масалан, *qal*- > *qəl* > *xəl*, *qatʷn* > *xatʷn* > *xətʷn*, *qasʷr*- > *qasʷr* > *xasʷr* ва ҳ.к. Бу сўзлардаги тараққиёт аввало транспозиция экани билан характерланади, яъни феъл тукумидаги сўздан субстантивацияга кўра от ҳосил бўлган. Кейин улар анлаутидаги портловчи чуқур тил орқа жарангсиз сирғалувчига айланган.

Анлаут портловчининг сирғалувчига айланиши адабий тил ва бутун сўзлашув тили доирасида фақат чуқур тил орқа портловчи жарангсиз қ товушида содир бўлади. Чунки унинг жаранглиси ўзбек тилида йўқ. Тил орқа портловчи *g*, *k* ундошлари ўзбек тилида бор бўлса ҳам, уларнинг сирғалувчилари шу тилда қўлланмайди. Тил ўрта ундошлари ичида портловчилари бўлмайди. Тил олди жарангли портловчи *d* ундоши сирғалувчига айланмайди. Чунки ўзбек тилига оид сўзлар анлаути з товушидан иборат бўлиши меъёр эмас. Шу билан бирга жарангсиз *t* ундоши ҳам сирғалувчи билан алмашмайди. Анлаут позициядаги жарангли портловчи *b* ундоши сирғалувчига айланиши мумкин¹. Лекин у айрим шеваларгагина хос. Масалан, у Тошкент шеvasида кузатилади: *bol*- > *wol*-, *ber*- > *wer*-, *bəʒ* > *wəʒ* ва ҳ.к.ларда. Умуман, Тошкент шеvasида 1930 йилларгача сўз анлаутида (ўз лексикада) портловчи *b* қўлланмаган. У *ə* *m* сонанти, *ə* *w* сирғалувчиси билан алмашган, яъни *mɪnnɛn* *mʲjəʋʲ* *wu* *narsa* *wə* *wogʷn* *jaxʃ* кабилар. Кейинги даврда бу алмашиниш адабий тил таъсири билан чекланиб қолди фақат айрим сўзлардагина сақланди. Унинг жарангсиз *p* товуши сирғалувчига анлаутда айланмайди. Чунки ўзбек тили ўз лексикасида лаб-лаб жарангсиз сирғалувчининг анлаутда қўлланиши ҳам меъёрий ҳолат эмас.

¹ Қрғн.: Gabain A. Özbekische Grammatik. –S. 22.

Фақат болалар тилида бир мисолда *p* ундошининг сирғалувчига кўчганлиги кузатилади, яъни *pyffək > fyffək*.

Сирғалувчанлашиш ауслаутда кўпроқ тарқалган. Масалан, *сық > сьх, бьқ > бьх, оқ > ох, жоқ > жох, эқ > эх* ва ҳ.к. Булардан фақат биринчи мисол ўзбек адабий тили орфоэпик меъёрига мос, қолганлари фақат жонли тилда қайд этилади. Тил ўрта ва тил орқа товушлар позициясидаги портловчининг сирғалувчига айланиши бўлмайди. Буни ҳам анлаутга берилган изоҳ билан тушунтириш мумкин. Тил олди ва лаб-лаб портловчилар сирғалувчига айланмайди. Чунки ауслаут позициясидаги бу товушларда редукциянинг кучли эканлиги унга халақит беради. Айрим ҳолларда ауслаутдаги лаб-лаб портловчи *b* сирғалувчига айланиши кузатилади, бироқ шунда ҳам у унаи билан бошланувчи аффиксни олган бўлади, яъни *təb + ь > təwь*. Бу товуш урчишига оид бўлмай, интервокал ҳолатда содир бўлган аккомодация ҳисобланади.

Полисиллабик сўзларнинг биринчи бўгин ауслаутида ҳам портловчининг сирғалувчига айланиш кечимини кузатиш мумкин. Бунда ҳам у чуқур тил орқа портловчида кечади. Масалан, *ақтəқ > ахтəқ, сақтəқ > сахтəқ, сақсақлаштəқ > сахсахлаштəқ* ва ҳ.к. Сирғалувчанлашишнинг бу кўриниши ҳам тилда ўз тизимига эга.

Аффрикатнинг парчаланиши маълум сўздаги аффрикатнинг парчаланиб, таркибидаги бирор товушнинг тушиб қолишидир. Ўзбек тилида, ўз лексика нуқтаи назаридан олинса, фақат иккита аффрикат бўлиб, улар *c* ва *ç* товушларидан иборат. Четдан кирган сўзлар ҳисобида яна *ç* ва *d'* аффрикатлари ҳам бор. Масалан: *çex, çirkyl, Deržunskij, Dödyaşwulu*. Бироқ бу сўзлардаги аффрикатлар ўзбек тилида парчаланмайди.

Жарангсиз *c* аффрикати сўз анлаутида ҳам, ауслаутида ҳам парчаланиши кузатилади. Унинг сўз анлаут сифатида парчаланиши натижасида, баъзи ўринда *t*, бази ўринда *ç* компоненти қўлланишда сақланганлигини кўриш мумкин¹. Масалан, *ciz- > tiz-, cəç > təç, ciç > tiç, Cyst > tys* кабиларда *c* аффрикатининг *ç* компоненти тушиб, сўзда унинг *t* компоненти сақланган. Уларнинг айримлари (2-, 3-мисол) сўзнинг семантик дифференциациясини фонетик жиҳатдан қайд этиш натижаси бўлса, қолганлари соф нутқ товуши урчишининг ўзидир. *Cəç > çəç, ciç > šiç, cip > šip* кабиларда анлаутдаги аффрикат *c* товушининг *t* компоненти туширилиб, *ç* компоненти қўлланган. Аммо анлаутдаги *c* аффрикатининг бундай парчаланиши ўзбек тилида саноқли даражада бўлиб, юқоридагилардан ташқари

¹ Қриг.: Абдуллаев Ф. А. О генезисе джеканыя в тюркских языках. – С. 52.

мисол келтириш қийин. У кўпроқ қипчоқ диалектидаги тилларда кузатилади. Масалан, *сэс* > *şəş*, *сет* > *şet*, *сит* > *şit* ва ҳ.к.

С аффрикати сўзнинг ауслаути сифатида келиб парчаланганда ҳамма вақт унинг *t* компоненти тушиб, *ç* компоненти сақланади. Масалан: *сэс* > *сəş*, *қэс-* > *қəş-*, *ус-* > *уş-*, *дус* > *дуş*, *кес* > *кеş* ва ҳ.к.

Ç аффрикатиининг парчаланиши позицион нуқтаи назаридан чегараланган. У фақат сўз анлаутида кузатилади ва сизғалувчи компоненти туширилиб, портловчи компоненти сақланади¹. Масалан, *çим* > *дим*, *çawдбра-* > *dawдбра-* каби. Бироқ бу ҳодиса жуда кам учрайди. Анлаутда *ç* аффрикатиининг *d* компоненти тушиб, *ž* компоненти сақланиши ўзбек тилида учрамайди. Чунки ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларда *ž* шипилдоқ товуши умуман йўқ.

Ѕ аффрикатиининг сўз анлаутида парчаланиши, гарчи санокли даражада бўлса ҳам, адабий тилда ўз ўрнини топган. С аффрикатиининг сўз анлаутида парчаланиши адабий тилда акс этса ҳам, сўз ауслаутида парчаланиши адабий тилда акс этиши унчали қатъий эмас. Масалан, *јес-* > *јеş-* сўзидаги товуш урчиши адабий тилда қайд этилган, аммо юқорида келтирилган бошқа мисоллар фақат жонли тилга мансуб.

“Й”лашиш бошқа туркий тиллардаги, ҳатто, ўзбек тилининг ўзидаги бирор ундошнинг *j* товушига айланишидан иборат. У ўзбек тилининг ўзига хос фонетик хусусият ҳисобланиб, сўз анлаутида ҳам, ауслаутида ҳам кенг тарқалган. Айниқса, бошқа туркий сўз анлаути бўлган маълум ундошларнинг ўзбек тилидаги вариантида “й”лашиши жуда характерлидир². Масалан, қипчоқ диалектига мансуб тилларда *ç* аффрикати ва Сибир туркий тилларидаги сўз анлаути бўлиб келган *с* аффрикати ўзбек тилида “й”лашади. Хакас, тива ва шор тилларидаги *сэс-* сўзи қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ тилларида *çэс-*, ўзбек тилида *j* анлаути билан *jəз-* деб талаффуз этилади.

Табиатан *с* аффрикати тўғридан-тўғри “й”лашиши мумкин эмас. Бунинг устига *с* аффрикати жарангсиз товушдир. Жарангсиз товуш ҳеч вақт “й”лашмайди. У аввал жарангланашиб, кейин “й”лашиши мумкин. Масалан, *сақ-* феълига эътибор берайлик. У *јəқ-* феълидан кўра аввал ҳосил бўлган ва тараққий этиб уни ҳосил қилган. Бу унинг этимологик таҳлиладан билинади. *Сақ-* феъли товушга тақлидга кўра ҳосил бўлган. Шу феълдан англашилган ҳаракат амалга оширилганда, албатта, унинг талаффузидаги товуш амалга

¹ Қриг.: Абдуллаев Ф. А. Ўша асар. Ўша бет.

² Қриг.: Абдуллаев Ф. А. Ўша асар. Ўша бет.

оширилади. *Jəq-* феълида бу кузатилмайди. *Саq-* феъли ҳосил бўлгач, унинг анлаути жаранглилашган. Бу қипчоқ диалектига мансуб қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ диалектига асосланганлиги кузатилади. Унинг жаранглилашмаган варианты Сибир туркий тилларида қўлланади ва ўзбек тилига ҳам етиб келган. Қозоқ тилидаги унинг жаранглилашган варианты анлаути қирғиз ва қорақалпоқ тилларидагига нисбатан сал фарқ билан талаффуз этилади. Унинг, яъни *ç* аффрикатиининг биринчи компоненти редукцияга учраган бўлади: *çaz* > *žaz* ҳолатида. Бу аффрикатиининг мана шу биринчи компоненти бутунлай йўқолиши анлаути шипилловчи *ž* ундошидан иборат бўлиши ва “й”лашиб кетишига сабабдир. Чунки туркий тилларда шипилловчи *ž* ундошининг бўлмаслиги ундошлардаги мана шу урчишни юзага келтирган. Шунинг учун ҳам, қозоқ тилидаги анлаутда қўлланувчи биринчи компоненти редукцияга учраган *ç* аффрикати ўзбек тилида ҳамма вақт *j* сирғалувчиси билан алмашинади. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: *çoq* > *joq*, *çaz* > *jəz*, *çer* > *jer*, *çeŋeŋe* > *jəŋeŋe*, *çel* > *jel*, *çyz* > *jyz* ва ҳ.к.

Анлаутдаги портловчи жарангли ундош “й”лашди. Масалан, *dymələ-* > *jymələ-* каби.

Бошқа туркий тилларидаги сўз анлаутида қўлланувчи *n* ундоши ҳам баъзан ўзбек тилида “й”лашиши кузатилади. Масалан, *nan* > *jən* каби. *Nan* варианты бошқирда тилида қайд этилади.

Сўзларнинг анлаути сифатида қўлланувчи *c*, *ç*, *d*, *n* каби ундошлар ўзбек тилида “й”лашиши шу тилнинг ўзига хос тизимдир.

Ўзбек тилида сўз ауслаутидаги баъзи ундошлар “й”лашиши кенг тарқалган. Масалан, бисиллабик сўз ауслаути бўлган тил орқа жарангсиз *k* ундоши ҳам “й”лашади: *terək* > *terəj*, *kerək* > *kerəj*, *kicik* > *kicij*, *tirək* > *tirəj*, *pʁsək* > *pʁsəj* каби.

Яна ауслаутдаги *z* жарангли сирғалувчи ундош ҳам “й”лашади. Масалан, *jəz-* > *jəj-*, *qoz-* > *qoj-*, *yz-* > *yj-*, *səz-* > *səj-* каби. “й”лашишининг бу кўриниши асосан ўзбек тили фонетик тараққиёти тарихи билан боғлиқ.

Ауслаутдаги жарангли сирғалувчи *w* ундоши ҳам баъзан “й”лашади. Масалан, *sew-* > *syj-*, *syw* > *syj*, *tyw-* > *tyj-*, *yw-* > *yj-* каби. “й”лашишининг бу кўриниши ҳам ўзбек тили фонетик тараққиёти тарихи билан боғлиқ. Яна *soq-* > *soj* сўзидаги ауслаут тараққиёти ҳам *q* > *ψ* > *w* > *j* товуш тараққиёти орқали бўлган деб фараз қилинади.

Моносиллабик сўз ауслаутидаги тил орқа портловчи *z* жаланглиси ҳам “й”лашади. Масалан, *təg* > *təj*, *bərg* > *bəj*, *tyg-* > *tyj*,

eg- > ej- каби “й”лашишнинг бу кўриниши асосан жонли тилда кузатилади.

Нутқ товуши урчишининг бир кўриниши бўлган “й”лашиш ўзбек тилини фонетик шакллантирувчи, бошқа туркий тиллардан фарқлаб кўрсатувчи ҳодиса бўлиб, тил фонетикаси тарихий тараққиёти билан чамбарчас алоқада, адабий тилда бир қатор кўринишлари билан ўз ўрнини топган эканлигига кўра характерлидир.

Қулай артикуляцияга кўчиш нутқ товушининг ўз позициясидаги талаффузи ноқулай бўлганлиги сабабли қулай артикуляция ўрнига ўтишидир. У бир неча товуш урчишининг бир қатор фазаларида кузатилади. Бу қуйидагича қайд этилади.

1. С аффрикати парчаланганида кузатилади. Бунда анлаутдаги с аффрикатининг *t* компоненти тушиб, *ʃ* компоненти сақланади. У ҳам фақат тил олдида талаффуз этилиб, ундан юқорироғи тарновча шаклида милк устига тегиши амалга оширилмайдди. Бу унинг шипилдоқлик хусусиятини йўққа чиқаради. Товуш *s* ундоши ҳолида қайта шаклланади. Масалан, *səc* > *səc*, *sʊci*- > *sʊci*-, *siŋcələq* > *siŋcələq*, *səcrə*- > *səcrə*- каби. Ўзбек тилида сўз анлаути бўлган с аффрикати парчаланиб, сақланган *ʃ* шипилловчисининг қулай артикуляцияга ўтиши, яъни *s* сирғалувчисига ўтиши фақат бир ҳолда кузатилади. Бунда сўзнинг ё дастлабки уч товушдан, ё дастлабки тўрт товушдан икки томондагиси с аффрикатдан иборат бўлади. Шунда с аффрикатининг, албатта, анлаут позициядагиси парчаланиб, сақланган *ʃ* шипилдоғи қулай артикуляцияга кўчади¹.

Қозоқ тилида бошқача ҳолат кузатилади. С аффрикати урчиши ва ундан шипилловчи *ʃ* удошининг сақланиши ўз тизимига эга. Бироқ *ʃ* удошининг *s* ундоши билан алмашиниши бундай эмас. Қозоқ ва қорақалпоқ тилларида, ўзбек тилидаги сўзларнинг қайси позициясида с аффрикати қайд этилган бўлмасин, у, албатта, *ʃ* шипилловчиси ҳолида қайд этилади. Масалан: *sim* > *ʃim*, *ecki* > *eʃki*, *ic*- > *iʃ*-, *cekkə* > *ʃekke*, *icək* > *iʃək*, *ac* > *aʃ* ва ҳ.к. Шунингдек, ўзбек тилидаги сўзларнинг қайси позициясида шипилловчи *ʃ* ундоши қайд этилган бўлса, қозоқ, қорақалпоқ тилларида у *s* сирғалувчиси билан алмашади. Масалан: *ʃy* > *osʏ*, *ʃərə* > *sərə*, *əʃ* > *as*, *qəʃyq* > *qasʏq*, *teʃik* > *tesik*, *qoʃ* > *qos* ва ҳ.к. Бундан маълумки, *ʃ* шипилловчисининг қулай артикуляцияга кўчиб, *s* сирғалувчисига айланиши барча туркий тилларда бир хил эмас, ўз ўрни билан фарқланади. Бу туркий тилларнинг ўзаро фарқланиши, ўзига хослиги учун фонетик асослардан бири ҳисобланади. Ўзбек тилида *ʃ* шипилловчисининг *s* сирғалувчи тову-

¹ Қрғн.: Абдуллаев Ф. А. Ўша асар. Ўша бет.

шига айланиши фақат анлаутдаги *c* аффрикати парчаланиб, ундан *t* портловчиси туширилишида қайд этилади.

2. Анлаут *ç* аффрикатининг *ç* аффрикати билан алмашилишида кузатилади. Бироқ бу ўзлашган лексикага оид сўзларда бўлиб, унинг амалга ошиши ўзлашган сўзлардаги анлаут *ç* аффриктининг ўзбек тилида йўқлиги билан изоҳланади. *ç* аффрикатининг сирғалувчи компоненти артикуляциясида шипиллаш учун асос бўлувчи иккинчи фокус орттирилади ва аффрикат ўзбек тилида бор бўлган *ç* товушига алмаштириб талаффуз этилади. Масалан, *çâr* > *câr*. Бу ҳодиса учун бошқа мисол келтириб бўлмайди. Чунки ўзлашган сўзлардаги *ç* аффрикати ўзбек тилида деярли парчаланари ва *s* сирғалувчисининг геминати орқали талаффуз этилади.

Анлаут *ŋ* (*ng*) сонантининг *n* сонанти билан алмашилиши ўзбек тилида кенг тарқалган¹. Бу, ҳатто, туб сўзлар ауслаутида ҳам кузатилади. Масалан: *oŋ* > *on*, *toŋ* > *ton*, *qoŋ* > *qon*, *soŋ* > *son* ва ҳ.к. Ауслаут *ŋ* сонантининг артикуляцияси оғир эканлиги ва, айниқса, эстетик нуқтаи назаридан дағал эканлиги уни қулай артикуляцияли товуш билан алмаштирилишига олиб келган. Ҳозирги Тошкент шеvasида *ŋ* шахс эгалик қўшимчасидаги *ŋ* сонанти ҳам *n* сонантига деярли алмаштириб қўлланади: яъни *keldiŋiz* > *keldiniz*, *ǰldiŋ* > *ǰldin* каби. Умуман Тошкент шеvasида *ŋ* сонанти *n* сонанти билан алмаштириш диафазони анча кенгайтирилмоқда. Яъни: *təŋ* > *tən*, *təŋək* > *tənək*, *ǰhaŋьda* > *ǰhanьda* каби. Бу асосан ёшлар, айниқса ёш қизлар тилида кузатилиб, катта ёшдагиларда умуман йўқ.

4. Чуқур тил орқа *ψ* жаранглиси лаб-лаб *w* сирғалувчи жаранглиси билан алмаштирилганда кузатилади². Бунда ҳам ауслаут сирғалувчи жарангли ундош ўз артикуляция ўрнини чуқур тил орқадан лаб-лаб оралиғига кўчиради. Масалан, Сибир туркийларининг кўпи (тива, хакас, шорлар)да ауслаути *ψ* ундоши билан қўлланадиган туб сўзлар ўзбек тилида ауслаути в ундоши билан талаффуз этилади. Яъни: *suψ* > *suψ* > *suw*, *quψ-* > *quw-*, *saψ* > *jəw* каби. Ўзбек тилидаги ‘алп қада’ маъносида қўлланивчи *dəψ* сўзининг этимологиси ҳам қуйидагича: *təψ* > *təw* > *dəw*. Ундош *ψ* товушининг ундош *w* товушига айланиши ўзбек тилига қараганда ҳам кипчоқ диалекти асосидаги тиллар, айниқса, қозоқ тилида кучли. Масалан: *bəψ* > *baw*, *səψ* > *saw*, *jəψ* > *çaw*, *təψ* > *taw*, *qəʃləq* > *qəʃlaw*, *orəq* > *oraw* ва ҳ.к.

¹ Қрғг.: Дмитриев Н. К. Строй турецкого языка. –С. 12; Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. –С. 65; Абдуллаев Ф. А. Турк тилларида *ç* товушининг урчиши масаласи.

² Қрғг.: Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. –С. 78.

5. Ўзлашган лексикага оид сўзлар анлаути бўлган тил орқа жарангсиз портловчи *к* ундоши, баъзан сингормонизм, баъзан халқ этимологиясига кўра, артикуляция ўрнини чуқур тил орқага кўчиришида кузатилади. Масалан: *kártà > qarta, kylák > qyləq, kʏş-xəna > quşxəna* ва ҳ.к. Бу мисолларнинг 1- ва 2-си халқ этимологияси асосида содир бўлган бўлса, 3-си сингормонизм асосидадир.

6. *Р* сонантининг *z* жаранглиси билан ўрин алмашинишида кузатилади. Бунда *р* сонанти тил олди титроқ товуши бўлиб, ундаги тил олди артикуляция ўрни юқори тиш билан бирлашиб, бир артикуляция ўрнини таркиб топтиради ва у сирғалувчига айланади. Бу ҳодиса, бир қараганда, қулай артикуляция ўрнига кўчиш эмасга ўхшайди. Аммо *р* сонанти бир нутқ органидан иборат бир артикуляция ўрнига эга бўлиб, *z* жаранглиси икки нутқ органидан иборат артикуляция ўрнига эга. Ҳарҳолда бир нутқ органини титратишдан кўра икки нутқ органи оралиғидан нафасни сирғалтириб ўтказиб, товуш ҳосил қилиш қулайроқдир. Шунинг учун ҳам, ауслаут, баъзан инлаут *р* сонанти *z* жаранглиси билан алмашган, яъни у икки нутқ органидан иборат артикуляция ўрнига кўчиш орқали воқе бўлган. Масалан: *jər- > jəz-(bit-), ər- > əz-, kərə > kəzə* каби. Биринчи мисолнинг архитипи *jərləq* сўзида, иккинчи мисолнинг архитипи *ərvəq* сўзида сақланиб қолган. Учинчи мисолнинг ҳар икки варианты ҳам ҳозирги тилда сақланган.

7. Сирғалувчи товушнинг портловчи товушга ўтиши билан бўлади. Бундай сирғалувчи товушнинг тараққий этиб портловчи товушга кўчиши умуман туркий тиллар учун хос эмас. Чунки сирғалувчи ундошни талаффуз этиш портловчи ундошни талаффуз этишга кўра қулайроқдир. Унинг талаффузидаги қулайлик унли билан контакт ёки интервокал ҳолатда қўлланганда яққол кўзга ташланади. Улар талаффузида артикуляция ўрнининг ёпилмаслиги унлилар артикуляцияси билан мувофиқлаштиради.

Туркий тиллардаги бу ҳолатга қарамай, ўзбек тилида сирғалувчи ундошнинг портловчи билан алмашиши бор ҳодиса. Лекин бу ўзлашган лексикага мансуб сўзларда кузатилади. Лекин ўзбек тилида *faqat* сўзи *raqat* деб, *qylf, zylf, sinf* каби ўзлашган сўзлар *qylp, zylp, sinp* ҳолида сўнгги товуши портловчи *p* ундоши билан талаффуз этилади. Чунки ўзбек тилида лаб-тиш артикуляция ўрнига эга сирғалувчи йўқ. Шунинг учун, шу артикуляция ўрнига мансуб портловчи билан алмаштирилади. Бу шу тилнинг қатъий қонуниятидир.

Нутқ товушларининг ўзаро мослигига кўра ўзгариши

Нутқ товушлари нутқда контакт ёки бўғиндаги позициясига кўра симметрик қўлланар экан, уларнинг артикуляция ўрни, усули ва акустикаси ўзаро кескин фарқланиши, улар талаффузида қийинчилик туғдириши, шунингдек бир хиллиги коммуникацияда чалкашликлар яратиши мумкин. Шунга кўра, шу нутқ товушлари ўзаро мослашуви ва мослиги йўқолиши кузатилади. Мана шу нутқ товушларининг нутқдаги ўзаро мослигига кўра ўзгариши ва қандай сабабга кўра ўзгаришига қараб, олти кўринишга бўлинади. Улар қуйидагилардир:

1. Ассимиляция
2. Сингармонизм
3. Умлаутлашиш
4. Диссимиляция
5. Аккомодация
6. Назализация

Ассимиляция

Ассимиляция сўздаги маълум бир товуш иккинчи бир товушни маълум нуқтага назар ёки нуқтага назарларга кўра ўзи билан бир хил қилиб олишидир. Ассимиляция сўздаги ундошлар ўртасида ҳам, унлилар ўртасида ҳам кузатилади. Одатда ассимиляция термини сўздаги ундош товушлар ўртасидаги мослашишга кўра қўлланади. Унлилар ўртасида ҳам мослашиш, яъни уйғунлашиш бўлиб, улар сингармонизм ва умлаутлашиш термини остида ўрганилади.

Ассимиляция сўздаги бир ундош иккинчи бир ундошни ўзи билан айнан бир хил қилиб олишида ҳам, маълум нуқтага назардан бир хил қилиб олишида ҳам кузатилади. Шунга кўра, у яна икки кўринишчага бўлинади:

- 1) тўлиқ ассимиляция,
- 2) тўлиқсиз ассимиляция.

Тўлиқ ассимиляция сўздаги ассимиляцияловчи товуш билан ассимиляцияланувчи товуш айнан бир хил бўлиб олишидир. Масалан, *bir + ta > bitta* каби. Бу ўринда титроқ тил олди сонант *r* ундоши портловчи, тил ва юқори тиш бирикувида талаффуз этилувчи жарангсиз *t* ундоши билан ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули, ҳам

акустикаси жиҳатдан мослашиб, бир хил бўлиб олган. Ассимиляция барча нуқтаи назардан тўла – тўлиқ ассимиляция содир бўлган.

Тўлиқ ассимиляцияда сўздаги ассимиляцияловчи товуш билан ассимиляцияланувчи товуш барча нуқтаи назардан бир хил бўлиб олиши шарт. Бироқ сўздаги ассимиляцияланувчи товуш ассимиляцияловчи товушга нисбатан ассимиляция кечимиғача ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули, ҳам акустикаси нуқтаи назаридан фарқ қиладиган бўлиши шарт эмас. Шунга қолганда, қатъий чегара йўқ. Сўздаги ассимиляцияловчи товуш ўзидан юқорида қайд этилган уч нуқтаи назардан фарқ қилувчи ассимиляцияланувчи товушни ҳам ассимиляция қилаверади. Шу билан бирга ассимиляцияланувчи товуш ассимиляцияловчи товушга нисбатан бир нуқтаи назардан ҳам, икки нуқтаи назардан ҳам фарқ қилиши кўп кузатилади. Уларни қуйидагича қайд этиш мумкин.

1) сўздаги ассимиляцияловчи товушдан ассимиляцияланувчи товуш бир нуқтаи назар билан фарқ қилиб, бу нуқтаи назар икки кўринишда бўлади:

а) Сўздаги ассимиляцияловчи товушдан ассимиляцияланувчи товуш фақат артикуляция усулига кўра фарқ қилади. Масалан: *eʃit+sə > eʃissə, əjt+sə > əjssə, ket+sə > kessə* кабиларда. Бу мисоллардаги аффикс анлаути сирғалувчи бўлгани учун ўзак ауслаути бўлган портловчи сирғалувчига айланган. Сўздаги ассимиляцияловчи товуш ҳам, ассимиляцияланувчи товуш ҳам тил олди жарангсиз бўлиб, фақат артикуляция усулига кўра фарқланар эди. Сўздаги ассимиляцияловчи товуш худди шундай сирғалувчи бўлгани ҳолда, ассимиляцияланувчи товуш шипилловчи бўлиши ҳам мумкин. Бунда шипилловчи товуш ўз шипилловчилигини йўқотади. Масалан: *tʃs+sə > tʃyssə, qoʃ+sa > qossə, əʃ+sa > əssa* ва ҳ.к. Шу мисоллар қаторига яна *əc+sin > əssin, qəc+sin > qəssin, kəc+sin > kəssin* кабиларни ҳам қўшилади. Бу мисоллардаги ассимиляция икки кечимда содир бўлган, деган фикрлар ҳам бор. Икки кечимли товуш ўзгариши содир бўлгани – тўғри. Бироқ бу икки кечим ассимиляциянинг ўзигагина хос эмас. Яъни *qəc+sin > qəʃsin > qəssin* кечимидаги *c* қоришиғининг *ʃ* шипилловчисига кўчиши ассимиляция эмас, *c* қоришиғининг парчаланишидир. Ўзбек тилида интервокал ундошлар иккитадан ортиқ бўлмаслиги ва *cs* контакт уч ундош (*tʃs*) ни юзага келтириб қўйганлиги сабабли қоришиқнинг бир компоненти бўлган *t* портловчиси туширилади. Иккинчи *ʃs > ss* кечими ассимиляциядир.

Сўздаги ассимиляцияловчи товуш портловчи бўлиб, ассимиляцияланувчи товуш сирғалувчи бўлиши ҳам мумкин. Масалан,

taxkat > *takkat*, *taxkata* > *takkata*, *dashkat* > *dakkat* кабиларда тил орқа жарангсиз портловчи пропозициядаги тил орқа жарангсиз сирғалувчини ассимиляция қилган. Шу мисоллар қаторига яна *ʒəx+ga* > *ʒəqqa*, *təx+ga* > *təqqa*, *səx+ga* > *səqqa* кабиларни ҳам қўшилади. Бу мисоллар аффикси анлаути бўлган тил орқа жаранглиси *g* чуқур тил орқа жарангсиз *q* ундошига ўзгарди, деб ҳам қаралади. Лекин бундай эмас. Мисоллар ўзаги ауслаути чуқур тил орқа ундоши бўлгани учун, у жўналиш келишигини чуқур тил орқа анлаутли *-qa* вариантыда талаб қилган. Бунинг учун, кўп тилшуносларнинг, жўналиш келишигининг шакли *-ga*, *-ka*, *-qa* кабилардан иборат¹, деган фикрини эслашга тўғри келади. Шундан кейин шакл анлаути ўзак ауслаутини ассимиляция қилган.

б) Сўздаги ассимиляцияловчи товушдан ассимиляцияланувчи товуш фақат артикуляция ўрнига кўра фарқланади. Бунда ассимиляцияловчи товуш бурун, ассимиляцияланувчи товуш тил ёни сонанти бўлади. Масалан, *kelgən+lər* > *kelgənnər* каби. Мисолдаги *n* ва *l* товушлари акустик жиҳатдан сонант ва артикуляция усули жиҳатдан сирғалувчидир. Улар артикуляция ўрнига кўра фарқланиб, *n* товуши тил олдида тўсилади, ва бурундан сирғалади *l* товуши тил олдида тўсилади ва тил ёнидан сирғалади. Мана шу фарқ ассимиляцияга кўра йўқотилган.

в) Сўздаги ассимиляцияловчи товушдан ассимиляцияланувчи товуш фақат акустик жиҳатдан фарқланиши мумкин. Бунда ассимиляцияловчи товуш жарангсиз, ассимиляцияланувчи товуш жарангли бўлади. Масалан: *tyz+sə* > *tyssə*, *kez+sə* > *kessə*, *əz+sa* > *əssa* каби. Мисолдаги ўзақлар ауслаути тил олди сирғалувчи жарангли ундошдан иборат бўлиб, аффикс анлаути тил олди сирғалувчи жарангсиз ундошдан иборатдир. Ассимиляцияга кўра мана шу акустик фарқ йўқолган. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, *ket+di* > *ketti*, *sok+gan* > *sokkan*, *bet+də* > *bettə* каби мисолларда аффикс анлаути жарангли бўлиб, ўзакнинг жарангсиз ауслаути уни ассимиляция қилган, деб қараш нотўғри. Чунки бу ўриндаги ўзакнинг ауслаути жарангсиз бўлганлиги учун, аффиксни жарангсиз анлаутли вариантыни талаб қилган. Ўзбек тилида ўтган замон феъли шаклининг *-ti* варианты², сифатдош шаклининг *-kan* варианты³, ўрин келишиги шаклининг *-tə* варианты⁴ мавжуд.

¹ Қриг.: Маъруфов З. От // Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Камола тахр. ост. –Тошкент: Фан, 1957. 321-6.

² Қриг.: Gabain A. Özbekische Grammatik. –S. 104.

³ Қриг.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 142-6.

⁴ Қриг.: Маъруфов З. От. 323-6.

2) Сўздаги ассимиляцияловчи товушдан ассимиляцияланувчи товуш икки нуқтаи назардан фарқ қилиб, бу нуқтаи назар куйидаги кўринишларда кузатилади.

а) Сўздаги ассимиляцияловчи товушдан ассимиляцияланувчи товуш ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули жиҳатдан фарқланиши мумкин. Бунда ассимиляцияловчи товуш сирғалувчи – артикуляция усулига ва тил олди ҳам бурун артикуляция ўрнига эга бўлиб, ассимиляцияланувчи товуш тил олди титроқ бўлади. Масалан, *syr+naj > sunnaj*, *tir+nəq > tinneq*, *qərg̃n+ь > qərg̃n > qəpn̄ь* каби. Бу мисолдаги аффикс анлаути бўлган *n* товуши тил олди юқори тишга тегиб, ҳаво бурундан сирғалиши орқали ҳосил бўлади. Ўзак ауслаути тил олди титроқ товуш бўлиб, ассимиляция учраган. Агар аффикс тушум келишиги бўлса, унда ўзакдаги ассимиляцияловчи товуш анлаути бўлган титроқ *r* ундошига айланади. Масалан: *šər+ni > šərri*, *qər+н̄ь > qərr̄ь*, *bər+н̄ь > bərr̄ь* каби. Сўздаги ассимиляцияловчи ва ассимиляцияланувчи товушларнинг ҳар иккиси ҳам сонант бўлиши улар ўртасидаги ўзгармас томондир. Сўздаги ассимиляцияловчи товушдан ассимиляцияланувчи товуш ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули жиҳатдан фарқланиши яна *ln > nn* товушлари асосида ҳам содир бўлиш имконига эга. Яъни: *bəl+н̄ь > bəll̄ь*, *bel+ni > belli*, *el+ni > elli* каби.

б) Сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товуш билан ҳам артикуляция усули, ҳам акустикаси жиҳатидан фарқланиши мумкин. Бунда ассимиляцияловчи товуш билан ассимиляцияланувчи товуш артикуляция ўрнига кўра ҳамма вақт бир хил ва бунинг устига улардан бири, албатта, сонант бўлади. Ассимиляциянинг кечиши фақат прогрессив йўналишда кузатилади. Унда ўзак ауслаути сонант бўлса, орттирилувчи аффикс анлаути жарангли ва портловчи бўлиши мумкин. Масалан: *yn+dan > unnan*, *in+da > inna*, *jən+dama > jənnama* каби. Бу ўзаклардаги ўзак ауслаути сирғалувчи ва тил олди сонанти бўлиб, аффикс анлаути тил олди портловчи жарангли ундошдир. Ўзак ауслаути ассимиляцияловчи вазифасини ўтаган. Сўздаги ассимиляцияловчи сонант *n* ундошидан ташқари ва ассимиляцияланувчи ҳам *d* ундошидан ташқари бирор портловчи жарангли бўлиши мумкин. Бунинг устига ассимиляция аффиксацияга кўра контакт келиб қолган товушлар эмас, балки санҳи келиб қолувчи сўзлар контактидаги товушлар ёки ўзак бўғинлари контактидаги товушлар ўртасида кечиши ҳам кузатилади. Масалан, *cimbat > cimmət*, *soldāt > sollat*,

təŋgək > təŋŋək, som bilən > somminən кабиларда. Мабодо сонант постпозицияда келса, ассимиляцияланувчи товуш унинг ўзи бўлади. Масалан, *ketjərtən > ketjərpən* каби.

Икки нуқтаи назардан фарқланувчи товушлар ё акустикасига кўра, ё артикуляция ўрнига кўра ўзаро бир хил бўлса, улар ўртасида ассимилятив муносабат кечади. Фақат артикуляцион бир хил товушлар ўртасида бундай муносабат бўлиши мумкин эмас. Бу, албатта, контакт ассимиляцияга нисбатан қонуният ҳисобланиб, дистант ассимиляцияга нисбатан эса бу шартни қўйиб бўлмайди. Бунинг устига ассимиляция деяри тил олди ундошларига хос. У чуқур тил орқа ундошлари ўртасида ҳам кузатилади, бироқ ниҳоятда нофаол. У яна асосан орфоэпик меъёр доирасида бўлиб, адабий тилнинг график меъёрида тўла ассимиляция деярли қайд этилмайди.

Тўлиқсиз ассимиляция сўздаги маълум товуш иккинчи бир товушни ё артикуляция ўрнига, ё артикуляция усулига, ё акустикасига кўра бир хил қилиб олишидир. Қайси нуқтаи назардан ассимиляция содир бўлишига кўра тўлиқсиз ассимиляция уч кўринишга бўлинади.

1. Сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товушни фақат артикуляция ўрнига кўра бир хил қилиб олади. Масалан: *synbyl > symbyl, tanbal > tambal, çynbyş > çumbyş* ва ҳ.к. Мисоллардаги ассимиляцияловчи товуш лаб-лаб артикуляция, ассимиляцияланувчи товуш тил олди артикуляция ўрнига эга. Ассимиляция натижасида тил олди ундош ҳам лаб-лаб ундошига айланган. Улар бошқа барча хусусияти билан фарқли қолаверган. Ассимиляцияловчи товуш портловчи жарангли бўлгани ҳолда, ассимиляцияланувчи товуш сирғалувчи бурун сонанти эканлигини сақлаган. Ассимиляциянинг бу кўриниши сўзларнинг сандхи қўлланиши ва қўшма сўзлар контактида ҳам кузатилади. Масалан: *çən bəş > çəmbəş, on beş > ombəş* ва ҳ.к. Ўринга кўра содир бўлувчи ассимиляция фақат сонант товушлар ўртасида ҳам кечади. Масалан: *kəjiləŋ > kəjiləŋ, tənələj > tənələj* ва ҳ.к. Бу мисоллардаги бурун сонанти тил ён сонантини ассимиляция қилган.

Ўринга кўра содир бўлувчи ассимиляция дистант ассимиляцияда ҳам кузатилади. Масалан, *ketin > kegin* каби. Бу мисолдаги тил орқа *k* ундоши тил олди *t* ундошини ассимиляция қилган ва у тил орқа *g* ундошига айланган. Унинг акустикўзгариши, яъни жаранглилашиши интервокал қўлланиши билан боғлиқдир.

2. Сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи

товушни фақат артикуляция усулига кўра бир хил қилиб олади. Бу кўпроқ постпозициядаги товушнинг таъсири билан бўлади. Постпозициядаги препозициядаги портловчини сирғалувчига айлантиради. Сирғалувчига айланган товуш артикуляция ўрни ва акустикаси жиҳатидан ўзгаришсиз қолади. Масалан, *əqʂəm* > *əxʂəm*, *nyqsən* > *nyxsən*, *toqsən* > *toxsən* кабиларда. Мисолдаги ассимиляцияловчи товуш сирғалувчи *s* ва фақат бир ўринда шипилдоқ *ʂ* ундоши бўлиб, ассимиляцияланувчи товуш портловчи *q* ундошидир. Бу портловчи *q* ундоши сирғалувчи *x* ундошига айлангач, ўзининг чуқур тил орқа товуш эканлигини сақлаб қолган. Сўздаги ассимиляцияловчи товуш кўпинча аффикс анлаути эканлиги билан характерланиб, у сўз анлаути бўлган портловчини сирғалувчига айлантиради. Масалан, *jəq+sa* > *jə xsa*, *əqsəq* > *əxsəq*, *juq+sa* > *juxsa* кабиларда. Бу тип ассимиляцияларда ассимиляцияловчи товуш ё шипилдоқ *ʂ*, ё сирғалувчи *s* бўлгани ҳолда, ассимиляцияланувчи товуш ҳамма вақт *q* портловчиси экани билан характерланади. Чунки сирғалувчига айланиш учун чуқур тил орқа портловчи жарангли товуш ўзбек тилида йўқ. Тил орқа портловчилар сирғалувчига айланиши учун, шу артикуляция ўрнида бундай товуш талаффуз этилмайди. Ўзбек тилида тил ўрта портловчи йўқ. Тил олди портловчиларга эга бўлинса ҳам, юқоридаги ассимиляцияловчи *s* сирғалувчиси таъсирида фақат тўлиқ ассимиляция содир бўлади.

Сўздаги ассимиляцияловчи товуш портловчи бўлгани ҳолда, ассимиляцияланувчи товуш сирғалувчи бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *toxta* > *toqta*, *axta* > *aqta*, *ьxcam* > *ьqcam* сўзларидаги каби. Бу мисоллардаги ассимиляцияланувчи товушнинг фақат чуқур тил орқа жарангсиз эканлиги ҳам юқорида келтирилганлиги сабаби билан изоҳланади. Шу тип тўлиқсиз ассимиляциянинг содир бўлиши фақат регрессив бўлиб, прогрессив йўналишда учрамайди.

3. Сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товушни фақат акустикасига кўра бир хил қилиб олади. Бу ҳам кўпроқ постпозициядаги товушнинг таъсирида бўлади. Бунда деярли жаранглини жарангсиз товуш ўз таъсирига олади. Ассимиляцияга учраган товуш ўз артикуляция ўрни ва усулини ўзгаришсиз қолдиради. Масалан, *awtər* > *aftor*, *boz torʁaj* > *bostorʁaj*, *syd xor* > *sytxor* каби сўзларда. Мисоллардаги жарангсиз *t* ва *x* ундошлари препозициядаги *w*, *z*, *d* жарангли товушларнинг жарангсиз қўлланиши учун сабаб бўлган. Лекин 1- ва 2-мисолдаги *w* ва *z* ундошлари сирғалувчилигини, 3-мисолдаги *d* ундоши портловчилигини; шунингдек 1-мисолдаги *w* ундоши лаб-лаб артикуляция ўрнини, 2- ва 3-мисолдаги *z* ва *d* ундоши

тил олди артикуляция ўрнини сақлаб қолган. Баъзан сўздаги жарангли товуш препозициядаги жарангсиз товушни ассимиляция қилиши мумкин. Масалан: *bekzəda > begzəda, ətəqar > ədbəqar* каби. Тўлиқсиз ассимиляциянинг бу кўриниши ҳам деярли регрессив йўналишда содир бўлади. Бироқ фонетикага бағишланган адабиётларда *ketgən > ketkən, organ > orkan, sətgan > sətkan* каби мисолларни акустик нуқтаи назардан содир бўлган прогрессив тўлиқсиз ассимиляцияга кўрсатилади. Бу ўринда ҳам жарангсиз портловчи ауслаутли сўз ўзаги сифатдош шакли *-gən* аффиксини эмас, балки унинг жарангсиз анлаутли *-kan* вариантини қабул қилган. Бу мисолларда ассимиляция содир бўлганлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Тўлиқсиз ассимиляция баъзи ҳолларда ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товушни ҳам артикуляция усули, ҳам акустикаси жиҳатидан бир хил қилиб олганлиги кузатилади. Масалан, *bəʃsa > bəqsa, boʃsa > boqsa* кабиларда. Булардаги аффикс анлаути таъсирида ўзак ауслаути *ʃ* ҳам артикуляция усули, ҳам акустикаси жиҳатдан ўзгариб, жарангсиз портловчи *q* ундошига айланди. Аммо бундай кўринишдаги тўлиқсиз ассимиляция жуда кам учрайди. Ассимиляция сўздаги ассимиляцияловчи товуш билан ассимиляцияланувчи товушлар ўзаро тутган позицияларига қараб яна икки кўринишга бўлинади: 1) прогрессив ассимиляция, 2) регрессив ассимиляция.

Прогрессив ассимиляцияда сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товушга нисбатан аввалги позицияда ўрнашган бўлади. Масалан: *əʃ+nʌ > əʃʃb, ləm+nʌ > ləmmʌ, tawba > təwwa, nawbat > nəwwət* ва ҳ.к. Мисолларнинг 1-сида *ʃ*, 2-сида *m*, 3- ва 4-сида *w* ундоши ўздан кейинги ундошни тўла ассимиляцияга учратган.

Прогрессив ассимиляция тўлиқсиз кўринишда ҳам учрайди. Масалан, *siŋliŋ > siŋniŋ, taqɒr > taqtɒr* каби. Лекин прогрессив ассимиляция ўзбек тилида камдан-кам қайд этилади. Чунки тўлиқсиз прогрессив ассимиляциянинг маълум даража артикуляция ўрнига кўра содир бўлиши учраса ҳам, артикуляция усулига ва акустикасига кўра деярли учрамайди.

Регрессив ассимиляцияда сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товушга нисбатан кейинги позицияда ўрнашган бўлади. Масалан, *ənɒwəj > ənɒwwəj, byrnʌ > bynnʌ, jigitsə > jigitsə* кабиларда. Мисолларнинг 1-сида *w*, 2-сида *n*, 3-сида *s* ундоши ўздан аввалги позициядаги ундошни тўла ассимиляция қилган.

Регрессив ассимиляция тўлиқсиз кўринишда ҳам учрайди.

Масалан, *tanbyr* > *tambyr*, *tənkə* > *təŋkə*, *axtar* > *aqtar*, *bekwəssə* > *begwəssə* ва ҳ.к. Мисолларнинг 1- ва 2-сида артикуляция ўрнига кўра, 3-сида артикуляция усулига кўра, 4-сида акустикасига кўра тўлиқсиз регрессив ассимиляция содир бўлган.

Умуман, регрессив ассимиляция ўзбек тилида тўлиқ кўринишда ҳам, тўлиқсиз кўринишда ҳам кўплаб учрайди. Чунки бу ҳодиса тилнинг фонетик тараққиёти учун ниҳоятда характерлидир. Чунончи, ўзак таркибига мос аффикслар таркиби яралган. Ўзақлар мана шу мос таркибли аффиксларни қабул қилади. Баъзан мослик имконияти бўмай қолса, ўзак унга мослашади, регрессив ассимиляция содир бўлади.

Ассимиляция сўздаги ассимиляцияловчи товуш билан ва ассимиляцияланувчи товушнинг ўзаро ёнма-ён жойлашгани ёки ёнма-ён жойлашмаганига қараб икки кўринишга бўлинади: 1) контакт ассимиляция, 2) дистант ассимиляция.

Контакт ассимиляцияда сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товуш билан ёнма-ён жойлашган бўлади. Юқорида асосан контакт ассимиляция юзасидан унинг кўринишлари таҳлил қилинди. Яъни контакт ассимиляция тўлиқ кўринишда содир бўлиши мумкин. Масалан: *birtə* > *bittə*, *maxkam* > *vakkam*, *tawba* > *təwə* ва ҳ.к. Контакт ассимиляция тўлиқсиз кўринишда содир бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *nyhsən* > *nyqsən*, *tənkə* > *təŋkə*, *əwtol* > *aftol* ва ҳ.к. Контакт ассимиляция прогрессив йўналишда бўлади. Масалан: *tawba* > *təwwa*, *taqđır* > *taqtır*, *lomnı* > *lommı* ва ҳ.к. Контакт ассимиляция регрессив йўналишда ҳам содир бўлади. Масалан: *ornı* > *onnı*, *synbyl* > *symbyl*, *əqsa* > *əxsə* ва ҳ.к.

Дистант ассимиляцияда сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товуш билан ёнма-ён позицияда жойлашмай, улар орасида айрим товушлар ҳам бўлади. Бунда сўздаги ассимиляцияловчи товуш полисиллабик сўзнинг бирор бўғини бошида қўлланса, ассимиляцияланувчи товуш иккинчи бўғин бошида қўлланади. Масалан, *ketin* > *kegin*, *Sьrсьq* > *Sьrсьq* каби. Мисолларнинг 1-сида ассимиляцияловчи товуш биринчи бўғин анлаути *k* ундоши бўлиб, иккинчи бўғин анлаути *t* ундошини ассимиляция қилган. Ассимиляция прогрессив йўналишда содир бўлган. 2-мисолда ассимиляцияловчи товуш иккинчи бўғин анлаути *s* аффрикати бўлиб, биринчи бўғин анлаути *s* сирғалувчи ундошини ассимиляция қилган. Ассимиляция регрессив йўналишда содир бўлган.

Дистант ассимиляцияда ассимиляцияловчи товуш

полисиллабик сўз бўғинидаги қандай товушдан кейин нечанчи позицияда турса, ассимиляцияланувчи товуш ҳам бошқа бўғиндаги шундай товушдан кейин шу сирадаги позицияда туради. Масалан, *эс рьсэқ > асрьсэқ, тэҗкицири > тэскицири* ва ҳ.к. каби. Ҳар икки мисолда ҳам ассимиляцияловчи товуш иккинчи бўғиндан кейин қўлланган бўлиб, улар биринчи бўғиндаги унлидан кейинги *с* ундошини ассимиляция қилган. Ассимиляция регрессив йўналишда содир бўлган. Дистант ассимиляциянинг бу кўриниши прогрессив йўналишда содир бўлмайди. Умуман дистант ассимиляция ўзбек тилида жуда кам учрайди.

Сингармонизм

Сингармонизм сўздаги унлиларнинг маълум нуқтаи назардан бир хиллашиши бўлиб, у ҳақда Н.К.Дмитриев “товушлар ассимиляциясининг кўринишларидан биридири”¹, деб изоҳлаган эди. У туркий тилларнинг ўзига хос қонуниятларидан ҳисобланиб, туркий тилларнинг барчасида ўз аксини топган². Ҳатто, адабий тили носингармонистик бўлган ўзбек тили ҳам, айрим шаҳар шеваларидан ташқари, барча шевалари сингармонистик бўлган тилдир. Унинг адабий тилида ҳам сингармонизмнинг рудименти яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам, унинг фонетикасига бағишланган дарслик ва асарларда сингармонизм, албатта, тилга олинади³.

¹ Қрғг.: Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. –С. 38.

² Қрғг.: Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. –С. 37; Кононов А. Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII–IX вв. –Л.: Наука, 1980. –С. 66–68; Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка. –М.: Наука, 1964. –С. 74–76; Мусабаев К. М. Грамматика караимского языка. –М.: Наука, 1964. –С. 50–55; Современный татарский литературный язык. Лексикология. Фонетика. Грамматика. –М.: Наука, 1969. –С. 96–97; Грамматика азербайджанского языка / Под общ. ред. М. Ш. Ширалиева и Э. В. Севортяна. –Баку: Елм, 1971. –С. 27–29; Кеңесбаев І., Мұсабаев Ғ. Қазіргі қазақ тілі. –Алматы: Мектеп, 1975. 279–286-бб.; Грамматика хакасского языка / под ред. проф. Н. А. Баскакова. –М.: Нука, 1975. –С. 22–25; Ахматов Т., Мукамбаев Ж. Азыргы кыргыз тили. –Фрунзе: Мектеп, 1978. 44–51-бб.; Грамматика современного якутского литературного языка. –М.: Наука. 1982. –С. 49–50; Хазерге башкорт теле/ яу. ред. З. Ф. Ураксин, К. Ғ. Ишбаев. –Өфө: БКН, 1980. 107–110-бб.

³ Қрғг.: Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. 184–188-бб.; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 38–41; Ҳозирги ўзбек адабий тили / Ғ.Абдурахмонов таҳр. ост. 58–62-бб.; Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмских говоров. –С. 74–82; Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. –С.15–18.

Сингармонизм икки типга бўлинади: 1) палатал сингармонизм, 2) лабиал сингармонизм. Туркий тилларда сингармонизмнинг бу икки типи бир хил тарқалган эмас. Унинг бир типи маълум туркий тилларда кенг тарқалган бўлса, иккинчи типи бошқа туркий тилларда кенг тарқалган. Ўзбек тилида палатал сингармонизм анча кенг тарқалган бўлиб, изчил характерга эга.

Палатал сингармонизм (танглай сингармонизми ёки лингвал сингармонизм) ўзбек тилининг кўп шеваларига хосдир. Ўзбек тилидаги унлилар тилининг турли қисми танглайнинг турли қисмига турлича яқинлашувига қараб, сингармонизм шаклланади. Улар тил олди ёки орқа танглайга яқинлашувига қараб икки типга бўлинади: олд қатор унлилар ва орқа қатор унлилар. Туркий тиллардаги сўзларнинг биринчи бўғинида тил олди унлиси келса, қолган бўғинларидаги унлилар ҳам шундай тил олди унлисидан иборат бўлади. Унинг аксича, сўзнинг биринчи бўғинида тил орқа унлиси қўлланса, қолган бўғинларида ҳам шундай тил орқа унли келади. Сўздаги унлиларнинг бу мослашуви тил ва танглайнинг қайси қисми муносабатга киришувига қараб содир бўлганлиги учун, сингармонизмнинг бу типи палатал сингармонизм деб қаралган.

Палатал сингармонизмни чигатой диалектининг чигил группасида, қипчоқ ва ўғиз диалектларида изчил кузатилади. Масалан, Андижон шеvasи чигил диалектига мансуб бўлиб, С. Иброҳимов қайд этишича, унда палатал сингармонизм кенг тарқалган: *ʃətəq, tərmtəq, qəʃqə, tolʃəq, taʃqərb, qəʃʃəq* каби сўзлардаги унлилар тил орқага; *icək, kecki, ickəri, kemşik, kəcmək, jərgək, kərmək* каби сўзлардаги унлилар тил олди унлилардан иборат¹. Ф. Абдуллаев Ургенч туманидаги ўғиз диалектидан ёзиб олган қуйидаги икки мисра шеърга эътибор берайлик. Ва: *zara barsaңыз jʏziʏ əpkeliŋ, jʏziʏ ətəs, catma dʏziʏ əpkeliŋ*². Бу мисолдаги 1-, 2-, 7-сўзлардаги унлилар тил орқа; 3-, 4-, 5-, 6-, 8-, 9-сўзлардаги унлилар тил олди. Қипчоқ диалектига мансуб *qawındı, dalaşa, şolarđın, aldışa, qojışdı, alʃannar, awsılar* каби сўзлар унлиси тил орқа; *үсәw, çibəriş, kerək, kərgən, kət:əlik, çerdi* каби сўзлар унлиси тил олдида қайд этилган.

Палатал сингармонизм сўздаги унлиларнинг тўла бир хил бўлиши билан қайд этилиши ҳам мумкин. Масалан, *təmtət, tərmtəq, kərkək, kətəp* ва ҳ.к. Лекин бу ҳодиса маълум имконият доирасида кечади. Имконият ассимиляцияловчи ва ассимиляцияланувчи товушлар

¹ Қрғ.: Иброҳимов С. Ўша асар. 99-б.

² Қрғ.: Абдуллаев Ф. Ўша асар. 190-б.

тилинг бир хил кўтарилишида талаффуз этилиши билан ўлчанади. Агар уйғунлашувчи говушлар тилнинг турли кўтарилишида талаффуз этилса, палатал сингармонизм тўлиқсиз кечади. Масалан, *jənsəq, tər-cik, kʏrtək* ва ҳ.к. сўзлардаги каби. Биринчи сўзнинг 1-бўғинидаги кенг, 2-бўғинидаги тор унли; иккинчи сўзнинг 1-бўғинидаги ўрта кенг, 2-бўғинидаги тор унли; учинчи сўзнинг 1-бўғинидаги тор, 2-бўғинидаги кенг унлидир. Сингармонизм тилнинг фақат горизонтал ҳаракатига кўра юзага чиқади.

Палатал сингармонизм асосан прогрессив ҳолатда кечади. Полисилабик сўзларнинг биринчи бўғинидаги унлига кейинги бўғинларнинг унлиси уйғунлашади. Айрим ҳолатларда у регрессив ҳолатда ҳам кечади, деб кўрсатилади. Бироқ бу деярли ўзлашган лексикага оид сўзларда кузатилади. Масалан, *tətmət > tətət, azən > əzən* сўзларидагига ўхшаш. Баъзи адабиётларда *sən+ə > sənə, əŋ+lə > əŋlə, bər+cə > bərcə* каби мисолларни регрессив палатал сингармонизм сифатида қайд этилади. Бироқ бу тўғри бўла олмайди. Чунки сингармонизм туркий тиллар учун жуда қадимийдир. Ўзбек тилидаги “э”лашиш ҳодисаси унча қадимий эмас, тилшуносларнинг қайд этишича, беш асрлар нарига бориб тақалади. Юқоридаги мисолларнинг сингармоник варианты жуда қадимий ёдгорликларда учрагани ҳолда, улар ўзаги унлисининг “э”лашгани ўша ёдгорликда қайд этилмайди¹. Шунинг учун, бу мисолларни “э”лашиш, конвергенция ҳодисалари учун келтириш тўғри бўларди. У сингармонизм нуқтаи назаридан прогрессивдир.

Мисоллардан маълумки, сингармонизм четдан қабул қилинган сўзларда ҳам бор. У сингармонизмнинг типларини оширади. Бироқ ўзлашган сўзлар ҳамма вақт ҳам ўзбек тилидаги сингармонизм қонуниятларига бўйсунмавермайди. Масалан, арабча *ryhiʃət* сўзининг 1-бўғини тил орқа, 2- ва 3-бўғинлари унлиси тил олди; фўрсча *dər-bəzə* сўзининг 1- ва 3-бўғини унлилари тил олди, 2-бўғини унлиси тил орқа; русчадан ўзлашган *kəttynuzm* сўзининг 1-бўғин унлиси тил ўрта, 2-бўғин унлиси тил орқа, 3-бўғин унлиси тил олди. Ўзлашган сўзларнинг ўзбек жонаи тилидаги палатал сингармонизм қонуниятига бўйсунishi ҳам чегараланган. Кўпроқ у сўздаги унлилар бир хил кўтарилишида талаффуз этилса, кузатилади. Шундан келиб чиқиб, *dərbəzə* сўзи палатал сингармонизм қонуниятига бўйсунishi керак эди. У шундай бўлиши ҳам мумкин.

¹ Қриг.: Древнотюркский словарь / под ред. В. М. Неделеяев, Д. М. Насилов, Э. Р. Тенишев, А. М. Щербак. –Л.: Наука, 1969. –С. 47, 83, 483.

Бунда уйғунлашиш регрессив бўлиб, сўз *dər wəzə* вариантыда талаффуз этилади. Аммо у жонли тилга мансубдир.

Кўпчилик тилшуносларнинг қайд этишича, палатал сингармонизмнинг прогрессив ҳолатда содир бўлиши агглютинатив бўлган туркий тиллардаги сўз аффиксларининг шу ҳодисага хос вариантлари яралишига олиб келган¹. У ўзбек тилида ҳам, ҳатто, унинг адабий тилида ҳам ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Масалан, *qəsqəp / erkin, qyrʷys / tytkic* каби сўз жуфтликларидаги от ясовчи аффиксларга ва *səpqər / keskir, yjʷyn / keskin* каби жуфтликлардаги сифат ясовчи аффиксларга эътибор қилса, етарлидир. Бу жуфтликларнинг чизиқчадан олдинги сўзлари тил орқа унлиси бўлган аффикс билан, кейинги сўзлари тил олди унлиси бўлган аффикс билан ясалган. Тил олди унлини аффикс тил олди унлига ўзакка, тил орқа унлини аффикс тил орқа унлига ўзакка қўшилиб келган. Шундай қилиб, прогрессив палатал сингармонизм ўз аксини топган. Ҳар бир сўз жуфтлигидаги ясовчи аффикслар аслида бир аффикс бўлиб, палатал сингармонизм қонунияти натижасида юзга келган, фонетик жиҳатдан икки кўринишдаги вариантдир. Бу мисоллар ўзбек адабий тилидан келтирилади. Ваҳоланки, ўзбек адабий тили сингармонизмга асосланмайди. Улар ўзбек адабий тилидаги рудиментларидир.

Ўзбек тилининг палатал сингармонизм тўла сақланган шеваларида сўз ясовчи, шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффиксларнинг ҳаммаси ўзак унлига уйғунлашган ҳолда келади. Масалан, Андижон шеvasидаги *ketkəziʃdi, kirgiziʃdi, jegiziʃdi* сўзларидаги аффикслар унлиси ўзақдаги тил олди унли билан уйғунлашган. Яна *qyrʷəqlarʷa, qəsqəqlarʷnʷ, bətqəqqə* сўзларидаги аффикслар унлиси ўзақдаги тил орқа унли билан уйғунлашган.

Ўзлашган сўзларда палатал сингармонизм ўз аксини топмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, деб кўрсатади қозоқ тилшуноси И. Кенгешбаев, аффикслар унлиси ўзакнинг сўнгги бўғини унлига уйғунлашади². Ўзбек тилидаги сингармонизм сақланган шеваларда ҳам шу ҳол кузатилади. Масалан, *хъзмəтсьларга* сўзнинг ўзаги араб тилидан олинган *хъзмəт* сўзи бўлиб, 1-бўғини тил орқа,

¹ Крнг.: Решетов В. В. Ўша асар. –С. 185; Покровская Л. А. Ўша асар. –С. 75; Грамматика азербайджанского языка. –С. 25; Кеңесбаев І, Мұсабаев Ғ. Ўша асар. 280-б.; Кононов А. Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII–IX вв. –С. 67; Грамматика хакасского языка. –С. 23; Грамматика современного якутского литературного языка. –С. 50.

² Крнг.: Кеңесбаев І. Мұсабаев Ғ. Қазіргі қазақ тили. 221-б.

2-бўғини тил олди унлисига эга. Унга қўшилган аффиксларнинг унлиси 2-бўғин унлисига уйғунлашган, тил олдидир.

Палатал сингармонизм фақат сўз бўғинларининг унлилари ўзаро тил олди ва тил орқалигига қараб уйғунлашиши эмас. У шу сўзлардаги ундошларга ҳам ўз таъсирини ўтказидади. Ҳатто, бир бўғинли туб сўзларда ҳам тил орқа унлилари билан чуқур тил орқа ундошлари қўлланади. Масалан, *qʷz, qʷr, qoʷj, əq, əψ, xəl* ва ҳ.к. сўзларда. Агар моносиллабик сўз унлиси тил олди бўлса, унда чуқур тил орқа ундош билан ёндош келмайди. Масалан, *gəl, səl, til, kel, kʷz, bəl* ва ҳ.к. сўзларга эътибор бериш мумкин. Буни полисиллабик сўзларда ҳам кузатилади. Масалан, *qajʷψ, qajʷn, qəzən, ψaraz xəl əs* ва ҳ.к. сўзлар унлиси тил орқа бўлиши билан уларнинг анлаути чуқур тил орқа ундошидан иборат. Палатал сингармонизм тил орқа унлиси сифатида содир бўлса, шу сўзда деярли чуқур тил орқа ундош бўлиши мумкин, лекин у жуда шарт эмас. Масалан, *tətən, otəl, ləla* ва ҳ.к. сўзларда чуқур тил орқа ундошлари йўқ, бироқ тил орқа унлилари уйғунлашуви бор. Полисиллабик сўзларда тил орқа унлилари уйғунлашар экан, унда чуқур тил орқа ундошлари ва шу билан бошқа артикуляцияга эга ундошлар ҳам келверади. Бунинг учун, аввалги мисолга эътибор бериш мумкин.

Палатал сингармонизм тил олди унлилари уйғунлашувидан иборат бўлса, ундошлар тил орқа ва ундан олдинги артикуляция ўрнига эга ундошлардан иборат ҳам бўлади. Унда чуқур тил орқа ундошлари учрамайди. Эътибор қилинг: *kəsəl, tʷgəl, əsəl, təgərək, cegərə, sirəsi* ва ҳ.к.

Палатал сингармонизм нуқтаи назаридан икки вариантга эга бўлган аффиксларнинг ундошлари ҳам унлилари билан уйғунлашган ҳолда бўлади. Масалан, *tʷtqʷn, tʷrqr, qʷsʷqʷ, sozʷψ* ва ҳ.к. сўзларда тил орқа унлилар уйғунлашган ва шу билан бирга аффикс ундошлари ҳам чуқур тил орқадан иборат. Масалан, *çəkki, kʷlgi, kʷzgi, cekkən, bizgə* ва ҳ.к. сўзларда тил олди унлилари уйғунлашган ва аффиксларининг ундош товуши тил орқа артикуляция ўрнига эга.

Лабил сингармонизм унлилар уйғунлашувининг лабланган унлилар доирасида содир бўлишидир. Сингармонизмнинг бу кўриниши ўзбек адабий тилидагина эмас, унинг шеваларида ҳам тива, хакас, қирғиз, олтой, шор, туркман, қорайим тилларидаги каби изчил эмас. У кўпроқ қипчоқ шеваларида кузатилади. Масалан, *orun, ottyz, yjun, çyry, yjun, çyzy* ва ҳ.к. сўзларда.

Лабил сингармонизм деярли палатал сингармонизм билан

мутаносибликни сақлайди. Агар полисилабик сўзнинг 1-бўғинида лабланган тил орқа унли бўлса, 2-бўғинида ҳам худди шундай унли келади. Масалан, *çyldyzdo, otyrypto, çolyñ, syjuq* ва ҳ.к. Агар полисилабик сўзнинг 1-бўғинида тил олди лабланган унли бўлса, 2-бўғинида ҳам худди шундай унли қўлланади. Масалан, *çyzу, ystynу, çyzуgym, ystygа* каби.

Лабиал сингармонизм бошқа шеваларда ҳам учраб, маълум шароитлардагина қайд этилади. Ф. Абдуллаевнинг қайд этишича, Хоразм қипчоқларида бисилабик сўзларнинг кейинги бўғинида лаб ундошлари билан боғли ҳолда содир бўлганлигини кўриш мумкин. Масалан: *qəwуп, səуq, qəуq, dəwур, səур* каби¹. С. Иброҳимовнинг қайд этишича, Андижон шевасида ҳам бисилабик сўзларда лабиал сингармонизм содир бўлади. Масалан: *coзуq, oтyn, bəлym, kəryk, by-зуq, cyдуr, усуд, byтyn, yzyk* каби². Ҳатто, Тошкент шевасида ҳам лабиал сингармонизмнинг айрим рудиментини кўриш мумкин. Бунда бисилабик сўзнинг 1-бўғини тил орқанинг ўрта кўтарилишидаги лабланган унли бўлиб, у билан уйғунлашган унли тил орқа тор лабланмаган ь унаиси бўлади ва у тил орқа тор лабланган унлига айланади. Масалан: *oquм, kənyl, səlyş, qonyş* каби. Умуман ўзбек тилининг қипчоқ шеваларидан бошқа шеваларида лабиал сингармонизм содир бўлар экан, 1-бўғин қандай лабланган унли бўлишидан қатъи назар, у билан уйғунлашган унли, албатта, тор лабланган ё тил олди y, ё тил орқа у бўлади. Чунки деярли туркий тиллардагига ўхшаш ўзбек тилида ҳам полисилабик сўзларнинг бўғинларида ўрта кўтарилишидаги тил орқа o ва тил олди o унаиси қўлланмайди.

Умлаутлашиш

Умлаутлашиш ўзбек тилининг асосан Наманган вилоятининг бир қатор туманларида тарқалган бўлиб, адабий тилда ўз ўрнини топмаган. Шунинг учун ҳам, С.Отамирзаева ўз монографиясининг умлаутга бағишланган қисмини А.К.Боровковнинг сўзи билан бошлайди³. А.К.Боровков умлаутлашиш Уйчи, Чортоқ, Учқўрғон туманлари ва Наманган, унинг атрофидаги туманларда тарқалганлигини айтган эди⁴.

¹ Қрғн.: Абдуллаев Ф. Ўша асар. –С. 75.

² Қрғн.: Иброҳимов С. Ўша асар. 170-б.

³ Қрғн.: Атамирзаева С. Ўша асар. 18-б.

⁴ Боровков А. К. О характеристике “умлаутных” или “уйгуризованных” говоров // сб. “Белек”. –Фрунзе, 1946. –С. 29.

Умлаутлашиш полисилабик сўзлардаги айрим унли ёки унлиларнинг қисқа талаффуз этилиши бўлиб, у кўпроқ кенг унлиларнинг торайиши ҳисобига содир бўлади. Улар асосан сўздаги иккинчи бир унлининг таъсири остида комбинатор ҳолатда қайд этилади. Шуни эътиборга олиб, умлаутлашишни сўз унлилари ўртасидаги регрессив ассимиляция деса ҳам бўлади. Масалан, *қулоғи* сўзининг 1- ва 3-бўғинида тор унли, 2-бўғинида кенг унли қўлланган. Наманган шевасида 2-бўғин унлиси ҳам нисбатан тор ҳолатда *e* унлисига яқин талаффуз этилади. У 1-бўғиндаги унли билан қисқа ҳолда берилади: *quleʃi*. Шунга ўхшаш яна *eʃik* сўзидаги 1-бўғин унлиси ҳам иккинчи бўғин унлисига нисбатан кенг: яъни *e* унлисидир. У тор *i* унлиси билан алмаштирилади. Наманган шевасида бу сўз унлилари яна ҳам қисқа ҳолда талаффуз этилади: *iʃi*: / *iʃi^k*.

Умлаутлашиш кўп ҳолларда полисилабик сўзларнинг олдинги бўғин унлисида кейинги бўғин унлиси таъсири билан юзага келади. Бунда олдинги бўғин кенг унлига, кейинги бўғин тор унлига эга бўлади. Бунинг устига, умлаутлашувчи унли, С. Отамирзаева қайд этганидай, очик бўғинда қўлланганлигини кўрамыз¹. Масалан: *ʃoli* > *ʃeli*, *nəzir* > *nezir*, *erin* > *irin* каби.

Полисилабик сўзларнинг 1-бўғини унлиси умлаутлашиши ундан кейинги урғусиз бўғин унлисининг кучли редуцияси, ёки умлаутлашиши, ёки ноль даражага келиши учун сабаб бўлади. Масалан: *qəwəʃi* > *qewʃi*, *Komilə* > *Kemlə* сўзларининг иккинчи бўғин унлисига ўхшаш.

Умлаутлашиш бир унлининг иккинчи унлига таъсири билан юзага келар экан, уларнинг иккиси ҳам бир морфемада бўлади ёки бири ўзак морфемада ва иккинчиси ёрдамчи морфемада бўлади. Масалан, *beʃik* > *biʃi*, *erik* > *yr̥i*; *jəriq* > *jər̥q*, *aql* > *eqil* кабиларда таъсир этувчи ва умлаутга учраган товуш бир морфеманинг ўзида бўлиб, *jəʃ+i* > *jeʃi*, *kel+in* > *kilin*, *kər+sin* > *kʷsʷ*: каби сўзларда таъсир этувчи товуш ёрдамчи морфемада, умлаутлашиш ўзак морфемада ўтган.

Умлаутлашиш тор унлилардан ташқари барча унлиларга хос бўлиб, улар, юқорида қайд этилганидай, тор артикуляцияга ўтиши билан характерланади ва нисбатан одатдагидан тор *e*, *o*, *y* каби унлилар ҳолатида қайд этилади. Шунинг учун, умлаутли унлига эга шеваларда сўзлашувчилар муносабатда оғизлари кенг очилмайди ва паст ҳам юқори тишлари ажралиб, оралик ҳосил қилмайди.

¹ Қриг.: Атамирзаева С. Ўша асар. – С. 21.

С. Отамирзаеванинг қайд этишича, баъзан полисилабик сўзлардаги кенг унлилар таъсирида ўрта кенг унлилар нисбатан кенгроқ, тор унлилар яна ҳам торроқ талаффуз этилади ва умлаутлашиш ҳам кузатилади. Масалан: *jyræk > jiræ; tyrnæ > tyn:æ, kesæk > kisæ*: ва ҳ.к.лар. Шунингдек, ўрта кенг унлининг кенг унли таъсирида одатдагидан кенгроқ талаффуз этилиб, умлаутлашишга ҳам учрайди. Масалан: *dewəñæ > dowana, zyhra > za:ra, dokan > dəkən, dewər > dəwəl* ва ҳ.к.¹ Бундай ҳолатлар жуда кам учраб, Наманган шевасидаги умлаутлашиш учун характерли эмас.

Умлаутлашиш ўзлашган сўз *səkin, dəʃʊ, rəhat, məkī* кабилардаги чўзиқ унлиларда; яна *toq:ʊz, ket:i, ət:ʊ* каби сўзларнинг унлиларида содир бўлмайди.

Умлаутлашиш кўп хусусиятлари билан редукцияга жуда яқин туради. Уларнинг иккисида ҳам унлининг қисқариши кузатилади ва у тор унли доирасида қайд этилади. Бироқ улар ўртасида катта фарқ бор. Редукция унлилар қатори ундошларда ҳам кузатилгани ҳолда, умлаутлашиш фақат унлиларда бўлади. Редукция асосан тор унлиларда бўлиб, умлаутлашиш тор унлиларда эмас, ўрта кенг ва кенг унлиларда, уларнинг тор унлига кўчиши орқали амалга ошади. Редукция баъзан унли артикуляцияси ноль ҳолга келиши билан кечса, умлаутлашишда унли қисқа талаффуз этилгани билан ноль даражага келмайди ва шу унли иштирок этган бўғин ҳамма вақт сақланади. Редукция асосан позицион сабабга кўра содир бўлгани ҳолда, умлаутлашиш фақат комбинатор сабаб билан содир бўлади. Редукция комбинатор сабабга кўра содир бўлса, кенг унли тор унлини фақат кучсизлантиради. Масалан, *təwʊs > təwʊʃ, saqic > saq'ic* сўзларидаги каби. Умлаутлашишда бундай бисилабик сўз унлиларининг фақат кенгликка нисбатан мослашиши кечади ва пропозициядагиси қисқа талаффуз этилади.

Наманган вилоятидан бошқа ҳудудлардаги айрим шеваларда ҳам умлаутлашишга хос айрим элементлар бор. С. Отамирзаева бунинг учун Тошкент шевасидаги *byzib > bizib, jəŋi > jeŋi, -dəgi > -digi* кабиларни мисол қилиб келтиради². Бундай мисолларни Тошкент шевасидан бундан ортиқ келтириб бўлмайди. Шунингга олиб, умлаутлашишни бошқа шевалардан излаш ортиқча уриниш деб ҳисобланди.

Туркий тиллар ичида умлаутлашиш характерли бўлган тил уйғур тилидир. Шунингга олиб, Наманган вилоятидаги умлаут характерли бўлган шеваларни уйғурлашган шевалар, деб қаралади.

¹ Қрғ.: Атамирзаева С. Ўша асар. – С. 22, 23.

² Қрғ.: Атамирзаева С. Ўша асар. – С. 24.

Аммо улар уйғурлашган шевалар эмас, балки ўзбек авлоди томонидан ассимиляция қилиб юборилган уйғур уруғларининг авлодидир. Умлаутлашиш ўша уруғларнинг аввалги тилидан қолган шу шевадаги субстрати бўлиши керак. Яна шуни айтиш керакки, Наманган вилоятининг айрим шеваларидаги умлаутлашиш уйғур тилидаги даражада кучли бўлиб, бир тизим ҳолига келган эмас.

Диссимиляция

Сўздаги икки бир хил товушдан бирининг бошқа товушга ўзгаришидир. Бу ўринда сўздаги унлилар ҳам, ундошлар ҳам назарда тутилади ва контакт товушлар ҳам, дистант товушлар ҳам ҳисобга олинади. Бироқ туркий тилларда масалани бундай тадқиқ этиш мумкин эмас. Чунки соф туркий сўзларнинг бирортасида ҳам контакт бир хил унли қўлланмайди. Умуман сўзда қатор унли қўллаш кузатилмайди. Шунинг учун, туркий тиллар қатори ўзбек тилида ҳам фақат қатор ундошлар эътиборда тутилиб, диссимиляция тадқиқ этилади. Масалан, араб тилидан ўзлаштирилган *əlləh* сўзи жонли тилда деярли *əblə* деб талаффуз этилади. Ундаги икки бир хил *l* сонантининг аввалгиси тил олди артикуляция ўрнидан лаб артикуляция ўрнига кўчирилган ва сонантликдан жаранглиликка – акустик ўзгаришга учраган.

Сўзлардаги дистант бир хил товушларда диссимиляция мавжуд, деб қарашлар ҳам бор. Бунинг учун, дарсликларнинг кўпида *takrər* > *takrəl*, *axrər* > *axrəl*, *qarər* > *qarəl* типдаги имсоллар келтирилади. Мисоллар деярли бир хил характерда бўлиб, ҳодиса бисиллабик сўзларнинг иккинчи бўғинидаги сўнгги ундошда кечган. Бўғиннинг анлаут ва ауслаут ундошлари бир хил *r* сонантидан иборат. Фонетик ўзгаришга кўра кейингиси *l* тил ён сонанти билан алмашган. Бу кўринишига нисбатан диссимиляцияга ўхшайди. Аксинча, уни бошқача изоҳлаш керак. Ўзгарган товуш сўз ауслаутидир. Одатда сўнгги бўғинга лексик урғу берилиб, унинг унлиси кучли талаффуз этилади. Натижада, ундан кейинги ундош редукцияга учрайди. Редукцияга учраган товуш жарангсиз бўлса, кам частотали жаранглига айланади. Мисол: *ortəq* > *ortəʃ*, *qəʃləq* > *qəʃləʃ* каби. У жарангли бўлса, жарангсизга ўтади. Мисол: *awləd* > *awlət*, *əzəd* > *əzət*, *kitəb* > *kitəp* каби. Бу кўпроқ портловчи ундошларда кузатилади. Ундошлар бисиллабик сўзларнинг кўпроқ ауслаути вазифасини бажаради. Бисиллабик сўзларнинг ауслаути *r* сонанти бўлганида, у кучсизланиб титроқлик хусусиятини йўқотади, натижада, тил

олди тишга тегиб, *l* сонанти билан алмашган бўлиши керак. Яъни юқоридаги ауслаут *r* сонантининг *l* сонати билан алмашишини, моҳиятига кўра, редукция деб қараш тўғрироқ ҳисобланади. *koridor* сўзи ауслаути ўзгариши ҳам шунинг натижасидир.

Чўзиқ унлиларни сўздаги контакт бир хил унли деб ҳисобламаслик керак. Масалан, *ə:tiŋ, tʲ:ʃʲ* каби диалектал вариантдаги сўзларнинг биринчи унлиси чўзиқ унлидир. Шунга ўхшаш араб тилидан ўзлашган *ta:rʰx, ta:tʰl* каби сўзларнинг биринчи унлиси чўзиқ унлидир. Бу ўринда ҳам диссимилияция ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Сўздаги дистант бир хил унлилар диссимилияцияси бўлмайди. Чунки туркий тиллардаги сўзларнинг ўзи сингармонизмга мойилдир. Сингармонизм сўздаги турли унлиларнинг бир хиллашуви ҳисобланади.

Диссимилияция ўзбек тили, умуман туркий тилларга, унча хос эмас. Шунинг учун ҳам, юқоридагидан ташқари яна мисол келтириш имконияти битта бўлиб, у ҳам бўлса *ittifʰq > intifʰq* сўзидаги диссимилияциядир. Ундаги ундош жуфтлиги *nt* ҳолатига кўчган. Шунинг учун ҳам, унинг шу тилда қайд этилишини қонуний ҳолат деб эмас, жузъий ҳолат деб қараш тўғрироқдир. Бу жузъий ҳолат ҳам ўз лексикада эмас, ўзлашган лексикада қайд этилган.

Аккомодация

Аккомодация сўздаги унлининг ундошга ёки ундошнинг унлига мослашиб ўзгаришидир. Яъни аккомодация икки нуқтаи назардан тадқиқ этилади: 1) сўздаги ундошнинг унлига таъсири, 2) сўздаги унлининг ундошга таъсири.

Сўзнинг фонетик таркибидаги унлига у билан контакт ундош таъсир қилади, лекин у ҳар қайси ундош бўлавермайди ва, шунингдек, ҳар қандай унли ҳар қандай унлига ўзгаравермайди. Сўздаги ундошнинг унлига таъсирини қуйидагича кузатиш мумкин.

1) Тил олди *ə* унлиси тил орқа *ə* унлисига ўзгаради. Бунинг учун, қуйидаги ундошлар таъсир этади: а) чуқур тил орқа *q* жарангсиз портоловчи ундоши: *qʰʂla+q > qʰʂlʰq, tʰrna+q > tʰrnʰq, oʻtla+q > oʻtlʰq*. Бу *q* ундоши таъсирида препозициядаги тил орқа кенг *a* унлиси *ə* унлисига айланади. б) чуқур тилорқа *x* жарангсиз сирғалувчи ундоши: *toʻrʰmalax > toʻrʰmalʰx, paxax > pʰrʰrʰx, kylax > kylʰx* ва ҳ.к.лардаги каби. в) лаб-лаб артикуляция ўрнига эга сирғалувчи жарангли *w* ундоши: *qʰʂla+w > qʰʂlʰw, səjlə+w > səjlʰw, qʰʂta+w > qʰʂtʰw, bʰrə+w > bʰrʰw* ва ҳ.к.лардаги каби. Бу ҳодиса тил олди кенг *ə* унлиси

учун ҳам, тил орқа кенг а унлиси учун ҳам бир хил фаолликка эга, шунингдек деривация кечимида ҳам, негиз таркибида ҳам, ўзлашган лексикага оид сўзлар таркибида ҳам бирдай содир бўлаверади. Лекин у полисилабик сўзларнинг кейинги бўғинида қайд этилиб, чуқур тил орқа ундошлар ва лаб сиргалувчиси *w* ундоши аккомодацияга учровчи товушга нисбатан постпозицияда келиши шарт.

2) Тор *i* унлиси лабланган тор *ү* унлисига ўзгаради. Бунинг учун, фақат постпозициядаги лаб-лаб артикуляцияга эга сиргалувчи жанрангли *w* ундоши таъсир этади. Масалан, *oqʷ+ w > oquw, toqʷ+ w > toquw, uqʷ+ w > uquw, soqʷ+ w > soquw* ва ҳ.к.лардаги каби. Бу мисоллардаги фонетик ўзгаришни аккомодация эмас, лабиал сингармонизм деб ҳам қабул қилиш мумкин. Бироқ қуйидаги мисоллар унинг зиддига хизмат қилади: *piʃi+ w > piʃuw, qʷzʷ+ w > qʷzuw, qʷsʷ+ w > qʷsuw* кабилар. Бу ўринда лабланмаган *i* ёки *ь* тор унлисининг лабланган *ү* унлисига ўзгариши учун постпозициядаги лаб-лаб артикуляция ўрнига эга *w* ундоши таъсир қилган, яъни аккомодация содир бўлган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юқоридаги мисоллар ҳам аккомодациядир.

Шуни ҳам айтиш керакки, *kesuw, qorquw, jylquw, kezuw* каби сўзларда *uw* товушлари қайд этилишини аккомодацияга мисол тариқасида келтириб бўлмайди. Чунки *uw* таркиби бу ўринда сўз шакли бўлиб, феълдан ҳаракат номи хосланган шаклини ясайди: *kes+uw, qorq+uw, jylq+uw, kez+uw* каби. Шунга ўхшаш яна *кусуқ > кусуш, тўшўқ > тўшўш, тўзик > тўзўш* каби сўзларни ҳам бошқача изоҳлашга тўғри келади. Чунки бу ўринда айрим шу ва шу хусусиятларига кўра бисилабик сўз ауслаути *л* ундоши бўлмаслиги қонуниятига биноан *w* ундоши билан алмашган. Бунда, албатта, у унлисининг таъсирига кўра *к* ундоши *w* ундошига ўтган. Акс ҳолда у *ј* ундоши билан алмашар эди. Охирги мисолдаги *i* унлисининг у унлиси билан алмашиши сингармонизмдир.

Ундошларнинг унлиларга таъсир этиш аккомодацияси таъсир этувчи ва ўзгарувчи товушларнинг фақат контакт қўлланишида қайд этилади ва аккомодацияга учрайдиган товуш препозицияда келади. Бунда маълум даража артикуляция ўрнининг мослашуви ҳам кузатилади.

Сўзнинг фонетик таркибидаги ундошга у билан контакт қўлланувчи унли таъсир этади. Бу қуйидаги ҳолатларда кузатилади:

1) Юқоридаги сўнги мисолларда кўриб ўтганимиздай, полисилабик сўзларнинг иккинчи бўғинидаги лабланган у унлиси

постпозициядаги *k* ундошини *w* ундошига ўзгартиради. Масалан: *yzʏk > yzʏw, sʏsʏk > sʏsʏw, tʏzyk > tʏzyw* каби. Айрим ҳалларда 2-бўғиндаги лабланмаган *i* унлиси аввалги бўғин унлиси таъсирида лабланган *y* унлисига ўзгарса ҳам, постпозициядаги *k* ундошини *w* ундошига ўзгартиради. Масалан: *tʏtik > tʏtyw, ʔtik > ʔtyw, ʔrik > ʔryw* каби.

2) Бисиллабик сўзларнинг иккинчи бўғинидаги *i* унлиси постпозициядаги *q* ундошини *ψ* ундошига ўзгартиради. Масалан: *qoʃʏq > qoʃʏψ, qytʏbʏq > qytʏbʏψ, ʔʃʏq > ʔʃʏψ, jʏψʏq > jʏψʏψ* ва ҳ.к.

3) Полисиллабик сўзнинг 1-бўғинидан кейин интервокал позицияда келган *k* ундоши *g* ундошига ўтади. Масалан: *terʏk+i > terʏgi, kerʏk+i > kerʏgi, bilʏk+i > bilʏgi, ʔtalik+i > ʔtaligi* ва ҳ.к. Бу ҳодиса постпозициядаги сўз шакли унли бўлсагина кузатилади. У дериванд бўлса, аккомодация содир бўлмайди: *kesʏk+i > kesʏki, tirgʏk+i > tirgʏki, xorʏk+ʔ > xorʏkʔ* ва ҳ.к. Бу сўзлардаги тор унли қўшимчадан олдинги *k* ундоши ўзгармади. Чунки у сўз шакли эмас, балки ясовчи эди.

4) Бисиллабик сўзлар чуқур тил орқа *q* ундоши билан тугаб, кетидан унлидан иборат сўз шаклини орттирса, у *ψ* товушига алмашади. Масалан: *ortʔq+ʔ > ortʔψʔ, catʔq+ʔ > catʔψʔ, yʃʔq+ʔ > yʃʔψʔ* каби. Агар *q* ундоши билан тугаган бисиллабик сўзлар кетидан сўз ясовчи унли келса, ўша ундош ўзгармай қолади. Масалан: *qʏʃʏʔq+ʔ > qʏʃʏʔqʔ, bordʔq+ʔ > bordʔqʔ, ajmʔq+ʔ > ajmʔqʔ* каби. Бу бисиллабик сўзлар охиридаги *q* ундоши ўзгаришсиз қолди. Чунки кетидан қўшилган унли ясовчи эди.

5) Сандхи бўлган сўзларда интервокал бўлиб қолган *b* портловчи ундоши сирғалувчилик артикуляциясига ўтади. Масалан: *qʏla bertʔq > qʏlawertʔq, iʃʏlʏb ʔlmtʔq > iʃʏlawʏlmtʔq, qarʏb otmʔq > qarʏawotmʔq* каби. Айрим шевалар, айниқса, қипчоқ шеваларида маълум сўз таркибидаги интевокал *b* портловчиси сирғалувчилик артикуляциясига ўтади. Масалан: *lʏb+i > lʏwi, tʏb+i > tʏwi, ʔbʔd > ʔwʔt, rabʔt > rʔwʔt* каби. Лекин булар ўзлашган сўзлар ҳисобида *b > w* ўзгаришига учраган интервокаллاردир. Улар ўз лексикага оид сўзларда учрамайди. Умуман интервокал *b > w* аккомодацияси анча нофаол характерда бўлиб, изчил фонетик қонуният эмас. Бу аккомодациялар ҳам асосан шева материалларидир.

Унлилар таъсирида ундошларнинг ўзгариши аккомодацияси унли ва ундошнинг ҳам акустик, ҳам артикуляцион яқинлашиши бўлади. Биламизки, унлилар артикуляциясида товуш оғиз бўшлиғидан тўсиқсиз ўтади. Шунинг учун, аккомодацияга учраган

товуш портловчиликдан сирғалувчилик артикуляциясига ўтади. Бу билан у портловчилик тўсиғидан холи бўлади. Унлилар эса фақат ундан иборатдир. Шунинг учун, у билан контакт ундош жарангсиз бўлса, у жаранглига айланади. Шу билан ундош маълум даражада артикуляция ва акустика жиҳатидан унлига мослашиб олади.

Назализация

Назализация унлилар артикуляциясида бурунда ҳосил бўлган резонатор тоннинг қўшиб берилишидир¹. Бу асосан бурун орқали ҳосил бўлувчи сонант талаффузи билан контакт келувчи унлиларда кузатилади. Чунки аввалги товуш артикуляцион рекурсияси кейинги товуш артикуляцион экскурсиясига тенг келади. Шунинг орқасида аввалги товушдаги уннинг давоми кейинги товушга улашиб кетади ва бурун товушининг ҳам резонатор тони кейинги унли резонатор тонига қўшилади. Натижада, унли артикуляциясида ҳам бурун резонатор тони қайд этилади. Шунинг ўзи назализация деб қаралади. Масалан, *пақ* сўзи талаффузида *а* унлиси артикуляциясининг боши бурун резонатор тони қўшилмасидан иборат бўлган. Бу унлига бурун резонатор тони *п* сонанти артикуляциясидан давом сифатида ўтган.

Унлилар назализацияси икки бурун сонанти ўртасида келганда тўла бўлади. Масалан, *пэл* сўзидаги *э* унлиси *п* сонантлари ўртасида келгани учун тўла назализацияга учраган. *п* товуши бурун сонантидир. Лекин буни ўзбек адабий тили учун ҳам, барча ўзбек жонли тиллари учун ҳам меъёр деб бўлмайди. Уни Наманган шеvasида одатий ҳол деб қаралса ҳам, Тошкент ва бошқа шеваларга хос деб айтиш тўғри эмас. Ўзбек тилининг бошқа шеваларида сонант таъсирида унли назализациясининг содир бўлиши анча кучсиз. У Наманган ва унинг атрофидаги айрим туманлар шеvasида одатий ҳол эканлигини С. Отамирзаева ўз монографиясида экспериментлар асосида қайд этган².

Бурун сонанти таъсирида унлида назализация кечиши ўзбек болалари тилида анча кучли кузатилади. Масалан, икки-беш ёшли қизчалар томонидан талаффуз этилган *пыль* сўзининг ҳар икки унлиси ҳам тўла назализацияга учраган бўлади. Бола артикуляциясининг яхши шакланмаганлиги бунинг учун сабабдир. Улар маълум сўзни талаффуз қилар экан, турли акустикага эга ёндош товушларни бир-бирига бирор томони билан мослаштириб кетади. Бу мослаштириш ё ўрин, ё усул, ё акустик томондан бўлиши мумкин.

¹ Қрнз.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – С. 247.

² Қрнз.: Атамирзаева С. Ўша асар. – С. 26.

Унлини бурун сонанти резонатор тонига кўра мослаштириш акустик мослаштириш деб қаралади. Бола шу билан ўз талаффузи учун инстинк ҳолда осонлик туғдирган бўлади. Катталар сўздаги товушлар моҳиятига етганлиги учун, уларнинг артикуляция ўрни ва усулини меъёрида сақлаган ҳолда, акустик хослигини бузмай талаффуз этишга ҳаракат қилади. Чунки коммуникацияда нутқ товушларининг бузилиши деярли маънонинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Назализация француз тилида кучлидир. У ўзбек тилининг Наманган шеvasидагидан ҳам кучли. Сўзда бир бурун сонантининг бўлиши у билан контакт унлининг ва, ҳатто, у билан дистант унлининг ҳам тўла назализацияси учун ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, *bonžur* сўзидаги биринчи бўгин ауслаути бурун сонанти бўлганлиги у билан контакт тил ўрта кўтарилишдаги ўрта кенг кўтарилишдаги *o* унлисини тўла ва кейинги *u* унлисини ҳам назализацияга учратган.

Ўзбек тили меъёридаги назализацияни, турган гапки, бу даража тавсифлаб бўлмайди. Албатта, сўздаги бурун сонанти билан контакт келган ўринда назализация кечади. Бироқ у жуда кучсиз бўлиб, агар кимограмма қайдидаги ҳолатни кузатилса, жуда кам фоизни ташкил этиши кўзга ташланади. Шу билан бирга назализацияга учраган унли бурун сонантига нисбатан контакт жойлашувига кўра интер жойлашуви ўртасида фарқ борлигини унутмаслик керак. Яна назализация ҳодисасини фақат комбинатор ҳолатга кўра содир бўлади, деб ҳисоблаш объективдир.

Нутқ товушларининг тушиши – диереза

Нутқ товушлари нутқни таркиб топтирувчи материалдир. Нутқ ўз қурилишида мана шу материални тежаб сарфлайди. Нутқ товушларининг нутқ кечимидаги мана шу тежами унинг тушиши, яъни диереза ҳодисаси деб қаралади.

Нутқ товушининг тушиши маълум сўзнинг фонетик таркибида ҳам, сўзларнинг сандхи ҳолатида қўлланишида ҳам кузатилади. Шунга кўра, нутқ товушининг тушиши икки кўринишда деб қаралади: 1) нутқ товушининг сўздаги позициясига кўра тушиши, 2) нутқ товушининг сўзларнинг сандхи қўлланишига кўра тушиши.

Нутқ товушининг сўздаги позициясига кўра тушиши уч кўринишда содир бўлади. Булар: а) анкопа, б) синкопа, в) апокопа.

Анкопа

Анкопа сўзнинг анлаути тушишидир. Бу кўпроқ товуш урчиши натижасида юзага чиқади. Кўпгина адабиётларда, айниқса, Ф. А. Абдуллаевнинг, М. М. Миртожиевнинг ишларида, А. Нурмоновнинг номзодлик диссертациясида $c \approx j$ товуш урчишига кўра ўзбек тилида, умуман бутун туркий тилларда ҳам, анлаут тушишининг содир бўлишини яхши ёритиб ўтилган¹. $c \approx j$ урчиши натижасидаги анкопа ўзбек тилида j сирғалувчиси орқали содир бўлади. Масалан: *jbəq* > *brəq*, *jiriŋ* > *iriŋ*, *jəψəs* > *əψəs* каби.

j анкопаси ҳақидаги бу фикр бир қанча сўзлар этимологиясига аниқлик киритади. Масалан, *jbəq* сўзи *cir-* > *çir-* > *žir-* > *jir-+əq* тараққиётига; *jiriŋ* сўзи *ciri-* > *çiri-* > *žiri-* > *jiri-+ŋ* тараққиётига; *jəψəs* сўзи *saq-* > *çaq-* > *žaq-* > *jəq-+əs* тараққиётига эга бўлган, деб фараз қилсак, *brəq* сўзи *jir-* феълига ва ундан товуш тақлидига; *jiriŋ* сўзи *çiŋ-* феълига; *jəψəs* сўзи *saq-* фуълига бориб тақалади. Шунга ўхшаш яна *ьлən* сўзи *çil-* > *žil-* > *jil-+ən* тараққиётига эга эканлигини ҳам кўриш мумкин. Бу ўзбек тилидаги синкопага учрайдиган j ундоши $c > ç > ž > j$ тараққиёти билан келиб чиққанлигини кўрсатади.

Яна $ψ > w$ ва $p > b > w$ урчиши натижасидаги w товуши ҳам анкопага учрайди. Бу ҳам И. А. Батманов, В. В. Решетов ва А. Нурмонов ишларида ўз аксини топган². Масалан, *bol-* > *wol-* > *ol-* тараққиётига эътибор бериш мумкин: *Vu kynlar bəşətməzda bir sahsəb olsa əçəb erməs* (Завқий). Шундан келиб чиқсак, у оломошининг келиб чиқишини *byl* > *wyl* > *yl* > *y* деб кўрсатилиши тўғрироқ бўлади.

Ўзбек тилида тил ўрта жарангсиз сирғалувчи h ундоши анкопаси ҳам бор ҳодисадир. Масалан, *hilwirə-* > *ilwirə* сўзида; *hid* > *id* сўзида худди шу ҳолни кўрамыз³.

Ўзбек тилига араб тилидан сўз ўзлаштириш кечимида сўз бошидаги $ع$ (айн) анкопага учрайди. Масалан, араб тилидан ўзлашган *عشق* (*ʿəşq*) > *əşq*, *عرب* (*ʿarab*) > *arab*, (*عمل* *ʿamal*) > *amal*, *عقول* (*ʿaql*) > *aql* каби бир қатор сўзлар ўзбек тилида анлаут $ع$ (айн)

¹ Қрғ.: Абдуллаев Ф. А. О генезисе джекания в тюркских языках. –С. 52; Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. –Тошкент: Университет, 1998. 81–83–66.; Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1973. –С. 6.

² Қрғ.: Батманов И. А. Фонетическая система современного киргизского языка. –С. 90; Решетов В. В. Узбекский язык. –С. 236; Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. –С. 6.

³ Қрғ.: Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. –С. 6.

ни ташлаган ҳолда қўлланади. Аммо бу сўзларда мазкур товуш ўрнини ўзбек орфоэпик меъёрига кўра унинг рудименти бўлган кнаклаут эгаллаган.

А. Нурмонов ўзининг номзодлик диссертациясида ўзбек тилида унлининг ҳам анкопаси бор эканлигини қайд этади. Бунинг учун, мисол тариқасида Фарғона шеваларида қўлланадиган *сьрψа* ва *ьсьрψа* сўз вариантларини кўрсатади. Унингча, улар *ьсьрψа* > *сьрψа* тараққиётига эга¹. Лекин ўзбек тилида унли анкопасига бошқа мисол келтириб бўлмайди ва у бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ўзбек тилида очиқ бошланган сўз бўғинлари олдида, юқорида қайд этилганидай, кнаклаут берилади ва шу бўғинда ёрдамчи урғу ҳам кузатилади. Бу унли анкопаси учун йўл қўймайди. А.Нурмонов томонидан келтирилган мисолни ҳам анкопа деб эмас, балки протеза деб кўрсатилса, тўғрироқ бўларди.

Синкопа

Синкопа сўзининг инлаутларидан бири ёки бир нечаси тушишидир. Синкопанинг содир бўлиши бир неча сабабга кўра бўлади. Улар: а) урғусизланиш, б) сўздаги қатор ундошни йўқотишга уриниш ва в) интервокал ундошнинг вокаллар таъсирида қолиши кабилардир.

Урғусиз бўғиндаги унлининг тушиб қолиши деярли адабиётларда қайд этилган. Уларда кўрсатилишича, полисилабик сўзларнинг урғусиз қолган бўғинидаги унли синкопага учрайди². Аникроғи, бисилабик сўз кетидан сўз шакли ортирилган, иккинчи бўғиндаги урғу сўз шаклидаги унлига кўчади. Одатда иккинчи бўғинда иккиламчи урғу бўлмайди. Ундан лексик урғу ҳам кетгач, бўғиндаги унли редукцияга учрайди. Редукциянинг кучли содир бўлиши уни синкопага тенг қилиб қўяди. Масалан, *оψьл + ь > оψььь > оψьь, тəwуғ + ь > тəwуғь > тəwуғь* каби.

Бундай синкопалар адабий тил имло меъёрига кўра ёзувда ўз аксини деярли топмайди. Лекин у ўзбек тилининг барча шеваларида кузатилади. Юқоридаги мисолларнинг ҳам биринчиси гарчи адабий тил имло меъёри бўлишига қарамай, иккинчиси адабий тил имло меъёри эмас. Бунинг устига бу сабабга кўра содир бўлувчи синкопа фақат тор унлилар ҳисобига юзага келади. Ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларнинг иккинчи бўғинида ўрта кенг

¹ Крнг.: Нурмонов А. Ўша автореф. – С. 9.

² Крнг.: Нурмонов А. Ўша автореф. – С. 8.

унлилар қўлланмайди. Кенг унлилар иккинчи бўғинда қўлланса ҳам, уларнинг артикуляция торайиши ва редуцияга учраб тушиб қолиши ўзбек тили фонетик қонуниятига хос эмас.

Бизга маълумки, ўзбек тилида, умуман туркий тилларда, сўз бўғинида қатор ундош қўлланиши деярли одатий бўлмаган ҳол. Шунинг учун, маълум сабабларга кўра сўз бўғинида қатор ундош юзага келиб қолса, улардан бири тушуриб қолдирилади, яъни синкопага учрайди. Масалан, *kərk + li > kəkrlī > kəkli > kəhli, arslən > aslən, ert > ət, əltmьs > ətmьs* ва ҳ.к. Бу ҳодиса ҳам адабий тилнинг имло меъёрида ўз ўрнини деярли топмайди. Юқоридаги тўрт мисолнинг ҳам биринчи ва учинчиси адабий тил имло меъёри доирасида бўлиб, қолганлари фақат жонли тилга мансубдир.

Сўз бўғинидаги қўш ундошлардан бирининг тушиши ҳамма вақт ё моносиллабик сўзларда, ё полисиллабик сўзларнинг сўнгги бўғинида кузатилиб, фақат сонантлар ҳисобига бўлади.

Юқорида қайд этилдики, интервокал ундошлар вокаллар таъсирида уларга мослашади ва жарангли ҳам сирғалувчи товушга айланади. Сирғалувчи ундошларнинг яна ҳам кенгроқ артикуляция билан қайд этилиши ўзини қуршаган унлиларга сингиб кетиши бўлади. Чунки унлилар ўз табиатига кўра чўзиқликка мойил бўлиб, постпозициядаги сирғалувчининг кенг артикуляцияси унинг чўзиқлигини таъминлайди. Бунинг учун, унли билан сирғалувчи жарангли ундош тилнинг ё олд, ё орқа қаторида – бир артикуляция ўрнида қайд этилиши шарт. Интервокалликни юзага келтирувчи ундошлар ҳам айни бир ундошнинг ўзи бўлади. Масалан: *ʃaʃal > ʃa:l, naʃal > na:l, baʃaz > ba:z* ва ҳ.к. Бу мисоллардаги интервокалликни юзага келтирувчи бир типдаги тил орқа *a* дан иборат. Интервокал ундош чуқур тил орқа сирғалувчи жарангли *ʃ* ундошидир. Бу ундошнинг кенг артикуляция олиши шу ундошнинг қайд этилиши эмас, уни қуршаб турган тил орқа *a* унлисининг артикуляциясини қўшиб юбориш ва интервокаллик тузилишидаги уч товушни бир чўзиқ *a*: унлиси ҳолатида талаффуз этиш ҳисобланади. Бу тил орқа *a*: унлисининг чўзиқлик даражаси ками 170 мсек.га боради.

Баъзи ҳолатларда интервокалликни юзага келтирувчи ундошларнинг кейингиси тор артикуляцияли бўлиши ҳам мумкин. Бунда кенг унли урғуни ўз устига олиб, кейинги бўғиндаги тор унли редуцияга учрайди ва интервокал ундош кенг талаффуз этилгач, биринчи унли чўзиқлиги таъминланади, постпозициядаги ундош ва унли синкопага учраган бўлади. Масалан, *saʃbr > saʃ^{br}* >

sa:r, oʻʃyl > ʻʃʲl > o:l > yl ва ҳ.к.ларга эътибор бериш мумкин. Яна *бар* сўзининг этимологиясини ҳам худди шу синкопа қонуниятини билан белгиланади. Яъни: *baʃʲr > baʃʲr > ba:r > bar*. Агар интервокал ундош портловчи бўлса, юқорида айтилганидай, у аккомодацияга учрайди ва кейин синкопа содир бўлади. Масалан: *saq+ʲr > saqʲr > caʃʲr > ca:r 'mou'* каби. Юқоридаги мисоллар фақат тил орқа интервокал тузилишида содир бўлган синкопага қаратилди.

Синкопа тил олди интервокал тузилишида ҳам кузатилади. Масалан: *tijin > ti:n, kijim > ki:m, kijik > ki:k* каби. Интевокал ундош *g > j* ҳолатида аккомодацияга учраса ва унлилар тил олди *i* унлисидан иборат бўлса ҳам, юқоридаги каби синкопа содир бўлади: *kigiz > kijiz > ki:z, bigiz > bijiz > bi:z, sigir > sijir > si:r, jigir- > jijir- > ji:r-*. Агар интервокалликни таркиб топтирган лабланган тор у ва интервокалда лаб ундоши *w* бўлса ҳам, синкопа содир бўлади. Масалан: *quwur > qu:r, juwun- > ju:n-, uwan- > uwun- > u:n- > un-* каби. Бунда ҳам унли синкопага учраган чуқур тил орқа ундош ҳисобига чўзиқлик хусусиятини орттиради. Бу чўзиқлик 120 мсек.дан ортиқ вақтни олмайди. Бу бўгин марказининг ёпиқ эканлиги билан боғлиқ. Контакт қўлланган унли ва ундош дифтонг характерида бўлса, улар воситасида таркиб топган интервокал таркибида синкопа содир бўлади. Бунинг учун, унли тил орқа *a* ёки *ə* бўлса, ундош чуқур тил орқа *ʃ*, унли лабланган *y* бўлса, ундош лаб артикуляция ўрнидаги *w*, унли тор *i* ёки *ɤ* бўлса, ундош тил ўрта *j* бўлиши керак. Масалан, *qʲjʲn* сўзидаги унли тил орқа *ɤ* бўлиб, интервокал ундош *j* бўлганлиги учун синкопа кечган. Яъни: *qʲjʲn > qʲ:n*. Лекин бошқа *ʃʲʃʲn, tʲqʲn, jʲʃʲn, əsəl, ʃahar, ərəz, təjənc* каби интервокал ундошли таркибга эга сўзлар синкопага учрамайди.

Апокопа

Апокопа сўзнинг ауслаути тушиб қолишидир. Бу ҳодиса икки сабабга кўра содир бўлади: а) сўз охиридаги қўш ундошдан бирини йўқотишга уриниш ва б) урғули бўгин кетидаги ундошнинг редуцияга учраши.

Юқорида ҳам айтилган эдики, ўз лексикага оид сўзлар бўғинида ундошларнинг қатор келиши деярли одатий ҳол эмас. Маълум фонетик сабабларга кўра у юзага келар экан, уни йўқотишга уриниш ўзбек тилидаги сўзларнинг шаклий тараққиётига хос қонуниятдир. Бу ҳақда ҳам дарсликларда ва А.Нурмоновнинг номзодлик диссертациясида алоҳида тўхтаб ўтилган. Бунда сўз қўш ундош

билан тугайди ва унинг кейингиси тушиб қолади. Масалан, *baland* > *balan*, *gəšt* > *gəš*, *xyrсанд* > *xyrсан*, *ψbst* > *ψbs*, *fərzənd* > *fərzən*, *pəjwənd* > *pəjwən* каби сўзларга эътибор бериш мумкин¹. Сўзда апокопа содир бўлар экан, охириги бўғин унлиси аввалги ҳолатига нисбатан бир мунча чўзиқ талаффуз этилади. Масалан, *fərzənd* сўзнинг кейинги бўғин унлиси 80 мсек. чўзиқликка эга. Унинг *d* ауслаути апокопага учрагач, иккинчи бўғиндаги *ə* унлиси 120 мсек. вақт оладиган бўлган.

Апокопага учраган сўзлар деярли ўзлашган лексикага оид бўлади. Баъзан ўз лексикага оид сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Яъни *tərt* > *tər*, *qərq* > *qər* каби. Лекин бу мисоллар сон туркумига мансуб бўлиб, бошқа туркумларда учрамайди.

Сўзнинг бирор бўғини қўш ундош билан тугар экан, бу қўш ундошнинг кейингиси ҳам, аввалгиси ҳам нутқ оқимида тушиб қолиши мумкин. Агар унинг кейингиси тушиб қолса, апокопа ҳисобланади. Апокопа учун юқорида келтирилган мисолларимизда худди шу кузатилади. Бирор бўғинида қўш ундош келган сўзнинг *ə* синкопаси, *ë* апокопаси учраши тасодифий ҳол эмас. Синкопа содир бўладиган сўзлар деярли полисиллабик бўлиб, қўш ундошли бўғин аввалги позицияда туради. Шунда унинг қўш ундошидан биринчиси тушади, синкопа содир бўлади. Яъни: *kərkli* > *kəkli* > *kəhli* кабиларда. Бундай сўзларда синкопага *r* *ë l* товуши учрайди. Агар сўз полисиллабик бўлса, моносиллабик бўлса ҳам, у қўш ундош билан тугаганда кейингиси, яъни ауслаут тушади, апокопа содир бўлади. Бу кўпроқ ўзлашган лексикага оид сўзларда кузатилиб, қўш ундош *ë nd*, *ë nt*, *ë št* товушларидан таркиб топади: *kent*, *baland*, *gəšt* сўзларидаги каби. *Qərq*, *tərt* каби ўз лексикага оид сўзларда апокопа содир бўлганда, сўз сон туркумида бўлиб, уларнинг лексик урғуси кучли қайд этилади. Бу ундидан кейинги ундошлар редукциясини таъминлайди. Натижада, кейинги ундош редукцияси ниҳоятда кучли бўлиб, нолга тенг келади, апокопа кузатилади. Бироқ бундай мисолни бошқа туркумда ва бошқа учратиш мумкин эмас.

Полисиллабик ва баъзан моносиллабик сўзларнинг сўнгги унлиси кучли талаффуз этилиши постпозициядаги ундошнинг апокопиясига олиб келади. Бу ундошлар қуйидагилардан иборат.

1) *r* сонанти бўлиб, у кўплик аффиксининг ауслаутидир. Масалан: *qəzlar* > *qəzla:*, *qərlar* > *qərla:*, *bəlalar* > *bəlla:* каби. Айрим шеваларда ўзак ауслаути бўлган *r* сонанти ҳам апокопага учрайди. Масалан, Тошкент шевасидаги *bər* > *wə:*, *takrər* > *takrə:* ва ҳ.к.

¹ Қриг.: Нурмонов А. Ўша автореф. – С. 24.

2) *j* сирғалувчиси бўлиб, полисиллабик сўзлар ауслаутида апокопага учрайди. Масалан: *əbroj* > *əbro:*, *syrnəj* > *syrnə:*, *naswəj* > *naswə:* ва ҳ.к.

3) *h* бўғиз сирғалувчиси бўлиб, фақат ўзлашган лексикага оид сўзлар ауслаути сифатида апокопага учрайди. Масалан: *hamrəh* > *hamrə:*, *gəh-gəh* > *gə:-gə:*, *guwəh* > *guwə:*, *nykəh* > *nykə:* ва ҳ.к.

Бу ауслаут ундошлар асосан жонли тилда қайд этилиб, адабий тилда камдан-кам кузатилади. Бунинг устига фақат *r* сонантининг апокопаси ўз лексикага мансуб сўзларга мансуб бўлиб, *j* ва *h* сирғалувчиларининг апокопаси асосан ўзлашган лексикага мансуб сўзларга хосдир. Яна туб феъллар ауслаути бўлган *l* сонанти ҳам апокопага учраши кузатилади. Масалан: *qəl-* > *qə:*, *kel-* > *ke:*, *qbl* > *qə:* ва ҳ.к. Юқоридаги сўзларнинг апокопасидан кейин ҳам очик қолган сўнгги бўғин унлиси чўзиқ талаффуз этилади. Улар, ҳатто, 170 мсек.гача чўзиқ бўлади.

Бу ҳодиса фақат ўзбек тилида эмас, деярли туркий тилларда ҳам кузатилади. Лекин бу ҳам жонли тилда қайд этилади.

Нутқ товушларининг тушиши сўзларнинг сандхи қўлланишидаги кечимига кўра икки кўринишга бўлинади: а) афирезис ва б) элизия.

Афирезис

Афирезис сандхи қўлланган икки сўздан биринчисининг ауслаути таъсирида иккинчисининг анлаути тушишидир. Бу фонетик ҳодиса ўзбек тили фактлари асосида фақат А. Нурмоновнинг номзодлик диссертациясида қайд этилган бўлиб, тилда жуда нофаол эканлиги айтилган¹. Афирезис фақат анлаут унлида кузатилиб, ундошларда кечмайди. Чунки ундош билан тутаган сўз кетидан ундош билан бўшланувчи сўз келар экан, аввало улар сандхи қўлланиши мумкин эмас. Биринчи сўзнинг охирги ва иккинчи сўзнинг олд бўғини контакт келар экан, уларнинг туташ ўринларининг ёпиқ бўлиши уларнинг қўшилиб талаффуз этилишига имкон бермайди. Бундай ҳолда икки бўғин ўртасида бирор товуш қисқаришининг содир бўлиши мантиққа сиғишмайди.

Афирезис ўзбек тилидаги сандхи қўлланган сўзларнинг саноклиларида кузатилади. Масалан, хотин-қизлар номининг *a* ёки *ə* ауслаутлилари *əra* сўзи билан сандхи қўлланганида кўриш мумкин: *Kərimə əra* > *Kəriməpə*, *Səlimə əra* > *Səliməpə*, *Məhəra əra* >

¹ Қриг.: Нурмонов А. Ўша автореф. –С. 25.

Məhrapa ва ҳ.к. Худди шунга ўхшаш афирезисни а ёки э ауслаути сўз *əta* сўзи билан сандхи қўлланганида ҳам кузатилади. *kəttə əta > kəttətə*, *Toxta əta > Toxtata* ва ҳ.к. Ўзбек тилидаги *əka* сўзи Тошкент шеvasида *əka* вариантыда талаффуз этилади. У ҳам а ауслаути сўз билан сандхи қўлланганида анлаути афирезисга учрайди: *keŋçə əka > keŋçəkə*, *mylla əka > myllaka* ва ҳ.к. Лекин а ауслаути сўз билан *əna* ва *əjb* сўзлари сандхи қўлланар экан, афирезис кузатилмайди. Чунки ундаги кейинги сўзнинг анлаути бўлган э унлиси сақланиб қолади: *kət:ə əjb > kat:əjb* каби.

Ўзбек тилида ауслаути унли бўлган сўз билан анлаути унли бўлган сўз сандхи қўлланса ҳам, афирезис содир бўлади. Масалан: *ne усун > несун*, *ryckā ilə ryckə-lə*, *bəla eməs > bəlamas* каби. Бундай ҳолларда биринчи сўзнинг ауслаути иккинчи сўзнинг анлаутига нисбатан кенг унли бўлади. Шу билан бирга иккинчи сўз денотатив ифодали бўлмай, коннотатив ифода беради ва анлаутсиз қўлланганда ҳам ўз семантик қимматини сақлаб қолаверади. У анлаутсиз варианты билан нутқда кенг қўлланиш хусусиятига эгаллиги кузатилади. Яъни: *усун > сун*, *ilə > -lə*, *eməs > -mas* каби. Бу уларнинг бошқа сўзлар билан постпозицияда сандхи ҳолда қўлланганда афирезисга учраши учун имконият ҳисобланади. Агар коннотатив ифодали сўз анлаут унлисини ташлаб ўз семантик қимматини сақлаб қола билмаса, яъни мазкур коннотатив мазмун учун сўзнинг анлаутсиз қўлланган варианты – қолган товушлари шакл вазифасини ўтамаса, у бошқа анлаути унли бўлган сўз билан постпозицияда сандхи қўлланишига қарамай, афирезисга учрамайди. Масалан, *aw:al*, *γzrə*, *ilgəri* кўмакчилари худди шундай: *kəsə γzrə*, *çydə ilgəri*, *ətə aw:al* каби сандхи қўлланган сўзларда афирезис кузатилмайди.

Сандхи қўлланган сўзлардан биринчисининг ауслаути *j* ундоши, иккинчисининг анлаути *i* ёки *ь* унлиси бўлса ҳам, афирезис кузатилади. Аммо ҳодисанинг шу таркибда содир бўлиши жуда кам.

Сандхи қўлланган сўзлардан бирининг ауслаути, иккинчиси бир хил товушдан иборат бўлиб, бири диерезага учраши мумкин. Бироқ у синерезис ҳодисаси бўлиб, у ҳақда кейин тўхталамиз.

Элизия

Элизия сандхи қўлланган икки сўздан иккинчисининг анлаути таъсирида биринчисининг ауслаути тушишидир. Бу фонетик ҳодиса ҳам ўзбек тили фактлари асосида фақат А.Нурмоновнинг номзодлик диссертациясида қайд этилиб, анча тўла таҳлил этиб

берилган. Элизия фақат ауслаут унлида кузатилиб, ундошларда кечмайди. Бу ҳам ауслаути ундош қўлланган сўз билан анлаути унли бўлган сўз сандхи қўлланмаслиги орқали изоҳланади.

Элизия ўзбек тилида анча кенг тарқалган. А.Нурмонов шу фонетик ҳодисанинг афирезисга нисбатан анча фаол эканлигини далиллар асосида, унинг асосларини кўрсатиб, таҳлиллар келтириб ўтган¹. Шунга қарамасдан бу ҳодиса сандхи қўлланган сўз жуфтликларининг айрим кўринишли таркибга эгаларидагина кузатилади. Масалан, *-а ёки -э сўз шаклига эга равишдошлар* *əlməq* кўмакчи феъли билан келганда элизия содир бўлади: *kərə əlməq > kərəlməq, əla əlməq > ələlməq, səda əlməq > sədəlməq* ва ҳ.к.² Бу ўринда элизия препозициядаги етакчи феъlining постпозициядаги кўмакчи феъл анлаутига сингиши ҳисобига содир бўлган. Элизияда кўмакчи феълнинг сақланган э анлаути етакчи феълнинг сингирилган *а* ауслаути ҳисобига чўзиқ қўлланади. Масалан, *əla əlməq > ələlməq* элизиясида кейинги э унлиси энг тез талаффузида ҳам 130 мсек. чўзиқлик, меъерий тезликка эга нутқда 180 мсек. чўзиқ вақт олади. Ваҳоланки, қолган унлилар талаффузи шу сўзда 80 мсек.дан ортиқ вақт олмаган. Ҳар қандай элизияга хос хусусият шуки, туширилган унли ҳисобига сақланган унли чўзиқлиги ортади. Бу ортган чўзиқлик тушган унлига кетиши керак бўлган вақт рудименти бўлиши керак. Аммо бу афирезисда кузатилмайди. Элизиянинг афирезисдан фарқли хусусиятларидан бири – шу.

Шуни ҳам айтиш керакки, *-а* шакли феъл бошқа бир унли билан бошланган феълга препозицияда бирикиб келса, элизия кузатилмайди. Чунки бу ўриндаги бирикманинг ўзи сандхи ҳолатда қўлланмайди. Элизия фақат сўзларнинг сандхи қўлланиши билан боғли ҳолда содир бўлади. Масалан: *bəlanʁ bəra əldə, ornʁdan tʁə ət:i, stylga bəra ətirdi*. Бу мисоллардаги феъл жуфтликларининг семантик коммуникацияси уларнинг сандхи қўлланмаслиги билан боғли ҳолда амалга ошади.

Сандхи қўлланган сўз жуфтлигидан биринчисининг ауслаути тор унли ва иккинчисининг анлаути унга нисбатан кенг унли бўлса, элизия кузатилади. Бунда препозициядаги сўз от туркумида, постпозициядаги сўз феъл туркумида бўлади. Масалан: *qajʁ ʁtməq > qajʁtməq, qozʁ əlməq > qozəlməq, səbzɪ ʁctməq > səbzərcməq, ʁəlb ʁtməq > ʁələrməq* ва ҳ.к. Препозициядаги от туркумига мансуб сўз маълум сўз шакли билан қўлланганда ҳам, у тор унлидан иборат

¹ Қрғ.: Нурмонов А. Ўша автореф. –С. 25.

² Қрғ.: Нурмонов А. Ўша автореф. Ўша бет.

ауслаутга эга бўлса, элизия содир бўлади: *kitəbni əlməq > kitəbnəl-təq, kəcətni ektəq > kəcətnektəq* ва ҳ.к. Агар препозициядаги сўз *а* ёки *э* ауслаутига эга бўлиб, постпозициядаги феъл *э* анлаутли бўлса, элизия содир бўлади: *wa' da əlməq > wa'dəlməq, bedənə ətməq > bedə-nətməq, tewə əqməq > tewəqməq* ва ҳ.к. Бу ўринда гарчи *а* ва *э* унлилари кенг ҳисобланса ҳам, *э* унлиси ўзининг очиқлиги билан унга нисбатан устун туради.

Сандхи қўлланган сўз жуфтлигидан биринчисининг ауслаути иккинчи сўзнинг анлаутига нисбатан кенг унли бўлса, элизия содир бўлмайди. Масалан, *bedə ərməq, bəzə ictəq, əlma ektəq* каби сўзлари сандхи қўлланган бирикмаларга эътибор бериш мумкин. Улардаги препозицияда турган сўзнинг ауслаути ҳам, постпозицияда турган сўзнинг анлаути ҳам талаффузда редукцияга учраган ҳолда сақланади. Бироқ препозициядаги сўз анлаути рекурсияси билан постпозициядаги сўз анлаути экскурсияси айнан бир кечимни таркиб топтирган. Буни шу икки унли артикуляция кечими билан изоҳлаш жоиз. Чунки кенг унли артикуляцияси нисбатан тор унли артикуляцияси экскурсияси сифатида йўқолиб кета олмайди. Аксинча бўлиши мумкин эди. Бироқ постпозицияда бўлган сўзнинг коммуникациядаги семантик қимматини сақлаш шунга боғлиқ бўлганлиги учун афирезис имконияти ҳам юзага чиқмаган.

Сандхи қўлланган сўз жуфтлигидан биринчи сўз ҳам, иккинчи сўз ҳам от туркумига мансуб бўлиши мумкин. Бунда ҳам улардан препозициядаги сўзнинг ауслаути постпозициядаги сўзнинг анлаутига нисбатан тор унли бўлса, элизия содир бўлади. Масалан: *Vahr' əj' > Vahrəj', qər' ək' > qərəkə, ecki eti > ecketi, behi ətin > behətin* ва ҳ.к. Бу бирикмалардаги препозицияда келган сўзлар ауслаути тор *i* унлисидан иборат. Постпозицияда келган сўзлар анлаути *ё* кенг, *ё* ўрта кенг унлидир ва шунинг учун элизия содир бўлган, яъни *i* унлиси тушиб қолган. Элизия бундай бирикмаларда бошқа товуш ҳисобига содир бўлмайди. Чунки ўрта кенг товушлар ўзбек тилида сўз ауслаути сифатида келмайди ва тор лабланган унли ҳам ўзбекча сўзлар ауслаути учун унча хос эмас.

Сандхи қўлланган сўз жуфтлигидан биринчи сўз сифат, иккинчи сўз от бўлиб, препозициядаги сўз ауслаути тор, постпозициядаги сўз анлаути унга нисбатан кенг унли ҳолатида келса ҳам, элизия содир бўлади. Масалан: *eski əjri > eskəjri, qar' eşək > qarəşək, tənti ədam > təntədam* ва ҳ.к. Бу ўринда ҳам шуни айтиш керакки, сандхи қўлланган сўз жуфтлигидан препозициядаги сўз ауслаути кенг, постпозициядаги

сўз анлаути тор унли бўлса, элизия содир бўлмайди. Масалан, *ола ески, арава оғ* каби бирикмалар талаффузига эътибор бериш мумкин.

Элизия композиция усулида сўз ясалишида ҳам кузатилади. Масалан, *ескетар < ески етар* сўзининг ясалишига эътибор бериш мумкин. Бунда препозицияда келган компонентнинг ауслаути постпозицияда келган компонентнинг анлаути таъсирида элизияга учраган.

Элизия сандхи қўлланган сўз жуфтлигидан препозицияда қўлланган сўзнинг ауслаутида постпозицияда қўлланган сўзнинг *ј* жаранглиси таъсири билан содир бўлиши мумкин. Бунда препозициядаги сўзнинг ауслаути *і* ёки *ь* унлиси бўлади. Одатда *і* ёки *ь* унлиси билан *ј* жаранглиси контакт қўлланса, дифтонг ҳисобланади. Ўзбек тилига хос бўлмаган дифтонгни коммуникацияда йўқотишга уриниш ва сандхи қўлланган сўзларнинг урғуси ягона ҳолга келиб, урғусиз бўгин унлиларининг редукцияга учраши дифтонг *ij* нинг қисқа *і* унлиси, яъни *ј* ундоши ҳолида талаффузига олиб келади. Масалан: *fe'li jətən > fe'ljətən, jəs:i jol > jəs:jol* ва ҳ.к. Элизиянинг бу кўринишини XV асрнинг буюк шоири А. Навоий ҳам тўғри англай билган ва ўз шеърида тўғри акс эттирган: *Xasta Nawəyjən təkib qənyə, Qollarəga qojdʒ xənə jəli-jəli*.

Бу шеърдаги ўлчовни таҳлил қилиб чиқилса, шоир элизияни қанчали ҳисобга ола билганлиги кўринади. У *myftəilyn myftəilyn fəbylun* рукни билан ёзилган. Бунинг учун унинг биринчи мисрасига эътибор бериш керак. Унинг *xasta nawə* қисми 1-, *yjn təkib* қисми 2- *myftəilyn* рукнига тўғри келиб, *qənyə* қисми *fəbylun* рукнига мосдир. Унинг иккинчи мисраси ҳам шу рукнларга мувофиқдир. Яъни *qollarəga* қисми 1-, *qojdʒ xənə* қисми 2- *myftəilyn* рукнига тўғри келади ва *jəli-jəli* қисми ҳам *fəbylun* рукни билан мос келиши керак. Бироқ *jəli-jəli* радифи тўрт бўгин. Худди шу ўринда шоир элизия ҳодисасини тўғри ҳисобга ола билган. У *jəli-jəli* жуфт сўзининг биринчи компоненти ауслаути бўлган *і* унлиси иккинчи компоненти анлаути бўлган *ј* ундошига сингишини ҳисобга олиб, *fəbylun* рукнига сиғдирган. Натижада, иккинчи мисра вазни биринчи мисра вазнига мос келган. А. Навоий бу ўринда сўзларнинг коммуникатив талаффузи билан шеър мисрасини тузган. Бу шеър оҳангининг табиийлигини таъминлаган.

Элизия ўзбек тилининг имло меъёри нуқтаи назари билан ўлчанади. Бу унинг барча фактларига ҳам тааллуқлидир. Аммо ундан айримлари ўзбек имлосида қайд этилса-да, айримлари қайд этилмайди.

Гаплогология

Гаплогология сўздаги икки бир хил фонетик таркибли бўгинлардан бирини тушириб талаффуз этишдир. Бу композиция усули билан сўз яшаш кечимида юзага келади. Масалан, *qajъn* ва *ini* негизларидан қўшма сўз ясалар экан, у қуйидагича фонетик кечимни ўтади: *qajъn+ini* > *qajъnini* > *qajъnini* > *qajъni*. Яъни икки негиз ўзаро қўшилгач, биринчи компонентнинг урғусизланган иккинчи бўгини тўла редукцияга – синкопага учради. Кейин ясалган қўшма сўзнинг 2- ва 3-бўгини бир хил фонетик таркибга эга бўлди. Бу бўгинлар ундош ва унайдан иборат *ni* товушлари эди. Бу бўгинлардан бири қисқарди, гаплогология содир бўлди. Бунда композицион сўз яшаш биринчи ҳодиса бўлиб, кейин синкопа ва охири гаплогология содир бўлиши тил тежами талаби билан амалга ошди. Бу нутқий коммуникация натижасидир. Унинг тил фактидаги қайди ундан ҳам кейинги ҳодиса деб ҳисобланади. У кўпинча нутқ фактларида кузатилса ҳам, унда қайд этилмай қолиши кўп учрайди.

Гаплогология кўпроқ водийдаги ҳам қарлуқ, ҳам қипчоқ шеваларида қариндош-уруғчилик терминларида кузатилади. Масалан, Фарғона вилоятининг бувайда туман қипчоқларида *qajъn* эна, *kattâ* эта қариндош-уруғчилик терминлари қуйидагича фонетик ўзгаришга учраган: *qajъn* эна > *qajъnэна* > *qajъnэна* > *qajъna*, *kattâ* эта > *kattâta* > *kattâ*¹. Булардан биринчи мисолда композицион усулда сўз яшаш бўлиб, сингармонизм ҳам кечган, кейин гаплогология содир бўлган. Иккинчи мисолда қайд этилишича, композицион усулда сўз ясалгач, афирезис ҳам кузатилган ва кейин гаплогология содир бўлган. Гаплогологияга оид бу икки мисол Балиқчи туманидаги қарлуқ шеvasида ҳам кузатилади².

Хоразм шеvasида *bibi* қариндош-уруғчилик термини ҳам киши номига қўшилиб қўлланганда гаплогологияга учрайди. Яъни: *Эппэ bibi* > *Эппэbi* каби. Лекин бу мисолдаги гаплогология юқорида қайд этилган мисоллардаги гаплогологияга нисбатан ўз фарқига эга. Юқоридаги мисолларда берилган гаплогология имконияти композиция кечимидан келиб чиқади. Бунда икки негизнинг қўшилишидан ясалган қўшма сўз бир хил фонетик таркибли икки бўгинга эга бўлса, *Эппэbi* сўзидаги гаплогология қўшма сўз ясалмасидан аввал иккинчи компонентнинг ўзида юзага келган бўлади. Бу мисолдаги

¹ Қрғн.: Нурмонов А. Гаплогология // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1972. 2-6.

² Қрғн.: Нурмонов А. Ўша автореф. –С. 23.

гаплогология Фаргона водийсининг қарлуқ шеваларида ва Тошкент шевасида ҳам кузатилади. Бироқ Тошкент шевасида гаплогологиядан кейинги сақланган бўгин унлиси лабланган тор унлидир. Яъни: *Məhrabyu*. Аммо бу сақланган бўгин анлаути лаб ундошининг таъсири натижасидир.

Ўзбек тилидаги киши номлари композицион ясашидан ташқарида ҳам гаплогологияга учрайди. Масалан: *Muhammad* > *Mahamad* > *Mamad* > *mat*. каби. Бу номдаги фонетик ўзгаришнинг охири гаплогологияга оиддир. Бироқ уларнинг гаплогология содир бўлган варианты қўшма отларга компонент сифатида кетига илова этилади. Масалан: *Mamatkarim* > *Mətkərim*, *Mamarasyl* > *Mərasyl* каби. Кейинги мисол кўпроқ Фаргона водийси шеваларида қўлланади.

Айрим сўзлардаги редукцияга кўра содир бўлган синкопа ҳам гаплогологияга ўхшаб кетади. Бу ўринда шу икки ҳодисани ўзаро фарқлаш керак. Яъни *bəla* сўзининг кўплиги бўлган *bəlalər* сўзи ноль шаклда келгандай талаффуз этилиши ҳам мумкин. Лекин у гаплогология деб қаралмайди: *bəlalər* > *bəlla* > *bəla* каби. Одатда кўплик шакли *-lar* бўлса ҳам, жонли тилда деярли *-la* вариантыда қўлланади. Ундан кейинги *bəlala* сўзининг *bəla* ҳолатида фонетик ўзгариш билан қўлланиши гаплогология деб қаралади. Аммо бу фонетик кечим гаплогологиядан фарқли ҳолда кечган. Бунда лексик урғу кўплик шаклига сурилганлиги учун, иккинчи бўгин урғусиз қолиб, унлиси синкопага учраган: *bəlala* > *bəlla* ҳолатида. Натижада, синкопага учраган *a* унлисини қуршаб турган *l* сонантлари контакт ҳолга келиб чўзиқ, геминат ундошни шаклантирди. Геминатнинг дегеминацияси яна бир *l* ундошини йўққа чиқарган: *bəlla* > *bəla* ҳолатида. Адабий тил меъёридаги *bəlalər* сўзидагига нисбатан жонли тилдаги бу *bəla* фонетик вариантнинг ҳосил бўлиши гаплогологияга ўхшаса ҳам, ундаги фонетик кечим гаплогологияга хос эмас.

Кўпгина ўзбек тилига оид адабиётларда гаплогология учун *munerāl+ø+ləgujā* > *munerələgujā*, *trāguk+ø+kəmedujā*, *mərɸ+ø+fənələgujā* каби бир қатор мисолларни келтирадилар. Ўзбек тилига оид асарларда гаплогологияга ўз лексика доирасида негадир мисол берилмайди. Бу мисолдаги фонетик кечим ҳақиқатда ҳам гаплогологияга хос. Бу сўздаги гаплогология содир бўлгандан кейин ўзбек тилига тайёр ҳолда, сўнгги фонетик таркиби билан қабул қилинган. Бу, албатта, кам.

Нутқ товушларининг чўзиқликка кўра тараққиёти

Нутқ товушлари артикуляцияси уч фазани кечади, деб кўрсатилган эди. Улар экскурсия, кечим ва рекурсиядан иборат. Бу уч фаза бирин-кетин тўхтовсиз кечади. Нутқнинг айрим ўринларида айрим нутқ товушлари артикуляцияси кечимининг маълум дақиқа туриши бўлиб, у чўзиқроқ қайд этилади. Бу нутқ бирлиги фонетик таркибига хос материал хусусияти бўлиб, коммуникация талаби билан боғли вазифа бажаради. Шу вазифа сабабли у яна чўзиқлигини йўқотиши ҳам мумкин. Шу нуктаи назардан нутқ товушларининг чўзиқликка кўра тараққиёти икки қарама-қарши кутбга бўлинади: 1) нутқ товушларининг чўзиқликка ўтиши, 2) нутқ товушларининг чўзиқликни йўқотиши.

Нутқ товушининг чўзиқликка ўтиши – геминация

Нутқ товушларининг чўзиқликка ўтишини тилшуносликда фақат ундошларга хос ҳолиса деб талқин қилинади ва у г е м и н а - ц и я термини билан аталади. Умуман туркий тиллардаги геминация ҳақидаги фикрлар дастлаб Н.К.Дмитриев томонидан айтилган¹. Ўзбек тилидаги геминация В.В.Решетов, А.Н.Кононов, И.А.Киссен, А.Ғ.Ғуломов, Ф.А.Абдуллаев томониданоқ тилга олинган² ва деярли хусусиятлари таҳлил этилган. Ўзбек тилидаги геминация ҳар томонлама А.Нурмоновнинг номзодлик диссертациясида таҳлил қилиб берилган³. Бу адабиёт ва илмий ишларда қайд этилишича, геминация икки сабабга кўра содир бўлади.

1) Сўз морфемаларининг қўшилиши ўрнида геминация кузатилади. Бунда биринчи морфеманинг ауслаути билан кейинги морфеманинг анлаути бир хил товушдан иборат бўлади. Масалан: *пэп+нь > пэппь, қэп+нь > қэппь, јэп+нь > јэппь, сэп+нь > сэппь, җэп+нь > җэппь* ва ҳ.к. Бу ўринда *п* ауслаутли ўзакка *п* анлаутли

¹ Крнг.: Дмитриев Н. К. Двойные согласные в тюркских языках // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. I. –М., 1955. –С. 261–264.

² Крнг.: Решетов В. В. Фонетическая структура слова // Ученые записки. Вып. XII. –Ташкент: Фан, 1959. –С. 23; Гулямов А. Г. Проблемы исторического словообразования в узбекском языке. Рукопис. дисс. ... докт. филол. наук. –Ташкент, 1958. –С. 122; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С. 34; Киссен И. А. Краткий очерк фонетики русского языка в сопоставлении с фонетикой узбекского языка. –Ташкент. 1952. –С. 35; Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмских говоров. –Ташкент: Фан, 1967. –С. 121–135.

³ Крнг.: Нурманов А. Ўша автореф. –С. 12–14.

тушум келишиги кўшилган ва сўзда *n* геминати юзага келган. Агар сўз ўзаги *d* ундошидан иборат ауслаутли бўлса, унга чиқиш ёки ўрин келишиги кўшилиб, *d* геминатини таркиб топтиради. Масалан: *Begəbəd+dan > Begəbəddan, bəd+dan > bəddan, jəd+dan > jəddan, dyd+dan > dyddan; Begəbəd+da > Begəbədda, bəd+da > bədda, jəd+da > jədda, dyd+da > dydda* ва ҳ.к. Жўналиш келишиги геминация учун сабаб бўлганда ўзак ауслаути *g* товушидан иборат бўлади. Масалан: *bərg+gə > bərggə, dyg+gə > dyggə, geəlgə+gə > geəlggə* ва ҳ.к.

Геминацияни бошқа туркумга мансуб сўзлар аффиксацияси ҳам юзага келтиради. Масалан, сифат туркумида *tys+siz > tyssiz, is+siz > issiz, səs+siz > səssiz, aql+lə > aqllə, jol+lə > jollə, qyl+lə > qyllə*; феъл туркумида *tyrt+tir > tyrttir, tərt+tər > tərttir, cek+kiz > cekkiz, əq+qəz > əqqəz, tək+kiz > təkkiz, taq+qəz > taqqəz* ва ҳ.к. Яна шуни эслатишга тўғри келадик, айрим адабиётларда *tyttən, ətta* каби талаффуз меъёрларини ассимиляция натижаси деб кўрсатилади. Бу қараш шу сўзлар шу шакли билан *tytdən, ətda* ҳолида ёзилиши ва шу имло меъёрига эғалигидан келиб чиққан. Маълумки, ўзбек тили имлоси морфологик принципга асослангани учун, кўпгина аффикслар бир хил ёзув вариантыда имло меъёри деб қабул қилинган. Аслида кўпгина аффикслар бир неча фонетик вариантга эга бўлиб, улар ўзак ауслаутига нисбатан мослари қабул қилинган. Булар талаффуз меъёрида ўз аксини топса-да, имло меъёрига кўра баъзан ўзича қайд этилмай қолган. Масалан, юқоридаги *tyttən, əttən* сўзлари аффиксациясидаги каби. Шунга ўхшаш яна *təkka, tykka, hədikka* сўзларидаги *-ka; əqqa, qəşləqqa, qorəqqa* сўзларидаги *-qa* жўналиш келишиги *-ga* нинг вариантларидир. Яна сифатдош шакли *-gan ekkən, cekkən, tykkən* сўзларида *-kən; əqqan, jəqqan, uqqan* сўзларида *-qan* варианты билан қўлланган. Бундай ўринларда морфемалар кўшилгач, контакт келган товушлар ассимиляцияси натижаси эмас, ўзак морфема ауслаути билан ёрдамчи морфема анлаути бир хил бўлганлиги учун геминация содир бўлган, деб қаралади.

Морфемалар кўшилиши ва ўзак морфема ауслаути билан ёрдамчи морфема анлаути ўртасида ассимиляция кечиши натижасида ҳам геминация юзага келади. Масалан, *bəψ, tʏψ, səψ, əψ, tʏψ* каби сўзларга жўналиш келишиги аффиксининг *-қа* варианты кўшилади. Чунки шу сўзларнинг ауслаути чуқур тил орқа товушидир. Шунингдек, бу сўзлар жўналиш келишигини чуқур тил орқа анлаути билан талаб қилади. Яъни: *bəψ+qa, tʏψ+qa, səψ+qa, əψ+qa, tʏψ+qa* каби. Кейин морфемалар кўшилиши билан контакт келган товушлар бир

хиллашиб олади, ассимиляция содир бўлади. Эътибор беринг: *bəq-qa, tyqqa, əqqa, tьqqa, səqqa* каби. Бу ҳодиса сон туркумида ҳам *bir+ta > bitta*, *γc+tələri > γccələri* каби; олмош туркумида ҳам *biz+ni > bizzi*, *əz+ni > əzzi*, *siz+ni > sizzi* каби; сифат туркумида ҳам *bəʃ+səz > bəssəz*, *tis+siz > tissiz*, *tyz+siz > tyssiz*, *jyz+siz > jyssiz* каби кузатиш мумкин.

Юқоридагича икки морфема қўшилиши ўрнида юзага келган геминацияни тилшуносликда товушларнинг иккиланиши деб ҳам аталади. Бунда икки морфемага оид икки бир хил товуш қўшилганлигини, яна икки товушдан бирининг ассимиляциясини эътиборда тутилади. Яъни, ҳар қандай ҳолда ҳам, икки морфемага оид икки бир хил товуш бор, айтиб бериш товуш бир сўз таркибида иккиланиб, деб қаралади¹. Товушлар артикуляцияси нуқтаи назардан қараганда бундай эмас. Товушлар артикуляцияси экскурсия, кечим ва рекурсия босқичларига бўлинади, деб кўрсатилган эди. Сўздаги бирор товуш билан кейинги товуш аввалгисининг артикуляцион рекурсияси билан кейингисининг артикуляцион экскурсияси бирга ўтиши орқали ажралиб туради. Геминатларни бундай иккига ажратиш талаффуз этирувчи артикуляцион экскурсия ва рекурсия воситалари йўқ. Геминатлар ҳам барча товушларга ўхшаш артикуляцион экскурсия ва кечимга, охири рекурсияга эга. Бироқ унинг артикуляцион кечими давомийроқ ҳолда бўлади. Шу билан унинг артикуляцияси бошқа товушларнинг артикуляциясидан фарқ қилади. Бу унинг чўзиқ талаффуз этилишини таъминлайди. Геминация икки бир хил ундош чатишиб, бир чўзиқ ундошга келишини кўрсатувчи яна бир фонетик хусусият бор бўлиб, бу товушлардаги баландликнинг қандай қайд этилишидир. Китобнинг “Силлабика” бобида кўрсатилганидай, ундошнинг бўғиндаги унли билан контакт томони баланд, акс томони паст бўлади. Одатда бўғинлар марказида унли бўлиб, у бўғиннинг баланд талаффуз этиладиган нуқтаси ҳисобланади. Бўғин паст талаффуз билан бошланиб, марказида баланд ва охирида паст талаффузга кўчиб тугайди. Кейинги бўғинлар ҳам шу характерда давом этади. Шунга кўра, ҳар қандай ундош нутқда бир баланд ва бир паст талаффуз этиладиган томонларига эга бўлади. Геминатлар ўзбек тилида интервокал позицияда қўлланади. Шундай бўлгач, унинг бошланиш ва охири баланд бўлиб, ўртаси паст талаффуз этилади. Шу нуқтаи назардан геминатларни француз лингвисти М. Граммон икки баландликка эга товушлар, деб атаган. Рус тилшуноси Л. В. Шчерба

¹ Қрғн.: Кононов А. Н. Ўша асар. – С. 34.

ҳам унинг фикрини қувватлаб чиққан. Кўринадики геминатлар икки товуш эмас, балки икки баландлиги бўлган бир товушдир.

2) Сўзга экспрессивлик бериш ёки семантика учун унинг ўзагидаги интервокал ундош геминацияга учратилади. Бу кўпроқ белги ифодаловчи сўзларда кузатилади. Белги ифодаси сифат, равиш ва феъл туркумига оид сўзларда бўлади.

Ифодада экспрессивлик бериш ёки семантик оттенка илова қилиш нутққа хос бўлиб, унга нутқ кечимида эришиш мумкин. Бироқ шунга қарамай, тил фактларида ҳам геминация воситасида сўзга экспрессивлик берилган ва семантик оттенка илова қилинганлик ўринлари бор. Масалан, сифат туркумига оид *qattʔq, issiq, sassʔq, çiqçq, aʃʃʔq* сўзларининг ясалиши асли *-ʔq* ва *-a* сифат ясовчиси ҳисобига бўлган. Шундай бўлгач, ясама сўз *qʔʔq, ʔʃʔq, sasʔq, çiqç, aʃʃʔq* фонетик таркибига эга бўлиши керак эди. Бироқ бу сўзлар семантикаси ўзақдан англашилган ҳолатга кирганлик ифодасини берган бўларди. Яъни *bʔkik, egik, qyruq, uʔʔq, sʔkik, tola, bola* сўзларининг ясалишига ўхшаш. Бу сўзларнинг ҳолат белгисини ифода этишига нисбатан юқоридаги *qattʔq, issiq, aʃʃʔq, çiqçq* сўзларининг ҳолат белгисини ифода этиши кучли, интенсиф ва субъектив муносабат англаштиш хусусиятига эга. Бунинг учун шу сўзлардаги интервокал ундошларнинг геминацияси аҳамият касб этган.

Феъл туркумига оид сўзларда ҳам интервокал ундошлар геминацияси содир бўлиб, у ҳам сўзда семантик ифода ўзгаришини юзага келтиради. Масалан, *jiltira- > jiltilla-, qaltʔra- > qaltʔlla-, gʔrkira- > gʔrkillʔ, çʔrqʔra- > çʔrqʔlla-, ʃarqʔra- > ʃarqʔlla-* сўзларида ҳам интервокал ундош геминацияга учраган. Бироқ бу сўзлардаги геминация *r* ундошида кечиб, кейин товуш давомийлигини қулай талаффуз этиш талабига кўра *l* ундоши билан алмашган. Бу ўриндаги ясама феъл ўзақдан англашилган тақдир ёки тасвирга кириш кечимини ифода этади. Интервокал ундошнинг геминацияси шу кечимнинг давомий ёки такрорий эканлигини кўрсатади. Бу геминацияни ундошнинг иккиланиши деб бўлмайди. Чунки у ҳаракатнинг давомийлиги, такрорийлигини кўрсатувчи фонетик символ вазифасини ўтовчи, кўрсатувчи товуш чўзиқлиги ҳисобланади.

Умуман семантик-услубий мақсадга кўра геминациянинг содир бўлиши, юқорида қайд этилганидай, асосан нутқ кечимида кечади. Бу, айниқса, А. Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида ва кейинги мақолаларида анча кенг ва чуқур таҳлил этилган. Унда кўпроқ сифат туркумидаги сўзларга эътибор берилган. Чунки

сифатлар асосан белги ифода этади. Уларнинг деярли семантик майдонидаги сўзларда ундош товушлар геминациясини кузатиш мумкин. Тўғри, кўлам сифатларида геминацияни юзага келтириш имконияти жуда кам. Чунки улар ичида интервокал ундошли сўзлар бармоқ билан санарли даражада, аммо бор. Масалан, *үзүн > үzzүн, рәкәнә > рәккәнә, пәвса > пәвусса* каби.

Сифатларнинг бошқа семантик майдонига кирувчи сўзларда геминацияни экспрессив мақсадга кўра фаол қўллаш мумкин. Масалан, ранг-тус билдирувчи сифатларда *qьзыл > qьzzыл, sarьq > sarrьq, qəra > qərra* каби; таъм билдирувчи сифатларда *şirin > şirrin, taxьr > taxььr* каби; ҳолат билдирувчи сифатларда *tekis > tekkis, jьza > jьzza, tepə > teppə* каби; кўриниш билдирувчи сифатларда *gəzal > gəzzal, хунук > хуннук, ψьlaj > ψьllaj* каби. Сифатлардаги геминацияни фақат интервокал ундошларда эмас, ҳатто, бўғин ауслаути бўлган ундошларда ҳам юзага келтириш мумкин. Масалан, *kəhlik > kəhhlik, kəltə > kəlltə, enli > ennli, qьltьььq > qьlltьььq* каби. Бундай ауслаути геминацияга учраш имкониятига эга сўзлар полисиллабик бўлиб, 1-бўғини ёпиқ тугайди ва 2-бўғини ёпиқ бошланади. Геминация ҳамма вақт биринчи бўғинда қайд этилади.

Равиш туркумига оид сўзларда ҳам экспрессивлик мақсади билан геминация юзага келтирилади. Бу фақат ҳолат семантик майдонига оид равишларда кузатилади. Масалан: *təza > təzza, rəsa > rəssa, şəşьььnc > şəşььььnc, ψьzza* ва ҳ.к. Бу сўзлардаги интервокал ундош геминацияга учраган.

Юкламалардаги интервокал ундошларда ҳам геминация кузатилади. Масалан: *çьdə > çьddə, ətə > ətтə* ва ҳ.к.

Феъл туркумига оид сўзларда ҳам экспрессивлик мақсади билан геминация юзага келтирилади. Бу асосан ҳаракат семантик майдонига оид феълларда кузатилади. Масалан: *yraman > yrraman, ketəmən > kettəmən, cekəmən > cekkəmən, тьqaman > тьqqaman* ва ҳ.к. Бу мисоллардаги геминация ҳаракатнинг ҳар қандай тўсиққа қарамай амалга оширилишини ва ижро этилишини ифода этган. Яъни қатъийлик маъноси илгари суриган.

Нутқ кечимидаги геминация фақат субъект ихтиёрида бўлиб, унинг субъектив муносабатини ифодалаш мақсадида юзага чиқарилади. Бироқ у сўздаги имкониятга қараб ва имконият ўрнида содир бўлади. Уни сўздаги интервокаллардан ёки биринчи бўғиннинг ауслаутидан ташқарида кузатишмайди.

Сўздаги товуш чўзиқлиги фақат ундошлар эмас, унлиларга ҳам хосдир. Уни ўзбек тилида ҳам кузатилади. У бир неча сабабларга кўра юзага келади: 1) интервокал ундошларнинг синкопаси натижасида, 2) композицион усулда сўз яшаш натижасида, 3) сўзга экспрессивлик бериш натижасида.

Ўзбек тилидаги унлилар чўзиқлигининг юзага келиши ҳақида фақат А. Нурмонов номзодлик диссертациясида бир қатор фикрларини илгари сурган. У юқорида келтирилган 1- ва 2-сабаб юзасидан таҳлиллар келтирган. У 1-сабаб бўйича интервокал ундошларнинг синкопасини кўрсатган. Интервокал ундошлар бир неча ҳолларда синкопага учрайди. а) вокаллар кенг, интервокал ундош чуқур тил орқа ψ товуши бўлганда. Масалан: *ʃaʃal* > *ʃa:l*, *naʃal* > *na:l*, *daʃal* > *da:l*; б) вокаллар кенг, интервокал бўғиз *h* ундоши бўлса ҳам, у айрим шеваларда. Масалан: *ʃahar* > *ʃa:r*, *sahar* > *sa:r*, *zahar* > *za:r*; в) вокаллар тор, интервокал ундош чуқур тил орқа ψ товуши бўлса ҳам. Масалан: *ʃyʃyllanmʔq* > *ʃy:llanmʔq*, *syʃyrmʔq* > *sy:rmʔq*, *tyʃyryq* > *ty:ryq*; г) вокаллар тор, интервокал тил ўрта *j* товуши бўлганда. Масалан: *tijin* > *ti:n*, *qʃʃʃn* > *qʃ:n*, *kijim* > *ki:m* ва ҳ.к. Бу ўринда ундош икки томонидаги нисбатан кенг артикуляцияга эга унли билан талаффузда мослашиш учун сирғалувчига хос тор артикуляцияни кенгайтиради ва шу унлиларга сингишиб кетади. Натижада, икки бир хил унли қўшилиб, бир артикуляцион экскурсия, бир артикуляцион рекурсия ва чўзиқ кечимли унли ҳолига келади. Айрим ҳолларда полисиллабик сўзларнинг иккинчи унлиси урғусизланиб тушиб қолганда, биринчи унли кетидаги сирғалувчи артикуляцияси кенгайиб, чўзиқ унли ҳосил бўлиши мумкин. Масалан: *boʃʃʃlmʔq* > *bo:lmʔq*, *tyʃʃʃlmʔq* > *ty:lmʔq*, *jʃʃʃlmʔq* > *jʃ:lmʔq* ва ҳ.к. Бу ҳам биринчи бўғин унасининг чўзилиши ҳисобига ўтади.

Композицион усулда сўз яшаш ҳам чўзиқ унлини ҳосил қилади. Бунда препозициядаги сўзнинг ауслаути ва постпозициядаги сўзнинг анлаути унли ва бир хил товушдан иборат бўлиши керак. Масалан, *na ajlaj* > *na:jlaj*, *Mʃrza + Ahmad* > *Mʃrza:hmad*, *Hoʃa + ʔlim* > *Hoʃa:ʔlm* ва ҳ.к. Ўзбек тилида композицион усулда сўз ясалар экан, негизлар туташган жойларда унлилар келиши ва бу унлиларнинг бир хил бўлиши жуда кам учрайдиган тасодифдир. Чунки сўзнинг унли билан бошланиши ўзбек тилида жуда кам қайд этилади. Ҳатто сандҳи қўлланган икки сўз ҳам чўзиқ унлини камдан-кам ҳолларда ҳосил қилади. Масалан: *Vaʃʃ + ʔta* > *Vaʃʃ:ta*,

Toxta + akə > Toxta:kə, Ra'nə+əpa > Ra'no:pa ва ҳ.к. умуман бу чўзиқ унлилар деярли иккинчи бўғинда бўлиб, иккиламчи урғуга ҳам эга бўлмайди. Урғусиз бўғинлар ҳамма вақт редукцияга учрайди. Бу ҳолда унлилар қисқа ва кучсиз талаффуз этилади.

Субъектив муносабат ифода этиш учун сўздаги айрим унли чўзиқ қўлланиши ҳам мумкин. Бу ўзбек тилида жуда фаол ҳодисадир. Шунга қарамай, бу ҳақда бирор ўзбек тилшуносининг бирор нуқтаи назардан билдирган фикри йўқ. У барча сўз туркумлари доирасида ҳам кузатилади. От туркумига оид сўзларда бирор унлининг чўзиқ қўлланиши кўплик ифодасини беради. Кўплик *-лар* аффикси ифодаси каби абстракт ва информатив характерда бўлмай, мейёридан ортиқликни, ҳайратга соларли мўлликни кўрсатадиган бўлади. Масалан: *Vəşniñ jərmī əlma, ərīk, ʃaftəlb va qəlgan tətənyda tə:k*. Гапдаги *tə:k* сўзининг унлиси чўзиқ қўлланиши токнинг қийғос ва кўп, кўз илғамас даражада эканлигини кўрсатган. Шу билан унда субъектнинг ҳавас билан қараётганлиги ҳам англашилади. Бундай ифода ёзувчи чўзиқ унлилар полисилабик отларнинг деярли сўнги бўғинида шаклланади: *dara:xt, bytə: ərī:k, ʃaftəlb*: ва ҳ.к. Plural tantum ларнинг сўнги унлиси чўзиқ қўлланар экан, унинг семантикасига ҳайрон қоларли даражадаги катталик ва чексизлик оттенкасини илова қилади: *ortə:n, toqa:j, sakala:k* ва ҳ.к. Кўплик шаклининг унлиси чўзиқ қўлланса, сўз шакли семантикасини кучайтиради: *bəlalə:, gyllə:* ва ҳ.к.

Сифат туркумига оид сўзларда унли чўзиқ қўлланса, сўз семантикасига экспрессивлик беради. Бу жиҳатдан у сифатлардаги ундошлар геминациясига ўхшаб кетади. Масалан: *kə:k, ə:q, qəra:, rə:st, tə:r, ke:ŋ* ва ҳ.к. унлиларнинг чўзиқ қўлланиши сифат туркумида асосан моносилабик сўзларда кузатилади. Моносилабик сўзларда бу вазифани кўпроқ ундошлар геминацияси бажаради.

Даража ифодаловчи равишларнинг унлиси чўзиқ қўлланиши унинг семантикасидаги экспрессивликни орттиради. Масалан: *ʃa:, rə:sa, tə:za, ʃə: jatda, nʰhə: jatda* ва ҳ.к.

Турган гапки, чўзиқ унли иккиланган унлидан фарқ қилади. Юқорида айтганимиздай, чўзиқ унли артикуляцион экскурсиядан кейин давомли кечимга ва артикуляцион рекурсияга эга бўлади. Иккиланган унлиларда биринчи ва иккинчи унлининг ҳам ўз артикуляцион экскурсияси, ўз кечими, ўз рекурсияси бўлади. Биринчи унлининг рекурсияси ва иккинчи унлининг экскурсияси сифатида кнаклаут қайд этилади. Шу кнаклаут воситасида икки унлининг

мустақиллиги сақланади. Масалан: *mydɔfaa* сўзининг шакланган ауслаут унлиси каби. Агар шу кнаклаут қайд этилмаса, икки бир хил унли қўшилиб, чўзиқ унлига айланади: *mydɔfa:* каби. Ўзбек тилида иккиланган унлилар учрамайди. У араб тилидан қабул қилинган сўзларда бўлади. Бу сўзлар аслида *айн* (ع) билан ажралувчи икки бир хил унлига эга бўлиб, ўзбек тилида *айн* (ع) ундоши бўлмагани сабабли, уни кнаклаут билан алмаштириб юборилган. Араб тилидан ўзбек тилига таркибида чўзиқ унлиси бўлган сўзлар ҳам ўзлаштирилган. Маслан: *ta:rx, ɔ:lxm, ɔ:ʃɔq* сўзларидаги каби. Булар чўзиқ унли бўлса ҳам, унлиларнинг иккиланиши натижаси эмас.

Унлиларнинг сўзда иккиланиши орқали чўзиқ унлига ўтиши геминация эмас. Геминация термини фақат ундошлар чўзиқлигига нисбаган қўлланади. Унлилар иккиланиш орқали бир артикуляцияга ўтишини оддий унлилар чўзилиши деб аталади.

Нутқ товушининг чўзиқликни йўқотиши – дегеминация

Нутқ товушларининг чўзиқликни йўқотиши ундошларда ҳам, унлиларда ҳам кузатилади. Шунга кўра улар икки кўринишга бўлинади: 1) дегеминация, 2) синерезис.

Дегеминация сўздаги чўзиқ ундошларнинг чўзиқликни йўқотишидир. Ўзбек тилшўнослигида бу терминни дастлаб қўллаган ҳам, бу ҳодиса ҳақидаги дастлабки тадқиқотларни қилган ҳам А.Нурмоновдир¹. Унинг номзодлик диссертациясидаги мавжуд фикрлардан ташқари йўл-йўлакай бўлса ҳам, бошқа ҳеч қандай фикр учрамайди.

А.Нурмонов геминатларни вазифавий ва новазифавий деб икки типга бўлади. у вазифавий геминатлар экспресивлик мақсадида ҳосил бўлганлиги учун, улар дегеминацияси кузатилмайди. Новазифавий геминатлар дегеминацияга учраши ўзбек тилида анча фаол ҳодисадир. Масалан, *dəkkə > dəkka > dəkka, təkəkə + ɕoxəɾʔ > təkəkəɕoxəɾʔ > təkəkəɕoxəɾʔ, silləki > ciləki* ва ҳ.к. Бундай дегеминациялар кўпроқ жонли тилда кузатилади. Дегеминация асосан шеваларда морфемалар қўшилиши натижасида ҳосил бўлган геминатларда содир бўлади. Масалан, Марғилон шеvasида *siz+ni > sizzi > sizi, biz+ni > bizzi > bizi* сўзларида тушум келишиги анлаути ассимиляциясидан кейин ҳосил бўлган геминат дегеминацияга учраган. Яна шунга ўхшаш адабий тилда ҳам *qaj+jer > qajer, qaj+joq > qajoj, bir+la > birla > billa > bila, kicik+kinə > kicikkinə > kicikinə >*

¹ Қриг.: Нурмонов А. Ўша автореф. –С. 12.

kickinə ва ҳ.к.да геминацияларни учратиш мумкин. Айрим ҳолларда таркибида вазифавий геминати бўлган сўзлар субстантивацияси содир бўлади. Биламизки, субстантивация натижасида ҳосил бўлган от учун экспрессивлик хос бўлмайди. Яъни ҳосил бўлган отда геминат ўз вазифа хусусиятини йўқотади. Шундай бўлгач, у дегеминацияга учраши мумкин. Масалан, *acsiq-sʉcyk* > *aciq-sʉcyk*, *bərrə+k* > *bərak* сўзларидаги каби. Бу сўзлардан ясалган сўз отлашган. Кейин отлардаги геминатлар дегеминацияси содир бўлган. Отларда маънони кучайтириш – экспрессивлик зарур бўлмаганлиги геминатларнинг йўқолишига олиб келади.

Четдан қабул қилинган сўзларда тайёр геминатлар бўлади. Масалан: *rassom*, *naqqəş*, *territorija*, *kəmmunə* каби. Лекин бундай геминатлар дегеминацияга учрамайди. Араб тилидан қабул қилинган сўзлардаги геминатлар семантик қимматга эгаллиги назарда тутилганлиги, рус тилидан қабул қилинган сўзларнинг талаффуз меъёрини сақлашга уриниш бунинг учун сабабдир. Аммо кейингиси адабий тил меъёри нуқтаи назаридан худди шундай. Жонли тилда бундай эмас. Унда геминатларни йўқотишга уриниш от туркуми учун қонуният тусини олган.

Синерезис

Сўз таркибидаги чўзиқ унлилар ҳам ўз чўзиқлигини йўқотади. Бу ҳодиса тилшуносликда **синерезис** деб аталади. Синерезис ҳам ўзбек тилида анча фаол ҳодисалардан биридир. Шунга қарамай, бу ҳодиса ўзбек тилшунослигида фақат А.Нурмоновнинг номзодлик диссертациясидагина текшириш объекти бўла олган¹. Бироқ диссертант бу ҳодисани биринчи тадқиқ этаётган бўлишига қарамай, имкони борича, ҳар томонлама, анча чуқур таҳлил этиб чиққан. Шу билан бирга худди дегеминациядаги каби уни ҳам товуш тушиши деб қайд этади². Синерезис ҳам ҳеч вақт айнан товуш тушиши бўла олмайди. Уни товуш тушиши ҳодисаларидан биридаги кечимлардан бир кўриниш деб қараш мумкин. Одатда иккиланган унли бир чўзиқ унлига бирлашади. Шундан кейин синерезис содир бўлади. Синерезис чўзиқ унли чўзиқлигини йўқотишидир. Кўринадики, товуш тушиши синерезисгача кечади. Синерезис ўзбек тили учун ғайритабиий ҳисобланган ва фонетик кечинмаларда юзага келиб қолган чўзиқ унлининг меъёрий унлига келиши кечимида. Чўзиқ унлида бўлган артикуляция экскурсия ва рекурсия ўзгармагани

¹ Қрғ.: Нурмонов А. Ўша автореф. – С. 24.

² Қрғ.: Нурмонов А. Ўша автореф. Ўша бет.

ҳам сақлангани ҳолда, артикуляцион кечимнинг давомийлиги йўқолади, яъни у бир йўла кечишдан иборат бўлади. Бир товуш ҳосил бўлишидаги уч артикуляцион кечим синерезисда ўзгармайди. Икки бир хил унлининг бир чўзиқ унлига бирлашуви, бир унлининг йўқолишидир. Бироқ бунда биринчи унлининг артикуляцион рекурсияси ва иккинчи унлининг артикуляцион экскурсиясини акс эттирувчи кнаклаут йўқолади ва биринчи унлининг артикуляцион кечими кейинги унлининг артикуляцион кечимига қўшилиб кетади. Яъни бир товушга хос артикуляциянинг уч кечими қайд этилиб қолса ҳам, икки товушга хос акустик тебраниш миқдори сақланади. Товуш артикуляциясининг уч кечими билан ўлчангани учун ҳам, бу ҳодисани товуш тушиши ва тушган товуш ҳисобига иккинчи товушнинг чўзиқликка эга бўлиши деб қаралади. Синерезис содир бўлгандан кейин чўзиқ унлининг чўзиқлиги йўқолиб, икки бир хил унлининг бири нутқда йўқолиши охирига етади.

Синерезис ҳам дегеминациядаги каби, новазифавий чўзиқ унлилар ҳисобига содир бўлади. Вазифавий чўзиқ унлилар маълум вазифани бажариш учун нутқ кечимида юзага келтирилган бўлади. Шу нуқтаи назардан, у нутқда ўз ўрнини олади. Унинг қайд этилмаслиги нутқда вазифасининг бажарилмаслигидир. Шу сабабли ҳам вазифавий чўзиқ унлиларнинг синерезиси содир бўлмайди. Новазифавий чўзиқ унлилар нутқда қўлланиш учун эҳтиёжга эга бўлмагани сабабли синерезисга учраши мумкин.

Бисиллабик сўзларнинг интервокал чуқур тил орқа ундош диерезага учрагач, юзага келган чўзиқ унли ҳам баъзан синерезисга учрайди. Масалан: *baʃyr* > *ba:r* > *bar*, *caqir* > *ca:r* > *car* > *ʃar*, *oʃyl* > *o:l* > *ol* > *yl* ва ҳ.к. Булар ҳам сақланган биринчи бўғин унлиси чўзилиши ҳисобланади.

Композицион усулда сўз ясалар экан, юзага келган чўзиқ унли, албатта, синерезисга учрайди. Масалан: *na* + *ajlaj* > *na:jlaj* > *najlaj*, *Mirza*+*Ahmad* > *Mirza:hmad* > *Mirzahmad*, *Hoʻca* + *Alim* > *Hoʻca:lim* > *Hoʻcalim* ва ҳ.к.

Сўзларнинг сандхи қўлланиши натижасида юзага келган чўзиқ унли ҳам, албатта, синерезисга учрайди. Масалан: *Vafʊ* + *ʊta* > *Vafʊ:ta* > *Vafʊta*, *Toxta akʊ* > *Toxta:kʊ* > *Toxtakʊ*, *Ra'nʊ+ʊpa* > *Ra'nʊ:pa* > *Ra'nʊpa* ва ҳ.к.

Араб тилидан ўзлашган сўзлар бўғини ауслаути айн (ع) товуши бўлса, ўзбек тилида диерезага учраб, унинг ўрнига бўғин унлиси чўзиқ қўлланади. Масалан: *معنا* > *ma:nʊ*, *عالم* > *ʊ:ʕlm*, *معلوم*

ta:lut, معشوق > *ta:ʃuq* ва ҳ.к. Бундай ҳосил бўлган чўзиқ унлилар синерезисга учрамайди. Чунки уларнинг чўзиқлиги араб тилидаги айн (ع) ундошининг вазифасини ўтайди. Араб тилида айн ундоши фонема бўлиб, унинг йўққа чиқиши нутқда маъно қимматининг йўқолиши бўлади. Унинг бўғин охирида, бошқа тил томонидан ўзлаштирилганда ҳам, нолга тенг инварианти кузатиламайди.

Нутқ товушларини орттириш

Нутқ товушларини орттириш алоҳида текшириш объекти бўлган эмас, бироқ у ҳақда турли дарсликларда йўл-йўлакай айтилган фикрлар бир қанча¹. Айниқса, унинг ўзлашган лексика ҳисобига содир бўлишини деярли адабиётларда бир хил қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам, сўзларда нутқ товушининг орттирилиши асосан ўзлашган лексика ҳисобига бўлади². Шунингдек, у кўпгина адабиётларда кўрсатилганидек, позицион ҳолатига кўра уч кўринишга бўлинади. Улар: 1) протеза, 2) эпентеза ва 3) аустеза кабилардан иборат.

Протеза

Протеза сўз бошида янги нутқ товушини орттириб талаффуз этишдир. Бу ҳодиса ўзбек тили фактлари асосида дастлаб А. Н. Кононов томонидан ўзбек адабий тилига бағишланган китобда, кейин Ф. Камолов, шунингдек Х. Дониёров томонидан ҳам ОЎЮ дарсликларида қайд этилган³.

Протеза А. Н. Кононов қайд этишича, икки ҳолатда содир бўлади. Улар қуйидагича:

1) Ўзлашган лексикага оид сўз қатор ундош билан бошланган бўлса, улар олдидан бир унли орттирилади. Масалан: *stáduøn* > *ʔstádujøn*, *skver* > *iskáver*, *skámejká* > *iskámejká*, *styn* > *ystyn*, *scot* > *iscot* ва ҳ.к. Мисоллардан кўришиб турибдики, ўзлашган сўзлар қатор ундош билан бошланган ва буларнинг анлути тил олди сирғалувчи

¹ Қрғ.: Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – С. 47–49; Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. 193, 194-бб.; Абдуллаев Ф. А. Фонетика харезмского говора. – С. 121–124; Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. 153, 154-бб.

² Қрғ.: Кононов А. Н. Ўша асар. – С. 48; Жамолхонов Х. Ўша асар. 154-б.

³ Қрғ.: Кононов А. Н. Ўша асар. Ўша бет.; Камолов Ф. Фонетика // Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қт. / Ғ. Абдурахмонов таҳр. ост. – Тошкент: Фан, 1966. 64-б.; Дониёров Х. Фонетика // Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 27-б.

жарангсиз *s* ундошидан иборат бўлиб, кейингиси асосан портловчи ундошдир.

Сўз бошидаги қўш ундошнинг анлаути фақат *s* сирғалувчиси бўлиши шарт эмас, унинг ўрнида тил олди сирғалувчилардан бири ёки шипилдақ товуш бўлиши ҳам мумкин. Лекин кейинги ундош ё портловчи, ё сонант бўлиши шарт, протеза кузатилаверади. Анлаути тил олди *z* жарангли сирғалувчиси бўлган сўзларнинг протезага учрагани учун *znâcok* > *iznâcok* мисолинигина кўрсатиш мумкин. Унинг ҳам иккинчи ундоши сонантдир. Ўзбек тилига бошқа қўш ундош билан бошланиб, анлаути *z* ундоши бўлган ва кейингиси сонант ёки портловчидан иборат сўз ўзлашмаган.

Сўз бошидаги қўш ундошнинг анлаути тил олди жарангсиз *ʃ* шипилдоғидан иборат сўзлар протезаси ўзбек тилида кўплаб учрайди. Масалан: *ʃkâf* > *iʃkâf*, *ʃpiøn* > *iʃpijøn*, *ʃtrâf* > *iʃtârâp* ва ҳ.к. Шуни ҳам айтиш керакки, *ʃ* анлаутли сўзларнинг иккинчи ундоши фақат портловчи бўлсагина протезага учрайди. Унинг иккинчи ундоши сонант бўлган тақдирда протеза бўлмайди. Масалан, *ʃlâkbâym*, *ʃnyr* сўзлари олдидан унли орттирилгани кузатилмайди.

Ўзбек тилидаги қатор ундош билан бошланган ўзлашган сўзлар ичида анлаути тил олди шипилдоқ *ʒ* бўлган сўз йўқ. Шунинг учун, бундай сўзлардаги протеза ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ўзбек тилдаги қўш ундош билан бошланган сўзларнинг анлаути портловчи бўлиб, кетидаги сирғалувчи бўлган тақдирда ҳам, бу қўш ундош олдидан эмас, ўртасида бир унли орттирилиши мумкин. Яъни: *bjyrø* > *byjyrø*, *bjyst* > *byjyst*, *dzøt* > *dizøt*, *ksiløføn* > *kisiløføn* сўзларидаги каби. Агар сўз бошидаги қатор ундошнинг анлаути сирғалувчи бўлган тақдирда ҳам, улар тил олди бўлмаса, протеза кузатилмайди. Масалан, *vtylkâ*, *xmel* сўзларидаги каби. Бунинг устига, ўзлашган лексиканинг қатор ундош билан бошланган сўзлар анлаути лаб, тил ўрта, чуқур тил орқа, бўғиз сирғалувчиларидан иборат бўлиши жуда кам ва борларининг ҳам иккинчи ундоши *n*, *l*, *r* сонантдан иборатдир. Сўз бошидаги қатор ундош сирғалувчилардан иборат бўлгани тақдирда ҳам, уларда протеза қайд этилмайди.

Ўзбек тилидаги протезанинг бу кўринишлари асосан жонли тилга мансуб бўлиб, адабий тил талаффуз меъёрига кирмайди. Жонли тилда ҳам ҳозирги ёш авлод тилида кам кузатилади. Улар архаик фонетик ҳодисага айланиб бормоқда.

2) Ўзлашган лексикага оид сўз анлаути *r*, *l*, *n* сонантлари билан бошланган бўлса, улар олдидан бир унли орттирилади. Агар

ўзлашган сўз *r* сонанти билан бошланган бўлиб, ундан кейинги унли тил орқа келса, сўз бошида *o* унлиси орттирилади. Масалан: *rys > orys, roməl > oraməl* каби. *r* анлаутидан кейин тил олди унли қўлланса, орттирилган унли ҳам тил олди *i* унлиси бўлади. Масалан: *rizq > irizq > iriz > iris* каби.

Ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида *r* анлаути олдидан биргина *o* унлисини эмас, бир йўла *vo* товушларини орттирилади. Яъни: *rys > vorys, roməl > voraməl, roza > voraza* каби. Бу қипчоқ диалектига асосланган барча тиллар: қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларига ҳам хосдир. Буни қипчоқ диалектларида сўзни ундош билан бошлашга уринишдан келиб чиққан фонетик ҳодиса деб қараш керак. Чунки туркий тиллар учун ғайритабиий бўлган анлаут *r* ундошини йўқотиш учун унли орттирилар экан, сўз анлаути унли бўлиб қолади. Қипчоқ диалектларида сўзни ундош билан бошлаш учун протеза мақсадида *o* унлиси эмас, *vo* товушлари олинади. Ўзлашган лексикага оид *l* сонантидан иборат анлаутли сўз олдидан тор *i* унлисини орттириш ҳам қипчоқ диалектига хос бўлиб, у Жиззах-Фориш туманлари атрофидаги шеваларда кенг тарқалган. Масалан: *lɔj > ɔlɔj, las > ɔlɔs* каби. У бошқа диалектларда кузатилмайди. Диалектлардаги *n* анлаутли ўзлашган сўз олдидан *a* унлиси орттирилади ва у биргина *nɛr > anɛr* мисолида ўз аксини топган. Шунга қарамай, у адабий тилда қайд этилган.

Ўзбек тили учун ғайритабиий анлаутли ундошга эга ўзлашган сўзларнинг протезага учраши тилда ўз тизимиغا эга эмас.

Анлаути унли сўзлар олдидан бўғиз *h* ундоши орттирилади. Бу ҳам қипчоқ диалектига масуб шеваларда кузатилиб, бошқа шеваларда учрамайди. У ҳам фақат В. В. Решетов томонидан ўзбек тили грамматикасига бағишланган ишда тилга олиб ўтилган. Масалан: *əsəl > həsəl, əjal > hajal, arra > harra* ва ҳ.к.¹ Протезанинг бу кўриниши туркий тилларга хос бўғинни ёпиқ бошлаш қонуниятига кўра юзага келган. Аммо у ўзбек адабий тили талаффуз меъёрида ўз ўрнини топмаган.

Эпентеза

Эпентеза сўз ўртасида янги нутқ товуши орттириб талаффуз этишдир. Бу ҳодиса ўзбек тили фактлари асосида дастлаб А.Н. Кононов томонидан, кейин Ф.Камолов ва Х.Дониёровдар томонидан ОЎЮ дарсликлари ичида фонетикага бағишланган ишларида қайд этилган. А. Н. Кононов эпентезага фақат қатор

¹ Қриг.: Решетов В. В. Узбекский язык. – С. 37.

ундошлар ўртасида унлилар орттирилишини кўрсатади¹. Ф.Камолов эпентезани анча кенг таҳлил этиб берган. У қатор ундошлар ўртасида унли ва қатор унлилар ўртасида ундош орттирилишини ҳам кўрсатиб, чўзиқ унли билан тугаган бўғинни ёпиш учун *n* сонанти орттирилишини ҳам қайд этган². Ҳ.Дониёров эса А.Н.Кононов фикрларини такрорлаш билан чегараланган³.

Эпентеза ўзбек тилида қуйидаги ҳолатларда содир бўлади:

1) Сўзнинг маълум бўғинида қатор ундошнинг келиши шу қатор ундош ўртасида бир унли орттирилишига сабаб бўлади. Бу сўзлар асосан ўзлашган лексикага мансуб бўлади. Қатор ундош полисилабик сўзнинг биринчи бўғини бошида бўлиши ҳам мумкин. Бундай сўзлар фақат рус тилидан ёки рус тили орқали бирор тилдан ўзлаштирилган бўлади. Масалан: *trāmvāj* > *tirāmvāj*, *plān* > *pilān*, *brigādir* > *birgād* каби⁴. Бу ўринда орттирилган унли тил олди *i* бўлиб, кучсиз талаффуз этилади. У тил олди ёки лаб портловчи ундоши билан сонант оралиғида орттириган. Чунки ўзбек тилига рус тилидан ёки рус тили орқали бирор тилдан ўзлаштирилган сўзлар қатор ундош билан бошланган бўлса, портловчи анлаудан кейин деярли сонант қўлланиб, сирғалувчи ёки портловчи қўлланганлиги жуда кам кузатилади.

Кўш ундош билан бошланган сўзнинг анлаути портловчи бўлиб, кейинги ундоши сонант ёки сирғалувчи бўлган тақдирда орттирилган унли лабланган у бўлиши ҳам мумкин. Бу сўздаги мавжуд унлининг лабланган у эканлиги ва унинг орттириладиган унлини ўзи билан бир хил типда талаб қилинганлигида деб изоҳланади. Масалан: *brys* > *byrys*, *bjyro* > *byjyro*, *gryppā* > *gyryppā*, *klyb* > *qylup* ва ҳ.к. Айрим ҳолларда анлаут портловчидан кейин сирғалувчи ёки сонант қўлланиб, сўздаги мавжуд унлилар лабланган *ø* бўлиши ҳам, интервокал лабланган у бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *tvørøg* > *tyvørøg*, *knøpkā* > *kyñøpkā*, *kryžøk* > *kyržøk* каби мисолларда ҳам сўз бошидаги қатор ундош оралиғида лабланган у унлиси орттирилди, деб қараш керак. Айниқса, охириги мисолда *r* ва у товушлари ўрин алмашди, деб қаралмайди. Чунки сўзда лабланган у унлиси бўлганлиги сабабли сўз бошида интерконсонант у унлиси орттирилиб, иккинчи бўғиндаги урғусизланган у унлиси синкопага учраган.

¹ Қрнғ.: Кононов А. Н. Ўша асар. – С. 8.

² Қрнғ.: Камолов Ф. К. Фонетика. 64-б.

³ Қрнғ.: Дониёров Ҳ. Фонетика. 28-б.

⁴ Қрнғ.: Кононов А. Н. Ўша асар. Ўша бет.

Қатор ундош билан бошланган сўзларнинг анлаути портловчи бўлгани ҳолда, кейин *j* сирғалувчиси қўлланиб, постпозицияда у унлиси бўлса ҳам, баъзан интерконсонант у унлиси орттирилмайди. Балки сўздаги мавжуд *j* сирғалувчиси синкопага учрайди. Масалан: *ljyks > lyks, žjyḡi > žyḡi, djužina > dužina* каби. Лекин бу қатъий эмас, баъзан интерконсонант у унлисини орттириш ҳам мумкин. Бунинг учун юқорида мисол келтириб, таҳлил этилди.

Ўзлашган сўз қатор сирғалувчи ундош билан бошланган бўлса ҳам, улар ўртасида бир унли орттирилади. Масалан: *sxetā > sixetā, svødkā > sivødkā* сўзларидаги каби. Бироқ орттирилган унли тил олди *i* товуши бўлиб, кучсиз талаффуз этилади. Сўз бошидаги қатор ундошдан анлаут сирғалувчининг ажратиб талаффуз этилишида аҳамиятли бўлган кнаклаут ўрнида ҳам кучсиз талаффуз этиладиган тил олди *i* унлиси орттирилади. Масалан, *s'jezd > sijezd, s'jømkā > sijømkā* каби. Яна камдан-кам ҳолатларда сўз бошидаги қатор ундош интерконсонант *a* унлисини орттириши мумкин. Масалан, *krøvāt > kalavat* каби. Бу сўздаги интерконсонант *a* унлисининг орттирилиши полисилабик сўзнинг кейинги унлилари билан боғли, унлилар гармониясини ушлаган ҳолда содир бўлади.

Қатор ундош ўзлашган лексикага оид сўзларнинг бошида бўлмай, унинг охирида ҳам қўлланган бўлиши мумкин. Бундай қатор ундош сўзнинг маълум бир бўғинида жойлашган бўлса, улар, албатта, интерконсонант унли орттиради. Масалан: *fikr > fikir, ism > isim, rasm > rasım, naqş > naqış, maşq > maşıq* каби. Бу мисоллардаги орттирилган унли ҳам тор *i* бўлиб, кучсиз талаффуз этилади. Одатда бисилабик сўзларнинг биринчи бўғини очиқ ҳолда келса, иккинчи бўғини лексик ургу олган ва унлиси чўзиқ берилади. Аммо бу ўринда *i* унлиси орттирилган бўлгани учун, у лексик ургу олмаган. Шунинг учун, кучсиз талаффуз этилган. Бундай эпентеза фақат араб тилидан ўзлашган сўзларда бўлмай, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда ҳам учрайди. Масалан: *dekābr > dekābir, dirižābl > dirižābil, metr > metir* каби. Бу ўриндаги орттирилган *i* унлиси ҳам кучсиз талаффуз этилади. Баъзан ўзлашган сўз ўртаси ёки охирида келган қатор ундош ўртасида лабланган у унлисини орттирилади. Бу шу сўздаги мавжуд унли билан боғли бўлиб, унлилар уйғунлигини сақлаш талабига боғли ҳолда юзага келади. Масалан: *hukm > hukūm, hıtf > hıtyf, qytb > qytyp* ва ҳ.к. Бу ўриндаги орттирилган у унлиси ҳам кучсиз талаффуз этилади.

Ўзлашган сўздаги қатор ундошнинг аввалгиси олдинги бўғиннинг ауслаути ва иккинчиси кейинги бўғиннинг анлаути бўлгани ҳолда, баъзан интерконсонант унли орттирилади. Масалан: *dəklād > dākālāt, øklād > ākālāt, sklād > iskālāt* ва ҳ.к. Ўзбек адабий тили меъёрига кўра 1- ва 2-мисолнинг қатор ундошлари ўртасидан бўғин ажратилади. Аслида, бу қатор ундошлар биргаликда бўғин боши ҳисобланиб келади. Шунга кўра, улар ўртасида бир унли орттирилган ва бу унли кейинги бўғинлардаги унлилар билан гармонияни ушлаш қонуниятига тобе ҳолда *a* унлиси бўлган.

2) Сўздаги унлиларнинг ёндош келишини йўқотиш талабига кўра интервокал ундош орттирилади. Бу ҳодиса ҳам ўзлашган сўзларда қайд этилади. Ўзлашган сўзлардаги қатор унли қайси товушлардан иборат эканлиги эпентеза қайси товуш ҳисобига содир бўлишини белгилайди. Масалан, тор тил олди *i* унлиси препозицияда ва кенг тил олди *a* унлиси постпозицияда келса, интервокалда *j* ундоши орттирилади: *puānist > pijānust, prunçipuāl > purunçirujāl, āvuiā > āvuijā, puāstr > pijāstir* каби. Бунини *u* унлиси препозицияда келиб, ўрта кенгликдаги лабланган *o* унлиси постпозицияда келганида ҳам кузатиш мумкин. Яъни: *buølog > bujøløg, uøn > ujøn, kuøskā > kujøskā* ва ҳ.к.ларга эътибор бериш мумкин.

i унлиси постпозицияда келиб, препозицияда ҳар қандай унли қўлланганда ҳам, интервокалда *j* ундоши орттирилаверади. Масалан, препозицияда тил олди ўрта кенг *e* унлиси қўлланганда. Яъни, *āteist > ātejis, teist > tejis* каби. Худди *i* унлиси каби *e* унлиси ҳам ҳар қандай унли билан ёнма-ён қўлланганда интервокалда *j* эпентезаси содир бўлади: а) *e* унлиси препозицияда ва *ā* унлиси постпозицияда келганида. Масалан: *reāktiv > rejāktiv, reākçujā > rejāksijā, reāl > rejāl* каби; б) *e* унлиси препозицияда ва *ø* унлиси постпозицияда келганида. Масалан: *neon > nejøn, neølut > nejølut, teølog > tejøløg, teøremā > tejøremā, feødāl > pijødāl* каби; в) *e* унлиси постпозицияда ва *ā* унлиси препозицияда келганида. Масалан, *fāetøn > pājætøn* каби; г) *e* унлиси постпозицияда ва *ø* унлиси препозицияда келганида. Масалан: *pøezujā > pøjezujā, pøetā > pøjemā, pøetuk > pøjetuk* каби. Юқоридагилардан маълумки, сўздаги қатор ундошлардан бири *u* ёки *e* бўлганда интервокал ундош орттирилади ва *u* *j* товуши ҳисобига бўлади.

Агар қатор унли бир хил тил олди товушидан иборат бўлса, интервокал ундош орттирилмайди. Аксинча, улар бир артикуляцияга қўшилиб, чўзиқ унли ҳосил қилади.

Араб ва эроний тиллардан олинган сўзлар ичида ҳам адабий тил доирасида қатор унли билан келиб, шу унлилардан бири тил олди *i* бўлиши анчагина кузатилади. Улар ҳам жонли тилда интервокал *j* ундоши эпентезасини юзага келтиради. Масалан: *oid* > *əjid*, *oila* > *əjila*, *xəjn* > *xəjɨn*; *rais* > *rajis*, *said* > *sajid*; *nainki* > *najinki*, *maišat* > *majišat*; *šia* > *šija*, *tabian* > *tabijat*; *šəjr* > *šəjər* ва ҳ.к. Лекин бу сўзлардан арабчасининг ўша тилдаги фонетик варианты эътиборда тутиладиган бўлса, айрим баҳсли фикрлар ҳам илгари сурилиши мумкин. Чунки уларда эпентезага кўра орттирилган айрим *j* ундоши ўрнида бўғиз *айн* (ع) ундоши қўлланганлиги кузатилади ва у ўзбек адабий тилига ўзлаштирилгач, тушириб қолдирилган бўлади. Яъни *عاند* > *ənd*, *عائلا* > *oila*, *طائف* > *təjifa*, *خانن* > *xəjn*, *رئيس* > *rais*, *سعيد* > *said*, *نانكى* > *nainki*, *معيشة* > *maišat*, *شع* > *šia*, *طبيعة* > *tabiat*, *شاعر* > *šəir* сўзларининг қатор унлилари орасида *айн* (ع) ундоши қўлланган. Ўзбек тилида бу ундош бўлмаганлиги ва унинг учун артикуляция ўрни шаклланмаганлиги сабабли у адабий тилдаги ўзлашган сўзларда туширилади. Уни ўзбек жонли тилида *j* ундоши билан алмаштирилади, дейиш мумкин. Лекин ундай эмас. Чунки ўзбек тилига бундай товушли сўзлар ёзма адабиёт орқали ўтган ва биринчи навбатда адабий тилда қўлланган. Адабий тилда бу сўзларнинг *айн* (ع) ундоши туширилар эди. Сўзда юзага келган қатор унли орасига жонли тилда *j* ундоши орттирилган.

Ўзлашган лексикага оид сўзларда қатор ундош келиб, улардан бири тор лабланган у унлиси бўлса, бу воқеалар ўртасида лаб сирғалувчиси *v* ундоши орттирилади. Лекин шу сўздаги қатор унлидан иккинчиси *i* ёки *e* унлиси бўлмаслиги керак. Масалан: *ayt* > *āvut*, *nāyşnik* > *nāvuyşnik*, *pāyza* > *pāvuzā*, *rāynd* > *rāvuynd* каби.

Сўздаги қатор унлидан кейингиси у унлиси бўлгани ҳолда, унинг постпозициясидаги ундош *ə* ауслаут, *ə* қатор ундош бўлиши керак. Акс ҳолда, у унлисининг ўзи *v* ундоши билан алмашади, тўғрироғи, редукцияга учраб, *v* ундоши каби талаффуз этилади. Масалан: *māyzer* > *māvzer*, *fāynā* > *fāvñā* каби. Худди шу ҳодисани араб тилидан ўзлашган сўзларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан: *myallim* > *myvallim*, *myazzam* > *myvazzam*, *myallaq* > *myvallaq*, *myəvin* > *myvəvyn* каби. Ўзбек адабий тилида бу сўзларнинг қатор унли билан қўлланиши учун ҳам араб тилидан *айн* (ع) ундошини туширилиб талаффуз этилиши сабаб бўлган. Яъни: *معلم* > *myallim*, *معزم* > *myazzam*, *معلق* > *myallaq*, *معاون* > *myəvin* каби. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, *myəvin* каби сўзларда интервокал *v* ундоши эпентезаси содир бўлмайди, балки у унлисининг синкопаси содир

бўлади. Чунки препозициядаги унлининг урғули қўлланиши унинг редукцияси учун сабаб бўлади.

Агар сўздаги қатор унли кенг артикуляцияга эга бўлса, улар ўртасида ψ ундоши орттирилади. Улар ўртасида ψ ундошининг орттирилиши унлиларнинг орқа қатор эканлиги билан изоҳланади. Чунки орқа қатор унлилари артикуляцияси ўртасида артикуляция ўрнининг бир торайиб давом этиши ψ ундошининг артикуляцияси ҳисобланади. Эпентезанинг бундай ҳосил бўлиши фақат араб тилидан ўзлашган сўзларга хос бўлиб, ундаги қатор унли *айн* (ع) товушининг туширилиши натижасида шаклланади. Бу жиҳатдан у қозон татар тилидаги араб тилидан сўз ўзлаштириш усулига жуда ўхшаб кетади. Чунки қозон татар тилида араб тилидан сўз ўзлаштирилган экан, ундаги *айн* (ع) ўрнига тўғридан-тўғри ψ сирғалувчи ундошини алмаштириб қўлланади. Масалан: علم > ψ bjlem, عشق > ψ bjʃbq, معارف > *məʃarif* каби. Лекин ўзбек адабий тилида бундай эмас, ундаги *айн* (ع) ундоши туширилиб, *ɛlm*, *ɛʃq*, *maʃrif* ҳолида талаффуз этилади. Буни ساعت > *səʔət*, سعادت > *səʔdət*, صناعة > *sənəʔət* каби сўзларда ҳам кузатилади. Аммо бу сўзлар ўзбек жонли тилида эпентезага учраб, икки унлиси ўртасида ψ бўғиз ундошини орттиради. Унинг икки томонидаги унлилар ўзаро уйғунлашади, яъни: *səʔət*, *səʔdət*, *sanaʃat* каби. Лекин араб тилидан ўзлашиш кечимида *айн* (ع) ундошини йўқотиб, қўш унлили бўлиб қолган сўзларнинг ҳаммаси ҳам интервокал ҳолатда ψ ундошини орттиравермайди. Аксинча, бу ўринда синкопа содир бўлиши мумкин. Бу ҳақда эса ўз ўрнида тўхтаб ўтилган эди.

Ҳ эпентезаси сўздаги қатор унли фақат кенг ва тил орқа бўлганда кузатилади. Бунинг сабабини ҳам уларнинг артикуляцияси ўрни бир эканлиги билан изоҳланади.

3) Сўздаги маълум бўғиннинг унлиси чўзиқ кенг бўлиб, унинг чўзиқлиги фонемага тенг келса, шу чўзиқ унли икки артикуляцияга бўлинади ва улар орасида бир ψ ундоши орттирилади. Масалан: *sə:l* > *səʔl* > *səʃal*, *ʃa:m* > *ʃaʔm* > *ʃaʃam*, *ɪnə:t* > *ɪnəʔt* > *ɪnəʃt* каби. Бу мисоллардаги биринчи сўзнинг унлиси у ўзлаштирилгунча ҳам чўзиқ бўлган. Иккинчи сўз араб тилида *айн* (ع) ауслаутли *شع* ҳолидаги таркиби билан қўлланган. Унинг ауслаути туширилиб ўзлаштирилгач, ўзбек тилида унлиси чўзиқ талаффуз этиладиган бўлган. Учинчи сўзнинг унлисини чўзиқ қўллаш ҳисобига *айн* (ع) ундошини туширилиб ўзлаштирилган. Унлиларни чўзиқ қўллаш ўзбек жонли тилига хос бўлмаганлиги учун, улар икки артикуляцияга бўлиниб, улар орасида ψ ундоши орттирилган.

Эпентезанинг шу қонуниятига асосида *jugur* сўзи ҳосил бўлган. Унинг этимологиясини *jur-* > *ju:r-* > *juur-* > *juvur-* > *jujur-* > *jugur-* ҳолида изоҳлаш мумкин. Яъни *jur* феъли маъносига экспрессивлик бериш мақсадида унинг унлисини чўзиқ қўлланган. Кейин шу унли икки артикуляцияга бўлиниб, *v* ундоши эпентезаси юзага келган. Дистант ассимиляцияга кўра сўз бўғинлари анлаути мослашган ва унлилар бўлинишининг қатъийлаштирилишига кўра *j* сирғалувчи ундоши *g* портловчисига айлантирилган. Бу сўз, ўзбек тили қонуниятлари асосида ҳосил бўлганлиги учун ҳам, бошқа туркий тилларда учрамайди.

4) Ўзлашган полисиллабик сўзларнинг оралик очиқ бўғинидан бирини ўзбек тилида ёпишга уриниш ҳам кузатилади. Бунда бўғин кетига фақат бир ундош орттирилади. Аммо бу ҳодиса тилда жуда кам учрайди. Ўзбек тилининг ўзлашган лексикасида унга қуйидагидан ташқари мисол қайд этиш қийин. Фақат бир полисиллабик сўзнинг биринчи очиқ бўғинида *э* унлисидан кейин *и* ундоши орттирилган: *эсэи* > *эисэи*. Ўзбек адабий тилининг XX асрнинг биринчи ярми бошларига хос адабий меъёр бўйича III шахс бирлик эгалик қўшимчалари кетидан ҳам *и* товуши орттирилар эди: *haqʻda* > *haqʻinda*, *toʻvrʻsida* > *toʻvrʻsinda*, *bʻrasida* > *bʻrasinda*, *jyzidʻ* > *jyzinda* каби. Бу ҳамма ҳолатларда ҳам бўлавермайди, балки феъл кўмакчилик вазифасига ўтиб, ўрин келишиги шаклини ҳам олган ҳолатларда кузатилади. Шу *и* эпентезаси сўздаги урғусиз бўғиннинг редукцияга учрашдан сақлаш вазифасини ўтайди. Булардан ташқари яна биргина полисиллабик сўзнинг иккинчи очиқ бўғини кетидан ҳам *и* товуши орттирилади: *natiʻasida* > *natiʻasinda* ҳолатида. Бизнингча, яна *у+га* > *унга* сўзидаги *и* товушининг орттирилиши ҳам шу ҳодисага боғлиқ бўлиши керак. Баъзи адабиётларда *у* архаик шакл деб қаралиб, *у!* оломошидаги *!* товушининг *и* товуши билан алмашилиши деб изоҳланади. Аммо ўзбек тили фонетик қонуниятларига кўра *!* ва *и* товушларининг ўзаро алмашилиши мутлақо кузатилмайди. Шунингдек, *!* товуши *и* товушига ўтиши учун бирор комбинатор сабаб ҳам кўзга ташланмайди.

Умуман эпентезанинг барча кўринишлари жонли ўзбек тилининг нутқ ҳодисалари деб қаралиши керак. У ўзбек адабий тилининг ҳам талаффуз, ҳам имло меъёрида ўз ўрнини топмаган.

Аустеза

Аустеза сўз охирида янги нутқ товуши орттирилиб талаффуз этилишидир. У дастлаб ўзбек тили фактлари асосида

А.Н.Кононовнинг ўзбек адабий тилининг грамматикасига бағишланган китобида, кейин Ф.Камоловнинг ва Ҳ.Дониёровнинг ОУЮ дарсликларида тилга олинган¹. Бу ҳодиса мазкур китобларнинг ҳаммасида ҳам э п и т е з а термини остида қайд этилган.

Аустезани ўзбек тили фактлари асосида қайд этган муаллифлар фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган маълум таркибдаги сўзларда содир бўлиши юзасидан мисоллар беришган. Улар келтирган мисоллардаги сўзлар ёки сўзларнинг сўнги бўғини қатор ундош билан тугаб, шу қатор ундошнинг биринчиси *ë* *s*, *ë* *n* ундоши ва кейингиси фақат *k* ундошидан иборат бўлади. Шундай таркибли сўз охирида *a* унлиси орттирилади. Масалан: *kuøsk* > *kuøskä*, *dusk* > *duskä*, *øtpysk* > *øtpyskä*, *tānk* > *tānkä*, *bānk* > *bānkä* ва ҳ.к. Бу ҳодисани сўз охиридаги ундошни қатор ундош билан қўллашдан қочиш деб изоҳлаш мумкин. Чунки туркий тиллардаги сўзлар бўғини деярли қатор ундош билан тугамайди. Баъзи сўзлар бўғини, асосан ўзаги қатор ундош билан тугаганлигига мисол келтириш мумкин. Шунда ҳам уларнинг биринчиси *r*, *n*, *s*, *j* ундошларидан бири бўлиб, кейингиси, албатта, жарангсиз келади. Масалан: *qorq-*, *kørk*, *qørq*; *jənc-*, *sənc-*, *tinc*; *ɣst*, *øst*, *pəst*; *əjt-*, *qajt-*, *syjk* ва ҳ.к. Лекин бу сўзлар кетидан *a* унлисини орттириш талаб қилинмайди. Қизиги шундаки, юқоридаги ўзлашган сўзларда қўлланган охириги қатор ундошнинг биринчиси *ë* *s*, *ë* *n* ундошидан бири ва кейингиси *k* жарангсиз ундошидир. Туркий сўзлар фонетик таркибига кўра бу ўзлашган сўзлар кетидан ҳам *a* унлиси орттирилмаслиги керак эди. Лекин туркий сўзлар ўзақлари *n* ёки *s* ундошидан кейин *k* жарангсиз ундоши қўлланган ҳолда, қатор ундош билан тугамайди. Туркий сўзлар фонетик таркибига хос мана шу қонуниятга зид бўлганлиги учун юқоридаги сўзларнинг охиридаги ундошидан кейин *a* унлиси орттирилган. Яна биргина *släng* ўзлашган сўздан кейин ҳам ўзбек тилида *a* унлиси орттирилган. Бу сўзнинг охиридаги қатор ундошдан биринчиси *n* ундоши ва кейингиси жарангли ундошдир. Бу туркий туб сўзлар фонетик таркиби учун ғайри табиий бўлганлиги учун ҳам, сўз охирида *a* унлиси орттирилган, деб кўрсатилиши керак. Лекин бу мисол ҳам аслида сўз охири *nk* ундошлари билан тугаган, деб қаралади. Чунки унинг ўзбек тилидаги талаффуз меъёри шундай. Ўзбек тилида сўз охиридаги жарангли портловчи ундошлар жарангсизланади.

¹ Қўнг.: Кононов А. Н. Ўша асар. Ўша бет.; Камолов Ф. К. Фонетика. 65-б.; Дониёров Ҳ. Фонетика. Ўша бет.

Юқорида кўрсатилган нутқнинг фонетик ўзгаришлари асосан оғзаки нутққа хосдир.

Оғзаки, кўпроқ болаларга хос, нутқда кенг орқа қатор э ёки ўрта кенг лабланган *o* унлиси билан тутаган ўзлашган сўзлар кетидан чуқур тил орқа сирғалувчи *ψ* жарангли ундоши орттирилганлиги ҳам кузатилади. Бироқ бу ундош редуccion характерда бўлади. Масалан: *kunø > kunəʔ, kulø > kuləʔ* каби. Бу ўринда рус тилидан қабул қилинган сўзлар охиридаги ўрта кенг лабланган *o* унлиси кенг орқа қатор э унлиси билан алмашиб, кейин редуccion *ψ* ундошини орттирган. Бу сўздаги фонетик кечим жўналиш келишиги шаклида келганда яққол кўзга ташланади. Бунда орттирилган *ψ* ундоши *q* ундоши билан алмашиб, жўналиш келишиги шаклининг *-qa* вариантини олади: *kunø > kunəʔ+ga > kinəqqa, kulø > kuləʔ+ga > kiləqqa* каби. Бу сўзлар ауслаути ўзбек тилига хос бўлмаган ўрта кенг лабланган *o* унлиси бўлиб, уни шу артикуляцияга эга ўзбек тилига хос ё олд қатор *o*, ё орқа қатор *o* унлиси билан алмаштириш мумкин эди. Бироқ ўзбек тилининг ўз лексикасига хос сўзлар фонетик таркиби қонуниятига кўра, бисилабик сўзларнинг кейинги бўғинида бундай унли қўлланмайди. Шунинг учун, у кенг орқа қатор э унлиси билан алмаштирилган.

Одатда ўзбек тилида полисилабик сўзларнинг кейинги бўғинида қўлланадиган э унлиси чуқур тил орқа ундошлари, айниқса, чуқур тил орқа портловчи *q* ундоши олдидан келади. Талаффузда бу ундош редуccion *ψ* ундоши ҳолатида қайд этилади. Мана шу таркибий қонуниятга аналогия қилиниб юқоридаги *kunø, kulø* сўзлари *kinəʔ, kiləʔ* ҳолатида талаффуз этилади. Яна улар жўналиш келишиги шаклида ўз ауслаутлари редуccionясини йўқотиб, тўла *kinəqqa, kiləqqa* ҳолида талаффуз этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзлашган полисилабик сўзлар ўрта кенг лабланган *o* унлиси билан туташи бу каби аустезага учраши учун доимий сабаб деб бўлмайди. Аустеза фақат жонли тилда кенг қўлланиб кетган юқоридагига ўхшаш ауслаутли сўзларда қайд этилади. Фақат терминология доирасидаги ва кам қўлланадиган сўзларда ауслаутларнинг ўзбек тилидаги товушларга мослашиши ҳам, аустезанинг ўзи ҳам кузатилмайди. Масалан: *ärgø, netto, puvo, vuvø* каби сўзларга эътибор бериш мумкин.

Шарқ тилларидан ўзлашган сўзларнинг ауслаути кенг орқа қатор э унлиси бўлса ҳам, жонли тилда редуccion *ψ* ундоши орттирилганлиги кузатилади. Масалан: *binəʔ, vafəʔ, davəʔ* каби. Бу

сўзлар ҳам жўналиш келишиги шаклида қўлланса, редукион ψ ундоши аустезаси q ундоши билан алмашади ва жўналиш келишиги шаклининг *-qa* вариантыни қабул қилади: *binəqqa, vafəqqa, davəqqa* каби. Бу таркибдаги ўзлашган сўзларнинг аустезаси қатъий тизимга эга. Аммо шуниси ҳам борки, бу редукион ψ ундоши аустезаси шеваларнинг ҳам айримларига (кўпроқ қарлуқ шеваларига) хос бўлиб, анча архаиклашиб қолган. У адабий тилни яхши эгаллаган кишиларда, болаларда ҳам кузатилмайд.

Ўзбек тилида яна *beka, raisa, adiba* каби қатор сўзлар борки, уларнинг ўзаги *bek, rais, adib* бўлиб, *a* товушини орттирган. Бу товушларни аустеза билан изоҳлаб бўлмайди. Чунки у араб ёки ўзбек тилининг ўзида ўзак таркибида қайд этилмаган бўлса ҳам, кейинги вақтда, категориал бўлмаса-да, жинс ифодаловчи сўз шакли вазифасини ўтамоқда. Бу ўзбек тили граммасида ўз ўрнига эга. Шу хусусият аустезага мансуб эмас.

Метатеза

Метатеза нутқда сўз бўғинлари ёки товушларининг ўзаро алмашишидир. Ўзбек тилида сўз товушларининг ўзаро ўрин алмашиши маълум даражада нутқ кечимида учраб турса ҳам, сўз бўғинларининг ўзаро ўрин алмашиши учрамайди. Сўз товушларининг ўзаро ўрин алмашиши ҳам адабий тил доирасида камдан-кам кузатилиб, нисбатан кўпроқ шеваларда бўлади. Шундай бўлса ҳам, бу ҳодиса ўзбек тилшунослигида алоҳида, чуқур текширилган эмас. У тилшуносликка оид асарларда йўлма-йўл таҳлил этиб ўтилган. Ўзбек тилшунослигида уни дастлаб А.Н.Канонов ўзбек адабий тили грамматикасига бағишланган китобининг фонетика баҳсида тилга олган бўлса¹, кейин М.Мирзаевнинг, Ф.Камоловнинг, Ж.Мухторовнинг ва Х.Дониёровнинг ОЎЮ тизимидаги турли факультетлар учун нашр этилган ўзбек тили дарсликларидagi фонетика баҳсида қайд этилган. Бироқ уларда метатеза сўздаги ёндош товушларнинг ўрин алмашишига мисол келтириш билангина изоҳланган². Метатезанинг бошқа кўринишлари ва юзага келиш сабаблари ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмаган. Ф.Абдуллаевнинг

¹ Қрнг.: Кононов А.Н. Ўша асар. –С. 49

² Қрнг.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 68-б.; Камолов Ф.К. Фонетика. 64-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 9-б.; Дониёров Х. Фонетика. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 2-б.

Хоразм шеваларига¹, С. Иброҳимовнинг Андижон шевасига² бағишланган монографияларида ҳам метатеза юзасидан худди шу характерда тўхтаб ўтилган. Фақат уларда келтирилган мисоллар шева материаллари бўлиб, бироз бойроқ. Ф.Абдуллаев шу орқали айрим сўз этимологияларини ҳал этишга ҳаракат қилган.

Сўздаги товушларнинг ўзаро ўрин алмашишидан иборат материаллар икки кўринишда бўлади: 1) контакт товушлар метатезаси, 2) дистант товушлар метатезаси. Шулардан биринчиси метатезага бағишланган саҳифаларда қайд этилган бўлиб, деярли таҳлил этилмаган. Сўздаги контакт товушлар метатезаси бир неча сабабга кўра содир бўлади.

1. Бўгин бошидаги *r* сонантининг позициясини ўзгартириш учун олдинги бўгин ауслаути билан метатезага учратилади. Мисоллар: *typrəq* > *tyrəq*, *tebrat* > *tervat*, *ograt* > *orgat*, *toʻpra* > *torʻpa* ва ҳ.к. Худди шу сўзларга ўхшаб метатезага учраш орқали *терга-* феълининг фонетик таркиби шаклланган. Бу ҳақда Ф. А. Абдуллаевнинг жуда яхши этимологияси бор. Бу сўз асли *теп* сўзига *-ra* феъл ясовчисини қўшиш орқали ясалган бўлиб, у 'тенгла, қиёсла' маъноларини беради. Шу орқали у ҳозирги 'қиёслаб сирини оч' маъносини ҳосил қилган. Кейин *тепра-* феълининг, юқоридаги каби бўгин бошида *r* сонантини қўлламаслик қонуниятига кўра ёндош ундоши билан метатеза содир бўлган. Бўгин бошида *η* товушининг қўлланиши ноқулай бўлгани учун, у урчиб, сонантлик хусусияти, яъни бурун артикуляциясини йўқотган: *тепра-* > *терпа-* > *терга*³.

2. Кейинги бўгинни одатий сўз ясовчи ёки шакли ҳолатида бериш, унга мослаштириш учун бўгинлар контактидаги товушлар метатезага учрайди. Бунда бисиллабик сўзнинг биринчи бўгини ауслаути *r* сонанти бўлиб, кейинги бўгин анлаути сифатида бошқа бир ундош келади. Масалан: *darjə* > *dajra*, *Mārijā* > *Mārijām* > *Mar-jam* > *Majram* каби. Бу метатезада кейинги бўгин *-ra* феъл ясовчи аффиксига аналогия қилиш орқали таркиб топтирилган. Аммо бу сабабга кўра метатеза содир бўлиши фақат ўзлашган сўзларда учраб, жуда кам кузатилади. Чунки ўзбек тилида сўз бўгинларини *r* товуши билан бошлашдан қочиш анча фаолдир. Яна шунга ўхшаш бисиллабик сўзларнинг иккинчи бўгинини ясовчи аффиксларга қиёс қилиш орқали таркиб топтириш учун метатеза содир

¹ Қрғ.: Абдуллаев Ф.А. Ўша асар. –С. 146.

² Қрғ.: Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. –Тошкент: Фан, 1967. 113-б.

³ Қрғ.: Абдуллаев Ф. А. Ўша асар. Ўша бет.

бўлишини қатор ҳолатларда учратиш мумкин. Масалан: *dyjnə* > *dyjnə*, *eŋsə* > *ensə* > *esnə*- каби сўзлардаги метатеза содир бўлишида -на феъл ясовчи аффиксига қиёс қилиниб, иккинчи бўгин таркиб топтирилган. Яна *tamʃa* > *taʃma*, *qamra-* > *qarma-*, *jəmlə+ʃʊc* > *jəmləʃʊc* > *jəlməʃʊc* каби сўзлардаги метатезада иккинчи бўгин -та ясовчи аффиксига қиёс қилиниб, таркиб топтирилган. Шунга ўхшаш *taxja* > *tajxa* сўзидаги метатеза ҳам иккинчи бўгиннинг -қа феъл ясовчи аффиксига қиёс қилиб таркиб топтирилган. Турган гапки, -қа ясовчи аффиксининг фонетик таркиби билан ха товушлари состави бир хил эмас. Лекин *j* ауслаутли негизларга қўшиланган -қа аффикси жонли тилда -ха варианты билан талаффуз этилиши ҳисобга олинса, юқоридаги таҳлил асосли бўлиб чиқади.

3. Ўзлашган лексикага оид сўзларнинг фонетик таркибидаги айрим товушлар ўз лексикага оид сўзлар таркибига хос позицияни олиш учун бирор товуш билан метатезага учрайди. Масалан, ўз лексикага оид сўзларда лаб-лаб *w* сирғалувчи ундоши туб сўзларнинг ҳамма вақт ауслаути сифатида келади, полисиллабик сўзларнинг кейинги бўгини бўлса ҳам, унинг охирида қўлланади. Бу қонуният, албатта, сўзлар негизи доирасида бўлиб, сўз шакли орттирилганда ўз қимматини йўқотади. Яъни: *qʊstəw* > *qʊstəwʊ*, *əw* > *əwʊ*, *kəstəw* > *kəstəwʊ* каби. Ўзлашган лексикага оид баъзи полисиллабик сўзнинг кейинги бўгинларидан бири лаб-тиш *v* сирғалувчи ундоши билан бошланади. Бунда *v* сирғалувчиси артикуляция ўрнини ўзбек тилига хос ҳолатга, яъни лаб-лаб артикуляция ўрнига келтиради ва ўзидан аввалги ундош билан метатезага учрайди. Масалан, арабча *أحوال* (*ahvəl*) *أقوات* (*aqvət*) сўзларининг иккинчи бўгин анлаути лаб-тиш сирғалувчи ундошдир. Ўзбек тилига ўзлашгач, бу товушлар лаб-тиш артикуляция ўрнига эмас, лаб-лаб артикуляция ўрнига эга бўлган. Ўзбек тилида лаб-лаб сирғалувчиси бўгин охирида келади. Шунинг учун, у аввалги бўгин ауслаути билан метатезага учраган. Яъни: *ahvəl* > *ahwəl* > *ahwəl*, *aqvət* > *aqwət* > *əwqət* ҳолатида.

Араб тилидан қабул қилинган *قفل* (*qyfl*) сўзидаги *fl* товушлари метатезага учраб, ўзбек тилида *qyfl* ҳолатида қўлланар экан, метатеза позициян ҳолда содир бўлган. Ўзбек тилидаги ун миқдори кўп бўлган товушлар марказда, шовқиндан иборат, ёки шовқин миқдори кўп бўлган товушлар четда жойлашади. Шунга кўра, *qyfl* сўзида товушларнинг баллар бўйича жойлашуви 1413 ҳолатида бўлган. Бўгиндаги товушларнинг жойлашуви ўзбек тилида бундай бўлмайди. Шунинг учун, *qyfl* сўзидаги товушлар жойлашуви ўзбек тилига хос

ҳолда позицион ҳолни олган ва *qyfl* > *qyfl* метатезаси содир бўлган. Унинг баллар бўйича таркибий қурилиши 1431 ҳолатида бўлиб, ўзбекча ўз лексикага оид сўзлар бўғинининг фонетик таркибига мосдир. *Qyfl* сўздан ўзбек тилида сўз ясалар экан, метатеза кутилмайди: *qyfl+a* > *qyfl+a* > *qypla*. Чунки ундаги бўғинларнинг фонетик таркиби 141+34 ҳолатида бўлиб, ўзбекча сўз бўғини фонетик қурилишига зид эмас. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай метатезалар ўзбек тилида санокли даражададир. Чунки бу ҳолда метатеза эмас, эпентеза содир бўлиб, бўғин бўлиниб кетади. Бу ҳақда эпентеза баҳсида тўхтаб ўтилган.

Сўздаги дистант товушлар метатезаси ўзбек тилида жуда кам учрайди. Шунинг учун ҳам, у фақат С. Иброҳимовнинг Андижон шаҳар шеvasига бағишланган монографиясида мисол тариқасида қайд этилган¹.

Сўздаги дистант товушлар метатезаси асосан икки сабабга кўра содир бўлади:

1. Дистант ассимиляция талаби билан. Бунда сўздаги биринчи бўғин анлаутига иккинчи бўғин анлаути мослашиши учун шу бўғинда дистант товушлар метатезаси кечади. Масалан: *rajqr* > *rajrəq* каби. Бу ўринда биринчи бўғин лаб-лаб портловчи *p* ундоши билан бошланганлиги учун, кейинги *qr* бўғинида дистант ундошлар метатезаси содир бўлган ва бу бўғин ҳам *p* ундоши билан бошланадиган таркибни олган. *Qolqr* сўзидаги иккинчи бўғинда дистант ундошлар метатезаси бўлмаган. Чунки унинг бўғинлари анлаути ўзаро мос. Болалар тилидаги *qolrəq* метатезаси ассимиляция талаби билан эмас. У *rajrəq* сўзига қиёс қилиш орқали содир бўлади.

Мана шу метатезага кўра *qoʻʻrcəq* ва *təʻkiciri* сўзлари ҳам келиб чиққан. *Qoʻʻrcəq* сўзи *qoʻʻrcəq* сўзининг кичрайтиш билан қўлланган шаклидир, яъни: *qoʻʻrcəq*. Унда ассимилятив метатеза содир бўлган: *qoʻʻrcəq* > *qoʻʻrcəq*. Кейин иккинчи бўғин анлаути интервокал позицияда келганлиги учун, спринтизацияга учраган. Охирги унлининг “ə” лашиши сингармонизм талабидир. Уқуйидагича тараққий этган: *qoʻʻrcəq+q* > *qoʻʻrcəq* > *qoʻʻrcəq* > *qoʻʻrcəq*. Кейинги *təʻkiciri* сўзи *təʻkiciri* сўздан олинган. Бунда *ʃ* ва *g* контакт товушлари ўзаро ассимиляцияланган, яъни *ʃ* ундоши жарангсиз бўлганлиги учун *g* ундоши ҳам жарангсизлашган ва *g* ундоши портловчи бўлганлиги учун *ʃ* ундоши *s* ундоши билан алмашган: *təʻkiciri* > *təʻkiciri* ҳолига келган. Биринчи бўғин унаисидан кейин

¹ Қрн.: Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. 113-б.

с аффрикати қўлланганлиги учун, иккинчи унлидан кейин ҳам с аффрикати талаб қилинган ва иккинчи ҳам учинчи бўгин анлаутлари метатезаси кечган. у товушларининг *i* товуши билан алмашиши регрессив сингармонизм натижасидир. Яъни у қуйидагича фонетик тараққий этган: *məşşyryci* > *məşkyryci* > *məşkyryci* > *məşkiciri*.

2. Сўздаги товушлар ўз лексикага оид сўзларнинг фонетик таркиби қурилишига мослашуви талаби билан кечади. Бунда сўздаги айрим товушлар ўз лексикага оид сўзларнинг фонетик таркибида шу позицияда қўлланмайдиган бўлгани учун, у шу сўздаги бошқа бир товуш билан метатезага учрайди ва тилга мувофиқ позицияни олади. Масалан, арабчадан ўзлашган *مزاج* (*mizəç*) сўзининг фонетик қурилиши ўзбек тили учун хос эмас. Ўзбек тилидаги сўзларнинг ауслаути сифатида жарангли аффрикат қўлланмайди, лекин жарангли сирғалувчи қўлланиши мумкин. Шунинг учун, бу сўз жонли тилда метатезага учратилади. Яъни: *mizəç* > *miçəz* каби. *Ajlan*- сўзи Андижон шевасида *ajnal*- ҳолида талаффуз этилади. Бунда бўгин бошида *l* сонантини қўллашдан қочиш сабаб бўлган ва бўгин анлаути ва ауслаути метатезаси содир бўлган¹. Андижон шевасида *qyʃyʃ* сўзи *qyʃyʃ* вариантыда талаффуз этилади². Бу ўринда бисиллабик сўзларнинг кейинги бўгини *-ij* товушлари билан эмас, *-ir* товушлари билан тугаш қонунияти аҳамият касб этган ва биринчи ҳам иккинчи бўгин ауслаутлари ўзаро метатезага учраган. Яна *tuman* сўзи ҳам метатеза натижасида шаклланган. У *tyn*- 'хиралан'- фельдидан ясалган *tynat* оти бўлиб, 'хиралаштирувчи восита' маъносини беради. Кейинчалик *t* сонантига нисбатан *n* сонантининг ауслаут сифатида қўланиши фаол бўлгани учун, улар метатезага учраган. Яъни: *tynat* > *tuman* ҳолатида.

Жонли тилда кишиларнинг эшитиш қобилияти нуқсони билан ҳам метатеза содир бўлади. Бу сўзнинг дистант товушларида кечиб, улар кетма-кет жойлашган бўгин анлаутига тўғри келади. Масалан, *awara* сўзи Андижон шевасида *awara* вариантыда талаффуз этилади³. Бунда кетма-кет бўгинлар анлаути бўлган ундошларнинг кейингиси, хотирага жойланиши жиҳатидан, янги бўлгани учун, сўз нутқда шаклланар экан, аввалроқ талаффузга кўчади, аввалгиси кейин қайд этилади. Бу, турган гапки, нотаниш сўзнинг ўзлаштирилишидаги тажрибасизлик натижаси бўлади. Шунинг учун ҳам, у кўпроқ болалар нутқида кузатилади. Масалан: *sämäljot* > *masalet*, *xənzəda* > *xənzəza*, *beməzə* > *bezəmə* ва

¹ Қрғ.: Иброҳимов С. Ўша асар. Ўша бет.

² Қрғ.: Иброҳимов С. Ўша асар. Ўша бет.

³ Қрғ.: Иброҳимов С. Ўша асар. Ўша бет.

ҳ.к. Бундай анлаут ундошлари метатезага учраган сўз бўғинларининг унлилари бир хил ёки бир артикуляцион кенгликка эга бўлади.

Метатеза асосан диалектал, яъни жонли тилга хос ҳодисадир. Маълум сўздаги метатеза бирор шевада учрагани билан у умуман шу шева оид тилга хос ҳодиса деб қараб бўлмайди. Шу сўзда қайд этилган метатеза қўшни шевада ва умуман бошқа бирорта ҳам шевада қайд этилмаслиги мумкин. Айрим шеваларда метатеза учун фактлар ниҳоятда кўп учрагани ҳолда, шу тилга оид иккинчи бир шевада бармоқ билан санарли даражада мисол топилади. Ўзбек тилининг шаҳар шеваларида у ниҳоятда кам кузатилади. У кўпроқ адабий тил таъсири етиб бормаган шеваларда кенг ёйилган бўлади. Масалан, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Хумсон қишлоғига 1962 йил тилшунос А. Ҳожиев билан борганимизда ерлик қариялар билан суҳбатимиз чоғи метатезага учраган бир қанча сўзлар қулоғимизга чатилган эди. Улар ўндан ортиқ сўз бўлиб, эслашимча, улар ичида *тыррəq* (*тыпрəq*), *kəkcin* (*kəcki*), *үрсаş-* (*үсрəş-*), *сəгwa* (*сəгwa*), *эпша* (*эпшə*) каби сўзлар бўлган. Улар бўғинлар туташган ердаги контакт ундошлар ўрин алмашуvidан иборат. 2010 йил у ерга борганимда шевадаги бу ҳодиса қулоғимга унча чатилмади. Чунки у ерга кейинги йиллар жуда кўп тошкентликлар кўчиб борган бўлиб, аҳоли зич яшайдиган жойга айланган. У ернинг туб аҳолиси 20 фоизга ҳам бормади. Ҳозирги авлодга Тошкент шеваси қаттиқ таъсир қилган.

Метатеза, юқорида қайд этилганидай, асосан жонли тилда кузатилади. Улар камдан-кам ҳолдагина адабий тилда ўз аксини топиши мумкин. Бунинг учун метатезага учраган сўз аввал чет тилидан жонли ўзбек тилига қабул қилинган бўлади. Шу сўз фонетик таркибида метатеза кечгач, адабий тилга кириши мумкин. Аксинча, ҳолат кечмайди. Чунки ўзбек адабий тилига чет сўзларни, имкони борича, ўз фонетик таркиби билан қабул қилишга ҳаракат қилинади. Бу ўзбек адабий тилидаги сўзлар фонетик таркибида метатеза қайд этилишининг кўпайиши учун тўсиқдир.

ХУЛОСА

Нутқ товушларининг ўзгариши уларнинг нутқ кечимидаги ҳолатлари билан ўзгаради. Бу қуйидаги хулосаларга олиб келди.

1. Нутқ товушлари асосан икки ҳолатга кўра ўзгаради:
1) нутқдаги ёки ундаги сўзнинг айрим товушлари ўрнашган

ўрнига кўра ўзгаради. Бу ҳолатга кўра асосан конвергенция ва дивергенция, редукция, умлаутлашиш, аспирация ва кнаклаут; нутқ товушларининг тушиши ва орттирилиши, метатеза ҳодисалари кечади; 2) нутқдаги ёки ундаги сўзларнинг айрим товушлари ўзаро муносабатига кўра, яъни комбинатор ҳолатига кўра ўзгаради. Бу ҳолатга кўра асосан нутқ товушларининг ўзаро мослашуви, яъни ассимиляция, диссимиляция, аккомодация ҳодисалари; назализация ҳодисаси, геминация ва дегеминация ҳодисалари кечади. Нутқ товушларининг урчиши асосан сўздаги позициясига кўра ва баъзан комбинатор ҳолатга кўра ҳам содир бўлади.

2. Товуш тараққиёти деярли позицион ҳолатда ўтади. У бир неча фонетик ҳодисалар билан юзага чиқади:

а) дивергенция ҳодисаси, гарчи ўзбек тилида кам бўлса ҳам, бор. У чўзиқ *э*: унлисининг кўп ўринларда *э* унлисига ва орқа қатор *а* унлисининг чуқур тил орқа ундошларидан олдин *э* унлисига айланишида кузатилади. У ўз сўзларда ва араб тилидан ўзлашган сўзларда ҳам кўзга ташланади;

б) конвергенция ҳодисаси чўзиқ *э*: унлиси дивергенциясига кўра ва орқа қатор *а* унлисининг чуқур тил орқа ундошлари олдидан қўллангандаги дивергенциясига кўра ҳосил бўлган *э* унлиси чагишмаси билан юзага келади. Яна орқа қатор *у* унлиси олд қатор *ү* унлисини, орқа қатор *о* унлиси ўрта қатор *ө* ва олд қатор *ө* унлисини ассимиляция этишига кўра ҳам содир бўлади;

в) араб тилидан ўзлашган *изги* (ظ), *зот* (ض), *зол* (ذ) ундошларининг ўзбек тилидаги тил олди сирғалувчи *z* ундошига; *се* (ث), *сот* (ص) ундошларининг ўзбек тилидаги тил олди сирғалувчи *s* ундошига; *итқи* (ط) ундошининг ўзбек тилидаги тил олди портловчи *t* ундошига ассимиляция этилиши ҳам ассимилятив конвергенцияни ҳосил қилган. Бу асосан ўзлашган сўзлардаги товушлар ҳисобигадир;

г) ўзбек тилидаги *c > j* тараққиёти асосан *c > ʃ > ʒ > j*; *c > ʃ > s > z > j*; *c > ʃ > s > z > j* кўринишларида; *η* тараққиёти *η > n, η > g, η > k, η > q, η > ʃ, η > t, η > j* кўринишларида кечган. Яна *k > g > j, q > ʃ > w, q > x* каби товуш тараққиётлари ҳам мавжуд;

д) ўзбек тилидаги товуш урчиши портловчи товушларнинг сирғалувчига айланиши, қоришиқнинг парчаланиши, жарангсиз ундошнинг жаранглилашуви, жарангли ундошнинг жарангсиз бўлиши, қулай артикуляция ўрнига кўчиши, “й”лашиш, фақат ўзлашган сўз таркибида сирғалувчи портловчига ўтиши орқали содир бўлади.

3. Ўзбек тилидаги сўзларда товуш тушиши, яъни диереза ҳодисалари:

а) анкопа $c > j$, $\eta > j$, $k > j$, $\eta > w$ товуш урчиши натижасида юз беради;

б) синкопа, апакопа, афирезис, элизия, синерезис кабиларда сўзлар бўғинидаги қатор ундош ва қатор унлини йўқотиш, интервокал ундош ёки интервокал урғусизланган унли редукцияси орқали кузатилади. Гаплогияда сўздаги такрор бир хил бўғиннинг бири туширилади.

4. Ўзбек тилидаги сўзларда товуш орттириш:

а) протезада ўзбек тилига хос бўлмаган анлаут (r, l, n товушлари) олдидан бир унли ёки бир унли ва бир ундош орттириш орқали амалга оширилади;

б) эпентеза ва аустезаларда ўзлашган сўзлардаги қатор унлилар ва қатор ундошлар орасида ёки кетида товуш орттириш билан кечади. Баъзан анлаутда қатор ундош келганда ҳам олдидан бир унли орттирилади.

5. Ўзбек тилидаги урғусизланган бўғинлардаги тор унли ва охирги бўғиндаги кенг унлидан кейинги ауслаут редукцияга учрайди.

6. Ўзбек тилидаги интерконсонант унли назализацияси умлаутлашиши комбинатор ҳолатда, кнаклаут ва спринтизация позицион ҳолатига кўра содир бўлади. Албатта, бунда у содир бўлган товуш хусусияти аҳамият касб этади.

7. Сўз ундошларидаги геминация экспрессивлик ва эмоционаллик таъсирида кўпроқ сифатларда, шунингдек белги билан боғлиқ феъл ва равишларда юзага келтирилади. У баъзан сон ва олмошларда ҳам кузатилади. Шу сўзлар эмоционаллик ва экспрессивликдан холи бўлса ва кўпинча субстантивация геминациядан холилашади, яъни дегеминация кечади.

8. Ассимиляция, диссимиляция, аккомодация каби ҳодисалар сўздаги ёндош товушлардаги қандайдир алоқадорликка кўра амалга ошади. Сингармонизм ҳам шундай ҳолатга кўра содир бўлади.

9. Метатезанинг контакт кўриниши кўпроқ позицион ҳолатига кўра, дистант кўриниши комбинатор ҳолатга кўра амалга ошади.

5-БОБ

ИНТОНАЦИЯ

Интонация нутқнинг талаффуз этилиши билан боғлиқ, унга хос хусусиятни ифода қилувчи томон ҳисобланади. У фонетиканинг алоҳида бир қисми – фонетика билан боғлиқ қисмини тадқиқ этади. Тилшуносликка доир адабиётларда қайд этилишича: “Интонация нутқнинг оҳанги, ритми, темпи, говуш кучи, талаффуз кўринишлари кабилардан иборат просодик элементлар йиғиндисидир”¹. Шу билан бирга у гапнинг мантиқ урғуси, эмфатик урғуси ва паузаларни ҳам ўз ичига олади². Бу элементларнинг бирортаси ҳам ўзига мустақил маълум бир вазифа бажармайди, яъни интонация бўлиб қолмайди. Нутқ интонациясини шакллантириш учун уни таркиб топтирувчи маскур элементлардан бир нечаси ёндош иштирок этади. Улар йиғиндиси бир бутун ҳолда нутқнинг талаффуз қилинган қисми интонацияси бўлади. Интонациянинг шаклланиши шу нутқнинг қандай қайд этилиши ва сифати билан табиий боғлиликка эгадир. Бундан маълум нутқ бўлагининг шаклланиши уни амалга оширувчи субъекти билан алоқадор ҳолда юзага келади, яъни субъектив бўлади, деган хулосага бормаслик керак.

¹ *Крнг.*: Щерба А.В. Языковая система и речевая деятельность. –Л.: Наука, 1974. –С. 158. Бошқа бир қатор фонетист тилшунослар ҳам шу фикрни қувватловчи фикрларни айтганлар. *Крнг.*: Булинин Л.А. Фонетика современного русского языка. –М.: ВШ, 1970. –С. 167. Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. II Band. –Leipzig: VBJ, 1970. –S. 1002; Моисеев А.И. Русский язык. Морфология. Орфография. –М.: Просвещение, 1975. –С. 87; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ, 1966. –С. 180; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. –М.: ВШ, 1979. –С. 273; Советский энциклопедический словарь. –М.; СЭ, 1981. –С. 503; Ҳожиев А.П. “И” // Ўзбек тили изоҳли лугати. I т. // М.; Рус тили, 1981. 331-б.; Ҳожиев А.П. Интонация // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жид. –Тошкент: ЎЗМУДИН, 2002. 185-б.

² *Крнг.*: Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. II Band. –S. 1002; Моисеев А.И. Русский язык. Морфология. Орфография. –С. 87; Магусевич М. М. Современный русский язык. Фонетика. –М.; Просвещение, 1976. –С. 218; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. –С. 271; Булинин А.А. Фонетика современного русского языка. –С. 1987.

Ихчамгина бир предикацияга эга гапни бир неча кўринишдаги интонация билан талаффуз этиш мумкин. Масалан, *Мен Тошкентда бўлдим*. гапи фақат бир предикациядан иборат. Лекин уни дарак гап сифатида ҳам, сўроқ гап сифатида ҳам талаффуз этса бўлади. Турган гапки, ҳар икки кўринишда бир хил интонация берилмайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос интонация билан қайд этилади. Талаффуз этилганда эга вазифасидаги *мен* олмошига ҳам, ўрин ҳоли вазифасидаги *Тошкент* отига ҳам, кесим вазифасидаги *бўлдим* феълига ҳам мантиқ урғусини юклаб, уни таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Бу сўзловчининг мақсади, қандай маълумотни биринчи ўринга чиқариши билан боғлиқ. Шунга қараб, сўздаги маълум бўлак унлиси баланг товушда ва юқори ёки паст товуш кучи билан, айрим бўлақлар темпи тез ёки секин талаффуз этилади. Берилган гапни эксперимент учун дуч келган шахсга талаффуз этишни топширилса, уни шундай қайд этадики, шу гапдан кўзланган мазмун ва мақсад аниқ юзага чиқмаслиги мумкин. Агар талаффуз этувчи тил илмидан нарироқ шахс бўлса, ундан керакли натижа олиш мумкин эмас. Лекин гап ҳамма вақт ўз қатъий интонациясига эга эканлиги ҳолда, унга амал қилиб мулоқатга киритилади. Бу гап интонацияси унинг мазмуни ва ундан кўзланган коммуникатив мақсад назарда тутилиб шакллантирилади. Уни сўз устасигина адашмасдан илғаш ва талаффузини амалга ошириши мумкин.

Радио ва телевидение дикторлари ва нотиклар, одатда, сўз усталари бўлади. Улар гап интонациясини у қўлланган нутқдан келиб чиқиб пайқайдилар ва талаффузни амалга оширадилар. Юқоридан берилган мисолни қайта эслашга тўғри келади. Яъни: *Мен Тошкентда бўлдим*. Бу гап кетидан, фараз қилайликки, *Тошкент – гўзал шаҳар*. ва яна ундан кейин *Кўриб кўзинг қувнайди* гаплари берилган. Сўз устаси бу гаплардаги мазмун ва коммуникатив мақсадга қараб, ундаги интонация қандайлигини билади ва талаффузини қилади. Гаплар мазмунидан маълумки, уларнинг ҳаммаси ҳам дарак гап. Яъни у дарак гап интонациясида берилади. Кейинги гап *Тошкент* шаҳри ҳақида. Шундан келиб чиқиб, биринчи гапдаги *Тошкентга* бўлагига мантиқ урғусини берилади. Учинчи гап мантиқидан келиб чиқиб, иккинчи гапдаги *гўзал* бўлаги мантиқ урғусини олган. Улардаги бўгин унлисининг товуш баланглиги бошқа бўлак бўгинлари унлисидан нисбатан юқори ва у келган сўз товушлари чўзиқ бўлади. Гап дарак бўлганидан кейин охири томон товуш баланглиги пасайиб, темпи тезлашади. Сўнги товуш ниҳоятда чўзиқ қайд этилади. Иккинчи гап феъл кесимли бўлгани учун, эгадан кейин; учинчи

гапнинг биринчи бўлаги эргаш гап кесими бўлганлиги учун, ундан кейин пауза бор. Сўз устаси тилнинг мана шу нозик хусусиятларидан, воситаларидан яхши фойдалана олади¹. Шунинг учун, сўз устаси ўқиган гапни, А. Р. Зиндер таъбири билан айтганда, тингловчи минг киши бўлса ҳам, барчаси беҳато тушунаверади². Чунки гапнинг ҳар қандай ифодаси учун ўзига хос қатъий интонация шаклланади³. Ундан тўғри фойдаланиш коммуникация қулайлигини яратади.

Интонациянинг бажарадиган вазифалари ниҳоятда кўп⁴. Бу кўп вазифаларни у асосан оғзаки нутқда адо этади⁵. Уларни ёзма нутқда бажариш имконияти деярли бўтилган. Лекин нутқ интонациясиз ҳаёт эмас⁶.

Нутқ ичидаги эмоционаллик ҳам интонация воситасида намоён бўлади⁷. Юқорида келтирилган учта гапнинг учинчиси *Кўриб, кўзинг қувнайди*. бўлиб, эргаш гап эмоционалликка эга. Бироқ унинг мазмунидан ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди. Уни талаффуз этилганда, товуш баланглигининг юқорилиги, темпининг секинлашганлиги ва товуш тембрининг ёрқинлиги эмоционалликни юзага чиқаради. Эмоционалик, шубҳасиз, модаллик билан боғли бўлади⁸. Бунда матннинг ўзи эмоционалликни намоён этиб туради. Бироқ интонациянинг эмоционал асоси гап мазмуни билан боғли бўлиши шарт эмас⁹. Мана шунда эмоционалликни юзага чиқариш вазифаси фақат интонацияда қолади.

Интонация гапнинг коммуникатив типларини талаффузда ажратиб, характерлаб бериш вазифасини ҳам бажаради¹⁰. Гапнинг коммуникатив типлари икки томонидан пауза билан ажратиб олинар экан, айримларининг эгаси кетидан қисқа пауза берилиши ва ҳар бир такти қисқа пауза билан бўлиниши мумкин. Улардаги товуш темпи ва товуш баланглиги ҳам турлича бўлади. Дастлабки бўлакнинг

¹ Қрнг.: Зиндер А. Р. Общая фонетика. – С. 268.

² Қрнг.: Зиндер А. Р. Ўша ўқув қўлланма. – С. 268.

³ Қрнг.: Жинкин Н. И. Развитие письменной речи учащихся III–IV классов // Известия АПН РСФСР. – 1951. Вып. 78. – С. 148,149; Зиндер А. Р. Ўша ўқув қўлланма. – С. 270.

⁴ Қрнг.: Буланин А. А. Фонетика современного русского языка. – С. 168.

⁵ Қрнг.: Буланин А. А. Ўша дарслик. – С. 167.

⁶ Қрнг.: Буланин А. А. Ўша дарслик. Ўша бет.

⁷ Қрнг.: Буланин А. А. Ўша дарслик. – С. 168.

⁸ Қрнг.: Зиндер А. Р. Ўша ўқув қўлланма. – С. 269.

⁹ Қрнг.: Зиндер А. В. Ўша ўқув қўлланма. Ўша бет.

¹⁰ Қрнг.: Щерба А. В. Языковая система и речевая деятельность. – С. 159; Зиндер А. Р. Ўша ўқув қўлланма. – С. 271.

бўгин унлисига бериладиган товуш кучи ҳам барча тип гапларда бир хил кузатилавермайди. Булар гапнинг турли коммуникатив типлари ва эмоционал гапларда ўзига хос шаклланади. Шу интонацион шаклланишга қараб, улар ўзаро фарқланади. Бу нутқ таркибида ўз ритми қайд этилувчи тактларнинг бир-биридан ажралиши ва ўзаро бир бутун ҳолда бирлашиши учун аҳамият касб этади¹. Пауза интонациянинг шу вазифаларни бажаришида муҳим ўрин тутади.

Интонация турли синтактик қурилмалар шаклланишида, грамматик воситалар имконияти бўлмаса, унинг вазифасини ҳам бажаради². Бу от кесимли гаплар тузилишида, аниқловчи ва релятив бирикмалар таркиб топишида кузатилади.

Юқорида кўрсатилган таҳлиллар Л.Р.Зиндер³ ва М.И.Матусевич⁴ каби рус фонетиклари томонидан жуда тўғри ва асосли олиб борилган. Шунинг учун ҳам, Л. Р. Зиндер интонацияни фонема даражасида деб изоҳлашгача борган⁵. Интонациянинг маълум доирада юзага чиқишини, фонема даражасида деб эмас, ҳар қандай мазмун актига хос хусусият деб, мазмун актининг ўзига хос объектив борлиги ва унинг шакл хусусиятларидан бири деб изоҳлаш керак.

Интонация, юқорида қайд этилганидай, бир неча компонентлардан иборат. Улар нутқ оҳанги, унда қўлланувчи товуш кучи, нутқ темпи ва пауза кабилар ҳисобланади. Шунингдек, интонациянинг тўла шаклланишида манتيқ урғуси ва эмфатик урғу ҳам ўз аҳамиятига эга. Бироқ бу урғулар такт интонациясида эмас, гап интонациясида ўзининг инкорсиз қиммати билан қатнашади. Қуйида интонациянинг ҳар бир компоненти изоҳи ва қиммати билан қисқача таништиришга ҳаракат қилинади.

Оҳанг интонациянинг асосий ва муҳим компоненти бўлиб, товушнинг асосий тони ҳаракатидан (баланд ва пастлигидан) шаклланади. Гап нутқ таркибида бир хил баландликда талаффуз этилмай, унинг бўгинидаги унлилар бири баланд, бири нисбатан паст талаффуз этилади. Шу нутқ оҳангини келтириб чиқаради. Унлиларнинг баланд ёки нисбатан паст талаффуз этилиши нутқ мазмуни, унинг коммуникатив типи, диққат қаратилган бўлагига боғли ҳолатда бўлади.

¹ Қрнғ.: Буланин Л. А. Ўша дарслик. –С. 168.

² Қрнғ.: Буланин Л. А. Ўша дарслик. Ўша бет.; Зиндер Л. Р. Ўша ўқув қўлланма. –С. 272.

³ Қрнғ.: Зиндер Л. Р. Общая фонетика. –С. 267, 268.

⁴ Қрнғ.: Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. –С. 242.

⁵ Қрнғ.: Зиндер Л. Р. Ўша ўқув қўлланма. Ўша бет.

У маълум коммуникатив гап типларини шакллантиришда ҳам аҳамият касб этади. Масалан, *Бу ким?* гапи билан *Бу сен?* гапини қиёслаб кўриш мумкин. Бу гапларнинг ҳар иккиси ҳам сўроқ гапдир. Аммо уларнинг биринчисида сўроқ олмоши бўлганлиги учун, у сўроқ гап. Уни оддий дарак гап интонациясида, яъни унлилари бир хил баландликда талаффуз этилаверади. Бу билан унинг коммуникатив типни ўзгармайди. Кейинги гапнинг кейинги компоненти билан талаффузда берилади. Яъни бу олмоши унлиси 110 гц., сен олмошининг унлиси 190 гц. баланд талаффузга эга. Шу талаффузига кўра у сўроқ гапдир. Яъни у мазмунига яраша шакл хусусияти билан қайд этилган. У аввалги гапга ўхшаб унлилари бир хил баландликда талаффуз этилса, дарак гап оҳангида берилган ва дарак гап сифатида тингловчига етказилган бўларди.

Товуш баландлиги нутқ таркибидаги эмоционаллиги бўлган бўлагини ажратиб кўрсатади. Унда бўлак бўгинлари унлиси баланд талаффуз этилади. Эмоционаллик тугаган бўгиндан бошлаб унлининг талаффуз баландлиги анча пасаяди. Тактларнинг феъл кесими пастлашувчи оҳангга бўлиши ва от билан тугаганларида охириги бўгин унлиси баланд бўлиб, олдидаги бўгин унлиси паст эканлиги ҳам улар интонациясига хосдир.

У асосан таъкидли бўлақларни ажратиб кўрсатиши билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Товуш кучи интонациянинг муҳим компоненти бўлиб, товушнинг асосий тони хусусияти унинг зарби билан боғли ҳолатда шаклланади. У асосан сўз бўгини унлисида ўз аксини топади. Кўпроқ сўзнинг дастлабки бўгин унлисига берилади.

Товуш кучи эмфатик урғу олган бўлақларни ва таъкидланиши зарур бўлақларни талаффузда ажратиб кўрсатиш, яъни тингловчига етказиш мақсадида қўлланади. Кўпроқ мантқиқ ургусини олган бўлақдаги лексик урғули бўгин унлисини таъкидлайди.

Гап темпи гап талаффузида унга кетган вақт билан ўлчанади. Бу сўзловчининг гапириш тезлиги, фикр баён қилишдаги вақт зиклиги, маърузадаги аудитория ҳажми, савод кабилар билан ҳам боғли бўлиши мумкин. Чунки айрим кишилар бидирлаб гапирадиган ёки салмоқи бўлади. Бу, биламизки, киши нутқига хос нуқсондир. У билан гап темпини ўчаб бўлмайди. Шунингдек, шошиб фикр баён қилган кишининг ҳам нутқи гап темпини белгиламайди. Яна уч-тўрт юз кишилик аудитория билан йигирма кишилик аудиторияда гап темпи ўзаро фарқ қилади. Гап темпи бундай нисбий тезлик-

ларга қараб аниқданмайди. У саводли ёки нутқи нуқсонсиз киши нутқидаги ҳар бир товушга кетган вақтнинг бир гап доирасидаги ўртача вақт билан ўлчанади.

Товушларга, уларнинг типларига қараб, турлича чўзиқликда вақт сарфланади: портловчиларга кам, сирғалувчиларга ортиқроқ, унлилар учун максимум даражада вақт берилади. Сонантлар интервокал ҳолатда жуда кам, ауслаутда унлилар даражасида кўп вақт олиши кузатилади. Товушларга бериладиган вақт экспрессивликка кўра яна ортиши, бу ортиш икки, уч, ҳатто, беш баробаргача бориши мумкин. Бунинг устига гапдаги уюшиқ бўлак, ажратилган бўлак, яна ундалма, кириш ва киритма кабилар ҳам гапдан пауза билан ажратилади. Тактлар оралиғида ҳам қисқа пауза бўлади. Шу паузалар ҳам вақт олади. Мана шулар гап темпини белгилайди.

Гап темпи гап мазмуни, коммуникатив типлари, ундаги бўлақларнинг мазмуний қимматини кўрсатувчи восита ҳисобланади.

Гап урғуси. Гапдаги интенсивликнинг асосий вазифаси гапдаги бирор бўлақни таъкидлаб кўрсатиш бўлиб, бу вазифа гап урғуси негизида бажарилади. Бу ургулар тилшуносликда 1) мантиқ урғуси, 2) эмфатик ургу деб аталади.

Гапдаги маълум бўлақни таъкидлаб кўрсатиш вазифасини гап оҳанги ҳам бажаргани ҳолда, у асосан мантиқ урғусига юкланган бўлади. Гап оҳангининг ўзи мантиқ урғуси берилган ўринда ўзига хос баландлашуви билан ажралиб туради. Таъкид олган бўлақда гап оҳанги кўтарилади, айниқса, биринчи бўғин унлиси баланд талаффуз этилади ва кейинги бўғинлар талаффузи пастлаша боради. Мантиқ урғуси олган бўлак, қандай баландликка эғалигидан қатъий назар, кучли талаффуз этилади. Бунда табиий ҳолда шу бўлак интенсивлиги ортади, товуш баландлиги ҳам нисбатан кўтарилади. Унга сарфланган вақт ҳам нисбатан чўзилади. Бу, айниқса, бўлақдаги лексик ургу олган бўғиннинг унлисига нисбатан бўлади.

Мантиқ урғуси орқали эришиладиган таъкид гап ремасидан фарқ қилади. Маълумки, гап тема ва ремадан иборат икки компонентга бўлинади. Тема гапнинг тингловчига маълум қисми бўлиб, гап нима ҳақида боришини ифода этади. Ўша ҳақидаги янгилик гапнинг рема компонентида ифода топади. Рема тингловчига номаълум информацияни маълум қилувчи компонент бўлиб, мантиққа кўра, гап шу компонент ифода этувчи информацияни маълум қилиш учун тузилади. Бу нуқтаи назардан усиз гап тузиш

мантиқсиз деб қаралади. Шундай қараганда, гапнинг мантиқ урғу олган бўлаги шу ремадан иборатга ўхшаб туюлади. Бироқ ундай эмас. Мантиқ урғусини олган бўлакнинг вазифаси рема вазифасидан тамоман бошқача. Улар ўртасида маълум алоқа ҳам йўқ. Мантиқ урғуси тушган бўлак гап нима ҳақида эканлигини, гап марказида нима турганлигини алоҳида ажратиб кўрсатади. Унинг вазифаси шундан иборат. Бу бўлак гап темаси бўлиши ҳам, ремаси бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *Васил – гулчи*. деган содда йигиқ гапга эътибор қаратайлик. Бу гапнинг темаси *Васил* сўзида, ремаси *гулчи* сўзида ифода топган. Бу гап орқали сўзловчи тингловчи *Васил* компонентини келтириб, унга маълум бўлган шахсни эслатди ва *гулчи* компонентини келтириб, унга *Васил* ҳақидаги янгиликни маълум қилди. Гапнинг мазмуни моҳияти шундан иборат. Мантиқ урғуси шу гапнинг ҳар бир компонентида акс этиши мумкин. Агар у темага тушса, ремада келтирилган янгилик фақат *Василга* оидлигини; ремага тушса, тема ҳақидаги янгилик фақат *гулчи* эканлигини маълум қилиш, таъкидлаш бўлади. Мантиқ урғуси тушган бўлак моҳиятида ҳам маълум қилиш турганлигига қарамай, у ремадаги каби янгилик эмас, балки ажратиб кўрсатишдир.

Мантиқ урғусини такт урғуси хусусияти каби тушуниб бўлмайди. Чунки такт урғуси айни лексик урғу каби бўлади. Лекин у бутун тактнинг охириги сўзидаги лексик урғу бўлиб, шу тактдаги бошқа сўзлар лексик урғусидан нисбатан кучли ва баланд талаффуз этилади. Мантиқ урғуси лексик урғу билан бунчали боғли эмас. У ҳатто лексик урғуси бўлмаган ёрдамчи сўзларга ҳам тушади. Масалан, *У Вали билан келди*. гапида мантиқ урғуси билан кўмакчисига берилиши ҳам мумкин. Бунда биргалик таъкидланган бўлади.

Мантиқ урғуси нутқ ичидаги гапнинг яхлитлигини, унинг интонацияси бир марказга қаратилганлигини, таъкид ўрнини билдириб келади.

Эмфатик урғу гап урғуларидан бири бўлиб, гапдаги эмоционаллик ёки экспрессивлик қайд этилган бўлакни ажратиб кўрсатувчи урғудир. У экспрессивлиги ёки эмоционаллиги бўлган гап бўлагининг товуш баландлигини юқори қайд этиш ва темпини секинлатиш, яъни товушлари чўзиқ талаффуз этилиши билан тингловчига етказилади.

Эмфатик урғу шиорбоп гапларда, бадий нутқларда, монологларда кўп учрайди. Улар илмий, расмий ва транспорт нутқларда умуман бўлмайди. Расмий ахборотларда кузатилмайди.

Гап тембри нутқ таркибидаги гапда обертон ва резонатор тонлар ҳисобига шаклланадиган жарангдорлик ва майинлик касб этувчи товуш компонентиدير. Тембр деярли гап интонациясида аҳамиятли бўлмаса ҳам, экспрессивлик беришда ўзига хос ўрин тутаети. У гарчи гап коммуникациясида вазифа бажармаса ҳам, бадий ўқиш ва ашуа айтишда таъсирчанлик, эстетикликни оширади. Сўзловчи тембрни гап таркибидаги товушларда берилган унлар орқали юзага чиқаради. Шу орқали гапнинг айрим компонентларида экспрессивликни оширади, яъни гап мазмуни компонентларида қайд этилиши керак бўлган субъектив ифодаларни ўзида акс эттиради.

Тембр товушнинг қандай баландлигига қараб белгиланмайди. У бас товушларда ҳам, сапрано товушларда ҳам бирдай бўлиши мумкин. Чунки товуш баландлиги товуш пайлари қалинлигига боғли экани ҳолда, тембр товуш пайларининг сифати ва ҳалқум, оғиз, бурун бўшлиқларининг тузилиши, улар деворларига боғлиқ.

Товуш тембрини экспериментал жиҳатдан ўчаш ва шунга кўра хусусиятларини текширишнинг техник имкониятлари ҳозирча йўқ. Бу ўринда унинг коммуникацияда эмас, балки прогматикада аҳамияти катта эканлигини қайд этиб ўтишгина кифоя деб ҳисоблаш керак.

Пауза акустик жиҳатдан нутқ кечимида товушнинг тўхташи бўлса, биологик жиҳатдан артикуляциянинг тўхташидир. Бу эшитиш методига кўра шундай. Осциллограф ва шунга ўхшаш асбобларда пауза кечимида товушнинг тўхтамаганлиги, қандайдир даражада давом этаётганлиги қайд этилади. Бундай ҳолатларни психологик пауза деб аталади. Шу пайт сўзловчи товушни эмас, нутқни тўхтатиб, гўё унинг давомини излаётгандай бўлади. Л. Р. Зиндернинг кўрсатишича, бу паузани х е з и т а ц и я деб қараш керак¹. Хезитация расмий пауза учун характерли эмас. Чунки у сўзловчидаги руҳий потология билан боғлиқдир. Киши нутқ кечимини тўла фикрлаб олиб паузани онгли ҳолатда юзага келтирган ва давомини фикр ҳисобиде ушлаб турган бўлса, унда хезитация кузатилмайди. Нутқ кечимида сўзловчи бирор гап паузасидан кейин келадиган давомни фикран излаётган бўлса, унда хезитация юзага келиши – табиий.

Нутқ кечимида баъзан шундай паузалар ҳам бўладики, бу нафас инспирацисе мажбурияти ёки дуудқланиш патологияси билан боғли ҳолда ўтади. Уни лингвистик пауза билан адаштирмаслик керак. Асарнинг бошида қайд этилган эдики, физик юкнинг ортиқлиги органнинг дефектига кўра кишида кислородга бўлган талаб кучаяди

¹ Крнг.: Зиндер Л. Р. Общая фонетика. –С. 277.

ва қонда карбонат ангидрит ортиб кетган бўлади. Қондаги бу газнинг ортиқ бўлиши инспирация рефлектори ҳисобланади. Шунинг учун, киши минутига 14–17 марта нафас олиши ўрнига 20 дан 30 гача ва ҳатто ундан ортиқ ҳам олиши мумкин. Бунинг устига бу экспирацияни чўзиш имконини бермайди. Меъёрий ҳолда ўртача 20–25 сек. чўзиладиган экспирация 2–3 сек.дан нари ўтмай қолади. Натижада сўзловчи ҳар битта ёки иккита сўздан кейин пауза қилишга ва бу паузани меъёрий 300–400 мсек. ўрнига бир неча сек. давом эттиришгача боради. Бу пауза патологик пауза бўлиб, нутқ учун аҳамият касб этмай, аксинча халақит беради. Шунга ўхшаш қон айланишининг ва қон таркибининг бузилиши, нафас органларининг патологияси (пневмония, плеврит, сил, бронхит, бронхиал астма, лорингит каби касалликлар) кабиларда ҳам патологик пауза кўп кузатилиши ва нутқ учун халақит бериши муқаррар. Лингвистик пауза лингвистик зарурият бўлиб, нутқда маълум бир вазифа бажаради.

Лингвистик паузада умуман артикуляция тўхтайдми. У фақат товуш пайлари ҳаракатининг тўхташи, яъни ун ҳосил бўлишининг йўқолишидан иборат, деб қарамаслик керак. Осциллографияда товуш баландлиги ўлчанар экан, унинг қалами паузада ноль баландликда чизик қолдиради. Шу билан бирга жарангсиз товушларда ҳам ноль баландликдаги кўрсаткични беради. Лекин ноль кўрсаткичи баландликда қайд этилган жарангсизлар учун сарфланган мсек. пауза вақти пауза вақти деб қаралади. Яъни бундай товуш таркибида ун бўлмагани учун, шовқиннинг қоралама билан қолдирадиган изи ноль баландликда бўлади.

Пауза фақат гапларни, синтагмаларни ва умуман синтактик бирликларни ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилмайди. Рус тилшунос фонетики Л. Р. Зиндер жуда тўғри кўрсатганидай, маълум синтактик бирликни кўрсатишни ҳам таъминлайди¹. Масалан, *Васил - гулчи*. гапида эгадан кейин 270 мсек. пауза бор ва кетидан кесим берилган. Бунда эга ва кесим ўртасидаги мантиқий қарама-қарши ҳолатни пауза кўрсатган. Л. В. Щербанинг кўрсатишича, у рус тилида ҳам худди шу вазифани ўтайди².

Пауза эмоционаллик вазифасини ҳам бажаради. Кишида кучли ҳаяжон ёки ҳайратланиш кечганда нутқнинг пауза талаб қилмайдиган ўрнига келиб ҳам, бирдан пауза ҳосил қилиши мумкин. Масалан, *Бу киши... ўшамми?* гапининг эгасидан кейин пауза берилиб, сўнг кесим қайд этилганлиги ҳайратланиш экспрессивлигини аниқлатган.

¹ Қрнг.: Зиндер Н. Р. Общая фонетика. –С. 217.

² Қрнг.: Щерба Л. В. Фонетика русского языка. –М., 1955. –С. 123.

Пауза, кўринадики, нутқдаги товушнинг маълум дақиқа тўхташи бўлиб, синтактик бирикларни ўзаро ажратиш, бутунлигини таъминлаш, эмоционаллик ифодасини бериш каби вазифаларни бажаради.

Интонация компонентларини икки гуруҳга бўлиб юқорида қайд этилган эди. Уларнинг биринчи гуруҳи оҳанг, темп, товуш кучи ва тембридан иборат, иккинчи гуруҳига мантиқ урғуси ва эмфатик урғу, яна пауза киради. Улар нутқнинг такт ва гап каби фонетик бўлинишларининг ҳар иккисига ҳам аҳамият касб этиши мумкин. Нутқ фонетик жиҳатдан беш босқичли бўлинишга эга. Шулардан нутқ товушлари, бўғинлар ва сўзлар ҳақида баҳс юритилди. Фақат нутқнинг икки босқичли фонетик бўлинишига навбат келди. Бу иккиси ҳам фонетик жиҳатдан тадқиқ этилар экан, интонацион томони кўриб чиқилади. Тактларнинг оҳанги, темпи, тембри ва товуш кучи тони тадқиқ этилади. Гапларнинг бу интонацион компонентларидан ташқари мантиқ урғуси, эмфатик урғуси ҳам ўрганилади. Паузанинг гап интонациясида ўрни катта. У тактларни чегаралашда ўз ўрнига эга, аммо унинг интонацион таркибида ўрни йўқ даражада. Қуйида нутқнинг беш босқичли бўлинишидан такт ва гаплар интонациясини алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади.

ТАКТ ИНТОНАЦИЯСИ

Тактни кўп ўринларда синтагма билан тенг қўйиб тадқиқ этилади. Уларнинг иккиси ҳам нутқнинг икки қисқа паузаси оралиғидаги қисмидир. Агар улар гап боши ёки охиридан ўрин олган бўлса, бир томонидаги пауза гапга хос катта пауза ҳолатида келади. Ҳар қандай ҳолда ҳам, улар ягона урғу билан якунланиши, ўзига хос оҳанг билан ажралиши, темпининг тизими билан ўзаро ўхшаш. Такт соф фонетик сатҳда ўрганилиб, синтагма грамматик (тўғрироғи, синтактик) сатҳда тадқиқ этилади. Синтагма бирикма ёки бирикмалар мураккаблигини ҳосил қилиб, унга қўшимча юқоридаги шарт-шароитлар диагноз симптоми сифатида берилади¹. Такт нутқнинг бир нафас билан талаффуз этилиб, икки томонидан қисқа пауза билан ажратилувчи қисмидир². У ўз интонациясига эга. Унинг ўзига хос интонаци-

¹ Қриг.: Гуломов А. Ф., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. –Тошкент: ЎОМ, 1961. 7-б.; Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –С. 408; Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. Ч. II. Синтаксис. –М.: Просвещение, 1968. –С. 38.

² Қриг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –С. 468.

он компонентлари бўлиб, улар товуш баландлиги, чўзиқлиги ва кучи кабилардан иборат. Бу компонентлар тактнинг гапларнинг коммуникатив, қўшма, бир составли, эмоционал турлари таркибида келишига қараб, турлича кўринишда бўлади ва умумий кўринишга ҳам эга.

Соғда йиғиқ гаплар, баъзан ёйиқ гаплар ҳам бир тактдан иборат бўлиши мумкин. Бунда гапга хос бутун интонацион хусусиятлар ўз ифодасини топиши кузатилади. Яъни унинг оҳанги, товуш темпи, матиқ урғуси, эмфатик урғуси, тембри ҳам бўлади. Такт бир составли гаплар каби бир сўздан иборат бўлиши ҳам кузатилади. Бунда ҳам унинг ўз оҳанги, товуш темпи, тембри бўлади. Лекин бу ўринда синтагма ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки синтагма учун сўзларнинг синтактик муносабатидан иборат қурилма бўлиши ва бу қурилма нутқнинг таркибида қайд этилиши шарт. Такт нутқнинг, ундаги гапнинг икки қисқа паузаси оралиғида ҳар қандай қисми ҳам эмас. Бунда гапнинг оҳанг ва товуш тизими, шунингдек ягона мантиқ урғусига марказлашиши назарда тутилади. Масалан, от кесимли гаплар компонентлари ўзаро пауза билан ажралади. Яъни: *Қиз – гунчадаккина*. гапининг эга ва кесими ўзаро пауза билан ажратилган, бироқ у икки тактдан иборат эмас. Чунки пауза ундаги предикатив бутунликни таъминловчи воситадир. Бу гапда яна ягона такт урғуси бўлиб, у *-дак* сўз шаклида ифода топган. Бу бўгин унлиси предикатив қўшилма бўлаклари бўгинлари унлилари ичида товуш баландлиги ва кучи энг юқори талаффуз этилгандир. Унинг товуш баландлиги 170 гц. ва товуш кучи 6 мм. амплитуда билан қайд этилган. У такт оҳанги маркази ҳисобланади. Чунончи бу предикатив қўшилманинг эгаси вазифасидаги *қиз* сўзининг унлиси 168 гц., кесими вазифасидаги *гунчадаккина* сўзнинг биринчи бўгин унлиси 137 гц., иккинчи бўгин унлиси 162 гц., тўртинчи бўгин унлиси 160 гц., бешинчи бўгин унлиси 119 гц. товуш баландлигига эга. Шунингдек, шу қолган бошқа барча бўгин унлилари бир хил 5 мм. амплитуда билан қайд этилган. Шундай бўлгач, бу қўшилмани икки тактга ажратиб бўлмайди.

Нутқ тактидаги оҳанг ҳам, товуш чўзиқлиги ҳам ўзига хос тизим билан шакл топади. Уларнинг оҳангида сўнгги икки бўгиннинг олдинги бўгин унлиси нисбатан паст, кейинги бўгин унлиси нисбатан баландалашган бўлади. Унинг акс ҳолати ҳам кузатилади, лекин айрим ҳолатлар билан боғлиқда учрайди. Аввалги бўгинлар унлисидаги товуш баландлиги ё кўтариловчи, ё пасаяувчи, ё текис оҳангни олади. Уларнинг товуши чўзиқ бошланиб, охирига томон қисқаради, яъни товуш тезлиги ортади, лекин сўнгги бўгин

чўзиқлиги ниҳоятда катта бўлади. Масалан: *Фақат сенмас мени алдаган* (Уйғун). Шу гап икки тактдан таркиб топгани ҳолда, ўзаро 20 мсек. пауза билан ажралган. Биринчи тактдаги биринчи сўз бўғинлари унлиси тушувчи оҳангда бўлиб, 200 гц. ва 172 гц. ҳолатдадир. Кейинги сўз бўғини унлиси шу паст товуш баландлигида 172 гц. бўлган ва кейинги бўғин унлисининг баландлиги 190 гц.га кўтарилиб тўхтаган. Кейинги тактда биринчи сўз бўғинлари унлиси деярли текис оҳангда (168 ва 162 гц.) бўлиб, иккинчи сўзнинг биринчи бўғин унлиси анча юқори 189 гц. билан бошланган ва охиридан аввалги бўғин унлиси 140 гц.га кўтарилиб тўхтаган. Яъни ҳар икки тактда ҳам охириги икки бўғин унлисидаги оҳанг йўналиши бир хил. Ундан аввалги сўз бўғинлари унлиси биринчи тактда пасаяовчи, иккинчи тактда ҳар ҳолда текис оҳангдадир.

Ҳар икки тактдаги товушлар темпини ўзаро солиштириб кўриш мумкин. Биринчи тактда товуш чўзиқлиги товуш бошига 74 мсек. чўзиқликда бошланиб, охирига бора 80 мсек. чўзиқликкача секинлашган ва сўнгги товуш 130 мсек. чўзиқликда бўлган, такт тугаган. Иккинчи тактда товуш темпи ҳар бир товуш ҳисобига ўртача 65 мсек. чўзиқликда бошланиб, охирига томон 67 мсек. чўзиқликка тушган ва сўнгги товуш 200 мсек.гача тезлиги тушиб, такт тўхтаган. Ҳар икки тактда ҳам пауза олди товуш ниҳоятда чўзиқ, яъни сушт талаффузли ҳолатга келган. Умуман такт талаффузи темпи охирига томон секинлашувчи ва сўнгги товушда бу жуда сушт даражада бўлган. Талаффуз темпи аввалги тактга нисбатан кейинги тактда бир мунча тез эканлиги кузатилади.

Тактлардаги оҳанг ва тезлик тизими деярли бир хил бўлади. Лекин бу тактларнинг бошланиш баландлиги, кўтарилиш ва пастлашиш оҳанги, тугалланиш баландлиги бир хил бўлади, дейилгани эмас. Шунингдек, тактлар бошидаги товушлар чўзиқлигининг ортиқлиги, кейин тезликнинг орта бориши, кейинги товуш секинлашуви ҳам бир хил келмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Одатда такт оҳанги ва талаффуз тезлиги коммуникатив эҳтиёжга кўра эмоционаликдан келиб чиқиб, нутқ кечимида турлича ҳолатларда бўла олади. Акс ҳолда, у интонацион қашшоқлашган, коммуникатив ва эмоционал имкониятлари ниҳояти бўғилган бўларди. Фақат тактлардан бўғинларнинг баланд ва пастлиги, кўтарилиш ва пастлашиш ўрни, товуш тезлигининг бошланиш ва тугаш ҳолатлари ўзаро бир хил бўлади. Бу қонуниятдир. Шу бир хил ўринлар турли баландликдаги оҳангда, турли тезликда кузатилаверади.

Такт феъл кесимли гап ёки феъл кесимли гапнинг сўнгги

қисмидан иборат бўлса, бунда унинг тугалланмасидаги бўғин унлилари, одатдагидай, иккитадан аввалгиси паст, ва кейингиси кўтарилиб тугалланмайди. Такт бошидаги бўғин унлисининг товуш баландлиги юқори бўлиб, кейинги бўғин унлиларининг товуш баландлиги туша боради. Бундай тактлар тушувчи оҳангда деб қаралади. Масалан, *Денгизга ботди*. гапи бир тактга тенг, феъл кесимлидир. Унинг биринчи бўғин унлиси 160 гц., иккинчи бўғин унлиси 154 гц., учинчи бўғин унлиси 143 гц. товуш баландлигида ва кейинги кесим вазифасидаги *ботди* феълининг биринчи бўғин унлиси 134 гц. ва охириги бўғин унлиси 84 гц. товуш баландлигида берилган. Унинг оҳанги биринчи бўғинга марказлашган.

Денгизга ботди. тактида товуш кучи умумий динамикликни тизимини олган эмас. Ҳар бир сўз бўғинларидаги динамиклик алоҳида тизим билан шакланган. *Денгизга* сўзининг биринчи бўғин унлиси 5,5 мм., қолган бўғинлар унлиси 5 мм. амплитуда товуш кучига эгаллиги ҳолда, *ботди* феълининг биринчи бўғин унлиси 6,5 мм., иккинчи бўғин унлиси 5 мм. амплитуда билан талаффуз этилган. Тактдаги товуш кучи ягона тизимда бўлмай, ҳар бир сўзда ўзига хосдир. Уни такт интонациясида эътиборга олишнинг зарурияти йўқ.

Такт темпи биринчи сўзда секин, кейинги сўз темпи нисбатан тезлашган ва сўнги товуш жуда чўзиқ талаффуз этилган. *Денгизга* сўзининг ҳар бир товушига 78 мсек., *ботди* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 75 мсек., сўнги товушига эса 250 мсек. вақт кетган. Умуман такт тезлиги ҳар бир товуш ҳисобига ўртача 90 мсек. вақт берилган. Бу қисман эмоционаллиги бўлган дарак гапга хос темпдир. У шу билан охирига томон тезлашувчи темп ҳисобланади.

Мазкур такт феъл кесимли содда гап бўлганлиги учун ҳам икки томонда йирик пауза бўлган ва тушувчи оҳанг, тезлашувчи темпга эгадир.

Айрим сабаблар билан тактнинг оҳанги ва темп ўрни бузилиши мумкин. Агар гап бўлақларининг меъёрий тартиби ўзгарса, оҳанг ва темпининг қонуний ўринлари тартиби ҳам деярли бузилади. Масалан: *Ҳар баҳорда шу бўлар такрор* (Ҳ. Олимжон). Бу гапда икки такт мавжуд. Улардан биринчи такт *ҳар баҳорда* бўлиб, иккинчи такт *шу бўлар такрор* ҳисобланади. Улар ўртасида 25 мсек. пауза бор.

Қайд этилган ҳар икки тактнинг ҳам ўзига хос интонацияси бор. Улар оҳанги ҳам ўзига хос.

Ҳар баҳорда такти оҳанги юқори товуш баландлиги билан бошланган. Унинг биринчи *ҳар* сўзи унлиси 146 гц.га эга ва кейинги *баҳорга* сўзининг биринчи бўғин унлиси 170 гц. иккинчи бўғин

унлиси 165 гц., учинчи бўгин унлиси 130 гц. товуш баландлигида берилган. Яъни у тушувчи оҳангда бўлиб, охирги бўгин унлисининг товуш баландлиги юқоридир. Аммо иккинчи *шу бўлар такрор* тактининг оҳанги бутунлай бошқача. Чунки у феъл кесимли бўлиб, бунинг устига қўшма феъл билан ифодаланган *такрор бўлар* кесими компонентлари ўрин алмашиб қолган. Агар такт феъл кесим бошқарувида таркиб топса, у ҳамма вақт тушувчи оҳангда бўлади. Бу ҳақда *денгизга ботди* такти мисолида таҳлил берилган эди. Агар такт *шу такрор бўлар* ҳолида таркиб топганда эди, у ҳам тушувчи оҳангда бўларди. Аммо кесим вазифасидаги қўшма феъл копонентлари ўрин алмашиб, такт *шу бўлар такрор* ҳолида шаклланган экан, унинг сўзлари бўгинлари унлиси қуйидагича қайд этилган. Унинг эгаси вазифасидаги *шу* олмоши унлиси 203 гц. товуш баландлигидадир. Бу бўлак унлисининг бунчали юқори эканлиги унга мантиқ урғуси юкланганлиги билан боғлиқдир. Кесим вазифасидаги *бўлар такрор* қўшма феълнинг *бўлар* компоненти биринчи бўгин унлиси 150 гц. ва *такрор* компоненти биринчи бўгин унлиси 165 гц., иккинчи бўгин унлиси 160 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Натижада, такт тушувчи ва яна бир товуш баландлигидан тушувчи оҳангга эга бўлган. Бу гап бўлақларининг тартиби поэтик талаб билан таркиб топган. Улар ўз меъёрий тартибига олинса, оҳанги ҳам меъёрий ҳолатга келади. Бунинг учун қўшма феълни от+феъл тартибига олиб, сўнг ўша тартибда бўлак бўгинлари товуш баландлигига эътибор бериш мумкин.

Бу кейинги такт темпи тартиби ҳам унинг бўлақлари темпи тартибида ҳам ўз аксини топган. Унинг эгаси бўлган *шу* сўзининг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 150 мсек.дан, кесимининг *бўлар* компоненти ҳар бир товуш ҳисобига 60 мсек.дан, *такрор* компоненти ҳар бир товуш ҳисобида ўртача 84 мсек. дан вақт олган. Бу тактда товушлар ўта чўзиқ талаффуз билан бошланиб, кейин анча тезлашган ва яна секинлашган. Охирги товуш тезлиги 150 мсек.га тушган. Бу тактда ҳам поэтик талаб темп тартибини бузиб юборган. Агар гап бўлақлари меъёрий тартибда бўлганда эди, такт охирига томон фақат тезлашувчи темпда қайд этилиб, сўнгги товушгина чўзиқ товушда бериларди. Бу гап бўлақларини меъёрий тартибга олиниб, сўнг улар темпига назар солинса ҳам кузатилади.

Тактдаги бўлақлар тартибини меъёрий ҳолатга келтирилса, икки такт ораллигидаги пауза ҳам бир мунча чўзиқ бўлиб, 60–70 мсек.гача бориши мумкин.

Гапнинг бирор бирикмасидаги ҳоким бўлакни таъкидлаш зарурияти билан юклама орттириши тактни чегаралаш учун грамматик восита ҳисобланади. Худди шу ўринда пауза берилиб, гап икки тактга бўлинади ва улар ўз интонацияси билан шаклланган бўлади. Бу такт оҳангида ҳам воқеланади. *Менинг ўғлим-чи, бундан ҳам бадтар* (А. Қаҳҳор). Бу гап аниқловчили бирикма кетидан келтирилган *-чи* юкламасидан кейин тактларга бўлинган. Биринчи такт *менинг ўғлим-чи* бўлиб, иккинчи такт *бундан ҳам бадтар* ҳисобланади. Биринчи такт кўтарилувчи оҳангга эга бўлиб, фақат охириги бўғин унлисининг товуш баландлиги паст берилган. Чунки такт охирида келган ёрдамчи сўз ҳамма вақт паст товуш билан қайд этилади. Бу такт алоҳида таъкид олгани учун охириги сўз кетида *-чи* юкламасини орттирган. Тактнинг биринчи *менинг* олмошидаги бўғин унлиси 153 гц., иккинчи бўғин унлиси 180 гц.; иккинчи *ўғлим* сўзидаги ҳар икки бўғин унлиси 200 гц. товуш баландлигида бўлиб, унга қўшилиб келган *-чи* юкламаси унлиси 113 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Тактлар кейинги товушдан ажратиш учун, ёрдамчи сўз олар экан, у ҳамма вақт паст товуш баландлигида тугайди.

Мазкур гапнинг иккинчи *бундан ҳам бадтар* от кесимли гапнинг кесим составидан иборатлиги учун унинг охириги икки бўғин унлиси аввал пастроқ ва кейин нисбатан юқори товуш баландлиги билан қайд этилган. Умуман оҳанг унда икки баландлашувчи қисмдан иборат. Яъни тактдаги биринчи *бундан* сўзининг биринчи бўғин унлиси 175 гц., иккинчи бўғин унлиси 212 гц. *ҳам* юкламасининг унлиси 150 гц.; *бадтар* кесимининг биринчи бўғин унлиси 162 гц., иккинчи бўғин унлиси 182 гц. товуш баландлигига эга. Бу тактда ҳам юклама анча паст товуш баландлигида берилган ва тактнинг кўтарилаувчи оҳанги боши бўлган.

Ҳар икки тактнинг темпи ҳам охирига томон тезлашувчи бўлиб, сўнги товушлари чўзиқ қайд этилган. Яъни биринчи тактдаги биринчи сўзнинг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 56 мсек. иккинчи сўзнинг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 55 мсек. вақт олган ва охириги товуш 140 мсек. чўзиқликка эга бўлган. Иккинчи тактдаги биринчи сўз ҳар бир товуш бошига ўрта ҳисобда 77 мсек. иккинчи сўз ҳар бир товуш бошига ўрта ҳисобда 68 мсек., учинчи сўз ҳар бир товуш бошига 60 мсек. вақт олган ва охириги товуш эса 110 мсек. чўзиқликда берилган.

Гап таркибидаги тактлар ўзаро юклама билан боғланса ва шу ўринда пауза қўлланса, у чўзиқ бўлади. Тактлар ўзаро қисқа пауза

билан ажралади, деган фикр ҳам нисбий. Бу гапдаги тактлар муносабати нима эканлигига тобедир.

Гаплар тактларга бўлинар экан, ҳар бир такт қўшма гап таркибидаги содда гап бўлиши ҳам мумкин. Бунда ҳар бир такт ҳам оҳанги, ҳам темпи жиҳатдан, одатдагидай, интонацияда талаффуз этилади. Масалан: *Карвон боради, йўллари ойдин* (А. Орипов). Бу гап қўшма гап бўлиб, икки содда гапдан иборат. Уларнинг бири феъл кесимли, иккинчиси от кесимли содда йиғиқ гапдир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир тактга тенг. Уларнинг биринчиси феъл кесимли бўлиб, бир кўтарилувчи ва тушувчи оҳангга эга. У феъл кесимли бўлгани учун ҳам, сўнгги бўгин унлиси жуда паст товуш баландлигида берилган. Натижада, такт кўтарилувчи бўлса ҳам кети тушувчи оҳангдадир. Ундаги биринчи *карвон* сўзининг биринчи бўгин унлиси 130 гц., иккинчи бўгин унлиси 156 гц., кейинги *боради* сўзининг биринчи бўгин унлиси 181 гц., иккинчи бўгин унлиси 178 гц., учинчи бўгин унлиси 102 гц. товуш баландлигига эга. У феъл кесимли гап бўлгани учун ҳам, тушувчи оҳангдадир.

Гапнинг иккинчи такти сифатида *йўллари ойдин* гапини келтириб, от кесимли, деб айтилган эди. Бундай тактлар қандай оҳангда бўлишидан қатъий назар, сўнгги икки бўгинидан биринчиси унлиси нисбатан паст, иккинчиси юқори бўлади. Унинг биринчи *йўллари* сўзининг биринчи бўгини унлиси 136 гц., иккинчи бўгини унлиси 138 гц. ва учинчи бўгин унлиси 143 гц. товуш баландлигига эга. Кейинги *ойдин* сўзининг биринчи бўгин унлиси 134 гц., иккинчи бўгин унлиси 150 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган.

Гапнинг феъл кесимли содда гапи компоненти ҳисобига таркиб топган такт фақат тезлашувчи темпга эга бўлиб, сўнгги товушигина одатдагига кўра чўзиқ талаффуз этилган. Унинг биринчи *карвон* сўзи ҳар бир товуши ҳисобига ўртача 77 мсек., иккинчи *боради* сўзи ҳар бир товуш ҳисобига ўртача 52 мсек. вақт сарфланган, гап охирига томон тезлаша борган. Лекин охириги товуш 115 мсек. вақт олиб, чўзиқ талаффуз этилган. Бу феъл кесимли содда гап қолипига хос оҳангдир.

Гапнинг от кесимли содда гап компоненти ҳисобига таркиб топган такт секинлашувчи темпга эга бўлиб, охириги товуши ҳам чўзиқ талаффуз этилади. Бу тактнинг бунчали сушт талаффуз этилиши ундаги эмоционаллик билан боғлиқдир. Тактнинг биринчи сўзи ҳар бир товуши ҳисобига ўртача 64 мсек., иккинчи сўзи ҳар бир товуши ҳисобига ўртача 107 мсек. вақт олган. Сўнгги товуш эса 130 мсек.да қайд этилган.

Юқоридаги гаплар дарак гап бўлгани учун, улар талаффузидаги тезлик ҳам шунга ярашади. Таҳлил этилган сўнги икки тактдан биринчиси *Менинг ўғлим-чи*, иккинчиси *бундан ҳам бадтар* бўлиб, бир дарак гапнинг ўзидир. Гапнинг ҳар бир товушига 83 мсек. вақт сарфланган. Иккинчи гап *Карвон боради, йўллари ойдин*. бўлиб, икки содда гап – икки тактдан иборат. Уларнинг биринчисига мансуб ҳар бир товушга ўртача 73 мсек.дан, иккинчисига мансуб ҳар бир товушга 84 мсек. дан вақт сарфланган. Бу ҳақиқатан ҳам дарак гапга хос темпдир.

Кейинги гап икки тактга бўлинар экан, улар орасида 220 мсек. пауза бор. Бу эса тактлар қисқа пауза билан ажралади, деган қараш нисбийлигини кўрсатади.

Баъзан айрим тактлар таркибидан кичик тактчалар ҳам ажралиб чиқиши кузатилади. Бу кўпроқ тактнинг чўзиқлиги ёки бўлакларнинг нутқда поэтик талабга кўра ўрнини ўзгартириши билан боғли ҳолда юзага келади. Бундай тактча ўзи мансуб бўлган тактнинг олд ёки охирида бўлиб, ниҳоятда қисқа пауза билан ажратилган бўлади. Бу тактча деярли бир сўздан иборат бўлиб, тўла тактларнинг сўнги бўғини интонациясида келади. Унинг оҳангини эса тўла шу ҳолатда кўриш мумкин, яъни кўтарилувчи оҳанг билан қайд этилади. Темпи ҳамма вақт тактчанинг охирига томон секинлашади. Айниқса, унинг сўнги товуши 150 мсек. атрофида чўзиқ келади.

Айрим ҳолатларда гапнинг иккинчи даражали бўлакларидан бирини поэтик талаб билан кесимдан кейин беришга тўғри келади. Бунда у кесим билан ўзаро пауза воситасида ажратилиб, берилади. Ажратилиб берилган ўша иккинчи даражали бўлак кичик тактча сифатида шакланган ҳисобланади. Масалан: *Устларига ўрашиб қўйишибди тилло* (Қ.Муҳаммадий). Бу гапдаги воситасиз тўлдирувчи *тилло* сўзини феъл кесимдан кейин келтирилган ва у қисқа пауза билан ажратилган. Пауза 55 мсек. вақт олган. Унинг биринчи бўғин унлиси 140 гц., иккинчи бўғин унлиси 182 гц. товуш баландлигига, кўтарилувчи оҳангга эга. Унинг темпи ҳам охирига томон чўзиқлик ола борган. Умуман шу сўзнинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 58 мсек.дан вақт тўғри келса, биринчи товушига 40 мсек. вақт берилиб, охириги товушига боргунча унинг чўзиқлиги 80 мсек.га етган.

Баъзан иккинчи даражали бўлак гап бошига ўтказилади. Бунда нутқ талабига кўра эгага мантиқ урғусини бериш зарурияти туғилади ва гап охиридаги кесим олдига кўчирилиб, иккинчи дара-

жали бўлакни олдинга ўтказилади. Яна эгага таъкид бериш учун, олдидаги бўлакдан кичик пауза билан ажратилади. Натижада, иккинчи даражали бўлак гап бошида кичик тактча сифатида шаклланади. Масалан, *Сенга ким айтди?* гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапда *сенга* сўзи воситали тўлдирувчи вазифасини ўтаб, эгадан олдин қўлланган. Эгага таъкид бериш зарурияти билан у тўлдирувчидан кичик пауза билан ажратилган. Пауза 80 мсек. вақт олган. Унинг биринчи бўғин унлиси 168 гц., иккинчи бўғин унлиси 172 гц. товуш баландлигига, яъни кўтарилувчи оҳангга эга. Товуш темпи ҳам сўз охирига томон секинлашган. У сўзнинг ҳар бир товуши бошига ўрта ҳисобда 94 мсек. бўлгани ҳолда, биринчи товушга 60 мсек., охириги товушга бориб 180 мсек. вақт берилган. Яъни такт охирига томон секинлашувчидир.

Феъл кесимли ёйиқ гапларнинг эгаси, айрим ҳолларда, алоҳида таъкид олганлиги сабабли, кетидаги кесим составидан қисқа пауза билан ажратилиши ва кичик тактча сифатида талаффуз этилиши мумкин. Масалан: *Туман ким биландир шивирлашади* (Ҳ. Олимжон). Бу гапнинг эгаси *туман* сўзи бўлиб, ўзича таъкид олгани сабабли, кетидаги кесим составидан 110 мсек. чўзиқликка эга пауза билан ажратилган. Унинг биринчи бўғин унлиси 150 гц., иккинчи бўғин унлиси 170 гц. товуш баландлигига, яъни у кўтарилувчи оҳангга эга. Такт ҳар бир товуш бошига ўрта ҳисобда 92 мсек. дан вақт олиб, биринчи товуш 50 мсек. ва охириги товушига бориб, 180 мсек. вақт сарфлаган. Бу такт темпи охирига томон секинлашувчидир.

Номинатив гаплар одатда бир сўздан иборат бўлади. Бунинг устига улар кўпроқ бисиллабик таркибда учрайди. Бундай гапларнинг ўзи фақат бир такт ҳолида шаклланади. Шу бир гап шаклидаги бир сўздан иборат тактлар характери ҳам юқорида таҳлил этиб ўтилган тактчалар характерига тўла ўхшашдир. Уларнинг оҳангида ҳам биринчи бўғин унлисининг товуш баландлиги нисбатан паст бўлиб, иккинчи бўғин унлисининг товуш баландлиги нисбатан юқорироқ берилади. Темпида ҳам тактчалардаги ҳолат кузатилади. Унинг таркибидаги товушлар биринчисидан нисбатан қисқароқ бошланиб, охирига томон чўзиқ келаётгани кузатилади ва охириги товуш ниҳояти чўзиқ бўлади. Масалан: *Баҳор! Сувуқ! Тоғлар!* каби гаплар интонацияси худди шундай. *Баҳор!* номинатив гапининг интонациясига эътибор бериш мумкин. Унинг биринчи бўғин унлиси 165 гц., иккинчи бўғин унлиси 190 гц. товуш баландлиги

билан кўтарилувчи оҳангда қайд этилган. Унинг темпи ҳам юқорида таҳлил этилган тактчалар темпининг характерига жуда ўхшаш. Шу номинатив гапнинг биринчи товуши 80 мсек. ва охириги товуши 140 мсек. вақт олган. Ваҳоланки, бу сўзнинг ҳар бир товушига 104 мсек. вақт улашилади.

Номинатив гаплар фақат бисиллабик сўзлардан иборат эмас. Улар моносиллабик бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *Тонг! Куз! Соз!* номинатив гапларига эътибор бериш мумкин. Бундай тактларнинг интонцияси кўпроқ сўзнинг лексик урғуси хусусияти билан боғли ҳолда юзага чиқади. Бу сўзнинг биринчи ундоши ҳам анча чўзиқ талаффуз этилади. Бу ундаги эмоционаллик билан боқлиқдир. Масалан, *Тонг!* номинатив гапининг биринчи ундоши 60 мсек., ундан кейинги унли 150 мсек. ва охириги ундош 120 мсек. вақт олган. Унинг унлиси шунчалик чўзиқ эканлиги билан бирга товуш баланглиги ҳам жуда юқори – 190 гц.дир. Бошқа *Куз! Соз! Ёз! Қиш! Қум! Чўл!* каби номинатив гапларнинг интонацияси ҳам худди шундай. Бундай гаплар, айтиш жоизки, аксарият эмоционал ифодали бўлади. Унинг эмоционаллиги, шубҳасиз, интонациясида акс этади. Бу юқорида *Тонг!* гапининг интонациясида яққол кўзга ташланди.

Тилда яна моносиллабик ундов сўзлар: *оҳ, воҳ, уҳ, чуҳ, вой* кабилар, шунингдек, *бор, йўқ, ҳа, хўп* кабилардан иборат гаплар ҳам мавжуд. Улар ҳам ўзича эмоционал ифодали бўлади. Бу гаплар интонацияси ҳам моносиллабик номинатив гаплар интонацион хусусияти доирасида кўзга ташланади. Масалан, *Вой!* ундов гапи интонациясига эътибор бериш мумкин. Унинг биринчи ундоши 80 мсек., унлиси 210 мсек. ва охириги ундоши 175 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Унга умуман 465 мсек. вақт сарфланган. Унинг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 155 мсек. вақт олган. Бўғиннинг унлисига энг кўп вақт берилган. Шунга яраша унинг товуш баланглиги 193 гц.дир. Бу ундаги эмоционаллик жуда кучли эканлигини кўрсатади. У *Вой!* гапи интонациясида ўз ифодасини, шубҳасиз, топади.

Нутқда айрим модал сўзлар сўз-гап сифати билан шаклланиши ҳам кузатилади. Бунда ҳам улар ўз фонетик таркиби хусусияти ва урғуларидан келиб чиқиб интонациясини шакллантиради. Масалан, *Бўлмаса-чи* модал сўзининг сўз-гап сифатида шаклланганлиги ва унинг интонациясига эътибор бериш мумкин. У тўрт бўғинли модал сўздан иборат гап. Унинг биринчи бўғин унлиси 154 гц., иккинчи бўғин унлиси 182 гц., учинчи бўғин унлиси 187 гц., тўртинчи бўғин унлиси 133 гц. товуш баланглигига эга. Товуш кучи эса би-

ринчи, иккинчи ва тўртинчи бўгин унлиларида 5 мм. амплитуда юқори эканлиги ҳолда, учинчи бўгин унлиси 4,5 мм. амплитуда билан берилган.

Бўлмаса-чи модал гапининг товуш темпи унлиларда товуш баланглиги билан мутаносиб. Шунга мувофиқ айтиши мумкинки, унинг учинчи бўгини лексик урғулдир. Бу, албатта, учинчи бўгин унлиси 120 мсек. чўзиқликка эгаллиги билан боғли ҳолда айtilган. Чунки биринчи ва иккинчи бўгинлар унлиси 70 мсек. чўзиқликка эга. Улардаги товуш чўзиқлиги нисбатан қисқа ва товуш баланглиги ҳам нисбатан паст эканлиги лексик урғуга эга эмаслигини кўрсатади. Сўзнинг охириги бўгин унлиси ниҳоятда чўзиқ 190 мсек. бўлса ҳам, товуш баланглиги ниҳоятда паст 133 гц. лиги учун умуман урғули эмас, сўз-гапнинг тугалланмаси деб ҳисобланади. Товуш кучи сўз бўгинлари урғусини белгилашда умуман аҳамият касб этмаган. Кўрсатилган мисолдаги лексик урғули бўгиннинг унлисидаги товуш кучи, аксинча, паст. Чунки ўзбек тилидаги лексик урғу динамика эмас, квантитативдир.

Берилган таҳдиллар шуни кўрсатадики, *Бўлмаса-чи* сўз-гапи кўтарилувчи оҳангда тузилган. Чунки унинг бўгин унлилари товуш баланглиги биринчи бўгиндагидан иккинчи бўгинда, ундан учинчи бўгинда орта борган. Сўз-гапнинг ҳар бир товуши ҳисобига ўртача 86 мсек. дан вақт тўғри келади. Албатта, у бир текис вақт олмаган. Унинг биринчи бўгин товушлари ўртача 57 мсек., иккинчи бўгин товушлари ўртача 65 мсек., учинчи бўгин товушлари ўртача 90 мсек., охириги бўгин товушлари ўртача 140 мсек.дан вақт олиб, талаффуз этила борган, яъни темпи охирига томон секинлашувчидир.

Хуллас, ўзбек нутқидаги тактлар ўзаро асосан қисқа пауза билан ажралади. Тактларга ажратувчи пауза ёрдамчи сўзлар кетидан ёки қўшма сўз компонентлари ажраладиган жойга тўғри келиб қолса, у йирик бўлади, кўп вақт олади. Такт интонациясида муҳим белги оҳанг ва темп бўлади. Унинг оҳанги қандай бошланишидан қатъий назар, охириги икки бўгиндан паст, кетидаги нисбатан юқори товуш баланглигида келади. Агар такт феъл кесим билан тугаган бўлса, фақат тушувчи оҳангда қайд этилади. Бисиллабик номинатив гаплар фақат кўтарилувчи оҳангда бўлади. Тактга хос товуш темпи асосан секинлашувчи хусусиятга эга. Моносиллабик сўзлардан иборат сўз-гапларнинг интонацияси асосан ўша сўзнинг фонетик хусусияти билан боғли ҳолда шаклланган. Улар деярли эмоционал ифодага эга бўлгани сабабли юқори оҳангли ва темпи сушт талаффуз

этилган. Модал сўзлардан иборат сўз-гаплар ҳам бошқа сўз-гаплар интонациясига ўхшаш интонация билан шаклланган.

ГАП ИНТОНАЦИЯСИ

Нутқнинг тугал предикативликка эга бўлаги, яъни бир мазмун актидан иборат қисми, фалсафа нуқтаи назаридан қараганда, маълум бир шаклда қайд этилган гап бўлади. Унинг шакли синтактик жиҳатдан гап қолипида, фонетик жиҳатидан тугал интонацияда акс этади, яъни у маълум бир қолипдаги гап ва шу гапнинг тугал интонациясидан иборатдир. Шу жиҳатдан олиб қаралса, гап интонацияси мазмун акти шаклининг маълум бир компоненти, жиҳати ҳисобланади. Мазмун акти шаклининг мана шу компоненти фонетикада интонация (просодия) термини остида ўрганилади.

Фалсафа нуқтаи назаридан, ҳар бир мазмун акти маълум бир шаклда ифода топади. Мазмун актининг шакли гап бўлгани ҳолда, гапнинг ўзига хос қолипи ва интонацияси мавжуд. Мазмун каби унинг шакли объектив бўлганидай, шаклидаги хусусиятлар ҳам объективдир. Мазмун акти шаклидаги хусусиятлардан бири ҳисобланган интонация ҳам объектив яшайди. У гапда ифода топган мазмун акти моҳиятига, мақсадига, модаллигига қараб шаклланади.

Интонациянинг коммуникатив аспекти биринчи режада туради ва унда оҳанг интонациянинг моҳиятини ташкил қилади. Шу сабаб гапларнинг ҳар бир коммуникатив типига хос оҳангни биринчи навбатда тадқиқ этишга тўғри келади. Уни, М.И.Матусевич қайд этишича, рус тилида ҳам ҳар томонлама ўрганилган эмас. Бу соҳада Е.А.Бризгунова, Г.М.Кузнецова, Л.А.Вербицкая, Н.А.Любимова ва бошқаларнинг айрим экспериментал ишлари, шулар юзасидан қилган тадқиқотлари бўлса ҳам, улар ё охирига етказилмаган, ё методик характерга эга¹. Ниҳоят рус тилшунослигида М.И.Матусевичнинг гап оҳанги ҳақида муфассал таҳлили ярагилди. Лекин у ҳам муаллифнинг ОУЮлари учун нашр этилган фонетикаси таркибидадир². Туркий тилларда ҳам гап оҳанги юзасидан тадқиқий ишларини берган бир неча тадқиқотлар юзага келган. Булар асосан сўроқ гап интонацияси ҳақидаги номзодлик диссерта-

¹ Крнг.: Матусевич М. И. Современный русский язык. –С. 243.

² Крнг.: Матусевич М. И. Уша дарслик. –С. 244–273.

цияларидир¹. Унга айрим мақоалалар² ва гапнинг бошқа коммуникатив типларига бағишланган ишларини³ ҳам кузатиш мумкин. Ўзбек тилида дарак гапга ва сўроқ гапга алоҳида бағишланган иккита номзодлик диссертациялари бор. Булар ҳам интонацияни тадқиқ этган бўлиб, гап оҳанги ҳақида етарлича маълумот берган⁴. Интонациянинг эмоционаллик аспектини экспериментал тадқиқ этиш дастлаб рус тилшуносларидан В.А.Артемов, Л.В.Златоустова ва бошқалар томонидан бошланган⁵. Аммо унинг товуш тембрини тадқиқ этиш билан боғли оҳанг ва динамикасига алоқадор муҳим томонлари бўлиб, уларни ўрганиш ишлари ҳали бошланганича йўқ. Ваҳоланки, у турли эмоцияларни етказувчи муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбек тилида фақат битта синтагма оҳанги юзасидан қилинган иш бўлиб, бу доирада бошқа иш йўқ эди. Маълумки, кейинги даврда Д. М. Ниёзовнинг дарак гап ва Ҳ. Йўлдошеванинг сўроқ гап интонацияси ҳақидаги диссертацияси ҳимоя қилинди. Уларда дарак ва сўроқ гап оҳанги яхши ёритилган. Шунинг учун ҳам, улар интонациясини кенгайтириш, тўғрироғи, тўла тадқиқ этиш зарурияти бор.

Гапнинг коммуникатив типларида интонация

Гапнинг коммуникатив типлари интонацион хусусиятларига кўра ўзаро тубдан фарқ қилади. Бу уларнинг оҳанги, темпи, мантик урғуси ва паузасида ўз аксини топади.

¹ Қриг.: Туркбенбаев А. У. Интонация простых вопросительных предложений в казахском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Алма Ата, 1966; Чанак-ков И. Интонация вопросительного предложения в киргизском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Фрунзе, 1980; Алексеев И. Е. Вопросительные предложения в якутском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Алма-Ата, 1983.

² Қриг.: Куренов С., Нурмухаммедов А., Сапаев А. Туркмен дилинде йўнекей хабар ве сораг сөзлемелеринин интонациясы. –Ашгабат, 1975.

³ Қриг.: Нурмаханова А. Н. Об интонационной особенности типов предложений в тюркских языках // Уч. зап. МГПИИЯ. Т. 60. Исследование языка и речи. –М., 1961. –С. 351–355; Розьева О. Д. Просодическая организация стилей произношение в тюркских языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1991.

⁴ Қриг.: Ниёзов Д. М. Интонация повествования в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1969. Юлдашева Х. Интонация вопросительных фраз современного узбекского литературного языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1998.

⁵ Қриг.: Златоустова Л. В. Типы эмфатического ударения в современном русском языках // Учен. зап. Казахского университета. –1957. Т.117, кн. 2; Артемов В. А. К вопросу об интонации русского языка // Учен. зап. I. МГПИИЯ, 1953. Т. 6. –С. 9–54.

Дарак гап интонацияси

Дарак гап ўзига хос интонация билан қўлланади. Унда қандайдир воқеликни баён қилишга хос интонация бўлади. Бунинг учун *Ернинг ҳам жони бор* (С. Аҳмад), гапини келтириб, таҳлил этиб кўришга тўғри келади. Бу бир тактли дарак гап. У эга ва кесимдан, эганинг аниқловчисидан таркиб топган. Гап *бор* сўзида ифодаланган кесимга эга. Бу сўз ҳам феъл кесим каби гап охирида берилади. Унинг эгаси, мантиқ урғуси билан қўлланган тақдирда, ўзидан олдин жойлашади. Бўлаклари шундай тартибда жойлашган дарак гапларнинг оҳангида энг юқори ўринни мантиқ урғуси олган эга эгаллайди. Бу гапнинг эгаси *жони* сўзи бўлиб, биринчи бўғин унлиси 181 гц., иккинчи бўғин унлиси 180 гц. баландликда берилган. Унинг аниқловчиси *ернинг* сўзи бўлиб, биринчи бўғин унлиси 154 гц., иккинчи бўғин унлиси 174 гц. *ҳам* юкламасининг унлиси 168 гц. баланд талаффуз этилган. *Бор* кесимининг унлиси 170 гц. билан берилган. Гап оҳанги паст бошланиб, мантиқ урғусига томон кўтарилган ва ундан кейин кесимда яна пасайган.

Товуш кучининг берилиши ҳам гапдаги товуш баландлигига деярли мутаносиб бўлади. Аниқловчига берилган товуш кучи 5мм. ва 4 мм. амплитуда, юкламада ҳам 5 мм. амплитуда юқори берилган. Яъни товуш кучи ҳам мантиқ урғусини олган эганинг биринчи бўғин унлисида энг юқори кўрсаткичдадир. Шуни ҳам айтишга тўғри келадик, феъл кесимларнинг бўғин унлиси, айниқса, сўнгги бўғин унлисида пасайиб кетади. Лекин *бор* сўзи, феъл кесим каби гап сўнгида келиб, мантиқ урғули бўлакни ўз олдидан контакт келишини таъминлаша ҳам, улар каби товуш баландлиги ва кучи унчали кескин пасаймайди. Унинг пасайиши кучсиз бўлади. Бу борада у от кесимга ўхшаб кетади. Бу берилган ўлчовдан маълум.

Мазкур дарак гапнинг ҳар бир товуши учун 79 мсек. вақт сарфланган бўлиб, товуш темпи ўртача. У секин темп билан бошланиб, охирига томон тезлашган. Гап бошида келган ўрин ҳолининг ҳар бир товушига 98 мсек. вақт берилиб, гап эгаси вазифасидаги *жони* сўзининг ҳар бир товушига 75 мсек., кесим вазифасидаги *бор* сўзининг ҳар бир товушига 70 мсек. вақт берилган. Дарак гап охирига томон тезлашгани билан сўнгги товуши тугалланма бўлиб, унинг чўзиқлиги 100 мсек.га етган.

Товуш тембри бу гапнинг эга ва кесимида ўз аксини топган. Уни экспериментал ўлчов қайд этмаган бўлса ҳам, талаффуз кечимида бемалол сезиш мумкин. Бу гапда паузадан фойдаланилмаган. Аммо

кесим унлисининг чўзиқ талаффуз этилганлиги ундан кейин пауза берилишидан дарақдир. Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай гап охирида пауза бўлиши муқаррар.

Қуйида гап қолипли феъл фразеологизм билан гапни келтириб, интонациясини таҳлил этиб кўрамиз. У ҳам феъл кесимли бир тактдан иборат гап интонацияси ҳолида эканлиги кузатилади. Эътибор беринг: *Мулоийм тонг отди*. Бу гап синтактик қолипи нуқтаи назаридан ёйиқ содда гап бўлиб, унинг эгаси *тонг* сўзи, кесими *отди* феъл кесимидир. *Мулоийм* сўзи тарз ҳоли вазифасини ўтаган. *Тонг отди* эга ва кесими семантик жиҳатдан фразеологик бирлик мақомини олгани учун, контакт қўлланган. У мана шу грамматик жиҳатдан гап эканлигига кўра интонацион шаклланган. Унинг *мулоийм* сўзида ифодаланган тарз ҳоли бўлагининг биринчи бўғин унлиси 160 гц., иккинчи бўғин унлиси 153 гц., учинчи бўғин унлиси 168 гц. баландликда бўлиб, мантиқ урғусини олган *тонг* оти унлиси 182 гц. ва *отди* кесимининг биринчи бўғин унлиси 153 гц., иккинчи бўғин унлиси 132 гц. баланд талаффуз этилади. Гап боши иккинчи даражали бўлақдан иборат бўлиб, улар унлиси деярли бир хил 160 гц.да бошланиб, урғу олган эга олдидан сал кўтарилган. Гапдаги товушнинг баланд нуқтаси эга вазифасидаги *тонг* сўзида. Ундан кейин кесимда товуш пасая борган ва охирги унли 132 гц.га тушган. Бу ундан кейин пауза кутилаётганини кўрсатади.

Мазкур гапда сўз бўғинлари унлисига берилган товуш кучи ҳам товуш баландлиги даражаси билан деярли бир хил – мутаносибдир. Унинг тарз ҳоли вазифасидаги *мулоийм* сўзи бўғинлари унлиси бир хил 5,5 мм. амплитуда товуш кучига эга. *Тонг* сўзи унлиси 6 мм. амплитуда, кесим вазифасидаги *отди* феълнинг бўғинлари унлиси 5 мм. ва 4,5 мм. амплитуда товуш кучи билан талаффуз этилган. Яъни товушнинг товуш баландлиги ҳам, товуш кучи ҳам кесим олдидаги мантиқ урғуси олган бўлақка томон деярли бир хил даража давом этиб, у юқори кўтарилади ва кесимда пасая боради. Бу гап темпи ҳам дарак гапга хос бўлиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 76 мсек. вақт сарфланган. Бу вақт тақсимоли ўртача ҳисобдадир. Ваҳоланки, *мулоийм* сўзидаги ҳар бир товушга 94 мсек., унинг кетидаги барча сўзларнинг ҳар бир товушига ўртача 71 мсек.дан вақт тўғри келади. Бу гапда ҳам талаффуз тезлиги охирига томон ортган ва тугалланма чўзиқ келганлиги кузатилади.

Бу гап тембри сўзлар бўғинларидаги кенг унлиларда ўз аксини топган. Чунки шу ўринларда унлилар баланд талаффуз этилиб,

обертон ва резонатор тонларга тўйинган ҳолда берилган. Улар эмфатик ургули бўлиб, эмоционалликка эга. Шунинг учун ҳам, бу унлилар чўзиқ талаффузли бўлган.

Феъл кесимли дарак гапларга хос бу интонация гап охирида кесим билан контакт қўлланган бўлак фақат мантиқ ургусини олган эгадан иборатлиги эмас, у бошқа бўлақдан иборат бўлса ҳам, ўз аксини топади. Масалан, *Туман ким биландир шивирлашади*, гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапда гап эгаси *туман* сўзи бўлиб, у биринчи ўринда берилган. Гап охирига, одатдагидай, феъл кесим *шивирлашади* сўзи жойлашган ва унинг олдида контакт воситали тўлдирувчи вазифасидаги *ким биландир* сўзи қайд этилган. Эга вазифасидаги *туман* сўзининг ҳар икки бўғини унлиси 160 гц. баланд талаффуз этилган. Гап бир хил ўртача баланд гц. билан бошланган. Кейин кесим олдида у билан контакт қўлланган *ким биландир* воситали тўлдирувчиси мантиқ ургусига эгалиги сабабли барча бўғин унлилари бир хил 200 гц. баландликда талаффуз этилган. Кесимда товуш баландлиги кескин пасайган ва биринчи бўғин унлиси 130 гц., иккинчи ва учинчи бўғин унлиси 140 гц.дан, тўртинчи бўғин унлиси 133 гц., охириги бўғин унлиси 116 гц. билан қайд этилган. Гапда товуш баландлиги ўртача ҳолда бошланиб, мантиқ ургуси берилган бўлак энг юқори талаффузга эришган ва феъл кесимга келиб кескин пасая борган. Бу гап тугалланмасида пауза бўлишини кўрсатади.

Мазкур гапнинг бўлаклари унлисидаги товуш кучи ҳам товуш баландлиги қандай қайд этилиб борган бўлса, шунга мутаносиб ҳолда сарфланиб борган. Гап бошида берилган эга бўғинларидаги бўғин унлилари 5,5 мм., мантиқ ургуси берилган воситали тўлдирувчи таркибидаги *ким* сўзи унлиси ва кўмакчисининг бўғинлари унлиси бир хил 6 мм., феъл кесимнинг биринчи бўғин унлиси 4 мм. иккинчи бўғин унлиси 2,5 мм., учинчи бўғин унлиси 3,5 мм. тўртинчи ва бешинчи бўғин унлилари 4 мм. амплитуда куч билан берилган. Унинг мантиқ ургули бўлаги бўғинидаги унлилар энг юқори куч билан қайд этилиб, ундан аввалги бўлак бўғини унлиларига нисбатан пастроқ ва кетидаги бўлак бўғини унлиларига кескин паст амплитудали товуш сарфланган.

Мазкур гапга сарфланган вақт унинг оҳангига унча боғлиқ бўлмаган ҳолда давом этган. У ҳам дарак гапларга хос темп билан талаффуз этилган. Гапнинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 70 мсек. вақт сарфланган. Аслида ҳар бир товушга бир хил шу чўзиқликда

вақт берилмаган. Унинг эгаси вазифасидаги *туман* сўзининг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 92 мсек. вақт олган. Кейинги сўзларнинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 61 мсек.дан вақт берилган, гап темпи охирига томон тезлашган. Лекин гапнинг кесими вазифасидаги *шивирлашади* феълининг охириги икки бўғини гап тугалланмаси бўлиб, улардаги товуш чўзиқ талаффуз этилган. Бу бўғиндардаги товушларга ўртача 80 мсек.дан вақт сарфланган. Айниқса, сўнги товуши 120 мсек. чўзиқлик билан берилган.

Бундай дарак гапларнинг чўзиқ бошланиши билан гап бошида эга берилиши алоқадордир. Чунки эга гап бошида келтирилар экан, унга диққатни тортиш, маълум даража унга таъкид бериш мақсади ҳам туради. Бу вазифани бажариш унга чўзиқлик бериш ва кетидан қисқа пауза келтириш билан адо этилади. Эга вазифасидаги сўздан кейин ҳам 110 мсек. пауза қайд этилган.

Бу гап унлиларида товуш тембри ниҳоятда паст ва унда эмфатик урғу ҳам йўқ.

Дарак гапнинг бўлақлари тартиби меъёрида тузилмай, инверсияга учраган ҳолда ҳам кузатилади. Бу кўпроқ поэтик асарларда учрайди. Бунда ҳам гап феъл кесимли бўлиб, мантиқ урғусини олган кесим олдидан контакт қўлланади. Аммо кетидан иккинчи даражали бўлақлардан бири келиб, эмфатик урғу олган бўлади. Бундай дарак гаплар интонацияси шунга қараб мослашади. Масалан, Ҳ. Олимжондан олинган мисрадаги *Икки дарё ювар кокилин* гапининг интонациясига эътибор бериш мумкин. Унинг эгаси *икки дарё* бирикмаси бўлиб, мантиқ урғусини олган бўлак ҳам шу. *Ювар* феъли гап кесими вазифасини ўтаган ва *кокилин* сўзи воситасиз тўлдирувчи вазифасида келиб, инверсияга учраган, кесим кетида қўлланган. Унга эмфатик урғу берилган. Шунинг учун ҳам, гап бўлақларининг ҳаммаси кўтарилувчи оҳангга эга. Гап эгасининг биринчи бўғини 182 гц., тўртинчи бўғини унаиси 200 гц. баланд талаффуз этилган. *Ювар* кесимининг биринчи бўғини унаиси 170 гц., ва иккинчи бўғини унаиси 172 гц.; инверсияга учраб кесим кетидан берилган воситасиз тўлдирувчининг биринчи бўғини 162 гц., иккинчи бўғини унаиси 160 гц. ва учинчи бўғин унаиси 180 гц. баланд қайд этилган. Гап оҳангининг энг юқори талаффуз этилган нуқтаси мантиқ урғу олган эганинг тўртинчи бўғинида. Кесим гарчи эгага нисбатан пастроқ талаффузга эга бўлса ҳам, анча баланд берилган. Чунки мазкур дарак гап тўлалиги билан эмфатик урғуга эга. Бу гап тембри ҳам бор бўғин унлиларида юқори сифат билан амалга оширилган.

Мазкур гапнинг бўлаклари унлиларига берилган товуш кучи тартиби билан товуш баландлиги тартиби деярли мос келган. Гапнинг эгаси вазифасидаги *икки дарё* бирикмасининг биринчи сўз биринчи бўгин унлиси 6 мм., иккинчи бўгин унлиси ва иккинчи сўз биринчи, иккинчи бўгинлар унлиси ҳаммаси бир хил 5,5 мм. амплитуда куч билан талаффуз этилган. Гапнинг қолган барча бўлаклари вазифасидаги сўз бўгинлари унлисига берилган товуш кучи бир хил 5 мм. амплитудага эга. Яъни товуш кучи мантиқ урғули бўлақда юқори бўлиб, қолган бўлақлар бир мм. паст амплитуда билан давом этган.

Гапнинг эмфатик урғуга эга бўлиши унинг талаффузига кетган вақтда ҳам ўз таъсирини кўрсатган. У, дарак гаплар интонациясига хос талаффуз темпининг ривожланишида бўлса ҳам, товуш чўзиқлиги эмоционаллик орттирганини акс эттириб туради. Унинг бўлақларида ҳар бир товушга ўрта ҳисобда 101 мсек. сарфланган. Бу бир текис сарфланишдан иборат бўлмай, гап бошидаги аниқловчи вазифасида келган *икки* сўзининг ҳар бир товушига 107 мсек., эга вазифасидаги *дарё* сўзининг ҳар бир товушига 100 мсек., кесим вазифасидаги *ювар* сўзининг ҳар бир товушига 56 мсек. вақт берилган. Гап темпи охирига томон тез талаффуз этила борган. Лекин гап охирида берилган воситасиз тўлдирувчи *кокилин* сўзида темп секинлашган, унинг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 117 мсек.дан вақт олган, ҳатто, сўнги товушга 250 мсек. вақт кетказилган. У гап тугалланмаси вазифасини ўтаган.

От кесимли дарак гаплар интонацияси ўзига хос бўлиб, феъл кесимли дарак гаплардан мантиқ урғуси кесимнинг ўзида бўлиши билан тубдан фарқланади. От кесимлар дарак гапларнинг деярли охирида берилади. Бунинг устига эга ва кесим, гап ёйиқ бўлса, улар орасида пауза ўз ўрнини олади. Бунда оҳанг феъл кесимли дарак гаплардаги каби гап охирида пасайиб кетмайди. Балки диққат қаратилган бўгиннинг, яъни мантиқ урғу олган от кесимнинг лексик урғу тушган бўгиннинг урғуси энг баланд талаффуз этилади. Масалан: *Қиз – гунчадеккина* (Шухрат), дарак гапига эътибор бериш мумкин. Эга вазифасидаги *қиз* сўзининг унлиси 160 гц. баландликда талаффуз этилган. Кесим вазифасидаги *гунчадеккина* сўзи беш бўгинли бўлиб, биринчи бўгин унлиси 137 гц., иккинчи бўгин унлиси 170 гц., учинчи ва тўртинчи бўгин унлилари 160 гц. ва охириги бўгин унлиси 119 гц. баланд қайд этилган. Бу шуни кўрсатадики, кесим эга ҳақидаги белгини билдириб, уни таъкидлаган ва шунинг учун, унинг лексик урғу тушган бўгин унлиси энг баланд товуш билан берилган. Шу билан бирга, эга ва кесимни қиёсловчи кесим шакли ҳам баланд

товуш билан қайд этилган. Кесим томонидан таъкидланган белги нимага тегишли эканлиги эга томонидан таъкид билан кўрсатилган бўлади. Бу гапда у эга вазифасидаги қиз сўзи орқали кўрсатилган. Шунинг учун ҳам, унлиси мантиқ урғули кесимнинг энг юқори талаффуз этилган бўғини унлисига яқин талаффуз этилган.

Гап бўлаклари бўғинидаги унлиларнинг товуш баландлиги шуни кўрсатадики, от кесимли дарак гаплар интонациясида товуш баландлиги эганинг лексик урғули бўғин унлиси деярли баланд бўлади ва кесимнинг лексик урғули бўғини ундан нисбатан баланд талаффуз билан қайд этилади. Шунга қарамай, сўнгги бўғини кескин пасаяди, кесим пасаяувчи оҳанглидир. Аммо бу шарт эмас. Агар кесимнинг сўнгги бўғини лексик урғули бўлиб, мантиқ урғу ҳам унда акс этса, гап энг баланд оҳангда тўхтайд.

Гап бўлаклари бўғинлари унлисига от кесимли дарак гапларда товуш кучи товуш баландлигига мутаносиб ҳолда берилган. Берилган гап эгасининг унлиси ва кесимининг биринчи бўғини унлиси бир хил 5 мм. ва кесимнинг лексик урғули бўғини унлиси 6 мм. кейинги бўғини унлиси 5,5 мм. амплитуда, охириги иккита бўғин унлилари 5 мм. амплитуда товуш кучи билан қайд этилган.

От кесимли дарак гапларда товуш темпи анча паст бўлади. Чунки унда ҳам эмоционаллик бор. Бу гапнинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 88 мсек. вақт сарфланади. У ҳам дарак гапларга хос ниҳоятда паст темп билан бошланиб, охирига томон тезлашади. Гап бошида келган эга вазифасидаги қиз сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 115 мсек. вақт берилган. Унинг кесим вазифасидаги *гунчадеккина* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 82 мсек.дан вақт кетиб, сўнгги товушига 150 мсек. сарфланган.

Гапдаги товуш тембри мантиқ урғу тушган бўлакнинг лексик урғули бўғини ва кейинги бўғинида кўзга ташланади.

Навбатда от кесимли ёйиқ содда гап келтирилиб, таҳлил этиб кўрилади. Мисол: *Менинг ўғлим-чи бундан ҳам бадтар*. Бу гапнинг эгаси ўғлим сўзи бўлиб, кесими *бадтар* сифатида ифода топган. Эга аниқловчиси *менинг* сўзининг биринчи бўғини унлиси 153 гц., иккинчи бўғини унлиси 180 гц. ва эганинг ҳар икки бўғини унлиси 200 гц., эга юкламаси унлиси 119 гц. товуш баландлигига эга. Кесимнинг кучайтирувчи юкламаси вазифасини ўтаган *бундан ҳам* сўзлари унлиси 160 гц., 175 гц., 150 гц. товуш баландлигида бўлиб, кесим вазифасидаги *бадтар* сифатининг биринчи бўғин унлиси 212 гц. ва иккинчи бўғин унлиси 204 гц. товуш баландлигига эга.

Гап бўлаклари бўғинлари унлисига берилган товуш кучи ҳам товуш баландлигига деярли мутаносиб. Гап эгаси ва аниқловчиси бўғинлари унлисига бир хил 5 мм., -чи юкламаси унлисига 4,5 мм. ва кесим олдидаги *бундан ҳам* сўзлари унлиларига 5 мм. амплитуда товуш кучи, кесимнинг ҳар икки бўғини унлисига ҳам 6 мм. амплитуда товуш кучи берилган.

Берилган гап от кесимлидир. Бундай гаплар темпи аниқловчиларидан эгага қараб, иккинчи даражали бўлақлардан кесимга қараб секинлашувчи характерда бўлади. Мазкур гапнинг эгаси вазифасидаги *ўғлим-чи* сўзи бўлиб, *менинг* олмоши унинг аниқловчисидир. Гап кесими вазифасини *бадтар* сифати ўтаб, тўлдирувчи вазифасида *бундан ҳам* бўлаги келган. Бу гапнинг умумий темпи энг тез талаффуз этилган дарак гапга хосдир. Унинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 70 мсек. вақт берилган. Эга составининг аниқловчиси вазифасидаги *менинг* олмошидаги ҳар бир товушга 56 мсек., эга вазифасидаги *ўғлим-чи* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 69 мсек., тўлдирувчи вазифасидаги *бундан ҳам* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 66 мсек., кесим вазифасидаги *бадтар* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 78 мсек. вақт берилган ва охириги товушга 110 мсек. вақт кетган. Бу гапда темп эгага ва кесимга томон секинлашган. Бундай темп фақат от кесимли дарак гапларга хосдир.

Дарак гаплар от кесимли ва феъл кесимли эканлигига кўра икки кўринишли интонацияга эгаллиги кузатилади. Феъл кесимли дарак гаплар ўртача баланд товуш билан бошланиб, кесим олдидаги мантиқ урғули бўлак томон кўтарила боради ва мантиқ урғули бўлак энг юқори товуш баландлигида бўлади. Кейин пасаювчи оҳанг давом этади. I ва III шахсни билдирувчи эгалар гап бошида кўлланса, улардан сўнг қисқа пауза берилади. Товуш чўзиқлиги гап охири томон камай боради. От кесимли гапларнинг эга состави ҳам, кесим состави ҳам кўтарилиувчи оҳангга эга бўлади. Ҳар иккисида: эгада ҳам, кесимда ҳам лексик урғули бўғин унлиси энг юқори товуш баландлигида бўлади. Кесимдаги лексик урғули бўғин унлиси эгадагига нисбатан маълум даража баланд талаффуз этилади. Шу бўлақлар тембри анча ёрқин қайд этилади. Чунки уларда мантиқ урғуси ўз таъсирини кўрсатади. Эга ва кесим состави пауза билан ажратилади. Чунки эга ҳам, кесим ҳам маълум такт билан қайд этилади. Кесим қайди кучлироқ бажарилади. Чунки унда мантиқ урғуси аксини топади. От кесимли дарак гапларда ҳам товуш чўзиқлиги гап охири томон орта боради.

Сўроқ гап интонацияси

Сўроқ гап интонацияси дарак гап интонациясидан кўп жиҳати билан фарқ қилади. Унинг интонацияси феъл кесимли гаплар билан от кесимли гапларда, сўроқ элементи бор гаплар билан сўроқ элементи йўқ гапларда, алоҳида, сўроқ юкламали гаплар билан сўроқ юкламасиз гапларда алоҳида, ўзига хос, бир-бирига кўп томонлари ўхшамаган ҳолда кузатилади. Бу уларнинг оҳанги, темпи, мантиқ урғуси ва паузасида ҳам ўз ифодасини топади.

Ўзбек тилшуноси Х. Йўлдошева сўроқ элементисиз сўроқ гап интонацияси ҳақида фикр юритар экан, биринчи навбатда унинг темпига эътиборни қаратган. У *Чой дамланг.* гапини ҳам сўроқ гап, ҳам буйруқ гап интонациясида қилинган талаффузининг тезлигини осциллографик ўлчовдан чиқарган. У сўроқ гап сифатида талаффуз этилганда 730 мсек., буйруқ гап сифатида талаффуз этилганда 570 мсек. вақт олган. Улар ўртасидаги фарқ 180 мсек. бўлган. Бу гаплар кесимининг сўнгги бўғини сўроқ гапда 290 мсек., буйруқ гапда 180 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Улар ўртасидаги сарфланган вақт фарқи 110 мсек. дир¹. Бу шуни кўрсатадики, сўроқ гап интонацияси буйруқ гап интонациясидан кесимининг сўнгги бўғини чўзиқ талаффуз этилишига кўра кўп вақт олган.

Бу *Чой дамланг?* сўроқ гапи *Чой дамлар.* дарак гапидан ҳам сарфланувчи вақти жиҳатидан ҳам қисман фарқ қилади. Ваҳоланки, бу гаплар товушларига кўра ўзаро тенг. Шунга қарамай, дарак гап учун сарфланган вақт 770 мсек. вақт олган, яъни унда сўроқ гапга нисбатан 20 мсек. ортиқ вақт сарфланган. Бу ҳам кесимнинг сўнгги бўғини талаффузи ҳисобига бўлган.

Сўроқ элементи бўлмаган сўроқ гапнинг динамиклиги асосан мантиқ урғуси берилган бўлақда бўлади². Мазкур гапнинг мантиқ урғуси асосан эгага берилаган. Эганинг унали товуши 180 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Кесимнинг биринчи бўғин уналиси 105 гц. иккинчи бўғин уналиси 124 гц. товуш баландлигига эга. Яъни гапга берилган товуш баландлиги мантиқ урғуси тушган эгада энг юқори бўлиб, кесимга ўтгач, кескин пастлашган. Аммо охириги бўғин лексик урғули бўлгани учун, уналиси сал баланд берилган. Одатда сўз шаклларида лексик урғу қайд этилмайди. Лекин бу гапда сўроқ мазмуни шу сўнгги бўғинга юкланган. Бу, гапнинг коммуникатив мантиқини шу бўғинга юклатилгани учун, лексик урғуни

¹ Қрнғ.: Юлдашева Х. Интонация вопросительных фраз современного узбекского языка. –С. 11.

² Қрнғ.: Юлдашева Х. Ўша автореф. –С. 13.

ҳам унга кўчирилган. Уни фақат сўроқ элементисиз сўроқ гапларда кузатилади.

Тилшунос Д. М. Ниёзовнинг қайд этишича, ўзбек тилидаги гап “бошида товуш кучи ортиқроқ” бўлади¹. Юқорида берилган дарак гапнинг бошланиши юқори товуш кучига эга бўлиши табиий. Чунки у мантиқ урғусини олган. Мантиқ урғусини олган бўлак гап таркибида энг юқори товуш баландлиги билан талаффуз этилади. Бунинг учун шу дастлабки товушларга товуш кучини ҳам орттириш керак. Чунки гапларнинг маълум бўлагига берилган товуш баландлиги билан товуш кучи деярли мутаносиб бўлади. Бу қонуниятдан сўроқ элементисиз шакллантирилган сўроқ гаплар ҳам холи эмас. Чунки берилган сўроқ гапнинг ҳам мантиқ урғу олган бўлаги эга бўлиб, у гап бошида қўлланган. У мантиқ урғули бўлиб, товуш баландлигига эга экан, товуш кучи ҳам унда юқори бўлади. Шунга кўра, *Чой дамланг?* сўроқ гапи тушувчи оҳанг ва тушувчи товуш кучи билан талаффуз этилган.

Мазкур гап деярли юқори оҳангга эгаллиги учун товуш тембри ҳам сайқалланган эканлигини кўрсатади.

Сўроқ олмоши билан шакланган сўроқ гаплар интонацияси яна ўзига хосдир. Унинг интонацияси асосан гап оҳангига, ундаги товуш баландликларининг берилиш тартибига боғлиқ. Интонациянинг оҳанг компоненти ўзбек тилида ҳам, бошқа тиллардагига ўхшаш, етакчи ҳисобланади². Бунинг учун бирор сўроқ олмоши билан шакланган сўроқ гап оҳангини таҳлил этишга тўғри келади. Мисол: *Ким айтди сенга?* Бу гапнинг эгаси вазифасида *ким* сўроқ олмоши қўлланган бўлиб, гап бошида берилган. Эга билан кесим контакт келиб, тўлдирувчи вазифасидаги *сенга* олмоши гап охирида қайд этилган. Гап эгасининг унлиси 200 гц. товуш баландлигида бўлса, кесимнинг биринчи бўғин унлиси 190 гц., иккинчи бўғин унлиси 125 гц. товуш баландлигида ва тўлдирувчининг биринчи бўғин унлиси 160 гц., иккинчи бўғин унлиси 112 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Булар гап оҳанги тушувчи характерда эканлигини кўрсатади. Шунинг билан бирга, сўроқ олмоши ҳамма вақт мантиқ урғусини олган бўлак эканлиги ҳолда, гап оҳангининг чўққисида туради. У, гапнинг қайси позициясини олишидан қатъий назар, шу мавқега эга бўлади.

Мазкур гапни транспозицион ҳолатда келтириб, у қуйида оҳанги

¹ Крнг.: Ниёзов Д. М. Интонация повествования в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1969. –С. 26.

² Крнг.: Юлдашев Х. Ўша автореф. –С. 9.

бўйича таҳлил этиб кўрилади. Яъни: *Сенга ким айтди?* Гапнинг бу кўринишида тўлдирувчи гап бошида берилиб, сўнг эга ва кесим контакт қўлланган. Гапнинг мантиқ урғусини олган эга гап марказига жойлашган. Шунда тўлдирувчининг биринчи бўгин унлиси 170 гц., иккинчи бўгин унлиси 168 гц., эга унлиси 250 гц. товуш баландлигида ва кесимнинг биринчи бўгин унлиси 132 гц., иккинчи бўгин унлиси 105 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Оҳангнинг чўққиси, яъни товуш баландлигининг энг юқори нуқтаси эга унлисида қайд этилган. Тўлдирувчи унга нисбатан 80 гц. паст товуш билан бошланган. Эгадан кейин товуш баландлиги кескин пасайган.

Гапнинг бўлаклари бўғинидаги унлиларига берилган товуш кучи уларга берилган товуш баландлиги билан мутаносиб эмас. Улар барча бўгин унлиларида бир хил, деярли 5 мм. амплитуда билан талаффуз этилган. У гапнинг ҳар икки тартибида ҳам шу ҳолда кузатилади.

Сўроқ оломошидан ибора эга гап бошида келган *Ким айтди сенга?* тартибида ҳам сўроқ гапларга хос кўп вақт, нисбатан чўзиқ вақт талаб қилинган. Унга 1040 мсек. вақт сарфланиб, гапдаги ҳар бир товуш бошига ўрта ҳисобда 80 мсек.дан вақт кетказилган. Бу сўроқ гапга хос темпдир. Уларда эга катта вақт олиб, кейинги бўлак ёки бўлақлар темпи сезиларли даражада секинлашиб кетади. Берилган сўроқ гапнинг эгаси вазифасидаги *ким* оломошининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 80 мсек., кесим вазифасидаги *айтди* феълининг ҳар бир товушига 76 мсек. ва гап охиридаги тўлдирувчи вазифасида келган *сенга* оломошининг ҳар бир товушига 82 мсек. вақт сарфланган. У гап тугалланмаси сифатида ниҳоятда секилашган.

Тўлдирувчи гап бошида келган *Сенга ким айтди?* тартибида ҳам сўроқ гапларга хос нисбатан чўзиқ вақт талаб қилинган. Унга 1060 мсек. вақт берилиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 80 мсек. вақт сарфланган бўлади. Тўлдирувчи гап бошида берилгани учун, уни ниҳоятда чўзиқ талаффуз этилиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 90 мсек. сарфланган ва кетидан яна 80 мсек. ҳажмида пауза берилган. Унинг кетидан келган эга вазифасидаги *ким* оломошининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 47 мсек. вақт берилган. У тезлашган. Сўнгги ўриндаги кесим вазифасида келган *айтди* феълининг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 80 мсек.дан вақт олган, яъни гап тугалланмаси вазифасини ўтаган. Унинг темпи ҳам секин бошланиб, тезлашган ва секинлашиб тўхтаган.

Мазкур гаплар тембри кўпроқ тўлдирувчиларда бўлган. Маълум даража бўғин унлиларининг кенглиги ва чўзиқ талаффуз этилиши билан алоқадор.

Феъл кесимли сўроқ гап ёйиқ бўлиб, кесим состави ниҳоятда кенг келиши ва эга гап бошида берилиши, олмош билан ифодаланган бўлак кесим олдидан контакт қўлланиши мумкин. У гапга сўроқ мазмунини беради ва мантиқ урғусини ўзида ташийди. Чунки сўроқ олмоши билан шаклланган сўроқ гапларнинг мантиқ урғуси ҳамма вақт шу олмошнинг ўзида бўлади. Масалан: *Сен қоя узра нени изларсан?* (Шухрат.) Бу гапнинг эгаси *сен* кишилиқ олмоши бўлиб, кесими *изларсан* феълдир. Гапда мантиқ урғуси тушган бўлак олмош билан ифодаланган *нени* тўлдирувчиси ҳисобланади. Мантиқ урғуси мана шу *нени* сўроқ олмошига берилган. Шунинг учун ҳам, *нени* олмошининг биринчи бўғин унлиси 200 гц., иккинчи бўғин унлиси 190 гц. товуш баландлигига эга бўлиб, гап оҳангининг чўққиси ҳисобланади. Гап бошида қайд этилган эга вазифасидаги *сен* олмошининг унлиси 112 гц., ўрин ҳоли вазифасидаги *қоя узра* бўлагининг биринчи бўғин унлиси 182 гц., иккинчи бўғин унлиси 175 гц., учинчи бўғин унлиси 176 гц., тўртинчи бўғин унлиси 182 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Бу гапнинг фақат эга вазифасидаги сўзи паст оҳангда қайд этилган. Чунки унинг кетидан пауза кутилган. Одатда паузадан аввал жойлашган бўғин унлиси паст оҳангда берилади. Эгадан кейин жойлашган ўрин ҳоли анча баланд товушда бошланиб, деярли ўзгаришсиз давом этган. Чунки у эмфатик урғули бўлиб, бу урғу гап охиригача борган. Бунинг устига у мантиқ урғули воситасиз тўдирувчидан олдин, унга контакт жойлашган. Мантиқ урғули бўлақдан кейин берилган кесим вазифасидаги *изларсан* феълнинг биринчи бўғин унлиси ҳам, иккинчи бўғин унлиси ҳам 185 гц., учинчи бўғин унлиси 176 гц. товуш баландлигига эга, тушувчи оҳангдадир. Феъл кесимли сўроқ гапларнинг оҳанги мантиқ урғули бўлақдан кейин ҳамма вақт тушувчи бўлади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу гапда товуш тембри эгадан бошқа барча бўлақларда ўз ўрнини топган. Улардаги мавжуд эмфатик урғу ҳам шуни кўрсатади.

Мазкур гапнинг бўлақларидаги бўғин унлилари талаффузига берилган товуш кучи деярли бир хил – 5 мм. амплитуда юқоридир. Агар бунга аввалги сўроқ гаплар таҳлили қиёсланса, умуман сўроқ гаплар амплитудаси деярли бошдан-оёқ ўзгаришсиз бир хил давом этишини кўрсатади.

Мазкур гапга сарфланувчи вақт ҳам барча сўроқ гаплардаги каби кўп вақт талаб қилган. У ҳаммаси бўлиб 2360 мсек. вақт олган. Бу гапдаги ҳар бир товуш ўрта ҳисобда 93 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган, дейилганидир. Одатда сўроқ гаплардаги ҳар бир товушга ўртача 80–85 мсек. вақт сарфланар эди. Бу гапдаги товуш чўзиқлиги жуда ҳам ортиб кетган. Сабаби эгадан кейин 220 мсек. пауза қайд этилиши ва гапнинг эгасидан кейин барча бўлакларга эмфатик урғу берилиши ҳисобланади. Эмфатик урғу олган бўлаклар ҳамма вақт максимум чўзиқ талаффуз қилинади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ҳеч маҳал гапдаги ҳар бир товушга бир хилда мсек.дан вақт берилмаган. Товушларнинг характери ва урғусига қараб вақт тақсимланган. Гап эгаси бўлган *сен* олмоши гап бошида берилгани учун ҳам, ҳар бир товуш ўрта ҳисобда 64 мсек. вақт олган. Гап охирида кесим вазифасида қўлланган *изларсан* феъли билан унинг олдидан берилган мантиқ урғусига эга воситасиз тўлдирувчи вазифасидаги *нени* сўроқ олмошига келиб, темп ниҳоятда секинлашган ва 95 мсек.гача етган. Бу гап темпи билан юқоридаги гаплар фарқланиши гап тугалланмаси ҳажми объектли бирикма даражасига етганлигидир.

Юклама билан шакланганг сўроқ гаплар интонацияси ҳам бошқа гаплар интонациясига деярли ўхшаш бўлади. Лекин юклама билан шакланган сўроқ гаплар гап охирида марказлашади. Чунки гапнинг маъно маркази мантиқ урғуси тушган бўлак ҳисобланади. Ўзбек тилида мантиқ урғуси, *Ҳ*. Йўлдошевнинг қайд этишича, сўроқ юкламаси билан шакланган гапларнинг юкламасига тушади¹. Сўроқ юкламаси гап кесимига қўшилади. Бундай кесимлар от, буйруқ ёки шарт майлидаги феъл билан ифодаланиши мумкин². Сўроқ юкламаси кесимда ва кесим гап охирида берилгани учун ҳам товуш бандлиги гап охирида қайд этилади ва гап оҳанги гап охирига томон кўтарилувчи характерда бўлади. Масалан: *У осмонга туташган нурми?* (*Ҳ*, Олимжон). Гап от кесимли бўлиб, *-ми* юкламаси билан қўлланган. Аммо мантиқ урғусини сўроқ юкламасида, деб бўлмайди. У ўзи қўшилган кесимда ўз ифодасини топган. Эътибор қилинг: гап эгаси вазифасидаги *у* олмоши 182 гц., аниқловчи составидаги *осмонга* сўзининг биринчи бўғин унлиси 154 гц., иккинчи ва учинчи бўғин унлиси 187 гц., *туташган* сўзининг биринчи бўғин унлиси 147 гц.,

¹ Қрғг.: Юлдашева Х. Ўша автореф. –С. 16.

² Қрғг.: Шоабдурахмонов Ш. Ш. Юклама // Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. / Масъ. муҳар. Ғ. А. Абдурахмонов., Ш. Ш. Шоабдурахмонов., А. П. Ҳожиёв. –Тошкент: Фан, 1975. 556-б.

иккинчи бўгин унлиси 165 гц., учинчи бўгин унлиси 175 гц., кесим вазифасидаги *нурми* сўзининг ўзак унлиси 190 гц. ва юклама унлиси 161 гц. товуш баландлиги билан талаффуз этилган. Гап оҳангининг энг юқори нуқтаси кесим унлисидадир. Юклама тушувчи оҳангда берилган. Эга ҳам юқори товуш баландлигидадир. Чунки тингловчига сўроқ кимга тегишли эканини етказиш зарурияти бор. Бунинг учун эгага баланд оҳанг, чўзиқ талаффуз, кетидан пауза талаб қилинган. Тўғри, кесим аниқловчиси составидаги унлилар ҳам баланд талаффузга эга. Чунки гап тўлалиги билан эмфатик урғулдир. Шунинг учун, аниқловчи составидаги сўзларнинг лексик урғули бўғинидаги унлилар талаффузи мантиқ урғуси тушган сўз урғуси даражасида кўтарилган. Улардан қатъи назар, оҳанг кесимга томон маълум даража тушувчи ҳолатдадир.

Мазкур гапнинг таркибидаги барча сўз бўғинлари унлиларига берилган товуш кучи бир хил – 5 мм. амплитуда юқоридир. Фақат юкламанинг, яъни охириги бўғиннинг унлиси 4,5 мм. амплитуда товуш кучи билан қайд этилган. Бу гапнинг ҳам таркибидаги барча бўлақлар бўғини унлисига берилган товуш кучи бошқа, яъни юқорида келтирилган сўроқ гап таркибидаги бўлақлар бўғини унлиси товуш кучидан деярли фарқ қилмайди, товуш кучи тизими ҳам бир хил.

Берилган сўроқ гапнинг талаффуз темпи ҳам юқорида таҳлил этилган сўроқ гаплар темпи каби паст, кўп вақт олган. Гап талаффузида 1760 мсек. вақт сарфланган. Ундаги ҳар бир товуш учун ўртача 84 мсек. вақт берилган. Умуман сўроқ гаплар талаффузида ҳар бир товушга ўртача 70–85 мсек. вақт кетади. Турган гапки, бу мисолдаги ҳар бир товушга сарфланган вақт алоҳида олиб қаралганда ҳар хил. Эга вазифасидаги у олмошига 220 мсек. вақт берилиб, кетидан яна 180 мсек. пауза қилинган. Сабаби айтилганидай, тингловчининг диққатини эга ифодасига тортиш заруриятидир. Кейинги *осмон* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 69 мсек. ва ундан кейинги *туташган* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 59 мсек. вақт берилиб, темп орта борган. Кесим вазифасидаги *нури* сўзи гап тугалланмаси бўлиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 81 мсек. вақт берилган. Бу гап темпи ниҳоятда секин бошланиб, кейин маълум даража тезлашган ва охири пастлашганлигини кўрсатади.

Сўроқ гаплар феъл кесимли ва от кесимли эканлиги, улар фақат интонацияга кўра ёки сўроқ олмоши ё сўроқ юкламаси воситасида шаклланишига кўра турли интонацияга эга бўлиши керак. Бироқ улар интонацияси ўртасида катта фарқ йўқ. Уларнинг ҳамма тури-

да ҳам интонацияни белгиловчи асосий компонент оҳанг бўлади. Сўроқ гапларда товуш баландлигининг энг юқори нуқтаси мантиқ урғусини олган бўлақдир. У феъл кесимли сўроқ гапларда кесимдан олдин, от кесимли гапларда кесимнинг ўзида бўлади. Бу гапни шакллантирувчи сўроқ олмоши ёки сўроқ юкламаси бўлиши мумкин. Оҳанг деярли мантиқ урғули бўлак томон кўтарилиб, ундан кейин тушиб боради. Сўроқ гапларда товуш кучи барча бўгин унлиларида бир хил 5 мм. амплитуда билан қайд этилади. Бундай гапларнинг товуш темпи бошқа коммуникатив гапларникидан паст бўлади. Ҳар бир товушга кетган вақт ўртача 75–85 мсек.дан кам эмас. У кўпинча суст бошланиб, кейин бир мунча тезлашади ва охири секинлашиб тўхтайд. Эга кетидан баъзан пауза ҳам кутилади.

Товуш тембри кенг унлилар талаффузида, лексик урғу тушган сўзлар бўғини унлисида, эмфатик урғули бўлақларда қайд этилади.

Буйруқ гап интонацияси

Буйруқ гаплар фақат феъл кесимли бўлади. Бунинг устига кесими II ёки III шахсга қаратилиб, I шахсга қаратилмайди. Чунки сўзловчининг ўзи ўзига буйруқ бериши мантиқан мумкин эмас. Кесимнинг яна умумга қаратилган мажхул нисбатда бўлиши ҳам кузатилади. Буйруқ гап интонацияси шу грамматик мазмундан келиб чиқиши табиий.

Буйруқ гап интонациясининг асосий компоненти оҳангдир. Ундаги товуш баландлигининг энг юқори нуқтаси мантиқ урғусини олган бўлақда акс этади. Мантиқ урғуси гапнинг ҳар қандай бўлагида ҳам бўлаверади. Мантиқ урғусини олган бўлак, буйруқ гап фақат феъл кесимли бўлагани учун, деярли унинг олдида берилади. Агар феъл кесимнинг ўзи мантиқ урғули бўлса, у гап олдида чиқарилади. Бу бўлақдан аввалги бўлақлар бўғинининг урғуси у томон кўтарилувчи оҳангни олади. Мантиқ урғули бўлақдан кейинги бўлақлар бўгин унлилари тушувчи оҳангда бўлади. Лекин гап охиридаги бўгин унлисининг товуш баландлиги кескин кўтарилади ва гап тугайди. Ундан кейин гап ҳам, пауза ҳам кутилиши интонациядан англашилмайди. Масалан: Сен ҳовлига *чиқиб тур!* (С. Аҳмад). Бу гапнинг феъл кесими *чиқиб тур* таркибли сўз бўлиб, ундан аввал берилган *ҳовлига* ўрин ҳоли мантиқ урғусини олган. Унинг биринчи бўгин унлиси 154 гц., иккинчи ва учинчи бўгин унлиси 180 гц. товуш баландлигига эга. Бу гапдаги товушлар баландлигининг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Чунки ундан аввал қўлланган гап эга-

си *сен* олмоши унаисининг товуш баландлиги 112 гц.дир. Мантиқ урғуси олган бўлақдан кейин берилган *чиқиб* равишдошининг биринчи бўгин унлиси 160 гц. иккинчи бўгин унлиси 100 гц. товуш баландлигида берилган, яъни улар тушувчи оҳангни кўрсатган. Гап охиридаги сўз кўмакчи феъл бўлса ҳам, мавжуд бир унлиси 154 гц. товуш баландлигини олган ва шу билан нутқ тугаган. Бу буйруқ гап оҳангидир.

Буйруқ гапларда товуш кучининг берилиши дарак ва сўроқ гаплардагидан фарқ қилади. Уларда гап биринчи унаисининг товуш кучи энг юқори даражада бўлади. Берилган гапнинг бошида келган эга б мм. амплитудали бўлиб, мантиқ урғуси олган бўлакнинг биринчи унлиси 5,5 мм. ва қолган икки унлиси 5 мм. амплитуда, феъл кесимнинг етакчи компоненти биринчи бўгини унлиси 4 мм., иккинчи бўгини унлиси 1 мм. амплитуда билан, кўмакчи феъл унлиси 4 мм. амплитуда билан қайд этилган. Яъни гапда товуш кучи юқори бошланиб, охирига томон туша борган ва кескин кўтарилиб, тўхтаган. Чунки гап охирида буйруқ таъкидланган.

Берилган гап – II шахсга қаратилган буйруқ гап. Бундай гапларнинг эгаси бир мунча секин талаффуз этилади. Ҳатто, унинг кетидан қисқа муддатли пауза ҳам кутилиши мумкин. Гапнинг кейинги бўлақларидаги бўгин унлиларига кам вақт берилиб, талаффуз тезлашиб боради. Гапнинг сўнгги бўгини бир мунча секинлашиб тўхтайтиди. Мазкур гапнинг эгаси вазифасидаги *сен* олмошининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 157 мсек. вақт сарфланган. Кўринадики, бу секин. Чунки гап эгаси диққатни у ифода этган шахсга қаратиш учун қўлланади. Бу вақт талаб қилади. Шунинг учун, у эгадан кейин 80 мсек. чўзиқликда пауза ҳам берилган. Ваҳоланки, гап темпи анча чўзиқ бўлиб, унинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 63 мсек. вақт берилган эди. Бутун гапга берилган 1250 мсек. вақтнинг 475 мсек. қисмини эга олиб қўйган. Ундан кейинги бўлақлар кескин тезлаша борган. Ўрин ҳоли вазифасидаги *ташқарига* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 42 мсек., феъл кесимнинг *чиқиб* етакчи компонентлари товушларининг ҳар бирига ўрта ҳисобда 32 мсек. вақт берилган. Охирги *тур* кўмакчи феълнинг ҳар бир товушига 80 мсек. вақт сарфланган, яъни тезлик йўқолган. У гап тугалланмаси вазифасини ўтаган.

Кўп ҳолларда II шахсга қаратилган буйруқ гапларда ундалма ҳам қўлланади. Бироқ бу буйруқ гап интонацияси оқимига таъсир этмайди. Ундалманинг ўз интонацияси ўз қисмида, буйруқ гапнинг

интонацияси ўз қисмида ўзгаришсиз талаффуз этилади. Масалан, юқоридаги буйруқ гап С. Аҳмаднинг “Хукм” қиссасида *Назир, сен ҳовлига чиқиб тур!* деб, ундалма билан қўлланган. Ундалмани ўз ўрнига қўйиб, бир неча дикторга талаффуз эттириб, осциллографдан чиқариб таҳлил этиб кўрилди. *Назир* ундалмаси учун биринчи бўгин унлисида 170 гц., иккинчи бўгин унлисида 187 гц. товуш баландлиги қайд этилди; товуш кучи биринчи бўгин унлисида 6,5мм., иккинчи бўгин унлисида 6 мм. амплитуда бўлди. Товуш темпи биринчи бўгин унлисида 100 мсек., иккинчи бўгин унлисида 80 мсек. чўзиқликда кузатилади. Ундалма кетидан яна 310 мсек.пауза берилди. Яъни ундалмага берилган товуш баландлиги ҳам, кучи ҳам юқори, вақт ҳам чўзиқ ва бунинг устига катта миқдорда пауза илова қилинган. Буларнинг ҳаммаси тингловчининг диққатини тортиб олгунча вақт учун сарфланган. Кейин буйруқ гап ўз интонацияси билан давом этаверган.

Буйруқ гаплар деярли II шахс феъл кесимли бўлгани учун, кесим состави билан деярли эгасиз шакланган бўлади. Бундай гапларнинг мантиқ урғуси кесим олдидаги бўлакка берилади. Унинг интонацияси асосан гап оҳанги орқали шаклланиб, товуш баландлигининг энг юқори нуқтаси мантиқ урғуси берилган бўлакда қайд этилади ва кесимда у пасая боради. Масалан, *Бу ёққа келинг!* гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапнинг мантиқ урғуси *бу ёққа* ўрин ҳолида берилган. Унинг биринчи ва иккинчи бўгин унлиси 200 гц., сўз шакли таркибидаги учинчи унли 170 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Бу гап оҳангининг энг юқори нуқтасидир. Гап охири ҳисобланган *келинг* феъл кесимининг биринчи бўгин унлиси 179 гц., иккинчи бўгин унлиси 170 гц. товуш баландлигига эга, яъни гап тушувчи оҳангдаги интонация билан талаффуз этилган.

Мазкур гапнинг мантиқ урғуси тушган бўлагининг биринчи ва иккинчи бўгин унлиси 5 мм. амплитуда; феъл кесимнинг биринчи бўгин унлиси 6 мм. иккинчи бўгин унлиси 5 мм. амплитуда товуш кучига эга. Товуш кучи кесим вазифасидаги феъл ўзаги томон кўтарилиб, охирги бўгинда тушган.

Кўрсатилганидай, иккинчи даражали бўлак билан кесимдан таркиб топган бир составли буйруқ гаплар темпи жуда тез бўлиб, қисқа вақт олади. Берилган гапга ҳаммаси бўлиб 540 мсек. вақт сарфланган. Ваҳоланки, унинг таркибида 11 та товуш бор. Х. Йўлдошева *Чой дамланг!* буйруқ гапини келтириб, унга 570 мсек. вақт сарфланганлигини ва у ниҳоятда тез талаффуз этилганлигини айтган эди. *Бу ёққа келинг!* гапида тўртта товуш ортиқ бўлишига қарамай, унга

нисбатан 40 мсек. кўп вақт олган. Ҳ. Йўлдошева берган гапнинг ҳар бир товушига 63 мсек., биз берган мисолнинг ҳар бир товушига 43 мсек. вақт берилган. Яъни айтиш мумкинки, буйруқ гапларнинг ҳар бир товушига кетган вақт айрим ҳолатларда 40 мсек.гача ҳам тушиши мумкин. Айниқса, эгасиз қўлланган буйруқ гаплар темпи жуда тез бўлиб, жадал талаффуз билан бошланади ва гап охирига томон секинлашади. Бунинг учун *бу ёққа келинг!* буйруқ гапининг темпига эътибор беришга тўғри келади. Унинг талаффузига 510 мсек. вақт сарфланиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 43 мсек. вақт берилган эди. Гапдаги *бу сўзининг* ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 38 мсек., *келинг* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 64 мсек. вақт ажратилган. У охирига томон кескин секинлаша борган. Ҳатто, сўнги товуш 110 мсек. вақт олган.

Бундай ихчам буйруқ гапларга, кўпинча буйруқни кучайтириш мақсадида, кесимига юклама қўшиб талаффуз этилганлиги ҳам кўзатилади. Яъни, *Бу ёққа келинг-чи!* каби. Бунда унинг ўзига хос интонацион компонентлари ҳам гап интонациясига илова қилинади, бироқ гап интонациясининг бирор компоненти ўзгаришга учрамайди. Юқоридаги гапга *-чи* юкламаси илова қилинар экан, унга унлиси 187 гц. товуш баландлиги, 5,5 мм. амплитуда товуш кучи билан қўшилади ва гап талаффузи яна 220 мсек. вақтни олади.

Мазкур буйруқ гап олдида кириш сўз ҳам орттирилиши мумкин. Яъни: *Қани, бу ёққа келинг!* каби. Бунда ҳам буйруқ гап ўз интонация компоненти хусусиятини ўзгартирмайди. У буйруқ гап интонациясига ўз интонацион компонентлари сифати ва кетида паузаси билан илова қилинади. Кириш сўз вазифасидаги *қани* сўзи буйруқ гапга илова қилинганда биринчи бўғин унлиси 132 гц., иккинчи бўғин унлиси 175 гц. товуш баландлигини олади. У буйруқ гапнинг мантиқ урғуси олдидан кўтарилувчи оҳангда бўлди. Аммо унинг биринчи бўғин унлиси 6 мм. амплитудали юқори товуш кучи билан бошланиб, иккинчи бўғинининг товуш кучи 5 мм. амплитудага тушди. Бу буйруқ гапнинг мантиқ урғуси тушган бўлаги унлиларига тенгдир. Кириш бўлак, ўз интонацион компонентлари сифатини буйруқ гап интонацион компонентлари сифатига мослаган ҳода, унинг олдидан жой олди. Кириш сўз ҳам тез темпли талаффузга эга, ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 45 мсек.дан вақт олган. Бу буйруқ гап талаффузи тезлигидан ҳам тез. Унинг тезлиги ҳар бир товуш ҳисобида ўртача 51 мсек. чўзиқликда эди. Бироқ кириш сўз ўз кетидан 120 мсек. чўзиқликда пауза ушлаган. Бу огоҳлантириш учун сарфланган вақтдир.

Буйруқ гаплар феъл кесимли бўлиб, II, III шахсга ёки умумга қаратилганлиги билан характерланади. Агар уларда эга қўлланган бўлса, кишилиқ олмоши эканлиги кузатилади. Улар ҳамма вақт паст оҳангда ва юқори товуш кучи билан қайд этилади ва кетида қисқа пауза берилади. Гап оҳангининг энг юқори нуқтаси феъл кесим олдидаги бўлақда бўлади. Гап оҳанги унга томон юқорилашиб, кейин пастлаша боради. Товуш кучи буйруқ гапларнинг биринчи бўғинида энг юқори бўлиб, гап охиридаги бўғинлар томон пасая боради ва охири сал кўтарилиб, сўнг тўхтайтиди. Буйруқ гап темпи тез бўлиб, ҳар бир товуш талаффузи 60 мсек.дан ортиқ вақт олмайди.

Истак гап интонацияси

Истак гаплар фақат феъл кесимли гаплардан иборат бўлади. Уларнинг феъл кесими ҳамма вақт -*са* шарт майли кўшимчаси билан қўлланади ва ё I, ё II, ё III шахс билан тусланади. Истак гап гапларнинг коммуникатив типларидан бири сифатида фақат ўзбек тили синтаксисида ўрганилади.

Истак гаплар интонацияси буйруқ гаплар интонациясига жуда яқин туради. Унинг оҳангида ҳам товуш баландлигининг энг юқори нуқтаси мантиқ урғусини олган бўлақда бўлади. Ундан аввалги бўлақ бўғинида ҳам, кейинги бўлақ бўғинида ҳам товуш баландлиги паст эканлиги кузатилади. Масалан: *Бугун менга бир қарашиб юборсанг* (А. Қодирий). Бу гапда мантиқ урғусини олган бўлақ воситали тўлдирувчидир. *У менга сўзида* ифода топган. *Менга сўзининг биринчи бўғин* унлиси 209 гц., иккинчи бўғин унлиси 197 гц. товуш баландлигига эга. Бу гапдаги бошқа бўлақлар бўғинлари товуш баландлиги учун энг юқори нуқта ҳисобланади. Бу бўлақдан олдин пайт ҳоли жойлашган. *У бугун сўзида* ифода топган. Бу сўзининг ҳар икки бўғини унлиси ҳам 180 гц. товуш баландлиги билан талаффуз этилган. Яъни товуш баландлиги мантиқ урғуси томон кўтарилувчи оҳангда берилган. Ундан кейинги тарз ҳоли ва-зифасидаги *бир сўзининг* унлиси 182 гц. товуш баландлигида қайд этилган, оҳанг баландлиги тушган. Гап охирида кесим жойлашган бўлиб, у таркибли *қарашиб юборсанг* феълида ифода топган. Унинг етакчи бўлган *қарашиб* компонентининг биринчи бўғин унлиси 190 гц., иккинчи бўғин унлиси 192 гц., учинчи бўғин унлиси 100 гц., кўмакчи *юборсанг* компонентининг биринчи бўғин унлиси 180 гц., иккинчи бўғин унлиси 127 гц. ва охириги бўғин унлиси 154 гц. товуш баландлигини олган. Товуш баландлиги мантиқ урғуси ол-

ган бўлақдан кейинги бўлақда тушган. Кесимда у лексик урғу талабига кўра бир кўтарилиб, яна тушувчи оҳангни олган. Сўнги бўгин истак мазмунини илгари суриш мантиқига кўра товуш баландлиги сал орттирилган. Феълнинг етакчи компонентидаги сўнги бўгин унлисининг товуш баландлиги ниҳоятда паст тушиб кетганлиги редукция билан алоқадордир.

Берилган гап таркибидаги бўлақлар бўгини унлисига сарфланган товуш кучи деярли бир хил. Фақат кесими вазифасидаги етакчи феълнинг учинчи бўгин унлисига берилган товуш кучи ниҳоятда паст. Чунки истак гаплар талаффузи тез темпга эгаллигига сабаб айрим тор унлилар редукциясидир. Мана шу редукцияга ўша *қарашиб* равишдошининг учинчи бўгин унлиси учраган. Шунинг учун, унда товуш баландлиги ҳам, товуш кучи ҳам ниҳоятда паст. Бунинг гап интонациясида ҳал қилувчи аҳамияти йўқ. Гап оҳанги уни ҳисобга олмаган ҳолда давом этаверади. Юқоридаги товуш баландлиги ва кучининг оқимига эътибор берилса, худди шундай давом этганлиги кўзга ташланади.

Мазкур мисолнинг талаффуз тезлиги ҳам буйруқ гап темпига ўхшаш тез. Бутун гапга сарф қилинган вақт 1890 мсек.дан иборатлиги ҳолда, ҳар бир товушга ўрта ҳисобда 64 мсек. вақт берилган. Унинг пайт билдирувчи *бугун* сўзи тез талаффуз этилиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 54 мсек. вақт берилган. Кейинги *менга* ва *бир* сўзларида талаффуз тезлиги бир мунча секинлашиб, ҳар бир товуш ўрта ҳисобда 70 мсек.дан вақт олган. У яна тезлашиб, *қарашиб* сўзининг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 50 мсек.дан вақт кетган. Сўнги *юборсанг* кўмакчи феълда кескин секинлашиб, унинг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 73 мсек.дан вақтда қайд этилган. Охириги бўгин тезлиги жуда пастлашган. Чунки ўзбек тилидаги гаплар талаффузи охириги бўгинда чўзиқроқ берилиб, кейин сўнади.

Товуш тембри буйруқ гапларда қанчали аҳамиятсиз бўлса, истак гапларда ҳам шундай. Фақат сўнги бўгин сал ёрқинроқ талаффуз этилади.

Истак гаплар феъл кесимли бўлиб, улар доимо шарт майлининг *-са* қўшимчаси билан қўлланади ва шахс-сон билан тусланиб келади. Гап интонациясида биринчи навбатда оҳанг аҳамият касб этади. Гап оҳангининг энг юқори нуқтаси мантиқ урғу олган бўлакнинг лексик урғули бўғинида бўлади. Ундан аввалги бўлак бўғинидаги товуш баландлиги нисбатан паст эканлиги ҳолда, кўтарилувчи ва кейинги бўлак бўғинида товуш баландлиги охирига томон пасаюв-

чи ҳолда келади. Товуш кучи бутун гап бўлаклари бўғинида бир хил 5 мм. амплитуда билан бериб борилади. Товуш темпи паст бўлиб, у гап охири томон ортади. Гапдаги ҳар бир товуш ўрта ҳисобда 60 мсек. атрофида вақт олади. Товуш тембри деярли аҳамият касб этмайди.

Эмоционалликка кўра гап типлари интонацияси

Гаплар эмоционалликка кўра икки типга бўлинади: 1) ноэмоционал гаплар, 2) эмоционал гаплар. Ноэмоционал гапларнинг коммуникатив типлари интонацияси юқорида муфассал тавсифлаб ўтилди. Эмоционал гаплар ҳам ноэмоционал гаплар каби коммуникатив типларга эга. Дарак ва буйруқ гапларнинг эмоционал хусусиятлари тилшуносликда “ундов гаплар” термини остида тавсиф этилади¹. Сўроқ гапларнинг эмоционал хусусиятлари “риторик сўроқ гап” термини билан берилади². Истак гапларда деярли эмоционал хусусият кузатилмайди.

Ундов гаплар дарак ва буйруқ гаплардан ўзининг интонцияси билан фарқ қилади. Улар интонацияси оҳангнинг ривожланиши, товуш кучининг берилиш тартиби ва товуш темпининг ўрни билан ўзгара бориши, гарчи дарак гап ва буйруқ гаплардан деярли фарқланмаса ҳам, оҳангнинг максимум юқори берилиши, товуш кучининг ортиқлиги ва гап талаффуз темпи нисбатан кўп вақт талаб қилиши билан ўзига хосдир. Уларда товуш тембри ҳамма вақт ўз қимматини сақлайди.

Дарак билдирувчи ундов гапларда ҳам гап оҳанги дарак гапникига ўхшаш бўлади. Унда ҳам гап оҳангининг энг юқори нуқтаси мантиқ урғуси тушган бўлақда қайд этилади. Масалан, *Бўладиган гап – шу!* ундов гапига эътибор бериш мумкин. Бу гап от кесимли бўлиб, кесими кўрсатиш олмоши билан ифодаланган. У гап охирида берилган. Унинг унаиси 203 гц. товуш баландлигига эга. Бу мантиқ урғули бўлиб, гап оҳангининг энг юқори нуқтасидир. Гап эгаси вазифасидаги *гап* сўзининг унаиси 180 гц. товуш баландлигида бўлиб, унинг аниқловчиси ҳисобланган *бўладиган* сўзининг биринчи бўғин унаиси 163 гц. эканлиги ҳолда, бошқа бўғинларининг ҳаммасидаги унаилар 200 гц. баландликка эга. Яъни аниқловчининг товуш баландлиги ҳам

¹ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. 55-6.

² Қрғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 46-б.

ниҳояти юқори. Чунки ундов гапларда белги билдирувчи сўзларга эмоционаллик юқори миқдорда юкланади. Агар шу гап соф дарак гап сифатида талаффуз этилса, аввало *шу* олмошида ифодаланган кесим унлиси 130 гц. талаффуз этилган бўлар ва бундан ошмас эди.

Мазкур гап бўлаклари унлиларига берилган товуш кучи деярли 5 мм. амплитуда билан қайд этилган. Бу ундов гаплар талаффузи бир хил юқори куч билан берилишини кўрсатади. Берилган гап ундов гап интонацияси билан талаффуз этилар экан, унинг темпи ҳам шунга яраша кузатилади. Умуман гапга сарфланган вақт 1395 мсек. бўлди. Ҳар бир товушга ўрта ҳисобда 100 мсек. вақт сарфланди. Яъни товушлар жуда чўзиқ талаффуз этилган. Бу гапни дарак гап интонациясида талаффуз этилганда ҳар бир товушга ўрта ҳисобда 81 мсек. вақт кетган бўлади. Умуман, гап 1135 мсек. вақт олган. Бу шу гап интонацияси дарак гап интонациясида бўлиб, ундов гап интонациясида сарфланган вақтнинг бешдан бирига тўғри келишини кўрсатади. Ундов гапларда, айниқса унлиларга кўп вақт сарфланади. Шу гап аниқловчининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек. учинчи бўғин унлиси 30 мсек., тўртинчи бўғин унлиси 180 мсек., эга вазифасидаги *гап* сўзининг унлиси 116 мсек., кесим вазифасидаги *шу* кўрсатиш олмошининг унлиси 240 мсек. вақт олган. Гапдаги сўзларнинг лексик урғули бўғини унлиси жуда чўзиқ талаффуз этилган. Кесим мантиқ урғусини ҳам ўзида ташигани сабабли жуда чўзиқ, ҳатто, кетидан *в* жаранглисини ортириш даражасида дифтонглаштирилиб қайд этилган.

Бўладиган гап – *шу*. гапи эмфатик урғу олганлиги эмоционаллигини юзага келтирган ва гап оҳанги охири чўзиқ талаффуз этилишини таъминлаган. Эмфатик урғу доимо ундов гапларга берилади. Бу шу гапларнинг сўзларидаги товушлар тембри юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Коммуникатив жиҳатдан буйруқ гапга тегишли ундов гап интонациясида ҳам эмониналлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бундай гапларнинг оҳанги юқори эканлиги кўзга ташланади. Масалан, *Ватан учун, олга!* (шиор) гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапнинг мақсад ҳоли вазифасидаги *ватан учун* бўлагининг *ватан* сўзи биринчи бўғини унлиси 170 гц., иккинчи бўғини унлиси 223 гц., *учун* кўмакчисининг биринчи бўғин унлиси 182 гц., иккинчи бўғин унлиси 210 гц. мантиқ урғусини олган кесим вазифасидаги *олга* сўзининг биринчи бўғин унлиси 194 гц., иккинчи бўғин унлиси 229 гц. товуш баланглигида талаффуз этилган. Бу гапда оҳангнинг

энг юқори нуқтаси кесимнинг иккинчи бўғини ҳисобланади ва шунингдек мантиқ урғуси берилган бўлаги, деб кесим қаралади. Умуман гапнинг барча бўлақлари бўғинлари унлиси 200 гц. атрофидаги товуш баландлигига эга. Буйруқ гап бўлақлари унлилари ҳеч маҳал бунчалик баланд гц. га эга бўлмайди.

Бу тип ундов гапларда оҳанг юқори бўлгани билан товуш кучи бошқа тип ундов гаплардагига нисбатан пастроқ берилади. Берилган гапдаги дастлабки *ватан* сўзининг биринчи бўғин унлисига 5 мм., иккинчи бўғин унлисига 4,5 мм., *учун* сўзининг ҳар икки бўғин унлисига 4 мм., *олга* сўзининг ҳар икки бўғин унлисига 4,5 мм. амплитуда товуш кучи берилган. Яъни гап юқори товуш кучи билан бошланиб, секин-аста у туша борган ва мантиқ урғусини олган сўнги бўғинга келиб сал кўтарилган. Бу гапда товуш баландлиги ва товуш кучи ўртасида мутаносиблик бўлмаган.

Ундов гапларнинг темпи билан буйруқ гапларнинг темпи тамоман қарама-қарши хусусиятга эга. Буйруқ гаплар темпи ниҳоятда тез бўлиб, ундаги ҳар бир товушга 50–65 мсек. вақт сарфланишини буйруқ гап интонациясига бағишланган қисмда айтилган эди. Ундов гап учун берилган *Ватан учун, олга!* гапи ҳаммаси бўлиб 1400 мсек. вақтда талаффуз этилади. Бу ҳар бир товуш талаффузига 108 мсек.дан тегади. Яъни буйруқ гапдагидан ундов гапда товушлар сал кам икки баробар чўзиқ талаффуз этилади. Ундов гапларда асосан гапдаги сўз бўғинлари унлисига кўп вақт берилади. Гапдаги *ватан* сўзининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек., иккинчи бўғин унлиси 120 мсек., *учун* кўмакчисининг ҳар икки бўғин унлиси 70 мсек. ва *олга* сўзининг биринчи бўғин унлиси 150 мсек., иккинчи бўғин унлиси 140 мсек.дан вақт олган. Эмоционаллик гапдаги сўз бўғинларининг мана шундай баланд товуш ва чўзиқ талаффузи учун сабаб бўлади. Гап эмфатик урғу олса, мана шундай эмоция билан қайд этилади.

Берилган гапнинг эмоционал ифодали бўлиши ундаги товушлар тембри юқори даражада эканлигини кўрсатади.

Эмфатик урғу олган сўроқ гаплар синтаксисда “риторик сўроқ гаплар” термини билан талқин қилинади, деб айтилган эди. Улар ўз эмоционалликка, эмфатик урғуга эгалликка кўра ундов гапларнинг бир кўриниши сифатида ҳам қаралади¹. Бу гаплар интонациясида ҳам гап оҳанги ниҳоят юқори ва темпи жуда суст эканлиги билан характерланади.

¹ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ. Ўша дарслик. 55-б.

Сўроқ мазмунидаги ундов гапларнинг интонацияси барча гаплардагига ўхшаб, унинг оҳангида ўз моҳиятини топади. Оҳангнинг энг юқори нуқтаси гапнинг мантиқ урғу олган бўлагига бўлади. Бундай гапларнинг мантиқ урғуси сўроқ олмошида ифодаланган гап бўлагига юкланади. Масалан: *Сен қоя узра нени изларсан?! Бу гапнинг эгаси вазифасидаги сўз сен кишилик олмоши бўлиб, кесими вазифасидаги сўз изларсан феълдир. Нени сўроқ олмоши воситасиз тўлдирувчи вазифасида қўлланган ва сўроқ олмоши эканлиги ҳам феъл кесим олдида қўлланганлиги сабабли мантиқ урғусини олган. Унинг биринчи бўгин унлиси 200 гц. ва иккинчи бўгин унлиси 193 гц. товуш баланглигида талаффуз этилган. Бу гап оҳангининг энг юқори нуқтасидир. Гап эгаси вазифасидаги сен кишилик олмошининг унлиси 112 гц., ўрин ҳоли вазифасидаги қоя узра бўлагининг қоя сўзи биринчи бўгин унлиси 182 гц., иккинчи бўгин унлиси 175 гц., узра кўмакчисидаги биринчи бўгин унлиси 176 гц., иккинчи бўгин унлиси 172 гц. товуш баланглигига эга. Гап оҳанги эгада паст бошланиб, кесим составида кескин кўтаришган. У мантиқ урғусини олган бўлакка томон маълум даража туша борган. Оҳанг феъл кесимга ўтиб маълум даража тушишда давом этади. Унинг биринчи бўгин унлиси 185 гц., иккинчи бўгин унлиси 184 гц. ва охириги бўгин унлиси 176 гц. балангликда талаффуз этилган. Эга оҳангининг паст бўлиши нутқ қаратилган шахсни кўрсатиш ва унда эмоционаллик йўқлиги билан боғлиқдир. Гапнинг бошқа бўлақларида эмоционаллик бор. Шунинг учун, улар оҳанги юқори.*

Берилган гапнинг барча бўгинлари унлисидаги товуш кучи бир хил – 5 мм. амплитуда даражаси билан талаффуз этилган.

Мазкур гап, ундов гап хусусиятига кўра, ниҳоятда чўзиқ талаффуз этилган, ҳаммаси бўлиб 2360 мсек. вақт олган. Ҳар бир товушга ўрта ҳисобда 103 мсек.дан вақт сарфланган. Албатта, ҳар бир товушга бир хил шундай вақт берилган эмас. Эганинг ўзига 510 мсек. вақт берилиб, шундан 190 мсек. вақт унли товушга кетказилган. Эгадан кейин яна 220 мсек. вақтни пауза банд қилган. Булар тингловчини нутққа қаратиш учун сарфланган. Ўрин ҳолининг қоя сўзидаги биринчи бўгин унлисига 160 мсек., иккинчи бўгин унлисига 40 мсек., узра кўмакчисидаги биринчи бўгин унлисига 60 мсек, иккинчи бўгин унлисига 70 мсек., мантиқ урғусини олган воситасиз тўлдирувчи нени сўроқ олмошининг биринчи бўгин унлисига 110 мсек., иккинчи бўгин унлисига 100 мсек., кесим вазифасидаги изларсан феълнинг биринчи бўгин унлисига 120 мсек., иккинчи ва

учинчи бўгинлар унлисига 90 мсек. вақт берилган. Уларга кўп вақт берилиши гапдаги эмфатик урғу билан боғлиқ.

Эмфатик урғули гап бўлақлари товушлари товуш тембри юқори даражада эканлиги билан характерланади.

Баҳор! Тоғлар! Замон! типли номинатив гаплар ҳам деярли ундов гап ҳисобланади ва ундов гап интонациясида талаффуз этилади. Чунки улар ҳамма вақт эмоционалликка эга бўлади. Уларнинг оҳанги баланд ва кўтарилувчи характерда келиб, темпи ҳам паст берилади ва кейинги бўгинга томон чўзиқлиги ортади. Уларнинг биринчи бўгини унлиси асосан 180–200 гц. атрофида, иккинчи бўгин унлиси 200–230 гц. атрофида товуш баландлигига эга бўлади. Товуш чўзиқлиги биринчи бўгин унлисида 90–130 мсек., иккинчи бўгин унлисида 150–200 мсек.гача боради. Масалан, *баҳор* номинатив гапининг биринчи бўгин унлиси 184 гц., иккинчи бўгин унлиси 220 гц. баланд товуш билан талаффуз этилган. Ундаги товуш чўзиқлиги биринчи бўгин унлисида 155 мсек., иккинчи бўгин унлисида 210 мсек.га етган. Товуш кучи ҳар икки бўгинда ҳам 5,5 мм. амплитуда бўлган. Сўзлардаги товуш баландлиги ва чўзиқлиги ортиқлиги товуш тембри зўр эканлигини кўрсатади.

Номинатив гаплар нутқда деярли қандайдир эмоционалликка эга гаплар олдидан қўлланади ва улар билан мантиқан боғли бўлади¹. Бундай гаплар ҳамма вақт ўзидан кейинги гапдан 350 мсек. чўзиқликдаги пауза билан ажратилганлиги кузатилади. Шунга мувофиқ ҳолда, бу гаплар чўзиқлиги ҳам ортиқ, темпи ниҳоят суст қайд этилади. Масалан, *Баҳор!* номинатив гапи учун 625 мсек. вақт сарфланган. Ундаги ҳар бир товуш ўрта ҳисобда 121 мсек. вақт олган. Бу жуда катта кўрсаткичдир.

Ўзбек тилшунослигида эмоционалликка асосланган гапларни ундов гап термини остида талқин қилинади. Улар ноэмоционал гаплардан унлилардаги оҳангнинг 200 гц.дан деярли кам бўлмаслиги гапдаги ҳар бир товуш камида 100 мсек. чўзиқликда талаффуз этилиши билан фарқ қилади. Уларда ҳам оҳангнинг энг юқори нуқтаси мантиқ урғу тушган бўлақда бўлади. Унгача оҳанг деярли кўтарилувчи характерда эканлиги кузатилади. Номинатив ундов гапларда кейинги бўгин оҳанги кўтарилувчи, тезлиги пасаювчи хусусиятлидир. Ундов гап дарак, сўроқ ва буйруқ мазмунида бор бўлиб, истак мазмунида учрамайди.

¹ Қриг.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 142-б.

Гапга илова қилинувчи синтактик бирликлар интонацияси

Нутқ бирликларида шундай синтактик бирликлар борки, уларнинг айримлари гап таркибига кирса ҳам, ўзига хос интонацияси билан гап интонациясига илова қилинади. Гап таркибида бўлиб, унинг интонациясига ўз интонациясини илова қилувчи синтактик бирликлар асосан уюшиқ ва ажратилган бўлақлар ҳисобланади. Ўзича мустақил синтактик бирлик бўлгани ҳолда, ўз интонациясини бирор гап интонациясига илова қиладиган ва у билан интонацион бутунликка эга бўладиганлари ҳам бор. Улар ундалма, ундаш, кириш, киритма ва номинатив гап кабилардир. Бу синтактик бирликлар интонациясига алоҳида-алоҳида тўхташга тўғри келади.

Уюшиқ бўлақлар интонацияси

Баъзи гапларда бир хил бўлақлар бирдан ортиқ бўлиб, уюшиб келади. Бу типда бир хиллик туғдирадиган бундай бўлақлар уюшиқ бўлақлар саналади¹. Улар маълум бир гап бўлаги вазифасини ва маълум бир синтактик вазифани бажаради. Кўпчилик адабиётларда қайд этилишича, ўзаро пауза билан ажратилади ва санаш интонациясига эга бўлади². Улар ўзаро пауза билан ажралиши муқаррар, лекин санаш интонациясига эга эканлиги ҳақидаги фикр баҳслидир. Санаш интонацияси ҳақида гап кетганда, албатта, паузанинг берилиш хусусияти назарда тутилади. Санаш интонациясида пауза такрори айнан бир хил бўлади. Уюшиқ бўлақларда уларнинг ўзаро ажралиш паузаси айнан бир хил эмас. Шунингдек, уюшиқ бўлақлар интонациясининг бошқа компонентларида ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

¹ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўқитувчи, 1961. 17-б.

² Қрғ.: Убаева Ф. С. Однородные главные члены предложения в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Бухара, 1958. –С. 72; Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. 118-б.; Ашурова Д. У. Однородные второстепенные члены предложения в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1961. –С. 4; Ҳозирги ўзбек адабий тили, II. Синтаксис // Ғ. А. Абдураҳмонов, таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1966. 168-б.; Аҳмедов А.А. Гапнинг уюшиқ бўлақлари // Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис / Ғ. А. Абдураҳмонов, Ш. Ш. Шоабдураҳмонов, А. П. Ҳожиев таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1976. 165-б.; Абдураҳмонов А., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 87-б.

Уюшиқ бўлақларнинг интонацияси А. Ғ. Ғуломов кўтарилувчи бўлади, деган фикрни айтади¹. Бу ўринда у интонациянинг оҳанг компонентини назарда тутган бўлиши керак. Чунки интонациянинг фақат оҳанг компоненти кўтарилиш ва тушиш хусусиятига эга. Лекин бу ўринда бир нарса аниқ бўлмай қолган. А.Ғ.Ғуломов бу ўринда умумий гап оҳангига нисбатан уюшиқ бўлақлар оҳангини назарда тутганми, ё уюшган ҳар бўлақдаги оҳангнинг сўз охирига томон йўналишини назарда тутганми, ё уюшиқ бўлақлар оҳангининг охирги бўлақ оҳанги томон йўналишини назарда тутганми – билиб бўлмади. Қуйидаги гап шу уч нуқтаи назардан оҳанги таҳлил қилиб кўрилади. *Сеники бўлсин шеърим, умрим, юрагим, жоним* (Э. Воҳид). Гапнинг кесими вазифасидаги *сеники бўлсин* бўлагининг *сеники* сўзи биринчи бўғини унлиси 175 гц., иккинчи бўғини унлиси 200 гц., учинчи бўғини унлиси 221 гц.; *бўлсин* сўзи биринчи ва иккинчи бўғини унлиси 200 гц. дан товуш баландлигига эга. Уюшиқ бўлақлар эга вазифасида қўлланган бўлиб, биринчи *шеърим* сўзининг биринчи бўғин унлиси 180 гц., иккинчи бўғин унлиси 178 гц.; иккинчи *умрим* сўзининг биринчи бўғин унлиси 180 гц., иккинчи бўғин унлиси 171 гц.; учинчи *юрагим* сўзининг биринчи бўғин унлиси 168 гц., иккинчи бўғин унлиси 171 гц., учинчи бўғин унлиси 166 гц.; тўртинчи *жоним* сўзининг биринчи ва иккинчи бўғинининг ҳам унлиси 175 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Гапнинг кесими 175 гц.дан бошлаб 275 гц. товуш баландлигига кўтарилиб, кейин 200 гц товуш баландлигида давом этган. Кесимдан кейин берилган барча уюшиқ бўлақларнинг бирортаси бўғинидаги унли бунчалик товуш баландлигини олмаган. Аксинча, юқориси 180 гц. баландликда бўлиб, охирги сўз бўғин унлиси 166 гц. товуш баландлигига тушган. Шунга кўра айтиш мумкинки, умумий гап оҳангида уюшиқ бўлақлар тушувчи оҳангга эга. Яна шуни ҳам айтиш керакки, гап оҳангининг кўтарилиши уюшган бўлақка қараб эмас, мантиқ урғуси бўлган бўлақка қараб кўтарилувчи бўлади. Берилган гапда мантиқ урғуси кесимга тушган. Шунинг учун, у гап бошига чиқарилган.

Уюшиқ бўлақларда ҳар бир сўз оҳагини назарда тутилган бўлса, буни ҳам фактлар тасдиқламайди. Юқоридаги гап таркибида келган уюшиқ бўлакнинг биринчи сўзи бўғинларининг унлиси 180–171 гц., иккинчи сўзи бўғинлари унлиси 180–171 гц., учинчи сўзи бўғинлари унлиси 168–171–166 гц., туртинчи сўзи бўғинлари унлиси 168–168 гц. ҳолида аввалги бўғин унлисига нисбатан кейин-

¹ Крнг.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. 118-б.

ги бўгин унлиси асосан пасаювчи товуш баландлигини кўрсатади. Одатда сўзларнинг қайси бўғинидаги унлининг товуш баландлигига эга бўлиши шу унлининг товуш сифати билан боғлиқдир. Ўзбек тилидаги сўзнинг охириги бўғини ва қўшимчалари унлиси деярли тор унли эканлиги билан характерланади. Тор унлиларда товуш баладдиги паст берилиши одатий ҳолдир. Охириги бўғин унлиси аввалги бўғин унлисидан деярли пастроқ товуш билан берилади.

Умуман уюшиқ бўлақлардаги бўғин унлилари сўзма-сўз пастлашган товуш баландлиги билан талаффуз этила боради. Чунки уюшиқ бўлақлар гап таркибида қайд этила борганда ҳамма вақт биринчисига иккинчиси, иккинчисига учинчиси, шу тартиб билан илова этиш орқали боради. Нутқдаги бир бўлақ кетидан унга илова қилинган бўлақ нисбатан паст товуш воситасида келтирилади. Бу ўзбек тили нутқининг интонациясига хос хусусиятдир. Уюшиқ бўлақлар кўтарилиувчи интонацияга эга дейилганда, бу нуқтаи назар эътиборда тутилган бўлса ҳам, эшитиш методи муаллифни адаштирганлиги аниқ. Уюшиқ бўлақлар оҳанги ҳақида гап кетар экан, ҳар қандай нуқтаи назарда ҳам, уни кўтарилиувчи дейиш хато. У пасаювчидир.

Уюшиқ бўлақларни таҳлил этиб берилган бу оҳанги улар ҳақида айтилган санаш интонациясини бир мунча тасдиқлайди. Санаш интонациясига мансуб оҳанг ҳар бир бисиллабик соннинг биринчи бўғини унлиси 160–180 гц. атрофида қайд этилиб, иккинчи бўғин унлиси 140–160 гц. атрофидаги товуш баландлигида берилиши билан характерланади. Бу уюшиб келган бисиллабик сонлар нечта бўлишидан қатъи назар, бир хил такрорланиб боради. Бу қонуиятдир. Юқорида берилган мисолнинг уюшган бўлақлари оҳанги ҳам худди шунга ўхшайди. Ўша уюшиқ бўлақлардаги ҳар бир сўз бўғинининг олдингиси унлиси юқорироқ товуш баландлигига, кейингиси унлиси нисбатан пастроқ товуш баландлигига эга. Бу ҳар бир уюшиқ бўлақка хос. Уюшиқ бўлақлардаги бу оҳанг санаш интонациясига хос деб айтса бўлади. Аммо санаш оҳангида биринчи сўз бўғинлари унлиси қандай товуш баландлигида бўлса, кейинги сўзлар бўғинида, айтилганидай, ўша ҳолда такрорланади. Уюшиқ бўлақларда бу меъёр пасая боради. Шунинг учун ҳам, уюшиқ бўлақларни санаш оҳангида бўлади, деб бўлмайди. У доимо тушувчи оҳангга кузатилади.

Уюшиқ бўлақларнинг ҳар бир бўғини унлисига берилган товуш кучи бир хил бўлади. Бу жиҳати билан у санаш интонациясига ўхшайди. Берилган мисолдаги уюшиқ бўлақлар бўғини унлилари бир хил 5 мм. амплитуда товуш кучи билан талаффуз этилган. Яъни

улар нисбатан юқори бир хил товуш кучи билан бошланган. Бу мазкур уюшиқ бўлақлар интонациясида таъкид ҳам мавжудлигини билдиради. Таъкиднинг ҳар бир бўлақда бир хил такрори ҳам санаш интонациясини эслатади.

Уюшиқ бўлақларнинг талаффуз темпи ҳар бир бўлақ бўйича бир хил эмас. У уюшиқ бўлақларнинг охиргисига томон тезлашиб боради. Бу, ҳатто, улар орасида кузатиладиган паузада ҳам ўз аксини топади. Бунинг учун яна юқорида келтирилган уюшиқ бўлақли гапнинг темпи нуқтаи назаридан таҳлил этишга тўғри келади. Уюшиқ бўлақларнинг биринчи *шеърим* сўзи учун 580 мсек. вақт сарфланиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 116 мсек. вақт; иккинчи *умрим* сўзи учун 490 мсек. вақт сарфланиб, ҳар бир товуши учун ўрта ҳисобда 98 мсек. вақт; учинчи *юрагим* сўзи учун 500 мсек. вақт сарфланиб, ҳар бир товуши учун ўрта ҳисобда 71 мсек. вақт; *жоним* сўзи учун 450 мсек. вақт сарфланиб, ҳар бир товуши учун ўрта ҳисобда 90 мсек. вақт кетган. Қайд этилган вақт ўлчовлари шуни кўрсатадики, биринчи сўздан иккинчи сўзнинг ҳар бир товушига 18 мсек., иккинчи сўздагидан учинчи сўзнинг ҳар бир товушига 27 мсек. вақт кам берилган. Яъни уюшиқ бўлақлар талаффузи охирига томон тезлаша борган. Лекин бу мисолда сўнги бўлақ темпи бир оз секинлашганлиги кузатилади. Уюшиқ бўлақнинг энг охиргисигадаги ҳар бир товушга кетган вақт аввалги бўлақникига қараганда 19 мсек. ортиқроқдир. Лекин бу уюшиқ бўлақлар интонацияси билан эмас, умуман гапнинг интонацион тугалланмаси темпи билан боғлиқ ҳолат ҳисобланади. Ўзбек тилида дарак ва ундов гапларнинг ҳамма вақт оҳанги ва темпи пасайиб боради.

Уюшиқ бўлақларнинг сўнги товушига бериладиган вақт ҳам кейинги бўлақлар томон қисқариши кузатилади. Юқоридаги мисолнинг уюшиқ бўлақлар ауслаути бир хил мсек. товушдан иборат бўлса ҳам, биринчи сўзда 210 мсек., иккинчи сўзда 200 мсек., учинчи сўзда 100 мсек. вақт олган. Охирги сўзда у 110 мсек. вақт олиб, сал секинлашган. Бу ҳам гап тугалланмаси билан боғлиқдир.

Уюшиқ бўлақларнинг ҳар бирида ўзақдаги лексик урғу олган бўғин унаиси кейинги бўғин унлиларига нисбатан ҳамма вақт чўзиқ бўлади. Бу уюшиқ бўлақлар интонацион хусусиятидан келиб чиққан эмас, балки у сўздаги квантитатив урғулар хусусиятига боғлиқ ҳолда шакланган ва шу уюшиқ бўлақлар хусусияти бўлиб қолган, уни санаш интонациясига яқинлаштирган.

Уюшиқ бўлақлар аро паузалар ҳам охирги бўлақ томон темпнинг орта борганини кўрсатади. Юқоридаги мисолнинг уюшиқ

бўлақларидан биринчиси кетида 480 мсек., иккинчиси кетида 470 мсек., учинчиси кетида 100 мсек. пауза берилган. Бу ҳам санаш интонациясини инкор қилади. Чунки санаш интонациясида бўлақлар аро пауза ҳамма вақт тенг бўлади.

Уюшиқ бўлақларга мантиқ урғуси берилган гапни келтириб таҳлил этиб кўрамыз. Бунда ҳам ўлчов нисбатлари юқорида келтирилган мисолга ўхшаб кетади. Масалан, *Қачон, қанча, қандай одам келади?* (А. Қаҳҳор) гапини таҳлил этиб кўрайлик. Бу гапнинг эгаси *одамлар* сўзи бўлиб, у *келади* феъл кесимидан олдин жойлашган. У шунга кўра мантиқ урғусини олиши керак эди. Аммо сўроқ гапларда сўроқ олмоши кўлаанса, мантиқ урғуси унга берилади¹. Бу гапда ҳол вазифасидаги сўроқ олмошлари учта бўлиб, ҳаммасида мантиқ урғуси бор.

Гапнинг ҳоли вазифасида сўроқ олмошлари мантиқ урғули бўлгани учун, улар оҳанги гап таркибида ниҳоятда юқоридир. Эътибор беринг: *қачон* олмошининг биринчи бўғин унлиси 176 гц., иккинчи бўғин унлиси 192 гц.; *қанча* олмошининг биринчи бўғин унлиси 172 гц., иккинчи бўғин унлиси 190 гц.; *қандай* олмошининг биринчи бўғин унлиси 182 гц., иккинчи бўғин унлиси 187 гц. товуш баландлигига эга. Бу олмошларнинг лексик урғуси иккинчи бўғиндадир. Шунинг учун, уларнинг товуш баландлиги биринчи бўғин товуш баландлигидан ортиқ. Шу уч олмошни лексик урғули бўғинлари товуш баландлиги бўйича ўзаро қиёсланса, олмошларда қайд этилган оҳанг тушувчи характерда эканлиги кўзга ташланади. Улардаги товуш баландлиги биринчисидан иккинчиси, иккинчисидан учинчиси жуда кам паст бўлса ҳам, ҳар ҳолда тушувчи оҳангдадир. Шундай бўлса ҳам, уюшиқ бўлақ ўзидан кейинги позициядаги эга ва кесимга кўра юқори товуш баландлигида қайд этилган. У охирига томон пасайиб бориб, бу пасайиш эга ва кесим талаффузида яна давом этган. Яъни уюшиқ бўлаги аввал ўрнашган бундай гап фақат тушувчи оҳангда бўлади. Ҳақиқатан ҳам, гап эгаси вазифасидаги *одамлар* сўзининг биринчи бўғин унлиси 187 гц., иккинчи бўғин унлиси ҳам 187 гц. ва учинчи бўғин унлиси 160 гц., кесим вазифасидаги *келади* феълнинг биринчи бўғин унлиси 140 гц., иккинчи бўғин унлиси 137 гц., учинчи бўғин унлиси 108 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Кесимнинг сўнги бўғинига келиб гап оҳанги жуда пасайиб кетган.

¹ Қрғн.: Юлдашева Х. Интонация вопросительных фраз современного узбекского литературного языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1988. –С. 13.

Бу гапдаги уюшиқ бўлақларга мансуб фақат биринчи сўроқ олошининг биринчи бўғин унлиси 5,5 мм. амплитуда товуш кучи билан бошланиб, қолган бошқа олошларнинг барча бўғини унлиси 5 мм. амплитуда товуш кучи билан қайд этилган. Гапдаги товуш кучининг берилиши уюшиқ бўлақлар бўғини унлиларида деярли силлиқ бўлган.

Берилган гапдаги уюшиқ бўлақлар темпи ниҳояти секин бўлиб, риторик сўроқ гапларга хос темп билан талаффуз этилган. Шунга қарамай, охирига томон ундаги тезлик орта борган. Ундаги биринчи қачон бўлагига 540 мсек. вақт сарфланган бўлиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 108 мсек.; иккинчи қанча бўлагига 490 мсек. вақт сарфланган бўлиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 98 мсек.; учинчи қандай бўлагига 340 мсек. вақт сарфланган бўлиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 61 мсек. вақт берилган. Охириги гап тезлиги буйруқ гап даражасига етган. Шунга қарамай, бу сўроқ олошларининг лексик урғу олган бўғини кейинги бўғинда эканлиги сабабли, унинг унлиси аввалги унлисидан чўзиқроқдир. Яъни қачон олошининг биринчи бўғин унлиси 100 мсек. чўзиқ бўлгани ҳолда, иккинчи бўғин унлиси 180 мсек.; қанча олошининг биринчи бўғин унлиси 90 мсек. чўзиқ бўлгани ҳолда, иккинчи бўғин унлиси 159 мсек.; қандай олошининг биринчи бўғин унлиси 70 мсек. чўзиқ бўлгани ҳолда, иккинчи бўғин унлиси 80 мсек. чўзиқ талаффуз этилган. Лексик урғули бўғинлар темпи товуш баланглиги хусусиятига нисбатан ўз мутаносиблигини сақлаган. Ҳар қандай ҳолда ҳам уюшиқ бўлақлар темпи охирига томон ортиш хусусиятини сақлайди. Бу тезлашув гапнинг кейинги позициясидаги бўлақларида ҳам давом этади. Уюшиқ бўлақ кетидаги эга вазифасида қўлланган одамлар сўзига 250 мсек. вақт сарфланган бўлиб, ҳар бир товушга ўрта ҳисобда 50 мсек. вақт берилган. Лекин гап охиридаги феъл кесимда бошқа ҳолат кузатилади. Ўзбек тилидаги гаплар охирида темп секинлашади. Шунда ҳам ундаги товушлар ўрта ҳисобда 50 мсек. чўзиқ талаффуз этилиб келгани ҳолда, сўнгги унли 120 мсек. вақт олган. У сўнгги унлига келиб ниҳоятда секин талаффуз этилган.

Уюшиқ бўлақлар темпи охирига томон ортиши улар кетидан бериладиган паузада ҳам кузатилган. У уюшиқ бўлақларнинг биринчисидан кейин 340 мсек., иккинчисидан кейин 300 мсек. вақт олган, учинчисидан кейин берилмаган.

Уюшиқ бўлақларнинг умумлаштирувчи бўлақлари ҳам бўлади. Улар уюшиқ бўлақларнинг ё олдида, ё кетида берилади. Умумлаш-

тирувчи бўлаклар мана шу позициясига қараб, ўз интонациясини уюшиқ бўлак интонациясига илова қилади.

Умумлаштирувчи бўлак уюшиқ бўлак кетида жойлашса, уюшиқ бўлакдаги пасаювчи оҳанг унга келиб бир мунча кўтарилади. Чунки гапнинг мантиқ урғуси унда бўлади. Масалан: *Уйлар, дарахтлар, кўчалар – ҳамма-ҳаммаси яксон бўлди* (С. Аҳмад). Бу гапдаги уюшиқ бўлаклардан *уйлар* сўзининг биринчи бўғин унлиси 204 гц., иккинчи бўғин унлиси 135 гц.; *дарахтлар* сўзининг биринчи бўғин унлиси 154 гц., иккинчи бўғин унлиси 174 гц., учинчи бўғин унлиси 115 гц.; *кўчалар* сўзининг биринчи бўғин унлиси 126 гц., иккинчи бўғин унлиси 157 гц., учинчи бўғин унлиси 130 гц.; умумлаштирувчи *ҳамма-ҳаммаси жуфт* сўзининг биринчи бўғин унлиси 206 гц., иккинчи бўғин унлиси 130 гц., учинчи бўғин унлиси 106 гц., тўртинчи бўғин унлиси 150 гц., бешинчи бўғин унлиси 161 гц.; кесим вазифасидаги *яксон бўлди* қўшма феълнинг *яксон* компонентидаги биринчи бўғин унлиси 121 гц., иккинчи бўғин унлиси 143 гц.; иккинчи *бўлди* компонентининг биринчи бўғин унлиси 100 гц., иккинчи бўғин унлиси 96 гц., товуш баланглиги билан талаффуз этилган. Бу гапда уюшиқ бўлак сифатида уч сўз берилган бўлиб, ҳаммасида ҳам лексик урғу охиридан олдинги бўғинга тушган. Уюшиқ бўлакларнинг сўнггига томон оҳанг пасая борган: биринчи сўз лексик урғусидан иккинчи сўз лексик урғуси 30 гц., иккинчи сўздагидан учинчи сўз лексик урғуси 17 гц. паст товуш баланглигига эга. Улардан кейин жойлашган умумлаштирувчи бўлак вазифасидаги *ҳамма-ҳаммаси* сўзининг лексик урғуси кескин кўтарилиш қилган ва ўзидан олдин берилган охириги уюшиқ бўлак лексик урғусидан 49 гц. юқорироқ товуш баланглигига эга бўлган. Яна гапнинг охирига томон оҳанг пастлаша кетган. Булардан маълумки, уюшиқ бўлак олдин келиб, кейин умумлаштирувчи бўлак ва гапнинг бошқа бўлаклари қўлланган бўлса, умумлаштирувчи бўлак оҳангнинг энг юқори нуқтасини олгани ҳолда, унгача товуш баланглиги тушувчи ва кейин ҳам гап охирига томон тушувчи ҳолатни олади. Умумлаштирувчи бўлакнинг гапдаги товуш баланглиги чўққисини намоён этишига сабаб унинг таъкидланиши зарурияти ва айнан мантиқ урғусини олганлигидир.

Товуш темпи уюшган бўлакларда анча секин бўлиб, охирига томон анча тезлашади. У умумлаштирувчи бўлакда секинлашиб, бу гап охирига томон орта боради. Юқорида берилган мисолнинг

уюшиқ бўлақларидаги ҳар бир товуш учун ўрта ҳисобда биринчисига 110 мсек., иккинчисига 82 мсек., учинчисига 79 мсек. вақт сарфланган. Умумлаштирувчи бўлақнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 80 мсек. вақт олган. Гапнинг кейинги бўлақлари товушларининг ҳар бири ўрта ҳисобда 74 мсек. чўзиқликда талаффуз этилган. Бу мисол темпи айтилган фикрни тасдиқлайди.

Берилган мисолдаги паузалар ҳам уюшиқ бўлақлар охирига томон талаффуз тезлиги орта бориши ва умумлаштирувчи бўлақ улардан кейин қўлланганда алоҳида қайд этилишини кўрсатади. Ундаги уюшиқ бўлақнинг биринчисидан кейинги паузаси 340 мсек. вақт олгани ҳолда, иккинчисидан кейинги пауза 140 мсек.га чўзилган. Уюшиқ бўлақларнинг учинчисидан кейин умумлаштирувчи бўлақ қўлланиши учун улар орасидаги пауза анча чўзиқ, бўлиб, 220 мсек. вақт эгаллаган. Бу умумлаштирувчи бўлақ уюшиқ бўлақлар берган хабарни якунловчи эканини билдиради.

Умумлаштирувчи бўлақ уюшиқ бўлақлар олдидан ҳам қўлланади ва у кўп учрайдиган ҳодисадир. Бундай гапларнинг уюшиқ бўлақлари, феъл кесим олдидан берилгани учун, юқори товуш баландлиги билан бошланиб, охирига томон ва ундан феъл кесим охиригача пасайиб боради. Уюшиқ бўлақ олдидан берилган бўлақлар кўтарилувчи оҳангда бўлади. Масалан: *Дадаси олиб келиб қўйган нарсалар: ёғоч, болга, арра, михни олади* (Ҳ. Назир). Бу гапдаги *дадаси* сўзининг биринчи бўғин унаиси 143 гц., иккинчи бўғин унаиси 171 гц., учинчи бўғин унаиси 161 гц.; *олиб* сўзининг биринчи бўғин унаиси 177 гц., иккинчи бўғин унаиси 175 гц.; *келиб* сўзининг биринчи бўғин унаиси 177 гц., иккинчи бўғин унаиси 120 гц.; *қўйган* сўзининг биринчи бўғин унаиси 154 гц., иккинчи бўғин унаиси 175 гц. товуш баландлигига эга. Умумлаштирувчи *нарсалар* сўзининг биринчи бўғин унаиси 160 гц., иккинчи бўғин унаиси 180 гц., учинчи бўғин унаиси 171 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Умумлаштирувчи бўлақ, лексик урғусида мантиқ урғуси ҳам воқелангани учун, гап оҳангининг энг юқори нуқтаси бўлиб қолган. Оҳанг уюшиқ бўлақларда тушувчи ҳолатга кирган. Яъни уюшиқ бўлақнинг дастлабкиси ҳисобланган *ёғоч* сўзининг биринчи бўғин унаиси 160 гц., иккинчи бўғин унаиси 146 гц.; иккинчи *болга* сўзининг биринчи бўғин унаиси 153 гц., иккинчи бўғин унаиси 132 гц.; учинчи *арра* сўзининг биринчи бўғин унаиси 151 гц, иккинчи бўғин унаиси 150 гц. ва охирги *михни* сўзининг биринчи бўғин унаиси 120 гц., иккинчи бўғин унаиси 102 гц. товуш баландлигига эга. Улар лексик урғусининг товуш баланд-

лиги ўзаро қиёсланса, тушувчи оҳангда эканлиги кузатилади. Феъл кесим ўз-ўзидан тушувчи оҳанг давомини кўрсатади.

Берилган мисолдаги умумлаштирувчи ва уюшиқ бўлақларнинг бўғинлари унлисида товуш кучи асосан 4,5 мм. ва 4 мм. амплитуда билан қайд этилган. Бўлақлар, асосан бисиллабик эканлиги учун, уларнинг биринчи унлиси 4,5 мм. ва иккинчи унлиси 4 мм. амплитуда билан талаффуз қилинган. Яъни ҳар бир бўлақ тушувчи товуш кучида берилганлиги кузатилади.

Берилган мисолда уюшиқ бўлақларнинг темпи ниҳоятда паст бўлиб, охирига томон бир мунча тезлаша борган. Феъл кесимга келиб у яна ортган. Темп гап бошида тез бўлиб, умумлаштирувчи бўлақда сал секинлашган эди. Бу уюшиқ бўлақларда секинлашиши ортиб кетган. Мисол таҳлилига эътибор беринг. Мисолдаги *дадаси* сўзининг ҳар бир товушига 68 мсек. вақт берилиб, бу вақт *олиб келиб қўйган* аниқловчили бирикманинг ҳар бир сўзи товушларида 51 мсек. даражасидаги тезликка ўтган. Бу тезлик буйруқ гапнинг ҳар бир товуши учун сарфланадиган вақт даражасидан ҳам кам. Ундаги бу тезлик умумлаштирувчи *нарсалар* сўзида камайган ва товуш бошига 69 мсек. вақт сарфига келган. Уюшиқ бўлақларда талаффуз ниҳоятда секинлашган. Улардаги биринчи *ёғоч* сўзининг ҳар бир товушига 88 мсек., *болга* сўзининг ҳар бир товушига 78 мсек., *арра* сўзининг ҳар бир товушига 70 мсек. ва охириги *михни* сўзининг ҳар бир товушига 60 мсек.дан вақт сарфланган. Бу дарак гаплардаги ҳар бир товушга бериладиган вақт даражасидадир. Яъни у уюшиқ бўлақлар темпига монанд ҳолда сўнги бўлақка томон тезлаша борган. Бу тезлик феъл кесимда ҳам сақланган.

Уюшиқ бўлақларнинг темпи охирига томон кучая бориши мазкур мисолдаги ҳар бир бўлақ кетидан бериладиган паузада ҳам ўз аксини топган. У уюшиқ бўлақлардаги *ёғоч* сўзидан кейин 300 мсек., *болга* сўзидан кейин 240 мсек., *арра* сўзидан кейин 200 мсек. вақтни олган. Улардан аввал қўлланган умумлаштирувчи бўлақнинг паузаси уюшиқ бўлақлар паузасидан ҳамма вақтдагидай чўзиқ келган, 360 мсек. вақтни олган.

Демак, уюшиқ бўлақ оҳанги охирига томон пасажовчи, темпи тезлашувчи ва товуш кучи асосан бир хил ўзгармас бўлади, паузалар охирига томон қисқариб боради. Унинг интонацияси мантиқ ургусини олганлиги ёки мантиқ ургули бўлақ ўрнашган позициясига қараб ундан баланд ёки паст бўлиши ва темпи билан фарқланади.

Ажратилган бўлақлар интонацияси

Гапнинг ажратилган бўлаги, гарчи у ажратилган бўлса ҳам, шу гапнинг бўлаги ҳисобланади. Ажратилган бўлақ бирор гап бўлагига қўшилиб, қўшимча мазмун илова қилади ва ўзи ундан, умуман гап интонациясидан ўз интонацияси билан ажратилган бўлади. Шу интонацияси билан кўзга ташланади¹. У интонациянинг оҳанг, мантик урғу, темп ва пауза компонентлари бўйича гап интонациясидан фарқланади. Бунда интонациянинг товуш кучи ва тембри каби компонентлари аҳамият касб этмайди.

Гапнинг ажратилган бўлаги гап таркибида келар экан, ундаги бошқа бўлақлар, деярли ёндош бўлақларидан товуш баландлиги, оҳанги, паст бўлиши билан ажралиб туради². Масалан: *Янги клуб, катта залда, ўтган куни бўлди бал* (Қ. Муҳаммадий). Бу гапдаги ўрин ҳоли вазифасида қўлланган *катта залда* бирикмаси ажратилган бўлақдир. Гапдаги *янги клуб* бўлаги ҳол вазифасида, *ўтган куни* бўлаги пайт ҳоли ва *бўлди бал* бўлаги кесим вазифасида қўлланган. Бу гапдаги *янги* сўзининг биринчи ва иккинчи бўғин унлиси, шунингдек *клуб* сўзининг унлиси 182 гц.; *катта* сўзининг ҳар икки бўғин унлиси 165 гц.; *залда* сўзининг биринчи бўғин унлиси 154 гц., иккинчи бўғин унлиси 171 гц.; *ўтган* сўзининг биринчи бўғин унлиси 187 гц., иккинчи бўғин унлиси 220 гц.; *куни* сўзининг биринчи бўғин унлиси 180 гц., иккинчи бўғин унлиси 196 гц.; *бўлди* сўзининг биринчи бўғин унлиси 170 гц, иккинчи бўғин унлиси 153 гц.; *зал* сўзининг унлиси 154 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Гапдаги *катта залда* ажратилган бўлагининг унлилари товуш баландлиги ўзидан аввалги бўлақ унлилари товуш баландлигидан 20 гц. атрофида, ўзидан кейинги бўлақ унлилари товуш баландлигидан 15–35 гц.лар атрофида паст. Яъни гап оҳангининг энг паст жойи ажратилган бўлакка тўғри келади. У гапда пасажовчи оҳангга тўғри келиб, ҳеч маҳал кўтарилиувчи оҳангни юзага келтирмайди. Чунки ажратилган гап бўлақлари берган хабар ҳамма вақт иккинчи даражали характерда бўлади. Бу айрим адабиётлардаги, ажратилган бўлақлар кўтарилиувчи оҳангда бўлади³, деган қарашни инкор қилади.

¹ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ, Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. 125-б.; Абдурахмонов Ғ. А. Мураккаб гап синтаксиси // Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис / Ғ. А. Абдурахмонов таҳр. ост. –Тошкент: Фан, 1966. 225-б.; Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. –Тошкент: Фан, 1969. 27-б.

² Қрғ.: Абдурахмонов Ғ. А. Мураккаб гап синтаксиси. –226-б.; Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. 27-б.

³ Қрғ.: Абдурахмонов Ғ. А. Ўша асар. 226-б.; Болтабоева Ҳ. Ўша асар. 27-б.

Айрим адабиётларда: “Якка, ёйиқ ажратилган бўлақлар ўзига хос интонация билан бирга кучли логик урғу (мантиқ урғуси) ни олади,” – деган қарашлар ҳам бор¹. Бу қарашга ҳам юқорида айтилган фикрни қайта келтиришга тўғри келади. Ажратилган гап бўлақлари, ҳақиқатан ҳам, фақат иккинчи даражали хабарни, маълумотни келтиради. У ўзи алоқадор бўлақ маъносига аниқаниқ, тўлалиқ, изоҳ илова қилади. Лекин булар айтилмоқчи бўлган хабар, маълумот гапдаги бирор бўлақ томонидан келтирилиб бўлгач, унга қўшимча бўлади. Мантиқ урғуси гапда берилмоқчи бўлган мазмуннинг биринчи мўлжалда турган ва тингловчига дастлаб етказилиши, таъкидлаб берилиши шарт ҳолдаги бўлагига тушади². Ажратилган гап бўлагига гапни шакллантириб бўлгандан кейин аниқ бўлмаган чаласини тўлдириш мақсадида унга илова қилинган бўлақ ҳисобланади. Шунинг учун, у ҳақда изоҳ берилар экан, мантиқ урғуси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Гапда мантиқ урғуси тушган бўлақ ўзбек тилида гап оҳангининг кескин кўтарилган жойидаги бўлақда бўлади. Ваҳоланки, ажратилган гап бўлагига гап оҳангининг кескин пасайган нуқтасидир.

Ажратилган гап бўлақларида темп ҳам ўзига хос бўлади. Унда гап темпига нисбатан маълум даража тезлашиш кузатилади. Бу кўпроқ гап охирида берилган ажратилган бўлақларга хосдир. Гап ўртасида қўлланган ажратилган бўлақлар темпи секин келиши, яъни товушлари нисбатан чўзиқ бўлиши ҳам мумкин. Бу ажратилган бўлақ хусусияти билан эмас, балки унга берилган эмоционаллик билан боғли бўлади. Масалан, юқорида берилган гапнинг ажратилган бўлагига эмоционаллик бор ва ундаги товуш шу гап бўлагига атрофидаги бўлақлар товушидан анча чўзиқ, лекин товуш баландлиги паст қайд этилган.

Ажратилган гап бўлақлари гап таркибида ҳам паст оҳанг, ҳам тез темп билан берилишига яна бир мисол келтириб кўрамиз: *Уста Турдиали бўламан, колхозда аравасоз* (А. Қаҳҳор). Бу гапда ажратилган бўлақ *колхозда аравасоз бўлиб*, у изоҳловчи вазифасини ўтаган. Ундаги талаффуз темпи анча тез берилган бўлиб, *колхозда сўзининг* ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 60 мсек., *аравасоз сўзининг* ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 65 мсек. вақтда қайд этилган. Ваҳоланки, уни таркибига олган гапдаги товушларга ўрта ҳисобда 72 мсек. вақт сарфланган. Товуш баландлиги ҳам гапнинг асосий бўлақлари бўғинларидагига нисбатан анча паст. У боғланиб келган эга вазифасидаги *Турдиали*

¹ Қриг.: Абдурахмонов Ф. А. Ўша асар. 226-б.; Болтабоева Ҳ. Ўша асар. 28-б.

² Қриг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –С. 222; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. –S.1129.

атоқли отининг биринчи бўғин унлиси 190 гц., иккинчи бўғин унлиси 200 гц., учинчи бўғин унлиси ҳам 200 гц., тўртинчи бўғин унлиси 180 гц. товуш баландлигига эга. Ажратилган бўлақларнинг энг баланд талаффуз этилган учинчи бўғин унлиси 170 гц. бўлиб, энг сўнгги бўғини энг паст 160 гц. билан берилган. Улардаги фарқ яққол кўзга ташланиб турибди.

Ажратилган гап бўлақлари гап таркибида қўлланар экан, улардан пауза воситасида ажратиб талаффуз этилади. Бу деярли адабиётларда қайд этилган¹. У ўзбек тилидан бошқа тиллардаги синтаксисга бағишланган асарларда ҳам айтилган². Ажратилган бўлақ олдидан берилган пауза зарурий моҳиятга эга бўлиб, йирик пауза ҳисобланади. У биз олган экспериментал таҳлилларда 340 мсек.дан тортиб 360 мсек.гача бўлиши кузатилади. Биз олган экспериментал таҳлиллар эса 20дан ортиқ мисол доирасида эди. Юқоридаги берилган икки мисолда ҳам у 340 мсек. чўзиқликда қайд этилган. Бу ҳолат кўпроқ ажратилган бўлақ гап охирида берилганда кузатилади. Бунда гап тугал ҳисобланиб, тугаллик паузасини олади. Кетидан берилган ажратилган бўлақ мустақил предикация сифатида қайд этилади.

Ажратилган бўлақ интерпозицияда қўлланганда, ундан олдин берилган пауза ҳам юқоридагига ўхшаш тўла чўзиқликка эга бўлади, яъни 340 мсек.дан 360 мсек.гача ораликда кузатилади. Ажратилган бўлақ кетидан деярли пауза кутилмайди. Чунки у ўзи семантик жиҳатдан аниқлик, тафсилот, характер бериб келган бўлақни бошқарган бўлақ билан грамматик алоқа мослигида бўлади. Шу сабабли у билан орага пауза берилмаган ҳолда талаффуз қилинади. Масалан: *Энди ярим пиёла қон, одам қони, керак* (А. Қаҳҳор). Бунда

¹ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 125-б.; Абдурахмонов Ғ. А. Ўша асар. 226-б.; Мирзев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-нашр. 208-б.; Болтабоева Ҳ. Ўша асар. 27-б.

² Қрғ.: Березин В. М. Обособленные дополнения и обстоятельство // Русский язык в школе. –1937, № 5. –С. 44; Демирчизада А. З. Табели мураккаб чўмлаалар // Азербайджан мактаби. –1948. 1-сон, 32-с.; Абдуллаев А. З. Обособление в современном азербайджанском языке. Дисс. ... канд филол. наук. Баку, 1953; Ҳозирги туркмен диалнде айиргичли сөз дүзүмлари // Туркменский филиал АН СССР. –Ашгбат, 1951. № 4; Фирсов Г. П. Обособленные второстепенные члены предложения. –М., 1956. –С. 133; Arssenjew A. M., Gassilowitsch E. W., Samrshizkaja A. A., Tereschenkowa R. A., Zyganowa N. A. Grammatik der deutschen Sprache. –М., WSCN, 1963. –С. 292; Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. II. Синтаксис. –М.: Просвещение, 1968. –С. 228; Иванова И. П., Бурлакова В. В., Почепцов Г. Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. –М.: ВШ, 1981. –С. 228; Гак В. Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. –М.: ВШ, 1988. –С. 88.

гапнинг эгаси вазифасидаги қон сўзидан сўнг 340 мсек. чўзиқликда пауза берилиб, кейин ажратилган бўлак *одам қони* бирикмаси келтирилган. Ажратилган бўлақдан кейин ҳеч қандай пауза ўрин олмай, гапнинг кесими вазифасидаги *керак* сўзи қайд этилган. Ажратилган бўлак ажратилган изоҳловчи бўлганлиги учун ҳам, у эга каби кесим билан предикацияни юзага келтирган ва шу мазмунга асосланган ҳолда бўлиб, улар орасида пауза қўлланмаган. Унинг бўлмаслиги қонуниятдир¹. Юқорида А. Қаҳқордан: *Мен Турдиали бўламан, колхозда аравасоз*, гапини келтириб, *колхозда аравасоз* ажратилган бўлак эканлиги ва олдидан 340 мсек. чўзиқликда пауза берилганлигини айтган эдик. Агар гапни қайта трансформация қилиб, *Мен Турдиали, колхозда аравасоз, бўламан*, деб ўзгартирадиган, яъни кесимни ажратилган бўлақдан кейинга олсак, улар жипс боғланишда бўлади ва ўртасига пауза берилайди. Ажратилган бўлак билан кесим ўртасида паузанинг бўлмаслиги ва уларнинг жипс, ўзаро алоқада эканлиги ажратилган бўлак гап бўлаги ҳолатида қолганлигини кўрсатади. Яъни у гап бўлаги вазифасидан чиқиб кетмайди². У интонацион ажратилган бўлса ҳам, гапнинг махсус бўлаги сифатида қолади. Бу берилган фикрларни Ҳ. Болтабоева ўз ишида ҳақли равишда таъкидлаган³.

Таниқли тилшунос олим А. Ғ. Ғуломов: *Келди онам, меҳрибон, биз ўтирдик ёнма-ён*, мисолини келтириб, *меҳрибон* сўзини ажратилган бўлак, деб қайд этади. Унинг кўрсатишича, икки томонида пауза бор⁴. Бизнинг экспериментал таҳлилимизда ҳам мисолдаги ажратилган бўлақдан кейин 230 мсек. вақт олган пауза борлиги аниқланди. Бироқ кейинги шу пауза ажратилган бўлак талаби билан эмас, балки икки содда гапни чегаралаш талаби билан, деб қаралиши керак. Бошқа ўринларда ҳам ажратилган бўлақдан кейин пауза кутиш мумкин. Ажратилган бўлак изоҳлаб, тафсилот бериб, аниқлаштириб келган бўлакнинг ҳоким бўлаги ёйиқ бўлиб, алоҳида такт талаб қилса, ундан пауза билан ажратилади. Масалан: *Ўлмасларнинг қўшиниси, бойнинг хизматкори Алижон, кўчни аравага юклади* (Е. Шукуров), гапида *бойнинг хизматкори Алижон* қурилмаси ажратилган бўлак бўлиб, гапнинг эгаси вазифасидаги *қўшиниси* сўзининг ажратилган изоҳловчиси

¹ Ҳ. Болтабоева, ажратилган бўлақлар айрим ҳолларда, кўпроқ феъл кесимли гапларда, кетидаги бўлақдан пауза билан ажратилмайди, деб қарайди. Қрнғ.: Болтабоева Ҳ. Ўша асар. 29-б.

² Қрнғ.: Греч Н. И. Практическая русская грамматика. –А.: Спб., 1827. –С. 161.

³ Қрнғ.: Болтабоева Ҳ. Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Қрнғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 125-б.

ҳисобланади. У билан кўчи аравача юкларди қурилмаси кесим састави сифатида предикацияга киришган. Эганинг вазифасини изоҳловчи ҳам ўташи мумкин бўлгани учун, ажратилган изоҳловчи билан кесим састави бирикиб, паузасиз талаффуз этилиши керак эди. Аммо ажратилган бўлак ҳам, кесим састави ҳам алоҳида қурилмалардан иборатлиги уларнинг мустақил такт сифатида қайд этилишини талаб қилади. Натичада, улар ўзаро тактга хос қисқа 90 мсек. чўзиқликда пауза билан ажратиб талаффуз этилган. Яъни интонациядаги ажратилган бўлак кетидан пауза талаб қилинмайди, баъзан қўлланиб қолган пауза ҳам ажратилган бўлак талаби билан эмас, бошқа нутқ ҳодисалари талаби билан юзага келган бўлади.

Шу ўринда юқорироқда берилган биринчи мисол: *Янги клуб, катта залда, ўтган кунни бўлди бал*, гапини қайта эслашга тўғри келади. Ундаги *катта залда* бирикмаси ажратилган ҳол вазифасини ўтаган. У икки томонидан пауза билан ажратилган.

Ўзбек тилидаги гаплар олдида ажратилган бўлак қўлланмайди.

Демак, ажратилган бўлак интонациясининг оҳанг компоненти умумий гап оҳангига нисбатан тушувчи ҳолатда бўлади ва уларга мантиқ урғуси бериламайди. Чунки у иккинчи даражали мазмунни илова қилувчи қўшимча бўлақдир. Агар ажратилган бўлак маъноси эмоционал характерда бўлса, у эмфатик урғу олган бўлаққа хос чўзиқ темп ва товуш баландлиги юқори бўлади. У гап темпига нисбатан тез талаффуз этилади.

Ундалмалар интонацияси

Ундалмалар гап бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам қўлланади¹. Улар, биздаги далиллар кўрсатишича, нутқда мустақил қўлланиши ҳам мумкин. Шу мавқеларига кўра улар ўз интонациясига эга.

Ундалма ҳамма вақт юқори товуш баландлиги билан талаффуз этилади ва унга чўзиқ вақт сарфланади. Мабодо у ёлғиз ўзи, бирор буйруқ гапга мантиқий боғланмай қўлланса ҳам, у баланс товуш ва чўзиқ ҳолатда қўлланаверади ва, ҳатто, кучли қайд этилиши мумкин. Унинг бундай қўлланиши сўзловчининг ҳузурдаги шахсга нисбатан анча кучсиз бўлади. Агар сўзловчи ҳузурдаги шахсни

¹ Қрғз.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 153-6.; Arsenjewowa M. O., Gassilewischt E. W., Sambrizkaja A. A., Tereschenkowa K. A., Zyganowa I. A. Grammatik der deutschen Sprache. –S. 212; Абдурахмонов мураккаб гап синтаксиси. 205-6.; Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. II / –С. 195; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. II Band. –S. 1113.

Носир! атоқли оти билан ўзига қаратиш учун қўлласа, сўзнинг биринчи бўғин унлиси 185 гц., иккинчи бўғин унлиси 197 гц. товуш баландлигида бўлади. Унинг ҳар бир товушига 91 мсек. вақт сарфланади. Бу атоқли от кўринмай турган шахсни куч билан чақирришга қаратилса, ундаги бўғин унлиларининг товуш баландлиги 20–25 гц. ортади, товуш чўзиқлигида эса катта ўзгариш бўлиб, биринчи бўғин унлиси 335 мсек., иккинчи бўғин унлиси 240 мсек. гача чўзилади. Эҳтимол, ундан ортиқ бўлиши ҳам кузатилади. Ундаги товуш кучи, айниқса, биринчи бўғинда бўлиб, 8–9 мм. амплитудагача кўтарилиши мумкин.

Ундамалар кўпинча буйруқ гап олдидан берилади. Бунда ундалма товуш баландлиги ва кучи юқори товушлари чўзиқ талаффуз этилади. У шу ҳолда буйруқ гапга илова қилинган ва ундан чўзиқ пауза билан ажратилган бўлади. Бу ҳақда “Буйруқ гап интонацияси” сарлавласи остида алоҳида тўхтаб, *Назир, сен ҳовлига чиқиб тур!* гапини таҳлил этиб кўрилган эди. У ерда ундалма товуш баландлиги ва кучи юқори, чўзиқ товуш ва 310 мсек. пауза билан гап интонациясига дахлсиз ҳолда илова қилинганлиги айтилган эди.

Ундалма гап таркибида препозицияни эгаллаб, оҳанги кўтарилувчи характерда бўлганидай, постпозицияни эгаллаганида ҳам кўтарилувчи характерда кўзга ташланади. Масалан: *Яна нима балони бошляясан, азизим?* (Э. Ёқубов). Бу гапда ундалма азизим сўзидир. Унинг биринчи бўғин унлиси 130 гц., иккинчи бўғин унлиси 160 гц., учинчи бўғин унлиси 180 гц. товуш баландлигида берилган. Бу ундалма ҳам кўтарилувчи оҳангга эга. Бироқ товуш баландлиги *Назир* ундалмаси даражасида эмас. Чунки *Назир* сўзи ундалма вазифасида қўлланар экан, у препозицияда берилган ва чақирриш учун ишлатилган. *Азизим* оти ундалма вазифаси билан постпозицияда берилиб, чақирриш учун эмас, нутқ кимга қаратилганлигини огоҳлантириш учун қўлланган. Чунки сўзловчи нутқини тингловчига огоҳлантириш учун, ундалма ни гапнинг тугалланмасига хос тушувчи оҳангда етказиши кифоядир. Аммо азизим сўзи от ундалма вазифасида қўллангани учун ҳам, унинг биринчи бўғин унлиси 6 мм., қолган бўғинлари унлиси 5 мм. амплитуда товуш кучи билан талаффуз этилган. Ундаги товуш чўзиқлиги унча эмас. Унинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 75 мсек. вақт берилган. Ваҳоланки, гап охирида сўз товушлари ками билан 100 мсек. вақт олиши керак эди. Яъни гап охиридаги ундалмага қисқа вақт берилади. Шунинг учун ҳам, унинг олдидан қисқа пауза берилади. *Азизим* ундалмасидан олдин ҳам 100 мсек.ли пауза қайд этилган.

Ундалма интерпозицияда қўлланса, ундан олдин қисқа ва кейин чўзиқ пауза берилади. Унинг оҳанги одатдагидай кўтарилувчи бўлиб, товуш кучи ҳам охириги бўғин унлиси томон ортиб боради, товуш чўзиқлиги ўртача ҳолатда берилади. Агар ундалмага эмоционаллик берилса, товуш баландлиги ҳам, чўзиқлиги ҳам ортади¹. Аммо ундаги кўтарилувчи оҳанг ва чўзиқликнинг орта бориши нисбати сақланади. Масалан: *Ҳаққингни ол, ишчилар, яшов давринг сенинг* (Ҳамза). Бу гап таркибидаги *ишчилар* сўзи ундалмадир. Унинг биринчи бўғин унлиси 170 гц., иккинчи бўғин унлиси 208 гц., учинчи бўғин унлиси 209 гц. товуш баландлигига эга. Унинг товуш кучи биринчи бўғин унлисида 5 мм. ва иккинчи, учинчи бўғин унлисида 6 мм. амплитудадаир. Бу сўз эмоционал ифода беради. Унинг эмоционал ифодаси товуш чўзиқлигида ҳам акс этган. Ундалма эмоционаллиги интонациянинг барча компонентларида ўз аксини топган. Бу ундалманинг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 103 мсек. вақт олган. У олдидаги гап бўлагидан 30 мсек., кетидаги гап бўлагидан 360 мсек. пауза билан ажралган. У ундалма эмоционаллигига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Демак, ундалмалар бирор гапнинг барча позициясида ҳам акс этиши мумкин. Ҳамма ҳолатда ҳам товуш баландлиги ва кучи юқори, тезлиги паст характерда бўлиб, гапдан пауза билан ажралади. Унинг олдида пауза қисқа ва кетида чўзиқ бўлади. У гап интонацияси учун дахлсиздир. Эмоционалли товуш баландлиги ва кучи, темпига таъсир этади.

Ундашлар интонацияси

Ундашлар асосан *эй, вей, ҳей, ҳай, ҳой, ҳов* каби ундовлардан иборат бўлиб, асосан моносиллабикдир. Улар интонацияси ҳам мана шу моносиллабиклигига яраша шакланган. Улар нутқда ёлғиз қўлланар экан, деярли кучли интонация билан берилади. Бу шахснинг чақирилиши билан боғлиқдир. Унинг унлисига берилган товуш кучи 8–9 мм. амплитудагача, товуш баландлиги 200 гц.гача боради. Чақирилувчи шахс узоқроқ бўлса, товуш 20–25 гц. баланшлашуви мумкин. У бу хусусияти билан ундалмаларга жуда яқин туради.

¹ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 152-б.; Абдураҳмонов Ғ. А. Мураккаб гап синтаксиси. 288-б.; Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. II. С. 196; Абдураҳмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксик. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 101-б.; Скобликова Е. С. Современный русский язык. Синтаксис простого предложения. –С. 228.

Ундашлар бирор гапга мантиқан боғланиб келар экан, ҳамма вақт улар олдидан берилади ва гапдан пауза билан ажратилади. Ундаш фазаси кучли бўлади ва у гапнинг мантиқ урғуси берилган бўлаги олдида келади. Масалан: *Вей, бу ёққа кел!* Бу гапдаги *вей* сўзи ундаш вазифасида келган. Унинг унлисидаги товуш баландлиги 201 гц. бўлиб, товуш кучи 5 мм. амплитудадир. Ундаги товуш чўзиқлиги 140 мсек. давом этган. Ундаш буйруқ гапга қўшилиб келиб, интонацияси унга илова қилинган. Буйруқ гапдаги *бу ёққа* сўзи ўрин ҳоли бўлиб, мантиқ урғуси унга тушган. Унинг биринчи ва иккинчи бўғинлари унлиси 200 гц., учинчи бўғини унлиси 170 гц. бўлиб, феъл кесимининг унлиси 154 гц. эканлиги ҳолда, гап тушувчи оҳангдир. Оҳангнинг энг юқори нуқтаси ундашда бўлиб, мантиқ урғули бўлак билан оҳанг жиҳатдан ўзаро мослашган.

Ундаш унлисига ва у билан бирга қўлланган гап бўлақларининг товуш кучи деярли бир хил – 5 мм. амплитуда билан талаффуз этилган. Фақат феъл кесимнинг унлиси 4 мм. амплитудага тушган.

Ундаш гапга қўшилар экан, ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 120 мсек.дан вақт олган. Гап темпи ниҳоятда тез бўлиб, ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 59 мсек. дан вақт сарфланган. Бу ундов гап интонациясига хосдир.

Демак, ундашлар деярли моносиллабик бўлиб, фақат препозицияда қўлланади. Улар интонацияси ҳам ундаалмаларга ўхшаш ўзгаришсиз буйруқ гап интонациясига илова этилади ва интонацион хусусияти билан ундаалмаларга жуда ўхшаб кетади.

Кириш сўз ва унинг қурилмаси интонацияси

Кириш сўз ва унинг қурилмаси сўзловчининг айтилаётган фикрига муносбатини билдириб, ўзи мантиқан боғланиб келган гапга грамматик алоқада бўлмаган синтактик бирикмадир. Улар уч хил шаклда бўлади: 1) кириш сўз, 2) кириш бирикма, 3) кириш гап.

Кириш сўз ҳам, кириш бирикма ҳам, кириш гап ҳам гапнинг барча позициясида ўрин олши мумкин¹. Улар маълум гапга илова сифатида орттирилиб, унинг қурилишига ўзгариш киритмайди, лекин мазмунига ва интонациясига қўшимча ўзгариш беради². Гап таркибида берилган кириш гап бўлақлари бўғин унлисининг товуш баландлигига нисбатан, деб кўрсатилади адабиётларда, паст товуш

¹ Қрнғ.: Матусевич М. И. Современный русский язык. –С. 250.

² Қрнғ.: Ғудомов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 156-б.; Матусевич М. И. Ўша дарслик. Ўша бет.

баланддигига эга бўлади¹. Лекин ўзбек тилида кириш сўз гап бошида қўлланганда, унинг бўғинлари унлисидаги товуш баландлиги нисбатан юқори бўлади. Масалан: *Фақат сенмас мени алдаган*. Ундаги кириш сўз *фақат* юкламасидир. Унинг биринчи бўғин унлиси 200 гц., иккинчи бўғин унлиси 182 гц. балан талаффуз этилган. Кейинги кесим вазифасидаги *сенмас* сўзининг биринчи бўғин унлиси 175 гц., иккинчи бўғин унлиси 180 гц.; *Тўлдирувчи мени сўзининг биринчи бўғин унлиси 169 гц., иккинчи бўғин унлиси 162 гц.; аниқловчи алдаган сўзининг биринчи бўғин унлиси 179 гц., иккинчи бўғин унлиси 150 гц., учинчи бўғин унлиси 160 гц.* товуш баландлигига эга. Гап оҳангининг энг юқори нуқтаси кириш сўзда бўлиб, тушувчи характердадир. Кириш сўз гап оҳангининг энг юқори нуқтасида келишига сабаб унинг эмоционалликка эга бўлиши ҳамдир. Бу кўп ҳолларда кузатилади².

Товуш кучи фақат кириш сўзнинг биринчи бўғин унлисида 6 мм., иккинчи бўғин ва гапнинг қолган бўғин унлиларида 5 мм. амплитуда билан берилган. Биринчи бўғин унлиси амплитудасининг юқорилиги унинг эмоционаллиги билан боғлиқ.

Товуш темпи кириш сўзда, адабиётларда қайд этилганидай, гапдаги умумий талаффуз темпига нисбатан ҳамма вақт тез бўлади³. *Фақат* кириш сўзининг ҳам ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 62 мсек. вақт олган. Бу буйруқ гап талаффузи тезлигига тенг. Ваҳоланки, мазкур гап дарак гапдир. Бу гапнинг ҳар бир товуши ҳисобига 79 мсек. вақт сарфланган. У эмоционалликка эга бўлишига қарамай, темпини йўқотмаган.

Кириш сўзлар ўзи мантиқий боғланган гапдан ҳамма вақт ажратиб талаффуз этилади⁴. Аммо у препозицияда гапдан жуда қисқа пауза билан ажратилади. *Фақат* кириш сўзи ҳам гапдан 80 мсек. ли пауза билан ажратилган. Мазкур кириш сўз берилган гап шеър мисраси сифатида қўлланган ва туроқ кесимдан кейин жойлашган. Поэтик қонуниятга кўра пауза кириш сўзидан кейин эмас, гапдаги кесим кетидан берилиши керак эди. Бу ўринда шоир такт ўрнини назарда тутта билмаган.

¹ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқаова М. А. Ўша дарслик. 157-б.; Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. –С. 180; Матусевич М. И. Ўша дарслик. Ўша бет.

² Қрғ.: Ғуломов А. Ғ. Асқарова М. А. Ўша дарслик. Ўша бет.

³ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. Ўша бет.

⁴ Қрғ.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 156-б.; Матусевич М. И. Ўша дарслик. –С. 251.

Постпозициядаги кириш сўз эмоционал бўлмаса, у ўзи бириккан гапга нисбатан паст оҳангда берилади.

Кириш сўз постпозицияда гап оҳангига нисбатан паст оҳангда ва тез темпда талаффуз этилади. Лекин кириш сўзнинг сўнги говуши ниҳоятда чўзиб юборилади. Бу гап тугалланмасига хос хусусият билан мослашган томонидир. Кириш сўз ўзи мантиқий боғланган гапдан жуда қисқа пауза билан ажратилиб талаффуз этилади. Масалан: *У.. зулмга қариши бош кўтарган эди, холос* (Ойбек). Бу гапдаги *холос* сўзи кириш сўзи вазифасини ўтаган. Унинг биринчи бўғин унлиси 119 гц., иккинчи бўғин унлиси 100 гц. говуш баландлигида, жуда паст. У мантиқан кўшилиб келган гап бўлақларининг бўғинлари унлилари ўртача 150–160 гц. баландлиқда, айримлари 176 гц., энг ками 137 гц. баландлиқда талаффуз этилган. Энг паст талаффуз этилгани ҳам кириш сўз олдидан берилган.

Кириш сўз билан у мантиқий боғланиб келган гап бўлақлари бўғини унлисига берилган говуш кучи ўзаро унча катта фарққа эга эмас.

Говуш темпи кириш сўзга келганда жуда тезлашган. Унинг ҳар бир говушига ўрта ҳисобда 55 мсек. вақт сарфланган, бироқ сўнги говуши 170 мсек. вақт олган. Ваҳоланки, гап темпи ҳар бир говушига ўрта ҳисобда 70 мсек. вақт берилган. У гапдан 20 мсек. чўзиқликдаги пауза билан ажратилган. Бу унинг гапга интонацион анча жипс боғланганлигини кўрсатади.

Кириш сўзлар гап ўртасида ҳам қўлланади. У бунда ҳам юқори оҳанг, тез темпга эга бўлиб, ўзи мантиқан алоқада бўлган гапдан пауза билан ажратиб талаффуз этилади. Масалан: *Ҳали ҳам бахт эрур, ахир, севилмоқ* (Х. Салоҳ). Бу гапда *ахир* сўзи кириш сўздир. Унинг биринчи бўғин унлиси 150 гц. ва иккинчи бўғин унлиси 100 гц. говуш баландлигига эга. Бу кириш сўз берилган гап бўлақлари бўғинидаги унлилар ками 168 гц. ва энг юқориси 202 гц. говуш баландлиги билан талаффуз этилган. Говуш темпи кириш сўзнинг ҳар бир говуши ҳисобига 53 мсек. бўлгани ҳолда, у киритилган гапнинг ҳар бир говушига 83 мсек. вақт сарфланган. Унинг олдидан берилган пауза 270 мсек., кетидан берилган пауза 15 мсек. чўзиқликдадир. Аммо интерпозициядаги кириш сўзлардан кейин пауза талаб қилинмайди., 15 мсек.ли пауза ҳам бўлмаслиги керак эди. Бу ўринда кириш сўз таъкид олган бўлакни алоҳида кўрсатиш мақсадида у билан жипс қўлланади. Кириш сўзлар ўзи мантиқан боғланиб келган гапнинг оҳангига нисбатан паст, темпига нисбатан

тез талаффуз этилиши ва улардан пауза орқали ажратилиши уларнинг ўша гапга илова қилинганини, қўшимча фикр берганини билдиради. Кириш предикативликни акс эттирса, кириш гап саналади. Кириш гап ўзининг мазмуни ва хусусиятлари жиҳатдан кириш сўз билан асосан ўхшашдир¹. Лекин кириш бирикма ва кириш гаплар ўзи мантиқан боғланиб келган гапдан пауза билан ажратилар экан, бу пауза анча чўзиқ бўлади. Кириш таркибининг кенгайиши уни ўзи мантиқан боғланган гапдан ажратувчи паузаси чўзиқлиги ортисини ҳам таъминлайди².

Демак, киришлар ўзлари мантиқан боғланган гапларнинг барча позицияларида ҳам қўлланади ва гап оҳангига нисбатан паст талаффуз этилиб, тез темп билан қайд этилади, эмоционалликка эга бўлса, аксинча ҳолат кузатилади. Кириш сўзлар гапдан қисқа пауза билан ажратилади. Интерпозициядаги кириш сўз олдидаги пауза чўзиқ бўлиб, кетидан пауза келмаслиги ҳам мумкин.

Киритма гаплар интонацияси

Киритма гаплар ўзи киритилган муайян таркибли гапга қўшимча тариқасидаги, йўла-йўлакай янги маълумот илова қилувчи гапдир. У фақат гап ҳолатида бўлади.

Киритма гап ўзи киритилган гапнинг фақат ўртасида келади. Чунки у киритилган асосий гап бошлангач, ундаги бирор бўлакка қўшимча маълумот илова қилади. Бу унинг интерпозицияда келишини белгилайди³. У ўзи киритилган гапга кўра паст оҳангда ва тез темпда талаффуз этилади⁴. Бу жиҳатдан у кириш гапларга ўхшайди. Киритма гапларнинг икки томонидан бериладиган пауза даражаси ҳам кириш гаплар паузаси даражаси билан бир хил. Масалан: *Ўша болани (у етим эди) меҳрибонлик уйига беришди*. Мисолдаги *У етим эди*, гапи киритма гапдир. Бу гапнинг эгаси вазифасидаги у олмоши 91 гц., *етим* сўзининг биринчи бўғин унлиси 140 гц., иккинчи бўғин унлиси ва *эди* ёрдамчи феълнинг ҳар икки бўғин унлиси 100 гц. товуш баландлигида талаффуз этилган. Улардаги товуш баландлиги жуда паст. Ваҳоланки, у киритилган гапдаги сўзларнинг бирортаси бўғинидаги унли 160 гц.дан паст эмас. Ҳатто, у билан ёндош *болани* сўзида ҳам 167 гц., иккинчи бўғин унлиси 172 гц., учинчи бўғин унлиси 168 гц. товуш баландлигига эга. Мазкур киритма гапдаги

¹ Крнг.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. Ўша бет.

² Крнг.: Гвоздев А. Н. Ўша дарслик. Ўша бет.

³ Крнг.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ўша дарслик. 159-б.

⁴ Крнг.: Гвоздев А. Н. Ўша дарслик. Ўша бет.

ҳар бир товуш темпи 49 мсек.га тўғри келади. У дарак гап. Дарак гапларнинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 85 мсек. вақт сарфланади. У киритилган гап ҳам дарак бўлиб, темпи ўша меъёрга тенглашади. Киритма гап бир гап ҳолатида эканлиги учун ҳам, икки томонидан йирик пауза билан ажратилган. Унинг олдидаги пауза 480 мсек., кетидаги пауза 390 мсек. чўзиқликка эга.

Кўчирма гап ичига киритилган муаллиф гапини ҳам ифода хактерига кўра киритма гапга тенглаштириш мумкин. Унинг ҳам интонацияси киритма гап интонациясидан фарқ қилмайди. Масалан: *Тўғри, – деди полвон, – бор.* Ундаги муаллиф гапи *деди полвон* бўлиб, киритма гапга тенг. Унинг кесими вазифасидаги *деди* феълнинг биринчи бўғини унлиси 144 гц., иккинчи бўғин унлиси 135 гц., эгаси вазифасидаги *полвон* сўзининг биринчи бўғин унлиси 140 гц., иккинчи бўғин унлиси 130 гц. товуш баландлигига эга. Улардан энг юқори товуш 144 гц. баланддир. Кўчирма гапга мансуб *тўғри* сўзининг биринчи бўғин унлиси 160 гц., иккинчи бўғин унлиси 183 гц., *бор* сўзининг унлиси 168 гц. баланд талаффуз этилган. Кўчирма гапнинг энг паст талаффуз этилган унлиси киритма гапнинг энг юқори унлисидан 16 гц. юқоридир.

Кўчирма гапнинг талаффуз темпи ҳар бир товуш учун 117 мсек., муаллиф гапининг ҳар бир товуши учун 51 мсек. ҳисобланади. Яъни киритма ҳисобланган муаллиф гапи буйруқ гап темпидан ҳам тез. Унинг олдидан 580 мсек., кетидан 380 мсек. пауза берилган.

Демак, киритма гаплар ўзи киритилган гапларга нисбатан ҳамма вақт паст оҳангда ва тез темпда берилади. Улар икки гап оралигида чўзиқ пауза билан ажратилади.

Ундовлар интонацияси

Ундовлар ҳам муайян гапга киритилиб, унга эмоционаллик илова қилиши ва ўз интонациясини мустақил юзага чиқариши кузатилади. Масалан: *Вой, оворазарчилиги борми?! Бу гапда вой сўзи ундов бўлиб, ўзи қўшилиб келган гап мазмунига эмоционаллик илова қилган ва мустақил интонация билан воқеланган.* Ундаги унли 154 гц. товуш баландлиги ва 5 мм. амплитуда товуш кучига эга. Яъни ундаги оҳанг меъёрида, гап оҳангидан фарқ қилмайди. Бироқ товуш темпи суст, жуда чўзиқ талаффуз қилинган. Ундаги ҳар бир товуш ўрта ҳисобда 107 мсек. вақт олган. Ваҳоланки, у қўшилиб келган гап сўроқ гап интонациясига эга, ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 74 мсек. вақт олган. Ундов сўз эса кетидан яна 290 мсек. пауза сарфини қилган.

Бўлақларга ажралмайдиган гаплар интонацияси

Бўлақларга ажралмайдиган гаплар сирасига тасдиқ ва инкор гапларни, вокатив ва номинатив гапларни киритилди. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам интонацион бир хилликка эга. Масалан: *Ҳа, хулоса чиқарган бўлишим керак* (С. Аҳмад). Ундаги *ҳа* сўзи тасдиқ билдиради. Унинг унлиси 100 гц. товуш баланглигига эга. Бу жуда паст. У паралингвистик тасдиқ билан йўлдош қўлланган. Шунга кўра, паст талаффуз этилган. Бу сўзларнинг темпи жуда суст бўлиб, мазкур *ҳа* сўзининг ҳар бир товуши ўрта ҳисобда 125 мсек.дан вақт олган. Ваҳоланки, у мантиқан боғланиб келган гапнинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 78 мсек.дан вақт сарфланган. Бунинг устига *ҳа* тасдиқ гапидан кейин 90 мсек. пауза берилган.

Тасдиқ ва инкор гаплар ўзи мантиқан боғланган гапларнинг ҳамма вақт олдида берилади.

Вокатив гаплар *салом, жаллод, марҳамат* каби сўзларнинг гап каби ўз интонацияси билан берилишидир. Улар маълум гап билан мантиқан боғланиб келади. У мустақил ҳолда якка ўзи ҳам воқеланади. Масалан: *Жаллод!* Бу вокатив гап бирор шахсга қаратилган ундалмага ҳам ўхшайди. Аммо ундашдан кўра ҳукм, хитоб маъноси асосий ўринда туради ва шунинг учун, мустақил ҳолда бир гап сифатида берилган, ўз интонацияси билан шакллانган. Унинг товуш баланглиги биринчи бўғин унлисида 196 гц., иккинчи бўғин унлисида 221 гц.га етган. Улардаги товуш кучи ҳам 7,5 мм. амплитудага борган. Бу сўзга кетган вақт ҳам 930 мсек., яъни бир секундча бўлиб, ҳар бир товушга ўрта ҳисобда 155 мсек. вақт сарфланган.

Вокатив гаплар деярли бир ўзи қўлланиб, улар учун кўрсатилган интонация қонуният бўлади. Улар кетидан мантиқан боғланган муайян тартибли гап ҳам қўлланиши мумкин. Бунда вокатив гап интонацияси ўзгаришсиз берилиб, кетидан 300 мсек.дан тортиб 500 мсек.гача чўзиқликда пауза орттирилади.

Номинатив гаплар доимо бир ўзи қўлланади. Улар доимо эмоционалликка эга бўлгани учун, баланд оҳангда ва чўзиқ талаффуз этилади. Масалан: *Баҳор!* Бу номинатив гап вазифасидаги сўзнинг биринчи бўғин унлиси 210 гц., иккинчи бўғин унлиси 196 гц. товуш баланглигига эга, яъни юқори оҳангда. Унинг товуш кучи ҳам юқори, ҳар икки унлиси 6 мм. амплитуда билан қайд этилган. Бу сўзнинг темпи жуда суст бўлиб, унинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 112 мсек. вақт сарфланган. Ундаги товушнинг баланглиги ва чўзиқ талаффуз этилиши эмоционаллиги билан алоқадордир.

Номинатив гаплар кетидан, одатда, унинг ифодасини тасвирловчи ёйиқ гап берилади. Бу нутқдаги бир гап кетидан берилган иккинчи гап каби ўрин топади. Шунга кўра, улар ўртасида 300 мсек. дан тортиб 500 мсек.гача пауза бўлади.

Демак, бўлақларга ажратилмайдиган гаплар интонацияси ўзига хос, мустақил шаклланади. Улардаги товуш баландлиги жуда паст бўлиб, бу паралингвистика билан алоқадорлигида кузатилади. Вокатив ва номинатив гапларда товуш баландлиги жуда юқори бўлиб, у сўздаги экспрессивлиги билан боғлиқдир. Уларнинг ҳаммасида ҳам товушлар жуда чўзиқ талаффуз этилади.

Хуллас, гап инонациясида интонациянинг барча компонентлари ўз ўрнини топади. Унинг энг муҳими пауза бўлиб, гапнинг ҳажми ва чегарасини белгилаб боради. Пауза уюшиқ бўлақлар, тактлар, ажратилган бўлақлар, ундамалар, кириш ва киритмалар, бўлақларга ажратилмайдиган гаплар ажратиб, ўзи боғланган гап билан муносабатини таъминлайди. У уюшиқ бўлақлар охирига томон қисқариб боради, умумлаштирувчи бўлакнинг, ундаманинг, ажратилган бўлакнинг ва кириш, ундаш, ундов, атов гапларнинг кетидан чўзиқ қайд этилади; ундамалар, кириш ва киритмалар, ундаш, ундов, атов гаплар олдидан, ажратилган бўлақлар кетидан жуда қисқа берилади. Чунки кейингиларида унча зарур эмас.

Интонациянинг энг аҳамиятли компоненти оҳангдир. Унинг шакл топишида гап урғуси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. У гап оҳангининг энг баланд талаффуз этиладиган нуқтасида қайд этилади. Мантиқ урғуси феъл кесимли гапларнинг кесим олдидаги бўлагига, от кесимли гапларнинг кесимига тушади. У ҳеч вақт ажратилган бўлақлар, кириш ва киритмалар, ундалма кабиларда қайд этилмайди, уюшиқ бўлақларнинг бир йўла ҳаммасига берилади ёки ҳаммасига берилмай, умумлаштирувчи бўлагига юкланади. Юкланса, юқори оҳангда берилади. Эмфатик урғу эмоционаллик берилган бўлақларда бўлиб, доимо юқори оҳангда ва чўзиқ талаффуз этилади. Умуман гап оҳанги феъл кесимли гапларда мантиқ урғули бўлак томон кўтарилувчи ва кетида пасаювчи ҳолатда берилади. У от кесимли гапларда мантиқ урғули бўлак томон, асосан, пасаювчи бўлади. Ажратилган бўлак, кириш ва киритмаларда, уюшиқ бўлақларда оҳанг гап оҳангига нисбатан кескин паст бўлиб, силлиқ давом этади. Мантиқ урғуси феъл кесимга юкланса, у гап бошига чиқарилиб, тушувчи оҳангда бўлади.

Гап тиллари ўзаро темпи билан ҳам фарқланади. Дарак гапларнинг ҳар бир товушига 70–80 мсек., сўроқ гапларнинг ҳар бир то-

вушига 75–85 мсек., буйруқ гапларнинг ҳар бир товушига 50–65 мсек., истак гапларнинг ҳар бир товушига 65–70 мсек., агар гап эмоционал бўлса, товуш бошига 100–115 мсек. вақт сарфланади. Товушларга кетадиган вақт уюшиқ ва ажратилган бўлақларда кириш ва киритмаларда 50 мсек.дан ортмайди. Гап охиридаги товушларга 180–250 мсек. вақт берилади. Бўлақларга ажратилмайдиган гап 80–130 мсек. атрофида вақт сарфланиши мумкин.

Гап тембри эмоционаллик мавжуд ўринларда, матик урғуси бор бўлақларда, кенг унли қўлланган жойларда сифатли бўлади.

ХУЛОСА

Интонация ҳам гап темпи, ҳам гап оҳанги, ҳам товуш кечими доирасида тадқиқ этилиб, қуйидагича фикрлар тўхтамига келинди.

1. Гап интонацияси бир неча компонентлардан таркиб топади. Улар: 1) мантиқ урғуси ва эмфатик урғу; 2) гап бўлақлари бўғинидаги унлиларнинг товуш баландлиги тизими, яъни оҳанг; 3) гап бўлақлари бўғинидаги унлилар талаффузида бериладиган товуш кучи ва унинг тизими; 4) гап ёки унинг бирор бўлагига, шу бўлакнинг ҳар бир товушига кетган вақтга нисбати; 5) гап бўлақлари бўғинидаги унлилар тембри ёки сифати; 6) Гап таркибидаги такт ёки гап бўлақлари айримларини ажратиб талаффуз этиш, яъни уларга бериладига пауза, паузанинг ҳажми, ҳажм моҳияти.

2. Интонациянинг оҳанг, темп ва пауза каби компонентлари нутқ тактида ўз аҳамиятига эга бўлиб, барча компонентлари: оҳанг, товуш кучи, темпи, тембри, мантиқ ва эмфатик урғулари гапнинг характерли томонларини очиб беради.

3. Мантиқ урғуси гапларнинг ҳар қандай коммуникатив типда, эмоционал гапларда ҳам бирор бўлагига ўз аксини топади ва фақат бирор бир бўлагига воқеланади. Улар феъл кесимли гапларнинг кесими олдида, от кесимли гапларнинг кесимида берилади. Агар мантиқ урғуси феъл кесимнинг ўзига тушса, гап бошига чиқарилади. Мантиқ урғули от кесим гап бошига чиқарилса, ундаги таъкид яна ҳам кучайтирилган ва у албатта боғлама билан қўлланган бўлади. У уюшиқ бўлакка берилса, уюшиқ бўлақларнинг ҳаммасига, умумаштирувчи бўлакли бўлса, унинг ўзига юклатилади. У гапнинг ажратилган бўлагига, кириш ва киритмаларга берилмайди. Чунки улар иккинчи даражали маълумотларни ташийди. Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар, гарчи бир сўз ёки моносиллабик бўлса ҳам, у

ўз мантиқ урғуси билан воқеланади. Мантиқ урғуси лексик урғудан товуш баландлигига эга бўлади. У лексик урғу билан бир бўғинда ифода топса, унда товуш баландлигини биринчи ўринга олиб чиқади. Ваҳоланки, лексик урғу ўзбек тилида квантитатив бўлиб, товуш баландлиги ёрдамчи урғу берилган бўғин унлиларига тенг ёки улардан сал паст воқеланиши мумкин.

4. Эмфатик урғу эмоционалиги бўлган бирор бир бўлагида ва баъзан тактда ҳам воқеланади. Бунда у эмоционаллиги бўлган гапнинг ёки гап бўлаги бўғинидаги унлиларнинг товуш баландлиги ниҳояти юқори, ҳатто, 200 гц.дан юқори бўлиши билан характерланади. Улар воқеланган гап бўлаги ёки такт кетидан баъзан қисқа пауза қайд этилиши ҳам мумкин. У гапнинг кўпинча мантиқ урғуси бўлган бўлакда кучли акс этади.

5. Гап интонацияси асосан гап бўлаклари бўғини унлисига хос товуш баландлиги билан юзага чиқади. Гап бўлаклари бўғинлари унлисида берилган товуш баландлиги тизимининг энг юқори нуқтаси мантиқ урғуси воқеланган бўлак бўғинида бўлади. Гап бўлакларидаги бўғин унлиларининг товуш баландлиги мантиқ урғуси берилган бўғин унлиси томон кўтарилувчи бўлиб, ундан кейин гап охирига томон пасайиб боради. От кесимли гапларда товуш баландлиги эга ёки кесимнинг мантиқ урғусига томон кўтарилувчи бўлади. Яъни унинг товуш баландлиги учун икки юқори нуқта бор: биринчиси мантиқ урғули кесим ва иккинчиси ўзига яраша таъкид олган эга ҳисобланади. Уюшиқ бўлаklar ва ажратилган бўлаklar бошланиши билан товуш баландлиги кескин пасаяди. Айрим ҳолларда, агар эмфатик урғу олса, у юқори кўтарилади, бошқа бўлаklar унлисида товуш баландлиги ортиб кетади. Аммо ажратилган бўлак бўғинидаги унлисида товуш баландлиги мутлақо кўтариламайди. Кириш ва киритмаларда ҳам айни шу ҳолат бўлади. Ундалмалар ва ундашларда товуш баландлиги ҳолатга қараб юқори талаффуз этилади. Бўлаklarга ажрамайдиган гаплар: ундовлар, вокативлар ва номинатив гаплар унлисининг товуш баландлиги юқори берилади. Товуш баландлиги юқори бўлиши билан эмоционаллик ҳамма вақт йўлдош яшайди. Товуш баландлиги такт охиридаги икки товушда пасаяди. Улардан аввалгиси гап оҳангига нисбатан анча паст бўлиб, кетидаги маълум даража кўтарилган ҳолатда қайд этилади.

6. Товуш тембри эмфатик урғули гап ва бўлаklarда, мантиқ урғули ва лексик урғули бўғин унлисида, агар у кенг бўлса, ҳамма вақт кучли акс этади. Бу тактлар тембрига ҳам тааллуққидир.

7. Товушларнинг талаффуз этиш темпи гапларнинг турли коммуникатив турларида турлича кечади. Талаффуз темпи дарак гапларда ҳар бир товушга ўрта ҳисобда 70–80 мсек., сўроқ гапларда 75–85 мсек., буйруқ гапларда 50–65 мсек., истак гапларда 65–70 мсек. сарфланувчи тезликка эга. Яъни буйруқ ва истак гаплар тезлиги кучли, сўроқ ва дарак гапларга анча чўзиқ вақт сарфланади. Уларнинг ҳар бир товушига ўрта ҳисобда 100–115 мсек. вақт берилади. Буйруқ ва истак гаплар тезлиги охирига томон ортгани ҳолда, қолган гапларда ниҳоятда секинлашиб боради. Товушларнинг талаффуз темпи уюшиқ ва ажратилган бўлақларда, кириш ва киритмаларда товуш бошига 50 мсек. атрофида вақт сарфланади. Уюшиқ бўлақлар тезлиги охирига томон жуда тезлашиб, ҳар бир товушга ўртача вақт сарфи 45 мсек. атрофигача келади. Гаплар охиридаги товуш жуда паст тезликда, 180–250 мсек.гача бориши мумкин. Ундалма, ундаш ва бўлақларга ажратилмайдиган гапларда товуш тезлиги 80 мсек.дан тортиб 170 мсек.гача вақт атрофида кузатилади. Булар сўзловчи нутқининг тезлигига қараб кўрсатилган вақт оралиғида кечади. Такт темпи у қандай гап таркибида берилишига қараб белгиланади. Агар у эмоционал гап таркибида келса анча суст талаффуз этилади.

8. Пауза нутқда гапларни бир-биридан ажратиш, гап таркибида ажратиб талаффуз этиш, тактларни ўзаро фарқлаб қайд этиш учун қўлланади. Улар гап орасида 300 мсек.дан 500 мсек.гача давом этади. Бўлақларга бўлинмас гаплар билан ўзи мантиқан боғланиб келган гапларнинг, уюштирувчи бўлақ билан уюшиқ бўлақларнинг, шунингдек, ундалма ва ундашлар кетидан, ажратилган бўлақлар олдидан 340–360 мсек. ҳажмидаги пауза берилади. Кўчирма гаплар кетидан 500 мсек.дан ортиқ пауза берилиб, кетидаги муаллиф гапи навбатдаги кўчирма гапдан 360 мсек. пауза билан ажратилади. Кириш ва киритмалар олдидан 270–300 мсек. пауза берилади ва кетидан жуда қисқа – 15–20 мсек. пауза бўлади. Ҳар бир уюшиқ бўлақ кетида келадиган пауза бошида 340–360 мсек. ҳажмида бўлиб, охирига томон қисқара бориб, 30–40 мсек.га тушиши мумкин. Ажратилган бўлақ кетида пауза бўлмайди. Агар у такт чегарасига келиб қолса, 150 мсек.гача пауза кутилади.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ.....	3
КИРИШ	5
1-БОБ. НУТҚ ТОВУШЛАРИ.....	17
Нутқ товушларининг аспектлари	17
Нутқ товушининг акустик аспекти	18
Нутқ товушининг биологик аспекти	22
1. Нутқ органлари анатомияси	22
2. Нутқ органлари физиологияси.....	33
3. Нутқ органлари фаолияти.....	41
4. Нутқ органлари дефектологияси ва патологияси	45
Нутқ товушларининг таснифи ва тавсифи	56
Дифтонглар.....	78
Кнаклаутлар.....	85
Ундош товушлар таснифи ва тавсифи.....	87
Сонантлар таснифи ва тавсифи.....	87
Консонантлар таснифи ва тавсифи.....	97
Аспирация.....	125
Хулоса	128
2-БОБ. СИЛЛАБИКА	131
Бўгин нима?.....	131
Бўгин таркиби	139
Сўзнинг бўгинга ажралиши	142
Бўгинларнинг таркибига кўра типлари	149
Бўгинларнинг тузилишига кўра типлари	155
Бўгин ва ҳижо	159
Хулоса	169
3-БОБ. АКЦЕНТУАЦИЯ.	171
Лексик урғу	175
Отларда лексик урғу	188
Сифатларда лексик урғу.....	198
Сонларда лексик урғу.....	204
Олмошларда лексик урғу.....	206
Феълларда лексик урғу	210

Равишларда лексик ургу.....	220
Ёрдамчи сўзларда лексик ургу	224
Ёрдамчи ургу.....	231
Сўз шаклларида ёрдамчи ургу.....	238
Ёрдамчи сўзларда ёрдамчи ургу	256
Хулоса	266
4-БОБ. НУТҚ ТОВУШЛАРИ ЎЗГАРИШИ.....	268
Нутқ товуши тараққиётидаги миқдорий ўзгариш	271
Конвергенция	271
Дивергенция.....	273
Нутқ товушларидаги акустик ўзгаришлар. Редукция.....	273
Нутқ товушларининг урчиши.....	276
Нутқ товушларининг ўзаро мослигига кўра ўзгариши	286
Ассимиляция	286
Сингармонизм	294
Умлаутлашиш	299
Диссимиляция	302
Аккомодация	303
Назализация	306
Нутқ товушларининг тушиши – диереза.....	307
Анкопа.....	308
Синкопа	309
Апокопа	311
Афирезис.....	313
Элизия	314
Гаплоглогия	318
Нутқ товушларининг чўзиқликка кўра тараққиёти	320
Нутқ товушининг чўзиқликка ўтиши – геминация.....	320
Нутқ товушининг чўзиқликни йўқотиши – дегеминация.....	327
Синерезис	328
Нутқ товушларини орттириш.....	330
Протеза.....	330
Эпентеза	332
Аустеза	338
Метатеза	341
Хулоса	346
5-БОБ. ИНТОНАЦИЯ	349
Такт интонацияси.....	358
Гап интонацияси.....	369

Гапнинг коммуникатив типларида интонация.....	370
Дарак гап интонацияси	371
Сўроқ гап интонацияси	378
Буйруқ гап интонацияси.....	384
Истак гап интонацияси	388
Эмоционаликка кўра гап типлари интонацияси	390
Гапга илова қилинувчи синтактик бирликлар интонацияси	395
Уюшиқ бўлақлар интонацияси	395
Ажратилган бўлақлар интонацияси	404
Ундамалар интонацияси	408
Ундашлар интонацияси	410
Кириш сўз ва унинг қурилмаси интонацияси	411
Киритма гаплар интонацияси	414
Ундоваар интонацияси.....	415
Бўлақларга ажралмайдиган гаплар интонацияси.....	416
Хулоса	418

УЎК : 811.512.134
КБК: 81.2 Ўзб-1
М 53

Миртожиев, Миразиз Миртожиевич.

Ўзбек тили фонетикаси / М.М.Миртожиев. –Тошкент: Фан, 2013.
–424 б.

ISBN 978-9943-19-239-3

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия
этилган*

Муҳаррир: *Б.Абдулхайров*
Тех.муҳаррир: *М.Абидова*
Мусахҳиҳ: *М.Содиқова*
Саҳифаловчи: *Д.Абдуллаев*

Нашриёт лицензияси АИ №138, 27.04.2009 й.

Нашриёт рақами: з-3. Теришга берилди 04.01.2013.
Босишга рухсат этилди 01.03.2013. Қоғоз бичими 60x84¹/₁₆.
Офсет босма. Офсет қоғози. Times гарнитураси.
Ҳисоб-нашриёт т. 26,5. Шартли-босма т. 24,64.
Тиражи 300. Келишилган нархда.

ЎзР ФА “Фан” нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.
Тел/факс (8–371) 262–80–65, 262–70–40

ЎзР ФА “Фан” нашриёти оригинал-макетидан “КО‘НИ-NUR” МЧЖ
босмахонасида чоп этилди. 034-буйртма.
100097, Тошкент, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.